

китобининг биринчи қисми ниҳоясига етди. Уибу китобдан
барча мусулмон манфаат олишини Аллоҳ субханаху
ва таъалодан сўраб қоламиз

فَهِبْ

تفسیر الکفر قان

Тафсир ул Фурқон

Абдулвалий Ашуралий ўгли Андижоний

Нашрга тайёрловчи:

Абдулқудус Абдулвалий ўгли Андижоний

1- жуз

гофилмикан", деб ўйлаб қолиши мумкин. Инсон дунёда қилаётган гуноҳларининг жазосини кўрмаётган бўлса, бу бир тарафдан Аллоҳ субханаху атабою унга тавба қилиши учун фурсат бераётгани бўлса, иккинчи тарафдан жазосининг охиратга қолдираётгани белгиси ҳамдир.

Оятдаги تَعْلُونَ سِيَّلَار қِيلَاءِتْغَانَ калимасининг ҳозирги ва келаси замон шаклида келиши foят эътиборлидир. Бу нарса гўё "Эй яхуд ва насоролар! Сизлар қабоҳатни қайси даврда қилманг, Аллоҳ субханаху атабою улардан асло ғофил қолмайди! Қиёматга қадар қаерда ва қачон нима разил иш қилсангиз, Аллоҳ субханаху атабою барчасидан ҳамиша вokiфdir!" дегандек бўлади.

Яхудлар Иброҳим алайисалом ни яхудий бўлган деб, насоролар эса насроний бўлган деб ўзаро талашиб келган. Бу каби талашувлар бизнинг давримизда ҳам бўлиб туради. Мисол учун, Имом Бухорий ҳақида ўзбеклар "Ўзбек бўлган", деса, тожиклар "Йўқ, тожик бўлган", деб баҳс-мунозаралар қилишади. Фикрларини тасдиқлаш учун тарихий "далиллар"ни ҳам келтириб кўришади. Бундай жоҳиилар учун Имом Бухорий ҳаммилат бўлсалар, кифоя. Ул зотнинг тутган йўллари, тўплаган ва кейинги авлодларга ёзиб қолдиранг қимматли асарлари уларни қизиқтирумайди. Бундай тортишувлар динсизлик оқибатида келиб чиқади. Зотан Исломда ўзбек, тожик, қозоқ каби миллатлар эмас, Ислом ва куфр миллати бўлади, холос.

Мана бу оят мусулмон кишининг гувоҳликни яшириши катта гуноҳ эканлигига ишора қилмоқда. Зоро, Аллоҳ субханаху атабою мўмин бандаларига хитоб қила туриб, қуйидаги оятда марҳамат қиласди:

وَلَا تَكُنْتُمُوا الشَّهِدَةَ وَمَن يَكْرُمُهَا فَإِنَّهُ عَاقِبٌ لَّهُ مَمَّا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ سورة البقرة

Гувоҳликни яширмангиз! Ким гувоҳликни яширса, унинг қалби, албатта, гуноҳкордир. (Бақара сураси, 283 – оят)

قِيلَّكَ أُمَّةً قَدْ خَلَّتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَلَا شَهْلُونَ عَمَّا كَانُوا بِعَمَلِهِنَّ ١٤١

141. Улар ўтиб кетган умматодир. Қилган яхши нарсаларининг фойдаси ўзларига, сизлар қилган яхши нарсаларнинг фойдаси ўзингизга. Улар қилган нарсалардан сўралмайсиз¹.

بِفَضْلِ اللَّهِ تَعَالَى وَتَوْفِيقِهِ تَمَّ الْجَزُءُ الْأَوَّلُ مِنْ كِتَابٍ **شِسْرِ الْكُرْبَانِ**

نَسَأَلُ اللَّهَ أَنْ يَنْفَعَ بِهِ جَمِيعُ الْمُسْلِمِينَ، وَاللَّهُ وَلِيُ التَّوْفِيقُ

Аллоҳ субханаху атабою нинг фазли ва инояти ила "Тафсир ул Фурқон"

¹ 134 – оятнинг тафсирига қаралсин

Бизнинг йўлимиз – Китобу Суннат ва уни одамларга аслича, соғ ҳолатда етказиши. Бу йўлда биз бирон бир шахс, миллат ёки жамият манфаатларини динимиз манфаатларидан устун қўя олмаймиз.

Бунинг учун одамлар бизни ёмон кўрсинг, устимиздан бўхтон ва маломат тошлирини ёғдирсинг, турли-туман лақаблар билан атасин, мажнун десин, азобласин, қувгин қилсан, ҳибс этсин, пора-пора қилиб чопсин, биз, Китоб ва Суннат йўлидан кўз очиб юмгуңга қадар бўлса ҳам қайтмаймиз. Китоб ва Суннат йўлидан қайтишилик – жаннат йўлидан жаҳаннам йўли томон қайтиши демакдир.

Аллоҳнинг иймон **неъматини куфрга алмаштирган ва қавмларини ҳалокатга туширган кимсаларни кўрмайсизми!** Улар бу қилмишлари туфайли жаҳаннамга киурлар, жаҳаннам нақадар ёмон қароргоҳ!

Ким дунё ҳаёти ва унинг зийнатини истаса ундаиларга дунёда амалларининг ажрини тўла қилиб берамиш ва улар дунёда зиён кўрмаслар. Ўшаларга охиратда дўзахдан бошқа насиба йўқ, дунёда қилган нарсалари ҳабата бўлган ва қилаётган нарсалари ботилдир.

Сизларга бирон нарса берилган бўлса, у ҳаёти дунё матосидир. **Иймон келтирган ва Раббиларига суюнган кишилар** учун Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийроқдир.

Абдулвалий қори Ашурали ўғли Андиконий

عبد الولى بن عشرعلى الانديجانى

Низомиддин марказидаги мутасадди биродарларим менга "Мусулмон биродарларимиздан бири, Бухоролик бир имом сизни зиёрат қилмоқчи" деб, мендан фурсатимга қараб вақтни тайин қилишимни сўрашди. Уларнинг хурматларидан рад қиломай учрашув вақтини тайин қилдими қалбим ғаш бўлиб қолди. Нима бўлганда ҳам зиёратчи шўровийлар давлатидан келган эди. Тайинланган кун келгач зиёратчини олиб келишиди. Кўринишдан нурлигина киши мен билан ажойиб мулозамат билан кўришди. Менинг қалбимда ҳам бир эриш бўлди. У намланган кўзларини артиб, сўзини Аллоҳга ҳамд айтиш билан бошлади. Менинг баъзи китобларимни мудораса қилганида Аллоҳдан мен билан кўриширишни ишонқирамасдан duo қилиб сўраб қўйишини, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} унинг ишонқирамасдан қилган дуоларини ҳам ижобат қилганидан кувониб кетганини айтди. Қалбимдаги гашлик бу гаплардан сўнг кўча бошлади. Шунда у киши мендан бир вақтлар китобларимни рухсатимизсиз чоп қилиб ўқитгани учун ўзи ва биродари номидан узур сўради. Мен бу сўзларни истеҳзога олиб ўқитган китобларнинг мазмуни ҳакида сўрадим. У киши менга бирма–бир, муфассал айтиб берди. Ё Аллоҳ! Менинг китобларим темир қўргон ичидая? Кўзларим ёшга тўлди, қалбимдаги гашлик батамом кетди. Үрнимдан туриб бошқадан кўришдим. Бу инсон Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу}нинг чексиз қудрат соҳиби эканига далолат қиладиган темир қўргон ичидаги мўъжизаси устоз шайх *Абдулвалий* эди...

Кейинроқ, менга шайх Абдулвалийга Аллоҳнинг имтиҳони келиб, у кишининг мазлум бўлгани маълум бўлди. Ҳа! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} факат Ўзи суйган бандаларини имтиҳон қиласди. Колаверса, Моворуннаҳр ҳалқлари, азалдан, уламолари ва асл фарзандларини ўз вақтида қадрламасдан зое қилишлари – маъруфдир. Мен бу дунёга келиб шайх Абдулвалийдек киши билан танишиб, биродар бўлганимдан баҳтиёрман. Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} биродарим ва у кишининг оиласига улкан сабр ва дунё ва охиратда ажр берсин.

Абул Ҳасан ан-Надавий
Лакнув, Хиндистон

...Биз ўзек деган ҳалқни Шайх Абдулвалий орқали таниганимиз. Қандайдир маъюнлар, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу}нинг раҳматидан маҳрум бўлиб, Шайх Абдулвалийни қадрламаган бўлса, у киши бутун осмон ахли, қолаверса, ердаги солих кишилар наздида гоят қадирлидир. Шайх Абдулвалийни яқинлари зое қилган бўлса ҳам, у кишини олисдагилар хурмат ва иззат билан тилга олади...

Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} Юсуф ^{алайхис} га берган имтиҳонини биродарим Шайх Абдулвалийга берди. Бу имтиҳон ҳар кимга ҳам берилмайди. Демак, Шайх Абдулвалийнинг ҳалқи ҳали у киши ораларида юришига лойиқ эмас экан. Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} суйган бандасини суймаган қавм ичидаги бўлишини хоҳламайди...

Доктор Абдурроҳман
Сафар ал-Ҳавалий
Мадина Мунаввара

Бухорий биродарларим таклифига кўра буюк мухадислар юртига сафарга отландим. Сафар чоғида барча катта шаҳарларда бўлдим ва мусулмонлар

субханаху_{ва таваҳу}нинг дўсти бўлмиш Иброҳим ^{алайхис}_{салам} сизларнинг эгри йўлингизда бўлганмилар?! Уларнинг динларини сизлар биласизми ёки уларни пайғамбар этиб танлаган, сиздек гумроҳларни тўғри йўлга бошлашлик учун юборган Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} биладими?! Сизлар ростгўймисиз ёки Ягона ва Қаҳрли Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} ростгўйми?!

Эй Муҳаммад ^{алайхис}_{салам}! "Иброҳим ^{алайхис}_{салам} ва у кишининг дини ҳакида сизлар кўпроқ илмга эгамисиз ёки Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу}ми? Сизлар Таврот ва Инжилда Иброҳим ^{алайхис}_{салам} ва бошқа барча пайғамбарлар мусулмон бўлганини таъкидлаган оятларни беркитдингиз! Бундан ташқари Муҳаммад ^{алайхис}_{салам} нинг пайғамбарлигига далолат қиласдиган оятларни ҳам яширдингиз! Бундан-да қаттароқ яна қандай зулм бор?! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} сизларнинг бундай жирканч қилмишларингиздан гофил қолгани йўқ! Мана шундай бўхтон қилганингиз учун сизларни ўз ҳолингизга ташлаб қўймайди! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу}нинг билими сизларнинг барча сўзингизу амалингизни қамраб олган! Қиёмат куни Унинг азобларига дучор бўлишингиз мұкаррар! Жазоларингизни ҳасрат ва надомат кунига олиб қўйди! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу}нинг улуғ пайғамбарларига бўхтон қилишга журъат қилган разил кимсаларга ҳозирлаб қўйилган жаҳаннам ўти накадар аламли!" деб айтинг!

Яхуд ва насроларнинг ўзлари ҳам Иброҳим ^{алайхис}_{салам} ва у кишидан бошқа биронта пайғамбар яхудий ҳам, насроний ҳам бўлмаганини, балки соғ мусулмон бўлганини билишади. Боз устига Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} Куръони Каримда бу ҳақда шаҳодат берган. Шунингдек, Муҳаммад ^{алайхис}_{салам} нинг барҳақ пайғамбарлиги тўғрисидаги башоратдан ҳам хабарлари бор. Шунга қарамай улар бу ҳақиқатни яширишар эди. Шунинг учун ҳам Куръони Карим уларни улкан зулмга қўл урганлар деб ёд қилмоқда. Зоро, ахли китоблар олдиларида Таврот, Инжил ва Куръони Каримда келган Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу}нинг мана бу гувоҳлигини беркитиш билан кифояланмай, унинг мутлақ аксини изхор этишди. Бу билан улар ҳакни яшириш, уни айтмаслик, ботилни тўқиши ва тўқиган ботилларига бошқаларни ҳам чорлашдек гуноҳларга қўл уришади. Мана шундай катта гуноҳларга қўл уриш улкан зулм эмасми?! Демак, Иброҳим ^{алайхис}_{салам} нинг мусулмон бўлганини билиб туриб яширганлар Муҳаммад ^{алайхис}_{салам} нинг ҳам барҳақ пайғамбар эканликларини яшириши табиийдир.

Мана бу ўринда *Сизлар билувчироқми ёки Аллоҳми?*! деган саволга Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваҳу} билувчироқ, деб жавоб берилмади. Бундай жавобга ҳеч эҳтиёж йўқ. Зоро, "Олов иссиқми ёки музми? Ширк яхшими ёки тавҳидми? Мўмин киши яхшими ёки мунофиқми?" деган саволларга жавоб керак бўлмагани каби бу саволга жавобнинг асло ҳожати йўқ. Ақлдан заррача улуши бор киши бунинг жавоби қандай бўлишини яхши билади.

Ҳаётда гуноҳларга кўмилиб яшаётган осий кимсаларнинг фаровон яшаётганини кўрганда, ҳатто иймонли кишилар ҳам "Аллоҳ

Унга факат банда бўлсак, қандай қилиб Аллоҳ *субханаху вә таъауو*га биздан кўра яқинликни даъво қиласиз?!

Сизлар насабингизга суянасиз! Аждодингизнинг салоҳияти билан мағрурланасиз! Йўлларидан тамоман бурилиб кетиб ҳам уларнинг йўлидамиз, деб ёлғон сўзлайсиз! Зеро, Аллоҳ *субханаху вә таъауо*га солиҳ амалларни ихлос билан қилибгина яқин бўлиш мумкин. Сизнингча ўзини ва амалини ислоҳ қилиш билан эмас, аждодлари ва уларнинг амали билан нажот топиладими?!


Ҳамманинг яхши-ёмон амали факат ўзига. Биз ўз амалимиздан масъулмиз, сизлар ўз амалингиздан масъулсиз. Сизлардан фарқли ўлароқ биз ибодатни холис Аллоҳ *субханаху вә таъауо* учун қиласиз. Бандани Аллоҳ *субханаху вә таъауо*га яқин қиласиган ягона фазилат шудир. Сизлар эса мушриксиз!"

Ахли китоблар мусулмонларни динларида шубҳа уйготиш учун "Биз Аллоҳнинг ўғиллари ва Унинг суюклиларимиз, Аллоҳ бизни ҳаргиз дўзахга киритмайди", деган ҳар турли ботил даъволарни қилишди. Ҳатто журъатлари "Нима учун Аллоҳ сўнги пайғамбарни Бани Исроилдан танламади?", дейишгача етиб борди. Аллоҳ *субханаху вә таъауо* Росулуллоҳ *салаҳийа вә салам* га ахли китобларнинг ботил даъволари борасидаги тортишувларини инкор этишни буюриш билан бир халқни бошқасидан устун қўймаслигини баён қилди. Шунингдек, Аллоҳ *субханаху вә таъауо*га яқин бўлиш ибодатларни холис Унга қилиш билан бўлишини уқтириди.

Ихлос – амални қилишда Аллоҳ *субханаху вә таъауо*нинг ризолигини мақсад қилиш, қилаётган амалидан дунёни ёки одамларнинг мақтovларини умид қилмаслик, Аллоҳ *субханаху вә таъауо*га бирон нарсани шерик қилмасликдир. Ихлоснинг зидди риёдир. Ибодатларга сусткашлик қилиш, қилган амалига мақтov эштиш иштиёқида бўлиш риёнинг аломатларидандир.

Биз Аллоҳ *субханаху вә таъауо*га холисмиз, деб айта оламиزم?! Бизнинг амалларимиз холис Аллоҳ *субханаху вә таъауо* учун бўляптими?! Эртага Аллоҳ *субханаху вә таъауо*нинг хузурига олиб боришга арзидиган биронта холис амалимиз борми?! Мана шу ҳакда ҳам бир ўйлаб қўйишимиз керак!

Мана бу оят ихлос – бандани Аллоҳ *субханаху вә таъауо*га яқин қилувчи сифат эканлигига ишора қилмоқда.



140. *Балким, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва* унинг авлодлари яхудий ёки насроний бўлганлар дерсиз?! Сизлар билувчироқми ёки Аллоҳми?! Олдиаги гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан кўра ким золимроқ?! Аллоҳ сизлар қиласиган нарсалардан гофил эмас!

Эй яхудлар! Балким сизлар Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб *алайхис-салам* ва у кишининг авлодларини яхудий бўлган дерсиз! Эй насроролар! Балким сизлар уларни насроний бўлган дерсиз! Сизнингча, Аллоҳ

билан танишдим. Андижонга жума куни келдик ва Жомеъ масжида Шайх Абдулвалий билан танишдик.

Хозир мен ўша сафарнинг бошқа онларини эслолмасам-да Андижонда бўйлан кунларимни тиник эслайман. Масжиддаги исломий муҳит мени замони саодатга қайтаргандек бўлди. Бошқа бирон жойда бунча кўп ёшларни кўрмадим. Жума намози тугагач, Шайх ўз шогирдлари билан учраштириди. Улар шу даражада кўп эдики, мен одамлар кетмабти, деб ўйлабман. Орамизда таржимонсиз қизиқарли мен учун унтутилмас илмий сухбат бўлди...

Мен Шайх Абдулвалий тўғрисида кўп нарсалар айтишим мумкин, лекин кисқа қилиб айтсан, у киши етмиш йилдан зиёд Исломни пайхон қилиб ҳукм сурган худосизлик даврида улгайган авлод орасида Аллоҳ *субханаху вә таъауо*нинг мадади билан тез фурсатда ўз диёрида Қуръон ва Суннатни тирилтирган кишидир. Аллоҳ Мовороуннахр халкларига Шайх Абдулвалийнинг қадрига етишни насиб этсин...

Доктор Абдуллоҳ ал-Гунайман
Қасим, Саудия Арабистони

Москва шаҳрида бўладиган «Қуръон ва Суннатдаги илмий далолатлар» мавзусига бағишлиланган анжуманда иштирок этиш учун келдим. Танаффус пайтида суъудий биродарларим менга бир Шайхни Мовороуннахрдан, деб таништиришиди. Ҳаёлимдан тингловчи сифатида иштирок этаётган бўлса керак, деган фикр ўтди. Бошқа ишлар билан бўлиб, у кишини беъзибор колдиридим.

Танаффусдан сўнг анжуманни олиб борувчи "Хозир, шу мавзу бўйича мухозара учун сўз, муҳтарам Шайхимиз Абдулвалийга", деб ўйлон қилди. "Бу менга нотаниш шайх ким экан", деб турсам, боягина менга таништиришган киши минбар томон қўзгалди. У киши ажаб бир фасоҳат билан соғ араб тилида Қуръондаги бир оят ҳакида баҳс юритди. Аллоҳ пок ва буюқдир!

Хайратимни ифода қиломайман. Ёнимдаги биродаримдан у киши ҳакида сўрадим, кўп илиқ сўзларни айтди. Сабрсизлик билан Шайх сўзининг тутгатишни кутдим. Мухозарани ниҳоялаб ўрнига ўтириши билан одобга зид бўлса ҳам ўрнимдан туриб олдига бориб ўтиридим...

Ха, бу сиз сўраган устоз шайх Абдулвалий эди. Менинг назаримда Аллоҳ *субханаху вә таъауо*нинг Мовороуннахр халкларига Имом Бухорий, Имом Муслимлардан кейинги кўрсатган буюк инъомларидан бири -валлоҳу аълам- – Шайх Абдулвалий бўлса керак...

Эй Раббимиз! Биз Шайх Абдулвалийни Сен учун яхши кўрамиз ва у кишини Сенинг омонатингга топширамиз. Сен омонатларга хилоф қилувчи эмассан.

Доктор Абдулмажид Зиндоний
Санъо, Яман Араб Жумҳурияти

Ушбу китоб муалифини кенг оммага, хусусан, кейинги вақтда у кишини эшитиб билган китобхонларга танитиш мақсадида Ислом оламида танилган баъзи олимларнинг сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Илмий – таҳририй ҳайъат

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ وَسَلَامٌ عَلَى عِبَادِهِ الَّذِينَ اصْطَفَى، إِنَّمَا بَعْدَ

Азиз Биродарим! Танҳо ва чексиз кудрат соҳиби бўлмиш Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} мақтovлар бўлсинким, Унинг инояти или Сизга تفسیر الفرقان Тафсир ул Фурқон китобининг биринчи қисмини мутолаа қилиш насиб бўлиб туриди. Ушбу китобда Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу}нинг инояти или мусулмон биродарларнинг таклиф ва кўмаклари асосида, Падари бузрукворимиз¹ Андижон шаҳридаги Жомеъ масжиди²да Куръони Каримни тафсир қилиш асносида қилган маърузаларни, баъзи жузий ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан жамланди. Аввало, мен бу китобни тайёрлашда хар томонлама ёрдам берган, қоғозга туширган, таҳrir қилган, илмий жиҳатдан ёрдам кўрсатган, умуман ушбу китобнинг юзага келишига озми-кўпми ўзининг улушини қўшган барча мусулмон биродарларимга Падари бузрукворимиз номидан чукур миннатдорчилик изҳор этаман. Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} ушбу китобнинг юзага келишига хисса қўшган хар бир мусулмонни шаръий мақсадларига етказсин. Ушбу китоб ўқилиб, ундан фойдаланилар экан, қиёмат кунига қадар барчаларини ажрманд қилсин.

...Азиз Биродарим! Падари бузрукворимиз Куръони Каримнинг учдан бирини тафсир қилиб тутатгандарида баъзи яқинлари "Домла, Куръони Каримнинг учдан бири тафсир қилинди. Ижозат берсангиз, биз уни китоб қилиб чиқарсан, одамлар фойдаланса," деб рухсат сўрашганида рад жавобини бериб, шундай деганлар:

"Ислом умматига бебаҳо қўлланмалар ёзib кетган қанча-қанча аждодларимиз ўтган. Улар нафақат диёrimизда, балки олис ўлкалардаги мусулмонларга ҳам динни ўргатган ва диний илмларнинг ривожига мислсиз хисса қўшган алломалар қаторида машҳурдир. Уларнинг кўплаб китоблари араб тилида ёзилган бўлиб, араб дунёси томонидан юқори баҳоланса-да, нимагадир, улар маҳаллий тилда ёзишмаган. Масалан, Имом Бухорий ёзib қолдирган китоблар бебаҳодир. Лекин Имом Бухорий она тилида тафсир ёки бошқа бирон китоб ёзмаганлар, ваҳоланки, машҳур "Ал-Жомиъ ус-Саҳиҳ" номли китобида Росулуллоҳ ^{сөзларига ишқи саллал} дан ривоят қилинган Куръони Каримнинг тафсирига доир саҳиҳ ҳадисларнинг аксарини "Тафсирул-Куръан" номли бобда тўплаганлар. Имом Муслим ёки Имом Термизийлар ҳам шу каби Куръони Каримнинг тафсирига доир саҳиҳ ҳадисларни алоҳида бобларда тўплаган бўлсалар-да, она тилида тафсир ёзib қолдиришмаган. Тўғри, шу юртда яшаб ўтган бир қатор алломалар Куръони Каримнинг тафсирига доир китоблар ёзib қолдиранлар, бироқ улар ҳам араб

¹ Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} Ўз хифзу ҳимоясига олган бўлсин.

² Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} тез кунда мусулмонларга ушбу масжиднинг фатхини кўрсатсин.

гўзаллиги мўмин кишининг ташки кўринишида ҳам ўз ифодасини топиши керак. Жасадида, ҳаракатларида, ибодатида, муомалаларида иймоннинг кўрки гавдаланиб туриши керак.

Насоролар фарзанд кўришса, еттинчи кунда чакалоқни маҳсус сув билан ювинтиришади. "Хатнанинг ўрнига шу кифоя", деб эътиқод қилишади. Бу маросим «Чўқинтириш» деб аталади. Насороларнинг эътиқодида шу маросимдан сўнг ҳақиқий насроний бўлади. Лекин, аҳли китоблар каби маҳсус сув билан покланиш – ҳақиқий зийнат эмас, балки Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу}нинг дини билан зийнатланиш ҳақиқий гўзалликдир.

Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} мўминларга берган иймон рангидек гўзal ранг бўлmas. Ислом зийнатидан кўра гўзalроқ, покизароқ бўёқ бўлmas. Раббига иймон келтирган, ўзини Унинг ҳукмларига бўйсундирган, ҳалимлик, шажоат, сабр, Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу}дан қўрқиши, ростгўйлик каби барча гўзal ахлоқлар билан ўзини безаган, барча разил хулклардан ўзини поклаган, сўзию амалида содикликни йўқотмаган мўмин киши Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу}нинг бўёғи, яъни дини билан зийнатланган кишидир. Ислом зиёнати билан зийнатланган киши бунинг шукронасига Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} суйган ва Муҳаммад ^{сөзларига ишқи саллал} кўрсатган амаллар билан ибодат қилиши лозим. Ислом билан ўзига зеб берган мана шундай мўмин қаердаю, куфр, ширк, ёлғон, хиёнат, тошбағирлик каби разил хулкларга мубтало бўлганлар қаерда?

Мана шу оятга кўра уламолар киши Исломга кирса, гусл қилиши лозим бўлади, деганлар. Сумома ал-Ҳанафий ва Қайс ибн Осим ^{рӯзномайдарлар} Исломни қабул қилишганда Росулуллоҳ ^{сөзларига ишқи саллал} уларни сув ва сидр ўсимлиги билан гусл қилишга буорганлар. (Абу Довуд ривояти)

قُلْ أَتَحَاجُوْنَا فِي اللَّهِ وَهُوَ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ وَلَنَا أَعْمَلْنَا وَلَكُمْ أَعْمَلْكُمْ وَتَحْمِلُنَّ لَهُ مُحْلِصُونَ

139. Биз билан Аллоҳ хусусида тортишасизларми?! Ваҳоланки, У бизнинг ҳам Раббимиз, сизларнинг ҳам Раббингиз-ку! Бизнинг амалларимиз ўзимиз учун, Сизларнинг амалларингиз эса ўзингиз учундир. Биз Үнгагина ихлос қўйгувчилармиз деб айтинг!

Эй Муҳаммад ^{сөзларига ишқи саллал}! Эй мўминлар! Яхудлар "Биз Аллоҳга сизлардан кўра яқинрокмиз. Биз Аллоҳнинг ўғиллари ва сийганларимиз. Аллоҳнинг пайғамбарлари факат биздан бўлиши керак. Ўтмишда пайғамбарлар биздан бўлган ва бизнинг йўлимизда бўлишган. Бизнинг динимиз сизларнинг динингиздан яхшироқдир. пайғамбарликка биз ҳақлироқмиз", деб даъво қилишаётир. Уларга айтинг! "Бундай пуч даъволарингизни қуватлаш учун биз билан Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} хусусида, яъни Унинг дини ҳақида талашасизми?! Ахир Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} фақат Бани Исроилнинг Рабби эмас! Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} бизнинг ҳам сизларнинг ҳам Раббимиз! Ҳамма Үнга баробар. Аллоҳ ^{субханаху в ат таваҳу} – Яратувчи, қолганлар маҳлуқдир. У хоҳлаган нарсани хоҳлаган бандасига беради. Ҳаммамиз

Эй Мұхаммад сұлтандық! Сизни ва мүминларни химоя қилишга Аллоҳ сұбханалунинг Ўзи кафилдир. Уларнинг макру найранглари, ёвузлик ва адоватларини даф килишда Сизга Аллоҳ сұбханалунинг Ўзи кифоядир! Зотан, Аллоҳ сұбханалу уларнинг барча ёвуз кирдикорлари, әгри мақсадлари, разил ишлери ва ниятлари ҳамда ҳар қандай пинхона ҳаракатларини Эшитгувчи ва Билгувчи Зотдир.

Аллоҳ сұбханалунинг динига мустаҳкам иймон келтирған мусулмон киши иймонда барқарор турса, ҳидоятдан юз ўғирғанлар мүминларга нисбатан гина, адоват ва қарама-қаршиликдан бошқа нарсаны қасд қилишмайды. Яхуд ва насоролар мүминлар каби иймон келтиришмаган бўлса, албатта, Исломга қарши, мусулмонларга талофат етказиш пайда бўлишади. Лекин, ҳақиқий мўмин киши Ислом душманларининг адоватларидан ташвишга тушмаслиги, балки диний ҳаракатларида сабот билан давом этиши лозим. Зоро, Аллоҳ сұбханалунинг Ўзи уларга кифоя қиласи. Мусулмонлар Аллоҳ сұбханалуга тўла бўйсуниб, якка Ўзига ибодат килиб, ширк амалларидан узоқ бўлиб, Ислом шариатини ҳаётларига татбиқ этар эканлар Аллоҳ сұбханалу хамиша уларга душманлари устидан кифоя килажайдир. Зотан Аллоҳ сұбханалу ганимларнинг Исломга қарши маслаҳатларини Эшитгувчи, ҳеч кимга ошкор этмаган макру найрангларини Билгувчи Зотдир. Унинг Эшитгувчи ва Билгувчи сифатлари уларни куршаб олган. Аллоҳ сұбханалунинг кифоялиги бошқа ҳар қандай кўмакдан афзалдир.

Аллоҳ Сизга уларнинг ёмонлигидан кифоя қилур калимаси ҳақиқий мусулмон кишига катта далда беради. Ислом душманларининг ёмонлигини қайтаришга Аллоҳ сұбханалунинг Ўзи кифоя қилишини хис қилган чин мўмин киши душманларининг макру хийлалари, қаршиликларни эътиборга олмай диний ҳаракатларида сабит қадамлар билан давом этади.



138. Аллоҳнинг бўёгини лозим тутиңг! Аллоҳдан кўра бўёги гўзалроқ ким?! Биз Үнгагина ибодат қилгувчимиз.

Эй мўминлар! Иймон ва Ислом – Аллоҳнинг бўёгидир! Аллоҳ сұбханалунинг динини маҳкам тутиңг! Аллоҳ сұбханалу сизларни ўша дин билан поклади ва Ислом зийнати билан безади. Ўша Ислом безагини кўлдан берманг!

Аллоҳ сұбханалу мўминларга иймон рангини берган. Кийимга унинг ранги зеб бериб, кўрк бағишлигани каби жасаддаги иймон мўмин кишига зеб бериб, зийнат бахш этади. Иймонсиз жasad рангсиз, кўримсиз, хунук бир либос кабидир.

Кийимлар турли бўёклар билан безатилгани каби Аллоҳ сұбханалу бизни мана шу гўзал дин бўёғи билан безади. Демак, бу дин бўёғининг

тилида ёзилган. Араб тилида ёзилган, ҳозирга қадар араб диёрларида ўқиб ўрганилаётган китобларнинг муаллифлари она тилида ёзишга курблари етмаган, деган фикр ҳеч бир соғлом ақл эгасидан чиқмаса керак. Хўш, унда нима сабаб? Менимча, ўша замонларда яшаб ўтган олимлар одамларнинг илмий савияларини Куръони Каримни асл ҳолатда – араб тилида тушуниш дараражасида саклаб борган. Араб тилидаги китобларни мутолаа қилишга аксар одамларнинг қурби етган ва шу тариқа диний саводхонлик юкори дараҷада сакланиб турган ва илмнинг инқирозига йўл берилмаган. Олимлар маҳаллий тилда китоб ёзишса, бу одамларда умумий миқёсдаги диний илмларга интилмаслик кайфиятини уйготади деб ҳисоблашган. Демак, Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифни она тилимизга таржима қилиш ҳалқимизнинг диний савиясини бир оз кўттаргандек туолса-да, айни вақтда асл илм – Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифга интилиш йўлида уларга ялқовлик дарвозаларини очиб бериши ҳам мумкинлигини унутмаслитимиз лозим. Бундан ташқари, мен ҳозир қилинаётган тафсирдан қониқмайман. Ҳусусан, майда сураларни келаётган жамоатнинг тушунчаси, уларнинг ўша пайтдаги диний савияси ва англаб олишларига мувофиқ суратда тафсир қилинди. Аслида, одамларга дастлаб иймон, тавҳид ва ақида борасидаги тушунчаларини тўғри йўсинда шакллантириб, сўнгра Куръони Каримнинг тафсирини етказилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лекин у пайт танлаб ўтирадиган вакт эмас эди. Аллоҳ сұбханалу насиб этса, шу зайлда бир қатор тугатиб, сўнг қайтадан кенгрок кўламда тафсир қилиш ниятимиз бор".

Ҳалқимизнинг буғунги диний саводхонлик дарајасинининг аянчли аҳволини таърифлашга тил ожиздир. Саҳиҳ ақидага мувофиқ ўзбекча диний қўлланмалар саналса, бир қўлнинг бармоқлари ортиб қолади. Шунинг учун биродарларнинг истакларини инобатга олиб, Аллоҳ сұбханалу у кишига биринчи тафсирни тугатишга муваффақ қилиб, сўнг ўзлари хоҳлаганларидек кенгрок кўламда тайёрланажак тафсирлари чиққунга қадар, ҳалқимиз биринчи нашр билан танишиб турса деган умид билан, бу китоб ҳалқимизни диний илмларга элтадиган йўлга олиб чиқсин, деган тилак ила Падари бузрукворимиз ижозат бермаган нусхани мувакқатан китоб ҳолатига келтиришни лозим топдик.

Азиз Биродарим! Падари бузрукворимиз ўзининг имомлик фаолияти даврида Куръони Каримнинг қарийб ярмини тафсир қилиб ултурғанлар. Бирок, ушбу тафсирни китоб қилиш мўлжалда йўқ эди. Унинг устига бу китоб, ўзингизга маълум сабабларга кўра муаллифнинг иштирокисиз тайёрланди. Устига устак ушбу китоб асл исломий гояларни илгари сурадиган қўлланмаларни йўқотишга уринган, уларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайдиган мухитда ёлғиз Аллоҳ сұбханалунинг мадади билан жамланди. "Тафсир ул Фурқон" китобини қўлга олганда мазкур холатларни ёдда тутишингизни сўрар эдик.

Азиз Биродарим! Овоз тасмаларидаги оғзаки маърузаларни қоғозга тушириб, улардаги оҳанг таъсирини сақлаб қолиш ғоят мушкул, балки имкониятдан ташқари ишдир. Шундай бўлса-да, имкон қадар аслига путур етказмасликка ҳаракат қилинди. Лекин бари бир илмий ва лугавий жиҳатдан айрим тузатиш ва тўлдиришлар киритишга мажбур бўлинди. Шунинг учун Сиз азиз биродаримизга тафсирнинг ёзма йўналишини ўқиши баробарида унинг тасмалардаги оғзаки йўналишини ҳам тинглашни тавсия қиласиз. Зоро, кимдир ўқиб, кимдир эшишиб фойдаланади.

Азиз Биродарим! Шу пайтгача Сиз Куръони Каримнинг замонавий ўзбек тилида чоп қилинган бир қанча тафсир ва таржималари билан танишгансиз. Аввало, Аллоҳ сұхбатнама бу нашрлар муаллифларини ажрманд қилиб, шаръий тилакларига етказиб, келгуси ижодларини холис Аллоҳ сұхбатнама учун бўлишига муваффақ қилин. Шундай экан, қўлингиздаги "**Тафсир ул Фурқон**" китоби бошқалардан нима билан фарқ қиласи? Бизнинг фикрмизча улар қуйидагича:

1. Ушбу китоб асл муаллифнинг иштирокисиз, юкорида айтилганидек жума кунларида қилинган оғзаки маърузаларни овозтасмалардан қоғозга тушириб, сўнг уларга баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан тайёрланди.

2. Ушбу китобда оят ва ҳадислар таржималарини, гарчанд бир оз беўхшов бўлса ҳам, асл матнга путур етказмаган ҳолда, бадиилаштирмасдан, матн ўрталарида берилган қўшимчаларни имкон қадар киска қилиб, уларни оят ва ҳадисларнинг шарҳларига багишланган китобларга катъян мувофиқ бўлишига ҳаракат қилинди.

3. Ушбу китобни тайёрлаш чогида, тилшунос таҳрирчиларга тўла эрк бермасдан, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари китобнинг руҳий моҳиятига путур етказмасагина қабул қилинди ва китобда келтирилган илмий маълумотларни саҳих эътиқодли ва амалли олимлар хукмларига ҳавола этилиб, уларнинг бу борадаги мулоҳазалари инобатга олинди.

4. Оятнинг матнлари ва уларни тушунишга ёрдам бериш мақсадида келтирилган қўшимча ҳадисларни азиз ўкувчи биродаримиз ёд олса ажаб эмас, деган умид билан имкон доирасида, уларни ровийлари ва арабий матнлари билан келтирилди.

5. Келтирилган ҳадисларнинг санадларига қаттиқ эътибор берилиб, китобни мавзуз – тўқима ёки санади заиф бўлган ҳадис ва ривоятлардан мусаффо бўлишига ҳаракат қилинди.

Азиз Биродарим! Ушбу китобни хукмингизга ҳавола этар эканмиз, уни шу мавзудаги китоблар ичди афзали, деган тубан фикрдан йироқмиз. Зоро, мақсадимиз – баҳо олиш эмас, балки халқимизга Куръони Каримни чуқурроқ ва тўлароқ етказишидир. Бильякс, биз ожиз банданинг хато ва нуксонларини маъзур тутишингизни сўраб, бу китоб борасидаги фикр ва мулоҳазаларингиз билан қўйидаги манзилга ташриф

дучор бўлганки, улардаги шариат ва аҳкомларга амал қилишилик Куръони Карим нозил бўлиши билан тўхтаган, деб эътиқод қилинади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ أَهْلُ الْكِتَابَ يَقْرَءُونَ التُّورَةَ بِالْعِزْمَةِ
وَيُفْسِرُونَهَا بِالْعَرَبِيَّةِ لَا هُلُلَ إِلَّا سَلَامٌ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تُصْنَعُوا
أَهْلَ الْكِتَابَ وَلَا تُكَدِّنُوهُمْ وَقُولُوا ۖ آمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْنَا ۖ ۚ وَهَذَا
الْبَيِّنَاتُ ۚ

Абу Хурайра разынадау ривоят қилдилар: Аҳли китоблар **Тавротни ибронийча ўқиб**, уни аҳли Исломга арабча тафсир қилишар эди. **Росууллоҳ** сөзделүүлүк салжак аҳли китобларни **тасдиқламангиз**, ёлғончига ҳам чиқармангиз! "Аллоҳга ва бизга нозил этилган нарсага иймон келтирдик...", деб **айтингиз** дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Демак, Аллоҳ сұхбатнаманинг хидоятига әргашган киши Унинг барча пайғамбарларига иймон келтириши лозим. Бир пайғамбарга иймон келтириб, бошқаларини инкор этгандар аслида ўзлари иймон келтирган пайғамбарга ҳам иймон келтирган. Чунки, ҳар қайси пайғамбар ўз қавмига ўтган барча пайғамбарларга иймон келтиришни буюрган. Инчунин, бир пайғамбарга иймон келтириб бошқаларини инкор этаётгандарнинг дини – миллати ва наسابига таассуб қилиш ва аждодларига қўр-қўрона тақлид қилишдир. Бундайлар Аллоҳ сұхбатнаманинг хидоятидан узоқ кимсалардир.

فَإِنْ عَمَّوْا بِمِثْلِ مَا أَمْتَنَّمُ بِهِ فَقَدْ أَهْنَدُوا ۗ وَإِنْ تَوَلُّوْا فَإِنَّهُمْ فِي شَقَاقٍ فَسَيْكُفِيفُ كَمْمُ اللَّهُ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

137. Агар сизлар иймон келтирган нарсага иймон келтиришса, ҳидоят топишибди. Агар юз ўгиришса, унда улар сизларга адова тадаирлар. Аллоҳ Сизга уларнинг ёмонлигидан кифоя қилур. У Эшиштувчи, Билгувчи Зотdir¹.

Эй мўминлар! Яхуд ва насоролар, умуман, барча сизлар иймон келтиргандек ҳамма пайғамбарларга иймон келтиришсин! Уларнинг биронтасини бошқасидан ажратишмасин! Уларга нозил этилган китобларнинг барчасини тасдиқ этишсин! Хусусан, сўнги пайғамбар Мұхаммад санадында га ва у кишига нозил бўлган Куръони Каримга иймон келтиришсин! Шунда ҳидоят топишади! Зоро, мана шундан ўзгача йўл тутишда ҳидоятнинг бўйи ҳам бўлмайди. Агар очиқ ва равшан ҳужжатлар барпо бўлганидан кейин ҳам ҳақдан ботилга бурилишса, мана шундай суратда иймон келтиришдан бош тортишса, улар сизларга, ҳакқа, ҳидоятга, Исломга қарама-карши тарафда! Улар сизларга қаршилик килган, душман бўлган кимсалардир!

¹ Ривоятларга кўра Усмон ибн Аффон разынадау мана шу оятни ўқиб турғанларида шахид бўлғанлар ва муборак қонлари мана шу оятнинг устига томчилаган.

биронтасининг орасини ажратмаймиз ва биз Унгагина бўйсунувчимиз, деб айтинглар!

Эй мўминлар! "Биз Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг яккалигига иймон келтиридик! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг ягона маъбуддир! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг тенги йўқ! Унинг буйрўкларига сўзсиз бўйсунамиз, қайтариқларидан сўзсиз қайтамиз! Биз мусулмонларга пайғамбаримиз Муҳаммад ^{сұлтана таъу}_{аҳли салам} орқали нозил бўлган Куръони Карим – Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг нозил этган сўнгти хидоят китоби, ҳаёт манҳажи деб иймон келтирамиз! Бизнинг иймонимиз шу билан чегараланган эмас! Биз ўтган барча пайғамбарлар ва уларга нозил бўлган нарсаларга ҳам иймон келтиридик! Жумладан, Иброҳим ^{аҳли салом} га нозил бўлган Саҳифаларга, ул зотнинг ўғиллари Исмоил ва Исҳоқ ^{аҳли салом} ва набиралари Яъкуб ^{аҳли салом}лар ҳам Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг улуғ пайғамбарлари эканлигига ишонамиз! Яъкуб ^{аҳли салом}нинг авлодидан ҳам Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг хидоятига чорловчи улуғ пайғамбарлар чиққанлигини тасдиқлаймиз! Шунингдек, Мусо ва Ийсо ^{аҳли салом}лар ҳам Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг улуғ пайғамбаридан! Ул зотларга берилган Таврот ва Инжил ҳам Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} нозил этган муқаддас китоб бўлган. Бу ҳар икки китоб ҳам одамларни тавҳидга, ширқдан узоқ бўлишга, эзгу амалларга, гуноҳлардан тиилишга чақирган. Уларда охирзамон пайғамбари Муҳаммад ^{сұлтана таъу}_{аҳли салам} ҳақларида башорат бор. Буларнинг барчасига иймон келтиридик! Колаверса, ўтган барча пайғамбарларни, уларга берилган китоб ва мўъжизаларни тасдиқлаймиз! Бизнинг ақидамиз мана шу! Биз яхуд ва насоролар каби пайғамбарларнинг баъзисига иймон келтириб, қолганини инкор этмаймиз!" деб айтинг!

– **авлодлар** – калимасидан мурод Яъкуб ^{аҳли салом}нинг ўн икки ўғлидан тарқалган авлод бўлиб, мана бу оятда улардан чиққан пайғамбарлар назарда тутилган. Аксар уламолар, жумладан, Ином Суютий Яъкуб ^{аҳли салом}нинг Юсуф ^{аҳли салом}дан бошқа ўғилларидан пайғамбар табиатига номувофиқ нарсалар содир бўлгани учун уларнинг пайғамбар эмаслигига иттифоқ қилишган.

Ўтган барча пайғамбарларга ва уларга берилган илоҳий ваҳийларга бирдек иймон келтириш Муҳаммад ^{сұлтана таъу}_{аҳли салам} олиб келган ақиданинг ажralmas бир бўлагидир. Ислом умматининг эътиқодига кўра Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} барча пайғамбарларни одамларга ягона ҳақиқат – Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} ягона маъбуд эканини билдириш учун юборган. Исломий ақидага кўра Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} тарафидан юборилган барча пайғамбарларга иймон келтириш – иймоннинг руқнларидан бўлиб, биронта пайғамбарни инкор этиш куфр ҳисобланади. Ўтган пайғамбарларга Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} тарафидан нозил қилинган китобларга иймон келтириш ҳам иймоннинг руқнларицандир. Бирок, китобларга бўлган иймон – бу китобларнинг ҳақиқатан ҳам Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} нозил этганини тасдиқлашгагина чекланган. Уларнинг кўпич йўқ бўлиб кетган, борлари ҳам турли ўзгартиришларга

этиб ёки мактуб орқали ёзма равища ёки интернет тармоғидаги унвонимизга билдиргудек бўлсангиз, уларни мамнуният билан қабул этиб, муҳокама килиб, келгуси нашрларда инобатга олишга ҳаракат қиласиз.

Андижон вилояти, Олтинқўл тумани, Кўмакай қишлоғи, Янги-чек кўча 15-үй.

www.islamnuri.com
admin@islamnuri.com

Азиз китобхон биродарим! Ушбу китобни ўқиб, ундаги Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг кўрсатмаларига амал қиласангиз ва ушбу китоб туфайли сизнинг дунёкарашингиз сал бўлса ҳам ўзгарса ва у оиласангиз ҳидоятига сабаб бўлса, биз ғоят баҳтиёр бўламиз. Сиз азиз биродаримиздан яхши дуоларингизда Падари бузрукворимизни, умуман, ушбу китобнинг юзага келишига хисса қўшган барча мусулмонни унугласлигингизни сўраб қоламиз. Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} бу китобни халқимиз ҳидоятига сабабчи қиласин ва амалларимизни холис бўлишига муваффак этиб, даргоҳида мақбул айласин. Дуоларимиз сўнгтиси – оламлар Тарбиятқунандаси Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}га мақтovлар бўлсин! Амин

عبد القوس بن عبد الولي
بن عشور علي الانديجاني
مدينة اندیجان

مُقْتَلَّةٌ

КУРЬОНИ КАРИМ

إِنَّ الْحَمْدَ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ وَنَسْتَهْدِيهُ وَنَنْعَذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّ أَنفُسِنَا وَسَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا مِنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا يُضْلِلُ لَهُ وَمِنْ يَضْلِلُ فَلَا هَادِي لَهُ وَأَشَهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَشَهَدُ أَنْ مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ أَدِي الْأَمَانَةِ وَبَلَغَ الرِّسَالَةَ وَنَصَحَّ الْأُمَّةَ صَلَواتُ اللَّهِ وَسَلَامُهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ وَصَاحِبِهِ وَمَنْ اهْتَدَى بِهِدِيَّهِ وَدُعِيَ بِدُعْوَتِهِ وَجَاهَدَ فِي سَبِيلِهِ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ أَمَّا بَعْدُ فَإِنَّ خَيْرَ الْكَلَامِ كَلَامُ اللَّهِ وَخَيْرَ الْهَدِيَّ هُدِيُّ مُحَمَّدٍ صَلَوةُ اللَّهِ عَلَيْهِ وَسَلَامٌ وَشَرِّ الْأُمُورِ مَحَثَّاتُهَا وَكُلُّ مَحَثَّةٍ بَدْعَةٌ وَكُلُّ بَدْعَةٍ ضَلَالٌ وَكُلُّ ضَلَالٍ فِي النَّارِ

Мактоб Аллоҳагина хосдир. Унгагина ҳамд айтиб, Ундангина ёрдам, мағфират, хидоят сўраймиз. Ундангина нафсимиз ва ишларимизнинг ёмонлигидан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кишини адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят этгувчи йўқдир. Шериксиз, ёлғиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Мұхаммад Унинг бандаси ва омонатни адо этган, рисолатни етказган, умматга насиҳатгўй бўлган элчиси деб гувоҳлик бераман. У кишига, авлоду асҳобларига ва Қиёмат кунига қадар у кишининг йўлига йўлланган, чакириқларига чорлаган ва йўлида ҳаракат қилганларга Аллоҳнинг дуруд ва саломлари бўлсин. Аллоҳнинг сўзи – сўзларнинг яхисидир. Мұхаммад صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ нинг йўли – йўлларнинг яхисидир. Ишларнинг ёмони – янгилариdir. Барча янгилик – бидъатdir. Барча бидъат – гумроҳликdir. Барча гумроҳлик эса дўзахдадир.

Ер куррасида бутун башарият отаси Одам أَدَمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ яралганидан буён Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَнинг инсониятга кўрсатган улкан марҳаматларидан бири шуки, У башариятни ерда ҳидоят йўлини топишида ўз ҳолига ташлаб қўймади. Бильякс Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَагина ибодат қилишга чакирадиган пайғамбарларни ва улар билан бирга илоҳий йўлланмаларни бетўхтов жўнатиб турди. Аксар уламолар иттифоқига кўра Нух نُوحَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ – биринчи пайғамбарdir. У кишидан кейин ҳам кўп пайғамбарлар жўнатилган ва Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ бизга уларнинг баъзилари ҳақида қисса қилиб берган, баъзилари ҳақида эса қисса қилиб бермаган. Бу пайғамбарларнинг баъзисига китоб, баъзисига сахифалар нозил қилинган. Китоблар ичида биз билган машҳурлари – Мусо مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَга нозил бўлган Таврот, Довуд دُوْدُوك صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَга нозил бўлган Забур, Ийсо إِيْسَوْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَга нозил бўлган Инжил ва сўнгги пайғамбар Мұхаммад صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَга нозил бўлган Куръони Каримдир.

Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ инсон ва жин тоифасига башарият тарихида энг улуг киши бўлган Мұхаммад صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَни сўнгти пайғамбар қилиб жўнатди. Бу улуг пайғамбар ер куррасининг энг улуг жойи бўлган Маккai

айблашади. Хўш, ўша ҳанафий мазҳаби “фидоийлари” айтишсин! Имом Абу Ҳанифа رَوَاهُ مُحَمَّدُ لَهُ Ислом манҳажини ҳаётдан суриб ажнабий куфр йўллардан боришга ижозат берганмикинлар?! Исломнинг бирон фарзини бажармасдан, балки Исломга қарши курашиб, "Куръони Карим замонавий ҳаёт талабига жавоб бермайди. Шунинг учун биз тараққийпарвар ҳалқларга эргашиб, ўшаларнинг қонунларидан андоза олишимиз керак", деб, яна ўзини мусулмон санашга Имом Абу Ҳанифа رَوَاهُ مُحَمَّدُ لَهُ рози бўлганмикинлар?! Мусулмонларни қамашга, қатл қилишга, масжидларни беркитишига Имом Абу Ҳанифа رَوَاهُ مُحَمَّدُ لَهُ йўл берганмикинлар?! Ёки арзимас дунё ва сохта обрулар учун малъун қаттолларнинг мусулмонларга қарши қилаётган зулмларини оклашга рухсат берганмикинлар?! Имом Абу Ҳанифа رَوَاهُ مُحَمَّدُ لَهُ уларга золимларнинг истагига қараб Исломнинг баъзи хукмларни ўзгартириб беришига рухсат қилганмикинлар?! Зўравон жаллодлар макрини Ислом ва мусулмонларга ағдариш, уларга бўхтон ва уйдирмаларни ёғдириш ҳанафий мазҳабида бормикин?!


Агар Имом Абу Ҳанифа رَوَاهُ مُحَمَّدُ لَهُ бугун ҳаёт бўлганларида, аниқки, бундай субутсиз кимсалар у кишига ҳам ёргашмаган бўлар эди. Улар Имом Абу Ҳанифа رَوَاهُ مُحَمَّدُ لَهُни ҳам ёмон отлиққа чиқариб, у кишига ҳам бир катор лақабларни тўкишган бўлар эди. Иброҳим ابْرَاهِيمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ коғир яхуд ва насоролардан безор бўлгани каби Имом Абу Ҳанифа رَوَاهُ مُحَمَّدُ لَهُ ҳам бундай фосиқ қимсалардан тамоман безорлар!

Мана шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Минг афсуски, ҳозирда ҳам Китоб ва Суннат манҳажидан бурилган, шунга қарамай ўзини тўғри йўлда санаган, бошқаларни эса адаштан деб биладиган тоифалар топилади. Уларга ҳам яхуд ва насороларнинг касаллиги юққанга ўхшайди. Улар ҳам яхуд ва насоролар каби ўз фикри ва йўналишига қўшилмаган, тутган йўлини маъкул санамаган мусулмонларни ҳеч бир асоссиз "адаштан" деб санашади. Сиз токи, улар олиб бораётган ишларни тўғри санамас экансиз, фикрларига қўшилмас экансиз, уларнинг наздида сиз ё адашгансиз ёки дин душманларига сотилгансиз. Бундай қараш уларни яхуд ва насороларга жуда ҳам ўхшатиб юборади. Зоро, ўзи тўғри йўлда бўлмасдан туриб, унга ёргашмаган барчани адашган, дейиш айни яхудий ва насронийча табиатдир.

قُلُواْ أَعْمَلَنَا بِاللَّهِ وَمَا أَنْفَلْنَا وَمَا أَنْفَلَ إِلَيْنَا وَمَا أَنْفَلَ إِلَيْهِ وَإِنَّ رِجْهَتَنَا وَإِنَّ شَعْبَانَةَ وَإِنَّ سَبَاطَةَ وَمَا أُونَتْ مُؤْسَنَ وَعِيسَى وَمَا أُونَتْ الْبَيْتُونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نَفَرْقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَتَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ

136. Аллоҳга, ўзимизга нозил қилинган нарсага, Иброҳим, Ислом, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва бошқа пайғамбарларга Раббилари тарафидан берилган нарсага иймон келтирдик. Улардан

йўллардан воз кечамиз! Мана шундагина ҳидоят топамиз! Исломдан ўзга йўлларда ҳидоят йўқ!" деб айтинг! Яхуд ва насоролар бунга жавобан Сизга "Биз Иброҳимнинг динидамиз!" дейишлари мумкин. Сиз бундай ҳаёсиз кимсаларга "Сизлар Иброҳим алайхис салом нинг динида эмассиз! Бирингиз Узайрни Аллоҳ субханаху ві таъвіхнинг ўғли дейсиз! Бошқандиз Масих алайхис салом ни Аллоҳ субханаху ві таъвіхнинг ўғли дейсиз! Бу гапларингиз билан сизлар мушриксиз! Иброҳим алайхис салом сизлар каби мушрик бўлган эмас!" деб айтинг! Зотан,



Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлган эмас! Лекин, ҳақпарвар мусулмон бўлган! У мушрик бўлган эмас! (Оли Имрон сураси, 67 – оят)

Дунёда ҳеч ким гарчи залолатга ботиб кетган бўлса ҳам ўзини адашган ҳисобламайди. Одамзот ўзи тутган йўлни доим тўғри деб эътиқод қиласди. Бу барча миллатларда мавжуд одатdir. Бир даврлар бўлдики, унда баъзилар Аллоҳ субханаху ві таъвіхнинг вужудини инкор қила туриб ҳам ўзини тўғри йўлдаман деб санади. Кейинроқ Росулуллоҳ сұлтанату адилнинг суннатларини маҳкам ушлаган ҳақиқий мўминларни азоблаб, қатл қилаётгандар ҳам "Бизнинг йўлишимиз тўғри", дейдиган бўлишиди. Худди шунингдек, Аллоҳу Росулиниңг йўлига тарғиб қилаётган мусулмонларни сотиб, тиллари билан азият етказиб яшаётган мунофиқ кимсалар ҳам "Биз танлаган йўл тўғри", дейди. Ҳаётини Ислом ва мусулмонлар билан курашишга қурганлар ҳам ўзини адашган деб ҳисобламайди. Ҳалқининг мулкини талаб, бечораларни қахшатиб, ночор кишиларга кун бермай зўравонлик қилаётгандар ҳам "Биз юрт фаровонлигини ўйлајпмиз", дейди.

Аллоҳ субханаху ві таъвіх тўғри йўл учун белгиланган ўлчовни одамлар ихтиёрига бермади. Чунки, инсон ўзи яшаб турган замон ва макон шароитидан келиб чиқсан ҳолда, хоҳишистаги, оиласи, қариндош-уруги, миллати манфаатини ҳисобга олиб иш кўради. Шунинг учун ҳаёт манҳажини ажратиб берувчи ўлчов инсон ихтиёрига берилмади.

Аллоҳ субханаху ві таъвіх бутун инсониятни яратгани учун уларнинг табиатини яхши билган ҳолда одамзот учун энг мақбул ва табиатига мувофиқ келувчи, унинг барча талаб ва эҳтиёжларига жавоб бера оладиган Исломни дин этиб ихтиёр этди.

Хозирда ҳам Ислом ҳақиқатидан йироқда туриб айюҳаннос солаётган айрим кимсаларнинг "Биз Имом Аъзам мазҳабидамиз", деб ҳайқираётгани қулоққа тушади. Уларнинг ўзи аслида ё золимлар, ё нафс-хоҳищлари, ё дунё ва соҳта обрў кетидан қувиш мазҳабида. Шундай бўлса-да Исломни ҳаётда татбиқ этишга даъват этаётган соғ эътиқодли мўминларни Имом Абу Ҳанифа رض-мазҳабига юрмаслиқда

Мукаррамадан танлаб олинди. Аллоҳ субханаху ві таъвіх билан бу улуг пайғамбар ўртасида энг улуг фаришта – Жибрил алайхис салом воситачи бўлди. Шу улуг воситачи орқали Аллоҳ субханаху ві таъвіх самовий китобларнинг энг улуги бўлмиш Қуръони Каримни нозил қиласди. Бу улуг китобни энг улуг ой – Рамазон ойида нозил қила бошлади. Бутун башариятга ҳаётий дастур бўлишлиги учун нозил қилинган бу улуг китоб, Аллоҳ субханаху ві таъвіх тарафидан яратилган энг улуг уммат – ислом умматига нозил килинди. Қуръони Карим ўзидан илгари нозил бўлган барча китобларнинг самовий эканини тасдиқлади, лекин уларнинг ҳукмини бекор қиласди. Инсон Қуръони Каримни ҳаётида учрайдиган барча муаммоларни адолат билан ечадиган ва башариятни дунё ва охирада абадий саодатга бошлайдиган ягона қонун деб эътиқод қилиши лозим. Қачонки, бу эътиқод инсондан узоклашар экан, у ҳаётининг барча соҳасида тубанликка ва тамомий баҳтсизликка учрайди.

...Бу *Биз Сизга одамларни Раббиларининг изни ила зулматлардан нурга*, доимо *Голиб* ва зотида *мақтالган Аллоҳнинг йўлига олиб чиқишинигиз учун нозил қилган китоб*дир. (Иброҳим сураси, 1 – оят)

Оlam Аллоҳ субханаху ві таъвіх тарафидан белгиланган ягона қонуниятга бўйсунади. Агар шу қонуниятдан заррача четланса, парчаланади ва ҳаёт инкиrozга юз тутади. Инсон ҳаёти ҳам адолатли бўлган ягона қонун – Қуръони Каримга бўйсунгандагина саодатли бўлади. Агар башарият Қуръони Карим қонуниятидан ташқарига чиқса, ҳаёти барбод бўлиб, абадий баҳтсизликка учрайди.

Баъзан Ислом душманларининг "Куръон Арабистон сахроларида яшаган бадавий арабларга нозил бўлган ва уларнинг ижтимоий ҳаётида катта бурилиш ясаган", деб Қуръони Каримни мақтамоқчи бўлишганини эшитамиз. Бу билан улар содда одамларни Қуръони Карим нозил бўлишининг асл мақсадидан буриб ташламоқчи бўлишади. Мўмин кишининг эътиқодида Қуръони Карим бир замонга тушиб, иккинчи замонга ёки бир ҳалққа тушиб, бошқа ҳалққа алоқаси йўқ нарса эмас. Қуръони Карим ҳар бир замонга, ҳар бир ҳалққа, ҳар бир умматга, ҳар бир миллатга, ҳар бир жамоага, умуман, ўзини инсон деб билган барчага эргашиш зарур бўлган ҳаётий дастур бўлиш учун нозил бўлган.

Бу одамлар *унинг оятларини чукур мuloҳаза қилишлари ва ақл эгалари* ундан *эслатма олишлари* учун биз *Сизга нозил қилган муборак китоб*дир. (Сод сураси, 29 – оят)

Биз ўқиб, эшитиб юрган Қуръони Карим қай ҳолда нозил бўлган? Қачон нозил бўлган? Қанча муддатда нозил бўлган? Қачон ва кимлар

уни китоб ҳолатига келтирган? Куръони Каримни ким билувчироқ? Уни қандай талқин қилинса тўғри бўлади?

Мазкур саволлар Куръони Карим Аллоҳ ^{субханаху ва таъауу} томонидан Росууллоҳ орқали инсонга ҳаётида дастурул амал бўлиши учун нозил қилинган китоб, деган эътиқодни ўзида мужассам этган барча мусулмонни қизиктириб келган. Бироқ бу саволларга тўғри ва холисона жавоб топиш ҳар доим ҳам насиб бўлмаган. Кўйида Аллоҳ ^{субханаху ва таъауу}нинг инояти билан мазкур саволларга муҳтасар ҳолда жавоб қидирамиз.

ҚУРЬОННИ ҚУРЬОН ВА САҲИХ ҲАДИСЛАР БИЛАН ТАФСИР ҚИЛИШ

Куръони Каримни тафсир қилишда биринчи галда Куръоннинг ўзига мурожаат этилади. Агар Куръони Каримдан жавоб топилмаса, Росууллоҳ ^{субханаху ва таъауу}нинг ҳадисларига қаралади. Агар Ҳадисдан ҳам жавоб топилмаса, саҳобаларнинг ижтиҳодларига мурожаат қилинади. Агар саҳобалар ижтиҳодларидан ҳам жавоб топилмаса, унда саҳобаларни кўрган ва улардан таълим олган тобиъинлар ижтиҳодларига қаралади. Инсон Куръони Каримни ўзи бевосита тушунолмайди. Агар ўз раъийга суюнса, шубҳасиз, катта хато қиласди.

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{رضي الله عنه} ривоят қилдилар: *Rosuulloҳ ^{سالااالله علیه و سالم} Ким Куръон ҳақида билмасдан бирон нарса айтса, жойини дўзахдан тайёрлаб олсин дедилар.* (И мом Термизий ривояти)

Абу Бакр ^{رضي الله عنه} агар Куръон ҳақида билмаган нарсамни фикримга суюниб айтсан, мени қайси ер кўтариади? Қайси осмон менга соя беради? деганлар. Умар ибн Абдул Азиз Куръонни билмаган киши уни ўзича таъвил қилишга ва Rosuulloҳ ^{سالااالله علیه و سالم} бирон суннатни жорий қилган бўлсалар, уни ўзича ўзгартиришга ҳаққи йўқ деганлар. Масруқ тафсирдан қўрқинглар, чунки унинг асоси Аллоҳ ^{سубхانаху ва таъауу}нинг Ўзидан ривоятдир деганлар. (И мом Доримијй ривояти)


Демак, инсон Куръони Каримни ўзича тафсир қилишга ожиз экан, у оятларни тўғри тушунишга ёрдам берадиган фоят ишончли ва мукаммал воситага муҳтож бўлади. Куръони Карим оятларини тафсир қилишда энг олий ва ишончли усул – Аллоҳ ^{سубханаху ва таъауу}нинг каломи – оятлар ёрдамида тафсир қилишдир. Аллоҳ ^{سубханаху ва таъауу} бу ҳақда Куръони Каримнинг бир неча ўрнида ишора қиласди:

Куръоннинг таъвилини фақат Аллоҳгина
билир... (Оли Имрон сураси, 7 – оят)

Аллоҳ ^{سубхانаху ва таъауу} одамларга оятларини мана шундай равshan қилиб баён қиласди... (Бақара сураси, 187 – оят)

Сўнг уни баён қилиб бериш ҳам, албатта, бизнинг зиммамизда.
(Киёмат сураси, 19 – оят)

бўлиб ўтаётган кимсалар ҳам бу оятдан огох бўлишсин! Забардаст алломаларнинг авлоди экани билан фахрланиб ўтаётган, аммо уларнинг тутган йўлларига мутлақ зид йўллардан бораётган “авлодлар” ҳам бу оятни эштиб қўйсин! Аллоҳ ^{سубхانаху ва таъауу} Куръони Каримда ана шундай гумроҳ кимсаларни огоҳлантириб марҳамат қиласди:




Сур чалинганида, Киёмат қоим бўлиб, бу кунда уларнинг ўртасида насл-насад қолмас ва ўзаро савол-жавоб ҳам қилишишолмас. (Мұмминун сураси, 101 – оят)

Биз Киёмат ҳақидаги тушунчаларимизни ислоҳ этишимиз даркор. Зотан, бу кунда кишига дунёда килган солиҳ амалларидан бошқа ҳеч нарса наф бермайди. Пайғамбарзода бўлса ҳам солиҳ амаллари бўлмаса, нажот топмайди. Ислом шариатига зид амалларга қўмилиб яшаётган хўжалару тўралар кўйидаги ҳадисда Rosuulloҳ ^{سالااالله علیه و سالم} яқинларини огох эта туриб айтган гапларини билиб қўйишин!



Абу Хурайра ^{رضي الله عنه} ривоят қилдилар: Rosuulloҳ ^{سالااالله علیه و سالم} Эй Rosuulloҳнинг аммаси София! Мен сизни Аллоҳнинг азобидан кутқазолмайман! Эй Мухаммаднинг қизи Фотима! Менинг молимдан истаганингизни сўранг! Мен сизни Аллоҳнинг азобидан кутқазолмайман! дедилар. (И мом Бухорий ривояти)

Демак, Қиёмат куни насад, қариндошчилик ришталари ҳеч кимга фойда бермайди. И мом Fazzolий "Киши оч қолса, ўрнига отаси таомланса, тўядими?! Чанқаганнинг ўрнига отаси сув ичса, чанқоги босиладими?! Шунга ўхшаш, отасининг салоҳияти туфайли гуноҳкор нажот тополмайди!", деганлар.



135. Яхудий ёки насроний бўлинг, шундагина ҳидоят топасиз, дейшишад. Аксинча, ҳақпарвар Иброҳимнинг динига эргашамиз! У мушриклардан бўлган эмас, деб айтинг!

Яхудлар мўминларга "Яхудий динини қабул қилинг, шунда ҳидоят топасиз", деди. Насоролар эса "Насроний динини қабул қилинг, шунда ҳидоят топасиз деди.

Эй Мухаммад ^{رضي الله عنه}! "Биз яхудий ҳам насроний ҳам бўлмаймиз! Биз, аксинча, ҳар қандай ботилдан юз ўғирган, тавхид асосига курилган Иброҳим ^{салом}нинг ҳақпарвар динига эргашамиз! Ундан ўзга ҳар қандай

تَلَكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَلَا تُنْشِلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ

134. Улар ўтиб кетган умматидир. Қилған яхши нарсаларининг фойдаси ўзларига, сизлар қилған яхши нарсаларнинг фойдаси ўзингизга. Улар қилған нарсалардан сўралмайсиз.

Эй Бани Истро! Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъкуб азаҳис-сағам-лар Аллоҳ субҳанаху да таъвудонинг ҳукмларига бўйсунувчи уммат¹ эди! Улар ўтиб кетишли! Қилған яхши амалларининг савоби фақат уларнинг ўзига тегади! Бизнинг аждодларимиз мана шундай улуг зотлар экан. Улар бизга Киёмат куни аскотади, деб ҳаёлингизга ҳам келтирманг! Иброҳим азаҳис-сағам-олиб қилған ва фарзандларига васият қилған йўлга юрмасангиз, сизларнинг наслабда ул зотга боғланишингиз фойда бермайди! Сизлар қилаётган гуноҳларнинг жазоси фақат сизларга берилади! Сизлар уларнинг амалидан сўралмайсиз, улар сизларнинг амалингиздан сўралмайди! Ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради ва ўзи учун ўзи жазоланади! Ҳеч кимнинг амали бошқа бирорга фойда ёки зиён етказмайди! Шундай экан, қуруқ дъяволардан амалий ишга ўтинг, яъни Мухаммад сөзлаҳу аз аҳли аль-сағам га, у киши олиб қилған Ислом шариатига бўйсунинг!

Аллоҳ субҳанаху да таъвудо пайғамбарларни одамларга дўзах азобларидан огоҳ этувчи ва жаннат неъматлари билан хушхабар берувчи қилиб юборган. Ким уларга иймон келтирса, улар олиб қилған Ислом йўлига юрса, икки дунёда нажот топади. Ким пайғамбарларга иймон келтирмаса, уларнинг йўлига юрмаса, икки дунёда баҳтсиз бўлади ва жаҳаннам азоблари билан жазоланади.

Бир киши ўтиб кетган бўлса, унинг қилған яхши ёки ёмон амали фақат ўзига фойда ёки зиён келтиради. Унинг ёмон амали учун оиласи ёки яқинлари жавоб бермайди. Бундай адолат Исломдагина ўз амалини топган. Бошқа маслакларда бир кишининг содир этган жинояти учун унинг оиласи ва барча яқинлари жабр торгади. Уларга турли тазииклар ўтказилади. Яқинлари бир умр ёмонлик тамғасини кўтариб юришга мажбур. Уларнинг "Ҳеч ким бошқанинг жинояти учун жавобгар эмас", деган иddaолари фақат қофозларда қолган. Ҳаётда эса бунинг аксини кўрсатувчи минглаб мисоллар топилади.

Минг афсуски, яҳудлар каби аждоди билан фаҳранадиган, уларга сунядиган, уларнинг амали Киёмат куни фойда беради, деб хаёл қиласидиган жоҳиллар биз мусулмонлар орасида ҳам учраб туради. Уларга ҳақни айтилса, "Бизга тил теккизманг! Биз фалонзодалармиз! Сиз аввал бизнинг аждодларимиз эришган мақомларга эришиб олинг, кейин бизга гапиринг!" дейишади. Бундай улуғзодалик даъвосига маст

¹ Оятдаги **уммат** калимасидан кўзда тутилган маънени билиш учун 128 – оятнинг тафсирига мурожаат қилиш тавсия этилади.

Баъзи ўринларда Куръони Карим ажойиб аниқлик билан ўзини ўзи тафсири қиласиди. Масалан, Аллоҳ субҳанаху да таъвудо Куръони Каримда марҳамат қилиб,

Билингким, чиндан ҳам Аллоҳнинг дўстларига Охиратда ҳеч қандай ҳафъ йўқ ва улар ҳеч гамгин бўлмаслар. Аллоҳнинг дўстлари – **иймон келтирган ва тақво қилған кишилардир** дейди. (Юнус сураси, 62-63 – оят)

Агар бу оятнинг тафсири илмсиз инсонга қолганида, у Аллоҳ субҳанаху да таъвудонинг авлиё – **дўстларини** каромат кўрсатган ёки гайбдан хабар берадиган ёки қабри устига кубба курилган кишилар, деб талқин қилған бўлар эди. Ҳолбуки, Аллоҳ субҳанаху да таъвудо кимлар Унинг дўстлари эканини бизга кейинги оятда баён қилиб, Аллоҳ субҳанаху да таъвудога иймон келтирган ва тақво қилған ҳар бир мўмин Унинг дўсти бўлиши мумкинлигига ишора қилмокда.

Аллоҳ субҳанаху да таъвудо башариятга Куръони Каримни нозил қиласиди, уни тушунишда ўз ҳолига ташлаб қўймади, балки бу китобнинг сирларини умматга тушунтириб бериш учун Мұхаммад сөзлаҳу аз аҳли аль-сағам ни пайғамбар қилиб жўнатди. У киши умматларига Куръони Каримни ўргатиб бўлгач, Аллоҳ субҳанаху да таъвудонинг изни билан вафот топдилар. Аллоҳ субҳанаху да таъвудо Пайғамбар сөзлаҳу аз аҳли аль-сағам ни ўз хошишидан гапирмаслигига шаҳодат бериди, бу шаҳодатни Куръони Каримда қасам билан таърифлаб:

Хоҳишидан сўзламас. Унинг сўзлари **ваҳий қилинаётган ваҳийгина**, холос, дейди. (Нажм сураси, 3 – 4 – оят)

Одамларга, уларга нозил қилинган нарсани баён қилиб бершишингиз учун Сизга Зикр – Куръонни нозил этдик. (Наҳл сураси, 44 – оят)

Миқдом ибн Маъдий розвияху анху ривоят қилдилар: **Росулуллоҳ** сөзлаҳу аз аҳли аль-сағам **билингким, менга Китоб** ва яна ўшанча илм ҳам **берилиди дедилар**. (Абу Довуд ривояти)

Имом Шофиий Суннат – Куръоннинг шарҳидир деганлар. Демак, Куръони Каримни тафсири қилишда Аллоҳ субҳанаху да таъвудонинг каломидан сўнгти энг ишончли усул – Суннати Набавийядир. Чунки, Росулуллоҳ сөзлаҳу аз аҳли аль-сағам Аллоҳ субҳанаху да таъвудонинг шаҳодати билан умматга Куръони Каримни баён қилиб бериш учун жўнатилганлар. Ҳеч ким Аллоҳ субҳанаху да таъвудонинг каломини у кишидан кўра яхшироқ билмаслиги мукаррар. Росулуллоҳ сөзлаҳу аз аҳли аль-сағам дан Куръони Каримнинг тафсирига доир ривоятлар кўп бўлиб, уламолар бу ҳақда кўп китоблар таълиф этгандар. Имом Суютий жамлаган المنثور في التفسير بالمتور номли китоб булар ичida энг машҳуридир. Биз

қүйида ушбу ривоятларнинг баъзисини мисол тариқасида келтириб ўтамиз.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{رض} ривоят қилдилар: *Иймон келтирган ва иймонарни зулм билан аралаштирмаган кишилар...* ояти нозил бўлганида мусулмонларга оғир бўлди. Ё Росуулллоҳ! Қайси биримиз ўзига зулм қилмаган, дейшиди. Ундан мурод ширк, Луқмон ўғлига насиҳат қила туриб, Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирманг! Чунки ширк – улкан зулмдир деганини эшитмадингизми дедилар. (Илом Бухорий ривояти)

Бу ҳадисда Росуулллоҳ ^{رس} зулм сўзидан мурод – Аллоҳ ^{سب} га шерик исботлаш эканини баён этиб, инсоннинг дунёю охиратини барбод қилиб, абадий жаҳаннам азобига етакладиган ширк – улкан зулм эканини тафсир қилиб бермоқдалар. Ҳакиқатдан ҳам одам ўзига ва бошқаларга нисбатан қилиши мумкин бўлган зулмнинг энг каттаси – ширкдир.

Кўйидаги ҳадисда эса Росуулллоҳ ^{رس} кавсарнинг кайфиятини ўзлари таърифлаб, марҳамат қилдилар:

Абдуллоҳ ибн Умар ^{رض} ривоят қилдилар: *Росуулллоҳ ^{رس} Кавсар – кирғоклари тиллодан, ўзанлари дур ва ёқутдан, сув остидаги ери мушку анбардан хушбўй, суви асалдан ширина, кордан оқ бўлган жаннатдаги анхордир дедилар.* (Илом Термизий ривояти)

ҚУРЬОНИ КАРИМ ВА УНИНГ ТАФСИРИДА САҲОБАЛАР ВА ТОБИҮИНЛАР ЎРНИ

Маълумки, саҳобалар – Росуулллоҳ ^{رس} ни кўрган, у кишига иймон келтирган ва ул зотнинг шаҳодатлари билан энг яхши даврда яшаган кишилардир. Улар Росуулллоҳ ^{رس} га ваҳий нозил бўлишига бевосита шоҳид бўлган ва ҳатто баъзи саҳобалар ҳакида ёки уларнинг саволларига жавобан ҳам оятлар нозил бўлган. Чунки, саҳобалар орасида бирон ҳодиса содир бўлиб, унинг шаръий баёнига эҳтиёж туғилган чогда ёки уларга бирон иш мубҳам бўлиб, унинг исломий ҳукмини билиш мақсадида Росуулллоҳ ^{رس} дан сўраган чоғларида Қуръони Карим нозил бўлар эди. Ҳатто Қуръони Карим баъзан айрим саҳобалар қалбидаги истаклар билан ҳамоҳанг бўлиб ҳам нозил бўлган. Масалан, Умар ибн Ҳаттоб ^{رض} Раббимга уч мартада мувофиқ¹ келдим деганлар. (Илом Бухорий ривояти)

Демак, Қуръони Каримни Росуулллоҳ ^{رس} дан кейинги билувчироқ кишилар – саҳобалардир. Улар Қуръони Каримни қандай тиловат қилиш, қандай талқин этиши кераклигини бевосита Росуулллоҳ ^{رس} дан

¹ Илом Суютий Умар ибн Ҳаттоб ^{رض} нинг Аллоҳ ^{سب} нинг каломига мувофиқ келишига багишлаб الكوب الآخر في مواقف عمر номли рисола ёзганлар.

акидасини мерос қўйиб кетдилар. Бу мерос фарзандлар учун қолдириладиган энг катта бойликдир.

Бизнинг боболаримиз ҳам аждодларидан айни шу Ислом меросини кабул қилиб, сўнгра уни асрраб-авайлаб бизларга қолдиришган. Кези келганда дунёга донги кетган алломаларнинг авлоди эканимиз билан фаҳрланишни ўрнига қўямиз! Бироқ, биз ўзимиз бу ҳаётда қандай яшаб ўтияпмиз?! Авлодларимизга нимани қолдирияпмиз?! Авлодларимиз бизни эслаганида фаҳрланишга арзигулик бирон нарса қўйиб кетяпмизми?! Бутун дунёга Исломни, хусусан, Суннатни ўргатган алломалар авлоди бўла туриб кўпчилигимизнинг шариат илмида мутлак бесаводлигимиз фоят хижолатли эмасми??!



Абу Хурайра ^{رض} ривоят қилдилар: *Росуулллоҳ ^{رس} КИМНИНГ АМАЛИ жаннатга киришни секинлатса, насаби уни теззатолмайди дедилар.* (Илом Муслим ривояти)

Ортимизда авлодимиз эътиқодсиз, Аллоҳ ^{سب} нинг буйруқларига бўйсунмаган ҳолатда қолса, биз ҳам оталик вазифамизни бажариб, уларни ўз вақтида Қиёматнинг даҳшатли азобларидан огоҳ этмасак, охиратда Аллоҳ ^{سب} нинг ҳузурида бир тўда золим ва мушрикларга бош бўлиб туриш қандай ҳам оғир! Энди бундай хижолатдан кутулишнинг ягона йўли – ҳали ҳам бўлса, шариат илмларини ўрганишга ва фарзандларимизга ўргатишга жидду жаҳд қилишдир. Токи Ислом жон берар соатимизда ҳам фикримизни машғул этувчи нарсага айлансин.

Фарзандлари Аллоҳ ^{سب} нинг азобига кўндаланг бўлишидан кўрккан, уларга икки дунё саодати насиб бўлишини хоҳлаган солиҳ ота балаларининг қалбига дин тушунчаси ўнашиб қолишга мана шундай даражада ҳарис бўлади. Ота фарзандлари олдидаги масъулиятини Яъкуб ^{علیہ السلام} дек ҳис қилиши лозим. Жон таслим қилаётган пайтда ҳам авлодининг Исломий ҳаётда қолиши у учун энг муҳим нарса бўлмоги даркор. Чунки, ҳаётдаги муҳим масала инсоннинг хидоятда бўлишидир. Инсон хидоятда бўлар экан, унинг колган масалалари ижобий ечим топади. Бўлмаса, икки дунё саодатидан маҳрум бўлади.

Ортидан "Фақат ёлғиз Аллоҳ ^{سب} ибодат қиласиз, Унга ҳеч ким ва ҳеч нарсани шерик қилмаймиз, Унинг барча ҳукмларига ҳамавақт бўйсунамиз", дейдиган аҳли тавҳид фарзандлари қолаётган ота нақадар баҳтлидир!

Яхудлар "Яъкуб вафот қилаётган пайтда фарзандларига яхудийликни васият қилган", деган даъвони қилишди. Қуръони Карим ана шундай коғир кимсаларга қаратоб қилиб, улардан сўрамоқда. Бу сўраш бир вақтнинг ўзида инкор этиши маъносини ҳам ифода этади.

Бу оят ҳар бир мусулмон киши ҳаётда оиласи, фарзандларига Исломда барқарор турис лозимлигини васият қилиши кераклигига ишора қылмокда. Зоро, инсон учун Исломдан ўзга йўлда ўлишдан кўра аянчли қисмат бўлмас!



133. Ёки Яъқубга ўлим ҳозир бўлганида гувоҳ бўлдингизми?! У болаларига "Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?", деганида "Сизнинг илоҳингизга ва оталарингиз – Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқлар илоҳи бўлмиш ягона илоҳга ибодат қиласиз ва биз Унгагина бўйсунувчимиз!" дедилар.

Эй ахли китоблар! Сизлар боболарингиз Яъқуб алайхис га ажал келганида ҳозир эдингизми?! Яъқуб алайхис фарзандларини тўплаб, уларга "Мен ўтганимдан кейин нимага ибодат қиласизлар?", деб сўраганида гувоҳ эдингизми?! Яъқуб алайхис нинг фарзандлари бир овоздан "Сиз бизга танитган Сизнинг илоҳингизга ибодат қиласиз! Ундан ўзга илоҳларга сингинмаймиз! Биз Унинг хукмига тўла бўйсунувчимиз! Унга ҳеч ким ва ҳеч нарсани шерик қилмаймиз! Боболарингиз Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқ алайхис лар бизга қолдирган Ислом йўлидан ўзга йўлларга асло оғмаймиз!" дедилар-ку!

Ўлим соати келганида инсоннинг ёдидан ҳамма нарса кўтарилади. Ўлим мастилиги унинг хаёли ва бор вужудини эгалтайди. Яъқуб алайхис га ўлим ҳозир бўлган вактда у кишининг қалбини нима нарса машгул этди? У киши "Фалон нарса фалончига, пистон нарса эса пистончига", дедиларми? Йўқ! Яъқуб алайхис ўлим ҳозир бўлиб турган соатда ортларида қолаётган фарзандлари қандай эътиқодда бўлишларидан ташвиш қилдилар. У киши пайғамбар эдилар. Фарзандлари ичида Юсуф алайхис-дек пайғамбар ҳам бор эди. Лекин бунинг барчаси **Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар** деб сўрашдан тўсмади. Яъқуб алайхис-дек улуг пайғамбарнинг орқасида Юсуф алайхис-дек улуг пайғамбарнинг қолиши фарзандлари ҳакида ташвиш қилишдан беҳожат қилолмади. Балки "Болаларим! Мендан сўнг нимага ибодат қиласизлар? Менга шуни айтинглар, токи мен дунёдан Раббимнинг хузурига хотиржам кетай", дедилар. Биз эса соғ-саломат, хотиржам пайтимизда ҳам бу ҳақда ўйламаймиз! Болаларимиз биздан кейин нимага ибодат қилиши ҳакида ҳеч ўйлаганмизми?! Аксаримиз фарзандларимизнинг бу дунёда ибодатдами йўқми, ишимиш йўқ! Биздан кейинни-ку қўйинг!

Пайғамбарлар авлодларига молу дунё, олтин-кумушлар қолдирмаган. Улар ҳеч қандай бойлик билан сотиб олинолмайдиган тутгансиз ва қимматли давлат – дин ва шариатни қолдиришган. Яъқуб алайхис ҳам авлодларига дунёда битмас-тутгансиз ва энг қимматбаҳо нарса – Ислом

ўрганишган. Шунингдек, тафсир илми бизнинг замонамизга етиб келишига сабабчи бўлган Мужоҳид, Қатода, Икрима, Ҳофиз ва бошқа кўплаб машхур муфассирларга устозлик ҳам қилишган. Уламолар саҳобалардан Куръони Каримнинг тафсири борасида келтирилган ривоятлар Росулулоҳ солаллоҳу алайхис га саҳиҳ йўл билан уланса, тафсир илмида ҳужжат деб ҳисоблашади. Демак, Куръони Каримни талқин этишда Куръони Карим ва Суннати Набавийядан кейинги ишончли усул – саҳобалар сўзлари ёрдамида тафсир қилишдир.

Саҳобалардан Абу Бакр, Умар ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Зайд ибн Собит, Талҳа, Саъд, Хузайфа, Солим, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Соиб, Убода ибн Сомит, Абуд Дардо, Абу Мусо ал-Ашъарий, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Зубайр рӯзияллоҳу лар Куръони Каримни кироат ҳам тафсир қилиш бобида билимдон ва моҳир бўлишгани ривоят қилинган. Аввалги уч халифанинг эрта вафот топғанлиги ва уларнинг аксар вақтлари халифалик ишлари билан банд бўлгани сабабли улардан тафсир борасида қилинган ривоятлар оз қисмни ташкил этади. Куръони Каримнинг тафсири борасида саҳобалар томонидан қилинган саҳиҳ ривоятларнинг аксари Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Убай ибн Каъб рӯзияллоҳу ларга тўғри келади. Лекин барча уламолар иттифоқи билан Росулулоҳ солаллоҳу алайхис дан кейин Куръони Каримнинг маънолари, тафсиirlарини саҳобалар ичидаги билувчироқ киши – Абдуллоҳ ибн Аббос розвияллоҳу дип.

Куръони Каримни тиловат қилишда Росулулоҳ солаллоҳу алайхис нинг ишончларига сазовор бўлган саҳобалар қуидаги ҳадисда баён этилган:

Абдуллоҳ ибн Амр розвияллоҳу ривоят қилдилар: *Росулулоҳ солаллоҳу алайхис Куръонни* қай усулда тиловат қилишни мана бу тўрт киши – Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Муъз ибн Жабал, Солим мавло Аби Хузайфадан **олинглар** дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Шубҳасиз, Росулулоҳ солаллоҳу алайхис нинг атрофларида Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб рӯзияллоҳу каби бошқа кўплаб улуг саҳобалар ҳам бўлган. Шунга қарамасдан, айнан мана шу тўрт саҳобийнинг Куръони Карим тиловатини ўзларидан кейинги умматга ўргата олишларига ишонч билдирганлари бу саҳобаларнинг чексиз фазилат соҳиби эканидан далолат беради. Хўш, бу саҳобалар қайси фазилатлари туфайли Росулулоҳ солаллоҳу алайхис нинг юксак ишончларига сазовор бўлдилар?

1) **Абдуллоҳ ибн Масъуд** – муҳожир саҳобалардан. Лақаблари – Ибн Умми Абд. Маккада мусулмон бўлгандар ҳамда икки марта ҳижрат қилиб, Бадр, Уҳуд ва бошқа жангларда иштирок этганлар. Умар ибн Хаттоб розвияллоҳу даврида Куфа шаҳрида яшаб, мусулмонлар мулкларига хазиначи бўлгандар. Усмон ибн Аффон розвияллоҳу Абдуллоҳ ибн Масъудни

Куфага воли этиб тайынлаганлар, кейин ўзларига маслаҳатчи этиб, Мадинаи Мунавварага олиб келгандар.

Абдуллох ибн Масъуд рөзаяллоу айху Куръони Каримнинг тиловати ва тафсирини бевосита Росулуллох сөләлләүү алахү ад саллам дан таълим олганлар ҳамда унинг ким ва нима ҳақида нозил бўлганига гувоҳ бўлиб яшагандар. У киши кироат ва тафсир илми, тақво ва бошқа эзгу фазилатлари билан гоят машхур бўлган улуг саҳобалардандир. Хонадонлари тақво асосига курилган илм ўчоги сифатида танилган. Росулуллох сөләлләүү алахү ад саллам Абдуллох ибн Масъуд рөзаяллоу айху ҳақларида қуйидагича марҳамат қилгандар:

Умар ибн Хаттоб рөзаяллоу айху ривоят қилдилар: *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад саллам **кимни Куръонни нозил бўлганидек аслича ўқишилик хурсанд қиласа, Ибн Умми Абдан ўқиб ўргансин дедилар.** (Имом Аҳмад ривояти)

Али рөзаяллоу айху ривоят қилдилар: *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад саллам **агар бирор кишини мўминларнинг машваратисиз амир қилганимда, Ибн Умми Абни амир қилган бўлар эдим дедилар.** (Имом Аҳмад ривояти)

Али рөзаяллоу айху ривоят қилдилар: *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад саллам **Абдуллох** ибн Масъуднинг оёклари қиёмат кунида Аллоҳ субханаху вә таъвудонинг тарозисида Ухуд тогидан оғирроқдир дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Хузайфа рөзаяллоу айху ривоят қилдилар: *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад саллам **сизларга Абдуллох ибн Масъуд нимани айтиб берса, у айтган нарсани тасдиқланглар дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

Абдуллох ибн Масъуд мен *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад дан етмиишта сурани таълим олдим, ҳеч ким мен билан бу суралар тўғрисида тортишимади дегандар.

Умар рөзаяллоу айху Абдуллох ибн Масъуд олдимда бўлишини хоҳласам ҳам, уни жўнатиш билан Куфа аҳлини ҳурматладим дегандар. Аммор ибн Ёсир рөзаяллоу айху билан бирга Куфа шаҳрига динни ўргатиш учун жўнатар экан, булар Муҳаммад сөләлләүү алахү ад саллам нинг олижаноб саҳобаларидан, уларга эргашиб! Абдуллох ибн Масъуд – ичи илм билан тўлган иҳота ва Қиёмат кунида улкан улуши кишиидир дегандар.

Хузайфа рөзаяллоу айху Абдуллох уйида нима қиласи, билмайману, аммо уйидан чиқиб киргунига қадар *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад саллам га хулқ-атворда, юриши туришида энг ўҳаши киши эди дегандар.

Али рөзаяллоу айху Куфа шаҳрига келиб, Аллоҳ субханаху вә таъвудо Ибн Умми Абни раҳмат қилисин, бу шаҳарни илмга тўлдириди, у Куръон ва Суннатни билган, динда фақиҳ кишиидир дегандар. Абу Мусо ал Ашъарий рөзаяллоу айху мен Ямандан келганимда, Абдуллох ибн Масъудни *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад саллам нинг низг оила

миллатларга тақлид қилиб кетишмаяптими?! Биз уларга мана шундай васият қилдикми?! Ёки бизлар Аллоҳ субханаху вә таъвудодан ҳали бери жонимизни олмаслик ҳақида аҳд олганмизми?! Ҳали бандай васият қилишга эртами?! Аллоҳ субханаху вә таъвудо – **сизларга** деб биз, Ислом умматини назарда тутмоқда. Биз, Ислом уммати эса Рabbимиз биз учун ихтиёр этган динни маҳкам тутмадик! Ўтган барча пайғамбарлар, жумладан, Росулуллох сөләлләүү алахү ад саллам ҳам Аллоҳ субханаху вә таъвудонинг қуйидаги ояти орқали умматларига мана бу васиятни қилишган:

بِتَّأْيَهَا الَّذِينَ ءامَنُوا أَتَقُوْا أَلَّهَ حَقَّ تَفَاقَهُ وَلَا تَمُوْنُ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ سورة آل عمران

Эй иймон келтирган кишилар! Аллоҳдан ҳақиқий қўрқиши билан қўрқинг ва мусулмон ҳолатдагина ўлинг! (Оли Имрон сураси, 102 – оят)

Биздан илгари ўтган аждодларимиз мазкур васиятни маҳкам ушлаб дунёдаги энг хурматли кишиларга айланишди. Мана шу васиятни маҳкам ушлаганлари учун уларга бошқа ҳалқлар эргашиб, тобе бўлиб яшади. Мана шу васиятни маҳкат тутишгани сабабли одамларнинг хотирасида ҳалқларга нафақат динни, балки илм-фан, маърифат ва маданиятни ўргатган устозлар қаторида қолишиб. Аммо биз, кейинги умматлар бу васиятни унутдик! Уни фақат оғзаки ўқиб қўйиш билан чекланиб, унга бўлган амални тарқ этдик! Рabbимиз биз учун танлаган Ислом дини туриб, бизлар яхуд ва насоролар томонидан тузилган залолат йўлларига юрдик! *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад саллам дек йўлбошчи туриб, мутлақ ахлоқсиз золимларни ўзимизга йўлбошчи қилдик! Шунинг учун энг қолоқ ва хор миллатга айландик. Душманларимизнинг амри ва истаги билан иш тутувчи, мустакил иш юритолмайдиган пароканда умматга айландик. Агар мана шу васиятни маҳкам тутиб, унга амал қилмасак, бу хорлик биздан айрилмайди. Биз қайси йўлда ўлсак, ўша йўлда тирилтириламиз. *Росулуллох* сөләлләүү алахү ад саллам қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ جَابِرِ قَالَ سَوَّغَتُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْتَدُ كُلُّ عَبْدٍ عَلَى مَا تَأْتَى بِهِ وَرَاهِ مُسْلِمٌ

Жабир рөзаяллоу айху Пайғамбар сөләлләүү алахү ад саллам **Хар бир банда унда ўлган нарсага биноан тирилтирилади деганларини эшитдим дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Мусулмон ҳолатда ўлишни мақсад қилган киши ўша вақтдан бошлаб, Исломни маҳкам тутмоғи, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини Аллоҳ субханаху вә таъвудонинг динига мувоғиқ тарзда ўтказмоғи керак. Зоро, ўлим инсон ихтиёридан ташқари файба оид масала. Ҳеч ким ҳеч кимнинг қачон ва қаерда ўлишини билмайди.

Иброҳим *алайхис-салам*-нинг икки ўғиллари Исмоил ва Исҳоқ *алайхис-салам*- пайғамбар эди. Яъкуб *алайхис-салам*-нинг ўғиллари ичда Юсуф *алайхис-салам*-дек улуг пайғамбар бор эди. Лекин бу нарса *Сизлар мусулмон ҳолатингиздагина ўлинг* деб насиҳат қилишдан тўсмади. Зеро, ота ўз фарзандига қилиши мумкин бўлган энг қимматли васият шудир. Бундай васият фарзандига ҳақиқий меҳрибон бўлган ҳаким оталардангина чиқади.

Аллоҳ *субханаху* ушбу ўринда Иброҳим *алайхис-салам* буюрди деб эмас, **وَصَّى –
vasiyat қилди** демокда. Зотан киши ҳәётининг охирида фарзандларига энг муҳим, зарур нарсани васият қиласи. Васиятни эшитувчи ҳам ўзгача эҳтимом ила тинглайди. Бундан ташқари Иброҳим *алайхис-салам*-нинг васиятлари барча фарзандларига умумий бўлиб, маълум вақт ё замонга чекланмади. Иброҳим ва Яъкуб *алайхис-салам*-мана бу ўринда ўлишни Исломга чегараладилар. Исломдан ўзга йўлда ўлишнинг ёмон оқибатидан қаттиқ қўрқитиши учун гўё "Мусулмон бўлмагунингизча ҳаргиз ўла қўрманг", дегандек бўлишиди.

Оятдаги **الدِّين – din** сўзи шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи сўздир. Бу сўз араб тилидан бошқа ҳеч қайси тилда тўла маъносини ифода этолмайди.

Мана бу ўриндаги мусулмонлик бизнинг тушунчамиздаги тил билан айтишгагина чекланган "мусулмонлик" эмас. Минг афсуски, ҳозирда одамлар динини фақат тилида айтиш билан кифояланган, Ислом шариати талабларини нафақат бажармайдиган, балки уларнинг аксарини билмайдиган, ҳатто жоҳишлиги туфайли айrim ҳукмларга қаршилик қиласиган кимсаларни "мусулмон" дейилади. Бу оятдаги мусулмонлик Аллоҳ *субханаху*нинг барча ҳукмларига сўзсиз бўйсуниш, фақат Унинг ҳукмларига рози бўлиш, Аллоҳ *субханаху* буюрган барча фарзларни бажариш, қайтарган барча гуноҳ ишлардан қайтиш, Исломда мустаҳкам туриш, ундан ўзга йўлларга ёки дин ишларида Аллоҳ *субханаху*дан ўзганинг хоҳишига қараб юрмаслик маъносидаги мусулмонликдир. Бизда мана шу маънодаги Ислом топиладими?!

Инсон ҳаётга назар солар экан умрининг охирига қадар мусулмон бўлиб яшаш, Исломда мустаҳкам туриш, инсон ва жин шайтонларга алданмаслик нақадар оғир иш эканини билади. Ҳаётда арзимас дунё ва соҳта обрўларни деб динини сотаётган, жони шириналлик қилиб, иймонини бой берадиган, малъун золимларга яхши кўриниш учун охиратидан маҳрум бўлаётган "қори ака" ва "ҳожи ака"ларни кўрганида бу дунёдан саломат, мусулмон бўлиб ўтиш ҳар кимга ҳам насиб бўлмаслигини билади. Мусулмон бўлиб ўтиш баҳти фақат Аллоҳ *субханаху* раҳмат назари билан қараган кишиларгагина мұяссар бўлишига амин бўлади.

Биз ҳам ўзимизга бир назар солайлик! Аввало фарзандларимиз Исломдами?! Исломда бўлишса, унда мустаҳкамми?! Ажнабий

аъзоларидан деб ўйлабман деганлар. Амр ибн ал Ҷос *розвияху* *Росулуллоҳ* *саллалуу* икки кишини яхши кўриб ўтиб кетдилар, биттаси Абдуллоҳ ибн Масъуд... деганлар.

Абу Мусо ал Ашъарий *розвияху*га савол қилишганида, Абдуллоҳ ибн Масъудга ишора қилиб, *ичингизда мана бу илм денгизи бўла туриб мендан бирон нарса ҳақида сўраманг!* деганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд *розвияху* сахобалардан биринчи бўлиб Куръони Каримни мушриклар олдида жаҳран¹ ўқиганлар. *Росулуллоҳ* *саллалуу* Абдуллоҳ ибн Масъуд билан Муъз ибн Жабал *розвияху*ни Аллоҳ йўлида ака-ука қилиб қўйганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд *Росулуллоҳ* *саллалуу*дан кўп ҳадисларни ривоят қилганлар ва Имом Бухорий ўзларининг "Ал-Жомеъ ус-Саҳиҳ"ларида улардан 85 тасини ривоят қилганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд *розвияху* 32 – хижрий йилда Мадинаи Мунавварада ёшлари етмишдан ўтиб вафот қилганлар, жанозаларини Усмон *розвияху* ўқиганлар ва Бақиъ қабристонига дафн этилганлар.

2) **Убай ибн Каъб** – ансор сахобалардан. Мадинаи Мунавварада яшаганлар ва сахобалар ичida илмда ҳам Куръони Каримни тиловат ва тафсир қилишда моҳир бўлиб, "Корилар саййиди" деб танилганлар. Убай ибн Каъб *розвияху* Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Хурайра, Абдуллоҳ ибн ас-Соиб *розвияху*лардек улуг сахобаларга Куръони Карим тиловатини ўргатганлар ва олтмишдан зиёд сахих ҳадисларни ривоят қилганлар. Убай ибн Каъб *розвияху* *Росулуллоҳ* *саллалуу*ниг Мадинаи Мунавварадаги дастлабки котиблари деб ҳам хисобланади. *Росулуллоҳ* *саллалуу* Убай ибн Каъб *розвияху* ҳакларида қуйидагича марҳамат қилганлар:

Анас ибн Молик *розвияху* ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* *саллалуу* Убай ибн Каъбга мени Аллоҳ *Сизга Лам якунил лазина кафаруни ўқиб беришилкка буюрди дедилар.* Убай Аллоҳ *субханаху* менинг номимни атадими, деди. *Росулуллоҳ* *саллалуу* **ҳа** дедилар. Убай қувончдан йиглаб юборди.

(Имом Муслим ривояти)

Убай ибн Каъб *розвияху* ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* *саллалуу* одамлар билан намоз ўқиб, бир оятни ташлаб кетдилар. Намоздан сўнг, қайсинингиз кироатимдан ташлаб кетганимни билди дедилар. Мен, эй *Росулуллоҳ*, мана бу, мана бу оятни ташлаб кетдингиз дедим. *Росулуллоҳ* *саллалуу* агар уни бирор киши билган бўлса, у албатта Сиз бўлишингизни билар эдим дедилар.

(Имом Аҳмад ривояти)

¹ баланд овоз чиқарип

Анас ибн Молик ^{розыяллоу}_{анык} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} умматимнинг ичида **Аллоҳнинг китобига нисбатан қироатлироғи – Убай ибн Каъбидир дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

Убай ибн Каъб Абу Бақр ^{розыяллоу}_{анык} нинг маслаҳатчиларидан бўлганлар. Умар ибн Хаттоб ^{розыяллоу}_{анык} Убай ибн Каъбни тарових намозига имом қилиб тайинлаб, ичимида энг қироатлигимиз – Убайдир. Ким Куръонни ўрганмоқчи бўлса, Убай ибн Каъбдан ўргансин, у – мусулмонлар саййиди деганлар. Убай ибн Каъб Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} вафот қилишларидан илгари Куръони Каримни тўла ёд олган саҳобалардан бўлиб, 32 – ҳижрий йилда вафот этганлар.

3) **Муъоз ибн Жабал** – ансор саҳобалардан. Лақаблари Абу Абдурроҳман. Шом шаҳрида истиқомат килганлар. Муъоз ибн Жабал ^{розыяллоу}_{анык} Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} Мадинаи Мунавварадан биринчи Ақоба байъатига келган ансорларга қўшиб элчи қилиб жўнатган Мусъаб ибн Умайр ^{розыяллоу}_{анык} нинг даъватлари сабабли 18 ёшларида мусулмон бўлганлар. Иккинчи Ақоба байъатида Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} билан учрашиб, у кишига байъат қилганлар. Муъоз ибн Жабал ^{розыяллоу}_{анык} Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} билан бирга йигирма ёшларида Бадр жангига, кейинроқ Уҳуд ва бошқа жангларда иштирок этганлар. У киши саҳобалар орасида илм, тақво, жасорат, хушфеълик, саҳоват каби фазилатлар билан танилганлар. Макка фатҳидан сўнг Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} Муъоз ибн Жабал ^{розыяллоу}_{анык} ни одамларга Куръони Карим билан ва ҳаромни ўргатиш учун Маккага воли қилганлар. Муъоз ибн Жабал ^{розыяллоу}_{анык} Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} ҳаётликларида Мадинаи Мунавварада Куръони Каримни тилюват қилишда устоз бўлиб, фикхий масалаларда фатво бериб юрганлар. Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} ҳаётларининг охири, яни 10 – ҳижрий йилнинг охирларида¹ Муъоз ибн Жабал ^{розыяллоу}_{анык} Ямандаги мусулмонларга Куръони Каримни ва диннинг бошқа руқнларини ўргатиш учун воли ҳам қози қилиб жўнатганлар. Видолаша туриб, **Сиз мени бу йилдан кейин қайта кўрмасангиз керак, мумкинки менинг қабрим ва масжидим олдидан ўтарсиз,** (Имом Аҳмад ривояти) деганларида бу дунёда Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} билан қайта кўришмасликларини билиб, кўп йиғлаганлар. Муъоз ибн Жабал ^{розыяллоу}_{анык} Яманга келгач, Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} нинг кўрсатмаларига кўра Жанад² шаҳрига тушдилар ва Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} нинг масжидларига монанд масжид³ курдилар. Куръони Карим ва диннинг бошқа руқнлари Яманга шу масжиддан тарқалди.

¹ Бу борада мусулмон тарихчи уламолар орасида ихтилофлар мавжуд.

² Яман пойтахти Санъо шаҳридан 130 км узоклиқда жойлашган шаҳар.

³ Хозирги кунда ҳам ушбу масжид мавжуд ва у Муъоз ибн Жабал ^{розыяллоу}_{анык} номи билан юритилади.


Мана шунга кўра мусулмон киши Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} га тўла бўйсуниши, Уни ягона маъбуд деб эътиқод қилиши, факат Унинг ҳукмларига рози бўлиб яшаши керак. Унинг буйруқларини сўзсиз бажариши, қайтарган нарсаларидан сўзсиз қайтиши лозим. Фақат У юборган Исломни тўғри деб билиши ва ўша йўлдан заррача четга чикмаслиги керак. Ислом йўлидан ўзга ҳар қандай йўлларни залолат ва ҳалокат йўллари деб эътиқод қилиши керак. Мана шундагина ҳақиқий мусулмон бўла олади.

Ушбу оят "Мухаммад – Ислом динига асос соглан киши", деган гарбча ботил қараашларни йўққа чиқаради. Ислом – барча пайғамбарлар динидир. Айни ҳолатда Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} Ўз дўсти Иброҳим ^{алайхис}_{салом} га Унга таслим бўлишга, яъни мусулмон бўлишга буюриши Исломнинг Одам ^{алайхис}_{салом} дан тортиб Киёматга кадар инсоният учун юборилган ягона дин эканини кўрсатади. Росулуллоҳ ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:



Абу Хурайра ^{розыяллоу}_{анык} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{сөзделлюу}_{аласын да саллам} Мен дунёю Охиратда Ийсо ибн Марямга одамларнинг ҳақлироғиман. Пайғамбарлар ота бир¹ ака-уқадирлар. Оналари бошқа-бошқа холос, динлари эса биттадир дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Яхуд ва насоролар Иброҳим ^{алайхис}_{салом} нинг динидаликлари билан фаҳрланишади. Ҳолбуки, ул зотнинг дини тиник ва соғ Исломдир. "Сенга", демасдан *оламлар Тарбияткунандасига* дейишлари Иброҳим ^{алайхис}_{салом} нинг эътиқодлари комил ва мустаҳкам Ислом эканидан далолат беради. Ул зот ўзлари мусулмон бўлибгина қолмасдан, авлодларига ҳам ушбу динни васият қилиб кетдилар:



132. **Иброҳим ва Яъқуб болаларига "Эй ўғилларим! Аллоҳ сизларга ушбу динни танлади. Сизлар мусулмон ҳолатингиздагина ўлинг!"** деб шу Исломни васият қилишди.

Иброҳим ^{алайхис}_{салом}, шунингдек, набиранлари Яъқуб ^{алайхис}_{салом} ҳам фарзандларига "Эй болаларим! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} сизларга меҳрибонлик қилиб, Исломни дин этди. Уни сизларга ҳаётингиз манҳажи этиб танлади! Бу динни маҳкам тутинг! Уни ҳаётингизга татбиқ этинг! Бу фоний дунёдан факат мусулмон бўлиб ўting!" деб васият қилишди.

¹ Улакт сўзи араб тилида бир отанинг бир нечта хотинларидан тугилган фарзандларига ишлатилади.

қайтинг! Ёлгиз Ўзимга ибодат қилинг, ҳеч бир нарсани тенг қилманг! Сизга юборилган рисолатни адо этинг! Ибодатингизни холис Аллоҳ *сұбханалу* учун қилинг! Аллоҳ *сұбханалу*нинг динидан юз ўтирганлардан Сиз ҳам юз ўтириңг!" деб хитоб қылғанини ёдингизга олинг! Шунда Иброҳим *алайхис салам* ўйланмай, дарҳол "Мени йўқдан бор қилған, хидоятга мушарраф айлаган, касал бўлсан, шифо берадиган, менга ризқ берадиган, мени ўлдириб, сўнг яна тирилтирадиган оламлар Тарбияткунандасига бўйсундим!" дедилар.

Иброҳим *алайхис салам*- бутпараст қавм ичида, буттарош оиласида ўсиб улгайдилар. Мана шундай мухитда ўсишларига қарамай Аллоҳ *сұбханалу* у кишига ёшликларидаёқ Ўз хужжатларини кўрсатди. Иброҳим *алайхис салам*- болалигигидаёқ бутун оламнинг Яратувчиси ёлгиз эканини билдилар ва бу улкан ҳақиқатни оталари ва қавмларига етказдилар. Бироқ улар ёш боланинг акли етган мана бу ҳақиқатни қабул қилишмади. Лекин Иброҳим *алайхис салам*-ни на оталари ва на қавмлари, умуман, ҳеч ким, ҳатто золим подшоҳ ҳам Аллоҳ *сұбханалу*дан ўзгага бўйсундира олмади. У киши умрларининг охирига қадар "Оламлар Тарбияткунандасига бўйсундим", деган сўзларига содик қолдилар. Гарчи бўнинг учун у кишига қавмлари қарши чиқса ҳам, ўтга ташланишга, ватанларидан воз кечишга, купкуруқ сахрода яшашга тўғри келса ҳам.

Биз ҳам "Аллоҳга бўйсундик, мусулмонмиз", деган даъволаримизга содикмизми?! Бу ҳаётдаги ўткинчи қийинчилликлар, золимларнинг макри бизни Аллоҳ *сұбханалу*га бўйсунишдан узоқлатмадими?! Мол-дунё, бола-чақа муҳаббати бизни Исломдан йироклатмадими?!

Инсон ҳаётда ўзини Аллоҳ *сұбханалу*та тўла бўйсундирib яшashi ўта оғир ва қийин ишдир. Инсон ҳаёт қўчаларида турли хил фитналарга, одам шайтонларининг алдовларига, ҳар хил баҳоналарга рўбарў бўлади. Мана шундай ҳолатда камдан-кам одамлар, яъни фақат Аллоҳ *сұбханалу*дан кўрқкан солихларгина Исломини сақлаб қолади. Иймон қалбига мустаҳкам ўрнамаган кимсалар эса, дунёвий мусибат, одамлар, оила ва мана шу каби бошқа баҳоналар сабабли тўғри йўлдан чиқиб кетади. Шунинг учун бўлса керак, Аллоҳ *сұбханалу* Ўзининг дўсти Иброҳим *алайхис салам*-га, гарчи ул зот Қиёмат кунидаги салоҳиятга эришган бўлсалар ҳам, "Исломда мустаҳкам туринг!" деб хитоб қилди. Демак, Ислом – жиддий нарса. У хоҳлаганда кириб, хоҳлаганда чиқиб турадиган енгил нарса эмас. Исломга ҳеч кимни мажбур қилинмайди. Аммо ихтиёр билан Исломни танлаган киши ўзини фақат Аллоҳ *сұбханалу*га бўйсундирishга мажбур. Бу мизожий эмас, балки иймон масаласидир.

Иброҳим *алайхис салам*-нинг *اسلمتْ - بُؤيْسُوندِيم* қалимасидан *إِسْلَام* – Ислом сўзи олинган. *اسلام!* – Ислом сўзи араб тилида кўп маъноли сўз бўлиб, энг асосийси, бўйсуниш, итоат этиш демакдир. Росулулоҳ *соллаилу*_{الله عَزَّوجلَّ} олиб келган шариат Иброҳим *алайхис салам*- олиб келган шариатнинг такомиллашган қўриниши, холос.

Муъоз ибн Жабал *روزияллоҳ*_{انҳу} Росулулоҳ *соллаилу*_{الله عَزَّوجلَّ} вафот қилгунларига қадар Куръони Каримни тўла ёд олиб улгурган саҳобалардан. Росулулоҳ *соллаилو*_{الله عَزَّوجلَّ} Муъоз ибн Жабал *روزияллоҳ*_{انҳу} ҳақларида куйидагича марҳамат қилдилар:

Росулулоҳ *соллаилу*_{الله عَزَّوجلَّ} Муъоз ибн Жабалнинг қўлларини ушлаб, Эй Муъоз! Аллоҳга қасамки, мен Сизни яхши қўраман, Аллоҳга қасамки, мен Сизни яхши қўраман дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Анас ибн Молик *روزияллоҳ*_{انҳу} ривоят қилдилар: *Росулулоҳ* *соллаилو*_{الله عَزَّوجلَّ} умматимнинг ичида ҳалол ва ҳаромни билувчироқ киши – Муъоз ибн Жабалдир дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Абу Хурайра *روزияلлоҳ*_{انҳу} ривоят қилдилар: *Росулулоҳ* *соллаилو*_{الله عَزَّوجلَّ} Муъоз ибн Жабал нақадар яхши киши! дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Муъоз ибн Жабал Абу Бакр *روزияллоҳ*_{انҳу} маслаҳатчиларидан бўлганлар. Умар ибн Хаттоб *روزияلлоҳ*_{انҳу} бир масалада нотўғри фатво берганларида, Муъоз ибн Жабал *روزияلлоҳ*_{انҳу} тўғрилаб кўйган эканлар. Бундан Умар ибн Хаттоб *روزияلлоҳ*_{انҳу} қувониб, аёллар Муъоздек кишиларни тугишидан ожиз бўлиб қолди. Муъоз бўлмаганида, Умар ҳалок бўлар эди. Муъоз ибн Жабал Шомга жиҳод қилиб кетди, Абу Бакрдан Мадина аҳлига фойдаси кўплиги учун Муъозни жўнатмасликни сўрадим, кўнмади. Муъознинг кетиши билан Мадина аҳлига фиқҳда фатво берадиган киши қолмади. Ким фиқҳ илмини ўрганмоқчи бўлса, Муъоз ибн Жабалнинг олдига борсин деганлар. Вафотлари чоғида саҳобалар биздан илм узилиб қолмоқда деб йиглашган экан. Умар ибн Хаттоб *روزияلлоҳ*_{анҳу} Абу Убайдада *روزияلлоҳ*_{анҳу} Шомдаги мусулмон лашкарларига бош қўмондон, Муъоз ибн Жабал *روزияلлоҳ*_{анҳу}ни эса мухим ишлар бўйича биринчи муовин этиб тайинлаганлар. Абу Убайдада *روزияلлоҳ*_{انҳу} вафотидан сўнг Муъоз ибн Жабал *روزияلлоҳ*_{анҳу} Шомдаги мусулмон лашкарлари бош қўмондони этиб тайинлаганлар. Муъоз ибн Жабал *روزияلлоҳ*_{انҳу} Росулулоҳ *соллаилو*_{الله عَزَّوجلَّ}дан саккиз йилдан кейин 18 – ҳижрий йилда 38 ёшларида ўлат касалига гирифтор бўлиб, вафот этганлар.

4) **Солим мавло Аби Ҳузайфа** – муҳожир саҳобалардан. Асл исмлари Солим ибн Маъқил. Солим *روزияллоҳ*_{انҳу} Росулулоҳ *соллаило*_{الله عَزَّوجلَّ}дан илгари Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб келган муҳожирларга, гарчи улар ичида Умар ибн Хаттоб *روزияلлоҳ*_{انҳу}дек улуг саҳобалар бўлса ҳам, имом бўлганлар. Солим мавло Аби Ҳузайфа *روزияلлоҳ*_{انҳу} Мадинаи Мунавварадаги Кубо масжидининг биринчи имоми бўлганлар. Росулулоҳ *соллаилو*_{الله عَزَّوجلَّ} Солим *روزияلлоҳ*_{انҳу} Ислом умматининг энг омонатли кишиси деб танилган Абу Убайдада *روزияلлоҳ*_{анҳу} билан Аллоҳ йўлида ака-ука қилиб қўйган эканлар. Солим *روزияلлоҳ*_{انҳу} Ямома жангига мусулмонларнинг байробгини ҳимоя қила туриб шаҳид бўлганлар.

Ойиша онамиз *розыяллоу* ривоят қилдилар: *Хуфтондан кейин Росууллох* *сақалын* *сақалын* *ниң* *хұзурларига* *кечекиб* *қолдим.* *Росууллох* *сақалын* *сақалын* **қаерда әдинг?** *дедилар.* *Масжида* *бир* *асхобингизнинг* *қироатини* *тингладим.* *Асхобларингизнинг* *биронтасидан* *бунга* *үшаш* *қироат* *ёки* *овозни* *шитмаганман,* *дедим.* *Росууллох* *сақалын* *сақалын* *мен* *билан* *бирга* *туриб* *тингладилар* *ва* *менга* *қараб* *бу* – **Солим Мавло Аби Хузайфа!** Умматим ичидан унга *үшаш* *кишиларни* *чиқарган* *Аллоҳга* *мақтовлар* *бўлсин* *дедилар.*

Шу ўринда тафсир илмига асос солган ва барча муфассирларга устоз бўлган ҳамда тафсир илмини бизнинг замонамизгача етиб келишига улкан хисса қўшган баъзи кишиларнинг таржимаи ҳолини кисман ёритиб ўтишини лозим топдик.

1) **Абдуллоҳ ибн Аббос** – муҳожир саҳобалардан. У киши Росууллоҳ *сақалын* *сақалын* га амакивачча, Маймуна бинт Ҳорис онамизга жиян бўлиб, хижратдан уч йил илгари Маккаи Мукаррамада туғилганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос *розыяллоу* саҳобалар ичida илмининг кўплигидан "Илм денгизи, миллат билимдони, Куръони Карим таржимони" каби лақаблар билан танилганлар. Росууллоҳ *сақалын* *сақалын* вафот қилганларида ўн уч ёшда бўлганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос *розыяллоу* ёш бўлишларига қарамасдан, Росууллоҳ *сақалын* *сақалын* дан И мом Бухорий ва И мом Муслимлар "сихоҳ"ларида келтирган 1660 та саҳиҳ ҳадисни, жумладан, Куръони Каримнинг тафсирига доир саҳиҳ ҳадисларнинг ярмидан кўпини ривоят қилганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос *розыяллоу* Али ибн Абу Толиб *розыяллоу* даврида Басрага воли бўлганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос *розыяллоу* нинг оналари Умму Фазл Ҳадиҷа онамиз *розыяллоу* дан кейин Исломга кирган биринчи аёлдир. Умму Фазл ўғиллари туғилиши билан Росууллоҳ *сақалын* *сақалын* нинг хұзурларига олиб келдилар ва Росууллоҳ *сақалын* *сақалын* чақалоқ оғзига тупукладилар. Абдуллоҳ ибн Аббос *розыяллоу* нинг оғзиларига кирган биринчи нарса – Росууллоҳ *сақалын* *сақалын* нинг муборак тупуклари бўлди.

Росууллоҳ *сақалын* *сақалын* **мени багириларига босиб, Худоё бунга ҳикмат ва китоб, яъни Куръоннинг таъвилини билдиргин дедилар.** (Ибн Можжа ривояти)

Умар ибн Хаттоб *розыяллоу* Абдуллоҳ ибн Аббосни ёш бўлишларига қарамасдан маслаҳатларга чақириб, бу ақлли қалб ва сўраладиган тил эгасидир, бирор киши Абдуллоҳ ибн Аббосни яхши қўрганим учун мени маломат қўлмасин деганлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд *розыяллоу* Абдуллоҳ ибн Аббос Куръоннинг қандай ҳам яхши таржимони, агар бизнинг ёшишимизга етса, унга бирортамиз илмда тенг келолмаймиз деганлар.

эриштириш билан танлаб олганмиз. Иброҳим *сақалын* Охиатда ҳам улуг манзилат соҳибицир. Иброҳим *сақалын* нинг динига эргашганлар ҳам Охиатда нажот топиши муқаррар.




Муҳсин бўлган ҳолда ўзини Аллоҳга бўйсундирган ва Иброҳимнинг ҳақпарвар динига эргашган кишидан кўра кимнинг дини яхшироқ?! **Аллоҳ Иброҳимни** Ўзига дўст тутди. (Нисо сураси, 125 – оят)

Аллоҳ *субханаху* ўзига дўст тутган зотнинг йўлидан юз ўғирган кимсадан кўра нодон, баҳтсиз кимса бўлмас. Оламлар Парвардигори томонидан йўлбошчилик учун танланган зотнинг йўлидан ўзга ботил йўлларни маъкул қўрганлар, шубҳасиз, залолат ва гумроҳлик сари бораётган кимсалардир. Аллоҳ *субханаху* бутун башарият оғир соатда турган, золим ва кофиirlар ер бўлиб кетишини орзу қиладиган Қиёмат кунида солиҳлар қаторида бўлишига шаҳодат берган зотнинг динига юришдан бўйин товлаганлар икки дунё саодатидан маҳрум бўлибди. "Биз замонавий йўлдан тараққиёт сари борамиз, "тараққийпарвар" ҳалқлардан ўrnak оламиз", деганлар ақлини ебди. Иброҳим *сақалын* динини қўйиб, бошқа ботил маслакларга юрган кимсадан кўра нодон, баҳтсиз яна ким бор?!

Оламлар Парвардигори ожиз бандаси бўлмиш Иброҳим *сақалын* ҳақида "Биз уни рисолат ва имомат учун танлаб олдик", деб шаҳодат берди. У кишининг Охиатда ҳам солиҳлар қаторида бўлиши Қиёматга қадар Куръони Каримда тиловат қилинади. Мана бу нарса Иброҳим *сақалын* нинг гоят пок ва комил бир шахс эканидан далолат беради. Шундай зотнинг йўли – Исломдан фақат нодон кимсаларгина бўйин товлади.

Демак, Ислом – умумбашарий дин ва ягона тўғри йўлдир. Ундан ўзга ҳар қандай йўллар, қачон ва ким томонидан тузилган бўлишига қарамасдан ботилдир. Энди, насабини Иброҳим *сақалын* га тақалиши билан фахрланган, у кишининг динига эргашганликни даъво қилганларнинг ул зот Аллоҳ *субханаху*дан юборишини сўраган пайғамбарга иймон келтирмаслиги нақадар таажжубли!

Охиат иши бандаларга номаълум бўлгани учун Аллоҳ *субханаху* Иброҳим *сақалын* нинг Қиёмат куни солиҳлардан бўлишини таъкид маъносини ифода этувчи бирданига иккита ՞! ва ՞! ҳарфлари билан таъкидламоқда.



131. Рабби унга "Бўйсун!" деганида, "Оламлар Тарбияткунандасига бўйсундим", деганини эсланг!

Эй Муҳаммад *сақалын*! Аллоҳ *субханаху* Иброҳим *сақалын*-га "Менинг ҳукмларимга бўйсунинг! Буйрукларимга итоат этинг, қайтарикларимдан

таъсир қилмайди. Ўзи айтаётган сўзга ўзида амал топилмаса, ундан бошқалар қочади. Одамларнинг ахлоқини тузатиш ўрнига ўзи ахлоқиз бўлган бундай “олим” ва “ҳаким”дан Исломга наф етмайди.


Шунинг учун мусулмон уламолар нафакат илмли, балки ҳаким ҳам бўлиши лозим. Улар ҳалққа нималарни айтиш кераклигини яхши билишлари керак. Мисол учун бизга илгари ҳалим, итоатгўй бўлиш, катталарнинг тўғри-нотўғри сўзларини рад қилмаслик ҳақида кўп насиҳатлар айтилган. Шунинг учун бўлса керак, биз ўта ҳалим бўлиб, табиатимизга ҳар қандай ботил гапни қабул қилиш сингиб кетган. Ҳалимлик – яхши хулқ эканида шубҳа йўқ. Бироқ, унинг муқобаласида ноҳақликка қарши туриш, шижаотли бўлиш, ботилни қабул қилмаслик, катъиятлилик каби яхши хулклар ҳам борлигини унутмаслик лозим.

Демак, пайғамбарнинг вазифаси одамларга нафакат Аллоҳ сұбханалу_{әәт таъвуд}нинг Китоби ва Ислом шариатининг ҳукмларини билдириш, балки уларни ҳаётга татбиқ этишини кўрсатиш ҳамдир. Шунингдек, одамларнинг қалбини бузук мағкуралар, ботил қараашлардан поклаш ҳам пайғамбарлар ва уларга меросхўр бўлган Ислом уламоларининг вазифаси жумласиданди.

العزيز - Қудратли – Аллоҳ сұбханалу_{әәт таъвуд}нинг гўзал исмларидан бўлиб, Куръони Каримда 59 марта такрорланган ва 29 та ўринда **الحكيم - ҳикмат Эгаси** сифати билан бирга келтирилган. Ҳамиша ғолиб, бирорвга эҳтиёжи йўқ, ҳеч ким Унга зиён етказолмайдиган Зот деган маъноларни билдиради.

Мана бу оят Куръони Карим ва унинг маъноларини ўрганиш умматнинг соадатига кифоя эмаслигига, балки ширк ва нифоқ каби маразликлардан пок бўлиш ҳам лозимлигига ишорадир.

Суранинг биз ўрганиб ўтган мана бу охирги уч ояти мўмин кишига бир эзгу амални қилганида, қилган амалини васила қилиб Аллоҳ сұбханалу_{әәт таъвуд}дан дилидаги шариатга мувофиқ тилакларини сўрашлиги лозимлигини таълим бермоқда.



130. *Иброҳимнинг динидан жонини совурган кимсагина юз ўгиради. Биз уни дунёда танладик ва у Охиратда, шубҳасиз, солиҳларданdir.*

Тавҳид ахлининг имоми, икки дунё соадатига эришган, пайғамбарлар отаси бўлмиш Иброҳим алайхис-салам-нинг динидан фақат ақлини еган, ўзини хорлаган, балки ҳалок қилган баҳтсиз кимсаларгина юз ўгиради. Иброҳим алайхис-салам-нинг динидек очиқ ҳақиқатдан юз ўгиран бундай баҳтсиз кимса ҳақни тарқ этиши туфайли, шубҳасиз, ўзига зулм қилгандир.

Иброҳим алайхис-салам-нинг дини – ёлғиз Аллоҳ сұбханалу_{әәт таъвуд}га ибодат қилиш, Унга бирон нарсани шерик қилмаслик, яъни Исломдир. Биз Иброҳим алайхис-салам ни дунёда бошқалар ичидан пайғамбарлик ва диндаги имоматга

Абдуллоҳ ибн Умар розвияллоҳу_{әнху}дан бир киши Куръони Карим ҳақида сўраганда, Абдуллоҳ ибн Аббосдан сўрагин, чунки у киши *тириклар ичидан Росууллоҳ* сөнгалиллоҳу_{әнхам}га нозил бўлган нарсани билувчироқдир деганлар.

Ато ибн Абу Рабоҳ Абдуллоҳ ибн Аббосдан кўра *тақвodor*, илмли кишини кўрмадим. Куръон, ҳадис, фиқҳ, шеър аҳллари у кишининг улкан илм водийларидан баҳраманд бўлишар эди деганлар.

Масруқ *Ибн Аббос* бизга бир сурани ўқиб, уни кун бўйи *тафсир қилиб берар* эди деганлар.

Кўп муҳадислар қатори Имом Бухорий ҳам ал-Жамиъ ас-Саҳиҳ китобидаги Куръони Каримнинг тафсири ва фазилатлари номли бобларда асосан, Абдуллоҳ ибн Аббос розвияллоҳу_{әнху}дан келтирилган ривоятларга суюнганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розвияллоҳу_{әнху} Абдуллоҳ ибн Масъуд розвияллоҳу_{әнху}дан кейин 36 йил яшаб, 71 йил умр кўрганлар. Умрларининг охирида кўзларидан қолиб, 68 – ҳижрий йилда Тоиф шаҳрида вафот топганлар, жанозаларини Али розвияллоҳу_{әнху}нинг ўғли Муҳаммад ал-Ханафийя ўқиганлар.

Тобиынлар – Росууллоҳ сөнгалиллоҳу_{әнхам}нинг саҳобаларини кўрган, улардан таълим олиб, ривоятлар қилган кишилардир. Тафсир илмида тобиынларнинг алоҳида ўрни бор. Улар ичидан Абдуллоҳ ибн Аббос розвияллоҳу_{әнху}нинг Саъид ибн Жубайр, Мужоҳид, Икрима, Ато ибн Абу Рабоҳдек шогирдлари Маккаи Мукаррамада, Абдуллоҳ ибн Масъуд розвияллоҳу_{әнху}нинг Алқома, Масруқ, Ҳасан Басрый, Катодадек шогирдлари Ироқ ва Куфада, Убай ибн Каъб розвияллоҳу_{әнху}нинг Зайд ибн Аслам, Абул-Алиядек шогирдлари Мадинаи Мунавварада машҳур бўлган. Шу сабабли Ибн Таймийя *тафсир илмида* Мужоҳид, Ато ибн Абу Рабоҳ, Икрима, Саид ибн Жубайрлар Абдуллоҳ ибн Аббоснинг шогирдлари бўлганлари сабабли *пешқадам* деганлар. Шунингдек, Мусайяб, Ато ибн Ясар, Муъоз ибн ал-Хорис, Муслим ибн Жундаб, Рабиъ ибн Хайсам ҳумуқи_{ҳумуқи}лар Куръони Каримни қироат ҳам тафсир қилиш бобида ўз билимлари билан моҳир бўлганларни ривоят қилинган.

2) **Мужоҳид** – тобиынлардан, исмлари Мужоҳид ибн Жабр. 21-ҳижрий йилда Умар ибн Хаттоб розвияллоҳу_{әнху}нинг даврларида тутғилганлар. Асосий устозлари Абдуллоҳ ибн Аббос розвияллоҳу_{әнху}дир. Мужоҳид *мен* Куръонни Абдуллоҳ ибн Аббосга уч марта ҳар бир оятда тўхтаб, қироати, тафсири, нима ҳақда нозил бўлганини сўраб ўтказдим деганлар. Имом Саврий *агар тафсир борасида* Мужоҳиддан ривоят қилинган бўлса, кифоя деганлар. Ибн Таймийя шу сабабдан Имом Бухорий, Имом Шофиъий ва бошқа аҳли илмлар тафсирда Мужоҳидга суюнадилар дейди. Суфён Саврий *тафсирни тўрт киши* – Мужоҳид, Саид ибн Жубайр, Икрима, Заҳҳокдан ўрганинглар деганлар. Имом Заҳабий барча илм аҳли Мужоҳиднинг тафсирда *пешқадам* бўлганлигига ижмов қилган дейдилар. Мужоҳид 103 – ҳижрий йилда Маккаи Мукаррамада, сажда қилган ҳолларида вафот топганлар.

3) **Имом Табарий** – исмлари Мұхаммад ибн Жарир. 224 – хижрий йилда туғилғанлар. Тафсир илмидан ташқари ҳадис, тарих, қироат илмларида ҳам етук олим сифатида танилғанлар. Имом Табарийнинг китоблари сахиҳ ривоятларга қурилған ва бизгача етиб келған тафсир китобларининг эң каттасидир. У Ахлус- суннат вал жамоәттінде үламоларининг юқсак ишончига сазовор бўлған. Бу китоб нафакат Ресулуплоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup>, сахобалар ва тобиъинларнинг сахиҳ ривоятларига асосланған, балки унда турли қироатлар ва фикхий масалалар ҳам ойдинлаштириб берилған. Бошқа муфассир үламолар тафсир ёзища шу китобга суюниб иш кўришган. Имом Нававий ҳали бирон киши тафсир борасида Табарийдек ривоятларни саралаб ёзгани йўқ деганлар. Мұхаддис үламолардан Ибн Хузайма уни бошидан охиригача ўқиб чиқдим, ер юзида тафсирни Ибн Жарирдан кўра яхшироқ билдиған одамни билмадим деганлар. Ибн Таймийя Ибн Жарир Табарий тафсирлар ичида энг буюк тафсирдир, унда бидъат йўқ деганлар. Имом Табарий 310 – хижрий йилда Бағдод шаҳрида вафот топғанлар.

4) **Ибн Касир** – исмлари Ибн Амр ибн Касир. 705 – хижрий йилда туғилғанлар. Ҳадис, фикҳ, тафсир илмининг билимдони сифатида шуҳрат топғанлар. Кўп муфассирларга кўлланма вазифасини ўтаган. **تفسیر القرآن العظيم** номли машҳур тафсирни таълиф этғанлар. Бундан ташқари кўп қўмматли асарлар ёзғанлар. Тарихга доир **البداية والنهاية** номли қўмматли китоблари үламолар тарафидан юқори баҳоланганд. Ибн Касир 774 – хижрий йилда вафот қиласын.

Мана бу зотлар Куръони Каримни ўрганған, унга амал қилиб яшаган ва дин учун молу жонини фидо қиласын Ислом умматининг пешвонари. Дин ишларидан уларга эргашиб, улардан ўрнак олинади. Барчаларига Аллоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup> розилиги бўлсин.

Тафсир сўзи араб тилида, маҳфий нарсаларни топиш маъносини ифода этади. Үламолар истилоҳида Аллоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup>нинг қаломига берилған шарҳ ёки изоҳни билдиради. Имом Суютий ^{ابعْدَن} номли китобларида Куръонни тафсир қилиши учун араб тили, яъни сарф-нахъ қоидалари, балогат, қироат, дин ва фикҳ усуслари, ҳадис, асбоби нузул¹ ҳамда носих² ва мансух каби илмларни билиши шарт дейдилар. Бундан ташқари үламолар, муфассир гоят одоб-ахлоқли ва тақволи бўлиши, қилаётган амалини холис Аллоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup> учун қилиб, ундан шуҳрат ва мартаба кўзламаслиги лозимлигини уқтирадилар.

Куръони Каримни ўқиб, тафсирини билмаган кишининг мисоли қоронғу кечада чироксиз ўтирганида подшоҳидан мактуб келған қавмга ўхшайди. Мактубда нима ёзилганини билай дейишса, чирок йўқ.

¹ Куръони Карим оятларининг нозил бўлиш сабабларига доир илм.

² Ҳукмни бекор қиласын ва ҳукми бекор бўлған оятларга доир илм.

амаллардан қайтариш билан эътиқодлари, мағкуралари, умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларини ширк маразидан ва бошқа қабиҳ гуноҳлардан покласин. Сен Тенгсиз, ҳар бир нарсага Қодир ва ҳар бир ишни ҳикмат билан қиласын ҳикмат Эгасисан.

Аллоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup> Иброҳим ва Исоил <sup>аҳадын
сағдам</sup>ларнинг дуоларини ижобат қилиб, уларнинг авлодидан инсону жин тоифасига сўнгти пайғамбар Мұхаммад <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup>ни юборди ва у киши билан пайғамбарликка хотима ясалди. Ресулуплоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup> 23 йил мобайнинда умматга Аллоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup>нинг оятларини тиловат қилиб бердилар, Куръони Каримни ўргатдилар, суннатни жорий қиласын. Ҳикмат билан иш юритишлари натижасида ахлоқи, эътиқоди бузук бадавийлардан бутун башарият бир неча асрлардан кейин ҳам уларни ҳавас билан тилга оладиган сахобалар вужудга келди. Мұхаммад <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup>нинг пайғамбар бўлиб келишлари билан Одам <sup>аҳадын
сағдам</sup>дан бошланиб келган Ислом дини камолига етди. Зотан, Куръони Карим ва Ресулуплоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup>нинг суннатлари камолот белгисидир.

Ҳикмат сўзиға муфассир үламолар фикҳ илми, Ислом шариати аҳкомлари каби ҳар хил изоҳлар беришган. Лекин аксар үламолар, шу жумладан Имом Шофиый <sup>роҳима
хўмиллоҳ</sup> ҳам ҳикматдан мурод Ресулуплоҳ <sup>сұбханалуу
аҳадын
сағдам</sup>нинг суннатлари деганлар.

Шу ўринда ҳикматнинг яна бир маъноси ҳакида тўхталсан. Нарсаларнинг ҳақиқатини ўрганиш ва уни бошқаларга баён қилиб бериш – илмидир. Ушбу илмни ўз ўрнига ишлата билиш – ҳикматдир. Одамлар ҳикматни билишга гоят муҳтоҷлар. Масалан, ҳадисларда бაбзан камбағаллик, бაбзан бойлик мақталган. Баъзи ўринларда қаноат ва ҳалимлик, баъзи ўринларда эса шижаот ва саҳоват мақталган. Мазкур мазмундаги ҳадисларни ўрганишлик – илмидир. Лекин, кайси ўринда камбағалликнинг афзаллиги ҳакида, қайси ўринда бойликнинг афзаллиги ҳакида баён қилиш кераклигини ажратади – ҳикматдир.

Масалан, ҳозир баъзилар "Одамларнинг қонига сингиб бораётган бузуклик, ўғрилик, қаззоблик, хиёнат каби жиноятларнинг гуноҳлиги ҳакида гаплар бўлса, яхши бўлади. Улгайиб бораётган ёш авлод тарбияси учун муҳим", дейди. Лекин бундай гаплар иймон, Ислом, тавҳид каби пок тушунчалар билан покланмаган қалбларга етиб бормайди. Шу боис ақида ва иймон хусусида сўзлаш лозим бўлған вақтда ҳикматсиз кимсаларнинг гапига қараб, маънавий жиноятлар хусусида ваъзхонлик қилиш ҳам ҳам айни ҳикматсизликдир. Ҳаким киши ҳалқнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, улар муҳтоҷрок бўлған илмларни баён қиласи. Қиши олим бўлсаю, ҳаким бўлмаса қиласын кетилған натижага эриша олмайди. Олим ҳам ҳаким ҳам бўлсаю, ахлоқан бузук бўлса, бундай "пешво" ҳалқ наздида ҳеч қандай хурматга сазовор бўлолмайди. Айтиётган сўзи бошқаларга

каби бошқа бир қатор уламолар ҳаж ибодати бажариладиган ўринлар деган. Имом Бухорийнинг ривоятларига кўра Аллоҳ ^{сұханаху}_{да тавоъ}нинг амри билан Жибрил ^{алайхис-салам} келиб, Иброҳим ^{алайхис-салам} нинг қўлларидан ушлаб, ҳаж ибодатлари бажариладиган ўринларни, уларни қандай адо этиш лозимлигини бирма-бир қўрсатиб берганлар.

Агар биз Иброҳим ^{алайхис-салам} қилган амални эмас, унинг мингдан бирини қилганимизда ҳам, уни бошқаларга мақтаниб, миннат қиласиз. Тавба килиш каерда?! Иброҳим ва Исмоил ^{алайхис-салам}лар Аллоҳ ^{сұханаху}_{да тавоъ}нинг уйини куришдек буюк иш устида туриб қилган дуоларига эътибор беринг! **Тавбаларимизни қабул этгин! Сен Ўзинггина тавбаларни қабул қилгувчи, Раҳмли Зотсан!**

Инсонга ҳам кечириш хусусиятидан бир қисм берилган. У ҳам ўзига зулм қилган, зиён келтирганларни кечириши мумкин. Аммо унинг кечириши чегараланган. У бир кишини кечирса, бир ё икки ёки ундан кўпроқ марта кечириши мумкин, холос. У ҳа деб бир ишни ёки бир кишини кечиравермайди. Кечирганида ҳам, ҳамма нарсани эмас, маълум ишларни кечира олади. Унга ёмонлик қилган одамнинг ёмонлигини зоҳирда кечирган бўлса-да, қалбининг бир бурчагида сақлаб туради. Кечирса ҳам бир умр миннат қиласи. Ҳатто кишининг бир неча бор кечирим сўрашини ҳам хоҳламайди. Агар ёмонлик қайтарилгудек бўлса, у кечиришга нолойиқ кимса эканини айтиб, дарҳол аввал кечирганини миннат қиласи. Аммо Аллоҳ ^{сұханаху}_{да тавоъ} тинимсиз гуноҳ қилиб турган бутун бащариятни тинимсиз кечириб туради. Банда қанча кўп кечирим сўраса, шунча бор кечиради ва раҳмати билан буркайди. Агар Аллоҳ ^{сұханаху}_{да тавоъ}нинг **тавбаларни қабул қилгувчи**¹ сифати бўлмаганида дунё инсоннинг қилган гуноҳига тўлиб тошган бўлар эди.

Мана бу оят ҳаж ва умра сафарига борувчи киши қиладиган ибодатининг рукнларини билиб олиши кераклигига ва Иброҳим ^{алайхис-салам} курган Аллоҳ ^{сұханаху}_{да тавоъ}нинг уйи Унга тавба қилинадиган, гуноҳлардан фориг бўлинадиган ўрин эканига ишора қилмоқда.



129. Эй Раббимиз! Уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикматни ўргатадиган ва уларни поклайдиган ўзларидан бир пайғамбар юборгин. Сен Ўзинггина Кудратли, ҳикмат Эгасисан.

Эй Раббимиз! Зурриётимиздан чиқадиган Ислом умматига Сенинг оятларингни тиловат қилиб етказадиган, бир пайғамбар жўнатгин. Бу пайғамбар умматга оятларининг маъноларини ва бошқа шариат илмларини ўргатсин. Қолаверса, солиҳ амалларга чорлаш ва ёмон

¹ Аллоҳ ^{сұханаху}_{да тавоъ}нинг мазкур сифатлари ҳақида суранинг 37 – оятига такроран мурожаат этиш тавсия этилади.

Тафсир илмидан хабардор кишининг мисоли, ўша пайтда қўлида чирок билан келиб, мактубни ўқиб берган кишига ўхшайди. Мужоҳид Аллоҳга У нозил қилган нарсани билувчироқ киши энг суйимлидир деганлар.

Куръони Каримнинг асбоби нузули, яъни нозил бўлиш сабаблари – тафсир илмининг асосидир. Уларни билиш, Куръони Каримни тўғри тушунишда ўта зарурдир. Бу ҳақда сўз юритилганда, ваҳийнинг нозил бўлишига гувоҳ бўлган, ҳатто баъзи ўринларда бевосита сабаб бўлган саҳобалар ёки улардан бу ҳақда эшишиб ўрганганди ва бу илмни билишга кўп ижтиҳод қилган тобиъинлар ривоятларига асосланилади. Шунинг учун, Куръони Каримнинг нозил бўлиш сабабларини билишда ҳам энг асосий маъна саҳобалардир. Уламолар бу ҳақда кўп китоблар ёзишган. Булар ичига Жалолуддин Суютийнинг – номли китоблари энг машҳури деб тан олинган.

МАККИЙ ва МАДАНИЙ ОЯТЛАР ҳамда УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маккий ва маданий оятларни билиш Куръони Каримни тўғри тушуниш ва талқин қилишда, ундаги носих ва мансух оятларни ажратиб, тўғри ҳукм чиқаришда кўп ёрдам беради. Шунинг учун саҳобалар ^{рӯзинчалик} _{анъан} ва уларга эргашган тобиъинлар бу соҳага катта эътибор бериб, Куръони Каримни оятма-оят унинг нозил бўлган ўрни ва вақтини ажратиб ўрганишган. Уларнинг бу борадаги эътибори шу даражада бўлганки, ҳатто Куръони Каримнинг қайси ояти кечқурун, қайси ояти кундузи, қайси ояти сафарда, қайси ояти ёзда, қайси ояти қишида нозил бўлган, емак-ичмак, уруш ҳақида дастлаб қайси оятлар нозил бўлганигача ажратишган. Уларнинг бу борадаги изланишларидан ислом конунчилигига ҳукм чиқаришда кенг кўламда фойдаланилади. Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{розвияху} _{анъан} Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, Куръони Каримда мен унинг қаерда, ким ёки нима ҳақида нозил бўлганини билмайдиган биронта оят ёки сура йўқ. Агар Аллоҳнинг китобини мендан кўра билувчироқ кишини билсам, тую етгудек ерда бўлса, албатта, бораман деганлар. (Имом Бухорий ривояти)

Маккий ва маданий оятларга доир илмда уламолар уч тоифага бўлинади:

1) Бу тоифа уламолари оятларни нозил бўлган маконларига таяниб, Росууллоҳ ^{сонаъату}_{алайхис-салам}га Маккаи Мукаррама ва унинг атрофида нозил бўлган оятларни маккий, Мадинаи Мунаввара ва унинг атрофида нозил бўлган оятларни маданий, деб биладилар.

2) Бу тоифа уламолари оятларнинг нозил бўлган вақти ва маконига эътибор бермасдан, Макка аҳли ҳақида нозил бўлган оятларни маккий, Мадина аҳли ҳақида нозил бўлган оятларни маданий, деб ҳисоблайдилар. Мазкур икки қарашнинг заиф томонлари кўплигидан уларни илгари сурган уламолар ўта оз қисмни ташкил этади.

3) Бу тоифа уламолари Ресулуллох ^{سَلَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ} га ҳижратдан илгари нозил бўлган оятларни, гарчи Маккаи Мукаррамадан бошқа жойда нозил бўлган бўлса ҳам, маккий дейдилар. Ҳижратдан сўнг нозил бўлган оятларни, гарчи Маккаи Мукаррамада нозил бўлган бўлса ҳам, маданий деб биладилар. Жумҳур уламолар айни шу фикрга ёндошганлар.

Учинчи тоифа уламолари Куръони Каримдаги маккий ва маданий сура ёки оятларни ажратишда асосан қўйидаги икки йўналишга сунянган:

السماعى النقلى (1) – эштиб ривоят қилинган. Бу йўналиш Ресулуллох ^{سَلَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ} билан бир замонда Куръони Каримнинг нозил бўлишига гувоҳ бўлиб яшаган саҳобалар ёки улардан ваҳийнинг нозил бўлиш тафсилотларини бевосита эштиб ўрганган тобиъинларнинг ривоятига асосланган.

Маккий ва маданий оятларга доир илмнинг аксари айнан шу йўналишга сунянган.

(2) – القیاسی الاجتہادی – қиёсий ўрганиш. Бу йўналиш маккий ва маданий оятларга доир илмнинг жуда оз қисмини ташкил этади. Агар оятнинг у ёки бу туркумданлигини ажратиб берадиган ривоятлар сабит бўлмаса, уламолар оятнинг хусусияти ёки оқимиға қараб, қиёсан ажратишган.

Маккий оятлар мазмуни, асосан, Аллоҳ ^{سَبَّابُهُ نَحْنُ}ни барча ибодатларда яккалашга, ширқдан батамом узоклашишга, Охират кунига иймон келтиришга, Аллоҳ ^{سَبَّابُهُ نَحْنُ}нинг ёлғиз илоҳлигига далолат этувчи аломатлар ҳакида тафаккур қилишга қаратилган. Улар маданий оятлардан зарбулмасал ва ўҳшатмаларнинг ҳамда ўтган умматларнинг аянчли қисматларидан ибратланиш учун келтирилган қиссаларнинг кўплиги, онт ибораларининг тез-тез учраши, гоҳ тасалли, гоҳ кескин тарзда хитоб қилиш усуслари, мунозоратъблиги, оятлар ҳажмининг қисқалиги билан ажралиб туради. Масалан, Куръони Каримнинг 30 – пораси 37 та сурадан иборат бўлиб, улардан 34 таси маккийdir ва улардаги оятлар ҳажмда бошқалардан қисқалиги билан фарқ қиласди.

Аллоҳ ^{سَبَّابُهُ نَحْنُ} саҳобаларни мушрикларнинг озорлари билан имтиҳон қилди. Улар бу имтиҳонга сабр билан ёндошдилар ва динларини дунёларидан ортиқ кўриб, Ресулуллох ^{سَلَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ} билан бирга Маккадан Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилдилар. Шу туфайли мусулмонлар жамоаси ҳақ ҳукмрон бўлган давлатга эга бўлди. Бу хол уларнинг шахсий ва ижтимоий аҳволлари, ўзаро муносабатлари ва ҳаётнинг бошқа соҳаларини идора этадиган мукаммал низомга эҳтиёж туғдирди. Шунинг учун бўлса керак, маданий оятлар мазмуни, асосан, шариат қонунлари, мусулмонларнинг бурчлари, мерос, оила ҳукмлари, ҳалол-ҳаром илми, жиҳод, мунофиқларнинг кирдикори ва улар келтириши мумкин бўлган ёмон оқибатлар, яхуд ва насоролар қилмишларини, уларни иймон келтиришга чорлайдиган чакирувларни баён қилишга қаратилган.

– يَا يَهَا الَّذِينَ أَمْنَوا – Эй иймон келтирганлар! деган хитоб билан бошланган

муяссар бўлган кишининг нафақат дунё, балки охират саодатига ҳам эришажагини билади.

Шу ўринда инсон аҳамиятини тортадиган яна бир нукта бор. Дунёда ҳалқлар устидан раҳбар бўлган динсиз кимсаларнинг оиласи, хусусан, фарзандлари ахлоқ ва одобдан бенасиб бўлиб улгайган бўлади. Улар ўз мавқеларидан фойдаланиб, кўпчиликни қақшатади, молига тажовуз қиласди. Уларга ҳамма нарса мумкин, ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Бошқаларга қўлланиладиган кўр қонунлар уларга келганда ожизлик қиласди. Уларнинг ҳар қандай разишликлари яширилади, иложи бўлмаганида бошқаларга тўнкалади. Бундай оиласа бош бўлган беамал раҳбарнинг сўзи ҳеч қандай таъсирга эга бўлмайди. Ўз оиласини тузатолмаган бундай “пешво”лар бошқаларни қандай қилиб тўғри йўлга бошласин?!

Шунинг учун бўлса керак -валлоҳу аълам- Иброҳим ^{صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ} зурриётлари бошқаларга ўrnak бўлишини истаб, Аллоҳ ^{سَبَّابُهُ نَحْنُ}дан зурриётини ҳам Унинг ҳукмлари билан яшайдиган бўлишини сўрадилар.

Шу ўринда امّة یummāt – үммат калимасини изоҳлаш ҳам ўринли. Бу сўз Қуръони Каримда дин, миллат, вақт каби маъноларда келган. Ислом истилоҳида эса дин ишларида фақат пайғамбарларга эргашган кишилар мусулмон уммати дейилади. Аллоҳ ^{سَبَّابُهُ نَحْنُ} бу оятда умматнинг ажралмас сифатини келтириб, хослаш маъносини берувчи Ҷ ҳарфи билан امّة مُسْلِمَةً – "Фақат Ўзингагина бўйсунувчи үммат чиқаргин", демоқда. Демак, фақат Аллоҳ ^{سَبَّابُهُ نَحْنُ}гагина бўйсунган, амрига итоат этган, пайғамбарларига эргашган кишилардан ташкил топган жамоага уммат дейилади. Бинобарин, Аллоҳу Ресулидан ўзгага эргашганлар, Мухаммад ^{صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ}га эмас, эргашганларига умматдир.

Биз ҳам Мухаммад ^{صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ}га умматликни даъво қиласди. Бироқ бизнинг бундай даъволаримиз асослими?! Ул зотнинг умматларидан бўлиш учун фақат ўша зотнинг йўлидан бориши, фақат ўша зотга эргашиб керак! Биз-чи?! Биз кимларнинг йўлидан боряпмиз?! Кимларга эргашапмиз?! Биз ўзимизга ўхшаш ожиз ва ногавон кимсаларга эргашиб, ўшаларга уммат бўлиб қолмаяпмиз?! Наҳотки, Ресулуллох ^{صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ} гагина сўзсиз эргашган, у киши олиб келган Ислом учун молу жонини фидо қилган саҳобалар билан қаердаги золим ва фосиқларга эргашган, яхуд ва насоролар тузган ботил маслакларни йўл тутганлар бир уммат бўлишса?! Е алҳазар!

Муфассир уламолар ^{مَنَسِّكٌ} – ибодатлар калимасининг маъноларида ихтилоф қилишган. Бу сўз سُكَّه سُكَّه сўзининг кўплик шакли бўлиб, аслида сув билан ювиш маъносини билдиради. Чунки, ибодат қалбни гуноҳлардан поклайди. Шариат истилоҳида эса ибодат, курбонлик, ҳаж амаллари каби маъноларни билдиради. Қатода ^{رَحْمَةً}-каби уламолар бу ўринда ҳаж руқнлари маъносида келган, деган. Мужоҳид ва Ато رَحْمَةً

шундай манзилатга эга бўлган зот Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвуд}дан Унинг ҳукмларига бўйсунувчи мусулмон қилишини тиладилар. Иброҳим ва Исмоил ^{алайхис}_{салам} ларнинг мусулмон бўла туриб "Бизни мусулмон қилгин", деб сўрашлари умрларининг охирига қадар Исломда событқадам бўлиш истагини ифода этади. Зоро, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвуд}нинг ҳукмига итоат этиш, қадарига таслим бўлиш – инсон эришиши мумкин бўлган энг буюк саодатdir. Умрининг охирига қадар Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвуд}нинг динида силжимай, Ислом кўрсатмаларидан оғишмай ўтиш инсон учун нақадар қийин эканини бизнинг бугунги кунимиз яққол кўрсатмоқда.

Иброҳим ва Исмоил ^{алайхис}_{салам} лардек Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвуд}нинг улуг пайғамбарлари Ундан мусулмон қилишини тилашлари қолғанларнинг пешонасидан совук тер чиқариши лозим. Иброҳим ^{алайхис}_{салам} дай зот Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвуд}дан мусулмон қилишини сўраса, биз бундай тилакни Раббимиздан сўрайдиган асосий тилаклардан бирига айлантиришимиз керак. Демак, инсон энг аввал Аллоҳдан ўзини Унинг ҳукмларига бўйсунувчи этишини сўраб дуо қилиши ва шунинг ўзи билан чекланмасдан, бунинг ортиданок зурриётларига ҳам ушбу саодат насиб бўлишини тилаши даркор.

Биз мусулмонлар ўзимизга бир қарайлик! Бизнинг иймонимиз қаерда, Иброҳим ^{алайхис}_{салам} нинг иймони қаерда? Бирок "Бизни, авлодимизни мусулмон қилгин", деб дуо килганимиз?! Дунёда битта мусулмон бўлса, ўша биздек бундай тилакларни хаёлга ҳам келтирмаймиз! Зотан, Аллоҳ ^{сұбханалу} Ислом ҳукмларига бўйсунадиган табиатни фақат сўраган кишиларга беради.

Бизлар зурриётимизга "Бой-бадавлат бўлсин, катта тўйлар қилсин, умри узун, мартағаси улуг бўлсин, хаётда кам бўлмасин", деб тилак билдирамиз. Иброҳим ^{алайхис}_{салам} эса зурриётларига Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвуд}нинг ҳукмларига бўйсунадиган мусулмон уммат бўлишини тиладилар. Бизнинг тилакларимиз шу дунёга чекланган. Охират ҳовлиси гўё ўзимизникidek, унга доир ҳеч қандай тилагимиз йўқ. Тилакларимиз ҳам дунёқарашибимиздан келиб чиқсан. Биз баҳт деганда фақат дунёвий нарсаларни тушунамиз. Бадавлат, амалдор одамни кўрганда "Ҳаётдаги баҳтли киши шу", деб биламиз.

Бундай ўткинчи нарсалар, ҳақиқий мўмин кишининг эътиқодида, пащшанинг қанотича ҳам вазнга эмас. Агар Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвуд}га иймон, Унинг ҳукмларига итоат этиш табиати бўлмаса, бундай нарсалар дунё ва охират баҳтсизлигига олиб боришини аниқ билади. Бойлик, узун умр, мартаға каби бундай ўткинчи нарсалар инсонга хаётда том маънода ҳақиқий баҳт келтиrolмаслигини яхши тушунади. Зоро, хаётда мазкур нарсаларга эришган, бироқ тамоман баҳтсиз ўтаётган минглаб одамларни кўриш мумкин.

Ҳақиқий доно ота зурриётига бундай ўткинчи нарсаларни тилашдан олдин уларга энг зарурий тилак – иймонни, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвуд}га итоат этишини, Унинг ҳар қандай ҳукмига бўйсунишни тилайди. Мана бу нарсага

оятларнинг аксари маданийдир. – **يَا يَهَا النَّاسُ – Эй одамлар!** деган хитоб билан бошланган ояtlар, agar "Бақара" сурасининг 21, 167 – ояtlари, "Нисо" сурасининг 1, 133, 170, 174 – ояtlари, "Хаж" сурасининг 1 – ояti, "Хужурот" сурасининг 13 – ояtiни истисно этсак, барчаси маккийдир. Росулуллоҳ ^{сұләләлү}_{әә салам}га ва у кишига эргашган мўминларга тасалли бериш, мушрикларни огоҳлантириш учун нозил этилган пайғамбарлар ва ўтган умматлар қиссалари ҳам "Бақара" сурасидан ташқари, асосан, маккий сураларда ёд килинган. Куръони Каримда **لَا** "ҳаргиз" сўзи 33 марта фақат маккий сураларда ёд килинган бўлиб, бунга "Шуъаро", "Қамар" каби бир талай суралар мисол бўла олади.

وَمَا نَزَّلْتَ كُلًا بِثُرْبٍ فَاعْلَمْ وَلَمْ تَأْتِ فِي الْقَرآنِ فِي نَصْفِ الْأَعْلَى
Билингким, "Ҳаргиз" Ясриб¹да нозил бўлмаган,

Ва у Куръоннинг биринчи ярмида келмаган

Маданий ояtlар маккий ояtlарга нисбатан ҳажмда узунроқ бўлиб, уларда қўшимча шарҳга эҳтиёж туғдирадиган қийин маъноли иборалар кам учрайди.

Куръони Каримда 82 та маккий, 20 та маданий, 12 та маккий–маданийлиги ихтилоғли суралар мавжуд. "Бақара", Оли Имрон, Нисо, Моида, Анфол, Тавба, Нур, Аҳзоб, Муҳаммад ^{сұләләлү}_{әә салам}, Фатҳ, Хужурот, Ҳадид, Мужодала, Ҳашр, Мумтахина, Жумъа, Мунофиқун, Талок, Таҳрим, Наср" сураларнинг маданийлигига иттифоқ қилинган.

"Фотиҳа, Раъд, Ар-Роҳман, Соф, Тағобун, Мутоффифин, Қадр, Баййина, Залзала, Ихлос, Фалақ, Ан-Нас" суралари борасида ихтилоғлар мавжуд бўлса-да, ағлабиятга қараб, икки томонга бўлинган. Колган барча сураларнинг маккийлигига иттифоқ қилинган.

Уламолар Куръони Карим Росулуллоҳ ^{сұләләлү}_{әә салам}га Маккаи Мукаррамада 12 йил 5 ой 13 кун, Мадинаи Мунавварада 9 йил 9 ой 9 кун мобайнida нозил бўлган дейдилар.

Маккаи Мукаррамада, умуман, Куръони Каримдан биринчи бўлиб, "Алақ" сураси, Мадинаи Мунавварада биринчи бўлиб, "Бақара" сураси нозил бўлган. Маккаи Мукаррамада охирги бўлиб, "Муъминун" сураси, Мадинаи Мунавварада, умуман, Куръони Каримдан охирги бўлиб, "Тавба" сураси нозил бўлган.

ҚУРЪОННИНГ БЎЛИНИБ НОЗИЛ БЎЛИШИ ва УНИНГ ҲИҚМАТЛАРИ

Куръони Каримнинг нозил бўлиш тарихини ўрганар эканмиз, беш, ўн тоғида ундан ҳам кўп ё оз ояtlарнинг маълум воеқа ё ҳодисаларга ҳамоҳанг бўлган ҳолда, узилиб-узилиб, танаффус билан нозил бўлганини кўрамиз.

¹ Мадинаи Мунавваранинг Исломдан аввалги номларидан.

билин танишдим. Андижонга жума куни келдик ва Жомеъ масжида Шайх Абдулвалий билан танишдик.

Хозир мен ўша сафарнинг бошқа онларини эслолмасам-да Андижонда бўйлан кунларимни тиник эслайман. Масжиддаги испломий мухит мени замони саодатга қайтаргандек бўлди. Бошқа бирон жойда бунча кўп ёшларни кўрмадим. Жума намози тугагач, Шайх ўз шогирдлари билан учраштириди. Улар шу даражада кўп эдики, мен одамлар кетмабти, деб ўйлабман. Орамизда таржимонсиз қизиқарли мен учун унутилмас илмий сұхбат бўлди...

Мен Шайх Абдулвалий тўғрисида кўп нарсалар айтишим мумкин, лекин кисқа қилиб айтсан, у киши етмиш йилдан зиёд Исломни пайхон қилиб хукм сурган худосизлик даврида улгайган авлод орасида Аллоҳ сұбханалу нинг мадади билан тез фурсатда ўз диёрида Куръон ва Суннатни тирилтирган кишидир. Аллоҳ Мовороуннахр халқларига Шайх Абдулвалийнинг қадрига етишини насиб этсин...

*Доктор Абдуллоҳ ал-Гунайман
Қасим, Саудия Арабистони*

Москва шаҳрида бўладиган «Куръон ва Суннатдаги илмий далолатлар» мавзусига бағишлиланган анжуманда иштирок этиш учун келдим. Танаффус пайтида сувудий биродарларим менга бир Шайхни Мовороуннахрдан, деб таништиришибди. Ҳаёлимдан тингловчи сифатида иштирок этаётган бўлса керак, деган фикр ўтди. Бошқа ишлар билан бўлиб, у кишини беътибор колдиридим.

Танаффусдан сўнг анжуманни олиб борувчи "Хозир, шу мавзу бўйича мухозара учун сўз, муҳтарам Шайхимиз Абдулвалийга", деб эълон килди. "Бу менга нотаниш шайх ким экан", деб турсам, боягина менга таништиришган киши минбар томон қўзгалди. У киши ажиб бир фасоҳат билан соф араб тилида Куръондаги бир оят ҳақида баҳс юритди. Аллоҳ пок ва буюкдир!

Хайратимни ифода қиломайман. Ёнимдаги биродаримдан у киши ҳақида сўрадим, кўп илиқ сўзларни айтди. Сабрсизлик билан Шайх сўзининг тутгатишни кутдим. Муҳозарани ниҳоялаб ўрнига ўтириши билан одобга зид бўлса ҳам ўрнимдан туриб олдига бориб ўтиридим...

Ха, бу сиз сўраган устоз шайх Абдулвалий эди. Менинг назаримда Аллоҳ сұбханалу нинг Мовороуннахр халқларига Имом Бухорий, Имом Муслимлардан кейинги кўрсатган буюк инъомларидан бири -валлоҳу аълам- – Шайх Абдулвалий бўлса керак...

Эй Раббимиз! Биз Шайх Абдулвалийни Сен учун яхши кўрамиз ва у кишини Сенинг омонатингга топширамиз. Сен омонатларга хилоф қилувчи эмассан.

*Доктор Абдулмажид Зиндоний
Санъо, Яман Араб Жумҳурияти*


Ушбу китоб муалифини кенг оммага, хусусан, кейинги вақтда у кишини эшитиб билган китобхонларга танитиш мақсадида Ислом оламида танилган баъзи олимларнинг сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Илмий – таҳририй ҳайъат

геноҳ қилса ҳам Аллоҳ сұбханалу уни эштиб, билиб туради. Аллоҳ сұбханалу покиза қалб билан дуо қилиб, Унга ёлвораётган, кечалари бедор бўлиб илтижо қилаётган мўмин бандаларини эшитгани қатори, Ислом душманларининг ёник эшиклар ортида мусулмонларга қарши ўтказаётган пинхона сухбатларини, мунофиқларнинг чақувларини, кофирларнинг фитналарини ҳам Эшитувчиидир.

Мўмин киши Аллоҳ сұбханалу нинг Эшитувчи сифатига иймон келтирар экан, тилини гийбат, ёлғон, бўхтон каби эшитилинадиган барча гуноҳлардан тиймоги керак. Зоро, одамларнинг Эшитувчи қолишидан истиҳола қилиб, ҳамма нарсани Эшитувчи Аллоҳ сұбханалу уни унутиш – кишидаги Парвардигорнинг Эшитувчи сифатига бўлган иймонининг нуқсонидан далолат беради.

Иброҳим ва Ислом алайхис-салам лар кўтарган Уйнинг пойдевори илгари бўлганми ёки уларни дастлаб Иброҳим алайхис-салам курганмилар? Умуман Байтуллоҳни Иброҳим алайхис-салам дан олдин бирон киши курганми? Мана бу саволларнинг жавобида муфассир уламолар ихтилоф қилишган. Муҳими Каъбаи Муаззама қайси даврда таъмирланган бўлишига қарамасдан унинг пойдеворлари аслий ҳолатда сақланиб қолинган.


رَبَّنَا وَأَجْعَلْنَا مُسْلِمَيْنَ لَكَ وَمَنْ ذَرَّنَا مُؤْمِنَةً لَكَ وَأَرْقَمَنَا سَكِّتَةً وَتَبَّعَ عَلَيْنَا إِلَكَ أَنْتَ أَنْتَ رَبُّ الْجِمَعَةِ

128. Эй Раббимиз! Бизни Ўзингагина бўйсунувчи қилгин ва авлодимиздан ҳам Ўзингагина бўйсунувчи уммат чиқаргин ва ибодатларимизни кўрсатгин ва тавбаларимизни қабул этгин! Сен Ўзингина тавбаларни қабул қилгувчи, Раҳмли Зотсан.

Эй Раббимиз! Бизни фақат Сенга таслим бўладиган, буйруқларингга бўйсунадиган, қайтариқларингдан қайтадиган, якка Ўзингта ибодат қиласидиган, Сенга ҳеч ким ва ҳеч нарсани шерик қиласидиган динингда мустаҳкам турувчи мусулмон бандаларингдан қилгин! Зурриётимиздан ҳам фақат Ўзингта бўйсунадиган, пайғамбарларга эргашадиган, улар кўрсатган йўлдан борадиган, ҳукмларинга бўйсунувчи мусулмон уммат қилгин!

Эй Раббимиз! Сенинг мададинг ила Байтингни қурдик, энди уни зиёрат ва ҳаж қилиш йўл-йўриклини, шунингдек, бошқа ибодатларни ҳам Ўзинг билдиргин! Адашиб ёки билмай хато, гуноҳ қиласидизда бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўймагин. Бизни кечириб, тавбаларимизни қабул айла. Зоро, фақат Сен Ўзингни тавбаларни Қабул этгувчи ва мўминларга Раҳмли Зотсан.

Иброҳим алайхис-салам Аллоҳ сұбханалу нинг имтиҳонидан меваффақият билан ўтган эдилар. Аллоҳ сұбханалу у кишини Ўзига дўст тутган, Куръони Каримда Парвардигори ҳукмларига тўла бўйсунувчи мусулмон, ростгўй ва тақво эгаси эканига шаҳодат берган, Ўзи тарафидан **Мен Сизни имом қилувчиман** деган хитоби илоҳийга сазовор этган эди. Ана

Зеро, ҳақиқий мўмин киши бир яхши амални қила туриб, унинг Аллоҳ субханаху томонидан мақбул бўлишига қайғу қиласди.

Бу оят ҳар бир мусулмон киши учун таълим ва ибрат бўлмоғи лозим. Бирон яхши амални қилаётган вактда Аллоҳ субханаху бу амалимни қабул этармикан, деган ташвиш бўлиши керак. Зотан, амалнинг мақбул бўлиши учун ихлос – «Аллоҳ учун» деган тушунчага бўлиши foят муҳим. Агар амал ҳар қанча гўзал суратда бўлса, ҳатто Аллоҳ субханаху учун уй курилса ҳам, ихлос топилмаса, у амал қабул бўлмайди. Амалнинг қабулияти учун икки шарт: Китоб ва Суннатга тўғри келиши ва ихлос, яъни Аллоҳ субханаху учун бўлиши зарурдир. Мазкур икки шартнинг қайси бир топилмаса, бундай амал ҳеч кимдан қабул қилинмайди. Демак, мўмин киши бир амални холис Аллоҳ субханаху учун килиши ва Ундан амалининг қабул айлашини сўраб илтижо қилиши керак. Илтижо ҳам ўзи билганича эмас, Аллоҳ субханаху нинг гўзал исмларини васила қилиш ва маъсур дуоларни ўқиш билан бўлиши керак.

– **البَيْت** – **Үй** калимасидан Каъбаи Муаззама¹ назарда тутилган. Иброҳим ва Исмоил алаихис салам ларнинг холис қалб билан қилган амаллари Аллоҳ субханаху нинг наздида манг бўлиб қолди. Улар курган Каъбаи Муаззама ер куррасидаги барча мусулмонлар бир кеча ва кундузда камида беш марта юзланадиган қиблага айланди. Иншооллоҳ, Росулуллоҳ соллаилуу алаихис салам нинг кўйидаги хабарларига қадар мана шундай холатда қолади:



Абу Хурайра (رضي الله عنه) ривоят қилдилар: **Пайғамбар** субханаху алаихис салам **Каъбани ингичка қуруқшоқ болдирили ҳабаш бузади дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

– **السَّبِيع** – **Эшитгувчи** Аллоҳ субханаху нинг 99 та гўзал исмларидан бўлиб, у Куръони Каримда 42 марта такрорланади ва 31 ўринда – **العلیم** – **Билуевчи** сифати билан ёнма-ён келтирилган. Аллоҳ субханаху эшитилинадиган нарса борки, барчасини Ўзига хос сифат билан эшитади. Дунёда Аллоҳ субханаху эшитмайдиган ҳеч бир нарса йўқ. Инсон ҳеч ким эшитмайдиган ўринда

¹Каъбаи Муаззаманинг бугунги ҳолати кўйидагicha: узуни 12 м, эни 10 м, бўйи 15 м. Каъбаи Муаззама қора қалин ишак мато билан қопланган. Бу қоплама «Кисва» деб аталади ва йида бир марта алмаштирилади. Кисванинг юкори кисмини тилло билан тикилган оятлар безаб туради. Каъбанинг соф олтиндан қилинган (286 кг) ташкарига очиладиган эшиги бор. У ердан 2 м баландликда. Каъбанинг шаркий бурчагида кумуш билан ҳошияланган "Ҳажарул Асвад" ўрнатилган. Унинг ташки кўриниб турадиган кисми тахминан 16,5 га 20 см. Каъбанинг ичиза 3 та устун бор. Ичига тахминан 50 га яқин одам сигади. Фарбий-шимишлов деворнинг юкори кисмiga тиллодан тарнов қилинган. 1039 – хижрий йида қаттиқ ёмғир ёғиши, атрофи 3 м га яқин баландликда сув босиши (деворнинг ўша пайтдаги баландлиги 6 м бўлган) ва дўй ёғиши оқибатида Каъбанинг девори қаттиқ шикасталланган ва қайта таъмирланган. Умуман тарихчилар Каъбанинг 12 марта таъмирланганини қайд қилишган.

этишимиз учун мана шундай бўлиб-бўлиб нозил этдик **ва уни дона-дона** қилиб ўқиб бердик. (Фурқон сураси, 32 – оят)

Ойша онамиз Куръони Каримдан дастлаб "Муфассал"дан бир сурат нозил бўлди, унда жаннат **ва** дўзах зикр қилинди. Сунг одамлар Исломни қабул қилишга тайёр бўлганида ҳалол ва ҳаром нозил бўлди. Агар бирданига ароқ ичманлар деб нозил қилинганида, улар ароқни ташламаймиз деган бўлишар эди деганлар. (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ субханаху бутун башариятга Куръони Каримни қалбига жо қилиб, унинг кўрсатмаларига амал қилиши учун нозил этган. Росулуллоҳ соллаилуу алаихис салам пайғамбар бўлган даврда ҳозиргидек расмиятчилик, қофозбозлик авж топмаган, атрофларига йигилғанларнинг аксари ёзув-чизувни билмайдиган саводсиз кишилар эди. Табиийки, бундай кишилар агар Куръони Карим бирданига нозил бўлганида, ўзлаштира олмас эдилар. Қолаверса, Куръони Каримнинг оз-оздан, бўлинib, узлуксиз нозил бўлиши саҳобалар Аллоҳ субханаху нинг каломини ёд олиб, қалбларига жо қилишга ва маъноларини тушуниб, тадаббур ила амал қилишга, ҳукмларини сўзсиз қабул қилиб, ҳаётларига татбиқ этишга катта ёрдам берган. Қолаверса, қалбларида ваҳийни шавқ билан кутиш хиссиятини пайдо қилган. Шунинг учун саҳобалар, ораларида бирон воқеа содир бўлса, унинг шаръий ҳукмини билиш учун ваҳийни интизорлик билан кутишган. Шу тариқа осмон билан ер ўртасидаги илоҳий алоқа давом этган. Бундан ташқари, мушрик ва муноғиқлар Росулуллоҳ соллаилуу алаихис салам ни масхара қилиб, тўхтовсиз азият етказиб турган соатда Жибрил алаихис салам нинг тез-тез ваҳийни олиб келишлари, Росулуллоҳ соллаилуу алаихис салам ва атрофларидаги саҳобаларга катта далда бўлиб, Аллоҳ субханаху нинг динини етказиша қатъият ва жасорат билан илдам боришларига сабаб бўлган.

ҚУРЬОНИ КАРИМДАГИ БАЪЗИ ИЛМИЙ МЎҶИЗАЛАР

Мусулмон киши Куръони Каримни тиловат қиласи, у тиловат қилаётган нарса ҳеч бир тенги бўлмаган оламлар Тарбиятқунандаси Аллоҳ субханаху нинг 1400 йилдан зиёд вақтдан бери бутун башариятни лол колдириб келаётган қаломи эканини ҳис этади.

Аллоҳ субханаху ўтган пайғамбарларни ва уларга нозил қилган Забур, Таврот, Инжил каби китобларни бир ҳалққа ёки бир шаҳарга ёки бир миллатга ёки бир замонга жўнатган. Аммо Росулуллоҳ соллаилуу алаихис салам ни ва у кишига нозил қилган Куръони Каримни барча ўлкалар ва миллатлар, қиёматга қадар барча замонда яшайдиган одамларни тўғри йўлга бошлаш учун жўнатди.

Аллоҳ субханаху инсониятга пайғамбарларни юборар экан, одамларнинг уларга иймон келтириши осон бўлиши учун ҳар бирларига алоҳида-алоҳида мўъжиза берди. Бу мўъжиза кўпинча ҳиссий бўлиб, шу пайғамбар даврида ривож топган соҳага таалукли бўлган. Масалан, Ийсо алаихис салам даврида табобат илми ниҳоятда ривож топган. Ўша замон

тиббиёти туғма күр ва карларни даволашдан бошқа барча касалликларни даволашга қорби етадиган даражага чиққан. Ийсо алайхис-салам умрлари бино бўлиб бирон марта табобат билан шуғулланмаган, балки бу соҳада хеч бир маълумоти йўқ киши эдилар. Аллоҳ субханаху вә таъауу Ийсо алайхис-салам га табобат мўъжизасини берди. Одамлар умри бўйи бирон марта табиблик қилмаган киши барча касаллар, ҳатто энг моҳир табиблир улдасидан чиқолмаган туғма күр ва карларни даволаётганини кўриб, бу нарсанинг мўъжизадан бошқа нарса эмаслигини билишиди. Бу ҳол Ийсо алайхис-салам нинг ҳақиқий пайғамбарлигига иймон келтиришларини маълум даражада осонлаштириди. Бироқ, бу мўъжиза Ийсо алайхис-салам ўз вазифаларини адо этиб, осмонга кўтарилишлари билан тамом бўлди ва кейинги умматларга факат ривоятлар орқали етиб келди. Бошқа пайғамбарларга берилган мўъжизаларнинг ҳам даври қисқа бўлиб, пайғамбарларнинг вафот этишлари билан мўъжизалари ҳам ниҳоя топган.


Аллоҳ субханаху вә таъауу Росулуллоҳ соддикоу ад-салам га Куръони Каримни нозил этган даврда араблар фасоҳат, балогат ва сўзамоллик бобида юкори даражаларга эришган эди. Одамлар жанг майдонида бир-бирини қатл қила туриб, ўйламай беихтиёр тўқиб юборган шеърларини бизнинг давримиздаги манаман деган шоирлар илҳом париси оғушида ҳам ёзолмайди. Ҳатто ўша даврдаги шеърлардан араб тили қоидаларида мисол тариқасида фойдаланилади. Ўша даврдаги энг қолоқ шоирларнинг айтишмалари хозирда энг нуфузли олийгоҳларда малакали тилшунос олимлар томонидан ўрганилиб, улардан қўлланма сифатида фойдаланилади. Уламолар иттифоқига кўра, жоҳилият даври фасоҳат ва балогат илми энг ривожланган давр бўлган. Шундай пайтда шеър ёзиш у ёқда турсин, ёзув-чизувни билмайдиган, устоз ёки мактаб кўрмаган Муҳаммад соддикоу ад-салам фасоҳат ва балогат арబблари бўлган энг етук шоирларни ҳам ожиз қолдирадиган Куръони Карим мўъжизасини олиб келдилар. Бу улуг мўъжиза ажабтурурлиқда Ийсо алайхис-салам нинг табобат мўъжизаси ёки Мусо алайхис-салам нинг асо мўъжизасидан кам эмас эди.

Росулуллоҳ соддикоу ад-салам Қиёматгача бўлган барча халқларга пайғамбар эдилар. Шу боис у кишига берилган мўъжиза ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ мукаммал ва бардавом бўлиши керак эди. Росулуллоҳ соддикоу ад-салам олиб келган Куръони Карим мўъжизаси шу жиҳати билан олдинги турдан бўлмади. Аллоҳ субханаху вә таъауу бу мўъжизани одамлар хотирасида бир пайтлар бўлган воқеадек ўтиб кетишини хоҳламади, балки Росулуллоҳ соддикоу ад-салам дан кейин ҳам Қиёмат кунига қадар одамлар Куръони Каримни қўзлари билан кўриб, қўллари билан ушлаб, ўқиб, унинг ҳақиқий мўъжизалигига икror бўлишларини ирода қилди.

Аллоҳ субханаху вә таъауу Куръони Карим ҳақида шубҳа қилган кимсаларга хитоб қилиб:

нарвонларини ҳам кумушдан қилар эдик. **Уйлари учун эшикларини ва унга ясланадиган сўриларини** ҳам шундай қилар эдик. Зеб-зийнат ҳам берар эдик. **Буларнинг барчаси фақат дунё ҳаёти матолари**dir. **Оҳират** эса, **Раббингизнинг ҳузурида тақвадорларга хосдир**. (Зухруф сураси, 33 - 35 – оятлар)

Кироатлар ичида Абдуллоҳ ибн Омир ўқиган қироатлари ҳам бор. Бундай қироатга мувофиқан "Иброҳим алайхис-салам кофириларни бир оз фойдалантиргин, сўнг дўзах азобига дучор қилгин", деди деган маъно чиқади. Лекин Убай ибн Каъб رضияллоҳу анъу бошчилигидаги аксар қорилар бу қироатни маъқул қўришмаган.



127. **Иброҳим Исмоил билан Уйнинг пойдеворини кўтара туриб "Эй Раббимиз! Биздан қабул айла! Албатта, Сен Эшитгувчи, Билгувчи Зотсан", деганларини эсланг!**

Эй Муҳаммад салам! Икки улуг пайғамбаримиз Иброҳим ва Исмоил алайхис-салам лар улуг иш устида – Аллоҳ субханаху вә таъауунинг уйи Каъба Муаззаманинг пойдеворларини кўтара туриб, тавозуъ ва пайғамбарона одоб билан ёлвориб "Эй Раббимиз! Бу амалимизни биздан қабул айла! Уни холис Сен учун бўлишига муваффақ айла! Сен, эй Раббимиз! Фақат Сенгина дилларимизни Билгувчи, дуоларимизни Эшитувчи Зотсан", деганларини ёдингизга олинг ва асҳобларингизга тиловат қилиб беринг!

Иброҳим ва Исмоил алайхис-салам лар чин ихлос билан қилган мана бу амали узок ўтмишда бўлиб ўтганига қарамасдан Аллоҳ субханаху вә таъауу хозирги ва келаси замон феъли шаклида келтиряпти. Бу оятни тиловат қилувчи ёки Эшитувчи кишига Каъба пойдеворларининг кўтарилаётган ҳолатини худди кўз олдида бўлаётганидек тасвирлайяпти. Бу нарса холис қалб ва чин эътиқод билан қилинган амал Аллоҳ субханаху вә таъауунинг наздида боқийлик тусини олишини кўрсатади.


Исмоил алайхис-салам – Иброҳим алайхис-салам нинг Ҳожар исмли аёлларидан тўнгич ўғиллари. Исмоил алайхис-салам пайғамбар хонадонида тарбия топдилар, такво ва ихлос йўлида оталарининг изидан бордилар. Шундан кейингина Аллоҳ субханаху вә таъауу у кишини ҳам пайғамбар қилди ва Каъбани куришда оталари Иброҳим алайхис-салам га ёрдамчи бўлдилар.

Иброҳим ва Исмоил алайхис-салам лар Байтуллоҳни қуришар экан, Аллоҳ субханаху вә таъауу га ёлвориб "Эй Раббимиз! Биздан бу амални қабул айла", дейишди. Бу нарса мўмин кишини хижолатда қолдирадики, Иброҳим ва Исмоил алайхис-салам лар Аллоҳ субханаху вә таъауунинг амри билан Унга Уй қураётиб қилаётган амалларининг мақбул бўлмай қолишидан чўчишиди. Хаёлларига "Аллоҳнинг уйини қуряпмиз, қабул бўлмай қаерга боради", деган ўй сира ҳам келмади. Мана бу иймоннинг камолотидан далолат беради.

шериклиги, Исломга қарши қилаётган хуружларни оқлашлари келиб чиқмайдими, ахир?!

Аллоҳ сұханаху да таъвуд Иброҳим алайхис салам нинг дуоларига жавоб қиласар экан, имомат билан ризқ тамомила бошқа-бошқа нарса эканини, имоматта факат ҳақиқий мүмин кишиларгина лойиқлигини, ризқ эса Аллоҳ сұханаху да таъвуд нинг хузурида аҳамиятсиз нарса эканини, уни мүминга ҳам, кофирга ҳам бераверишини баён қилди.


Демак, инсон ризкининг мүл-күл бўлишилиги – Аллоҳ сұханаху да таъвуд нинг ундан розилиги аломати эмас. Зоро, Аллоҳ сұханаху да таъвуд дунёдаги ризкини кофиру мүминга баравар беради. Уларни ризқда бир-биридан айрмайди. Бу ҳақда Куръони Каримнинг бошқа бир ўрнида марҳамат қиласди:



Барчага – мана бу мўминларга ҳам, анави кофирларга ҳам Раббингизнинг инъомидан берурмиз. Раббингизнинг инъоми дунёда ҳеч кимдан **мамну эмас**. (Исро сураси, 20 – оят)

Инсоннинг тоғлар мисоли олtingга эга бўлиши – Аллоҳ сұханаху да таъвуд ундан рози ва у имоматга лойик, деган нарсани ифода этмайди. Зотан, кофирлар дунёдаги ризқдан маҳрум қилинган эмас. Аллоҳ сұханаху да таъвуд дунёни сүйтганига ҳам, сўймаганига ҳам бераверади. Аммо динни факат сўйган бандасига беради, холос. Мўминнинг дунёдаги неъмати билан охиратдаги неъмати бир-бирига боғлиқ. Мўмин киши унга дунёда берилган ризқни Аллоҳ сұханаху да таъвуд нинг ибодатига сарфлайди ва сарфлашлик билан ажрланади. Аммо кофирнинг неъмати мана шу дунёгагина чекланган, Охиратда унга ҳеч қандай насиба йўқ. Кофир, ҳатто Ҳарамда ўлса ҳам унинг борадиган жойи дўзахдир.

Демак, мўмин киши Аллоҳ сұханаху да таъвудга ва Охират кунига иймон келтирмаган кофирларнинг бой, фаровон хаёт кечираётганини кўрганда уларнинг бундай ҳолатлари узокқа чўзилмаслигини, улар яқинда дунёда топган бутун мазаисини бир лаҳзада ювиб юборадиган, ҳамма бойлиги ва унга яна бир неча барobar бўлган нарсаларни бериб ҳам кутуломайдиган даҳшатли азобларга киритилиши муқаррарлигини билиши керак.



Агар одамлар кофирларнинг фаровонлигини кўриб бир миллат, яъни кофир бўлиб олишлари бўлмаганида, биз, албатта, Раҳмонга кофир бўладиган кимсаларга уйлари учун шифтларини ҳам, унга чиқадиган

Агар биз бандамизга туширган нарсада шубҳада бўлсангиз, шунга ўхшаши кичик бир сурани бўлса ҳам олиб келинг... дейди. (Бақара сураси, 23 – оят)

Фасоҳат ва балоғат ҳукм сурган бир даврда Росууллоҳ сұханаху да таъвуд 23 йил давомида Макка мушриклари қаршисида бу хитобни қилиб турдилар. Уларда Куръони Каримга ўхшаши сура ёки оятни олиб келишга барча имконият, қаттиқ қасд ва етарлича вакт бўла туриб, биронгаси олиб келолмади. Бу хитоб нафақат ўша замондаги мушрикларга, балки то абад Куръони Карим – Аллоҳ сұханаху да таъвуд нинг каломи эканига шубҳа қилган барча кимсаларга бирдек қаратилган. Куръони Карим нозил бўлганига ўн тўрт асрдан ошли. Бу ўтган давр мобайнида оламга донг таратган кучли адабиётчи ва шоирлар ўтди. Лекин бу чакирик олдида инсофиллари тан бериб, инсофисизлари мажбуран баш эгип келмоқда. Бу хитобнинг ҳали Қиёмат кунига қадар жавобсиз қолиши муқаррар.

Росууллоҳ сұханаху да таъвуд нинг ашаддий душманлари Валид ибн Мугира Куръони Каримни эшитганида "Мен ҳозир Мухаммаддан бир сўзни эшитдим, Аллоҳга қасамки, бу на инсоннинг сўзи, гоят нафис ва жозибадор, у ҳамма нарсадан устун, ундан ҳеч нарса устун бўлолмайди. Аллоҳга қасамки, у шеър эмас. Агар шеър бўлганида, мен билар эдим. Сизлар Мухаммадни жинни дейсизу бирон марта унинг телбаланган ҳолатини кўрганмисиз?! Уни фолбин дейсиз, аммо бирон марта фолбинлик қилганини кўрганмисиз?! Шоир дейсиз, аммо бирон марта шеър айтганини биласизми?! Ёлғончи дейсиз, аммо бирон марта ёлғон сўзлаган деб айта оласизми?!" деб сўраганида одамлар ҳар гал "Аллоҳга қасамки, йўқ", деб жавоб беришган эди.

Курайш шоирлари ўзаро шеърхонликда мусобақалашиб турар эди. Энг жозибали шеърни Каъбанинг деворига ёзиб қўйишар эди ва у то ундан кўра яхшироқ шеър тўқилгунга қадар ўша ерда турар эди. Бир куни Али розвияху алеем эрта тонгда келиб, ўша жойга Куръони Каримдаги ҳажм жиҳатдан энг кичик "Кавсар" сурасини ёзиб қўйдилар.

Биз Сизга Кавсарни ато этдиқ, раббингизгагина намоз ўқинг ва қурбонлик қилинг, албатта, душманингиз ўзи чўлтоқдир.

Бу муборак сура, ҳеч ким ундан кўра фасоҳатли нарсани олиб келолмаганидан, бир неча ўн кун Каъба деворида ёзилганича қолди. Шунда ўша замонда донг таратган ва шеъриятда ҳеч ким олдига тушишга журъат этолмайдиган Имруул Қайс исмли шоир бу муборак суранинг остига "Бу инсоннинг сўзи эмас", деб ёзиб қўйишга яради, холос.

Айтинг, агар инсу-жин тоифаси шу Куръонга ўхшаш китобни олиб келишга жамланса, унга ўхшашини, гарчи бир-бирларига кўмакчи бўлса ҳам, олиб кела олмайди. (Исро сураси, 88 – оят)

Бутун башарият ҳамжиҳат бўлиб, ифтихорига айланган барча воситаларни ишга солишса ҳам, Куръони Каримнинг кичик бир сурасига ўхшашини олиб келолмайди. Куръони Карим мўъжизаси асрлар оша барчани лол қолдириб келмоқда.

Исломдан бошқа динлар тарихига назар солинса, илмий кашфиётлар билан шугулланган олимларнинг қатл қилингани ёки ҳалқ ўртасида тириклай ёкиб юборилгани кўрилади. Айниқса насоролар тарихи бундай мисоллар билан тўла.

Хўш, Ислом дунёвий илмларга қандай муносабатда бўлди? Ислом ҳам дунёвий, ҳам ухровий диндир. У дунёвий илмларни ўрганиш – Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду}нинг чексиз қудратини намоён қиласи, деб билади. Жуда кўп дунёвий фанларга мусулмон олимлар асос солган. Фалакиёт, жуғрофия, кимиё, тиббиёт каби бир қатор дунёвий илмларга тааллуқли кўплаб бебаҳо асарларни айни мусулмон уламолар яратган. Уларни нафақат кенг Ислом оммаси, балки Исломга гараз билан қаровчи миллатлар ҳам ўрганиб, ҳалигача фойдаланиб келишади. Умуман, инсониятга фойдали барча илмнинг асосига назар ташланса, унда мусулмон олимларининг қўёли борлиги кўрилади. Бу ҳол Ислом дини дунёвий илмлар тараққиётiga бевосита улкан ҳисса қўшганидан далолат беради.

Куръони Каримда тиббиёт, фалакиёт, жуғрофия ва бошқа соҳаларга алоқадор ўта аниқ илмий маълумотлар бор. Бу нарса унинг беадад мўъжизаларидан биридир. Ҳолбуки, бу оятлар ўн тўрт аср илгари, илм-фан ва уларга доир замонавий асбоб-ускуналар бўлмаган замонда нозил бўлган. Бу маълумотларга бирор кишининг тадқиқоти ёки ихтиrolари натижасида эришилган, дейиш ўта нодонликдир. Бунинг устига, илм-фан бу маълумотларни илмий жиҳатдан турли соҳада суръат билан тараққий эта бошлаган XX асрнинг иккинчи ярмидагина эришди, холос.

Даҳрийлар илм-фан ривож топган XX асрда инсоннинг келиб чиқишини ҳайвонга нисбатлаб, бу ахмоқона назарияни илмий жиҳатдан исботлаб, одамларга мажбуран сингдиришга озмунча ҳаракат қилмади. Бу пуч фикрга қўшилмаган киши тараққиётдан ортда қолган деб саналди. Ажабки, бу ахмоқона фикрни номдор “олим”лар илгари суришди. Энг ачинарлиси, бунга бир қанча дин “пешволари” иймону вижданлонларини пайҳон қилиб, сукут сақлашди.

Олимлар XVIII асрда инсон ҳаётининг ибтидоси эрқак кишининг пуштидан яралади, деб бу жараёнда аёл кишининг иштирокини инкор қилишган. XVIII асрдан сўнг тухум хужайра кашф қилингач, унинг ҳажми катталигидан инсон тухум хужайрадан яралади, деб бу жараёнда

Уларга одамларнинг дилларини мойил қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин, шояд шукр қилишса. (Иброҳим сураси, 37 – оят)

Иброҳим ^{алайхис-салам}нинг мевалардан ризқлантиргин деб сўрашлари дикқатга моликдир. Маълумки, Маккаи Мукаррама тошлоқ, ориқ ерлардан иборат. Мана бу оятдаги **‘иа** – бу жойни сўзидан ҳам Маккаи Мукаррама шаҳри назарда тутилган. Чунки, ҳозирги Арабистон Қироллигининг дехқончилик, боғдорчиллик каби соҳалар ривож топган бир қанча шаҳарлари мавжуд. Маккаи Мукаррама ҳудуди эса асосан ҳеч нарса унмайдган тошлик ва сахродан иборатдир. У ерда бирон дарахтни кўқартириш кўп машакқатлар ва катта маблағлар эвазига, ўшанда ҳам замонавий мосламалар ёрдамида сунъий сугориш йўли билан амалга оширилади. Боғдорчиллик ёки тупроқшунослик соҳасини билган киши Маккаи Мукаррамага бориши билан бу шаҳарнинг ери ва иқлими кўқаламзорлаштиришга мос эмаслигини, у ерда мева етиштириш тугул дарахтини кўқартириб олишнинг ўзи бир машакқатлигини билади. Шунга қарамай дунёдаги барча мевалар ҳудди Маккаи Мукаррамада етиштирилгандек сероб. Ерда пишадиган ҳар қандай мева қайси фасл бўлишидан қаттий назар баҳорги, ёзги ёки кузги бўлмасин, бир вактнинг ўзида Маккаи Мукаррама топилади. Бу холис қалб билан қилинган дуонинг баракотидир. Иброҳим ^{алайхис-салам}нинг дуоси Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду} томонидан ижобат қилинганини ҳаж ва умра сафарида бўлган кишилар яққол қўриши мумкин.

Иброҳим ^{алайхис-салам} Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду}нинг **Аҳдим** йўлингиздан четланган золимларга етмайди деган сўзидан қаттиқ тасирландилар. Бу нарса у кишига унтутилмас сабоқ бўлди. Шунинг учун зурриётларига Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду}дан ризқ сўраб дуо килганларида писанда қилиб, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду}га ва Охират кунига иймон келтирмаган золимларни истисно этдилар ва имоматга нолойик кимсалар Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду}нинг ризқига ҳам нолойик, деб ризқ сўрашни фақат иймон эгаларига чекладилар. Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду}га ва Охират кунига иймон келтирмаган кимсаларга Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду} томонидан бериладиган бу дунёдаги ризқни ҳам раво кўрмадилар! Мўмин кишининг илоҳий ўйтлардан таълим олиши мана шундай даражада бўлиши керак. Инчунин, бу оят билан Куръони Карим мусулмон кишида бўлиши шарт бўлган «Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду} учун яхши қўриш ва Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду} учун ёмон қўриш» эътиқодига ҳам ишора қилиб ўтяпти.

Энди, умри бўйи Исломга қарши қўрашиб ўтган, мусулмонларга мислсиз зиёнлар келтирган, ҳатто баъзи ҳақиқий мўминларни қатл этган малъун золимлар ҳаққига айрим “мусулмонлар” томонидан қилинаётган дуоларга бир кулоқ тутинг! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъауду}дан ўзига, отаонасига, фарзандларига сўрамаган нарсаларни ўша бадбаҳт кимсаларга сўрайди. Уларга соғлик ва фаровонлик, ишларига омад тилайди. Мана бундан уларнинг ўша золимлар қилмишларига розилиги, зулмларида


незъматларидан озгина фурсат фойдалантираман. Дунёвий незъматлар мўмину коғирга, яхшию ёмонга берилаверади! Майли, улар ҳам бу дунёда роҳатини кўришсин! Ахир эртага уларнинг борадиган жойи жаҳаннам! Манфаатлари мана шу дунёгагина чекланган кимсаларнинг борадиган жойи дўзахдир! Дўзах накадар ёмон борадиган жой!" деди.

Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әт табақо} мана бу оятда Маккай Мукарраманинг тинчлик ва тутувлик шаҳри қилганини ва унда истиқомат қилувчи аҳолининг ризқ-рўзини бисёр этганини мўмин бандаларига, хусусан Маккай Мукаррама аҳлига миннат қилмоқда. Иброҳим ^{алайхис}_{салам} Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әт табақо}дан мана бу жойни шаҳар қилгин, деб сўрадилар. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әт табақо} у кишининг дуоларини ижобат қилиб, Байтуллоҳ жойлашган Маккай Мукаррама шаҳрини омонлик шаҳри қилди. Иброҳим ^{алайхис}_{салам} Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әт табақо} учун Маккай Мукаррамага ҳижрат қилиб келганларида бу ерда ҳеч ким яшамас эди. **بَلَّا – шаҳар** қалимасининг ноаниқ ҳолатда келиши мана шуни кўрсатади. Иброҳим ^{алайхис}_{салам} нинг дуолари баракоти билан бугун Маккай Мукаррамада бир миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиласи ва ўзининг жуғрофий ўрнига қарамай дунёдаги энг келди-кетди кўп шаҳарлар қаторида ҳисбланади. Бундан ташқари у «Баладул Ҳаром» – жангу жадал, қон тўкиш, ҳатто ўт-ўланларини сабабсиз юлиш ҳаром қилинган шаҳар номи билан ҳам аталади.



Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розвияллоҳу}_{әнху} ривоят килдилар: *Пайгамбар* ^{сұлтаналу}_{алайхис ад} Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әт табақо} Маккани табаррук жой қилди. Бу ерда жанг қилиш мендан илгари ҳеч кимга ҳалол бўлмаган, мендан кейин ҳам ҳеч кимга ҳалол бўлмайди. Менга қундузи бир соат жанг қилиш ҳалол бўлди. Ўсимликлари юлинимайди, дараҳти кесилмайди, жоновори чўчитилмайди, топилмаси билдирувчига бериш учунгина олинади дедилар. Аббос "Эй Росууллоро! Ҳунармандаларимиз ва қабрларимиз учун изхир¹ гагина рухсат беринг дедилар. Росууллоро ^{сұлтаналу}_{алайхис ад} изхиргагина рухсат дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әт табақо} Куръони Каримнинг бошқа ўрнида Иброҳим ^{алайхис}_{салам} нинг қилган дуоларини келтиради:



эркак кишининг иштирокини инкор қилишди. XIX асрнинг ярмига келиб, инсон оталанган тухум ҳужайрадан бир неча босқичларда яралиши кашф қилинди ва XX асрнинг 70 – йилларида кўпчилик томонидан қабул қилинди.

Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әт табақо} 1400 йил илгари Куръони Каримда инсоннинг ҳаётга келиши эр ва аёл жинсий ажралмаларининг қўшилишидан бошланиб, сўнг бир қанча босқичлардан ўтишига бир нечта ўринда ишора килиб, жумладан:

Сўнг бу манийни лахта қон қилиб яратдик, лахта қонни бир тишлам гўшт қилиб яратдик, бир тишлам гўштни суяклар қилиб яратдик, суякларга гўштни қопладик, сўнг олдингидан бошқа жонзот ҳолида пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали Аллоҳ баракотлидир дейди. (Муъминун сураси, 14 – оят)

Муртакшунослик – эркак кишининг жинсий ҳужайралари аёл кишининг жинсий тухум ҳужайралари билан бачадон найларида бир-бирига қўшилиб уругланишдан то 8 – 9 ҳафта мобайнида аъзоларнинг вужудга келишигача бўлган даврни ўрганувчи фандир. Бу фан, асосан, заррабин ихтиро этилган XVII асрдан кейин ривожланган. Тиббий тилда оталанган тухум ҳужайранинг дастлабки 8 ҳафтаси "Муртаклик даври" деб аталади. Муртак уругланишдан 6 кун кейин бачадон бўшлиғига ўтиб, унинг деворига пайвандланади ва она корнида ривожланиши ўртacha 280 кун, қамарий хисобда 10 ой давом этади.

Муртаклик даврида инсон аъзолари ва тўқималари юзага келиб, ҳатто баъзилари ишга тушиб боради. Масалан, ривожланишнинг 2 – ҳафтаси охирида қон ҳосил бўлиши бошланади. Муртак бўйига атиги 2 мм бўлганда, унда асаб тармоғининг асоси – асаб найлари пайдо бўлиб, 1 – ойнинг охирида асаб тузилмалари тўла-тўкис шаклланиб бўлади. 8 – ҳафтанинг охирига бориб, барча ички ва ташки аъзолари шаклланиб бўлади ва бу вактда муртак бўйига 4 – 5 см бўлиб, оғирлиги 4 – 5 грамга етади.

Куръони Карим муртак ривожланишининг дастлабки босқичи ҳақида сўз юритиб, уни ёпишқօқ зулукка ўхшатади. Олимлар замонавий ускуналар ёрдамида зулуклар устида тадқиқотлар ўтказиб, уни лахта қон босқичидаги 20 кунлик муртак билан ёнма-ён қўйиб кўриб, орадаги ажиб ўхшашликни топишиди. Араб тилида – **عَلْفَة** – сўзи ҳам зулук, ҳам қўйقا – лахта қон маъносини билдиради. Муртак 28 – 30 кунлик бўлганда, унинг устида инсон тишларига ўхшаш тасбиҳсимон шакл вужудга келади. Олимлар маҳсус моддадан муртак шаклини ясад, унда тиш изларини қолдиришди ва уни тўрт ҳафталик муртак билан таққослагач, ҳайратдан ёқаларини ушлашди. Бу ўринда Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әт табақо} **бир тишлам гўшт қилиб яратдик** деган сўзи ўз аксини топган эди.

¹ Хушбўй қамиш

Суяклар – инсон танасига шакл бериб туради ҳамда унинг тик туриши, юриши ва турли ҳаракатлар қилишда асосий хизматни ўтайди ва ички аъзоларни ҳам муҳофаза қиласи ҳамда баданинг таянч ўки хисобланади. Суяклар шакли ва тузилиши жиҳатидан асосан тўрт турга: найсимон, ғоваксимон, ясси ёки сербар ва аралаш суякларга бўлинади. Суяк мураккаб тузилмалардан: суяк тўқимаси, кўмик, бўғим тоғайи, асаб ва томирлардан ташкил топади. Суякланиш нуқталари ҳомиланинг 7 – 8 хафтадаёқ пайдо бўлади ва она корнида тоғай тўқималардан иборат бўлади. Суяк сиртдан асаб томирларига бой, пишик бириктирувчи тўқималардан иборат парда билан қопланган бўлиб, бўғимлар, пайлар, пардалар, тоғайлар ва чоклар ёрдамида ўзаро бирикади.

Муртакшунослик тарихида муртакнинг ривожланиш босқичларини тегишли атамалар билан аташ ҳолати қайд қилинмаган. Замонавий муртакшунослик босқичларни рақамлар билан ифода этгани учун мураккаб ва тушунишда кийин. Қуръони Карим босқичларни рақамлар билан эмас, балки таникли ҳамда илмий нуқтаи назардан ўта аниқ атамалар билан ифодалаган. Қуръони Каримнинг VII асрдаги бундай аниқ таснифоти ўша замондаги фан тараққиётига қаралса, илмий асосларга курилган бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ҳақдаги илмнинг ўзи бўлмаган. Демак, бу таснифот инсонни яратган Аллоҳ субханаху әт таваҳу томонидан бўлган. Шунга кўра ҳозирги замон олимлар муртакни таснифлашда ўта аниқ ва содда бўлган янги, қуръоний усулни қўллаш керак, деган фикрни илгари суришмоқда.

Аллоҳ сизларни оналарингиз қоринларида учта қоронгулик ичида кетма-кет яратади... дейди (Зумар сураси, 6 – оят)

Қуръони Карим «Уч қоронгулик» деб атаган қоронгуликлар кўйидагилар:

- 1) она қорнининг девори;
- 2) бачадон девори;
- 3) ҳомилани ўраб тўрадиган қобик.

Бу қобик фақат ҳомиладорлик даврида пайдо бўлади. У ҳомиланинг 4 – ойида тўлиқ шаклланади ва шаклан кулчасимон юмшоқ бўлиб, ҳомила билан онани бир-бирига боғлайди ҳамда улар ўртасида моддалар алмашувини таъминлайди. Бундан ташқари маълум даражада ташки таъсир ва зарарлардан ҳам ҳимоя қилиб туради. Бу қобик фаолиятининг бузилиши турли асоратларга, ҳатто боланинг чала тугилишига олиб келиши мумкин. Бу қобик замонавий тиббиёт томонидан яқинда, ўткир ултратовуши жиҳозлар пайдо бўлганидан сўнг аниқланди. Қуръони Карим бир қанча асрлар илгари, ҳали бундай жиҳозлар бўлмаган даврда каашф этгани – инкор этиб бўлмас мўъжизадир.

Шунда **Иброҳим турган ўринни намозгоҳ қилинг** ояти нозил бўлди... деди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ субханаху әт таваҳу Ўзининг икки солих бандаси ва пайғамбари Иброҳим ва Исмоил алайхис салам ларга Ўзининг уйини тавоф қилувчилар, рукуъ-сужуд қилиб намоз ўқувчилар учун қон ва нажосат каби хиссий, ширк, бидъат, фасод каби маънавий нопокликлардан поклашга буюрди. Аммо насаби Иброҳим алайхис салам-га боғланиши билан фахрланаётган мушриклар Аллоҳ субханаху әт таваҳунинг уйини ширк нажосати билан булгашган эди. Бундан ташқари ҳақиқий мўмин кишиларни унда ибодат қилишдан тўсиб, охир оқибатда Маккан Мукаррамадан кувиб ҳам чиқаришган эди. Энди, Иброҳим ва Исмоил алайхис салам ларга топширилган мана бу шарафли вазифа Киёматга қадар иймон ва эътиқодда Иброҳим алайхис салам-га эргашган, Ислом умматига топширилди. Чунончи, Ҳарами Шариф ахли ҳозирда ҳам Байтуллоҳнинг хизматкори ва унинг покизалигига масъул эканликлари билан фахрланади.

Иброҳим алайхис салам-нинг холис қалб билан қурган бу уйини Аллоҳ субханаху әт таваҳу Ўзига нисбат бериб, "Менинг уйим", деб атади. Демак, мўмин киши амалини холис Аллоҳ субханаху әт таваҳу учун қилса, оламлар Парвардигори мана шундай тарзда кутиб олади.

Мана бу оятда Каъбаи Муаззама атрофида Ислом шариати кўрсатган барча ибодат турлари санаб ўтилган. Тавоф амали факат Каъбага хос амал бўлгани учун муқаддам қилинган. Шу билан бирга бу оят ахли китоб: яхуд ва насроларнинг Иброҳим алайхис салам-га эргашиш тўғрисидаги даъволарини ҳам йўққа чиқаради. Чунки, Иброҳим алайхис салам Каъбани мана шу ибодатлар учун қурган эдилар. Иброҳим алайхис салам-га "эргашган" яхуд ва насролар эса мана бу ибодатларнинг биронтасини қилишмайди.

**وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمَ رَبِّيْ أَجْعَلْ هَذِهِ بَلَدًا ءَامِنًا وَأَرْزُقْ أَهْلَهُ مِنْ عَامِنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ
وَالْيَوْمَ الْآخِرِ قَالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأَمْتَعْهُ وَقَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرَهُ إِلَى عَذَابِ النَّارِ وَبِئْسَ الْمُصِيرُ**

126. **Иброҳим "Раббим! Бу жойни осойишта шаҳар қилгин ва унинг аҳлидан Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирганларини турли мевалардан ризқлантиргин!"** деганини эсланг! Аллоҳ "Кофири бўлганини ҳам озгина фойдалантираман, сўнг уни дўзах азобига гирифтор этаман. Дўзах нақадар ёмон борадиган жой", деди.

Эй Мұхаммад сөзларини ад аҳли! Иброҳим алайхис салам-нинг "Эй Раббим! Бу кимсасиз, овлоқ жойни унда яшовчилар ва атрофдан келган зиёратчилар учун тинчлик ва хотиржамлик шахри қилгин! Унинг аҳлидан Сени якка илоҳ деб иймон келтирган, ҳукмларингга бўйсунган кишиларни жамики мевалардан ризқлантиргин!" деб дуо қилганларини ёдга олинг! Аллоҳ субханаху әт таваҳу Иброҳим алайхис салам-га жавобан "Сизнинг йўлингизга эргашишдан бўйин товлаган кофириларни ҳам ризқлантириб, ажали етгунга қадар бу дунё

Аллоҳ ^{сүйханаху}_{да таъвю} Байтуллоҳни барча мусулмонларининг қалбини унинг зиёратига интиладиган, турли китъалардан қишин-ёзин муштоқлик билан умра ва ҳажни ҳамда бошқа диний ва дунёвий манфаатларни мақсад қилиб келадиган жой қилди. Инсон Масжидул Ҳаромга ҳар қанча кўп борган бўлишига қарамасдан яна қайта боргиси келиб, унга ҳамиша талпиниб яшайди. Аллоҳ ^{сүйханаху}_{да таъвю} ҳали Байтуллоҳнинг зиёратини насиб этмаган кишилар умрида бир марта бўлса ҳам боришини орзу килди. Дунёнинг бошқа ҳеч бир ўрнида қалблар унга мана шундай даражада ташналик билан интиладиган жой йўқ. Бундан ташқари Масжидул Ҳаром тинчлик ва осойишталик ўрнидир. Инсон бошқа ҳеч қаерда Ҳарами Шарифдагидек хотиржам бўлолмайди. Унга кириб олган ҳар қандай кишининг молу жони омонлиқда. Ҳатто мазҳабимиз уламолари фикрича жиноягчи Ҳарамга кириб олса, уни олиб чиқиб жазога тортилмайди. Замони зоҳилиятда ҳам мушриклар Байтуллоҳдаги осудаликка риоя қилишар, ундан ҳайбатланишар эди. Унинг ичига кириб паноҳ топган душманларига ҳам зарар етказишга журъат қилишмас эди. Аллоҳ ^{сүйханаху}_{да таъвю} Ўз уйини тинчлик-омонлик ўрни қилиб қўйгани учун ганимлари кўз ўнгига хотиржам яшай оларди. Ҳарамда ўз отасининг қотилини қўришса ҳам унга зиён етказишмас эди. Ислом келиши билан бу ўтибор яна ҳам зиёда бўлди.

Иброҳим ^{алайхис-салам} Байтуллоҳнинг деворларини кўтараётган вақтда оёқларини бир тош устига қўйиб турганлиги ривоят қилинган. Ўша тош сақланиб қолган ўрин «Макоми Иброҳим¹» «Иброҳим турган ўрин» номи билан машҳурдир. Аллоҳ ^{сүйханаху}_{да таъвю} "Эй мўминлар! Тавоғ қўлганингиздан сўнг шу ўринни намозгоҳ қилинг, яъни оркасида икки ракъат намоз ўқинг!" деб буюрди. Қиёматга қадар Байтуллоҳнинг зиёратига борган мусулмонларга тавофи қудумдан сўнг Иброҳим ^{алайхис-салам} турган шу ўринда намоз ўқиш машруъ бўлди. Абдуллоҳ ибн Аббос ^{роҳиқлару}_{да} Ҳарамнинг ҳамма томони Макоми Иброҳим хисобланади, деганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ ^{роҳиқлару}_{да} Росууллоҳ ^{сөнгичлару}_{да} ...Иброҳим турган ўринни намозгоҳ қилинг оятини ўқиб, Макоми Иброҳим ўзлари билан Хонаи Каъба ўртасида бўлган ҳолатларида намоз ўқидилар дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Анас ибн Молик ^{роҳиқлару}_{да} Умар ибн Хаттоб ^{роҳиқлару}_{да} Раббимга уч нарсада мувофиқ келдим. Иброҳимнинг турган ўринини намозгоҳ қилсак, дедим.

¹ Макоми Иброҳим – Каъбанинг шаркий томонида жойлашган тош бўлиб, Иброҳим ^{алайхис-салам} Каъбани бино киластб ўша тош устида турганлар. Ана шу тош устига Иброҳим ^{алайхис-салам} нинг ёёқ излари рамзи акс эттирилган ва атрофи кубба шаклида ойна билан ихота қилиб кўйилган. Бу тош илгари Каъбага якин ҳолатда жойлашган ва Умар ибн Хаттоб ^{роҳиқлару}_{да} даврларида тавоғ қилувчиларга нокулайлик келтиргани учун Каъбадан четрок жойга кўчирилган.

Оятларимизни инкор этган кимсалар, яқинда уларни дўзахга киритамиз, ҳар гал терилари куйиб битаркан, уларга азобни тотишлари учун ўрнига ундан бошқа териларни алмаштирамиз. Аллоҳ Қудратли ва Ҳикматли бўлган Зотdir. (Нисо сураси, 56 – оят)

Тери инсон аъзоларини ташки мухит таъсиридан сақлаб, уларга зийнат бериб туради. Тери қалинлиги тери ёғ ости қаватидан ташқари 0,5 – 4мм дан иборат бўлиб, у уч қаватдан ташкил топади:

1) Ташки қават. Бу қаватнинг ўзи базал, тикансимон, донали, ялтироқ ва мугуз қаватлардан иборат. Терининг устки мугуз қавати жуда чукур жойлашган хужайралардан шаклланиб, унда жуда кўп асаб толалари мавжуддир. Бу қават иссиқ-совуқقا ва ташки мухит таъсиirlарига чидамли бўлади. Унинг устки кисми билинار-билинмас қипикланиб кўчиб, пўст ташлаб туради.

2) Ўрта қават – хусусий тери қават. Бу қават бириктирувчи пишик тўқималардан ташкил топган ва унда қон томирлари ва асаб толалари, ёғ ва тер безлари, соч илдизлари жойлашган.

3) Тери ости ёғ қавати. Бу қават ёғ билан тўла катакчалардан иборат бўлиб, баданнинг турли ерларида турлича қалинликда бўлади. Масалан, кўз қовокларида умуман бўлмаса, лунж, қорин ва думбада унинг қалинлиги 10 см гача етиши мумкин.

Терида асаб чигали ва томирлари кўпдир. Улар оғрикни, иссиқ совуқни, турли хил кимёвий таъсиirlарни ва босимни сезади. Айниқса, бармоқлар, бурун учи, кафт ва орқадаги ўрта чизиқ териси соҳаси терилари ўта сезгир бўлади.

Тери куйганида ундаги тўқималар шикастланади ва заарланишига қараб тўрт даражага бўлинади:

1) Тери қизариб, бир оз шикастланади ва тўрт-беш кундан сўнг тузала боштайди;

2) Кизарган тери юзасида тиник сарғиш суюқлик билан пуфакчалар пайдо бўлади. Улар ёрилганида терининг юза қавати очилади. Агар касаллик тарқатувчи ёки юқтирувчи моддалар тушмаса, ўн беш кунлар атрофида чандиқсиз тузалади;

3) Терининг ҳамма қавати ўлади ва усти қорайиб кетади;

4) Тери ҳам, тери ости тўқималари ҳам, ҳатто суяклар ҳам куйиб кетади. Ўлик тўқималар маълум муддатдан сўнг ириб тушади ва кўп ҳолатда тери устида чукур чандиқлар ҳосил бўлади.

Демак, терининг қаттиқ куйиши натижасида ундаги сезувчи асаб тола ва тўқималар ўлиб, инсонга оғрикни маълум даражада сездирмай қўяди. Шунинг учун жарроҳ жарроҳлик амалиётидан аввал беморга оғрикни сездирмаслик мақсадида, аввало, шу ўриндаги терига сезгини ўлдирадиган дори юборади. Шу сабабдан Аллоҳ ^{сүйханаху}_{да таъвю} **алмаштирамиз**

дея терида асаб тола ва тўқималари борлигига ишора қилмоқда. Бу нарса тиббиёт фани томонидан яқинларда қашф қилинган бўлса-да, Куръони Карим 1400 йил илгари, ҳали ер юзида асаб толалари, деган тушунча пайдо бўлмасидан аввал баён қилгани – инкор этиб бўлмас мўъжизадир.

Юқорида биз инсоннинг яралиши ва унинг жасадига алоқадор уч оятни илмий жиҳатдан билганимизча қисман ёритишга ҳаракат қилдик. Ўрни бўлганида фалакиёт, жуғрофия, коншунослик, кимё ва бошқа соҳаларга доир оятларни ҳам ёритган бўлар эдик. Куръони Карим бошидан охирига қадар мўъжизадир. Максадимиз фақат илмий мўъжизаларга тўхталиш эмаслигидан, ҳозирча мазкур уч оят билан кифояланамиз. Аллоҳ субханаху да таъвоху насиб этса, колганлари ҳам ўз ўрнида муфассал ёритилади. Куръони Каримда илм-фан ҳали қашф этиб улгурмаган, қолаверса, биз билмаган кўп мўъжизалар бор. Замонлар ўтиб, бошқалар бу оятларнинг яна янги тарафларини қашф этиши мумкин. Бугун ҳайратланарли бўлган нарса эртага оддий хол бўлиб қолиши ҳам мумкин. Мухими, бундай илмий далолатлар бошқа ҳеч бир самовий китобларда йўқ ва улар илк бор Куръони Карим томонидан ҳали ер куррасида инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланишига доир илmlар пайдо бўлмасдан 1400 йил муқаддам қашф этилган. Куръони Карим Аллоҳ субханаху да таъвохунинг каломи эканига иймон келтириши учун мусулмон кишига ўн тўрт аср ўтиши керак бўлмади. Илм-фан ундаги илмий маълумотларни исботлашини ҳам кутиб ўтиради. Қолаверса, мусулмон киши Куръони Карим Аллоҳ субханаху да таъвохунинг каломи эканлигига ундаги илмий мўъжизаларга қараб иймон келтирмайди, балки бу унинг иймонини зиёда этади, холос.

ҚУРЬОНИ КАРИМДАГИ БАЪЗИ АДАДИЙ МЎЪЖИЗАЛАР

Куръони Каримда инсон билган ва билмаган бир-бираидан ажиб мўъжизалар бор. Бу мўъжизалар яна бир бор Куръони Каримнинг Аллоҳ субханаху да таъвоху томонидан нозил бўлганига далолат қилади. Кейинги даврда тез ҳисобловчи ускуналар пайдо бўлганидан сўнг, Куръони Каримнинг бир ҳил қалима ва оятларини ҳисоблаб чиқиб, уларнинг ўзаро тенглиги қашф қилинди ва баъзи олимлар томонидан бу мўъжизавий тенгликка бағишлиб, бир қанча китоблар ёзилди. Куръони Каримда ададга оид мўъжизалар шу қадар кўпки, ақлли киши уларни тасодиф деб айтишга ҳаё қилади. Биз бу бобда келтирмоқчи бўлганимиз, уларнинг жуда оз қисмини ташкил этади.

Масалан, Куръони Каримда "اليوم" – кун" сўзи турли лафзлар билан жами 365 марта такрорланган. Ёки "شهر" – ой" сўзи турли лафзлар билан 12 марта такрорланган. "Иблис" сўзи 11 марта такрорланган, бинобарин Аллоҳ субханаху да таъвохудан унинг ёмонлигидан паноҳ тилашга бўлган буйруқ ҳам 11 марта такрорланган. Ҳар ҳил холда турланиб келган "البيه" – ҳаёт"


учун мўйловини қисқартириш учун зиёфат уюштирилмайди?! Бу ишларни тўю тантана билан эмас, аксинча, маҳфий холда бажариш керак. Хатна эса ҳаммасидан ҳам маҳфийроқ бўлиши лозим.

Тўгри, хозирда мана шу ва бундан бошқа айрим бидъатлар билан курашадиганлар чиққан. Аввало, улар оммага ва "илоҳ"ларига яхши кўриниш учун ўзларини бидъатга қарши қилиб қўрсатишади. Уларнинг кўзидан панага ўтишлари билан яна ўз билганидан қолишмайди. Текширинг! Ахир улар бидъатга қарши курашган кишиларга кечагина турли лақаблар тўкиб, "Ота-боболаримизнинг йўлидан бурилганлар" деб, уларга иғвою бўхтонлар қилмаганмиди?!

Иккинчидан, бу ерда уларни бидъатга қарши курашишга мажбур қилган бошқа сабаб бор, у ҳам бўлса яширишнинг иложи колмаган иқтисодий танглиkdir. Бундай "курашчи"лар иқтисодий сиёсатларининг тўла муваффакиятсизликка учраганини яшириш учун мана шундай йўл тутишга мажбурдир. Табиийки, бидъатга қарши бундай "кураш" ҳеч қандай самара бермайди, балки янги-янги бидъатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Демак, биз бидъатларга қарши бошқаларга ўхшаб иқтисодий ҳолатга ёки замон талабига қараб эмас, балки Аллоҳу Росулига итоат этган холда курашмогимиз керак.

Иброҳим салам-дан сўнг Ислом даъватини етказиши масъулияти тўлалигича Бани Исроилга ўтди. Мана шу масъулият туфайли Бани Исроил бутун олам узра афзал қилинди. Лекин Бани Исроил бу юксак масъулиятни етарлича хис этмади. Шунинг учун Аллоҳ субханаху да таъвоху умматлар ўртасидаги етакчиликни Бани Исроилдан Ислом умматига олиб берди. Ислом умматига Муҳаммад салам ни пайгамбар қилиб юборди. Бу пайгамбар Иброҳим салам нинг тўнгич ўғли И smoil салам нинг авлодидан эди. Муҳаммад салам бобоси Иброҳим салам ва ўтган барча пайгамбарлар тутган ўйланинг айни ўзидан бордилар. Муҳаммад салам га эргашганлар ҳам ўтган барча пайгамбарларга бирдек иймон келтиришиди ва миллатлар ўртасидаги етакчилик вазифасига энг муносиб умматга айланишиди. Демак, Ислом уммати етакчилик вазифасидан фахрланиш ўрнига унга масъулият билан ёндашмоги керак.



125. Уйни одамлар учун дилтортар ва хавфсиз жой қилганимизни эсланг! Иброҳим турган ўринни намозгоҳ қилинг! Иброҳим ва И smoilga "Тавоф қилувчилар, эътикоф ўтирувчилар ва рукуъ-сужуд қилувчилар учун уйимни поклангиз", деб буюрдик.

Абу Ҳурайра ^{رضي الله عنه} *Пайгамбар* ^{صلوات الله عليه} *фитрат¹* бештадир. **Хатна қилиш**, аврат атрофи **тукларни олиш, мўйловни қисқартириш, тирнокларни олиш ва қўлтиқ ости тукларни юлишдир** деганларини эшиитдим дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Шу ўринда хатна қилиш хусусида бир оз тўхталсак. Хатна – Иброҳим ^{آل عاصم} дан қолган суннатдир. Саъид ибн ал-Мусайяб ^{رضي الله عنه} *Иброҳим* ^{آل عاصم} одамлар ичиде биринчи бўлиб хатна қилинганлар... деганлар. (Имом Молик ривояти) Жумхур уламолар хатна қилишни мусулмон эркак ёшидан қатъий назар тарқ қилиши мумкин бўлмаган, буюрилган суннат деганлар. Баъзи олимлар фарз дараҷасига ҳам кўтаришган.

Бир вақтлар айрим “доно” миллатлар Исломдаги бошқа суннатлар қатори хатнага ҳам қарши бўлишди. “Хатна – ибтидоий тузумдан қолган эскилик саркити. Бу нарса факат тугма нұксонлик ҳолатида ўзини оклаши мумкин, холос”, дейишди. Лекин ҳозирги замонавий тиббиёт фани хатнанинг инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эгалигини, ҳатто баъзи касалликларнинг олдини олишлигини, хусусан, ёш бола, чақалоқнинг соғлом улғайиши учун зарур нарса эканини тан олишга мажбур бўлди. Мусулмонлар эса бундай кашфиётларни кутишга муҳтож бўлишмади. Балки бошқалар каби тентирамасдан хатнага “Бобомиз Иброҳим ^{آل عاصم} дан қолган суннат”, деб ёндашиб, унинг манфаатларини ҳаётларида кўришди.

Исломдаги ушбу суннатни масхара қилганлар унинг манфаатларини тан олиб турган бир пайтда, минг афсуски, бизнинг мусулмон халқимиз хатнани ўзига мажбурий маросим – тўй шаклида ўтказиши, тантаналар уюштириши ачинарли бир ҳолдир. Одамлар ҳеч қандай савоб келтирмайдиган, Ислом шариати буюргаган мана бу бидъат ишга емай ичмай тўплаган бор-будини тўқади. Бунга қарши бўлган кишиларни урф-одатларни менсимасликда, миллий қадриятларни пайхон қилишда айблайди. Ҳеч қандай асосга эга бўлмаган бундай хурофотни диний маросим сифатида кўришлари яна ҳам таажжубидир. Энг ачинарлиси шуки, бундай ишлар дин номидан бир қатор “дин пешволари” иштироқида, Қуръон тиловати билан қилинади! Яна унга “Суннат тўй” деб ном берилганини айтмайсизми?! Қаердан олинди бундай ном??!

Мазкур ҳадисда санаб ўтилган амаллар суннатликда баробардир. Агар бир киши уларнинг ҳар бири учун алоҳида тантаналар уюштиrsa, унга нодонлик тамғаси босилади ва ҳамманинг кулгисига қолади. Фараз қилинг! Бир одам қўлтиқ остини тозалаш ёки тирнокларини олиш учун тўй қилиб, тантаналар уюштиrsa, ҳамма унинг устидан кулмайдими, ахир?! Ҳеч ким тирноқ олиши учун юртга ош бермайди-ку?! Нима

ва "النار" – الموت – ӯлим" сўзлари 145 мартадан, "الكافرون" – кофиirlар" ва "الدُّعَاهُ" – دُعَاءُ الدُّوَّابُون" сўзлари 154 мартадан, "الصلوة" – نَمَوْزَةُ الْجَمَعَةِ" – намоз" ва "النَّاجَةُ" – نَجَوْتُ" сўзлари 68 мартадан, "الرَّبُّكَاتُ" – بَرَكَاتُهُ" – баракот" сўзлари 32 мартадан, "الشَّدَّةُ" – شَدَّةُ الْعَذَابِ" – الشدة" – қийинчилик" ва "الصَّبَرُ" – صَبَرُهُ" – сабр" сўзлари 102 мартадан, "الخِيَانَةُ" – خَيَانَةُ الْمُؤْمِنِ" – хиёнат" ва "الخَبَثُ" – خَبَثُ الْمُؤْمِنِ" – الخبث – ифлослик" 16 мартадан тақрорланган.

Куръонни тафаккур қилишимайдими, ахир?! Агар Аллоҳдан ўзганинг ҳузуридан бўлганида эди, унда кўпдан-кўп қарама-қаршиликларни топишган бўлур эди. (Нисо сураси, 82 – оят)

Аллоҳ ^{سبحانه} ^{آللهم} Куръони Каримда осмоннинг етти табақадан иборатлигини етти ўринда баён этган. Ёки "فَلَا" – ایتدىلار" сўзи билан "فَلَمَّا" – ایتىنگ" сўзи бир ададда 332 мартадан тақрорланган. Куръони Каримда хуруфи муқаттаътлар билан бошланган суралар сони араб алифбосидаги ҳарфлар сонига баробар, яъни 29 тадур.

Улар *горларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни зиёда этдилар*. (Кахф сураси, 25 – оят)

Нима учун Аллоҳ ^{سبحانه} ^{آللهم} бу ўринда уч юз тўққиз йил, демасдан тўққиз рақамини алоҳида зикр қилмоқда?

Маълумки, ой ва йиллар ҳисоби шамсий ёки қамарий ҳисоб билан олиб борилади. Шамсий йил ернинг күёш атрофида айланишидан ҳисобланади ва ернинг бир нуқтадан икки марта ўтиш мuddати 365,2422 шамсий кунга тўғри келади. Қамарий йил ойнинг ер атрофида 12 марта айланишидан олинади ва у 354,3676 қамарий кунга тўғри келади. Шамсий ва қамарий йиллар 10,8745, яъни салкам 11 кунга тафовут қилади. Шамсий йилнинг ҳар юз йили қамарий йилнинг бир юз уч йилига тўғри келади. Шундай экан, уч юз шамсий йилни қамарий йилга ўтказилса, унга яна тўққиз йилни қўшиш керак бўлади.

Куръони Каримда 19 рақами билан боғлиқ қатор мўъжизалар борки, инсон акли уларнинг олдида лол қолади. Аввало, Аллоҳ ^{سبحانه} ^{آللهم} Куръони Каримдаги "Муддассир" сурасининг 30 – оятида ушбу рақамни келтиради:



У жаҳаннамда ўн тўққизта посон...

"تَوْبَةٌ" – تَوْبَةٌ سُرَةُ الْمَدْحُورِ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ 19 تا ҳарфдан ташкил топган. "بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ" Куръони Карим бўйича 19 марта тақрорланган. Биринчи нозил бўлган "العلق" – العلق – Алак" сураси оятлари 19 тадир. "العلق" – العلق – Алак" сураси Куръони Каримнинг охиридан 19 – сурадир. Жуда кўп оятларнинг калима ёки ҳарфлари 19 рақамига қолдиқсиз бўлинади. Масалан, Куръони Каримда тартиб бўйича 114 – бўлиб келган "النَّاسُ" – Одамлар" сураси олти оятдан

¹ Ўтган пайгамбарлардан қолган суннат амаллардан.

ташкыл топган. Агар суранинг тартибий рақамини оятларнинг ададий рақамига бўлсак, яъни 114 = 19 чиқади.

Одамлар Куръон ҳақида тафаккур қилишишмайдими? Балким дилларида ҳақдан тўсувчи қулфлари бордир?

ҚУРЬОНИ КАРИМГА ОИД БАЪЗИ АДАДИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Куръони Карим борасида кўпдан кўп ададий маълумотлар мавжуд ва улар ўқувчини қизиктириши табиий. Шунинг учун бу бобда Куръони Каримнинг ададий жиҳатларини кисман ёритиб ўтамиз. Зоро, Куръони Каримни ўқиб, маъноларини ўрганишимизда унинг бошқа сирларига ҳам дикқат беришимиз фойдадан холи бўлмайди.

Куръони Карим 114 та сурадан ташкыл топган бўлиб, биринчиси "Фотиха", сўнгиси "ан-Нас" суралариdir. Суралар ҳажм жиҳатидан тўрт кисмга бўлинади:

1) – السبع اطواو – Узун еттилик. Бу қисм Куръони Каримдаги энгузун сураларни ўз ичига олиб, унга Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Анфол ва Тавба суралари биргаликда киради.¹

Ойша онамиз *روزىللوخ* ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* *سولالوھ* *کیم* Куръондан биринчи еттита сурани ўрганиб, унга амал қилолса, у тақволи олимдир дедилар. (Имом Ахмад ривояти)

2) – المون – Юзликлар. Юз оятлик ёки ундан зиёда оятлик суралар.

3) – المثانى – Оятлари юздан кам бўлган суралар.

4) – "Хужурот" сурасидан Куръони Каримнинг охиригача бўлган суралар.

Восила ибн ал-Аскъар *روزىللوخ* ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* *سولالوھ* менга Таврот ўрнига еттилик, Забур ўрнига юзликлар, Инжил ўрнига масоний берилди ва муфассал билан афзал қилиндим дедилар. (Имом Ахмад ривояти)

Куръони Карим Маккалик уламолар наздида 6219 та, Куфалик уламолар наздида 6236 та, Басралик уламолар наздида 6204 та, Шомлик уламолар наздида 6226 та оятдан иборат. Уламоларнинг ихтилофи оятлардаги тўхталишлар билан изоҳланади. Куръони Карим 77439 та калимадан ёки 340740 та ҳарфдан ташкыл топган. Куръони Карим 30 жуздан, ҳар бир жуз 10 варакдан, жами 300 варакдан ташкыл топади.

¹Баъзи уламолар Тавба сураси *بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ* сиз бошлангани учун Анфол билан бирга бўлиб еттинчи, десалар, бошқалар бу ҳар иккиси алоҳида сурва уларни бирга хисоблаш нотўғри, деб Юнус сурасини еттинчиси дейдилар.

Эдилар. У кишининг имтиҳондан муваффакият билан ўтганини Қиёмат кунига қадар Қуръони Каримда тиловат қилинади. Иброҳим *الاَيُّوب* имтиҳондан Аллоҳ *سُبْحَانَهُ* рози бўладиган холатда ўтганини Қуръонидан Ўзи шаҳодат бермоқда. Мана бу инсон эришиши мумкин бўлган энг улуғ мартабадир. Оятдаги Иброҳим *الاَيُّوب*-га ишора қилувчи олмош *Rab* сўзига бириккан ҳолда келиши, *Иброҳим* калимаси эса *Rab* сўзидан муқаддам келиши Иброҳим *الاَيُّوب*-нинг ҳақиқатдан ҳам буюк манзилат соҳиби эканлигига ишора қиласи.

Энди инсонлар томонидан таъйин этилган йўлбошчиларни бир текширинг! Уларни тириклигида ёк ҳамма лаънат билан тилга олади. Уларнинг турган битгани бошқалар учун зиён. Шахсий манфаатларини рўёбга чикариш учун ҳар қандай разиллик ва пасткашликдан қайтишмайди. Уларнинг асосий мақсади – ўзгаларга зулм қилиб, дунёларини кўпайтириш. Бундай пешволар йўлидан бораётганларнинг ҳоли вой бўлиши муқаррар.

Аллоҳ *سُبْحَانَهُ* Куръони Каримнинг бошқа бир қатор сураларида Иброҳим *الاَيُّوب*-га таъйинланган мтиҳоннинг тафсилотларига тўхталган. Шундай бўлса-да, муфассир уламолар *سُعْلَات* калимасининг тафсирида ихтилоф қилишган. Баъзилар "Тавба, Аҳзоб, Муъминун ва Маъориж" сураларида келган Ислом шариати кўрсатмалари, деганлар. Иброҳим *الاَيُّوب*-нинг ўғли И smoil *الاَيُّوب*-ни қурбон қилишга буюрилиши, рисолатни адо этиш, ҳаж қоидалари каби фикрлар ҳам илгари сурилган. Ҳасан Басрий *رَوَاهُ مُحَمَّدٌ* Иброҳим *الاَيُّوب*-нинг юлдуз, *أَيُّ وَأَيُّ* билан синалиши, ўтга ташланиши, ҳижрат *وَالْحَجَرَاتِ* ва хатна қилинши синовлари деганлар. Аллоҳ *سُبْحَانَهُ* учун қавмларидан ажралишлари, ёкиб юбориш учун ўтга ташлаганларида ҳам сабр қилганлари, Аллоҳ *سُبْحَانَهُ* га яқинлик ҳосил қилиш учун кексайганда кўрган ўғилларини сўйиб курбонлик қилишга буюрилишлари, саҳрога ҳижрат қилиш, золим подшоҳ Намруд билан мунозара қилишлари – Иброҳим *الاَيُّوب*-нинг имтиҳон қилинишлари борасида ривоят қилинган энг ишончли нақлдир.

Шунингдек, муфассир уламолар Иброҳим *الاَيُّوب*-дан оғиз ва бурунни чайиб тозалаш, муйловни кисқартириш, мисвок тутиш, сочни ўртасидан фарқ очиш, тирноқ олиш, қов ва кўлтиқ ости тукларни тозалаш, хатна қилиш, катта ва кичик ҳожат ўринларини сув билан ювиш каби бош ва жасаддаги покликдан далолат берувчи ўнта суннат амалларини қайд қилишган. Зоро, Росулуллоҳ *سُبْحَانَهُ* ҳам куйидаги ҳадисларида марҳамат килдилар:



ўрнаган золимларга ҳеч қачон етмаслигини билдириди. "Менинг аҳдим зурриётингиздан бўлган золимларга етмайди! Сизнинг зурриётингиз – Сизнинг йўлингиздан борган кишилар! Йўлингиздан юз ўтирган кимсалар эса золимдир! Улар Сизнинг зурриётингиз эмас!" дегандек бўлди.

Мана бу ўриндаги *имом* калимасидан пайгамбарлик ёки халифалик каби диндаги раҳбарлик назарда тутилган. Зеро, кўплаб золимлар дунёвий раҳбарликка эришган. Аммо диндаги пешволикка факат солих кишиларгина эришади.

Ислом тасаввурида одамларни бир-бирига ақида алоқаси боғлаб туради. Мусулмонлар гарчи бир-бирига қондош ёки қариндош бўлмасада, Ислом ақидаси уларни бир-бирига туғишганидан ҳам зиёда якин қилиб қўяди. Бир-бирига қариндош, ҳатто қондош бўлса-да, ақидалари, дунёқараашлари бошқа-бошқа бўлса, Ислом тасаввурида бундай одамлар бир-бирига тамоман бегонадир. Бир шаҳарда яшаш, бир миллатдан бўлиш ёки ҳамкасаба бўлиш, Ислом тасаввурида бирлашиш воситаси бўлолмайди. Демак, бирлашув факат ақида асосида бўлиши керак. Бундан бошқа нарсалар асосида бирлашиш ҳайвонот оламида ҳам мавжуддир. Инсон бошқа жонзотлардан ақидаси билан ажralиб туради. Бинобарин, унинг бирлашуви ҳайвонларнинг бирлашувидан фарқли ўлароқ ақида асосида бўлмоғи керак.

Золимлар ким? Зулм ўзи нима? Бир нарсани ўз ўрнидан бошқа жойга қўйиш – зулмнинг лугавий маъносидир. Энг катта зулм – Аллоҳ субханахууға ширк келтириш бўлиб, ўзгаларнинг ҳаккига тажовуз маъносидаги зулм ундан кейинги ўринда туради. Ҳар икки маънодаги золимлар, ҳар қанча зодагон хонадон вакиллари бўлмасин, хоҳ ҳалқлар устидаги раҳбарлик, хоҳ намоздаги имомликка муносаб эмас.

Аллоҳ субханахуу нинг аҳди золим кимсаларга асло етмайди. Зеро, Аллоҳ субханахуу нинг аҳдига эришиш учун киши иймон, солих амаллар, гўзал исломий ахлоқлар кўчасидан бориши керак. Аммо бошқаларники золимга ҳам, фосиққа ҳам етаверади, балки ўшалардан ошмайди. Мана бу оят золим кимса пешволикнинг ҳеч қайси турига лойиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Зулм қаердаю имоматдек буюк фазл қаерда?

Аллоҳ субханахуу бирон кишини имом қилган бўлса, ҳамма ўша имомга муҳаббат кўзи билан қарайди. Аллоҳ субханахуу Иброҳим алаҳис-салом ни ўзидан кейинги умматларга имом этиб тайинлади. Кейинги юборилган барча пайгамбарлар у кишининг зурриётидан бўлди ва барчаларига Иброҳим алаҳис-салом га эргашиш лозим бўлди. У кишининг шахсияти ва фазлини барча дин ва миллат вакиллари эътироф этиб, чуқур хурмат билан тилга олади. Чунки, Иброҳим алаҳис-салом рисолатни етказишини ўзларига асосий мақсад қилганлари, Охиратда бериладиган мукофотларни дунёдаги одамларнинг олқишиларига, ўткинчи, арзимас матоларга алишмаганлари сабабли Аллоҳ субханахуу нинг имтиҳонидан муваффақият билан ўтган киши

Куръони Каримда 15 та саждада оятлари² мавжуд бўлиб, улар Аъроф сураси (206 – оят), Раъд сураси (15 – оят), Наҳл сураси (49 – оят), Исро сураси (107 – оят), Марям сураси (57 – оят), Ҳаж сураси (18 ва 77 – оятлар), Фурқон сураси (60 – оят), Намл сураси (25 – оят), Саждада сураси (15 – оят), Сод сураси (24 – оят), Фуссилат сураси (37 – оят), Нажм сураси (59 – оят), Иншиқоқ сураси (21 – оят), Алақ сураси (19 – оят)ларда жойлашган.

Аллоҳ субханахуу Куръони Каримда ҳар бир пайгамбар номини қуидаги ададлар билан ёд етган. Биз уларни такрор бўлиши сонига қараб келтирамиз: 1) Мусо алаҳис-салом 136 марта; 2) Иброҳим алаҳис-салом 69 марта; 3) Нух алаҳис-салом 43 марта; 4) Юсуф алаҳис-салом 27 марта; 5) Лут алаҳис-салом 27 марта; 6) Ийсо алаҳис-салом 25 марта; 7) Одам алаҳис-салом 25 марта; 8) Хорун алаҳис-салом 20 марта; 9) Исҳоқ алаҳис-салом 17 марта; 10) Судаймон алаҳис-салом 17 марта; 11) Яъкуб алаҳис-салом 16 марта; 12) Довуд алаҳис-салом 16 марта; 13) Исмоил алаҳис-салом 12 марта; 14) Шуъйб алаҳис-салом 11 марта; 15) Солих алаҳис-салом 9 марта; 16) Ҳуд алаҳис-салом 7 марта; 17) Закариё алаҳис-салом 7 марта; 18) Яхъе алаҳис-салом 5 марта; 19) Мухаммад сұннада алаҳис-салом 4 марта; 20) Айюб алаҳис-салом 4 марта; 21) Юнус алаҳис-салом 4 марта; 22) Алияс алаҳис-салом 2 марта; 23) Илёс алаҳис-салом 2 марта; 24) Идрис алаҳис-салом 2 марта; 25) Зул-Кифл алаҳис-салом 2 марта ёд қилинган.

Куръони Каримда фаришталардан Жибрил, Микоил, Ҳорут ва Морут; саҳобалардан Зайд ибн Хориса розидалоғу, ўтган солих кишилардан Имрон, Узайр, Луқмон, Туббаъ, Зул-Қорнайн, Толут, Марям; кофирлардан Қорун, Ҳомон, Озар, Жолут, Абу Лахаб; қабилалардан Ҷод, Самуд, Мадян, Йаъжуҷ номлари; сонлардан 100000, 50000, 5000, 3000, 2000, 1000, 300, 200, 100, 99, 80, 70, 50, 40, 30, 20, 19, 12, 11, 10, 9, 8, 7, 6, 5, 4, 3, 2, 1 ракамлари ёд қилинган. Куръони Каримда емак-ичмакдан узум, анжир, зйтун, анор, хурмо, асал, гўшт, сут, сув, ҳалво, бодринг, саримсок, мош, пиёз; ҳайвонотлардан сигир, тия, бўри, қўй, бузок, эчки, эшак, ит, кит, фил, бақа, тўнгиз, илон; кушлардан қарға, худҳуд; ҳашаротлардан паашша, ўргимчак, исқабтопар, чигиртка, чумоли ва бит ёд қилинган.

Куръони Каримдаги бешта суралари – "Фотиҳа, Анъом, Каҳф, Сабаъ, Фотир" суралари Аллоҳ субханахуу га мақтов айтиш билан; ўн еттига суралари – "Софрат, Зарият, Тур, Нажм, Киёмат, Мурсалат, Назиъат, Буруж, Торик, Фажр, Балад, Шамс, Лайл, Зуҳо, Тийн, Адият, Аср" суралари қасам билан; ўнта суралари – "Нисо, Моида, Ҳаж, Аҳзоб, Ҳужурот, Мумтахина, Талок, Таҳрим, Муззаммил, Муддассир" суралари нидо билан; еттига суралари – "Вокиъа, Мунофиқун, Таквир, Инфитор, Иншиқоқ, Залзала, Наср" суралари шарт билан бошланган.

² Куръони Каримдаги тиловат қилинганда саждада қилиш лозим бўлган оятлар саждада ояти деб юритилади. Ҳанафий мазҳабида Ҳаж сурасининг 77 – ояти саждада ояти деб хисобланмайди.

Куръони Каримда 29 та сура хуруфи муқаттаёт – алоҳида ҳарфлар билан бошланган. Биз қўйида сураларнинг номлари ва хуруфи муқаттаётларнинг ададларини келтирамиз.

Бақарада 3та (الْم) ; Оли Имронда 3та (الْم) ; Аърофда 4та (الْمص) ; Юнусда 3та (الر) ; Худда 3та (الر) ; Юсуфда 3та (الر) ; Раъдда 4та (الر) ; Иброҳимда 3та (الر) ; Ҳижрда 3та (الر) ; Маръимда 5та (كَوْهُنْصَ) ; Тоҳада 2та (طَ) ; Шуъарода 3та (طَسْم) ; Намла 2та (طَسْ) ; Қасосда 3та (طَسْ) ; Анкабутда 3та (الْم) ; Румда 3та (الْم) ; Лукмонда 3та (الْم) ; Саждада 3та (الْم) ; Ясинда 2та (بِسْ) ; Содда 1та (ص) ; Фоғирда 2та (حَمْ) ; Фуссилатда 2та (حَمْ) ; Шурода 5та (حَمْ عَسْقَ) ; Зухруфда 2та (حَمْ) ; Духонда 2та (حَمْ) ; Жосияда 2та (حَمْ) ; Ахқофда 2та (حَمْ) ; Кофда 1та (ق) ; Нунда 1та (ن) . Хуруфи муқаттаётлар жами 78 та.

"Фатҳ" сурасининг охирги 29 – оятида араб алифбосининг барча ҳарфлари ишлатилган.

Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіл} Куръони Каримни бир нечта номлар билан номлаган. Биз қўйида уларнинг энг машҳурларини келтириб ўтамиз:



1) **Албатта, у улуг Куръондир.** – Куръон.

Баъзилар "Куръон" сўзи араб тилидаги – فَرَا – يَفْرَا – "ўқимоқ" сўзидан олинган деб билишса, бошқалар Куръони Карим киссалар, ҳукмлар, зарбулмасалларни бир-бирига боғлаб келгани учун – قَنْ يَفْنَ – "богламоқ" сўзидан олинган дейишади. Яна бошқалар эса, Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіл} сўнгти пайғамбари Мұхаммад ^{сұлтанату} _{әәллаху әль-Салам} га нозил бўлган ва кейинги умматларга бирин-кетинлик билан келган ривоятлар орқали етиб келган китобга берилган атоқли от дейдилар. "Куръон" сўзи Куръони Каримда жами 68 марта такрорланган.

2) **الفرقان** – Айрма.

Бандасига Фурқонни нозил этган Зот баракотлидир.

Одамлар орасида ҳақ билан ботилни, ҳалол билан ҳаромни, ҳидоят билан залолатни ажратиб берадиган ягона одил ўлчов – меъёр бўлгани учун "Фурқон" деб номланган. Шунинг учун Куръони Карим ҳақ деган нарса ҳақ, ботил деган нарса ботилдир. "Фурқон" сўзи Куръони Каримда жами 7 марта такрорланган.

3) **الذکر** – Эслатма.

Биз ўзимизгина бу эслатмани нозил этдик...

Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіл} га ибодат қилиш, яъни Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} нинг буйруқларига сўзсиз итоат этиб, қайтарган нарсаларидан сўзсиз қайтиш даркорлигини инсонга эслатиб тургани учун "Эслатма" деб номланган. "Зикр" сўзи Куръони Каримда жами 21 марта такрорланган.

кишиларгина муваффакият билан ўтади. Иброҳим ^{алайхис-салам} ўшандай тақвдорларнинг имоми эдилар. У кишининг иймонлари Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіл} томонидан имтиҳон қилинишга лойик даражага етган эди.

Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіл} фақат Ўзи суйган бандаларини имтиҳон қиласи. Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} нинг имтиҳони банданинг иймон даражасига қараб бўлади. Иброҳим ^{алайхис-салам} га таъйин этилган имтиҳон у кишининг иймонларига яраша бўлди. Ҳаётда ҳам Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіл} Ўзининг солиҳ бандаларини турли хил синовлар билан имтиҳон қиласи. Бундай ҳолатда айрим нодон кимсалар "Бизнинг айтганимизга кулоқ солмагани учун мана шундай кулфатларга мубтало бўлди. Агар бизга эргашанида, бундай машаққатларга дучор бўлмас эди", дейди. Уларнинг наздида барча машаққат кулфатдир. Чунки, улар мусибатларни Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} нинг имтиҳони, деб қабул қилишмайди. Бошларига тушган мусибатлардан ибратлана олмайдилар. Бунинг ўрнига бесабрлик қилиб, ҳатто айрим ҳолатларда иймонларидан ҳам ажраб қоладилар. Улар ўзларига эргашган бечораларга бу дунёдаги ҳар қандай машаққатдан омон қолишини "кафолат" қилишади. Аммо Қиёмат кунининг аламли азобларидан омон қолишини кафолат қилиша оладими?!

Бироқ ҳақиқий мўмин киши бошига тушган ҳар қандай машаққатни "Бу Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} нинг имтиҳони, сабр қилсан, ажранаман, Охиратимга захира бўлади", деб қабул қиласи. Бундай ҳолатда у Раббидан сабр тилаб, мусибатлардан керакли хулоса чиқариб, иймонининг зиёда бўлишини сўрайди.

Демак, бу дунё имтиҳон дунёсиdir. Биз бу синовлар дунёсида Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} нинг буйруқларига итоат қилсан, қайтарган нарсаларидан қайтсан, имтиҳондан муваффакият билан ўтамиз. Акс ҳолда бутунлай зиён қўрамиз.

Иброҳим ^{алайхис-салам} имтиҳондан муваффакият билан ўтганларидан сўнг Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} у кишига "Сизни ҳалқлар устига Сизга эргашадиган, Сиздан ўрнак оладиган, Сизга қараб ҳидоят йўлини топадиган имом, раҳбар қилмоқчиман", деди.

Инсон ўзи эришолмаган барча яхшиликлар зурриётiga насиб бўлишини, бошидан ўтказган қийин кунлар авлодларининг бошига тушмаслигини хоҳлади. Фарзандларини бошқалардан устун ва азиз бўлишини истайди. Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} инсонни мана шундай табиат билан яратган. Иброҳим ^{алайхис-салам} да ҳам мана шу табиат жўш уриб, "Зурриётимдан ҳам имомлар чиқаргин", деди.

Иброҳим ^{алайхис-салам} Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} га зурриётидан ҳам имомлар чиқишини сўраб ёлворгандарига Аллоҳ ^{сұбханаху} _{әәт таъвіل} Ўзининг дўсти бўлмиш Иброҳим ^{алайхис-салам} нинг сўровини ижобат қилиш билан бирга у кишининг зурриётларидан золимлар ҳам чиқишини, Унинг имомлар чиқариш борасидаги аҳди Иброҳим ^{алайхис-салам} нинг зурриётидан бўлган, бироқ у кишининг йўлидан юз ўғирган, куфр, ширк, фасод, зўравонлик қалбига

фаҳрланаётган ҳар икки тоифа: ахли китоблар ҳам, Макка мушриклари ҳам боболари Иброҳим алайис салом нинг йўлидан тамоман бурилиб кетишганини баён қилади:



124. *Рабби Иброҳимни* бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида уларни мукаммал адо этганини эсланг! Аллоҳ "Мен Сизни одамларга имом қилгувчиман", деди. Иброҳим "Зурриётимдан ҳам имомлар қилгин", деди. Аллоҳ "Аҳдим золимларга етмайди", деди.

Эй Мұхаммад сұлтаныздың саламы! Ўзларини Иброҳим алайис салом нинг йўлига эргашган қилиб кўрсатаётган мана бу мушрик ва ахли китобларга Аллоҳ сұлтаныздың саломы боболарини буйруқ ва қайтариклар билан имтиҳон қилиб синағанини эслатинг! Токи, Иброҳим алайис салом нинг наслиданлиги билан фаҳрланиб, динидан бутунлай оғиб кетганлар ҳам Иброҳим алайис салом нинг мушрик, коғир бўлмаганини, Аллоҳ сұлтаныздың саломы нинг нозил этган ваҳийсига эргашганини билишсин!

Аллоҳ сұлтаныздың саломы пайғамбарларнинг бобоси бўлмиш Иброҳим алайис салом ни буйруқ ва қайтарикларни ўз ичига олган ҳар хил қийин машаққатлар билан имтиҳон қилди. Иброҳим алайис салом ҳаётларидағи энг қимматли нарсаларини Аллоҳ сұлтаныздың саломы нинг йўлида курбон қилиб, Унинг буйруқларини ҳеч бир нуқсонсиз, мукаммал адо этиб, Аллоҳ сұлтаныздың саломы нинг розилигига эришдилар.

Одатда кишининг даъвосида содиқ ёки ёлғончи эканини билиш учун имтиҳон қилинади. Аллоҳ сұлтаныздың саломы га Иброҳим алайис салом нинг иймонини билиш учун имтиҳон қилиш керак эмас эди. Бу имтиҳон одамларга у кишининг иймони ва садоқатини кўрсатиш учун қилинди.

Халқлар устидан раҳбар бўлувчи киши мана шундай имтиҳон ва синовлар билан тобланган бўлиши, ҳаётнинг паст-баландликларини билиши, турли босқичларини босиб ўтган бўлиши керак.

Пайғамбаримиз сұлтаныздың саломы ҳам ҳаётнинг ҳамма оғир босқичларини босиб ўтган эдилар. Туғилишларидан олдин оталари ҳаётдан кўз юмган эди. Сўнг оналаридан ҳам етим қолдилар. Камбағаллик, муҳтоҷлик каби босқичларни босиб ўтдилар. Шундан кейингина Аллоҳ сұлтаныздың саломы у кишини рисолат ва имомат мақомига танлади.

Бошқалар ҳам ҳаётида Аллоҳ сұлтаныздың саломы нинг ҳар хил имтиҳонларига рўбарў бўлиши мумкин. Аллоҳ сұлтаныздың саломы ҳаётда баъзиларга дард бериб, баъзиларнинг яхши кўрган ёлғиз фарзандини олиб имтиҳон қилиши мумкин. Яна Ўзи суйган баъзи бир бандаларининг молига ёки жонига дин йўлида путур етиши мумкин. Баъзи солиҳ бандаларини бадбаҳт кимсалар орқали турли ифво ва бўхтонлар билан имтиҳон қилиши мумкин. Хуллас, имтиҳон босқичига бошқалар ҳам етиб бориши мумкин. Аммо бу имтиҳон босқичидан фақат тақволи, ихлосли, мўмин

4) – Китоб.



Бу китоб, унда шубҳа йўқдир.

Аллоҳ сұлтаныздың саломы томонидан инсон салоҳияти ва табиатига мувофиқ хукм ва кўрсатмалар жамланган энг улуғ китоб. "Китоб" сўзи Қуръони Каримда жами 176 марта тақрорланган.

Қуръони Карим бундан ташқари "Танзил, Нур, Хидоят" каби номлар билан ҳам номланиб "العربي" – Арабий", "المبين" – Равшан", "البارك" – Муборак", "الحكيم" – Ҳикматли", "الكريم" – Ардокли", "النور" – Нур", "Хидоят, Раҳмат, Шифо, Азиз, Мўъжиза, Башорат берувчи" каби қатор сифатлар билан сифатланган.

Уламолар Қуръони Каримнинг энг охирида нозил бўлган оятларини ажратишида бир нечта фикрга бўлиншишган.

1) Имом Бухорийнинг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳудан қилган ривоятига кўра, "Бақара" сурасининг судхўрлик ҳакидаги 278 – ояти охирги бўлиб нозил бўлган. Бу фикр далил жиҳатдан энг қувватлисиdir.

2) Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий ва Абу Довудларнинг Бароъ ибн Ҷозиб роҳиқиллоҳудан қилган ривоятларига кўра, "Нисо" сурасининг 176 – ояти охирги бўлиб нозил бўлган.

3) Имом Насоййнинг Абдуллоҳ ибн Аббос ва Саид ибн Жубайр роҳиқиллоҳулардан қилган ривоятига кўра "Бақара" сурасининг 281 – ояти охирги бўлиб нозил бўлган.

"Бақара" сураси Қуръони Каримдаги энг узун сура бўлиб, у 24 варак ёки 286 оятдан ташкил топган. "Бақара" сурасининг қарз ҳакидаги 282 – ояти Қуръони Каримдаги энг узун оятdir. Қуръони Каримдаги энг киска сура – "Кавсар" сураси бўлиб, у уч оятдан иборат.

ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ КИТОБ БЎЛИБ ЖАМЛАНИШИ

Қуръони Каримдан бошқа, одамлар тарафидан муқаддас деб саналган китоблар тарихи ўрганилса, уларни бизнинг замонамизга етиб келишида турли хил мубҳамликлар ва гумонли ҳолатларга дуч келинади. Масалан, яхудлар ёки насоролар қўлларидағи Таврот ва Инжилни Аллоҳ сұлтаныздың саломы туширганидек, ўзгартиришсиз, асл ҳолатда сақлай олишмади. Шунинг учун мусулмон киши Таврот ёки Инжилдан бирон нарса эшитса, уни инкор ҳам, тасдиқ ҳам қўлмай, Росууллоҳ сұлтаныздың саломы нинг кўрсатмаларига мувофиқ, сизлар ва бизларга нозил бўлган нарсага иймон келтирамиз, дейди. Аллоҳ сұлтаныздың саломы Қуръони Каримни нозил қиласр экан, Қиёматга қадар саклашни "Хижр" сурасининг 9 – оятида Ўз зиммасига олиб:

Биз Ўзимиз Эслатма – Қуръонни туширдик ва Ўзимиз уни, албатта, сақловчимиз дейди.

Ер юзида бирон-бир китобга Қуръони Каримнинг душманларича кўп душман бўлмаган. Қуръони Карим сон-саноқсиз душманлар томонидан

уни йўқотишига қаратилган юзлаб қирғинборот урушлар олиб борилишига қарамасдан, бирон бир харфига птур етмаган ҳолда сақланиб қолди. Шак-шубҳасиз, Киёматгача шундай ҳолатда қолади. Мана шунча кўп душманлар Куръони Каримга 1400 йилдан бери аёвсиз душманлик қилиб келишига қарамасдан дунёдаги энг кўп китоб – Куръони Каримdir.

Куръони Карим ва унинг китоб бўлиб жамланиш тарихи шубҳа туғдирувчи ҳар қандай иллатлардан мутлақ холидир. У саҳих – аниқ ривоятлар асосига қурилган. Бу борада ҳеч бир миллат Ислом миллатидек фаҳрланолмайди. Демак, биз ўқиётган Куръони Каримнинг бизгача ҳеч бир ўзгариш ва путурсиз етиб келиши – Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво}нинг марҳамати билан бу борада улкан жонбозлик кўрсатган саҳобалар роҳиҳи_{әт таъво}нинг заҳматли меҳнатлари маҳсулидир. Куйида Куръони Карим кимлар томонидан қай усуlda тўплангани ҳақида сўз юритилади.

Куръони Каримнинг китоб бўлиб жамланиш тарихи асосан уч босқичда кечган:

1) Куръони Каримнинг Росууллоҳ сұлалу_{әт салам} даврларида ёзилиши

Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво} Куръони Каримни Росууллоҳ сұлалу_{әт салам} га ўтган барча пайғамбарларга туширган китоб ва рисолатларни олиб келган Жибрил алайхис-салам – воситасида йигирма йилдан зиёд вақтда нозил қилди. Куръони Карим гоҳ бир оят, гоҳ яхлит бир сура, гоҳ бир нечта ояtlар ҳажмида Росууллоҳ сұлалу_{әт салам} га гоҳ саҳобалар даврасида бўлғанларида, гоҳ меҳробда турғанларида, гоҳ ёлғизликларида, гоҳ отлиқ ҳолатларида, гоҳ ўринларида ётганларида нозил бўлар эди. Росууллоҳ сұлалу_{әт салам} га ваҳий нозил бўлиши билан котиблари Зайд ибн Собит роҳиҳи_{әт таъво}нинг чақиритириб, ёздириб қўяр эдилар. Бу хақда Зайд ибн Собит роҳиҳи_{әт таъво}нинг ўзлари Росууллоҳ сұлалу_{әт салам} агар ваҳий нозил бўлса, мени чақиритириб, Куръонни терининг бўлакларига ёздириб қўяр эдилар деганлар. Зайд ибн Собит роҳиҳи_{әт таъво}нинг ваҳийни ёзib юрган асосий котиб деб танилганлар. Ибн Хазам Убай ибн Каъб, Муъовия ибн Абу Суфён, Ханзала ибн ар-Робиъ роҳиҳи_{әт таъво}ларни ҳам ваҳийни ёзib юрган кишилар қаторида зикр қилган. Ибн ал-Қойим булар қаторига Амр ибн ал-Ҷос, Абдуллоҳ ибн Роваҳа, Абдуллоҳ ибн ал-Арқом, Муғира ибн Шуъба, Собит ибн Каис роҳиҳи_{әт таъво}ларни қўшган. Бундан ташқари, Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб роҳиҳи_{әт таъво}лар каби ёзишни билган бошқа саҳобалар ҳам ўзларига хурмо дараҳтининг ёғочларига, териларга ёзib олишган. Умар ибн Хаттоб роҳиҳи_{әт таъво}нинг сингиллари Фотиманинг олдига кирғанларида қўлларида "Тоҳа" сураси ёзилган бўлак бўлғани бунга далилдир.

Росууллоҳ сұлалу_{әт салам} ҳар йили Рамазон ойида шу пайтгача нозил бўлған сураларни Жибрил алайхис-салам га, сўнgra Жибрил алайхис-салам Росууллоҳ сұлалу_{әт салам} га бир марта ўқиб ўтказишар эди. Вафот қилган йиллари икки марта ҳозирги биз билган тартибга мувофиқ равища ўқиб ўтказганлар.

тутдингиз! Мухаммад сұлалу_{әт салам} га иймон келтириш ўрнига кофир бўласизми?! Ахир сизларни бутун оламлар узра афзал этмадимми?! Сизларга берган мана бу неъматимни ёдинизга олмайсизми?!

وَأَنْقُوا يَوْمًا لَا تَجِزُّ نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يَنْبَلِغُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنْفَعُهَا شَفَعَةٌ وَلَا هُمْ يُنَصَّرُونَ

123. *Бирор бирорвага* ҳеч бир *ишини ўтаб беролмайдиган*, азобдан кутулиш учун *ундан* эваз қабул қилинмайдиган ва *унга шафоат* ҳам *наф бермайдиган*, уларга ёрдам берилмайдиган кундан *қўрқинглар*!

Эй Бани Исройл! Фурсатни ганимат билинг! Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво}нинг барҳақ пайғамбари Мухаммад сұлалу_{әт салам} га, у кишига нозил этилган Куръони Каримга иймон келтиринг! Яқинда шундай бир кун келадики, унда ҳеч ким ҳимга ҳеч бир ишини бажарип беролмайди! Дўзах азобидан кутилиб қолиш учун тўловлар қабул қилинмайди! Таниш-билишу илтимослар фойда бермайди! У кунда одамларга иймону солиҳ амаллари манфаат бермаса, бошқа ҳеч нарса ёрдам бермайди! Ўшандай кунининг даҳшатидан қўркинг! Ўша кун учун ҳозирлик қўринг¹!

Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво} мана бу оятларда Бани Исройлга берилган ҳалқлар ўртасидаги етакчилик доимий имтиёз эмаслигига ва тутган қабих қилмишлари туфайли Бани Исройл бундан буён етакчилик байроғини кўтариб боришга нолойик эканлигига ишора қилмоқда.

Суранинг 40 – оятидан 121 – оятига қадар Бани Исройлни ўзининг етакчилик даврида турли хил қабих ҳулқларга мубтало бўлғани, мана шуларнинг натижаси ўлароқ Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво}нинг томонидан юқлатилган вазифаларга беътибор бўлғани, уларга берилган улуг мақомни сунистъемол қилгани, энди миллатлараро етакчиликка Бани Исройл муносиб эмаслиги баён қилинди.

Аҳли китоблар "Биз Иброҳимнинг авлодимиз ва унинг йўлидамиз", деб дайво қиласи эди. Мушриклар ҳам худди шундай дайвода эди. Хуллас ҳар икки тоифа ҳам "Фақат биз Иброҳимнинг динидамиз", деган дайвода эди. Яхудлар Иброҳим алайхис-салам га наасабда Исҳок алайхис-салам орқали, араблар эса Исмоил алайхис-салам орқали боғланишар эди.

Иброҳим алайхис-салам пайғамбарлар отаси деган шарафли номга эга эдилар. Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво} пок Ислом рисолатини олам узра ёйиш учун у кишини ихтиёр этиди. Иброҳим алайхис-салам Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво}нинг рисолатини одамларга етказиш учун бор кучларини сарф қилиб Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво}га таслим бўлишга даъват этдилар. Мана шундай жонбозликлари сабабли Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво} у кишини Ўзига дўст тутди.

Аллоҳ сұбханалу_{әт таъво} қуйидаги ояtlарда Иброҳим алайхис-салам нинг тарихларидан парчалар келтирадар экан наасаби Иброҳим алайхис-салам га тақалиши билан

¹ 122 ва 123 – ояtlар 40, 47 ва 48 – ояtlарга мазмунан ўхшаш бўлғани учун уларнинг тафсирини ўрганишда мазкур ояtlар тафсирига кайта мурожаат қилиш тавсия этилади.

иймон лаззатини бир марта тотиб кўрган, ҳаққа эргашганидан кейин ундан воз кечган кимсанинг Қиёмат кунидаги ахволини сўз билан ифодалаб бўлмас.



Абу Хурайра розвияллоҳу ашҳад ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* сөзлаллоҳу ашҳад ай салам Мұхаммаднинг руҳи қўлида бўлган Зотга қасамки, бу умматдан бирон киши хоҳ яхудий, хоҳ насроний бўлсин, менинг пайғамбарлигимни эшитиб, сўнг менга юборилган нарсага иймон келтирмай ўлса, дўзах эгаларидан бўлади дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Ахли китоблардан ким Мұхаммад сөзлаллоҳу ашҳад га иймон келтирмаган бўлса, у Тавротга ҳам иймон келтирмади. Зоро, Тавротда Мұхаммад сөзлаллоҳу ашҳад га эргашиб, олиб келган йўлларини тасдиқ этиш ахли китобларга фарз қилинган.

Муфассир уламолар мана бу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида икки хил фикрга бўлинган. Абдуллоҳ ибн Аббос розвияллоҳу ашҳад, шунингдек, Имом Табарий *Росулуллоҳ* сөзлаллоҳу ашҳад га иймон келтирган яҳудлар ҳақида нозил бўлган. Бу фикр ҳақиқатга яқинроқ. Чунки, оятнинг оқими ахли китоблар ҳақида келяпти, деганлар. Бу ҳолатда **китобдан** мурод Таврот бўлади. Икрима ва Қатода Қатода الله حمّه اش Мұхаммад сөзлаллоҳу ашҳад нинг саҳобалари ҳақида нозил бўлган деганлар. Бу ҳолатда эса **китобдан** мурод Куръони Каримдир.

Уламолар раҳмат оятларини тиловат қилганда Аллоҳ субҳанаху вә таъвуд нинг раҳматидан умидвор бўлиб, азоб оятларини тиловат қилганда Унинг азобларидан паноҳ тилаб ўкиш ҳақиқий тиловат қилиш маъносини билдиради, деганлар. Шунингдек, муфассир уламолар **بِئْلَوْنَةٍ** қалимасига **тиловат қилишади** эмас, эргашадилар деган маъно ҳам беришган.

Мана бу оят Аллоҳ субҳанаху вә таъвуд нинг китоби – Куръони Каримни тажвид ва тадаббур билан тиловат қилиш, ҳалол деган нарсани ҳалол санаш, ҳаром деган нарсани ҳаром санаш, унинг ҳудудларини риоя этиш – ҳидоятга элитувчи омил эканлигига ишорадир.



122. Эй Бани Исроил! Сизларга инъом қилган неъматларимни ва ўз даврингизда сизларни бутун оламлар узра афзал этганимни эсланг!

Эй Бани Исроил! Сизларга берган сон-саноқсиз неъматларини такороран ёдинизга олинг! Сизларни ўз даврингизда бутун олам ахлидан афзал қилдим! Ичингиздан пайғамбарлару подшоҳларни узмадим! Сизлар бу неъматларимнинг шукронасига Менинг хукмларимга итоат қилингиз керак эди! Сизлар эса, аксинча, куфр ва маъсият йўлини

Росулуллоҳ сөзлаллоҳу ашҳад ашҳад ай салам даврларида ёзишни билган ҳар ким Куръони Карим сураларини ўзига ёзib олган бўлса-да, улар тартибланмаган ва яхлит китоб ҳолида тўпламаган. Бу ҳақда Зайд ибн Собит розвияллоҳу ашҳад *Росулуллоҳ* сөзлаллоҳу ашҳад ашҳад ай салам Куръон ёзib тўпламасдан *вафот* қилдилар деганлар. Шунинг учун Куръони Карим сураларнинг жойлашув тартиби уларнинг нозил бўлиш тартиби билан мувофиқ эмас. Куръони Каримнинг қайси сура ёки оятини қайси ўринга ёзишлик Аллоҳ субҳанаху вә таъвуд нинг ваҳийси билан Росулуллоҳ сөзлаллоҳу ашҳад ашҳад ай салам нинг кўрсатмаларига биноан амалга оширилган. Шу сабабдан биз Куръони Карим сураларининг ёзилиш тартибини "тавқифий" – Аллоҳ субҳанаху вә таъвуд буйруги билан бўлган, деб эътиқод қиласиз.

2) Куръони Каримнинг Абу Бакр розвияллоҳу ашҳад даврларида ёзib тўпланиши Абу Бакр розвияллоҳу ашҳад халифа этиб сайланганидан сўнг, ўн иккинчи ҳижрий йилда пайғамбарлик иддиосини қилган каззоб Мусайлама фитнаси юз берди. Абу Бакр розвияллоҳу ашҳад унга қарши уруш очдилар. Бу уруш Солим ибн Маъқил розвияллоҳу ашҳад дек Куръони Каримни ёд билган етмиш нафар саҳобанинг шаҳид бўлиши билан нихояланди. Бундан ташвишга тушган Умар ибн Хаттоб розвияллоҳу ашҳад халифага Куръони Карим тақдири ҳақида ташвишда эканини билдириб, уни ёзib жамлашни маслаҳат бердилар. Аллоҳ субҳанаху вә таъвуд Умар ибн Хаттоб розвияллоҳу ашҳад маслаҳати билан Абу Бакр розвияллоҳу ашҳад Куръони Каримни ёзib жамлашга илҳомлантирди. Бу ҳақда Зайд ибн Собит розвияллоҳу ашҳад шундай ривоят қилганлар: Абу Бакр Ямома жангни куни менга одам жўнатди, борсам, олдида Умар ибн Хаттоб бор экан. Абу Бакр "Умар менга келиб, Ямома жангида кўп қорилар шаҳид бўлди. Қориларнинг ҳар жойларда шаҳид бўлишлари сабабли Куръоннинг кўп қисми ёддан кўтарилиб кетишидан қўрқаман. Сиз Куръонни ёзib жамлашга буйруқ беришингиз керак, деб ўйлайман", деди. Мен Умарга "Росулуллоҳ сөзлаллоҳу ашҳад қилмаган ишни қандай қиламан", десам, у "Аллоҳга қасамки, бу хайрли иш", деб менга айтаверди, ҳатто менга бу иш маъқул туюлди. Мен Умарнинг фикрига қўшилдим. Эй Зайд! Сиз ёш ва ақлли йигитсиз! Сизнинг лаёқатингиз ҳақида гумонимиз йўқ. Сиз Росулуллоҳ сөзлаллоҳу ашҳад га ваҳийни ёзib юраг эдингиз, Куръонга таяниб уни ёзib жамласангиз", деди. Аллоҳга қасамки, агар тоглардан бирини кўчиришига амр этганирида ҳам менга Куръонни ёзib жамлашга буюришиларидан кўра енгилроқ бўлар эди. Мен "Росулуллоҳ сөзлаллоҳу ашҳад ашҳад ай салам қилмаган ишни қандай қиласиз", дедим. Абу Бакр "Аллоҳга қасамки, бу хайрли иш", деб айтавериб, охири кўндириди. Куръонни Росулуллоҳ сөзлаллоҳу ашҳад ашҳад ай салам даврларида ёзилган тошлар, ёғочлар ва одамларнинг қалбларидан кўчириб жамладим. У Абу Бакрнинг вафотига қадар унинг олдида, сўнг Умар ибн Хаттобнинг олдида, сўнг Ҳафса онамизнинг олдида қолди. Куръони Каримнинг Абу Бакр розвияллоҳу ашҳад давридаги жамланиши ўн иккинчи ҳижрий йил атрофларига мувофиқ келиб, бу вақтда Зайд ибн Собит розвияллоҳу ашҳад 21 ёшда бўлганлар. (Имом Бухорий ривояти)

Абу Бакр ^{розиқатлоо}_{анху} Умар ибн Хаттоб ва Зайд ибн Собит ^{рөзгүлдүрүш}_{анху}ларни Куръони Каримни жамлашга буюриб, масжид дарвозаси олдида ўтириңгелар, кимда ким Аллоҳнинг оятларидан биронтасини икки гувоҳ билан олиб келса, уни ёзинглар деди. Умар ибн Хаттоб ^{розиқатлоо}_{анху} ким Куръондан бирон оятни Росууллоҳ ^{сөзделүү}_{алайхи салам} дан ўрганган бўлса, икки гувоҳ билан олиб келсин деди. (Абу Довуд ривояти) Шунга кўра, Убай ибн Каъб айтиб турдилар, Зайд ибн Собит эса бирор киши келтирган оятни Росууллоҳ ^{сөзделүү}_{алайхи салам} дан эшитганига ё бевосита ўрганганига гувоҳлик берадиган икки гувоҳ бўлсагина ёздилар. Шу тариқа Куръони Каримнинг Абу Бакр ^{розиқатлоо}_{анху} давридаги девон этилиши асосий икки манбага: Росууллоҳ ^{сөзделүү}_{алайхи салам} нинг ҳаётликларида ёзилган ва саҳобалар хотираларида ёд сакланган асосга суюнган ҳолда ниҳояланди. Бу нарса замонлар ўтиб, бирон кишида Куръони Каримга бирон нарса киритилган ёки олиб ташланган ёки бирон ҳарфи ўзgartирилган, деган заррача гумон ёки шубҳа туғилишига ўрин қолдирмайди. Саҳобалар Абу Бакр ^{розиқатлоо}_{анху}нинг бу ишларидан бенихоят мамнун бўлишди. Али ^{розиқатлоо}_{анху} Куръон борасида Абу Бакр энг кўп ажрлидир. Абу Бакрга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, у Куръонни тўплатган биринчи кишидир деганлар. (Абу Довуд ривояти)

3) Куръони Каримнинг Усмон ибн Аффон ^{розиқатлоо}_{анху} даврларида ёзиб тартибланишилиги


Абу Бакр ^{розиқатлоо}_{анху}нинг вафотларидан сўнг Умар ибн Хаттоб ^{розиқатлоо}_{анху} халифа бўлдилар. У кишининг даврларида ҳам Куръони Каримни ўрганишга эътибор кучли бўлди. Забт этилган исломий диёрлар жуғрофияси янада кенгайди. Саҳобалар ^{рөзгүлдүрүш}_{анху} турли ўлка мусулмонларига Куръони Каримни ўргатувчи устозлар бўлиб тарқалишди. Дамашқлик мусулмонлар орасида Убай ибн Каъб ^{розиқатлоо}_{анху} кироати, Куфалик мусулмонлар орасида Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{розиқатлоо}_{анху} кироати, Басралик мусулмонлар орасида Абу Мусо ал-Ашъарий ^{розиқатлоо}_{анху} кироати тарқалди. Одамлар мазкур кироатлар бўйича таълим олиб ўқишиди. Бу кироатлар айрим ўринларда талаффуз жиҳатидан бошқабошқа, лекин маънодош калималар ишлатилгани билан бир-биридан фарқ қиласар эди. Мусулмонларнинг кўпайиши билан кироатда ихтилофлар юзага кела бошлади. Абу Бакр ^{розиқатлоо}_{анху} даврларида жамланган Куръони Карим суралари хозиргицек тартибда эмас эди. Умар ибн Хаттоб ^{розиқатлоо}_{анху} уларни тартиблаб, одамларни бир ҳил кироат остига жамлашни мақсад қилиб қўйган эдилар. Лекин бу иш насиб этмасдан шахид бўлдилар. Умар ибн Хаттоб ^{розиқатлоо}_{анху}нинг вафотидан сўнг халифалик вазифаси Усмон ибн Аффон ^{розиқатлоута}_{анху} топширилди.

24 – ҳижрий йилнинг охирида Усмон ибн Аффон ^{розиқатлоо}_{анху} Шом ва Ироқнинг бирлашган мунтазам қўшинларини Озарбойжон ва Арманистон ўлкаларини фатҳ қилиш мақсадида жўнатдилар. Шомлик мусулмонлар қироатни Убай ибн Каъб ^{розиқатлоудан}, Ироқлик мусулмонлар

олишмагани оқибатида юзага келган Исломнинг бугунги аянчли аҳволи мазкур фикрларга яққол далиллариди.

Мана бу оятдаги **الْهُدَى** – **ҳидоят** калимасининг таникли ҳолатда келиши, бунинг устига олдида **وَ** ажратув олмошининг келиши – **ҳидоят** – тўғри йўлни фақат Аллоҳ ^{сұбханаху}_{әт таъвудо}нинг динига чеклаб, Исломгина тўғри йўл, ундан ўзга барча йўллар сафсата, деган маънони билдиради.

Имом Аҳмад ^{рөхим}_{хўмиллоу}дан "Куръони Карим – маҳлукдир", деган кимса ҳакида сўрашганида **коғир** деб жавоб қилдилар. "Уни қоғир дейишга нима асосингиз бор?" деганларида Аллоҳнинг **агар Сизга келган ҳақиқат илмидан кейин ҳам уларнинг ҳоҳишлиларига эргашсангиз...** ояти бунга асосдир. Куръони Карим – Аллоҳнинг илмидан биридир. Ким уни маҳлук деса, қоғир бўлади дедилар.



121. **Биз уларга китоб берган кишилар уни ҳақиқий суратда тиловат қилишади. Ўшалар унга иймон келтиришади. Ким унга қоғир бўлса, ана ўшалар зиёнкордирлар.**

Биз илгари уларга Таврот, Инжил каби китобларни берган Абдуллоҳ ибн Салом ^{розиқатлоо}_{анху} кабилар Тавротни ҳарфларига риоя қилиб, маъноларини тадаббур қилиб, ҳукмларига амал қилиб, унда келган Росууллоҳ ^{сөзделүү}_{алайхи салам} нинг сифатларини ўзgartирмай, нозил бўлганидек ҳақиқий суратда тиловат қилишади. Улар Сиз олиб келган Куръони Каримга ҳам иймон келтиришади. Мұхаммад ^{сөзделүү}_{алайхи салам} га иймон келтириб эргашиш, у кишига нозил бўлган Куръони Каримни тасдиқлаш каби Тавротдаги ҳукмларга амал қилишади. Чунки, Сизга нозил килинган Куръони Карим улар иймон келтириб тиловат килган Тавротни тасдиқловчидир. Ким Аллоҳ ^{сұбханаху}_{әт таъвудо}нинг пайғамбари ^{сөзделүү}_{алайхи салам} га, унга нозил этган Куръони Каримга қоғир бўлса, ундаги фарзларни инкор этса, "Бу китоб замон талабига жавоб беролмай қолди" деса, Аллоҳ ^{сұбханаху}_{әт таъвудо}нинг раҳматидан маҳрум бўлиб, Унинг газабига сазовор бўлибди. Бундай кимсалар иймонни куфрға алмаштириш билан икки дунё саодатини бой берган зиёнкорлардир. Аллоҳ ^{сұбханаху}_{әт таъвудо} томонидан инсонга берилган энг буюк неъмат – иймон, ҳидоят неъматини бой берган кимсадан кўра зиёнкорроқ кимса бўлмас!

Ўзини нафс ҳоҳишлидан халос қилиб, Куръони Каримни ҳақиқий тиловат қиладиган, тафаккур қиладиган, амал қиладиганлар унга ҳақиқий иймон келтирган кишилардир. Куръонга қоғир бўлғанлар эса ҳаётларини бой берган ҳақиқий зиёнкордирлар.

Иймон келтириб, ҳақни билиб, сўнг ундан воз кечиб, дунёдаги энг буюк неъматларни бой берган кимсадан кўра зиёнкорроқ одам бўлмас. Ҳақиқат етиб бормаган кимсалар Қиёмат куни бир қатор узрларини айтиши мумкин, гарчи у кунда узрлар мақбул бўлмаса ҳам. Бироқ,

уринишади. Аслида яхуд ва насоролар билан мусулмонлар ўргасидаги кураш иркىй ё жуғрофий эмас, айни диний курашадир. Фақат бу кураш ҳар замонда ҳар хил кўринишда бўлган ва ҳар хил макрлар билан унга турли хил номлар бериб келингган, холос.

Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таваою}нинг фақат Исломнинг тўғри йўл эканини айтишга буюриши ҳам бир мўъжизаки, мана бу бирламчи ҳакиқатни айрим "мусулмонлар" то ҳануз англаб етгани йўқ! Оятдаги **﴿كُلُّهُ - دِينُ لَارِيْغَا﴾** калимасига дикқат берайлик. Маълумки, яхуд ва насоролар ҳаётда бир-бирлари билан ҳеч қачон келишишмайди. Аммо Исломга қарши бўлишганида ҳеч ўйланмай бирлашиб, ўрталаридағи ҳар қандай келишмовчиликни унутишади. Мана бу калима гўё "Эй мусулмонлар! Сизлар яхуд ва насороларнинг ўзаро ихтилофларига алданиб, хотиржам бўлиб қолманг! "Мана бу яхудий, мана бу насроний", деб ажратиб ҳам ўтируманг! Исломда бўлмаганларнинг ҳаммаси бир миллат – куфр миллатидир! Улар Исломга қарши бўлган ҳаракатларда бир тану бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, сизларга қарши баҳамжиҳат иш кўришади!" дегандек бўлади.

Мана шу калимага биноан Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофиый ва Имом Ахмад ^{رض}_{хумуру}лар куфрнинг барча турларини бир, деб хисоб килишган.

لَنْ تَرْضِيَ عَنْكَ - Сиздан рози бўлишмайди калимаси ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Айниқса, **рози бўлишмайди** феълининг келаси замон шаклида келиши ва муҳотабнинг бирлик сонида келиши дикқатни тортади. Бу хитоб Куръони Карим нозил бўлаётган чоғдаги мусулмон жамоасининг раҳбари бўлган Росулулоҳ ^{соллалиху}_{алайхи وَ}_{саллам} мана бу оят нозил бўлгунга қадар ҳам ҳеч кимнинг ҳавосига, бўлиб ҳам яхуд ёки насоролар ҳохишига бирон марта эргашмаганлар. Шундай бўлса-да, Аллоҳ ^{سубхاناهу}_{ва таваою} Ўзининг энг улут пайғамбарини мана шундай қаттиқ тарзда огоҳлантириди. Демак, бу хитобдан Ислом пешволари, мусулмонларнинг иш эгалари, исломий жамоат раҳбарлари ибрат олиши лозим. Чунки, мусулмон раҳбарнинг тўғри йўлда мустаҳкам туриши билан унга эргашган жамоанинг тўғри йўлдан бориши бир-бирига боғлиқдир. Зотан, тўғри йўл фақат Исломдир. Бинобирин, раҳбарнинг Ислом манҳажидан оғиши – қолганларнинг тамом бўлганидир. Агар мусулмон раҳбар Аллоҳ ^{سубхاناهу}_{ва таваою}нинг динини қўйиб, ўзгаларнинг ҳавосига эргашиб, Аллоҳ ^{سубхاناهу}_{ва таваою} юборган Ислом йўлидан оғса, унга эргашган мусулмон жамоаси Тангрининг нусратидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатда эгасиз подага дуч келган нарса ҳужум қиласерганидек, сарсон-саргардон бўлиб, ўта аянчли ҳолатга тушади. Ислом уммати, хусусан, Ислом пешволарнинг бу оятдан ибрат олишлари ғоят зарурлигидан мусулмон умматининг раҳбари бўлган Росулулоҳ ^{соллалиху}_{алайхи وَ}_{саллам} га мана шундай қаттиқ тарзда танбих берилди. Мусулмон пешволарнинг бу оятдан ибрат

Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{رض}_{анху}дан ўрганишган эди. Тиловат қилишганда, бир-бирларидан ўзларига нотаниш қироатни эшилдилар. Бу нарса қироатда ўзаро ихтилофни пайдо килди ва ҳатто ўз қироатини бошқаникидан афзал санаб, бир-бирини кофирга чиқариш даражасига олиб чиқди. Бу нохуш ҳолатдан хабар топган Усмон ибн Аффон ^{رض}_{анху} саҳобалар билан машварат ўтказиб, барчани бир хил қироат остига жамлашга қарор қилдилар. Орамизда **ким ёзув-чизуғга моҳир** деб сўрасалар одамлар Росулулоҳ ^{соллалиху}_{алайхи وَ}_{саллам} нинг котиблари Зайд ибн Собит ^{رض}_{анху}нинг кўрсатишиди. Усмон ибн Аффон ^{رض}_{анху} **Саид ибн ал-Ҷос айтиб турсин**, Зайд ибн Собит ёэсин дедилар. Куръони Каримни жамлаш шарафи яна Росулулоҳ ^{соллалиху}_{алайхи وَ}_{саллам} га ва ўтган иккита халифа Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб ^{رض}_{анху}ларга котиблик қилган Зайд ибн Собит ^{رض}_{анху} насиб бўлди. У киши Усмон ибн Аффон ^{رض}_{анху}дан Абу Бакр ^{رض}_{анху} даврида жамланган Куръони Каримдан нусхалар кўчиришга бўйруқ олдилар. Бу муҳим вазифа Куръони Каримни ҳамда араб тили ва ёзувини мукаммал билган, саҳобаларнинг юксак ишончларига сазовор бўлган тўрт кишидан иборат ишчи гурухга топширилди. Бу гурух Абу Бакр ^{رض}_{анху} даврларида кўчирилган нусхага суюниб иш кўрди.

Анас ибн Молик ^{رض}_{анху} ривоят қилдилар: **Хузайфа ибн ал-Яман Шом ва Ироқ лашкарлари билан Озарбойжон ва Арманистон ўлкаларини фатҳ қилиши мақсадида газот қилиб юрар** эди. Одамларнинг қироатдаги ихтилофлари Хузайфани ташвишига солди ва Усмоннинг олдига келиб, "Эй Амир ал-Муъминин! Бу умматни яхуд ва насоролар сингари китобларида ихтилоф қилишларидан олдин сақлаб қолинг", деди. Усмон Ҳафса онамизга бизга китобингизни бериб туринг, биз уни кўчириб олиб, сизга яна қайтариб берамиз, деб одам жўнатдилар. Ҳафса онамиз китобини бердилар, Усмон Зайд ибн Собит бошчилигида Абдуроҳман ибн ал-Ҳорис, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн ал-Ҷосларни кўчиришга буюрдилар, улар кўчиришиди. Усмон Зайд ибн Собитнинг бу уч курайший ёрдамчиларига агар, Зайд ибн Собит билан Куръоннинг бирон оятида келишолмасангиз, қурайши тилида ёзинг, чунки Куръони Карим уларнинг тилида нозил бўлган дедилар. Кўчириб бўлишгач, Усмон Ҳафса онамизга китобларини қайтардилар. Ҳафса онамиз вафот этганларидан кейин уни ўша даврдаги Мадинанинг амири Марвон ибн ал-Ҳакам олиб, Абдуллоҳ ибн Умар ^{رض}_{анху}нинг ижозати билан ёқиб юбордилар. Сўнг ҳар бир уфқقا Куръоннинг кўчирилган нусхаларидан жўнатиб, ундан бошқа Куръонни ёки унинг ёзилган бўлакларини ёқиб ташлашига буюрдилар. (Имом Бухорий ривояти)

Кўчирилган бу нусхаларни саҳобалар Аллоҳ ^{سубхاناهу}_{ва таваою} Росулулоҳ ^{соллалиху}_{алайхи وَ}_{саллам} га нозил қилган Куръони Каримнинг айни ўзи, унга бирон калима қўшилмаган ёки олиб ташланмаган, деб тан олишди. Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{رض}_{анху}дан бошқа саҳобалар Усмон ибн Аффон ^{رض}_{анху}нинг бу

ишиларини маъқуллади. Абдулоҳ ибн Масъуд ^{розияллоу}_{анху} ҳам кейинроқ бу ишни ёқлаганлари ривоят қилинади.

Али ^{розияллоу}_{анху} Куфа шаҳрига келганларида, бир киши ўрнидан туриб, Усмон ибн Аффон ^{розияллоу}_{анху}ни хаммани бир хил кироат остига жамлаганликда айблади. Шунда тилингни тий! Усмон ҳақида фақат яхши гап гапиринглар! У Куръон борасида қилган ишини Муҳаммад ^{сөзчиллоу}_{салам} нинг саҳобалари маслаҳати билан қилди. Агар мен унинг ўрнида бўлганимда, бу хусусда мен ҳам унинг йўлини тутган бўлур эдим дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Куръони Каримнинг Усмон ибн Аффон ^{розияллоу}_{анху} фармонларига кўра жамланиши 25 – ҳижрий йилга тўғри келади. Аксар ривоятларга кўра, у беш нусхадан иборат бўлган. Усмон ибн Аффон ^{розияллоу}_{анху} ҳар бир нусхага одамларга қироатни ўргатиш учун биттадан корини қўшиб жўнатдилар. Шу ҳақдаги ривоятларга кўра, Куръони Каримнинг бир нусхасини Омир ибн Қайс билан Басрага, бир нусхани Муғира ибн Шиҳоб билан Шомга, бир нусхани Абдулоҳ ибн Соиб билан Маккага, бир нусхани Абу Абдурраҳмон Саламий билан Куфа шаҳарларига жўнатилган ва бир нусхаси Мадинаи Мунавварада олиб қолинган. Мадиналик мусулмонларга қироатни таълим бериш вазифаси Зайд ибн Собит ^{розияллоу}_{анху}га юкландиган. Кейинчалик матбаалар бино бўлганидан сўнг Куръони Карим илк бор 1530 йили Италиянинг Венеция шаҳрида, кейин 1694 йили Олмониянинг Ҳамбург шаҳрида ва мусулмонлар ҳомийлигида дастлаб 1787 йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида чоп қилингани тарихий манбаларда қайд этилган. Муъовия ибн Абу Суфён ^{розияллоу}_{анху}ни халифалик даврида Абул Асвад Даулий Куръони Каримга нукта тарзида эъроб қўйган. Ҳажжож ибн Абу Юсуф даврида ҳарфларни ўзаро ажратиш учун нукта қўйилиб, 30 та порага бўлинган.

Шу ўринда биз Куръони Каримнинг китоб бўлиб жамланишидаги асосий уч босқичда бошчилик қилган улуг саҳоба – Зайд ибн Собит ^{розияллоу}_{анху}нинг таржимаи ҳолини қисман ёритиб ўтишни лозим топдик. Зеро, Зайд ибн Собит ^{розияллоу}_{анху} Куръони Каримни бизнинг замонамизгача бирон ҳарфига путур етмасдан келишига улкан ҳисса қўшган кишидир.

Зайд ибн Собит – ансор саҳобалардан. Росулулоҳ ^{сөзчиллоу}_{салам} Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб келганларида ўн бир ёшда бўлганлар. Зайд ибн Собит Росулулоҳ ^{сөзчиллоу}_{салам} нинг вафотларига қадар Куръони Каримни тўла ёд олган саҳобийлардан. У киши Куръони Каримда номлари ёд қилинган ягона саҳобий – Зайд ибн Хориса ^{розияллоу}_{анху}нинг отдошларидир. Росулулоҳ ^{сөзчиллоу}_{салам} Зайд ибн Собит ^{розияллоу}_{анху} ҳақида куйидаги сўзларни айтганлар:

ўзларига дўст тутишса, ўшаларни хурсанд қиласиган амалларни жонкуярлик билан қилишса, бидъат аҳлининг ҳавосини риоя қилишса, Исломни қўйиб "Ҳақиқат ва адолатга қурилган тўғри йўл", деб оламга айюҳаннос солинаётган маслакларга эргашишса, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвуду}нинг ёрдамидан тамоман маҳрум бўлишиди.

Ушбу оят мазмунидан одамлар билан келишиб яшаш хусусидаги масала ҳам ойдинлашади. Демак, мусулмоннинг келишуви одамларнинг ҳоҳиш-истаклари ёки Ислом ҳукмларидан оғиши ҳисобига бўлмайди. У бошқалар билан фақат Куръони Карим ва Суннати Набавийи донрасида келишиди, холос. Унга мана шу келишувгина фойда беради. Зеро, одамларнинг нафсу ҳаволари билан қелишиш – мусулмонлардан Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвуду}нинг нусрати узилишига сабаб бўлади.

Ҳаётда Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвуду}нинг душманлари билан келишиб иш кўришни маъқул кўрадиган "дено"лар кўп. Улар "Бундай пайтда муроса қилиш керак. Ҳаммани ўзига душман қилишнинг нима кераги бор? Сиздан угина, биздан бугина дегандек, баъзи ўринларда ён бериб, келишсак, ҳеч нарса бўлмайди! Биз яхуд-насороларнинг динига эргашаётганимиз йўқ", дейишади! Бундай файласуфлар дин душманлари билан келишмасдан «муросаю мадора» йўлига ўтмаган Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвуду}нинг ҳақиқий мўмин бандаларини "Ўзини чўкка ураётган нодонлар", деб билишиди! Дин душманлари билан муроса қилиб, уларнинг истакларини сидқидилдан бажариш "Иймонга путур етказмайди!" деб ўйлашади! Тўғри уларнинг "иймон"ига путур етмайди! Чунки, уларда путур етадиган иймоннинг ўзи йўқ! Ислом душманларининг ҳоҳишларини сидқидилдан бажаришгани учун улардан иймон аллақачон кўтарилиб кетган, ундан асорат ҳам қолмаган! Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвуду} башариятга дин бўлишини ихтиёр этган Исломдан ўзга йўлларга тарғиб қилаётгандар ё ўзларининг ҳавосига эргашаётган кимсалардир! Кофирларнинг ақидаларидан намуна олиш, уларнинг "маданият"ларига тақлид қилиш, уларга ўзини ўхшатиш, чизиб берган кўрсатмалари бўйича ҳаёт кечириш, хусусан, Китоб ва Суннатдаги шариат қонунларини била туриб, кўр қонунларни татбиқ этишга даъват қилиш – уларга эргашиб кетишнинг айни ўзидир. Пайғамбарки, ўзгаларнинг ҳавосига эргашса, унга Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвуду}нинг азобидан кутқазадиган ёрдамчи ва дўст бўлмаса, қолганларга йўл бўлсин!

Яхуд ва насоролар Исломга бўлган адоватларини ошкор қилишмасада, бугунги кунда уларнинг душманлиги ҳар хил иқтисодий манфаатлар, ҳарбий-сиёсий уюшмалар, илмий-маданий алоқалар ниқоби остида намоён бўлмоқда. Улар Исломга қарши ҳамма чора ва имкониятларини ишга солиб келмоқда. Яна содда мусулмонларга "Хозирги замонда диний ақидаларни илгари суриш – эскилиқ, тараққиётдан ортда қолиш ва таассублик белгиси. Бунда бошка маъно йўқ", деб уқтиришга ҳам

худди шундай! То уларнинг бузук ҳавосига бўйсунманунча ҳақ аҳлига тинчлик беришмайди! Сизлар бундай ёвуз кимсаларнинг розилигидан кўра, Аллоҳ сұбханалуҳүннинг розилигини топишга харакат қилинг!

Эй Мұхаммад сұлтандырылған! Эй мусулмонлар! Аллоҳ сұбханалуҳүннинг ҳидояти, Унинг тўғри йўли – Исломдир! Сизларга юборилган Куръони Карим, Ислом шариати ҳақиқий тўғри йўл! Ўша ҳақиқий дин!



Аллоҳинг наздида мақбул дин фақат Исломдир¹! Ундан ўзга ҳар қандай йўллар, номи қандай бўлишидан, асосчиси ёки тарғиботчиси ким бўлишидан қатъий назар залолат, гумроҳлик сари етаклайдиган куфр йўлларидир! Исломий амаллар гарчи бошқаларга мувофиқ келмаса ҳам тўғридир! Исломга зид барча амаллар, гарчи бошқаларга мувофиқ келса ҳам, залолатдир! Бошқалар томонидан тўқиб олинган барча низому тузумлар тешик тогорадан бошқа нарса эмас! Бир шахсада ҳам Ислом, ҳам бошқа йўллар жамланмайди! Унда ё Ислом бўлади, ё бошқаси! Исломдан оғиш – ўзининг ё ўзгаларнинг ҳоҳишига сифишдан бошқа нарса эмас! Мана бу бирламчи ҳақиқатни ўшаларга айтинг! Хоҳлаган мусулмон бўлсин, хоҳлаган кофир бўлсин! Аммо сизлар динингиздан воз кечиб, ўзгаларнинг ҳавосига эргашманг!

Эй Мұхаммад сұлтандырылған! Эй мусулмонлар! Сизларга шариат илми, Куръони Карим келди! Сизларга ҳақ маълум! Исломнинг ягона тўғри йўл эканлигига қатъий хужжатлар ҳам қоим бўлди! Исломнинг бебаҳо неъматлигини кўрдингиз! Ҳақ нимаю ботил нима, савоб нимаю гуноҳ нима, ҳидоят нимаю залолат нима, иймон нимаю куфр нима, билдингиз! Энди мана шундан кейин ҳам яхуд ва насороларнинг ҳоҳишига эргашсангиз, унда сизлар учун Аллоҳ сұбханалуҳүннинг аламли азобларидан сақлаб коладиган дўст ҳам ёрдамчи ҳам йўқ! Аллоҳ сұбханалуҳүннинг сизлардан нусрати батамуз узилади!

Аллоҳ сұбханалуҳүннинг бу оятда Ислом умматини Куръони Карим ва Суннати Набавийяни билганидан сўнг яхуд ва насоролар йўлига кириб кетишдан қаттиқ огохлантирумкода. Бутун оламга раҳмат қилиб юборилган Росулуллоҳ сұлтандырылған нисбатан мана шундай хитоб қилиниши мусулмонларни сергакликка чорлайди ва улар учун бу оятнинг нақадар аҳамиятли бўлиши кераклигидан далолат беради. Зоро, бу хитоб Мұхаммад сұлтандырылған қаратилган бўлса ҳам, ундан чиқаётган илоҳий танbihҳ умматларига тегишлидир. Демак, мусулмонлар Исломни маҳкам тутиб, ҳақдан воз кечишмас экан, ҳаётда Аллоҳ сұбханалуҳүннинг нусрати улардан айрилмайди. Залолат аҳли бунга ҳеч қачон чида буролмайди. Аммо Исломнинг ашаддий душманларини, хусусан, яхуд ва насороларни

¹ Оли Имрон сураси, 19 – оят

Анас ибн Молик розияллоҳу ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ сұлтандырылған умматим ичида мерос илмини билувчироқ* киши – **Зайд ибн Собитдир дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

Зайд ибн Собит розияллоҳу Росулуллоҳ сұлтандырылған нинг топшириқларига кўра румий, қибитий, ҳабаший, форсий ва яхудий тилларини ўрганиб, таржимонлик қилганлар. Росулуллоҳ сұлтандырылған ўша давр подшоҳларига йўллаган номаларини ҳам Зайд ибн Собит розияллоҳу ёзар, улардан ҳат келса, таржима килар эдилар. Зайд ибн Собит розияллоҳу Росулуллоҳ сұлтандырылған Жибрил аҳлихис салам га Куръони Каримни охирги ёнларида ҳозир бўлганлар ва ўзлари ҳам Росулуллоҳ сұлтандырылған саҳобалардан охирги бўлиб ўқиб ўтказганлар. Зайд ибн Собит розияллоҳу Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу га маслаҳатчи, ҳам котиб бўлиб, уларнинг даврларида Мадинанинг муфтийси бўлганлар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу ким мерос илмини ўрганмоқчи бўлса, Зайд ибн Собитнинг олдига борсин деганлар. Сафар қилганларида Зайд ибн Собитни Мадинаға амир қилиб кетар эдилар. Бошқа шаҳардан келган мусулмонлар Зайд ибн Собит розияллоҳуни олиб кетишини сўрашганида, Зайднинг ўрни бўшаб қолса, уни тўлдирадиган киши йўқ деб унамаганлар. Зайд ибн Собит розияллоҳу дағғи қилинганида, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу бугун илм дағғи қилинди, агар Зайд ибн Собитнинг умри қисқа бўлганида, бизга мерос илми етиб келмаган бўлар эди деганлар. Зайд ибн Собит розияллоҳу Росулуллоҳ сұлтандырылған билан ҳамсоя бўлиб яшаганлар. У кишининг ҳисоб-китобга ниҳоятда чаққон бўлганлиги ривоят қилинади. Зайд ибн Собит розияллоҳу биринчи марта ўн беш ёшларида Росулуллоҳ сұлтандырылған билан бирга Хандак газотида қатнашганлар. Аллоҳ сұбханалуҳүннинг Зайд ибн Собитнинг наслларига баракот бериб, у киши 9 та қиз ва 18 та ўғилнинг отаси бўлганлар. Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Зайд ибн Собит розияллоҳудан 92 та саҳих ҳадисни ривоят қилишган. Зайд ибн Собит розияллоҳу 45 – хижрий йилда Мадинаи Мунавварада 56 ёшларида вафот қилганлар, жанозаларини Марвон ибн ал-Ҳакам ўқиганлар ва Бақиъ қабристонига дағғи қилинганлар. Зайд ибн Собитга Аллоҳ сұбханалуҳүннинг розилиги бўлсин.

ҒАЙРИДИНЛАРНИНГ ҚУРЬОНИ КАРИМ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Агар биронтаси мендан ҳаётдаги энг ажиб нарса нима, деб сўраса, мен Куръоннинг асрлар давомида ўз мазмун ва моҳиятини йўқотмасдан келиши деб жавоб килар эдим. Агар Мұхаммад пайғамбар олиб келган Куръон ҳаётга татбиқ этилганида эди, бугунги кунда инсоният олдида кўндаланг турган ечилмас муаммолар бир лаҳзада ҳал бўлар эди...

Жордж Бернард Шоу
Инглиз адиларидан

Тарихда инсоният томонидан тузилган хеч бир қонун бир лаҳза бўлса ҳам ўзининг комил суратини кўрсатолмаган. Аммо Куръон ҳукмрон бўлган даврда ўзининг ҳар томонлама комиллигини кўрсатиб,

араблар ўртасида ақл бовар қилмайдиган ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар ўтказган.

O. Тъери

Тарихчи олимлардан

Токи, биз мусулмонлар орасидан Куръонни йўқотмас эканмиз, улар устидан асло ҳукмрон бўлолмаймиз. Модомики улар ўртасида Куръон ҳукмрон бўлар экан, уларни асло енгиб бўлмайди. Чунки уларга Куръон берган руҳий кувват олдида бизнинг барча куролларимиз ҳамиша ожиздир...

Гледстон

Инглиз босқинчиларидан

Куръон – инсониятга ўта мос ва одил қонунларни ўз ичига олган ўзгача китобдир. Унинг оятларига ўхшаш оятлар бошқа бирор дин манбаларида йўқ ва инсон унга монанд оятларни яратишга доимо ожиздир.

Руналд Никисин

Шарқшунос

Куръоннинг нозил бўлганига ўн тўрт асрдан ўтиб бораётганига қарамасдан, худди кеча нозил бўлгандек бугунги ҳаётнинг долзарб муаммоларини содда ва адолатли ҳал этиши – унинг нақадар улуғ китоб эканидан далолат беради.

Либорн

Шарқшунос (Фарангистон)

Мисрда ўтказиладиган фазовий тадқиқотлар мавзуига бағищланган анжуманга таклиф қилишди. Коҳирада меҳмонхонага келгач, юқори қаватдаги хоналарнинг бирига жойлашдим. Деразаларни очиб, тунги чироқлар билан безатилган чамаси уч юз метр узоқликдаги минораларга кўзим тушди. Дарбон мусулмонлар ибодатхонаси эканини айтди. Тонгда мени ўта ёқимли овоз уйғотди. Урнимдан туриб, дераза ёнига бордим. Ибодатхона минораларидан келаётган бу овзлар кулоғимга илгари ҳам чалингандек туюлди. Ҳа, ҳа, бу товушлар менга ойда, очиқ фазога чиққанимда эшитилган эди. Кейинроқ бу товушлар муқаддас Куръон оятлари эканини билдим.

Ниил Армстронг

фазогиг (АҚШ)

Мен йиллар мобайнида не-не машаққатлар билан олиб борган изланишларим натижасида эришган ихтиrolарим ўн тўрт аср илгари туширилган Куръонда бир оят билан ифода этилганини кўриб, хайратда қолдим. Ўша замон тараққиётiga назар солсак, Мухаммад бу нарсани илман ўзи билиб ёзган бўлиши мумкин эмас. Куръон билан яқинроқ танишгач, у ҳакиқатдан ҳам Аллоҳ нозил қилган, мўъжизаларга тўла, илоҳий, муқаддас китоб эканлигига иқрор бўлдим.

Кейт Муур

45

бўлган бефарқлигимиз туфайли эртага Қиёмат куни биз кимларнинг сафида тураркинмиз?!

Аллоҳ субҳанаху
әл-мәълю Мухаммад әл-хадиҷу
әл-саадат ни жаннат билан хушхабар берувчи ва дўзах билан огоҳ этувчи қилиб жўнатди. Худди шунингдек биз мусулмонларни ҳам Ислом динига мушарраф айлаш билан Исломни қолган ҳалқларга етказиши гарданимизга юклаган. Демак, Ислом омонатини етказиши бизнинг вазифамиз. Одамлар Исломни қабул килишса, бу Аллоҳ субҳанаху
әл-мәълюнинг фазли. Йўқса, биз улар устидан жавобгар эмасмиз. Бизнинг вазифамиз ўша муқаддас бурчни ўташ. Қолгани бизнинг эмас, Яратганинг иши. Бу ҳақда Аллоҳ субҳанаху
әл-мәълю марҳамат қилиб:

فَإِنَّمَا عَلَيْكَ أَنْتَلَعْ وَعَلَيْتَ أَنْجِسَاتٍ ﴿٤﴾ سُورَةُ الرَّعْدِ

...Сизга фақатгина етказиши, ҳисоб-китоб қилиши эса бизнинг зиммамиизда дейди. (Раъд сураси, 40 – оят)

Аллоҳ субҳанаху
әл-мәълю мана бу оятда ҳақдан юз ўғирганларни кофир, мушрик ва ҳоказо номлар билан атамасдан уларнинг умумий номи билан **дўзах** **эгалари** деб атади. Ундан ташқари бу оят Росулулоҳ әл-хадиҷу
әл-саадат олиб келган Ислом динининг огоҳ этишларини менсимай, ҳаётини тузатмай юрганларни абадий жаҳаннамга дохил бўлишларига ҳам ишора қилмоқда.

Аллоҳ субҳанаху
әл-мәълю қуйидаги оятда яхуд ва насороларнинг Росулулоҳ әл-хадиҷу
әл-саадат га ҳозирда ҳам келажакда ҳам ҳаргиз иймон келтирмай макру хийла ўйлида мудом давом этишларини, токи Мухаммад әл-хадиҷу
әл-саадат ва саҳобалар уларнинг йўлига эргашмас эканлар, улардан ҳеч қачон рози бўлишмаслигини баён қиласи:

وَلَئِنْ تَرْضَى عَنْكَ أَلَيْهِمْ وَلَا أَنْتَصِرَى حَتَّىٰ تَشْبِعَ مَلْتَهُمْ قُلْ إِنَّ هَذَى اللَّهُ هُوَ الْهَدَىٰ
وَلَئِنْ آتَيْتَ أَهْوَآءَهُمْ بَعْدَ أَلَذِى جَاءَكَ مَالَكَ مَالِكٌ مِّنْ أَلَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا تَصِيرِ

120. Яхуд ва насоролар то уларнинг динига эргашмагунингизча Сиздан ҳаргиз рози бўлишмайди. Аллоҳнинг ҳидояти ҳакиқий ҳидоятдир деб айтинг! Қасамки, агар Сизга келган ҳакиқат илмидан кейин ҳам уларнинг хоҳишлиарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан Сизга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам ўқидир!

Эй Мухаммад әл-хадиҷу
әл-саадат! Мухаммад әл-хадиҷу
әл-саадат га умматликни даъво қилаётган эй мўминлар! Яхуд ва насороларга ҳар қанча яқин бўлинг, қуллук қилинг, улар хоҳлаган нарсага эргашмагунингизча сизлардан асло рози бўлишмайди! Исломни тарқ қилиб, динингиздан чиқиб, уларнинг йўлига юргаҳунингизча сизлардан мамнун бўлишмайди! Яхуд ва насороларни рози қилишининг бирдан-бир йўли – Исломдан чиқиб, уларнинг ботил динларига, бузук фикрларига, бемаъно йўлларига эргашишингиздир! Бунда бошқа йўл йўқ! Улар фақат Аллоҳ ва Росули әл-хадиҷу
әл-саадат дан юз ўғиришингизга рози бўлишади, холос! Бидъат аҳли ҳам

240

Итоат қилмаганларнинг дўзах аҳлидан бўлишида ҳам шубҳа йўқ. Лекин пайғамбарлар улар устидан жавобгар эмаслар.

Бу оятдаги хитоб зохирда Росууллоҳ ^{сұлтаның}_{аласынад} га хос бўлса-да, аслида барча мусулмонга омдир. Биз ҳам мусулмон бўлган кунимизда бошқаларга дин омонатини етказиш шарафини бўйнимизга олганмиз. Минг афсуски, бу омонатни Росууллоҳ ^{сұлтаның}_{аласынад} ва саҳобалар ^{рӯзгуллоҳ}_{ануқабат} дек етказа олмаяпмиз. Аввало, бу омонатни улардек ҳис қилолмаяпмиз. Улар бу омонатни етказишида бутун вужудлари билан ҳаракат қилишган бўлса, биз бепарволик билан сусткашлик қиляпмиз. Бу бир тарафдан Ислом омонатини етказиши Росууллоҳ ^{сұлтаның}_{аласынад} дан кейин бутун умматга бирдек фарз эканини англаб етмаганимиздан бўлса, иккинчи тарафдан нафсимиз ва мол-дунёга муҳаббат қўйганимиздандир.

Баъзан айрим мусулмон биродарлар гап даъват хусусида кетганда, "Мен айтганим билан бу кофирлар йўлидан қайтармиди? Менинг гапларимга қулоқ тутармиди? Оламга тўлиб-тошган фасод ишлар тўхтайдими? Мендан бошқалар неча бор айтишган!" деган важкарсонларни кўрсатишади. Биз ўша биродарларга савол қиласми: Биродар! Сизга Исломни етказган мусулмон биродарингиз шу гапларни қилдими? Хайриятки, ўша биродарингиз Аллоҳ ^{сұлтаның}_{ва тарафынад} фазли билан даъват омонатига сусткашлик қилмабди. Бўлмаса, аҳволингиз нима кечардикин?! Ахир Сиз Аллоҳ ^{сұлтаның}_{ва тарафынад} марҳамати билан Исломни танитган ўша биродарингизнинг даъвати сабабли бугун мусулмонсизку?! Даъватингизга бошқаларнинг қулоқ тутиш-тутмаслигини Сиз қаердан биласиз?! Оламга тўлиб-тошган куфр ва фасодга келсак, бунга сизу бизнинг даъват омонатига бефарқ қараганимиз сабаб эмасмикин?! Сизга Аллоҳ ^{сұлтаның}_{ва тарафынад} танитган ўша биродарингиз ўз вазифасини ўтабди. Сиз-чи?! Сиз гарданингиздаги Ислом омонатини бошқаларга етказиб, ўз вазифангизни ўтадингизми?! Фанимларимиз бизга ўхшаб баҳоналар қилиб ётибдими ё динимизга қарши тинимсиз ҳаракатдами?! Биз токай бундай бўлар-бўлмас баҳоналарни қилиб ўтирамиз?! Даъват хусусида Росууллоҳ ^{сұлтаның}_{аласынад} дан, саҳобалардан ўрнак олмасак, ҳеч бўлмагандан, ганимларимиздан ўргансак бўлмайдими?! Росууллоҳ ^{сұлтаның}_{аласынад} ва у кишининг атрофидаги саҳобаларнинг Ислом омонатини қойилмақом қилиб етказгани сабабли мушприклар ва уларнинг фарзандлари Аллоҳ ^{сұлтаның}_{ва тарафынад} динига тўп-тўп бўлиб кирган! Исломий даъватга бизнинг бефарқлигимиз сабабли бугун мусулмонлар тўп-тўп бўлиб қаёққа кетяпти?! Биз уларни ҳақ динларига қайтариш учун баҳоналар қилишдан бошқа нима чора кўрдик?! Баҳоналар қилишни йиғиштириб, Исломни етказишига астойдил бел боғлаш вақти келмадимикин?! Ислом омонатини етказищдек бу муқаддас бурчни биз ўтамасак-да, Росууллоҳ ^{сұлтаның}_{аласынад} ва саҳобаларга ҳақиқий эргашган Аллоҳ ^{сұлтаның}_{ва тарафынад} бошқа солих бандалари, албатта, ўтайди ва ўтамокда ҳам! Лекин Ислом даъватига

муртакиунос (Канада)

Мусулмон олимларидан бири менинг Париж олийгоҳларидан бирида ёқлаган илмий ишимни араб тилида босиладиган жаридаларнинг бирида ўқиб, менга "Доктор Кусто! Сиз кашф этган нарсаларни Аллоҳ ^{сұлтаның}_{ва тарафынад} 1400 йил аввал Мухаммад ^{сұлтаның}_{аласынад} пайғамбарга туширган, биз мусулмонларнинг муқаддас китобимиз Куръони Каримнинг "ар-Роҳман" сурасида бир оят билан баён қилган...", деб хат ёзди. Аввалига бу хатни бепарво колдиридим. Бироқ, кашфиётчилик гурурим тинчлик бермади. Куръоннинг фаранг тилидаги нусхасини олиб, кўзларимга ишонмадим. Тарихчи дўстларимга мурожаат қилиб, Куръоннинг тарихи ва бошқа нусхалари ҳақида қизиқдим. Кутилган натижага эриша олмаслигим равшан бўлгач, мусулмон дўстим билан учрашдим. Бу учрашув ҳаётимни тубдан ўзгартирди ва мен Куръони Каримнинг илохий, ўзгача китоблигига иймон келтиридим.

Жан Кусто

уммониунос (Фарангистон)

Куръон, шубҳасиз, илохий китобдир. Унинг энг улуғ ва мўъжизавий китоблигини инкор этишга бўлган уринишлар қаҷон ва ким томонидан, қандай кўламда бўлмасин, барчаси чиппакка чиқаверади.

Волфганг фон Гёте

Олмон адаби

Куръон олим учун илм, лугатшунос учун лугат, қонуншунос учун қонун, нахвашунос учун нахв манбаидир. Ундан олдин келган бошқа самовий китобларнинг барчаси калималарнинг қоғиядошлиги ҳамда ажабтоворлик ва ҳамоҳангликда Куръоннинг кичкина бир сурасига баробар бўла олмайди.

Доктор Мурис

Шарқиунос (Фарангистон)

ҚУРЬОНИ КАРИМ ТЕВАРАГИДАГИ БАЪЗИ НАСИХАТЛАРИМИЗ

Муқаддиманинг сўнгти бу бобида Сиз азиз китобҳон биродаримиз билан Куръони Карим борасидаги баъзи насиҳатомуз мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчи бўлдик. Зоро, Росууллоҳ ^{сұлтаның}_{аласынад} айтганларидек, динимиз, Аллоҳ ва Расули томон насиҳатдир. Чин сўзимиз, мақсад – ўзимизни бошқалардан билагон қилиб кўрсатиш эмас, балки Куръони Карим тафсирини ўрганишга киришишдан илгари унинг фазилатларига доир баъзи оят ва ҳадислар мазмуни билан ўртоқлашишдир. Аллоҳ ^{сұлтаның}_{ва тарафынад} дан бу насиҳатларга амал қилишни, аввало ўзимизга, қолаверса, барчамизга муваффақ қилишини сўраб қоламиз.

Абу Мусо ^{рөзиглароҳ}_{ануқ} ривоят қилдилар: Росууллоҳ ^{сұлтаның}_{аласынад} Куръонни доим ўқиб юрадиган мўминнинг мисоли утружжага ўшҳайди, таъми ширин, хиди хушбўйдир. Куръонни ўқимай юрадиганнинг мисоли хурмога

ўхшайди, таъми ширин, хиди йўқ. Куръонни ўкиб юрадиган фожирнинг мисоли райхон каби хиди ҳушбўй, таъми нордон. Куръонни ўқимайдиган фожирнинг мисоли итҳамак каби хиди йўқ, таъми ҳам аччиқдир дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Али розиқлоҳу баъзи одамларга Куръон ва иймон берилади, баъзиларга Куръон бериладио иймон берилмайди, баъзиларга иймон бериладио Куръон берилмайди, баъзиларга Куръон ҳам иймон ҳам берилмайди. Куръон ҳам, иймон ҳам берилган кишининг мисоли утружжа¹га ўхшайди ҳушбўй ҳам ширин таъмдир. Куръон берилгану иймон берилмаган кишининг мисоли мирта²га ўхшайди, аччиқ таъм, хуш бўйдир. Иймон берилгану Куръон берилмаган кишининг мисоли журмога ўхшайди, ҳидсиз, ширин таъмдир. Иймон ҳам, Куръон ҳам берилмаган кишининг мисоли аччиқ тарвузга ўхшайди, ҳидсиз, аччиқ таъмдир деганлар. (Имом Доримиий ривояти)

Али розиқлоҳу ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* сөзлаҳу аҳадиҳу салам маънавий ва жисмий барча касалликка энг яхши даво – **Куръондир** дедилар. (Ибн Можжа ривояти)

Куръони Карим инсонда учрайдиган, ҳеч қандай дори-дармонлар билан тузатиб бўлмайдиган барча маънавий касалликларга, уларни келтириб чиқарадиган ўринга ўзининг бебаҳо малҳамини қўйиб, буткул – батамом даволайди. Куръони Карим қалбдаги нифок, ширк, адоват, ҳасад, ёлғон, зулм каби иллатларга ва бошқа Исломга зид ахлоқларга ҳақиқий даводир. Зеро, Куръони Карим ҳарёқлама мукаммал ҳаётий низомдир. У ҳам давлат, ҳам ҳукумат, ҳам адолат, ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам мағкурадир. Демак, инсониятни бугунги маънавий жаҳолат ва ижтимоий ҳалокатдан куткарадиган ягона даво – Куръони Каримдир.

Усмон розиқлоҳу ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* сөзлаҳу аҳадиҳу салам **Куръонни ўрганган ва ўргатган** киши сизларнинг энг яхшингиздир дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Саҳобалар Аллоҳ субханаху ат таввоҳунинг китобини ўрганишга юқори даражада ётибор беришди. Улар Куръони Каримнинг баъзи сураларини тиловат ва тадаббур билан амалини ўргатишни турмуш қуриш чоғида эр томонидан аёлга бериладиган маҳр қаторида ҳисоб қилишди. Бу нарса аёл ва қизлар Куръони Каримни ўрганиб олишни барча зебу зийнат ва дунёвий нарсалардан ортиқ деб билганларини кўрсатади.

¹ Хиндистон ва Жанубий Хитойда кўп учрайдиган, рутагуллilar оиласига мансуб бўлган гули чиройли, меваси лимонга ўхшаш ҳушбўй дараҳт. Қандолатчиликда кўп фойдаланилади.

² Буталардан иборат доим яшил дараҳт

119. *Биз Сизни ҳақ билан хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дўзах эгалари хусусида жавобгар бўлмайсиз.*

Эй Муҳаммад сөзлаҳу аҳадиҳу салам! Биз Сизни ҳақ – Куръони Карим, уни маҳкам тутган киши тойилмайдиган мустаҳкам дин, адолатли шариат, саодатга етакловчи ҳидоят билан юбордик! Бошқаларнинг шаънингизга қилаётган тухматларига парво қилманг! Сизнинг вазифангиз – динни етказиш, даъватни адо этиш! Сизга эргашганларни хушнуд килиб, уларга дунё ва охират саодатининг хушхабарини беринг! Уларга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон фаразига сигмайдиган жаннат неъматлари билан башорат беринг! Токи, улар эътиқодларида мустаҳкам, амалларида бардавом, Сизга эргашишда событ қадам бўлишисин!

Исломдан юз ўгириган, ўрнига бемаъно маслакларни тутган, Сизни қўйиб, қаердаги қаланғи-қасанги кимсаларга эргашган, ҳақдан бош тортиб ботилга ошиқ бўлган кофирларни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон фаразига сигмайдиган жаҳаннам азоблари билан огоҳ этинг! Улар ҳам залолатларидан ҳидоятга, ботилларидан ҳақиқатга, жабру ситамларидан меҳру мурувватга қайтишса ажаб эмас! Шу билан вазифангиз тамом бўлади. Агар бундай нотавон кимсалар Сизнинг огоҳ этишингизга қарамай яна ўз билганидан қолмаса, у ҳолда Сиз ўзларига дўзах азобини ҳалоллаб олган бундай баҳти қаро кимсалар устидан жавобгар бўлмайсиз! Зеро, Сизнинг ишингиз факат рисолатни ўташ, омонатни етказишидир.

Аллоҳ субханаху ат таввоҳу бы оятда Муҳаммад сөзлаҳу аҳадиҳу салам ни пайғамбар қилиб юборганини алоҳида миннат қитмоқда. Сабаби, -валлоҳу аълам- *Росулуллоҳ* сөзлаҳу аҳадиҳу салам пайғамбар бўлиб келишларидан олдин башарият залолат ва жаҳолат ботқогига гарк бўлган эди. Чор атрофда зуму ситам ҳукм сурар эди. Ер фасод ва бузуқлик билан тўлган эди. Одамлар ўз қўллари билан ясад олган бутларга ибодат қилишар эди. Уларга атаб жонликларини, ҳатто фарзандларини ҳам қурбон қилишар эди. Энг даҳшатлиси, одамлар бундай бузуқ ақидаларини дин деб билишар эди.

Ҳикматли, Мехрибон бўлган Аллоҳ субханаху ат таввоҳу инсонни бекорга яратмаган. У Ўз халифасини мана шундай аянчли ахволда қолдирмай унга раҳм қилиб, ёлғиз Ўзига ибодат қилишлари учун Муҳаммад сөзлаҳу аҳадиҳу салам ни пайғамбар қилиб юборди. Аллоҳ субханаху ат таввоҳуга мақтovлар бўлсинки, агар Муҳаммад сөзлаҳу аҳадиҳу салам олиб келган шариат бўлмагандга инсоннинг ҳолига маймунлар йиғлар эди.

Пайғамбарларнинг вазифаси – одамларга ҳақни ўзгартирмай етказишидир. Одамларнинг итоат қилиш-қилмаслик масаласи эса пайғамбарлар вазифасидан ташқари, бандаларнинг ихтиёридаги ишдир. Зотан, ҳидоят Аллоҳ субханаху ат таввоҳунинг қўлидадир. Аммо ҳидоятни етказиш бу инсоннинг кудрат доирасидаги иш, шунинг учун у бунга масъуллариди.

асли, дили бир. Аллоҳ сұханаху әттәвәлденинг пайғамбарларини инкор қилишда, үжарлик ва нонқўрликда нафақат гаплари, балки тасаввурлари ҳам, жаҳолатлари ҳам, табиатлари ҳам бир-бирига жуда ўхшайди. Чунки, залолат аҳли ҳамма замонда Аллоҳ сұханаху әттәвәлдега бўйсуниш ўрнига шайтон ёки ўзига ўхшаш ожиз кимсага бўйсуниб яшайди.

Уларнинг мақсадлари мўъжизалардан ибратланиш, ҳақни билиш эмас. Зоро, Аллоҳ сұханаху әттәвәлде юборган барча пайғамбарларини ўша даврида ривож топган соҳада илғор қилиб қўйган. Деярли барчасига пайғамбарлигини тасдиқ этадиган мўъжизаларни берган. Фақат улардан қалби очиқ кишилар ибратланиб, пайғамбарларга эргашган. Нияти, қалби бузук, мутакаббир кимсалар эса мўъжизалар ичида туриб ҳам мўъжиза талаб қиласди. Бундай кимсалар ҳақида Аллоҳ сұханаху әттәвәлде марҳамат қиласди:

إِنَّ الَّذِينَ حَقَّتْ عَلَيْهِمْ كَلِمَتُ رَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ ۝ وَلَوْ جَاءُهُمْ كُلُّ عَلَيَّةٍ حَتَّىٰ بَرَوْا الْعَذَابَ الْأَكْبَرِ ۝
11 سورة يوسف

Раббиларининг сўзи – азоби *уларга ҳақ бўлган кимсаларга барча мўъжизалар келса ҳам то аламлантирувчи азобни кўришмагунича иймон келтиришмайди*. (Юнус сураси, 96-97 – оятлар)

Аллоҳ сұханаху әттәвәлденинг инсон билан, хусусан, мушриклар билан бевосита гаплашиши мантинка ва соглом ақлга сигмайдиган нарсадир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ сұханаху әттәвәлде уларнинг бу талабларига "Аҳмокқа сукут жавоб", дегандек жавоб ҳам қилиб ўтирамди. Аммо Росулуллоҳ сөзларини азалихада саладининг пайғамбарлигини тасдиқ этадиган аломатлар, мўъжизалар тўғрисидаги иккинчи талабларига ҳаққа бўйин эгишни истамайдиган кимсалар кўрмаётган минглаб мўъжизаларни аллақачон баён қилиб қўйганини айтди.

Ушбу оят "Эй инсон! Кўзингни оч! Атрофингда битта эмас, минглаб мўъжиза турибди!" дегандек, Аллоҳ сұханаху әттәвәлденинг мўъжизаларини кўрмай, ибратланмай ҳаёт кечираётганлар бефаросат, иймони нокис кимсалар эканлигига ишора қилмоқда. Демак, дунёда мўъжиза талаб қилаётган кимсаларни бемалол кўр деса бўлаверади.

Баъзи муфассир уламолар **билмайдиган кимсалар** калимасидан яхудлар, баъзилар эса насоролар назарда тутилган, деганлар. Лекин аксар уламолар бу калималардан Курайш коғирлари бўлмиш Макка мушриклари назарда тутилганлигига иттифоқ қилишган. Чунки, яхуд ва насоролар билимсиз эмас эди. Уларнинг кўлида Таврот, Инжил каби илохий китоблар бор эди. Улар ўзларини мушриклардан бир погона баланд деб хисоблашган. Бундан ташқари мўъжизаларни келтириш пайғамбарларнинг ихтиёрида эмаслигини ҳам билишган.

إِنَّمَا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ وَنَذِيرًاً وَلَا تُشَكِّلُ عَنِ الْصَّحَّةِ الْجَحِيمَ
114

Биз мусулмонларнинг Куръони Каримни ўрганиб, унга амал қилиб, оилаларимизни ўргатишга бўлган бугунги эътиборимиз қандай аҳволда? Бизнинг бугунги мамнуният билан кечираётган ҳаётимиз Куръони Каримга қанчалик мувофиқ? "Китобимиз Куръон", деган иддаоларимиз қанчалик асосли?

Хозирги вактда биз Ислом уммати, ўз китобимизнинг маъноларини билиш у ёқда турсин, ҳатто Куръони Каримни тиловат қилишдан ҳам йироклашиб бормокдамиз. Қанчаларимиз кеча ва кундузни, қанчаларимиз ҳафталарни, яна қанчаларимиз ойларни бизнинг баҳтсаодатимиз учун юборилган Куръони Каримни қўлимизга олмасдан ўтказамиз. Куръони Каримдек китобимиздан тобора узоқлашиб боришимиз бизни хавотирга солмай қўйди. Агар биронтаси Куръони Каримни ўрганишга, тиловат қилишга, маъноларини билишга чақирса, вақтимиз ёки имкониятимиз йўклигини важ қиласиз. Аммо мол-дунё қетидан қувишга, бемаъни ўйин-кулгуларга, бебаҳо умримизни мазмунсиз ўтказишга, бетайин кимсаларнинг маъносиз нағмаларини тинглашга чексиз вакт ва имкониятлар топа оламиз. Куръони Каримдан узоқлашиш Аллоҳ сұханаху әттәвәлдедан узоқлашишдир. Аллоҳ сұханаху әттәвәлдедан узоқлашиш ҳақдан узоқлашишдир. Ҳақдан узоқлашиш залолатдир. Залолат эса, ҳалокатдир. Залолатда ҳаёт кечирган кимса ўзининг бошқарувини ҳавосига топширган, натижада Аллоҳ сұханаху әттәвәлдени унугтган, шу сабабли Аллоҳ сұханаху әттәвәлде ҳам уни унугтган, шайтон кўйига кириб, охиратини бой берган кимсадир. Ким Куръони Каримни ўқимаса, у Куръони Каримдан бебаҳра. Ким ўқисаю, маъноларини тадаббур қилмаса, у ҳам бебаҳра. Ким ўқиса, маъноларини тадаббур қилсаю, амал қилмаса, у ҳам бебаҳра. Куръони Каримга иймон келтирмаганлар ҳақида гапирмай қўяверинг! Инсонни тўғри йўлга бошлайдиган, ҳаёт ботқоқлигидан саодат томонига йўлладиган Куръони Карим ҳидоятидан узоқда яшаган кимса нақадар баҳтсиздир!

Абдуллоҳ ибн Амир роғиқлару Куръонни маҳкам ушланг, уни ўрганинг, фарзандларингизга ўргатинг, Куръон ақлли кишига насиҳатда кифоя этади дедилар. Абдуллоҳ ибн Умар роғиқлару сизларга ҳали бир қавмлар келадики, уларга иймондан илгари Куръон берилган, ким биздан кўра қироатлироқ, деб юришади. Улар Куръонни ўқийдилару буйруқларини зое қиладилар дедилар. Ҳа, бу сўзлар бугунги кунимизда ўз ҳақиқатини топган. Бугун олам Куръони Каримни ўқиб, унинг ҳукмларини поймол қиладиган, уни ёд олган киши бўлиб, тоғни талқон килгандек осмоний даъволарга бурканган амалсиз кориларга тўлиб тошди.

Сизга меҳрибон ва қадрдон бир киши мактуб йўллаб, "Фалон куни фалон жойда, фалончилар билан бирга тўпланамиз. Шу кунга қадар мана бу, мана бу ишларни қилиб қўйинг! Мана бу, мана бу ишларни қилманг! Фалон ишлардан ниҳоятда эҳтиёт бўлинг! Сиздан илгари бу буйруқларни бажармаганлар жуда ёмон аҳволга тушди. Сиз улардан

ибратланинг! Сиз билан рўбарў бўлганимизда, сиз ҳам шу аҳволга тушиб қолманг!" деди. Мактуб келиши билан сиз уни гўзал суратда ёзиб, ўқиб, ҳатто ёдлаб олдингиз. Аммо ундаги бирон-бир бўйруқ ёки кўрсатмага ҳеч эътибор бермадингиз. Айтилган кун келиб, сиздан мактубдаги топшириқлар ҳақида сўралганида, сиз уларни чиройли овоз билан ёдаки ўқиб берсангиз, сиздан мамнун бўлинадими? Куръони Каримни чиройли ўқиб, ёдлаб, шу билангина кифояланиб, унга амал килмаган кимсаларнинг мисоли мана шунга ўхшайди.

Инсон иймонни даъво килар экан, хидоят йўлини топишда, Куръони Каримга эргашишда ихтиёри эмас. Бу хоҳласа, хушига тўғри келса, эргашиб, хушига тўғри келмаса, эргашмайдиган мизожий масала эмас. Балки Куръони Карим ҳукмига бўйсуниш – иймон, ундан воз кечиш – куфр масаласидир. Аллоҳ сұбҳанаху дә тахаю Куръони Каримга эргашган кишига саодатни, бош тортган кимсага шақоват – бадбаҳтиликни ваъда қилиб, "Тоҳа" сурасида:

Сизларга мен тарафдан ҳидоят келиб, ким ҳидоятимга эргаиса, у йўлдан тойилмас ва баҳтсиз бўлмас. Ким агар эслатмамдан юз ўғирса, унга баҳтсиз ҳаёт бўлади... дейди.

Йўлдан тойилиш ё тойилмаслик – дунё масаласи, баҳт-саодат ёки бадбаҳтилик охират масаласидир. Бугунги ҳаётимиз бу оятнинг қанчалик ҳақиқат эканини очиқ-ойдин кўрсатмоқда. Куръони Карим ҳукмларини ҳаётига татбиқ этган кишилар ҳаёти саодатда ўтганига тарихдан саноқсиз мисоллар келтириш мумкин. Куръони Карим низоми туриб, ожиз инсонлар томонидан тузилган бемаъно низомларни тутган миллат ва жамоалар ҳам иқтисодий, ҳам маънавий бухронга юз тутиши. Аллоҳ сұбҳанаху дә тахаюнинг йўлини маъкул кўрмай, ўзларича тузиб олган "инсонпарвар" маслаклари ҳаётда бирон лаҳза бўлса ҳам амалий суратини намоён этолмай қоғозларда қолиб кетди. Ривож топган, моддий кувват ва қулайликларга эга мамлакатлар ичидан емирилиб бормоқда. Уларнинг мисоли бир қаноти бақувват, иккинчи қаноти заиф күшга ўхшайди. Бу күш зоҳирда учиб кетаётган бўлса ҳам, тезда қулаб тушиши муқаррар. Бу күшнинг бир қанотини моддиёт десак, у ниҳоятда бақувват, иккинчи қанотини маънавият десак, у чириб кетган. Ҳозирги тараққиётнинг кетиши ҳам бაъзи тарафдан номига юксалаётгандек бўлса-да, иккинчи тарафдан ириб қулаб бормоқда.

Имрон ибн Ҳусайн розияллоҳу айху ривоят қилдилар: *Росууллоҳ сұлҳаху ад саллам КИМ Куръонни ўқиса, уни васила қилиб, тилакларини Аллоҳ жадан сўрасин, чунки яқинда Куръонни ўқиб, тилакларини одамлардан сўрайдиган халқлар келади дедилар.* (Имом Аҳмад ривояти)

билин танишдим. Андижонга жума куни келдик ва Жомеъ масжида Шайх Абдулвалий билан танишдик.

Ҳозир мен ўша сафарнинг бошқа онларини эслолмасам-да Андижонда бўйлан кунларимни тиниқ эслайман. Масжиддаги исломий мухит мени замони саодатга қайтаргандек бўлди. Бошқа бирон жойда бунча кўп ёшларни кўрмадим. Жума намози тугагач, Шайх ўз шогирдлари билан учраштириди. Улар шу даражада кўп эдики, мен одамлар кетмабти, деб ўйлабман. Орамизда таржимонсиз қизиқарли мен учун унтутилмас илмий сұхбат бўлди...

Мен Шайх Абдулвалий тўғрисида кўп нарсалар айтишим мумкин, лекин кисқа қилиб айтсан, у киши етмиш йилдан зиёд Исломни пайхон қилиб ҳукм сурган худосизлик даврида улгайган авлод орасида Аллоҳ сұбҳанаху дә тахаюнинг мадади билан тез фурсатда ўз диёрида Куръон ва Суннатни тирилтирган кишидир. Аллоҳ Мовороуннахр халқларига Шайх Абдулвалийнинг қадрига етишини насиб этсин...

*Доктор Абдуллоҳ ал-Ғунайман
Қасим, Саудия Арабистони*

Москва шаҳрида бўладиган «Куръон ва Суннатдаги илмий далолатлар» мавзусига бағишлиланган анжуманда иштирок этиш учун келдим. Танаффус пайтида суъудий биродарларим менга бир Шайхни Мовороуннахрдан, деб таништиришди. Ҳаёлимдан тингловчи сифатида иштирок этаётган бўлса керак, деган фикр ўтди. Бошқа ишлар билан бўлиб, у кишини беътибор колдиридим.

Танаффусдан сўнг анжуманни олиб борувчи "Ҳозир, шу мавзу бўйича мухозара учун сўз, муҳтарам Шайхимиз Абдулвалийга", деб ўълон қилди. "Бу менга нотаниш шайх ким экан", деб турсам, боягина менга таништиришган киши минбар томон қўзгалди. У киши ажиб бир фасоҳат билан соғ араб тилида Куръондаги бир оят ҳақида баҳс юритди. Аллоҳ пок ва буюқдир!

Хайратимни ифода қилмайман. Ёнимдаги биродаримдан у киши ҳақида сўрадим, кўп илиқ сўзларни айтди. Сабрсизлик билан Шайх сўзининг тутгатишни кутдим. Муҳозарани ниҳоялаб ўрнига ўтириши билан одобга зид бўлса ҳам ўрнимдан туриб олдига бориб ўтиридим...

Ха, бу сиз сўраган устоз шайх Абдулвалий эди. Менинг назаримда Аллоҳ сұбҳанаху дә тахаюнинг Мовороуннахр халқларига Имом Бухорий, Имом Муслимлардан кейинги кўрсатган буюк инъомларидан бири -валлоҳу аълам- – Шайх Абдулвалий бўлса керак...

Эй Раббимиз! Биз Шайх Абдулвалийни Сен учун яхши кўрамиз ва у кишини Сенинг омонатингга топширамиз. Сен омонатларга хилоф қилувчи эмассан.

*Доктор Абдулмажид Зиндоний
Санъо, Яман Араб Жумҳурияти*

Ушбу китоб муаллифини кенг оммага, хусусан, кейинги вақтда у кишини эшитиб билган китобхонларга танитиш мақсадида Ислом оламида танилган баъзи олимларнинг сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Илмий – маҳрий ҳайъат

118. Билмайдиган кимсалар "Аллоҳ бизга гапирса ёки бизга бирон аломат келса эди", деди. Улардан олдин ўтган кимсалар ҳам уларнинг гапларига ўхшаш гапларини айтган эди. Диллари бир-бираига жуда ўхшаб кетди. Биз қатъий ишонадиган қавмларга мўъжизаларни баён қилганимиз.

Тавҳид, шариат, пайғамбарлик каби тушунчалардан бехабар бўлган билимсиз мушриклар Аллоҳ сұбҳанаху нинг оламдаги шунча мўъжизаларини тан олмай мутакаббирлик ва ўжарлик ила "Аллоҳ сұбҳанаху" биз билан бевосита гаплашсин! Ё бизга ҳам ваҳий тусириб, Сизнинг пайғамбар эканингизни айтсан! Ё сизнинг чинакам пайғамбарлигинги тасдиқ этадиган очик, равshan аломатлар келсин! Мусога берилган асо ёки Ийсога берилган табобат мўъжизасига ўхшаш мўъжиза берсин!" деди.

قالُواْنَ لَوْمَنَ لَكَ حَتَّىٰ تَقْبَرُ لَنَا مِنَ الْأَرْضِ يَتَبَوَّعُا ۗ أَوْ تَكُونُ لَكَ جَهَنَّمَ مِنْ تَحْيِلٍ وَّعَنْبَرٍ
فَفَقَبَرَ الْأَنْقَارُ خَلَدَاهَا تَقْبِيرًا ۗ أَوْ شُسْطِطَ الْسَّمَاءُ كَمَا زَعَمَتْ عَلَيْنَا كِسْقَاً أَوْ قَانِيَ بِاللَّهِ وَ
الْمَلَائِكَةِ قَبِيلًا ۗ أَوْ يَكُونُ لَكَ بَيْتٌ مِنْ رُّخْزِفٍ أَوْ تَرْقَقٍ فِي السَّمَاءِ ۗ سُورَةُ الْإِسْرَاءِ ۲۷

"Токи бизга мана шу ердан чаима оқизмагунингизча Сизга ҳаргиз иймон келтирмаймиз", дейшиди. "Ёки Сиз учун хурмо ва узум боғи пайдо бўлиб, унинг ўртасидан анҳорларни оқизасиз. Ёки даъво қилганингиздек осмонни парча-парча қилиб устимизга туширасиз, ёки Аллоҳни ва малоқаларнинг ҳаммасини олдимизга олиб келасиз. Ёки сиз учун тиллодан уй пайдо бўлсин ёки осмонга кўтарилинг"... дедилар¹. (Исро сураси, 90-93 – оятлар)

Яна нималар дейишади?! Яна нималарни хоҳлашади?! Улар ўзи ким эдик, оламлар Тарбияткунандаси бўлган улуғлик Эгаси Аллоҳ сұбҳанаху билан бевосита гаплашишни талаб қилишади?! Афтидан, улар ўзларининг нимадан яратилганини унтишди, шекилли?! Бутун коинот, барча мавжудот, Куръони Карим, колаверса, ўзлари мўъжиза бўлмай нима?!

أَوْلَمْ يَكْفِيهِمْ أَنَّا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ يُشَاهِدُنَّ عَلَيْهِمْ ۖ سُورَةُ الْعُنكِبُوتِ ۵۱

Уларга тиловат қилинаётган ушбу китобни Сизга биз нозил этганимиз уларга етарли бўлмадими?! (Анкабут сураси, 51 – оят)

Эй Муҳаммад сөзлардан! Сиз бундай гапларга ғам чекманг! Бундай гаплар башарият тарихида янгилик эмас! Бундай гапларни ўтган пайғамбарлар ҳам қавмларидан эшитган! Бундай беҳаёлик илгари ҳам ўтган! Илгари ўтган яхуд ва насоролар ҳам ўз пайғамбарларига мана шундай деган! Жоҳил, коғирлар ҳамма замонда бўлган! Уларнинг жаҳолатлари, куфр гаплари ҳам ҳамиша бир хил!

¹ Ресулуллоҳ сөзларидан мушриклар талаб қилган талабарининг "Исро" сурасида келган батафсил баёни.

Абу Молик ал-Ашъарий ривоят қилдилар: **Ресулуллоҳ сөзларидан** Куръон сизнинг зарарингиз ёки фойдангизга ҳужжатдир дедилар. (И мом Термизий ривояти)

Куръони Карим ҳалол деган нарсани бутун жаҳон ҳаром деса ҳам, ҳалол деб билсак, ҳаром деган нарсани бутун жаҳон ҳалол деса ҳам, ҳаром деб билсак ва шу тарзда ҳаёт кечирсак, Куръони Карим бизнинг фойдамизга ҳужжат бўлади. Одамлар таъсири остида Куръони Карим ҳалол деган нарсани ҳаром десак мартабали, ё бадавлат, ё хукмдор кимсаларни риоя қилиб, фоний дунёни афзал билиб, ҳаром деган нарсани ҳалол десак ва шу тарзда ҳаёт кечирсак-чи?! Куръони Карим ҳаром деган нарсалардан узоклашмасак, унинг ҳаромлигига унамаган мажлисларда, маст қилювчи ичимликлар ҳозир қилинган дастурхон устида, Куръони Карим хукмлари поймол қилинган тўпланишларда, гайри исломий базмоналарда тиловат қилиб, хорласак-чи?! Муқаддас оятларини арзимас пулга сотиб пулласак-чи?! Унда Қиёмат куни, Махшарда, бутун башарият тўпланиб турган ва ҳеч ким бир-бираига ёрдам беролмайдиган соатда Куръони Карим бизнинг айни зараримизга ҳужжат бўлади. Аллоҳ сұбҳанаху бундай ҳаётдан ўзи сакласин!

Абдураҳмон ибн Шибл ривоят қилдилар: **Ресулуллоҳ сөзларидан** Куръонни ўқинглар, у билан тирикчилик қилманлар ва бойлик кўпайтириш пайида бўлманлар, ундан четлашманлар, худудларини поймол қилманлар дедилар. (И мом Аҳмад ривояти)

Саҳобалар уйлари олдидан ўтган киши худди асаларининг товушини эшитгандек бўлар эди. Ҳозирда ўзини мусулмон санаганлар хонадони олдидан ўтилса, бемаъни мусиқий нағмалардан тортиб, Куръони Каримдан бошқа ҳамма нарсанинг товушини эшитиш мумкин. Биз мусулмонлар ҳашаматли баланд иморатлар куриб, уларни фисқ-фужурлар билан безаймиз. Маъсиятнинг барча турларини пулга сотиб олиб келамиз. Ўйларимиздан дин, Куръони Карим тобора йўқолиб бораётганига парво қилмай, молу дунё ва ховли-жойларимиз билан фаҳранамиз. Қалбимиз-чи?! Уни нима билан обод этамиз?

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қилдилар: **Ресулуллоҳ сөзларидан** қорнида Куръондан бирон бир нарса бўлмаган кимса вайронга ўхшашдир дедилар. (И мом Термизий ривояти)

Абу Ҳурайра ривоят қуръон кўп ўқилган уй ўз эгасини сидиради. Унда фаришталар кўп бўлиб, ундан шайтонлар қочади ва у ўйда яхшилик кўп бўлади. Куръон ўқилмайдиган уй эгасини сидирмайди. У ўйдан фаришталар қочиб, шайтонлар кўпаяди ва у ўйда яхшилик бўлмайди деганлар. (И мом Доримий ривояти)

Куръони Карим ўз оҳангида ўқилганида ҳиссиёти ўлмаган ҳар бир инсон унинг тенги йўқ, тароватли, муқаддас нарсалигини дархол пайқаб олади. Куръони Каримни юракдан тинглар экан, инсон жамики аламлар, ғам-гуссалардан фориг бўлгандек, ўзини хотиржам сезади. Гёё овоз оҳанги юракдаги ҳиссий тутмачаларни босгандай бўлади. Умри бўйи Куръони Каримга қарши курашиб, шундан маош олиб яшаган, шу билан суюги котган ва ҳатто фарзандларини ҳам қарши қилиб тарбиялаган одамнинг Куръони Каримни эшитиб турган ҳолатига бир қаранг! Уни қандайдир бир ҳайбат олиб, ҳомуш турганини кўрасиз. Гарчи у Куръони Каримнинг маъносини билмаса ёки уни ўқиёлмаса ҳам.

Бир олим киши китобида қуидаги воқеани хикоя қиласи: Кемада сафарга чиқиб, жума куни жумъя намозини ўқиш учун аzon айтса, кемада бор-йўги етти киши намоз ўқиш учун тўпланибди. Кемада ҳархил миллат вакиллари бўлса-да, қолган йўловчилар ибодатда йўқ кимсалар экан. Намозга ўтиш бу кишига таклиф қилиниб, у киши араб тилида одатий бир хутба ўқиб, унда Куръони Каримдан баъзи оятларни тиловат қилибди. Намоз тугагач, араб тилидан мутлако бехабар, умр бўйи Ислом нималигини билмасдан ўтган бир инглиз аёли у кишининг олдига келиб, ажамий тилда ўзини танишитириб, улар ибодат қилган вактларида кузатиб, қулоқ солиб турганини ва бу ибодат асносида эшитган нарсани тақорлаб беришини илтимос қилибди.

– Сизга бу нарсанинг нима кераги бор? Ахир, сиз бари бир тушунмайсиз-ку?

– Тўғри, мен у нарсани тушунмадим, лекин Сиз уни куйлаганингизда қалбим, балки бутун вужудим ором олди. Мен бадавлат ишбилармон аёлман. Мен киймаган кийим ёки емаган таом йўқ, нафсим кусаган нарсани муҳайё этаман. Шунга қарамай, қалбим таскин топмайди, бир нарса камдай ичим гаш. Катта маошли руҳиятшунос мутахассислар қабулида кўп бўлдим, кор қилмади. Яқинларим черковга, роҳиблар зиёратига боришимга маслаҳат беришди. Дилем хотиржам тортармикан деб, Ватиканга борувдим, ҳеч гап йўқ. Қайтаётган эдим Тангри менга сизни учратди. Боя сиз куйлаганингизда, қалбим роҳатланди, қандайдир сукунат мени қамраб олиб, бир лаҳза ўзга оламга олиб кетди. Ичим тўлиб, ҳеч келмаган бир йиги келди, мазза қилиб йиғлаб олдим, анча енгил тордим. Ҳеч бундай бўлмаган эди, кайфиятим кўтарилиди. Сиз мени бари бир тушунмасангиз керак, яхшиси менга қайта куйлаб беринг, илтимос...

Бу нарса Куръони Каримдаги "Раъд" сурасининг 28 – оятида ўз исботини топган.

Мана бу оят Куръони Карим ёки сахиҳ ҳадисларга асосланмасдан Аллоҳ субханаху
да таъвудо бирон нарсани нисбат берган кимса Унга бўхтон қилган ва ўша вақтдан бошлаб диннинг асоси бўлган тавҳид ва иймон доирасидан ташқарида эканига ишора киляпти.



117. У осмонлару ернинг Яратувчисидир. Агар бир ишни қилмоқчи бўлса, унга "Бўл" дейди, ўша заҳотиёқ бўлади.


– **Яратувчи** калимаси Аллоҳ субханаху
да таъвудонинг гўзал исмларидан бўлиб, Куръони Каримда фақат икки ўринда – "Бакара" ва "Анъом" сураларида зикр қилинган. Олам яралишининг азалий бошланишини ифода этиш учун қўлланилади. Асли йўқ, илгари мисли қўрилмаган ҳолатидан Яратувчи, зоти, сифатлари, курдати, феълларида ўхшаши йўқ. Зот, деган маънони билдиради. Зотан, Аллоҳ субханаху
да таъвудо яратган нарсалар шундай ажиб бир ҳикмат билан яратилганки, уларга ўхшашини яратиш Ундан ўзга ҳеч кимнинг қўлидан асло келмайди.

Шунинг учун шариатда Китоб ва Суннатда бўлмаган амални мана шу сўзнинг негизи бўлган – **«Бидъат»**, яъни "Асоссиз пайдо қилинган" ибораси билан ифодаланади.

Аллоҳ субханаху
да таъвудо иродга қилган ҳар бир нарса ўша вақтнинг ўзида Унинг иродасига бўйсунади ва вужудга келади. Бунинг кайфияти инсонга маълум эмас, бу инсон имкониятидан ташқари илмидir.

Дунёдаги подшоҳлар бирон ишни амалга ошириш учун минглаб одамларни зўрлик билан сафарбар этади. Тинч ҳаёт кечираётган одамлар бошига қора кунлар солинади. Уларнинг оддий ишлари учун сон-саноқсиз одам овора қилинади, кўпчиликнинг тинчи бузилади. Подшоҳлар подшоҳи Аллоҳ субханаху
да таъвудо инсон акли олмайдиган коиноту ерни ва ундаги маҳлукот оламини яратишида ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож бўлмади. Балки "Бўл" дейиш билан биз билган ва билмаган барча оламни нозик ҳикмат билан яратди. Демак, Аллоҳ субханаху
да таъвудо бирон ишни иродга этса, уни қилиш учун "Бўл" дейишининг ўзи кифоя. Ўша заҳотиёқ Унинг иродаси амалга ошади. Бу нарса Унинг камоли курдатидан далолат беради. Демак, шундай курдатли Зот фарзандга асло муҳтож эмас.

– **«Иш»** сўзи араб тилида иш, буйрук, ҳолат ва ҳоказо маъноларни билдиради. Куръони Каримда бу сўз дин, азоб, қатл, ваҳий, ёрдам, гуноҳ, ҳолат каби ўн тўрт хил маънода келади. **« قضى»** калимаси эса Куръони Каримда яратиш, билдириш, буориш каби маъноларда келади.



Унга Ўзи билдирган йўсинда, Унинг қонуниятидан заррача ташқарига чиқмаган ҳолда сигинади. Бу сигиниш кайфияти бизга маълум эмас.



Етти қават осмонлар, Ер ва улардаги бор жонзот Унга тасбих айтур. Мавжуд барча нарса Унга мақтov билан тасбиҳ айтур. Лекин сизлар уларнинг тасбиҳини англамайсиз. У Ҳалим, Кечиримли бўлган Зотdir. (Исро сураси, 44 – оят)

Инсон ўз яратувчисига бундай номуносиб нарсаларни нисбат беришига қарамасдан Аллоҳ субханаху ві атабою бу нотавон инсонни кечириб, уни беҳисоб неъматлар билан буркаб келиши Унинг ҳақиқий Ҳалим ва Кечиримли эканидан далолат беради. Зоро, Росулллоҳ соллаху аллаху ві ассалям хам кўйидаги ҳадисларида марҳамат қилдилар:



Абу Мусо ал-Ашърий ривоят қилдилар: *Пайғамбар соллаху аллаху ві ассалям хеч ким эшитган азиятига Аллоҳдан кўра сабрироқ эмас. Одамлар Унга фарзандни нисбат бериб, даъво қилишади, шундан сўнг хам Аллоҳ уларга оғият беради, ризқ улашади дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)



Аллоҳ субханаху осмонлару ернинг яратувчисидир. Унга жуфт бўлмаса, ҳамма нарсани Ўзи яратган бўлса, фарзанд Унга қаёқдан бўлсин?! (Аньом сураси, 101 – оят)

Аллоҳ субханаху Куръони Каримдаги мана шу мазмунда келган барча оятларда Ўзининг еру осмонлар Эгаси эканини баён этган. Бу нарса Аллоҳ субханаху нинг Зотини ҳар қандай бўхтондан поклайди. Чунончи, осмонлару Ердек улкан сайёralар Эгасига фарзанд тутиш номуносиб эканини уқдиради. Аллоҳ субханаху нинг қандай фарзанди бўлиши мумкин?! Унинг жуфти бўлмаса, боласи қаердан бўлсин?! Махлук қандай фарзанд бўла олади?! Еру осмонлар, умуман, бутун коинот Эгасининг фарзандга нима эҳтиёжи бор?! Ахир коинотдаги барча нарса Унинг мулки-ку?! Барча махлук Унга банда бўлса, банда қандай фарзанд бўла олади?!



Раҳмон Таъолога фарзанд тутиши керак эмас. Осмонлару ердаги бор жонзот Раҳмон ҳузурига бўйсуниб келувчиидир. (Марям сураси, 92 - 93 – оятлар)

Билингким, қалблар Аллоҳнинг зикри – Куръони Карим билангина ором олур.

Куръони Каримнинг тароватли оҳангларини эшитган гарблик мусиқачи Кит Стивенс "Мен бундай жозибали оҳангни умримда биринчи бор тинглашим", деб Исломни қабул қилди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу альяу Аллоҳнинг арқонини маъкам ушланг, Аллоҳнинг арқони – Куръондир. Илм ўрганмоқчи бўлсангиз, Куръонни ўзингизга лозим тутинг, чунки Куръонда аввалину оҳиринлар илми бордир. Куръонни дўст тутган ҳолда унга амал қилиб яшаган кишига жаннатни башорат беринг деганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу альяу Жобир ибн Зайд розияллоҳу альяу Сиз Басранинг олимлариданисиз, одамларга фатво беришида ҳақпарвар Қуръон ёки Суннатга асосан фатво беринг, йўқса, ҳалок бўласиз ва бошқаларни хам ҳалок қиласиз деганлар.

Имрон ибн Хусайн розияллоҳу альяу "Биз жаҳолат ботқоғида ҳаёт кечирар эдик, Аллоҳ Куръонни нозил этди, сўнг Росулллоҳ соллаху аллаху ві ассалям суннатни жорий этдилар, бунга амал қилинг! Агар ҳар иккисидан жавоб топмасангиз, бизга эргашинг. Аллоҳга қасамки, шу тарзда ҳаёт кечирмасангиз, адашасиз" деганлар. (Имом Доримий ривоятлари)

Хузайфа розияллоҳу Эй қорилар жамоаси! Сизлар кўп жихатдан анча илгарилаб кетдингиз. Агар Куръондан ўнг ё чап томонга бурилсангиз, буткул адашасиз деганлар. (Имом Бухорий ривояти)

Абу Хурайра розияллоҳу Куръон беш йўналишида нозил бўлди. Бу ҳалол, ҳаром, ҳукм, муташибиҳ ва мисоллардир. Ҳукмга эргашинг, ҳалолга амал қилинг, ҳаромдан четланинг, мисоллардан ибратланинг, муташибиҳга иймон келтиринг дедилар. (Имом Байҳақий ривояти)

Куръони Карим бойликлари тугамайдиган улкан хазинага ўҳшайди. Аллоҳ субханаху наф олиш максадида интилган ҳар бир кишига унинг дарвозаларини очиб бераверади. Лекин ҳамма ундан тоқати ва қудрати етганича, чўмичига яраша олиб кетади. Аллоҳ субханаху бизларга, ҳалқимизга ҳам бу битмас-туганмас хазинадан унумли фойдаланишга мұяссар этсин. Барчамизни Куръони Каримга мұхабbatли, кироатимизни саҳиҳ қилиб, тадаббур билан тиловат қилишга ҳамда Куръони Карим кўрсатмаларига амал қилиб, унинг сояси остида яшашга мұяссар этсин. Аллоҳ субханаху ҳалқимизга Куръони Каримдан бошқа саодат йўли йўқ эканини билдирын. Амин!

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

"Тафсир ул Фурқон" китобини тайёрлашда тафсир илмида машхур бўлган кўплаб алломаларнинг бебаҳо қўлланмаларидан фойдаланилди.

¹ Куръони Каримнинг баязи ўринларида учрайдиган тафсири Аллоҳ субханаху ві атабоюдан ўзгага номаълум ёки зохирӣ ёки лугавий маъносини айтиш ножониз бўлган мураккаб оятлар.

Эътиқодга доир ояларни тафсир қилишда «Ахлуссуннат вал жамоъат» эътиқодига мувофиқ манбалардангина фойдаланилди. Қуйида ўша қўлланмалар ичидаи энг машхур бўлган баъзиларининг номларини келтириб ўтишни маъкул топдик.

1) – جامع البيان في تفسير القرآن (– Жомиъ-ул-Баён фи Тафсирил Куръан. Имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарири ат-Табарий.

2) – تفسير القرآن العظيم (– Тафсири-ул-Куръан-ил-Аъзим. Абу Фидъи Исломи ибн Касир.

3) – الجامع لأحكام القرآن (– Ал-Жамиъ ли Аҳкамил-Куръан. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Куртубий.

4) – معالم التنزيل (– Маъалимут-Танзил. Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Масъуд ал-Бағовий

5) – إرشاد العقل للسليم إلى مزايا الكتاب الكريم (– Иршад-ул-Аъқлис-Салим ила Мазая ал-Китобил Карим. Абис-Суъуд Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Амодий

6) – التفسير الكبير (– ат-Тафсирил кебир)

7) – أيسير التفاسير (– Айсар-ут-Тафасир. Абу Бакр Жобир ал-Жазоирий

8) – فتح القدير (– Фатх-ул Қодир. Муҳаммад ибн Али аш-Шуканий

9) – أضواء البيان في إيضاح القرآن بالقرآن (– Азви-ул Баён фи Ийзоҳил Куръани бил Куръан. Муҳаммад Амин аш-Шинқитий

10) – زاد الميسير في علم التفسير (– Зад-ул Майсир фи илм-ит-Тафсири. Ибн Жавзий

ТАФСИР ул ФУРҚОН КИТОБИДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

"Тафсири ул Фурқон" китобида қуйидаги шартли белгилардан фойдаланилади:

1) سُبْحَانَهُ وَ تَعَالَى – Субҳанаҳу ва Таъала – зотида Пок ва Олий

2) صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ – Соллаллоҳу алайҳи ва саллам – унга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин

3) أَلَّا يَخِسَّ - عَلَيْهِ السَّلَامُ – алайҳи ассалам – унга салом бўлсин

4) رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - عَنْهُمْ – розияллоҳу ъанҳу ёки ъанҳум – Аллоҳ ундан ёки улардан рози бўлсин

5) Қорайтирилган ётиқ ҳарфли сўзлар – Эй одамлар, биз сизларни... – Куръони Каримнинг матнига таржима.

6) Қорайтирилган тик ҳарфли сўзлар – Ҳаё – иймондандир – Ресулуллоҳ салалоҳу саллам нинг ҳадислари матнига таржима.

7) Ётиқ ҳарфли сўзлар – Миннат – Аллоҳ ва Расулига хосдир – саҳобалар ёки тобииналарнинг сўзлари.

8) Тик ҳарфли сўзлар – Эй Раб! гуноҳларимизни мағфират қил! – муаллифнинг сўзлари ва қўшимчалар.

Шу ерда муқаддимага ниҳоя ясад, Аллоҳ субҳанаҳу ундан манфаат олишга барчамизни мусассар қилишини тилаймиз. Муқаддимани имкон қадар қисқа қилиб, унда иложи борича илмий маъдумотлар мужассам

қилишидир. Менга "Фарзанди бор", дейиши Мени ҳақоратлашидир. Мен фарзанд ёки жуфт олишдан покман", деди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Инсон фарзанд кўришдан ҳаётлик даврида ўзига ёрдамчи ва суюнчик бўлишини, вафотидан кейин эса наслининг давомчиси бўлишини мақсад қиласди. Ота кексайган чогида фарзандига, унинг кўмагига муҳтоҷ бўлади. Демак, фарзанд насл қолдириш, хожатмандлик, ожизлик белгисидир. Инсоннинг фарзандга бўлган эҳтиёжи ҳам унинг ожиз ва нотавонлигидан далолат беради. Ундан ташкари фарзанд бирбирига муносиб иккى хил жинсдан пайдо бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд эса Яккаю Ягонадир.

Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд мана бу ўринда очик ва равшан хужжатлар билан ўзини бундай нолойиқ, уйдирма гаплардан поклаб, мазкур уч тоифанинг бўхтонларини фош қиласди. ўзининг еру осмонлар Эгаси эканини, барча коинот Унинг қонунияти ва бошқарувига тўла бўйсунувчи эканини эълон қиласди. "Фарзанди бор", деган иddaолар ҳатто инсон акли ёки мантикий тарозига ҳам тўғри келмаслигини билдиради.

Дарҳақидат, бундай қабиҳ гаплар Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд га ҳаргиз лойиқ эмас. Зотан, Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд мутлақ беҳожат ва маҳлукотларига ўхшашликдан ҳамда ҳар қандай нуқсондан тамоман пок Зотдир. Ҳар тарафлама камоллик Аллоҳ субҳанаҳу гагина хос, Унинг тенги ё шериги йўқдир. Фарзанд тутиш бу маҳлукка оид табиат, Холиққа эмас. Фарзандли бўлиш Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд нинг улухийятига мувофиқ эмас. Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд пок Зотига бундай бўлмагур бўхтонлар қилган ва қилаётган мушриклар, яхуд ва насроларга минг лаънат бўлсин!

سبحان – pok – калимаси поклик маъносининг охириги нуқтасини ифода этувчи сўз бирикмасидир. Бу сўз Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд Унга нолойиқ барча нарсалардан батамом поклаш мақсадида қўлланади ва Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд ҳар қандай нуқсондан тамоман пок, деган маънони ифодалайди. Демак, бу калима фақат Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд га хос, уни ўзгага қўллаш жоиз эмас.

Бутун олам, шу жумладан осмонлару ер, Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд нинг қатъий, ўзгармас қонуниятидан заррача ташкарига чикмаган холда Унинг буйрукларига бўйсунади. Коинот ва ундаги барча мавжудот Унга эҳтиёжманд, ёлгиз У ҳамма нарсадан беҳожатдир.

Бу оят аҳли китоб ва мушриклар Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд Зоти ҳақида билимсиз эканини кўрсатиш билан бирга улухийят ва рубубийят тавҳиди ҳақидаги қимматли тушунчаларни ҳам бериб кетмоқда.

Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд коиноту ердаги ҳамма нарса, жумладан, Узайр, Ийсо ибн Марям алайҳис-саллам ва малоқаларнинг ягона Эгаси ва Яратувчисидир. Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд га шерик қилинган барча нарса Унинг ҳукмига тўла бўйсуниб, сигиниб, ибодат қилиб туради. Инсон Аллоҳ субҳанаҳу да тавоҳуд пайғамбарларнинг кўрсатмалари бўйича ибодат қилса, бошқа мавжудот

116. "Аллоҳ фарзанд тутди", дейшиди. У бундан покдир. Балки, осмонлару ердаги барча нарсалар Үнинг мулкидир, барчаси Үнга бўйсунувчидир.

Инсон тарихда факат ўзи каби инсонга тухмату бўхтонлар қилиш билан чекланмади. Балки ҳидоят нурини таратган Аллоҳ субханахуининг улуг пайғамбарларига ва уларга эргашиб, ҳакқа хизмат қилган солиҳ кишиларга ҳам турли иғвою бўхтонларни ёғдири. Лекин мана шу билан ҳам кифояланмади. У ўз Яратувчисига нисбатан бошқа ҳеч бир маҳлук қилмаган, таъриф беришга тил ожизлик қиласиган ўта мудҳиш жиноятни содир этди. Исломга ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам адоват заҳрини сочиб келаётган уч тоифа: яхуд ва насоролар, уларга қўшилган мушриклар ўзларига зулм килиб, дунёдаги энг ёмон, қабиҳ ишни қилишди. Уларнинг ҳаддидан ошишлари шу даражага етдики, ҳатто "Аллоҳ субханахуининг фарзанди бор", дейшишга ҳам журъат қилишди. Аллоҳ субханаху яхуд ва насороларни тошларга сигиниб юрган мушриклар билан бир сафда зикр қилиб, уларнинг мушрик бўлишлари сабабини Куръони Каримнинг бошқа бир ўрнида баён қиласи:



Яхудлар "Узайр Аллоҳнинг ўғли", деди, насоролар эса "Йисо Аллоҳнинг ўғли", деди. (Тавба сураси, 30 – оят)



Мушриклар эса малоикаларни Аллоҳга "Қизлари", деб нисбат қилишади. У бундан покдир. (Наҳл сураси, 57 – оят)

Инсоннинг мана бу гуноҳи қолган барча гуноҳларидан ошиб тушди. У нима деганда ҳам бундай демаслиги керак эди. Инсонни йўқдан бор қилган, беҳисоб неъматлар билан сийлаган, ҳар қанча оғир гуноҳларни қилмасин, агар чин қалдан мағфират сўраса, кечиришга тайёр бўлган оламлар Тарбиятқунандасига бундай беозлиқ қилмаслиги керак эди. Аллоҳ субханахуининг фарзандни нисбат бериш – Уни сўқиб ҳакорат қилиш билан баробардир. Росулулоҳ солаллоҳу алаҳи ва салам куйидаги марҳамат қилдилар:



Абульлоҳ ибн Аббос розилялоҳу ривоят қилдилар: Пайғамбар солаллоҳу алаҳи ва салам Аллоҳ "Одам боласи Мени ёлғончига чиқарди. Үнга бундай қилиш мумкин эмас эди. Мени ҳакоратлади. Үнга бундай қилиш мумкин эмас эди. Мени ёлғончига чиқариши үнга қайта жон киритолмайди, деб даъво

бўлишига ҳаракат қилдик. Бироқ Аллоҳ субханахуининг иродаси билан у биз ўйлагандан кўра узунроқ бўлдики, биз бунга ўз эътизорларимизни билдирамиз. Бу бизнинг билганимиз, илм эса Аллоҳ субханахуининг хузуридадир. Үнгагина суюнurmiz ва Үнгагина илтижо қилурмиз.

"Муқаддима" 1423 – хижрий йилда Аллоҳ субханахуининг мағфирати ва марҳаматига муҳтож бандаси Абдулқуддус Абдулвалий ўғли томонидан тайёрланди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
سُورَةُ الْفَاتِحَةِ سُورَةُ الْفَاتِحَةِ

Куръони Каримда Аллоҳ субханахуининг мақтov билан бошланган бешта сурा мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси маккийдир. "Фотиҳа" сураси уларнинг биринчisi бўлиб, Росулулоҳ солаллоҳу алаҳи ва салам га дастлаб Маккаи Мукаррамада нозил бўлган. "Фотиҳа" сурасини маккий ё маданий суралар туркумига ажратишда уламолар ихтилоф қилишган. Абдуллоҳ ибн Аббос, Али, Қатода ва Абул-Алия розилялоҳуарнинг фикрларини маъкул топган аксар уламолар "Фотиҳа" сурасини маккий дейишган. Маккаи Мукаррамада нозил бўлган "Хижр" сурасидаги Аллоҳ субханахуининг ишорасини ва намознинг Маккаи Мукаррамада фарз бўлганини фикрларига далил қилиб кўрсатишган.

"Фотиҳа" сураси нозил бўлгунга қадар Росулулоҳ солаллоҳу алаҳи ва салам тарқоқ, бўлак-бўлак ҳолда, бешдан ўн оятгача бўлинib нозил бўлган. "Фотиҳа" сураси Росулулоҳ солаллоҳу алаҳи ва салам га яхлит нозил бўлган биринчи сурадир. Бу сурада Аллоҳ субханахуининг гўзал исмларидан куйидаги бештаси: - الرَّحْمَنُ - الرَّحِيمُ - تَارْبِيَّاتِكُنَانَدَا، - مَهْرِيبُونَ - رَحِيمُلِيٰ - الْمَالِكُ - پُدِيشُوكَ ёд қилинган. "Фотиҳа" сураси 113 ҳарфдан, 25 калимадан ва бил-иттифоқ етти оятдан ташкил топган. Куфа ва Маккалик қорилар, саҳобалар ва тобиъинлардан бир қанчалари بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ صَرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرَ المَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ эса бир оят, деганлар. Мадиналик қорилар, Имом Молик ва мазхаббошимиз Имом Абу Ҳанифа بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ صَرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرَ المَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ алоҳида оят, деганлар. Қандай бўлган тақдирда ҳам "Фотиҳа" сураси етти оятдан иборатдир.

Уламолар бошқа суралардан фарқли ўлароқ "Фотиҳа" сурасининг 16 дан зиёд номини санаб ўтишган. Номларнинг кўплиги суранинг юксак шарафидан далолат беради. Биз бу суранинг Куръон ва Хадис билан собит бўлган энг машҳур учта номини санаб ўтамиз.

1) الفاتحة – Очувчи. Куръони Карим сураларининг биринчisi бўлганидан үнга "Очувчи" номи берилган;

۲ - أَمِ الْقُرْآن - كуръоннинг онаси. Куръони Карим маъноларининг барчасини ўз ичига мужассам этгани учун "Куръоннинг онаси" номи берилган;

۳ - المثاني - Такрорланувчи. Бошқа суралардан фарқли ўларок, икки марта: Маккан Мукаррамада, сўнг Мадинаи Мунавварада такроран нозил бўлгани ва беш вақт ҳамда нафл намозларимизда такрор-такрор ўқилгани учун "Такрорланувчи" деган ном берилган. Аллоҳ суҳбаниху аҳмийати бу хакда Куръони Каримнинг "Хижр" сурасида марҳамат килиб:

Биз Сизга тақрорланувчи етти оятлик сурани ва улуг Куръонни бердик дейди.

Куръони Каримнинг ажабтувурлиги тугамайди ва у қўп ўқилиш билан эскирмайди. Дунёдаги ундан бошқа ҳамма нарса эскиради ва вақти ўтиши билан зерикарли бўлиб қолади. Масалан, энг моҳир қўшиқчиларнинг мусиқа асблобари ёрдамида айтган ҳар қандай "дилрабо" қўшиқлари, гарчи дастлаб баъзилар томонидан қизиқиш билан қабул қилиниб тингланса ҳам, вақт ўтиши билан қадрини йўқотиб, ҳеч ким уни эътиборга олмай қўяди ва бора-бора ундан кўнгил озадиган даражага етади.

Куръони Карим эскирмай кун сайин ёшариб, ўзининг долзарблигини кўрсатиб бораверади. Мусулмон киши бир кеча кундуздаги беш маҳал намозида "Фотиҳа" сурасини, нафл намозлар ҳисоб қилинмаса, 32 марта тақрор-такрор ўқииди. Лекин бундан малолланиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

Абу Хурайра роҳиҷаҳо аҳмийати ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ аҳмийати ал ҳамду лиллаҳи Куръон ва китобнинг онаси ва у тақрорланувчи еттилиқидир, дедилар.* (Имом Доримий ривояти)

Убода ибн Сомит роҳиҷаҳо аҳмийати ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ аҳмийати "Фотиҳа" сурасини ўқимаган кишининг намози макбул эмас, дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Намоз - кишини бир оламдан бошқа оламга, моддий олам ва унинг жаҳолатидан руҳий оламга етаклайдиган, Аллоҳ суҳбаниху ўзини мусулмон деб билган бандаларига фарз қилган ибодатдир. Намоз мусулмон кишининг эътиқодида Аллоҳ аҳмийати билан боғланадиган амалдир. Бу робитанинг қабул бўлиши маълум маънода "Фотиҳа" сурасини ўқишига ҳам боғлиқдир.

Ойша онамиз роҳиҷаҳо аҳмийати мен *Росулуллоҳ аҳмийати ким Куръоннинг онасини ўқимасдан намоз ўқиса, унинг намози ноқисдир деганларини эшиитдим*, дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

ўринда – **Билгувчи** сифати билан бирга келади. Марҳамати, фазлу карами, илми бениҳоят Кенг деган маъноларни билдиради.

Дарҳақиқат, Аллоҳ суҳбаниху аҳмийати карами, илми, фазлу марҳамати Кенг Зотдир. У намоз учун бандаларига фақат маҳсус жойларнигина ярокли қилмади. Ибодат учун маҳсус кун ё ўринни шарт қилмади. Балки қаерда бўлмасин, ибодат қилиш учун Аллоҳ суҳбаниху аҳмийати буюрган томонга юзланса, бандасидан ибодатини қабул қиласевади.

Муфассир уламолар **машиқ ва мағриб** калималаридан ер юзининг барча ўрни назарда тутилган. Зоро, машриқ ва мағриб Аллоҳ суҳбаниху аҳмийатининг буюк мўъжизаларидан, яъни куёшнинг чиқиши ва ботиш ўрни. Шу сабабли улар хос, алоҳида зикр қилинган, деганлар. Демак, ибодат қилишда фақат бир томонга, яъни Каъбаи Муаззама томонга юзланниш – Аллоҳ суҳбаниху аҳмийати ўша томонда, деган маънони билдирамайди.

Мана шу оятга биноан Имом Аҳмад роҳиҷаҳо каби фуқаҳолар агар киши қиблани билмаса, лекин бир тарафни қибла деб касд килган ҳолда намоз ўқиган бўлса, сўнг қибланинг бошқа томонда эканлиги маълум бўлса ҳам, намозини қайта ўқимайди, деганлар. Имом Абу Ханифа ва Имом Молик каби уламолар қайта ўқишни шарт қилишмаган бўлса-да, қайтадан ўқиб олиш мустаҳаб, деганлар. Шунга кўра уламолар замонавий наклиёт воситаларида ҳам нафл намозларни қулай тарафга юзланган ҳолда ўқишига руҳсат қилишган.

Жобир ибн Абдуллоҳ роҳиҷаҳо *Росулуллоҳ аҳмийати отлиқ ҳолатларида кетаётган тарафга қараб намоз ўқир эдилар. Агар фарз намозни ўқимоқчи бўлсалар тушиб, қибла томон юзланар эдилар дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)


Мана бу оятнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақида тўрт хил фикр айтилган. Қуйидаги фикр улар ичида энг қувватлиси:

Абдуллоҳ ибн Умар роҳиҷаҳо *Росулуллоҳ аҳмийати нафл намозларини марқабларининг устида тўғри келган тарафга қараб ўқир эдилар деб мана бу оятни ўқиганлар: **Машиқ ва мағриб Аллоҳнинг мулқидир...*** (Имом Термизий ривояти)


Мана шу оятга кўра биз Аҳлус-суннат вал-жамоъат Аллоҳ суҳбаниху аҳмийатининг ўзи билган Ўзига лойиқ юзи бор, Унинг юзига бошқа ҳеч кимнинг юзи ўхшаш эмас, деб эътиқод қиласиз, кайфияти ҳақида баҳс юритмаймиз.

Абдуллоҳ ибн Аббос роҳиҷаҳо *Куръони Каримда биринчи бўлиб мансух бўлган нарса - валлоҳу ъалам - қибла хусусида бўлса керак. Аллоҳ **Машиқ ва мағриб Аллоҳнинг мулқидир** деди. *Росулуллоҳ аҳмийати Байтул Мақдис томон юзланаб намоз ўқидилар.* Сўнг Аллоҳ у кишини Масжидул Ҳаромга юзланишга буюрди *ва мана бу оятни суранинг 144 – ояти билан мансух қилди деганлар.* (Имом Байҳақий ривояти)*





Буср ибн Артота رضي الله عنه *Росууллар* саллаллаху علیه و سلم Худоё! Барча ишларда оқибатимизни чиройли этгин ва бизни дунёдаги хорлик ва охирад азобидан қутқазгина деб дуо қилаётганларини эшиодим дедилар. (Имом Ахмад ривояти)



115. *Машриқ ва магриб Аллоҳнидири. Юзингизни қаёққа бурсангиз, Аллоҳнинг юзи ўша ерда! Албатта, Аллоҳ марҳамати Кенг, Билгувчи Зотдир.*

Эй мўминлар! Агар Аллоҳ субханахунинг душманлари сизни Масжидул Ҳаромдан ёки бошқа масжидларда ибодат килишдан тўсган бўлса, ғам чекманг! Машрику мағриб факат Аллоҳ субханахунинг мулкидир! Қолаверса, Муҳаммад саллаллаху علیه و سلم нинг умматига ер юзининг барча жойи пок ва масжиддир. Ер юзининг қайси ўринида бўлмасин Аллоҳ субхانахунинг амрига итоат килиб, чин дилдан факат Унинг Ўзига ибодат килсангиз, юзингизни холисанлило Каъба томон бурсангиз, ўша тарафда Аллоҳ субханахунинг юзига рўбарў бўласиз. Қибла номаълум бўлганда ёки касаллик каби мажбурлик ҳолатларда қасд билан қайси тарафга юзлансангиз, Аллоҳ субханаху ибодатингизни қабул қиласеради. Аллоҳ субханаху марҳамати Кенг, бандаларининг манфаатини ва уларнинг қилган барча яхшию ёмон, ошкору маҳфий ишларини Билгувчи Зотдир.

Ҳаётда бадавлат кишилар кўп учрайди. Одамлар бир қанча оролчалар, ҳар хил корхоналар, бир қанча қасрларга әгалик қилаётган сармоядор кишиларни бой деб билади. Уларнинг турмуш тарзига хавас билан қарайди. Лекин улар ҳар қанча бой-бадавлат бўлмасин, бойликда мағрибу машриқ Эгаси бўлган Аллоҳ субханахуга баробар бўлолмайди. Уларнинг мулки маълум жойларга чекланган. Аллоҳ субханахунинг эгадорлиги факат бир маконга чекланган эмас. Унинг мулки чегарасиздир. Аллоҳ субханахунинг мулкига доҳил бўлмаган тарафнинг ўзи йўқ. Банда қайси тарафга юзланмасин, Аллоҳ субханахунинг мулки ва назоратидан заррача ташқарига чиқа олмайди. Бутун коинот ва ундаги мавжудот, жумладан, мағрибу машриқ ёлғиз Аллоҳ субханахунинг мулкидир. Барчасини ёлғиз Ўзи нозик ҳикмат ва юксак илм билан бошқариб, назорат қилади. Ундан ўзга ҳеч ким мағриб ва машриқ мулқдорлигига дайвогарлик қилмайди. Аллоҳ субханахунинг мулки асло йўқ бўлмайди.

– *Кенг – Аллоҳ* سубخانهнинг гўзал исмларидан бўлиб, Куръони Каримда жами 8 марта, "Бакара" сурасида 4 марта тақрорланади ва етти

Абу Саид ал-Худрий رضي الله عنه намозда китобнинг очувчисини ва яна муюссар бўлганича қироат қилишига буюрилдик дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Имом Молик, Имом Ахмад, Имом Шофий ҳамда аксар фуқаҳолар намознинг дуруст бўлишига "Фотиҳа" сурасининг ўқилишини шарт қилганлар.


"Фотиҳа" сурасини ўрганиб, унинг мазмунидан боҳабар бўлсак, нима учун бу сура ўқилмаган намознинг мақбул бўлмаслигини англаб олишимиз мумкин бўлади.

Меҳрибон, Раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман

Абдуллоҳ ибн Аббос رضي الله عنه *Росууллар* саллالله علیه و سلم нозил бўлгунига қадар сураларнинг бўлининиши билмас эдилар дедилар. (Абу Довуд ривояти) Анас ибн Молик رضي الله عنه мен *Росууллар* саллالله علیه و سلم, Абу Бақр, Умар ибн Ҳаттоб ва Усмон ибн Аффон رضي الله عنهлар орқасида намоз ўқидим, ҳаммалари қироатни *алҳамду лиллаҳи робби* *аъламишиндан* бошлилар эдилар, бирорталари қироатининг ё боши, ё охирида *бисмиллаҳир роҳманир роҳимни тилга олиши*мас эди дедилар. (Имом Ахмад ривояти) Шунга биноан Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Саврий رضي الله عنهлар *"Намл"* сурасининг 30 – оятидан бошқа ўринда оят эмас, у факат сураларни бир-биридан ажратиш учун уларнинг ибтидосига ёзилган, дейдилар.

Росууллор саллالله علیه و سلم саҳобаларга барча ишларини Аллоҳ سубخانهнинг номи билан бошлашни ўргатиб, ҳатто ҳожатхонага киришда ҳам унутмасликини уқдирдилар. Демак, мусулмон киши кундалик ҳаётидаги юриш-туришидан тортиб, барча ҳаракатини, агар баракотли бўлишини мақсад килар экан, Аллоҳ سубخانهнинг номи билан бошламоги даркор.

Сура барча мақтovларнинг Аллоҳ سубخانهга хос эканини баён қилиш билан бошланади.



Барча *мақтovлар* бутун *оламлар* *Тарбиятқунандаси Аллоҳга* хосдир.

Дунёдаги барча мақтovлар Аллоҳ سубخانهга хосдир. Агар дунёда бир одам бошқа бир одамга яхшилик қилса, бу яхшиликни Аллоҳ سубخانه уни қодир қилгани учунгина қила олади. Аллоҳ سубخانه ота-она қалбига меҳр солиб кўйгани учун улар фарзандига меҳр кўрсатишиди. Фарзанд, айниқса, эҳтиёжларини ўзи мустақил бажаролмайдиган гўдаклик чогида ота-она, хусусан, она Аллоҳ سубخانه берган меҳр сабабли боласининг токат қилиб бўлмас ҳархашаю инжикликларини меҳр билан кўтаради. Агар Аллоҳ سубخانه меҳр бермаганида, ота-она фарзандига бу даражада ғамхўр бўла олмас эди. Шунинг учун фарзандига яхши тарбия берган ота-она шаънига айтилган мақтov ҳам аслида Аллоҳ سубخانهга хосдир. Барча мақтovларнинг Аллоҳ سубخانهга хослиги сирларидан яна бири –

عَبْدُ رَبِّ الْعَالَمِينَ
У бутун оламлар, яни коинотдаги жонли ва жонсиз барча мавжудотнинг ягона Тарбияткунандаси ва Эгасидир.

Мақтөв сўзининг бу ўринда ۱ ҳарфлари билан аниқ ҳолатда келиши мақтөв турларининг барчасини ичига олиб, фақат Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ субханаху да тахаъюу билдиради. ۲ – **Аллоҳ** – Тангрининг барча исм ва сифатлари маъноларини мужассам этган атокли от бўлиб, у Куръони Каримда 2153 марта тақрорланган. Бу ўринда олдида кўмакчи ۱ ҳарфи билан келиши бир вақтда ҳам ҳақлилик, ҳам хослик маъносини билдириб, мақтөв фақат Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ тагина муносиблигини билдирумокда. ۳ – **Рب**: сўзи араб тилида эга, бошқарувчи маъноларини билдиради. Бу сўзни танҳо, қаратқич келишигидаги аниқловчисиз бошқага нисбатан ишлатиш мутлақ жоиз эмас. **الْعَالَمِينَ** – **оламлар** сўзидан инсон билган ва билмаган, Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَдан бошқа барча маҳлукотлар олами назарда тутилган.

Ислом келганида ер юзида коинотнинг яралishi ҳақида бир қанча ботил ақидалар ва маъносиз фалсафалар ҳукм сурар эди. Куръони Карим нозил бўлгач, инсон онги бундай бузук ақидалардан фориғ бўлди ва коинотнинг яратувчиси ҳақида аниқ ва ўзгармас тасаввурга эга бўлди. **Оламлар тарбияткунандаси** – **Аллоҳ**... калимаси "Бутун коинот ва барча маҳлукотларни яратиб, уларни ҳикмат ва нозиклик билан бошқариб турувчи – ёлғиз Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَдир", деган барқарор ақидани олиб келди.

Макка мушриклари Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَнинг вужудини бутунлай инкор қилишмас эди. Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَнинг вужудини инкор этадиган маҳлук якин даврда пайдо бўлган.

Агар улардан "Осмонлару ерни ким яратган", деб сўрасангиз, албатта, Аллоҳ дейишади. (Луқмон сураси, 25 – оят)

Улар сигинаётган бутларини оламнинг яратувчилари деб эмас, балки тарбияткунанда деб эътиқод қилишарди. Улардан санамларига сигинишларининг сабаби сўралса,

Уларга, бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина сигинамиз дейишар эди. (Зумар сураси, 3-оят)

Биз уларни Аллоҳ деб эътиқод қилмаймиз, балки Аллоҳ билан ўртамизда воситачи бўлишларини хоҳлаймиз, дейишди. Шу сабабли Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ уларни мушриклар деб, Мухаммад صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَни шу залолатларидан қайтариш учун пайғамбар қилиб юборди. Яхуд ва насоролар эса тарбияткунандалик сифатини ёлғиз Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَга нисбат бериш ўрнига, олим ва пешволарини бу сифатларга шерик қилишди. Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ҳаром қилган нарсани ҳалол дейишса ёки ҳалол деган нарсани ҳаром дейишса ҳамда нафсларига қараб бошқа ҳукмларни

Демак, масжидни обод қилиш – уни ҳашаматли қилиб қуриб, турли безаклар бериш билан эмас, балки масжидда ҳақиқатни айтиш, Аллоҳу Расулиниң йўлига даъват қилиш, меҳробни золимлар хизматига солмаслик, Куръони Карим ва бошқа шариат илмларининг таълимоти билан бўлади. Зоро, Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ куйидаги оялларда марҳамат қиласи:

مَا كَانَ لِلْمُشْرِكِينَ أَنْ يَعْمَلُوا مَمْنَعِنَّ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ بِالْكُفَّارِ أَوْ لِتَكُونَ حِجْرَةً أَعْمَالَهُمْ
وَفِي الْأَثَارِ هُمْ خَلِيلُهُنَّ وَإِنَّمَا يَعْمَلُ مُسْتَحِدِّنَ اللَّهَ مِنْ عَامِنَ بِاللَّهِ وَآئِيَوْمَ الْآخِرِ وَآقَامَ الصَّلَاةَ وَ
عَاقَى الرَّكُونَ وَلَمْ يَجْعَلْ إِلَّا اللَّهُ فَعَسَىٰ أَوْ لِتَكُونُوا مِنَ الْمُهْتَدِينَ وَسُورَةُ النُّورِ

Мушриклар ўзларининг кофирлигига гувоҳ бўлган ҳолларида Аллоҳнинг масжидларини обод қилишилари мумкин эмас! Ўшаларнинг амаллари ҳабата бўлган ва улар дўзахда абадий қолурлар. Аллоҳнинг масжидларини Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирган, намозни барпо этган, закотни ўз ўрнига берган ва фақат Аллоҳдан қўрқянларгина обод этурлар. Шояд ўшалар ҳидоят топгувлардан бўлишиса! (Тавба сураси, 17-18 – ояллар)

Ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақида баззи муфассир уламолар Байтул Мақдисга ҳужум қилиб, маҳаллий аҳолини қатагон қилган Румликлар ҳақида нозил бўлган, деган. Қатода رَوْحِيَّة насоролар яхудларга адоват қилиб, оташпаст Бухтансирининг Байтул Мақдисни хароб қилишига кўмак бершиганд. Байтул Мақдиснинг хароба ҳолати Умар ибн Хаттоб رَوْحِيَّة даврларига қадар қолган деганлар. Яна баязилар эса Ҳудайбийя воқеаси йили Росулуллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ни Маккага киришдан, Масжидул Ҳаромдан тўғсан Макка мушриклари ҳақида нозил бўлган, деганлар. Лекин, аксар муфассир уламолар гарчи бу оят хос бир воқеа ёки масжид ҳақида нозил бўлган бўлса-да, унинг ҳукми Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَнинг барча масжидларига омдири, яни Қиёматга қадар масжидлардан тўғсан ҳар қандай бадбахтга таалуклидир, деганлар.

Динимизда ер юзининг қайси ўрни бўлмасин, намоз ўқиши учун яроқлидир. Зоро, Росулуллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ куйидаги ҳадисда марҳамат қилиб,

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَعَلَتْ لِنَّ الْأَرْضَ مَسْجِدًا وَطَبُورًا رَوْاهُ الْبَهَارِيُّ

Жобир ибн Абдуллоҳ رَوْحِيَّة ривоят қилдилар: **Росулуллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ** Ер юзи менга масжид ва пок қилиб берилди дедилар. (И мом Бухорий ривояти)

Демак, агар бирон жой намоз ўқиши ўрни этиб тайинланса, ўша заҳотдан бошлаб шахсий мулк бўлмай, барча мусулмонларининг умумий мулкига айланади ва у жойни асраб-авайлаш ҳар бир мўминнинг зиммасига тушади.

Мўмин киши доимо Аллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَдан дунёдаги хорлик ва охиратдаги улкан азоблардан паноҳ тилаши лозим. Зоро, Росулуллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ хам мазкур икки нарсадан паноҳ тилар эдилар.

да, масжидларни ёвуз мақсадларига хизмат қилдиришни истайдиган мустабид кимсалар томонидан фитналар уюштирилиб, динидан кўра дунёсини афзал санаган ёлланма “имом”лар кўмагида одамларнинг масжидлардан, умуман, диндан узоқлашишига сабаб бўладиган маънавий ҳужумлар қилиниб, хароб қилинган.

Намозхонларни бош кийими йўқлиги учун масжидлардан ҳайдаётган “мусулмонлар” Киёматда нима деб жавоб беришаркин?! “Эътиқод”ига, маслагига қўшилмагани учун ҳақиқий мўминларни Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг уйидан тўсаётган, ҳайдаб солаётган кимсалар ҳоли нима кечаркин?! Масжиддан тўсишдек зулмни дин номидан маъқуллаётгандар Қиёмат куни Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг рўбарўсида туришни ўйламасмикин?!

Дунёда “Мен масжидни бузиб, хароб қилиб, улуғ иш қилдим”, деб мақтантган одамни ёки “Менинг отам ё аждодим масжидларни вайрон қилган улуғ киши эди”, деб фахрланган кимсани биласизми? Аксинча, масжидларни ёпиб вайрон этган бундай малъунлар ҳаётда хору зор бўлиб, қийналиб боқкан фарзандларидан ҳам яхшилик кўрмай, умрининг охирида кўчаларда гадойлик қилиб кун кўрган.

Аҳли китоблар мусулмонларни Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг буйруғига биноан қиблани Байтул Мақдисдан Каъбаи Муаззамга тарафига ўзгартиришда айблаб, ақидаларига шубҳа солишга уринишар эди. Улар “Агар Байтул Мақдиснинг қиблалиги тўғри бўлса, Каъбага бурилиб, хато қилдингиз, агар Байтул Мақдисга қараб намоз ўқиш хато бўлган бўлса, шу пайтгача ўқиган намозларингиз ботил бўлади”, деб иғво қилишиб. Аҳли китобларнинг бундай гаплари одамларни Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг масжидларига интилишдан ва у ерда Унинг зикрини қилишдан тўшишга қаратилган эди. Шу сабабли Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} уларни золимларнинг ҳам золимроғи, деб атади.

Ундалар фақат қўрқан ҳолатда унга киришлари мумкин жумласида мусулмонларнинг яқинда Масжидул Харомга эга бўлишлари башорати бор эди. Абу Бакр ^{رسول‌الله} Ҳажжатул Видоъ¹дан олдинги йилги ҳаж мавсумида Росулуллоҳ ^{سَلَّمَ} ^{صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ}нинг буйрукларига биноан бу йилдан сўнг мушрик ҳаргиз ҳаж килмайди, ялангоч Ҳонаи Каъбани тавоф қилмайди”, деб жар солдилар. (Ином Бухорий ривояти)

Мана бу оят масжидларда фақат Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг зикри, мақтови, Унинг шариати баёни бўлиши кераклигига, бунинг акси масжидни хароб қилиш демаклигига ишора қилмоқда. Шунингдек, масжидларни кофирлардан ҳимоя қилиш – мусулмонларнинг бурчи эканига ҳам ишора. Демак, биз мусулмонлар масжидларимизга кофирни киритиб, унинг истакларини қондириб, ёвуз қилмишларини оклад, бузук гояларини тарғиб қилишига йўл бермаслигимиз керак.

¹ 10-хижрий йилида бўлган Росулуллоҳ ^{سَلَّمَ} ^{صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ}нинг биринчи ва сўнгти ҳажлари.

бузишса ҳам уларга эргашиб кетишиди. Шунинг учун Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} уларни Қуръони Каримдаги “Тавба” сурасининг 31 – оятида

Яхудлар **Аллоҳдан ташқари аҳбор¹ларини ва** насоролар **роҳибларини тарбияткунандалар қилиб олишиди** дея маломат қилди.

Мана бу суранинг аввалги ояти мўмин кишига бу борада энг тўғри зътиқодни таълим бериб, барча мақтовлар бутун оламнинг ягона Тарбияткунандаси бўлган Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}гагина хослигини билдиради.

Абу Ҳурайра ^{رضي الله عنه} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ ^{صلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ} Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ} мақтов билан бошланмаган ҳар бир сўз яхшиликдан узокдир дедилар.* (Абу Довуд ривояти)

Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ} Куръони Каримнинг дастлабки сурасини Ўзига мақтов айтиш билан бошлаганидан ва Росулуллоҳ ^{صلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ} нинг мазкур ҳадисларидан хулоса шуки, мусулмон киши ҳар бир сўзию амалини Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ} номи билан Унга мақтов айтиб бошламоғи лозим.

У ғоят *Меҳрибон* ва бениҳоят *Раҳмли*дир.

Дунёда энг адолатли деб ном чиқарган ҳукмдорлар ҳам кези келганда душманларига ёки исёнкор шахсларга нисбатан ўта қаттиққўл ва шафқатсиз муносабатда бўлишади. Фақат бутун оламнинг ягона Тарбияткунандаси Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ}гина беҳад Меҳрибон ва ўта Раҳмлидир. Унинг раҳмати бу дунёда мўмину кофирга, яхшию ёмонга баробар, ҳатто Уни инкор қилган кофирга ҳам ажратмасдан ризқ бераверади. Аммо шу билан бирга У Раҳим, яъни Қиёмат куни фақат Унгагина иймон келтириб, ҳукмларига бўйсунган мўминларгагина раҳм-шафқат ва меҳрибонлик қилгувчи Зотdir.

– الرَّحْمَن – *Меҳрибон* ва *Раҳмли* калималари Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ}нинг 99 та гўзал исмларидан бўлиб, الرَّحْمَن калимаси Куръони Каримда 48 марта, ҳадисларидан 34 марта тақрорланган. Бу ҳар икки сўзнинг негизи бир бўлса-да, маънода бир-биридан фарқ қиласди.

– الرَّحْمَن – *Меҳрибон* сўзи Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ}нинг дунёдаги меҳрибонлигини ифода этади. Дарҳақиқат, Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ} бениҳоят Меҳрибондир. Унинг бу дунёдаги меҳрибонлиги мўмину кофирга боробар. Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ} бу дунёда Ўзини инкор қилган, арзимас, ҳакир нарсаларга тенг қилган, Унинг ҳукмларидан тамоман оғиб кетган кимсалардан ҳам Ўз марҳаматини узмайди. Раҳмон Таъло кофир ва фосикларга ҳам бу дунёдаги орзуларига эриштириб, мақсадларини бераверади.

– الرَّحْمَن – *Раҳмли* калимаси эса Аллоҳ ^{سَبَّحَ اللَّهَ} ^{صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ} Қиёмат куни фақат мўмин бандаларига хос бўлган марҳаматини ифода этади. Бутун

¹ олим ва пешволар

башарият қайта тирилтирилиб, қилган гуноҳлари туфайли ўта аянчли бир ҳолатда турганида, Аллоҳ *الْرَّحِيم* – *Раҳмли* сифати билан фақат ҳақиқий мўмин бандаларига раҳм қиласи. Демак, мана бу ҳар икки калиманинг истеъмоли Аллоҳ *الْرَّحِيم* гагина муносиб бўлиб, уни ўзгага ишлатиш ножоиздир.

Абу Хурайра *رضي الله عنه* ривоят қилилар: *Росулуллоҳ* *رسول الله عليه وآله وآلہ وسلم* Аллоҳнинг юзта раҳмати бўлиб, улардан битта раҳматни инсону жин ва ҳайвоноту ҳашаротларга туширди, шу сабабдан улар ўзаро меҳр-шафқатли бўладилар, шу сабабдан йиртқич боласига меҳрли бўлади ва колган тўқсон тўққизта раҳматни кейинга қолдириди, улар билан бандаларига Қиёмат кунида раҳм қиласи дедилар. (Ином Муслим ривояти)

Демак, Аллоҳ *الْرَّحِيم*нинг юзта раҳмати бўлиб, ер юзига уларнинг фақат биттасини туширган экан, одамларнинг ўзаро меҳрибонликлари, ота-онанинг фарзандига ғамхўрлик кўрсатиши, ҳайвонларнинг болаларини доим ҳимоялашлари, паррандаларнинг полапонларига меҳр кўрсатиб, тумшуклари билан озиқлантириб парвариш қилишлари шу битта илоҳий раҳмат туфайлидир. Қолган 99 та раҳматни Аллоҳ *الْرَّحِيم* Қиёматга олиб қўйди. Бу учун Аллоҳ *الْرَّحِيم*га ҳисобсиз ҳамдлар бўлсинки, инсоннинг килган бу гуноҳларига Аллоҳ *الْرَّحِيم*нинг раҳмати бўлмаса, унинг оқибати ўта аянчли бўлур эди.

Абу Хурайра *رضي الله عنه* *Росулуллоҳ* *رسول الله عليه وآله وآلہ وسلم* ҳеч кимни қилган амали жаннатга олиб киролмайди дедилар. Сизни ҳамми, Эй *Росулуллоҳ*, деганларида ҳа, мени ҳам, магар Аллоҳ Ўз фазли ва раҳмати билан буркаса, шунда киришим мумкин деганларини эшиитдим дедилар. (Ином Бухорий ривояти)



У – Жазо кунининг Эгасидир.

Жазо кунига ҳеч бир инсон таъриф беролмайди. Бу Аллоҳ *الْرَّحِيم*нинг шаҳодати билан фаришталар саф тортиб туриб, Унинг изнисиз сўзламайдиган, кофирлар тупроқка айланишни орзу қиласидиган кундир. Бу кунда киши ўз оға-иниси, ота-онаси, оиласи, бола-чақасидан қочади. Дўстлар бир-бирига аскатолмайди, молу дунё, таниш-билишлар иш бермайди. Ҳеч ким бир-бирига наф ё зарар етказолмайди. Золимлар минг узр айтишса ҳам фойда бермайдиган бу оғир ва алами кунда бирор кимса бирон нарсага эгаликни даъво қилолмайди. Аллоҳ *الْرَّحِيم* бу кунни Куръони Каримда ўн саккиз хил ном билан ёд қилган.

Жазо кунига ишониш иймоннинг ажралмас бир рукни бўлиб, уни инкор қилган кимса кофир бўлади. Мусулмон кишининг Жазо кунига бўлган иймони унинг мавжудлигига ишониш билан ниҳояланмайди,

қилинмасин, у ерга одамларнинг, хусусан, ёшларнинг қалби тортмайди. Масжидларнинг мана бундай ҳароб қилиш унинг биносини тамоман бузиб ташлашдан кўра Исломга каттароқ зиён келтиради.

Масжиддек улуғ даргоҳдан, Аллоҳ *الْرَّحِيم*га ибодат қилишдан, Унинг зикридан тўсадиган кимсадан кўра золимроқ одам бўлмас. Масжидларни ҳароб қилган, беркитган, унда ибодат қилишдан тўсган кимса, гарчи уйини етимхона қилиб олса ҳам, у Аллоҳ *الْرَّحِيم*нинг шаҳодати билан ер юзидағи энг золим кимсадир.

Масжидларни ҳароб қилиш уларни бузиб, вайрон қилиш маъносини англашиб билан бир қаторда у ерда ҳақиқатни йўқ қилиш маъносини ҳам англатади. Бинобирин, масжидларни ҳароб қилиш икки йўл билан: масжид биноларини бузиш ё шикаст етказиш билан ёки масжидни маънан ҳароб қилиш, яъни масжидни золим ва түғёнкор кимсалар манфаатига хизматга солишиб билан бўлади. Демак, масжиддан ҳақиқий даъватни йўқотиш, Исломнинг ҳақиқий асл суратига даъват қилаётган масжидлардан одамларни тўсиш – маънан ҳароб қилиш демакдир. Масжидларда ҳақ сўзларни айтиётган, тўғри йўлга даъват қилаётган, Аллоҳ *الْرَّحِيم*дан ўзгага ибодат қилишдан бош тортётган, масжиддан Исломга ёт кимсаларнинг қилмишларини олқишишга йўл бермаётган мўминларга душманлик қилаётганлар ҳам уни маънан ҳароб қилишга уринаётган кимсалардир.

Аллоҳ *الْرَّحِيم*нинг масжидлари вайрон этилган, одамларни масжидлардан тўсилган даврларни бизнинг ҳалқимиз ҳам ўзининг узок ва яқин тарихида бошидан ўтказди ва ўтказмоқда. Бир даврлар бўлдики, унда худосиз малъунлар Аллоҳ *الْرَّحِيم*нинг масжидларини бузиб, вайрон қилишибди. Масжидларни босқинчиларнинг ҳар хил масканига, бозорларга, майхоналарга, ахлатхоналарга айлантиришибди. Лекин ўша замонда бундай ёвуз кимсалар ўзининг худосизлигини, кофирлигини ошкор этган эди. Улар ҳеч бўлмагандга ўзининг даҳрийлик гоясига содик эди. Улар масжидларни вайрон қилаётганда ёки мусулмонларни кирғин қилаётганида "Биз ҳам мусулмонмиз", демас эди. Масжидларга қуфл солиб, мусулмонларни ибодат қилишдан тўсиб туриб, мусулмонликни даъво қилаётган ҳозиргилар каби бетамиз эмас эди.

Аммо кейинги даврда Аллоҳ *الْرَّحِيم*нинг масжидларини ҳароб қилган бадбаҳт кимсалар аввалилардан бошқача чиқди. Масжидда ҳақиқат айтилишига монелик қилиб, мўминларни "худо"ларига чақиб, уларнинг устидан тухматларни ёзиб, охир оқибатда масжидларнинг бекилишга сабаб бўлиб туриб, "Биз бу ишларни дин учун килдик, бу шариатимизга ҳам мувофиқ, биз ҳам мусулмонмиз", дейишибди. Ё алҳазар! Ўшандай малъун золимларнинг ҳаракати билан ҳозирда ҳам диёrimizning турли жойларида масжидлар ёпилган, илгаригидек ҳар хил муассасалар ихтиёрига берилган, майхона, омборхона, гузар, чойхона ва бошқа ҳар хил идораларга айлантирилган. Қолганлари вайрон қилинмаган бўлса-

талаң қылған амалларни қилишгина жаннатта киришга, қилмаслик эса дүзахга тушишга сабаб бўлади.

وَمِنْ أَطْلَمُ مِمْنَ مَنْ تَعْمَلُ مُسَيْدِجَةُ اللَّهِ أَنْ يُذَكِّرَ فِيهَا أَسْمَهُ وَسَعْيَ فِي حَرَابِهَا أُولَئِكَ مَا كَانَ
لَهُمْ أَنْ يَدْخُلُوهَا إِلَّا خَابِيَّهُنَّ لَهُمْ فِي الدُّنْيَا خَرَقٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ

114. Аллоҳнинг масжидларида Унинг исми зикр қилинишидан тўсган ва уни ҳароб қилишга интилган кимсадан кўра ким золимроқ?! Ундалар фақат қўрқкан ҳолатда унга киришилари мумкин эди! Уларга бу дунёда хорлик, Охиратда ҳам уларга улкан азоб бор.

Аллоҳ субханахунинг масжидларида ибодат қилишдан, ҳақни айтишдан тўсаётган, уни ҳароб қилаётган кимсалардан кўра ким золимроқ?! Эй мусулмонлар! Масжидларни ҳароб қилишга уринаётганлар, аслида, мусулмонларни ибодат қилишдан тўсиш ўрнига, ундей улуғ жойларга фақат қўрқкан, ҳадисираган ҳолатдагина кириши мумкин, холос! Масжид ва ибодат масканлари Аллоҳ субханахунинг амрларига итоат этишдан бўйин товлаган, ҳамма нарсалар қатори динни ҳам ўзига бўйсундиришни истайдиган золимлар қўлида бўлмаслиги керак! Улар бу дунёда, албатта, хор бўлишади! Бундай улкан зулмлари туфайли Қиёмат кунида ҳам улкан азобларга дучор бўлишади!

Ундалар мабодо масжидга киришса, унинг одбларига тўлиқ риоя этган ҳолда фақат омонлик тилаб, жонларини асраб қолиш умидидагина кириши мумкин. Чунончи, Маккай Мукаррама фатх қилинганида, Росулулоҳ сөзларху аллаҳи саллнинг жарчилари "Ким Масжидул Ҳаромга кириб олса, жони омонликда, унга ҳеч ким заар етказмайди", деб жар солиши. Росулулоҳ сөзларху аллаҳи салл ва саҳобаларни нафақат Масжидул Ҳаромдан, балки Маккай Мукаррамадан ҳам қувиб солган мушриклар зафар кучилган ушбу кунда қўрқув билан Масжидул Ҳаромга қочиб кириб, жонларини асраб қолиши.

Росулулоҳ сөзларху аллаҳи саллнинг масжидлари бутун дунёга ҳидоят нурлари таратган Ислом оламининг маркази бўлган. Абу Бакр, Умар ибн Ҳаттоб, Усмон ибн Аффон р.зийяллоу каби кўплаб улуғ саҳобалар Росулулоҳ сөзларху аллаҳи саллнинг масжидларида тарбия топган. Масжидлар тарихан одамларга Исломни етказадиган асосий таянч ўринлари бўлган. Демак, масжидлар Исломда жуда катта аҳамиятга эга. Буни мусулмонлардан кўра уларнинг душманлари эртароқ ва яхшироқ англашган. Шунинг учун Ислом душманлари қаерда бўлмасин, масжидлардан ҳақиқий Исломга мувофиқ таълимни қандай усул билан бўлмасин, йўқотишга астойдил бел боғлашган. Агар Ислом душманлари мана шу мақсадларига эришса, одамлар масжиддан безийдиган ҳолат вужудга келади. Мана бундай ҳолатда масжидлар Исломга эмас, Ислом душманларининг ғаразига хизмат қила бошлайди. Бундай масжидларни ҳар қанча обод

балки бу кунга алоқадор Қуръони Карим ва сахиҳ ҳадислар билан событ бўлган бошқа қисмларни ҳам ўз ичига олади.

Инсон охират ва ҳисоб-китоб кунига иймон келтирмас экан, унинг ҳаёт ҳакидаги дунёкараши ўта тубанлашиб кетади. Агар бу дунёда инсонга берилган қисқагина умр мобайнида унинг барча масалалари батамом ҳал бўладиган бўлса, бутун борликда, шу жумладан инсон вужудида яратилган кўплаб мўъжизалар қадрсиз бир нарсага айланган бўлур эди.

Инсон Қиёмат кунига чин қалдан ишонса, Жазо кунининг Эгаси борлигини, у кунда дунёда қилинган барча амалларга яраша жазо ва мукофотлар берилиши муқаррар эканини билгач, бутун ҳаётини Ўша Зотнинг буйруқларига мувофиқ ўтказади. Аммо ўлганидан кейинги қайта тирилишга ишонмайдиганлар-чи? Улар бу қисқа ҳаёт давомида бошқаларга зулм қилиб бўлса ҳам, имкони борича шахсий манфаатларини рўёбга чикариш пайида бўлишади. Жазо кунига иймон келтирган киши билан уни инкор этган кимсанинг юриш-туриши, ахлоқи, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Улардан бирини ҳақиқий инсон деб аташга тил бормайдиган даражада ҳаёт кечиради. Жазо кунига иймон келтирган жамиятда адолат ва тотувлик ҳукм сурса, уни инкор этган жамиятда ўрмон конуни – кучлилар кучсизларни эзиш конуни ҳукм суради. Ҳозирги давр бунинг яққол далилидир.

Ҳаётда бўлаётган баъзи ишлар бу дунёда жазосиз қолиши мумкин. Умр бўйи одамларга зулм қилиб, бегуноҳ қишиларни хонавайрон этиб, бечораларни талаган қонхўр кимсалар бу дунёда фаровон ҳаёт кечириб, соҳта обрўларга миниб, одамлар тилида қаҳрамон бўлиб, кўксиларини нишонларга тўлдириб ўтишлари мумкин. Эл-юрти, дини, миллатини сотиб, иймонли, виждонли қишиларни эзib ҳаёт кечирган кимсалар ҳурмат тахтасидан жой олиб, ҳалқсевар ёки миллатпарвар деб аталиб ўтишлари мумкин. Бадавлат, таниш-билишлари кўп қишилар баъзи ўринларда оддий ёки бечораҳол қишиларга зулм қилиб, кўп ишларни ўз манфаатларига буриб ташлашлари мумкин. Қўлларида адолат таёқчаси бўлган кимсалар арзимас дунё матоси эвазига адолатсизлик қилиб, одамлар тилида одил деб танилиб ўтишлари мумкин. Аммо Аллоҳ субханаху Жазо кунининг яккаю ягона Эгаси бўлганидан барча ишлар Унинг ҳисобида туради. Якка Ўзи эга бўлган бу кунда бани Одамни бир жойга тўплаб, уларга берилган умр тўғрисида адолат билан ҳисоб-китоб қиласи. Бу кунда шоҳлару гадолар, бойлару камбағаллар, куллару ҳурлар, ёшлару қариялар, олиму омилар, бу дунёдан фарқли ўлароқ, баробар ҳукуқда, зулм қилинмасдан ҳисоб-китобга тортилади. Ҳаётини Аллоҳ субханахунинг буйруқларига амал қилиб, тақиқ этган гуноҳ ишлардан тийилиб ўтказган киши Ҳисоб кунида кулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган

нельматлар билан мукофотланади. Аллоҳ *сұбханалу*_{ва таъвудо}нинг буйруқларини бажармаган, ман қылган нарсаларидан тийилмаган кимса қулок эшитмаган, күз күрмаган даҳшатли азоблар билан жазоланади.

Бу оятдан оламлар Тарбияткунандаси, гоят Мехрибон, бениҳоят Раҳмли ва Жазо кунининг Эгаси каби сифатларниң ягона соҳиби бўлмиш Аллоҳ *сұбханалу*_{ва таъвудо} ҳақиқатдан ҳам барча мақтовга якка Ўзи сазовор деган маъно келиб чиқади ва шу тариқа юкоридаги икки оятга мазмунан боғланади.

Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Муъоз ибн Жабал, Абдуллоҳ ибн Аббос *рөзияллоҳу*лар Қалимасидаги ғарфини бир алиф микдорича чўзиб ўқишиган ва аксар қорилар кироатда уларга эргашишган. Шу ўринда Зайд ибн Собит, Абуд-Дардо, Абдуллоҳ ибн Умар *рөзияллоҳу*лар каби саҳобалар ўқиган бошқа бир кироат ҳам борки, унда ғарфи чўзилмайди ва ҳар икки кироатда ҳам мазмун ўзгармайди.

Бутун оламлар Тарбияткунандаси, Мехрибон, Раҳмли ҳамда Жазо кунининг Эгаси бўлган Аллоҳ *сұбханалу*_{ва таъвудо}нинг неъматларига етарлича мақтов айтиш ҳеч бир банданинг қўлидан келмайди.

Абдуллоҳ ибн Умар *рөзияллоҳу* ривоят қилдилар: *Росууллоҳ* *сөзлару*_{аҳлиниң салми} Аллоҳнинг бандаларидан бири "Эй Рabbim! Сенга Зотингнинг улуғлиги ва салтанатингнинг буюклигига лойиқ бўладиган мақтov бўлсин", дея ҳамд айтди. Бу калима номаи аъмолларни ёзувчи икки фариштани қўйида, улар бунинг ажрини қандай ёзишни билмай, осмонга Аллоҳ *сұбханалу* хузурига қўтарилиб: "Эй Рabbimiz! Бир банданг бир сўз айтди, уни қандай ёзишни билолмаяпмиз", дейишиди. Аллоҳ Қандай айтган нарсани билувчироқ бўлса-да бандам нима деди? деб сўради. У Сенга "Я робби лакал ҳамду кама ямбаги лижалали важхика ва ъазими сultonик" деб, ҳамд айтди дедилар. Аллоҳ бандам қандай айтган бўлса, шундай ёзиб қўйинглар, тики мукофотини хузуримга келганида Ўзим бераман деди дедилар. (Иbn Можжа ривояти)

Аслида, банда ҳамду сано айтганида Аллоҳ *сұбханалу* уни мана шундай тарзда кутиб олса, бир умр тилини ҳамд айтишдан тиймаслиги лозим. Шунинг учун инсон бутун оламлар Тарбияткунандаси, гоят Мехрибон, Раҳмли ва Жазо кунининг Эгаси бўлган Аллоҳ *сұбханалу*нинг сифатларини ўқиб билар экан, қалбida бевосита Унга нисбатан ибодат – сигиниш руҳи уйғонади ва тилига ушбу калима келади:

Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз.

Ха, бутун оламнинг Тарбияткунандаси ва Жазо кунининг эгаси ёлғиз Сен экансан, демак биз Ўзинггагина ибодат қиласиз ва фақат Ўзингдан мадад сўраймиз.

Хурофотлар билан тўла. "Мусулмон"лигига ота-бобосининг мусулмон бўлганидан бошқа хужжати йўқ. Намоз ўқимайди, рўза тутмайди. Ҳусусан, улугзодалик даъвосидаги хонадонларга назар ташланса, у ерда Исломдан бошқа ҳамма нарса бор. Шундай бўлса-да, Росууллоҳ *сөзлару*_{аҳлиниң салми} нинг йўлларини маҳкам ушлаган чин мусулмонларни нодонга чиқариб, уларни Исломдан, тўғри йўлдан четда деб ҳисоблайди. "Биз ибодатда бўлмасак-да, қалбимиз тўғри, шунинг учун жаннатга кирамиз", дейди. Уларнинг яна бир тоифаси борки, бошқаларга ўзини "аллома" қилиб кўрсатади. Билимiga карасангиз, дийдиёдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ўтган "авлиёлар" ҳақида тўқима ривоятлар билан содда мўйсафидаларни йиғлатишдан бошқа ҳеч гап йўқ. Билгани мана шу. Амалига қарасангиз, кўнглингиз озиди. Исломга хизмат қилиш ўрнига бадавлат ё золим, туғёнкор кимсалар хизматига ҳамиша тайёр. Уларнинг ҳар қандай хорлашларини иззат деб қабул килади. Молио жонини кофирлар учун фидо қилади. Даъволари эса дунёга сигмайди. Ўзини жаннат остонасида тургандек тутади. Дунёда ундан бошқа ҳамма "адашган". Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифни маҳкам ушлаган, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини ўша икки манба асосидаги далилларга курган кишиларни адашган дейишдан ҳаё қилмайди. Аллоҳ *сұбханалу*нинг динини олий қилишини мақсад қилганларни ўзига душман санаб, уларга сўзи ва амали билан тинимсиз азият етказади. Ўзининг гумроҳлиги етмаганидек, бошқаларни ҳам гумроҳ қилади. Шунга қарамай у "жаннати". Бундай беҳаё қимсаларга бирорни адашган дейишига йўл бўлсин! Бундай даъволар уларни яхуд ва насороларга жуда ҳам ўхшатиб юборади.

Агар биз Исломни ҳақ деб билсак, шариат талаб қилган ибодатларни ихлос билан адо этмоғимиз ва фарзандларимизни ҳам шу дин асосида тарбия қилмоғимиз ва мана шундай манфур кимсаларниң дийдиёларига алданмаслигимиз, фитналарига учмаслигимиз, ўшандайлардан қилиб қўймагани учун Аллоҳ *сұбханалу*га беадад ҳамд айтишимиз лозим.

Аллоҳ *сұбханалу* мана бу оятда Таврот ва Инжилни тиловат қилиб юрган аҳли китобларни пайғамбарлик, ваҳий каби тушунчалардан мутлак беҳабар бўлган жоҳил мушриклар қаторига қўйиш билан уларни қаттиқ мазаммат қilmokda. Зеро, ҳақни била туриб инкор қилиш уни билмай инкор қилишдан кўра оғирроқдир. Шунинг учун Қуръони Каримни, Ислом ҳақиқатини билиб тура амал қилмаётган, боз устига Китоб ва Суннатни маҳкам тутганларни "адашган" деб, уларга бутун вужуди билан заар етказаётган "дин арбоблари" бундай қилмишлари туфайли кимларга ўхшаб қолаётганлигини бир ўйлаб кўрсин!

Аллоҳ *сұбханалу* бу оятларда яхуд ва насороларнинг узундан-узун пуч даъволарини инкор қилиш билан биз мусулмонларни ҳам аҳли китоблар каби қуруқ даъволар билан яшамасликка чакирмоқда. Зеро, Ислом

Субханаху дарханасынинг барҳақ пайғамбарларидан эканини билишар эди. Ҳудди шунингдек, ҳеч нарсадан беҳабар бўлган бутпараст Макка мушриклари ҳам яҳуд ва насоролардан ўрнак олиб, уларнинг гапига ўхшаш гап килишиди. Улар Мұхаммад сөзларо алақаи ғада салсан ва у кишининг саҳобаларини "Тўғри йўлда эмас", дейишди. Қарангки, барча залолат аҳлининг гапи бир жойдан чиқди.

Яҳуд ва насоролар ҳамда мушриклар дин хусусида ихтилоф қилиб, келишмагани учун Аллоҳ субханаху Қиёмат куни бу учала тоифанинг ўзаро келишоммаган масалалари хусусида ҳақ билан ажрим қиласди. Бу кунда Аллоҳ субханаху Ўзининг адолатли ҳукми ила ҳақ билан ботилнинг орасини ажратиб, ҳақни тасдиқ этади ва ҳақ аҳлини мислсиз неъматларга буркайди. Аллоҳ субханаху нинг шариатидан ўзга ботил йўлларга эргашган, Китоб ва Суннатни қўйиб, бемаъно маслакларга харидорлик қилган ботил аҳлини эса шармандаи шармисор қилиб, мислсиз азобу уқубатларга гирифтормади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу ашару ривоят килдилар: *Росулуллоҳ сөзларо алақаи ғада салсан* нинг хузурларига Нажронлик насоролар келишиди. Мадиналик яҳудлар уларга рўбарў келишиб, ўзаро тортишишиди. Шунда Роғиъ ибн Хуроймала исмли яҳудий насороларга қаратати "Сизлар ҳақ дин устида эмассиз" деб, Ийсони ҳамда у кишига нозил бўлган Инжилни инкор этди. Бунга жавобан Нажрон насороларидан бири "Сизлар ҳақ дин устида эмассиз" деб, Мусони ҳамда у кишига нозил бўлган Тавротни инкор этди. Мана шу пайтда мазкур оят нозил бўлди дедилар. (И мом Табарий ривояти)

Яҳуд ва насоролар ҳасадлари туфайли Росулуллоҳ сөзларо алақаи ғада салсан га кофир бўлишган бўлса-да, Таврот ва Инжилни ўзгартириб бўлса ҳам тиловат қилишар эди. Улар ҳар холда Аллоҳ субханаху га иймон келтириб, ўзларига хос бўлган баъзи ибодатларни бажаришар эди. Аммо мушрикларда илм, ибодат деган нарсалардан ҳеч қандай асорат йўқ эди. Мушрик ҳамма замонда ҳам билимсиз, гирт бефаҳм бўлган. Гапирмайдиган, эшитмайдиган, фойда ҳам, зиён ҳам келтиромайдиган, ҳақири пашибба устига ўтириб кетса, билмайдиган бутлар, ҳеч ким, ҳатто фаришталар, пайғамбарлар, шаҳидлар оғиз очолмай турган Қиёмат кунининг оғир соатида, ҳеч кимни ҳеч качон шафоат қилолмаслигига Макка мушрикларининг фаросати етмас эди.

Дардидан фориг бўлиш учун дараҳтларга ип боғлаётган, фарзанд сўраб, омад тилаб, "авлиёлар" кетидан мозорма-мозор қўй, товук сўйиб юрган ҳозирги мушриклар ҳам фаҳм-фаросатда улардан колишмайди. Бундай бефаросат мушрикка бирорни адашган дейишга ким қўйибди?!

Хозирда ҳам айни шундай яҳудий ёки насронийча гап қиласидан гумроҳ кимсалар бор. Аввало, уларнинг ўзи тўғри йўлда эмас. Аксари Куръони Каримдан ҳеч нарсани билмайди. Пайғамбаримиз сөзларо алақаи ғада салсан нинг хаётлари, суннатларидан умуман беҳабар. Ҳаёти турли хил бидъату

"Ибодат қилиш" сўзидан кейин "ёрдам сўраш" сўзининг келиши банда барча ҳолатда ёлғиз Аллоҳ субханаху га ибодат қилишда Унинг ёрдамига муҳтожлигига, агар Аллоҳ субханаху га муввафқаф этмаса, банда эришолмаслигига ишора қилмоқда.

Ислом истилоҳида ибодат – кўп қиррали тушунчадир. У инсоннинг юриш-туришидан тортиб, ҳаётининг турли жабҳаларида Аллоҳ субханаху сўйган барча амалларни ўз ичига олади. Ёрдам – наф олиш ёки зарарни даф қилишда ишонч билан ёлғиз Аллоҳ субханаху га суюниш – истиъонат маъносини билдиради.

Исломдан бошқа ўйларда одамлар бир-бирларига сифиниб, ўзларига ўхшаш ожиз инсонлар тарафидан тузилган турли-туман тутуриқсиз маслакларга эргашиб яшайди. Ислом инсонни тошлар, тоғлар, мозорлар, булоқлар ва зўравон кимсаларга сифиниб ибодат қилишдан озод этди. *Сенгагина ибодат қиласиз* калимаси айни шу мазмунни ифода этади. *Сендангина ёрдам сўраймиз* дейишимиз теварак-атрофимизда Аллоҳ субханаху инсон учун бўйсундириб қўйган асбоблар, яъни табиат ва ҳаёт қонунларидан фойдаланишни ман қилмайди. Аллоҳ субханаху инсонни ер юзига халифа қилди ва бошқа барча мавжудотни унинг ҳукмига бўйсунувчи қилди. Бу ҳақда Бақара сурасининг 29 – оятида марҳамат қиласди:

У ер юзидаги ҳамма нарсани сизлар учун яратган Зотdir.

Демак, улардан фойдаланишимиз ва ёрдамни факат Аллоҳ субханаху данина сўрашимиз ўртасида ҳеч қандай қарама-каршилик йўқ.

Анас ибн Молик розияллоҳу ашару ривоят килдилар: *Росулуллоҳ сөзларо алақаи ғада салсан* Ухуд тогига қаратати **бу биз уни ва у бизни яхши кўрадиган тоғдир дедилар.** (И мом Бухорий ривояти)

Ислом дини инсон билан табиат ўртасида ҳеч қандай зиддиятни ўрнатмайди. Аксинча, инсон билан табиат ўртасида ўзаро муҳаббат руҳини ўрнатган. Росулуллоҳ сөзларо алақаи ғада салсан жонсиз бир тошга қаратати айтган бу сўзларидан дунёдаги жонли ва жонсиз барча мавжудот якка Аллоҳ субханаху нинг маҳлуки ва барчаси бандалик сифатида муштарак эканлиги англашилади.

Араб тилида тўлдириувчининг феълдан илгари келиши муҳимликни билдиради. Бу ўринда **کалимасининг** феъллардан илгари такроран икки марта келиши муҳотабни таъкидлаб, ибодатнинг барча турларини Аллоҳ субханаху га хослаш лозимлигига ишора қилмоқда.

Ибодат қиласиз ва *ёрдам сўраймиз* сўзларининг кўплик шаклида келиши эса мусулмон кишининг ибодатлари жамоат билан бўлиши кераклигига ишорадир.

Бизларни тўғри – Ислом йўлига йўллагин.

Инсон бу ҳаётда яшар экан, ўтган ҳар бир кун уни охират тарафига яқинлаштиради. Инсонни охиратга олиб борувчи йўллар ичидаги тўғриси фақат битта бўлиб, ундан бошқа барчаси хато ва залолат йўлларидир. **Сиротол мустақим** – энг тўғри йўл – Аллоҳ ^{сұхбанинг} томонидан ўтган пайғамбарларга берилган, алалхусус, уларнинг сўнгиси бўлмиш Мухаммад ^{сұхбанинг} олиб келган Ислом динидир. Унга йўллашни сўраш – Ислом динида мустаҳкам туриш ва ундан ўзга турли хил шайтоний йўлларга кетиб қолишдан паноҳ сўраш маъносини билдиради. Ибн Таймийя ҳидоятни сўраш инсон учун ризқ, нусрат сўрашдан муҳимроқдир, чунки ким Аллоҳнинг ҳидоятига мушарраф бўлса, у дунё ва охират саодатига эришиади. Аллоҳнинг ҳидоятидан бенасиб бўлган кимса, ҳар қанча бой бадавлат ёки бақувват бўлмасин, бари бир баҳтсиздир деганлар.

Росулуппоҳ ^{сұхбанинг} «Хажжатул Видъ»да қилган ваъзларида марҳамат килдилар:

Росулуппоҳ ^{сұхбанинг} Сизларга икки нарсани қолдиряпман, модомики, икковини маҳкам ушлар экансиз, ҳаргиз адашмайсиз, бу – Аллоҳнинг китоби ва пайғамбарининг суннатидир дедилар. (Имом Молик ривояти)

Росулуппоҳ ^{сұхбанинг} дан қолган бундай бебаҳо мерос ўтган ҳеч қайси умматга қолган эмас. Минг афсуски, бу меросни поймол қилган Ислом миллатидек миллат ҳам бўлган эмас. Ислом уммати Куръони Каримга нисбатан қилган жиноятни ҳеч қайси уммат ўз китобига нисбатан қилган эмас. Китобинг нима деса, Куръони Карим, деймиз. Бизда шу гапдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Динимиз ғанимлари орамиздан минг бир хйила ва найранглар билан Куръони Карим ва Суннати Набавийяни кўтариб ташлади. Биз содда Ислом миллати қўлимиздан Куръони Карим ва Суннати Набавийяни қандай олиб қўйишганини ҳам билмай, ғафлатда қолдик. Матбааларда Куръони Каримнинг гўзал нусхалари чоп қилинса ёки хушвот қориларимиз мажлисларимизда тиловат қилиб турган бўлса-да, унинг ҳукм ва кўрсатмаларига бўлган амал ҳаётимизда ўз аксини топмади. "Куръони Карим Аллоҳ ^{сұхбанинг}нинг каломи, биз заиф бандалар уни билишга ва талқин қилишга ожизмиз. Росулуппоҳ ^{сұхбанинг} сўзлари фойт чуқур, биз ожиз бандалар улар ҳақида бир нарса дейишга ожизмиз. Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифларни баён қилган киши – ваҳийсиз пайғамбарликни даъво қилган киши", деган жоҳилона фикрлар ёрдамида йўқотиши. Энг ачинарлиси, бундай фикр оз-моз диний саводи бор кимсалар томонидан олқишиланди.

Унда маҳкам ушлашнинг маъноси нима? Бир қўлтиғимизга Куръони Каримни, бир қўлтиғимизга Ҳадиси Шарифни қистирганча, ҳеч кимга

уришимиз керак. Зоро, бундай мингта “ривоят”дан битта оят ёки ҳадис минг бор афзалир.

بَلِّيْ مَنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحَسِّنٌ فَلَهُ أَجْرٌ هُوَ عِنْدَ رَبِّهِ وَلَا يَخْوْفُ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَخْرُجُونَ

112. Йўқ! Ким муҳсин бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга бўйсундирса, унга Раббининг ҳузурида ажри бордир. Уларга ҳавф йўқдир ва улар асло гамгин бўлмайдилар.

Йўқ! Асло ундей эмас! Чучварани хом санашибди! Жаннатга яхудий ҳам насроний ҳам кирмайди! Аллоҳ ^{сұхбанинг} раҳмати фақат бир халқ ёки миллатга хос эмас! Ким Аллоҳ ^{сұхбанинг} иймон келтириб, иймонига содик бўлса, якка Ўзига ибодат қиласа, ўзини фақат Тарбияткунандасига бўйсундирса, амалларини фақат Аллоҳ ^{сұхбанинг} розилиги учун холис қиласа, хаётининг барча жабҳаларида Росулуппоҳ ^{сұхбанинг} га эргашса, ўша муҳсин¹дир. Ўшандай муҳсин кишиларга Раббиларининг ҳузурида амалларининг мукофотлари бор, уларга беками-қўст берилади. Савоблари зое бўлмайди, улар дунёда ҳавф-хатарсиз хаёт кечиришади. Охиратда ҳам ҳамма ғамга ботиб турганида улар Жазо кунининг Эгаси паноҳида бўлиб, асло ғамгин бўлишмайди.

Мана бу оят дунё ва Охиратдаги нажот йўли уч асосга – иймон, Ислом ва эҳсонга асосланганлигига ишора кильмокда.

وَقَاتَلَتِ الْمُهُودُ لَيْسَتِ الْأَنْصَارِ عَلَى شَيْءٍ وَقَاتَلَتِ الْأَنْصَارِ لَيْسَتِ الْمُهُودُ عَلَى شَيْءٍ وَهُمْ يَتَلَوَّنُ الْكِتَابَ كَذَلِكَ قَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ مُثْلُ قَوْلِهِمْ فَاللَّهُ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ

113. Яхудлар "Насоролар ҳеч қандай дин деган нарса устида эмас", дейшиди. Насоролар "Яхудлар ҳеч қандай дин деган нарса устида эмас", дейшиди. Холбуки, улар Китобни тиловат қилишади. Шунингдек, билмайдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхашини айтишиди. Аллоҳ Киёмат куни ўрталарида келишмаган нарсалари хусусида ҳукм қиласди.

Аҳли китоблар бир-бирининг динини камситиб, ёлғонга чиқарди. Яхудлар Ийсо ^{алайхис салам} нинг пайғамбарлигини инкор этиб, "Насоролар адашган. Улар Аллоҳ ^{сұхбанинг} ҳузурида мақбул бўлган ҳақиқий, тўғри динда эмас, дини ботил, ахийри дўзахга тушадилар", деди. Насоролар эса Мусо ^{алайхис салам} нинг пайғамбарлигини инкор этиб, "Яхудлар адашган. Улар Аллоҳ ^{сұхбанинг} ҳузурида мақбул бўлган ҳақиқий, тўғри динда эмас, динлари ботил, ахийри дўзахга тушадилар", деди. Холбуки, яхудлар Тавротни, насоролар Инжилни тиловат қилишар, уларда зикри келган барча пайғамбарларга иймон келтириш зарурлигини билишар эди. Ҳар иккиси ҳам китобларидан Мусо ва Ийсо ^{алайхис салам}ларни Аллоҳ

¹ Суранинг 38 ва 58 – оятлари тафсирига қайтиш тавсия этилади.

وَقَالُواْنَ يَأْدُخُ الْجَنَّةَ إِلَمْ كَانَ هُوَ اَوْ صَرَرٌ تَلْكَ اَمَا يَهُمْ قُلْ هَاتُواْ بِرَهْسُكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

111. "Жаннатга фақат яхудий ёки насроний бўлғанлар киради", дейшиди. Бу уларнинг хом хаёллари дидир. Уларга "Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг!" деб айтинг!

Аҳли китоблар жаннатни ҳам ўзлариники қилиб олишди. Яхудлар олдин "Биз дўзахга кирмаймиз", деган эди. Энди "Жаннатга фақат яхудийлар ё уларга эргашганлар киради", деди. Насоролар эса "Жаннатга фақат насоролар ё уларга эргашганлар киради", деди. Бу кўкнори яхуд ва насороларнинг хом хаёллари, холос.

Жаннатга кириш учун яхудий ёки насроний бўлиш керакми? Бошқалар кирмайдими? Эй яхудлар! Жаннатга фақат яхудлар киради, деган даъволарингиз ростми? Эй насоролар! Жаннатга насороларгина киради, деган даъволарингиз ростми? Жаннат сизга ота-бувангииздан қолибдими?! Қаердан олдингиз бундай гапларни? Эй Мұхаммад сұлтаның
аҳадиҳы
саъд! "Агар мана шу гапингиз рост бўлса, марҳамат, ҳужжатингизни келтиринг-чи?!" деб айтинг!

Инсон доим ўзини бошқалардан акли санайди. Гарчанд залолат ботқогида бўлса ҳам, ўзини тўғри йўлдаман, деб даъво қилади. Ер юзида ақл йўқ бўлиб кетса ҳам, ҳеч ким ўзини беақл санамайди. Одамзот ўзини шунчалар тўғри йўлдаман, деб билади. Шайх Саъдий «Гулистан» номли китобларида мана бу воқеани келтиради: "Бир яхудий билан бир мусулмон қози олдига ҳақ талашиб келди. Гапини қувватлаш учун мусулмон "Агар шу сўзим ёлғон бўлса, яхудий бўлиб ўлай", деб қасам ичса, яхудий "Шу сўзим ёлғон бўлса, мусулмон бўлиб ўлай", деб қасам ичармиш.

Аллоҳ сұлтаның
да тавою бу оятда биз мусулмонларни дин ишларида ҳавога эргашиб, ким нима деса, ишониб кетавермасдан, ундан Китоб ва Суннат доирасида далилини талаб қилишимиз лозимлигини таълим бермоқда. Биздан илгари ўтган солих кишилар, мужтаҳид уламолар шу таълимга амал қилиб, дин доирасида айтган ҳар бир сўзларини Китоб ва Суннат асосидаги далиллар билан айтдилар ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилдилар. Аммо кейингилар эса бу таълимга бепарво қарашиб. Ўзлари далилсиз гапиришгани қолиб, далил талаб килган кишиларни "беодоб"га чиқаришибди. Натижада мусулмонлар орасига ганимлари томонидан ҳар хил хурофотлар ва таги бўш "ривоят"лар киритилди. Демак, биз мусулмонлар гап дин доирасида кетганда ҳар бир сўзимизни далил билан қувватлашимиз лозим. Бошқалардан ҳам гапларига Исломда далил деб эътироф этилган икки манба – Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифдан ҳужжат талаб қилиб олишимиз керак. Агар мана шу икки манбадан далил келтиришга ожизлик қиласа, унинг ким бўлиши ва гапининг ҳар қандай гўзал бўлишидан катъий назар, деворга

бермасдан маҳкам ушлаб туришимизми?! Ёки Куръони Каримни кўкрагимизга, Ҳадисни елкамизга чирмаб олишимизми?! Ёки Куръони Карим билан Ҳадис Шарифни маҳкам боғлаб, уйимизнинг тўрисига ҳеч ким ечолмайдиган қилиб осиб қўйишимишми?! Бир киши "Ўғлим, мен дунёдан ўтиб кетяпман, васиятимни маҳкам ушлагин, агар шу васиятни маҳкам ушласанг, ҳаётда ҳаргиз кам бўлмайсан", деса, ўғли бу васиятни олиб, гўзал ҳарфлар билан ёзид, деворга осиб кўйса ёки тумор қилиб бўйнига илиб олса, мана шу маҳкам ушлашлигими?! Йўқ! Маҳкам ушлашнинг маъноси – Куръони Каримни ва Росулуллоҳ сұлтаның
аҳадиҳы
саъд нинг ҳадиси муборакларини ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этиб, бошқаларни ҳам шунга чорлаб, ундан бошқа тарафга заррача ўтмасдан маҳкам туришимиздир. Росулуллоҳ сұлтаның
аҳадиҳы
саъд нинг сўнги ва асосий васиятлари ҳам шу бўлди.

Қачон мусулмонлар Куръони Каримни маҳкам ушлаб, уни ораларида ҳукмрон қилсалар, уларга Аллоҳ сұлтаның
да тавою тарафидан нусрат келади. Бошқа ҳалқлардан устун бўлишади. Куръони Каримга эргашишни кўйиб, ҳаволарига эргашишса ёки ажнабий миллатлар кетидан уларга ҳавас қилиб кетишиша, маъносиз мағкуралар ва пуч гояларга "фиҳойиллик" қилишиша, замонга қараб товланишса, хор бўлиб, энг қолоқ миллатга айланишади. Умар ибн Хаттоб розидалоҳу Аллоҳ бизларни Куръон билан иззатлади, энди биз иззатни ўзгадан ахтарсак, Аллоҳ бизни хор қилади деганлар. Демак, биз ҳаётда тўғри йўлда юриб, Росулуллоҳ сұлтаның
аҳадиҳы
саъд нинг васиятларини ижро этишини хоҳласак, Куръон ва Ҳадисни маҳкам тутишимиз лозим бўлади. Зоро, ёлғиз шу йўлгина тўғри бўлиб, барча мужтаҳид уламоларимиз ҳукмлар учун шу икки манбани асос қилиб олишган.

Инсон ҳаётига назар солар экан, тўғри йўл узра кетиш нақадар оғир иш эканини ҳис қилади. Дунёда бирорта одам "Мен нотўғри йўлдаман", деганини эшитганмисиз? Зоро, ер юзида ақл йўқ бўлиб кетган такдирда ҳам ҳеч ким ўзини беақл деб ҳисобламайди. Шунинг учун, инсон Аллоҳ сұлтаның
да тавою томонидан тўғри йўл учун ўзгармас бир ўлчовнинг юборилишига гоят муҳтож эди. Йўқса, дунёдаги барча инсон, ҳатто ўғрилик ва бошқа жиноятлар содир қилиб юрган шахслар ҳам "Биз тўғри йўлда юрибмиз", деб даъво қилишади. Баъзан ўғрилар "Ҳамма ширин уйкуда ором олиб ётган пайтда биз уйқудан қолиб меҳнат қиламизу, нима учун топган пулларимиз ҳаром бўлар экан?!" дейишади. Агар тўғри йўлни танлаш одамларнинг ихтиёрига қўйилганида эди, ер юзида қанча инсон бўлса, тўғри йўл ҳам шунча бўлар эди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ сұлтаның
аҳадиҳы
саъд бизларга тўғри йўл учун Куръон ва Ҳадисни ўзгармас ўлчов қилиб юборди. Ҳар қандай инсоннинг сўзи ва амали, у ким бўлишидан қатъий назар, Куръон ва Ҳадисга мувофик келмаса, биз уни хато ва нотўғри деб эътиқод қилиб, унга эргашмаслигимиз лозим.

Росулуллоҳ сұлтаның
аҳадиҳы
саъд қуйидаги ҳадиси қудсийда марҳамат қилиб:

Абу Зарр анъу ривоят килдилар: *Росууллоҳ* сұлтаның атасынан да салам Аллоҳ сұбханалу Эй бандаларим! Мен хидоят этган кишидан ташқари, барчангиз адашувчисиз, мендан хидоят сўранглар дейди дедилар¹. (Имом Термизий ривояти)

Бизларни тўғри йўлга йўллагин деган бу оят барча дуолар маъносини ичига олган жомеъ дуодир. Биз бу дуони қилиб, Аллоҳ сұбханалудан ҳидоятда бардавом этишини сўраб илтижо қилишимиз гоят зарурдир. Негаки, Аллоҳ сұбханалу намозларимизнинг ҳар бир ракъатида ўқиладиган бу муборак сурада Ундан нималарни сўрашимиз кераклигини мана шу оят билан Ўзи таълим беряпти.

Бу тилак, банда Раббидан сўрайдиган тилаклар ичида энг муҳимири. Мусулмон киши бу тилакни тилагунга қадар, Аллоҳ сұбханалунинг ёлғизлигига, Унинг осмонлару ердаги ҳамда сув ва куруқликдаги барча оламлар, умуман, бутун борлиқнинг ягона Тарбияткунандаси эканига иймон келтиради. Унинг Мехрибон, Раҳмли ва Жазо кунининг Эгаси каби сифатларини васила қилиб, сўнгра, намоздек улуф мақомда туриб, чин ихлос билан Раббидан тўғри йўлга йўллашликни сўрайди. Бу тўғри йўл қандай йўл ва у кимларга берилади?

Сен уларга инъом этган, уларга газаб қилинмаган ва адашиб кетмаган кишиларнинг йўли.

Аллоҳ сұбханалу бир инсонга тўғри йўлда юришни насиб этган бўлса, унга Ўзининг марҳаматини ёғдирганидир. Дунёда ундан кўра саодатли одам бўлмайди. Бу тўғри йўл – **انْفَعْتُ عَلَيْهِمْ – инъом этилганлар** – "Нисо" сурасида баён қилинганидек, Аллоҳ сұбханалунинг марҳаматига сазовор бўлган пайғамбарлар, сидиклар, шахидлар ва ҳақиқий иймон келтирган солих кишиларга насиб бўлган йўлдир. **الْمُظْنَفُ عَلَيْهِمْ – газаб қилинганлар** – калимасидан мурод ҳақни билиб, ундан юз ўғирган ҳамда ер юзида фасод тарқатиб юрган, шу сабабли Аллоҳ сұбханалунинг газабига дучор бўлган яхудлардир. Улар ҳақни била туриб, кибр ва ҳасадлари туфайли Росууллоҳ сұлтаның атасынан да салам нинг йўлларини қабул қилишмади. Бу оят бир йўлнинг ҳақиқат эканини аниқ билганидан сўнг ундан юз ўғирган кимсалар Аллоҳ сұбханалунинг газабига дучор бўлишига ишора қилмоқда. **الضاللُ** – **адаишганлар** калимасидан мурод – асли тўғри йўл нималигини билмаган, ҳак йўлни танлашда тойилган, шу сабабли тўғри йўлдан бурилиб, Аллоҳ сұбханалу белгилаб берган тартибдан ўзгача йўсинда ибодат қиладиган насоролардир. Яхудлар ҳақни била туриб, амал қилишмагани учун Аллоҳ сұбханалунинг абадий газабига дучор бўлишди. Насоролар эса,

¹ Имом Термизий ривоят қилган ушбу ҳадисни асл матнидан кисқартириб олинди. Шунингдек, бошқа ҳадислар ҳам кисқартирилиб, мавзуга алоқадор ўринлари олинган бўлиши мумкин.


Банда бир эзгу амални қилаётганида, Аллоҳ сұбханалунинг кўриб туриши унга мукофот бўлишга кифоя. Агар бадавлат, ё мансабдор, ё ҳурматли киши бирон бир яхши иш қилаётганимизга қараб турса, қанчалик кучгайрат ва диккат билан қувониб қиласиз. Агар Аллоҳ сұбханалунинг кўриб туришини тасаввур этолганимизда, эзгу амалларни қилаётган пайтимизда қувончимиз ичимизга сигмаган бўларди. Агар Охиратда мукофот бўлмаса ҳам Аллоҳ сұбханалу Ўзи берган ризни, ё илмни, ё кучкуватни, ё мол-дунёни ҳақ йўлга сарфлаётганини кўриб, бандасидан рози бўлиб турса, шунинг ўзи ҳам етарли. Лекин Аллоҳ сұбханалу Охиратда мукофот ҳам беради.

Дунёда инсон инсонга яхшилик қилса, ундан миннатдорчилик кайтмаслиги, ўрнига ҳар хил маломатлар, яхшилигига ёмонлик кайтиши мумкин. Бундай нарсани инсондан кутса бўлади. Аммо Аллоҳ сұбханалу инсоннинг Парвардигор ризоси талабида қилган ҳар қандай амалига улкан мукофотлар беради.

Агар биз бирон яхшиликни Аллоҳ сұбханалунинг розилиги учун қилсак, уни, албатта, Қиёмат куни Рabbимизнинг хузурида топамиз. Бундай амалимиз бизга таниш-билиш, ака-ука, мол-дунё ёрдам беролмайдиган, умуман, ҳеч ким ва ҳеч нарса иш бермайдиган, ҳамма ғам-гуссага ботиб турган оғир соатда аскотади.

Куръони Каримда мўминларга жуда кўп ўринда намозни барпо қилишга ва закотни ўташга буюрилган. Зоро, намоз ва закот – шахсий ва ижтимоий ислоҳотларнинг асосий омиллариданdir.

Аллоҳ сұбханалу бу оят орқали дунё – мўмин киши учун Охиратга захира тайёrlайдиган ўрин бўлиши кераклигига ишора қилмоқда. Мусулмон киши "Аллоҳ сұбханалу" учун нимаики хайрли иш қилсам, Рabbимининг хузурида, албатта, мукофотини оламан. Одамларнинг кўришидан кўра Аллоҳ сұбханалунинг кўриб туриши кифоя", деган эътиқодни ўзига сингдириб, фарзлардан ташқари хайрли ишларни, нафл ибодатларни, садакотларни имкони борича кўпайтириши лозим. Зоро, Росууллоҳ сұлтаның атасынан да салам куйидаги ҳадисларида марҳамат қилдилар:




Абдуллоҳ ибн Масъуд анъу ривоят қилдилар: **Пайғамбар** сұлтаның атасынан да салам қайсинингиз меросхўрининг молини ўзининг молидан кўра яхшироқ кўради дедилар. Эй Росууллоҳ! Орамизда ҳаммага ўзининг моли яхшироқ, дейшиди. Росууллоҳ сұлтаның атасынан да салам Аллоҳ сұбханалунинг йўлига **армуғон этгани – ўзининг молидир. Асраб қўйгани** эса **меросхўрининг молидир дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

қилади. Қўшниси уни эшитиб, қанийди менга ҳам фалончига берилган нарса берилса, мен ҳам у амал қилганидек амал қилсам, дейди. Иккинчиси – Аллоҳ унга кўп дунё берган, у дунёсини ҳак йўлда сарф қилади. Бошқа бир киши қанийди менга ҳам фалончига берилган нарса берилса, мен ҳам у амал қилганидек амал қилсам, дейди. (Имом Бухорий ривояти)

Мана бу оятдаги *аҳли китоблар* калимасидан Бану Курайза ва Бану Назир қабилалари назарда тутилган. Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд рӯзгандарору ҳамда Абул Ҷолия ва Қатода ҳумуқлорулар бу оят "Тавба" сурасининг 29 – ояти билан мансух бўлган ва мусулмоннинг мусулмон биродарига билмасдан килган ишига бўлган афв қилиши қолган, деганлар. (Имом Байҳақий ривояти)

Куръони Карим мўмин кишини ёмонликка ёмонлик билан, ҳасадга ҳасад билан жавоб қилишга эмас, балки гўзал ахлоқлар сари боришга, кечиримли бўлишга унданомкда. Зоро, Аллоҳ субханаху әт таввоҳу мўминларнинг ўшандай кимсаларга тенг бўлишини хоҳламайди, балки унинг ўрнига бандаларини қўйидагиларга буюради:



110. *Намозни барпо қилинг ва закотни ўтанг! Ўзларингиз учун нимаики яхшиликни тақдим қилсангиз, уни Аллоҳнинг ҳузурида топасиз. Албатта, Аллоҳ сизлар қилаётган нарсаларни Кўриб тургувчидир*¹.

Эй мўминлар! Раббинизга ибодат қилинг! Ибодатнинг рамзи бўлган намозни ўз вақтида хушуь билан барпо қилинг! Мусулмонлар ичидаги камбағал ва мискинлар ҳаққи бўлган закотни Ислом шариати кўрсатган ўринларгагина ўтанг! Амалларингиз риё учун, хўжа кўрсинга бўлмасин! Ҳаётлик чоғингизда Аллоҳ субханаху әт таввоҳу яқин қиласидиган, Уни рози қиласидиган нимаики яхши иш қилиб, охиратнинг захира қилсангиз, савобларини Аллоҳ субханаху әт таввоҳунинг ҳузурида, албатта, топасиз! У ҳеч нарсани унутмайди! Унинг наzdida ҳеч қандай яхши амал зое бўлмайди! Одамлар бу дунёда савоб ишингизни кўрмаса, билмаса, ғамгин бўлманг! Аллоҳ субханаху әт таввоҳу ҳеч нарсадан гафлатда қолмайди! У барча амалингизни Кўриб тургувчидир! Аллоҳ субханаху әт таввоҳунинг кўриб туришини қуруқ гапдан бошқа ҳеч қандай мукофот беролмайдиган ожиз одамларнинг кўришига алиштирманг! Одамларнинг билмаслиги сизга зиён келтиргани каби билиши ҳам наф келтирмайди!

¹ Ушбу ояннинг тафсирини ўрганишда суранинг 3, 43 ва 96 – ояtlари тафсирига қайта мурожаат қилиш тавсия этилади.

жаҳолатлари сабабли ҳақни танимай кетиб, абадий залолатга юз тутишди. Бу оят билан Аллоҳ субханаху әт таввоҳу ана шундай гумроҳ кимсалардан қиласликни Ўзидан сўрашимизни таълим беради. Демак, мусулмон киши иймонининг пойдевори ҳақни билиш ва унга амал қилиш устига курилиши лозим.

Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ салаҳи вад имом гойрил магзууби алаиҳим ва лаззооллийн деса, амиин денглар. Кимнинг амиин деган сўзи фаришталарнинг амиин деган сўзига тўғри келиб қолса, ўтган гуноҳлари кечирилгай дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Ха, малоикалар бизнинг тўғри йўлда юришимизни чин дилдан истаганларидан бу сурани ўқиганимизда "амиин" дейишар экан. Кимнинг "амиин" деган сўзи – хоҳ ошкор, хоҳ махфий суратда бўлсин, фаришталарнинг "амиин" дейишига тўғри келса, унинг гуноҳлари кечирилар экан. Синъ сўзи "ижобат эт" деган маънони билдириб, уни ошкор ёки махфий айтиш борасида мужтаҳид уламолар ўртасида ихтилофлар мавжуд ва ҳар икки тарафнинг етарлича далиллари ҳам бор.

Куйидаги ҳадислар Аллоҳ субханаху әт таввоҳу "Фотиха" сурасини айрича хусусият билан нозил қиласига ишора қилади. Имом Термизий суннларида бу сурасининг фазилати ҳакида куйидаги ҳадисни келтирганлар:

Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ салаҳи вад руҳим қўлида бўлган Зотга қасамки, бунга ўҳшаш сура на Таврот, на Инжил, на Забур ва на Фурқонда нозил бўлган. У тақрорланувчи етти оятлик сура ва Менга берилган Буюк Куръондир дедилар.* (Имом Термизий ривояти)

Абу Хурайра رضي الله عنه *Росулуллоҳ салаҳи вад Аллоҳ субханаху әт таввоҳу намозни ўзим билан бандам ўртасида иккига бўлдим, бандамга сўраган нарласини бераман. Агар банда алҳамду лиллаҳи роббил ъаламиин деса, Аллоҳ субханаху әт таввоҳу бандам мени мақтади, дейди. Агар апроҳманир роҳим деса, Аллоҳ субханаху әт таввоҳу бандам менга гўзал исмларим билан мақтov айтди, дейди. Агар малики явмиддин деса, бандам мени Жазо кунининг ягона соҳиби деб улуғлади, дейди. Агар ийяка наъбуду ва ийяка насташин деса, бу мен билан бандам ўртасидаги иш дейди¹ ва бандамга сўраган*

¹ Изоҳ: Банда ягона Аллоҳ субханаху әт таввоҳуга ибодат қилиш учун яратилган. Ибодат эса кенг маънода бўлиб, ҳаётлинг барча тармокларини ўз ичига олади. Мазкур ояti карима банда тарафидан убудиятни, Аллоҳ субханаху әт таввоҳу тарафидан эса улухиятни ифодалайди.

нарсасини бераман, яни бандам мендан ихлос ва эътиқод билан сўрар экан, сўраган нарсаси – якка Аллоҳгагина ибодат қилиб, Ундангина мадад сўрашга муваффак киламан дейди. Агар банда иҳдинас сиротол мустақим. Сиротоллазина ањамта алаиҳим, гойрил магзуби алаиҳим вализозлишин деса, бу бандам учун хосдир. Бандамга сўраган нарсасини бераман дейди деганларини эшиитдим дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Демак, бу сурани намозда ўқиган чоғимизда, уни фоят чуқур тафаккур ва сидку ихлос билан ўқишимиз лозим бўлади. Агар бир эътиборли ёки мансабдор шахс олдида унинг шаънига баъзи мақтов сўзларни айтсан, бу сўзларимиз унга маъкул келиб "Жуда яхши гапирди", деб бизни мақтаса, қанчалар қувониб ғуурулнамиз! Энди инсон намозда бу сурани заифона суратда ўқир экан, Буюк Раббимиз Аллоҳ ^{сұбханалу} **Бандам мени мақтади, улуғлади** деб турса, у бундан ўзини йўқотиб, ибодатга гарқ бўлиб кетиши керак. Шунинг учун "Фотиха" сураси намозда ўқилганда ҳар бир оятни тафаккур билан алоҳида-алоҳида ўқиш тавсия қилинган. Росууллоҳ ^{сөзларига} ^{аллаху аллаху} намозда оятларни бўлиб-бўлиб ўқиганлари ривоят қилинади. Зоро, ҳар бир ўқилаётган оятга Аллоҳ ^{сұбханалу} ^{аллаху аллаху} унга жавоб айтиб турганини ҳис қилиб туриш керак.

Ибн Аббос ^{розвияллоу} ривоят қилдилар: **Жибрил** ^{алайхис-салам} **Росууллоҳ** ^{сөзларига} ^{аллаху аллаху} **нинг** **хузурларида ўтирган** чогида **устларидан** эшик очилганда эшиитиладиган овозга ўхаш бир овозни эшиитдилар, бошларини кўтариб, **бу осмондаги эшик, бугун очилди, илгари ҳеч очилмаган** эди. **Ундан бир** фаришта тушди, бу фаришта илгари ерга ҳеч тушмаган эди, салом берди ва **Сиздан олдинги** бирорта пайғамбарга берилмаган, аммо **Сизга берилган икки нур** билан мўминларни хурсанд қилинг. **Бу Фотихатул китоб ва "Бақара"** сурасининг хотимасидир. **Ҳар иккисидан бирор ҳарфни ўқиб,** Аллоҳдан сўрасангиз, албатта, бериласиз, дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Абдуллоҳ ибн Жобир ^{розвияллоу} ривоят қилдилар: **Росууллоҳ** ^{сөзларига} ^{аллаху аллаху} **Эй Абдуллоҳ ибн Жобир!** Сизга Қуръони Каримдаги энг яхши сурани айтами? дедилар. Мен, ҳа, эй **Росууллоҳ** ^{сөзларига} ^{аллаху аллаху} дедим. У – Алҳамду лиллаҳи роббил ғаламиш, уни тутатгунча ўқинг дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Абу Саид ибн Муъалло ^{розвияллоу} ривоят қилдилар: **Масжидда намоз ўқиётган** эдим, **Росууллоҳ** ^{сөзларига} ^{аллаху аллаху} мени чақириб қолдилар. Мен намоз ўқиётганим сабабли у кишининг чақирикларига жавоб беролмадим. Намозимни тутатгач, ул зотга узр айтиб: **Эй Росууллоҳ!** Мен намоз ўқиётган эдим, шунинг учун Сизга жавоб беролмадим дедим. Шунда

ўйламанг! Улар сизларни кофир қилмагунча хотиржам бўлишмайди! Динингиздан буриб ташламагунича тинчишмайди!" дегандек бўлади.

Каъб ибн Ашраф, Хуяй ибн Ахтоб, Абу Ёсири каби яхуд пешволари одамларни Исломдан буриб ташлашга жон жаҳдлари билан харакат қилишар эди. Улар Ухуд вақеасидан кейин мусулмонларга "Бошингизга тушган нарсадан ибратланинг! Йўлингиз ҳак бўлганида, урушда мағлуб бўлмас эдингиз! Мухаммадга эргашиши бас қилиб, бизга эргашинг!" дейишиди. Мана шу пайтда мазкур оят нозил бўлди.

Куфр, хусусан, яхуд ва насроролар ҳеч қачон Исломнинг кад ростлашини хоҳламайди. Улар мўмінларнинг иймон сояси остида баҳтли ҳаёт кечиришларини кўролмайди. Минг афсуски, мусулмонлар ўз айблари туфайли яхудларнинг мана шундай ҳасадгўйлик табиатидан то ҳануз зиён кўрмоқдалар.

Ҳасад – инсонни турли хил оғир гуноҳларга етаклайдиган мараз иллатdir. У инсонни била туриб ҳакиқатдан воз кечишига ундейди. Мана бу иллатга гирифтор бўлган кимса турли хил тузатиб бўлмас асабий ва маънавий қасалликларга ҳам дучор бўлади. Ҳасад қилинган киши ҳасадгўйдан ўлиб ҳам кутулмайди. Агар ўлганидан кейин ҳам одамлар хотирасида эзгу сифатлар билан қолса, ҳасадчи ҳасадини давом эттираверади. Ҳасадчидан Аллоҳ ^{сұбханалу}дан бошқа паноҳ йўқдир.

Ҳасад уч турга бўлинади:

1) Ҳасаднинг бу турига мансуб ҳасадгўлар бошқалардаги неъматни кўролмайди. Неъмат бошқада эмас, фақат ўзида бўлишини хоҳлайди;

2) Ҳасаднинг бу турига мансуб ҳасадчилар ҳам бошқалардаги неъматни кўролмайди. Аммо аввали турдаги ҳасадчилардан фарқли ўлароқ у неъматни ўзида бўлмаслигига ҳам рози. Неъмат ўзида бўлмаса ҳам майли. Муҳими, бошқаларда бўлмасин. Мана бу ҳасадчи қалбининг кўмирдек қорайиб кетганлиги аломатидир. Ислом ҳасаднинг мазкур икки турини ҳаром килди. Чунки, бундай ҳасаднинг замирида Аллоҳ ^{сұбханалу}нинг иродаси, қадарига норозилик кайфияти ётади;

3) Бу турдаги ҳасад Исломда мубоҳдир. Бошқалардаги неъматни кўриб, бошқаларда ҳам бўлиши ҳамда уларни ҳавас қилиб, ўзида ҳам бўлишини исташ – Ислом мубоҳ қилган ҳасаддир. Бу турдаги ҳасадни ҳасад дейишдан кўра ҳавас дейилса, маъкулроқ бўлади.



Абу Хурайра ^{розвияллоу} ривоят қилдилар: **Росууллоҳ** ^{сөзларига} ^{аллаху аллаху} **хасад қилиш йўқ,** магар икки қишига ҳасад қилиш дуруст. Уларнинг бири – Аллоҳ ^{сұбханалу} ^{аллаху аллаху} унга Қуръонни билдирган, у Қуръони Каримни туну кун тиловат

Мана бу оят дин масалаларида ҳаддан зиёд, кераксиз саволлар бериш бора-бора қуфр күчесига олиб чиқишига ишора қылмокда. Аллоҳ суъханаху въ да тавъю бу оят билан мўминларни яхудларга ўхшаб Росууллоҳ суъханаху въ да тавъю га у кишини айбситиб, кераксиз саволларни беришдан огоҳ этди. Саҳобалар Аллоҳ суъханаху въ да тавъю нинг мана бу ўгитига амал қилишди. Куръони Каримда факат ўн икки ўриндагина – **یسْلُوْنَكَ – сиздан сўрашади** деб келтирилган. Бу нарса саҳобаларнинг 23 йил мобайнида Росууллоҳ суъханаху въ да тавъю га номаълум бўлган нарсалар ҳакида атига ўн икки марта савол қилишганини кўрсатади.

Абдуллоҳ ибн Аббос رضي الله عنه **Рофиъ ибн Хуроймала ва Ваҳб ибн Зайд исмли яхудларнинг пешволари** "Эй Мұхаммад! Осмондан биз ўқий оладиган китоб тушуринг ёки анҳорларни оқизиб беринг, шунда сизга иймон келтириб, пайғамбарлигинизни тасдиқлаймиз" дейшиди. Шунда Аллоҳ мана бу оятни нозил этди дедилар. (Ином Табарий ривояти)

وَدَّ كَثِيرٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يَرَوْ دُوْتُكُمْ مَّنْ بَعْدِ إِيمَانِكُمْ كُفَّارٌ حَسَدًا وَمَنْ عَنِّيْدِ أَنْفُسِهِمْ مَّنْ بَعْدِ
مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ الْحَقُّ فَأَغْفَوْا وَأَصْفَحُوا حَتَّىٰ يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ
١٦١

109. Аҳли китоблардан кўпчилиги уларга ҳақ равшан бўлганидан кейин ич-ичларидан ҳасад қилиб, сизларни иймон келтирганингиздан сўнг яна коғирликка қайтаришини хоҳлашади. Аллоҳ Ўз амрини келтиргунига қадар уларни афв этинг ва кечиринг! Албатта, Аллоҳ барча нарсага Қодирдир.

Эй мўминлар! Аҳли китоблар сизларни иймондан, тавхиддан буриб ташлашни мақсад қилишади! Улар сизларни коғир килмагунча тинчишмайди! Сизларни тўғри йўлга бошлаш ёки бошқа эзгу мақсад билан эмас, балки Ислом келиб, ҳақ зоҳир бўлиб, Мұхаммад صلی اللہ علیہ وَا سلّم – Тавротда сифатлари келган сўнгти пайғамбарлиги, Куръони Карим – Аллоҳ суъханаху въ да тавъю нинг қаломи экани аниқ равшан бўлгач, сизларга ҳасад қилиб шундай йўл тутишади! Агар Аллоҳ суъханаху въ да тавъю хўжмларини ҳаётингизга татбиқ этсангиз, устларидан хўжрон бўлишингизни билишади! Бу нарса уларга тинчлик бермайди! Аллоҳ суъханаху въ да тавъю сизларни иймон неъмати билан мушарраф айлаганидан сўнг, бирингизни бошқангиз билан уруштириб, ораларингизга фитна солиб, турли хил макрлар қилишади! Улардан юз ўгирилган! Бундай жоҳил ҳасадчилар билан тенг бўлманг! Улар билан овора бўлиб, қимматли вақтингизни беҳуда кетказманг! Аллоҳ суъханаху амри келгунга қадар ўз йўлингиздан оғишмай давом этинг! Уларни эса кечириб қўя қолинг! Аллоҳ суъханаху барча нарсага, жумладан, ўша ҳасадгўйларнинг барча кирдикорларини даф қилишга, уларни бир лаҳзада ер билан яксон қилишга Қодирдир!

Мана бу оядаги **коғирликка** қалимаси ғоят дикқатга моликдир. Аллоҳ суъханаху гёё "Эй мусулмонлар! Сизлар аҳли китоблар билан баъзи нарсаларда муроса қилиб, кейин ўз билганимизни қилаверамиз деб

Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وَا سلّم **Аллоҳ Куръони Каримда агар Аллоҳ ва Расули сизларни жонлантирадиган нарсага чақирса, лаббай денглар!** демаганими?! дедилар, сўнгра сизга масжиiddан чиқиб кетмасингиздан аввал Куръондаги энг улуғ сурани ўргатаман дедилар. Кейин қўлимдан ушладилар. Масжиiddан чиқмоқчи бўлиб турган пайтларида, мен Эй Росууллоҳ! Куръондаги энг улуғ сурани масжиiddан чиқмасингдан ўргатаман демадингизми? дедим. Куръондаги энг улуғ сура "Алҳамду лиллаҳи роббил ъаламиин". У етти **Масоний ва менга берилган улуғ Куръон** сурасидир дедилар. (Ином Бухорий ривояти)

Аллоҳ суъханаху въ да тавъю нинг мадади билан Куръони Каримнинг дастлабки сурасини бақадриҳол баён қилишга ҳаракат қилди. Оламлар Тарбияткунандасидан Унинг Мехрибон, Раҳмли ва Жазо кунининг Эгаси сифатларини васила қилиб, барчамизга бу муборак суранинг маъноларидан наф олишга муваффақ қилишини, барчамизни Куръони Карим хидоятидан четлатмаслигини ва сўнгти оятда зикр қилинган: **газаб қилинганд** ва **адаишганлар** қаторида бўлиб қолишдан саклашини сўраб қоламиз.

Бу бизнинг билганимиз, илм эса Аллоҳ суъханаху нинг ҳузуридадир, Унгагина суюнurmиз ва Унгагина илтижо қилурмиз. Дуоларимиз сўнгтиси – оламлар Тарбияткунандаси Аллоҳга мақтовлар бўлсин! Амин.

بعون اللہ تعالیٰ مفت تفسیر سورة الفاتحة
Аллоҳ суъханаху **мадади билан "Фотиха"**
сурасининг тафсири тамом бўлди

«БАҚАРА» сураси سورة البقرة

Куръони Карим суралари ичида тартиб бўйича иккинчи, нозил бўлиш тартиби бўйича 87 – бўлган "Бақара" сураси Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وَا سلّم Мадинаи Мунавварада нозил бўлган. У Куръони Карим суралари ичида ҳажм жиҳатидан энг каттаси бўлиб, 24 варакдан ёки 286¹ оятдан ёки 6121 та калимадан ёки 25500 та ҳарфдан ташкил топган.

Абдуллоҳ ибн Аббос, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр رضي الله عنه каби саҳобалар ҳамда Ҳасан Басрий, Мужоҳид, Икрима ва Қатода رضي الله عنه-лар каби тобиъинлар "Бақара" сураси Мадинаи Мунавварада нозил бўлган дастлабки сурадир деганлар.

¹ Куфалик уламолар ҳисоби билан

Аллоҳ *сұханаху* да муборак суранинг дастлабки 1 – 20 – оятларида Қуръони Каримнинг ҳидоят китоби эканини баён қилади, ҳамда пайғамбарлар, гайб ва Қиёмат куни каби иймоннинг асосий бандларини изоҳлади. Башариятни бу бандларни қабул қилиш ёки қилмаслигига қараб уч тоифага: мўминлар, коғирлар ва муноғиқларга бўлиб, уларнинг сифатларини ёритади ва одамтарнинг бахтли ва бадбаҳт кимсаларни ажратиб олишлари учун иймон, куфр ва нифоқ ҳақиқатини ажаб бир суратда баён қилади.

30 – 39 – оятларда Одам *алайхис-салом*. Аллоҳ *сұханаху*нинг ердаги халифаси этиб тайинланиши, у кишининг жаннатдаги ҳаёти ва шайтонга алданишлари оқибатида ерга туширилиши, сўнгра Аллоҳ *сұханаху*га тавба қилишлари келажак умматларга ибрат бўлиши учун кисса қилинади.

Куръони Карим Маккаи Мукаррамада нозил бўлган чокда эътиборни асосан мушриклар томонга қаратган. Мадинаи Мунавварада нозил бўлган чокда эътиборининг бир қисмини умумий суратда тавҳид, ваҳий, пайғамбарлик ва бошқа шу каби шаръий тушунчалар билан таниш бўлган аҳли китоблар – яхуд ва насороларга қаратди.

Мадинаи Мунавварада яхудлар мусулмонлар билан ёнма-ён, қўни-кўшни бўлиб яшар эди. Ислом келишидан илгари яхудлар ўзини пайғамбарлари Мусо *алайхис-салом* олиб келган шариатга иймон келтирган қилиб кўрсатишар эди. Аслида эса Мусо *алайхис-салом* олиб келган диндан бурилишган ва асрлар давомнида ҳеч қандай илоҳий асосга ёки Тавротдан бирон бир исботга таянмаган ҳар хил эътиқод ва одатларни тўқиб чиқариб олишган эди. Бу ҳам етмаганидек, улар Аллоҳ *сұханаху* туширган муқаддас китобларини ўзгартиб ёки қискартириб, сўнг ўзлари ўзгартирган нарсани Аллоҳ *сұханаху*нинг каломи деб даъво қилишга ҳам журъат этишди. Уларни ботил йўлларидан қайтариб, тўғри йўлни танитиш мақсадида келган ҳар қандай кишига ашаддий душман бўлиб, динларини ҳам миллатларига мослаб-хослаб олишди.

Мадинаи Мунаввара ва унинг теварагида яшайдиган аҳли китоблар, шундай аҳволда турганида, Росулуллоҳ *сұханаху* ҳижрат қилиб келдилар. Уларни ҳамма пайғамбарлар чақирган умумий ягона манҳаж – Аллоҳ *сұханаху*ни ибодатнинг барча турларида яккалашга чорловчи саҳиҳ ақидага даъват қилдилар. Аллоҳ *сұханаху* Куръони Каримдаги энг узун бу суранинг деярли учдан зиёдроқ қисмини аҳли китобларга қаратиш билан -валлоҳу аълам- мўминларни аҳли китоблар, хусусан, яхудлардан Ислом дини учун хатарли ва заарарли макр-хийла, ёлғончилик, хиёнат, аҳд бузиш каби яхудларга хос бузук ва қабиҳ табиатлардан огоҳ этишни иродга қилган бўлса керак.

40 – 120 – оятларда Мусо *алайхис-салом* билан қавмлари Бани Исройил ўртасида кечган воқеалар хикоя қилинади, ҳамда аҳли китобларни Аллоҳ *сұханаху*нинг ҳидоятига иймон келтиришга, Уни инкор этиш билан

деган андишада Ислом ҳукмларининг баъзисига риоя қилмай туришни афзал санашади.

Мусулмон киши унга Аллоҳ *сұханаху*дан бошқа дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқлигини яхши билиши лозим. Ўзига Аллоҳ *сұханаху*нингина дўст ва кўмакчи деб билган мусулмоннинг ҳаёти азизликда ўтади. Агар у Аллоҳ *сұханаху*дан ўзгаларни дўст ва кўмакчи деб билса, боши хорлиқдан чикмай ҳаёт кечиради. Мўминлар ҳар қанча қаршилик ва тазйикларга дучор бўлишмасин, агар Ислом ҳукмларига мунтазам амал қиласалар, уларга Аллоҳ *сұханаху* тарафидан давомий суратда нусрат келиб туради. Агар “донолик” қилиб, Аллоҳ *сұханаху*нинг ҳукмларини бузишса, унда илоҳий ёрдамдан маҳрум бўлишади.

Росулуллоҳ *сұханаху*нинг замонларида янги иймон келтирган, иймони заиф баъзи мусулмонлар аҳли китобларнинг найрангларига алданиб, уларнинг ёрдамларидан умидвор бўлиб, баъзи гапларидан таъсирланиб қолишар эди. Бу оятда Аллоҳ *сұханаху* мўминларга хитоб қилиб, бутун борлиқнинг эгаси ёлғиз Ўзи эканини, чин мўминларга Ўзидан бошқа дўст ва мададкор ҳеч қачон бўлмаслигини баён қилиб, ғайридинларнинг найрангларига алданиб, улардан ёрдам кутмаслик кераклигини таълим бермоқда.

أَمْرُرِبُونَ أَنْ شَكَّلُوا رَسُولَكُمْ كَفَاسِلَ مُوْسَى مِنْ قَبْلٍ وَمَنْ يَتَبَدَّلْ لِلْكُفَّارُ بِالْإِيمَانِ فَقَدْ ضَلَّ سَوْءَ الْسَّبِيلِ ﴿١٦﴾

108. Балким пайғамбарингиздан илгари Мусо *сұралғанидек* сўрашни истарсиз?! Ким иймонга куфрни алиштирса, тўғри йўлдан аллақачон адашибди.


Эй мусулмонлар! Бани Исройил Мусо *алайхис-салом*-га "Аллоҳ *сұханаху*ни ошкора кўрсатмагунича иймон келтирмаймиз", деган эди. Сизлар ҳам худди Бани Исройил Мусо *алайхис-салом*-дан сўраганидек, пайғамбарингиз Мухаммад *сұханаху*дан имкониятига сигмайдиган, қўлидан келмайдиган нарсаларни сўрашни истайсизми?! Яхудларнинг тутмишини тутмоқчимисиз?! Уларга ўхшаб адашиб, гумроҳ бўлишни истайсизми? Ахир бунинг оқибати куфр-ку! Ким бундай қилса, ҳақиқат ва најот йўлидан жаҳолат ва ҳалокат йўлларига ўтиби! Ўзини Аллоҳ *сұханаху*нинг азобига қўндаланг қилиб, абадий зиёнга юз тутиби! Ким иймондан кўра куфрни, ҳидоятдан кўра залолатни афзал кўрса, абадий саодатга олиб борувчи Ислом йўлидан буткул адашибди!

Демак, Ислом шариати қолиб, турли туман ажнабий иборалар билан аталадиган куфр йўлларини танлаганлар, Куръони Карим ҳидояти туриб "Дунёвий, замонавий йўлдан борамиз", деганлар, якка Аллоҳ *сұханаху* сигинишни қўйиб золим ва тугёнкорларга сигиниб, уларнинг буюртмасига мос қилиб Аллоҳ *сұханаху*нинг ҳукмларини бузётганлар тўғри йўлдан аллақачон адашибди.

билағонлик қылған “доно”ларнинг “саодат қомуслари”ни маъкул кўрганлар ҳаётда накадар “баҳтли” бўлишгани кўрга ҳам аён.

Аллоҳ ^{сұханаху} инсониятни ҳақиқий саодатга етакловчи қонун – Қуръони Каримни нозил этди. Ҳудди табиб беморнинг аҳволига қараб муолажаларни ўзгартиргани каби Аллоҳ ^{сұханаху} дастлаб инсонинг тоқатига яраша нозил қылған баъзи оятларни бекор қилиб, ўрнига ҳукми мукаммалроқ, ундан фойдалироқ оятларни нозил этди. Зеро, Пайғамбарлар ҳам қалб табибларидири. Чунончи, Росууллоҳ ^{сөзләжүү}_{салим} ширк ва жаҳолат касаллуклари билан хасталанган миллатни Аллоҳ ^{сұханаху} нинг мадади билан 23 йил мобайнида даволаб бордилар. Бу вакт мобайнида Аллоҳ ^{сұханаху} Росууллоҳ ^{сөзләжүү}_{салим} орқали умматнинг эҳтиёжига ва вактнинг тақозо этишига қараб, керакли бўлган қуръоний малҳамларни юбориб турди. Демак, инсон ўзининг бошқарувини Тангрининг ихтиёрига топширмоги лозим. Зотан Аллоҳ ^{сұханаху} инсонга нима манфаатли ва нима зарарли эканини яхши билади. У бандаларини манфаатли бўлган эзгу ишларга буюриб, зарарларидан қайтаради.

Демак, Аллоҳ ^{сұханаху} бир оятни мансух этиб, бекор қилса, инсонга унинг ўрнига ундан кўра ажри ва манфаати кўпрогини нозил этади. Зеро, фақат Угина инсон салоҳиятига мос қонунлар әгасидир.



107. Еру осмонлар әгадорлиги Аллоҳга хослигини ва сизларга Аллоҳдан ўзга бирон дўст ва ёрдамчи йўқлигини билмайсизми?

Эй мўминлар! Нима учун Аллоҳ ^{сұханаху}дан ўзгаларга суянасиз?! Нима учун ўзгалардан ёрдам кутасиз?! Нима учун яхуду насоролар қўмагидан умидвор бўласиз?! Улар сизга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам эмас! Сизларга ҳолатингизни риоя қилиб, бошингизга кулфат тушганда ёрдам берадиган, фойдангизни кўзлаб иш юритадиган, ёмонликни даф этадиган Аллоҳ ^{сұханаху}дан ўзга дўст ҳам ёрдам берувчи ҳам йўқлигини билмайсизми?! Зеро, еру осмонлар Эгаси сизларга нима билан ҳукм қилиш кераклигини Билувчиdir!

Ер юзида ҳеч ким, ҳатто энг катта золимлар ёки давлати билан тугён қилаётган бадавлат кимсалар ҳам еру осмонлар әгадорлигига даъвогар бўйлмайди. Бутун коинотнинг ёлғиз Эгаси Аллоҳ ^{сұханаху} хоҳлаганини бой, хоҳлаганини камбағал, хоҳлаганини касал, хоҳлаганини соглом, хоҳлаганини баҳтли, хоҳлаганини баҳтсиз қилади. У қылған бирон ишидан сўралмайди. Демак, У хоҳлаган нарсани хоҳлаган пайтда хоҳлаганидек ҳукм қилади.

Дунёда Аллоҳ ^{сұханаху} билан дўст бўлиб, Унинг қўмагидан баҳраманд бўлишдан кўра Ислом душманлари билан дўст бўлишни афзал кўрган “мўмин”лар кўп. Улар Исломнинг ашаддий душманлари ёки мутлак динсиз кимсалардан келаётган ёрдам ва муруvvat узилиб қолмасин,

коғир бўлиб қолмасликка чақирилади, уларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги аҳволлари қаттиқ танқид қилинади.

121 – 141 – оятларда Аллоҳ ^{сұханаху} яхудларни пайғамбарлари Мусо ^{алайис}_{салом} ни жўнатган Зот томонидан хидоятни олиб келган Муҳаммад ^{сөзлажүү}_{алайис}_{салам} – яхудлар “ворисларимиз” деб кўкларга кўтариб, ўзларини унга издош қилиб кўрсатаётган Иброҳим ^{алайис}_{салом} нинг авлодидан эканлари баён қилинади, сўнг Иброҳим ^{алайис}_{салом} нинг имтиҳон қилинишлари ҳамда якинда мусулмон умматининг қибласига айланадиган Каъбаи Муаззаманинг қурилиш тарихи айтиб ўтилади.

142 – 152 – оятларда мусулмонлар қибласининг Байтул Мақдисдан Каъбаи Муаззама томон бурилиши ва бу воқеа остида умматлар ўртасидаги етакчилик энди Бани Исройлдан мусулмон умматига ўтишидек рамзий маъно борлигининг баёни келади.

Росууллоҳ ^{сөзлажүү}_{салам} саҳобалар билан бирга Маккай Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага хижрат қилдилар. Ансорлар у кишини тарихда мисли қўрилмаган эҳтиром ва шодиёналар билан кутиб олишди. Бу ҳол динларини саклаб қолиш максадида атрофдан хижрат қилиб келган мусулмонларнинг ансорлар¹ кўмагида Мадинаи Мунавварада исломий давлатни барпо этишлари билан натижаланди. Исломий давлатнинг барпо этилиши мусулмонларнинг ўзаро муносабатлари, шахсий ва ижтимоий аҳволлари, умуман, ҳаётнинг барча тармоқларини идора этадиган мукаммал низомга эҳтиёж туғдириди. Шунинг учун бўлса керак, Мадинаи Мунавварада дастлаб нозил бўлган бу суранинг 152 – 242 – оятларида кўплаб эътиқод, ибодат, муомала, ахлоқ каби исломий ҳукмлар ҳам баён қилиниб, жумладан, ҳалол-ҳаром, қасос олиш, васият, рўза, жиход, ҳаж, умра, никоҳ, талок, оила, идда, эмизиклик даври, судхўрлик каби бир катор шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар кенг кўламда ёритилган.

243 – 260 – оятларда Бани Исройл қавмининг улуғлари билан қавмнинг орасидан танланган солиҳ подшоҳ Толут ўртасида бўлиб ўтган воқеалар, Иброҳим ^{алайис}_{салом} билан нодон подшоҳ воқеаси, сўнгра Аллоҳ ^{сұханаху} юз йилга ўлдириб, сўнг тирилтирган кишининг киссаси келтирилади.

261 – 283 – оятларда Аллоҳ ^{сұханаху}нинг йўлида инфоқ қилишгага, инфоқ қилганда ҳам яхши нарсаларни маҳфий суратда инфоқ қилишгага, сўнгра миннат ёки риё қилиб қўймасликка ажиб мисоллар билан тарғиб қилинади. Сўнг судхўрликдан қаттиқ суратда қайтарилиб, ҳатто Аллоҳ ^{сұханаху} ва Расули томонидан судхўрга уруш эълон қилиш даражасигача

¹ Расууллоҳ ^{сөзлажүү}_{салам} нинг Мадинаи Мунавварага хижрат қилиб келишларига қадар ва ундан кейин у кишига иймон келтирган маҳаллий мусулмонлар

борилади ва мусулмонларнинг бир-бирлари билан бўладиган олди-берди муомалаларини идора этувчи ҳукмлар баён қилинади.

284 – 286 – оятларда мўминларнинг Аллоҳ *субханаху*дан хатоларига магфират сўраб, уларни кофирлар устидан ғолиб қилишини тилаб ёлворишлари билан "Бақара" сураси ниҳоясини топади.

Мусо *алайхис-салам*- даврларида Бани Исройл қабиласида қотиллик юз беради. Одамлар қотилнинг кимлигини тополмай, Мусо *алайхис-салам*- хузурларига келиб, ул зотдан қотилнинг кимлигини билиб беришни сўрашади. Мусо *алайхис-салам*- Аллоҳ *субханаху*га илтижо қилганларида, Аллоҳ *субханаху* бир молни сўйиб, унинг бир бўлаги билан мақтулни уришга буюради. Шундай қилинганида, у тирилиб, қотилининг исмини айтиб бериши лозим эди. Лекин моддий нарсаларгагина ишониб яшаган одамларга бу гап гайритабиий туюлди ва Мусо *алайхис-салам*- дек улуг пайгамбарнинг бўйруқларига итоат этишмасдан: "Устимиздан кулманг, наҳотки молнинг бир бўлаги билан урилса, мурда тирилиб, қотилини айтиб беради?! Бу қанақа мол ўзи, у қандай кўринишда бўлиши керак? Унинг афт-ангори қандай?!" каби саволларни кўпайтиришди. Ортиқча саволларни кўпайтиришгани учун Аллоҳ *субханаху* ҳам уларга машаққатни кўпайтириди. Иншооллоҳ, бу воқеа ўз ўрнида муфассал шаклда ёритилади. Ана шу воқеа ҳақидаги ҳикоя бу суранинг 67 - 73 – оятларидан ўрин олгани ва у келажак авлодларга ибрат бўлиши учун бўлса керак -валлоҳу аълам- сура "Бақара" яъни Сигир деб номланган.

Абу Хурайра *رضي الله عنه* ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* *соллаилуу* *الله علیه السلام* **уйларингизни ўристонга айлантирманг!** Шайтон "Бақара" сураси ўқилаётган **уйдан қочади дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Абу Умома *رضي الله عنه* *Росулуллоҳ* *соллаилуу* *الله علیه السلام* **нинг "Бақара"** сурасини ўқинглар, уни ўрганиб **олиш баракотdir, тарқ қилиш ҳасратdir, сехгарлар уни ўрганишга қодир бўлмайди деганларини эшиитдим дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Абдуллоҳ ибн Масъуд *رضي الله عنه* шайтон бир уйда "Бақара" сураси ўқилаётганини эшиитса, ундан чиқиб кетади дедилар. (Имом Доримиий ривояти)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МЕХРИБОН, РАҲМЛИ АЛЛОҲ НОМИ БИЛАН БОШЛАЙМАН



1. Алиф, Лом, Мим.

Куръони Каримда 29 та сура «Хуруфи муқаттаёт» – алоҳида ҳарфлар билан бошланган бўлиб, "Бақара" сураси уларнинг

Яхудлар Аллоҳ *субханаху*нинг ҳукмларида насх қилиш усули борлигидан боҳабар эди. Улар Одам *الله علیه السلام*-га дастлаб ўғилларини қизларига никоҳлашга рухсат берилиб, сўнг бу рухсатнинг бекор қилинганини ёки Иброҳим *الله علیه السلام*-га ўғилларини сўйишга фармон қилиниб, сўнг бу фармоннинг бекор қилинганини Тавротдан билишар эди. Шунга қарамай "Муҳаммадни қаранг! Асҳобларига бугун бир ишни буюриб, эртасига ундан қайтаряпти. Бугун бир гапни айтиб, эртасига айтган гапидан қайтаяпти. Бу Куръон Муҳаммаднинг ўзи тўқиб айтаётган, поима-пой гапи, холос", дейишиди. Шунда Аллоҳ *субханаху* мана бу оятни нозил этди.


Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги баъзи ривоятларга кўра, *Росулуллоҳ* *соллаилуу* *الله علیه السلام* Исломнинг аввалидан тортиб, то хижратдан 16 ой ўтгунга қадар Бани Исройл пайгамбарларининг қибласи бўлган Байтул Мақдисга қараб намоз ўқир эдилар. Яхуд ва насоролар *Росулуллоҳ* *солلايلوو* *الله علیه السلام*-га умуман қарши бўлишса-да, баъзан "Бизнинг қибламизга қараб намоз ўқияпти-ку", деб ўзларига тасалли беришар эди. *Росулуллоҳ* *солلايلوو* *الله علیه السلام* Каъбаи Муаззамага мусулмонларга қибла бўлишини орзу килар эдилар. Бироқ, пайгамбарона одоб билан Аллоҳ *субханаху*дан сўраб дуо қилишдан тортинар эдилар. Аллоҳ *субхانаху*нинг амри билан *Росулуллоҳ* *солلايلوو* *الله علیه السلام* ва саҳобалар Каъбаи Муаззамага қараб намоз ўқий бошладилару аҳли китобларнинг қиёмати қойим бўлди. Улар мусулмонларни асл ақидаларидан буриб ташлаш ва иймонларидан қайтариш максадида Исломга қарши ҳар хил фитна ва найранглар қўзғаб, маломат тошларини ота бошлиди. Мусулмонларга "Байтул Мақдисга қараб ўқиган намозларингиз нима бўлди? Бугун бир томонга қараб ўқиб, эртасига бошқа томонга қараб ўқиши, бу қанақаси? Нега энди дабдурустдан Байтул Мақдисдан Каъбага қараб бурилдингиз?" деб чалғитишигда уринишди. Улар масаланинг моҳиятини билишмас эди. Зоро, Байтул Мақдисга қараб намоз ўқишига буюрган Аллоҳ *субханаху* Каъбаи Муаззамага қараб ўқишига буюрган эди.

Дунёда ҳам одамларнинг баҳти ҳаёт кечириши учун айрим "доно" кимсалар ойда-йилда маълум бир вақт тўпланиб, "халқ номидан" ўзларича "қонунлар"ни тузишади. Бироқ бу "қонунлар" ҳаётда ўз аксини топмай маълум бир фурсатни ўтказгач, яна ўша "донолар" томонидан ямок солиниб, унга кўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Эришилган натижа – бемаъни қонунларнинг шакли ўзгаради, холос. Ундай "қонунлар" факат амалдорлар ва уларнинг қилмишлари учун иш беради, бошқаларга эса сариқ чакача наф келтирмайди.

Аллоҳ *субханаху* томонидан юборилган қонунлар, бошқаларникидан фарқли ўлароқ, ҳаётда ўз аксини топди. Уларни ҳаётига татбиқ этганлар шундай буюк саодатга эришдиларки, уларнинг ҳаётини минг йиллардан сўнг ҳам орзу қилинадиган бўлди. Унинг қонунларини маъқул кўрмай,

саломлар, Ислом даъватининг ер юзида тарқалишига сабабчи бўлган саҳобаларга Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо*нинг ризоси ва раҳматлари бўлсин.

Аллоҳ улуғ фазл эгасидир. Бу оят Ислом шариатидан кўра улуг фазл, унинг хизматкори бўлишдан кўра катта шараф ва марҳамат йўқлигига ишорадир. Агар Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* бир кишини Ислом даъватига хизматкор қилган бўлса, унга оламдаги энг катта фазлни берибди. Энди унинг шаънига бошқа мақтovларнинг хожати йўқ. Чунки, Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* Ўз динининг даъватига бутун дунё одамлари ичидан уни танлаб олганининг ўзи у учун энг катта шараф ва фазл бўлишга кифоя қиласди. Ер юзидаги шунча одам ичидаги менинг қайси бир амалим Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо*га манзур бўлибдики, Ислом даъватини ёйиш, одамларга етказишидек улуг бахтни менга рано кўрибди, деб кувониши керак. Ислом даъвати шундай улуг фазлки, Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* уни ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Банда агар ўз ҳолатини ўзгартиришга уринмаса, Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* унинг ҳолатини ўзгартирмайди. Банда чин дилидан Исломнинг хизматкори бўлиш умидида бўлсагина, Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* уни бу фазлга мушарраф қиласди. Агар Ислом даъватини дунё йўлига ишлатмоқчи бўлса, унга истаган нарсасини беради, аммо даъватнинг таъсир кучи йўқолади. Инсон Ислом орқали соҳта обрўларга эришиш ёки дунё кўпайтириш йўлига ўтса – унинг расво бўлганидир.



106. *Бирор оятни мансух қислак ёки уни уннуттирасак, ўрнига ундан яхширогини ёки унга монандини келтирамиз. Аллоҳ ҳар бир нарсага Қодир эканини билмайсизми?*

Эй Мұхаммад *сұлтаның!* Агар бирор ҳукмни ифодаловчи оятни мансух – бекор қислак ёки бирон бир маънени ифодаловчи оятни Сизнинг ва мусулмонларнинг ёдидан кўтарсан, улардан машакқатни кўтариш ва ажру савобни кўпайтириш билан ўрнига ундан яхширогини, ҳозирда ҳам, келажақда ҳам мўминларга фойдаси кўпроғини ёки ҳеч бўлмаганда ўшанга монанд бошқа бир оятни нозил этамиз. Аллоҳ ҳар бир нарсага, истаган нарсасини ҳукм қилишга, истаган нарсасини бекор қилишга Қодир эканини билмайсизми?

Шариат истилоҳида насх – Росулулоҳ *сұлтаның* нинг ҳаётлик даврларида бир оятнинг ҳукми ва тиловати ёки ҳукмнинг ўзи кейинроқ нозил бўлган бошқа оят билан бекор бўлишидир. Мансух бўлган оятлар тавҳид ва ўтган умматлар ҳақида ҳикоя қилувчи оятлардан бошқасида бўлади.

Имом Шофиий *хумуқи*-дан бошқа уламолар Қуръони Карим оятларининг сахих ҳадислар билан ҳам бекор бўлишига иттифоқ қилишган. Зоро, Росулулоҳ *сұлтаның* ҳам ўз ҳоҳишлиаридан гапирмайдилар. Ул зотнинг сўзлари ҳам Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* томонидан қилинган ваҳийдир.

биринчисидир. Муфассир уламолар бу ҳарфларга турлича изоҳлар беришган. Биз қуйида улар ичидаги қўпчилик муфассир уламолар томонидан маъқулланган иккита энг машҳурини келтириб ўтамиш.

1) Аксар муфассир уламолар "Бақара" сурасининг биринчи ояти муташобиҳ оятлардан, бу Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо*нинг мўъжизаси, унинг тафсири борасида, ҳатто Росулулоҳ *сұлтаның* дан ҳам бирон ривоят сабит бўлган эмас, инсон уни изоҳлашга ожиз. Бу ҳарфлардан нима муродлиги Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо*нинг Ўзигагина аён, деганлар. Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Абдулоҳ ибн Аббос ва Абдулоҳ ибн Масъуд *рөъиятлор*лар шу фикрда бўлишгани ривоят қилинган.

2) Одамлар тупроқдан турли ҳайкал ва шакллар ясади. Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* эса ундан инсондек олий бир ҳилкатни яратди. Одамлар худди шунга ўхшаш ҳарфлардан ҳар хил ҳикоя, эртак ва қиссалар яратади. Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* айни шу одамлар кўллаётган оддий ҳарфлар билан Қуръони Каримни нозил қилди ва шу оддий ҳарфлардан Қуръони Каримдек буюк мўъжиза вужудга келди. Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо*нинг мана шу оддий ҳарфлардан Қуръони Каримдек мўъжизани тушириши бамисоли оддий тупроқдан инсон ва бошқа жонзорларни яратиш мўъжизасига ўхшайди. Агар бир киши "Инсон билан ҳайкал ўргасида ҳеч қандай фарқ йўқ" деса, унинг мутлақ беакл эканлиги маълум бўлади. "Одамлар томонидан ёзилган ҳикоя ва эртаклар билан Қуръони Карим ўргасида нима фарқ бор?" деган кимсанинг нодонлиги "Ҳайкал билан инсон ўртасида нима фарқ бор?" деган одамнинг нодонлигидан кам бўлмайди. Қуръони Каримнинг Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* томонидан нозил бўлганига шубҳа қилганлар, қани, шу оддий ҳарфлардан мана шу китобга ўхшашини яратсинлар-чи!

Суранинг аввалидаги бу ҳарфлар бизга ишоратан "Бу Қуръони Карим сизлар билган ҳарфлардан ташкил топган. Сизлар бу ҳарфлардан ҳикоя ва эртаклар ёзасиз. Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* бу ҳарфлардан Қуръони Каримни нозил этди. Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо*нинг тирик мавжудотларида қанча мўъжизалар бўлса, Қуръони Каримдаги мўъжизалар ҳам бундан кам эмас", демоқда.



2. *Бу китобнинг Аллоҳ тарафидан нозил бўлганида шак-шубҳа йўқ, у тақвадорлар учунгина ҳидоят китобидир.*

Ўтган умматлар қиссалари, панд-насиҳат, ҳукм ва қўрсатмалар жамланган, гумроҳликдан халос этиб, эзгуликка йўллайдиган бу улуг китоб – Қуръони Карим Аллоҳ *сұбханаху әәт таъвудо* тарафидан пайғамбаримиз Мұхаммад *сұлтаның!* га нозил қилинган бўлиб, унга ҳеч қандай шак-шубҳа йўл топа олган эмас.

– шубҳа йўқ – инкор юкламаси бўлиб, бу ўринда том маънени, яни Қуръони Карим одамлар томонидан аксарият ҳолда таваккал ё тахмин ёхуд ёлғонга асосланиб ёзиладиган, ҳатто муаллифларнинг ўзи

ҳам келтирган назарияларининг тўғрилигини қатъият ила таъкидлашга ҳар канча уринишмасин, ишонмасдан ёзадиган китобларга ўхшаш эмаслигини билдиради. Зоро, Куръони Карим ҳамиша Ҳақ Зот томонидан барҳак пайгамбарга "Аллоҳ сұбханалу да таваъу" коинот ва ундағи барча маҳлүқотнинг ёлгиз Тарбияткунандаси", деган бирламчи ҳақиқатга асосан нозил қилингандын китобдир. Шунинг учун унда шубҳа деган нарсанинг бўйи ҳам топилмайди.

Ҳудоят – ҳидоят калимаси тўғри йўл ва унга бошлаш маъноларини билдиради. Бу ўринда у умумий маънода бўлиб, Куръони Каримнинг одамларни дунё ва охиратдаги барча эзгу ишларга, баҳт-саодат йўлига йўллайдиган, ҳақни ботилдан ажратиб берадиган ягона дастур эканига ишора қилинмоқда. Лекин у кимлар учун ҳидоят бўлади? Такво ўзи нима?

Умар ибн Хаттоб Убай ибн Каъб розвияллоҳу шу саволни берганларида Убай ибн Каъб розвияллоҳу тиканли йўлда юрганмисиз? дедилар. Умар ибн Хаттоб розвияллоҳу ҳа, юрганман дедилар. Убай ибн Каъб розвияллоҳу ўшанда нима қилгансиз? дедилар. Умар ибн Хаттоб розвияллоҳу эҳтиёт бўлиб, биронта ҳам тиканни босиб олмасликка ҳаракат қилганман дедилар. Убай ибн Каъб ҳудди ана ўша тақводир дедилар.

Аллоҳ сұбханалунинг ризосига олиб борувчи йўлда инсон жуда кўп тиканларга дуч келади. Одамларни дин йўлидан тўсадиган тиканлар, турли алдовлар билан аврайдиган тиканлар, уларни қўрқитадиган, қизиқтирадиган тиканлар, қариндош-уругчилик тиканлари, ҳақиқат томон юрмоқчи бўлишса, атрофда жон-жаҳди билан қаршилик қилувчи тиканлар борки, буларнинг ҳаммаси саодат йўлидаги тиканлардир. Мана шу тиканлардан ўзини сақлай олиш, уларнинг ҳеч бирига алданмай юриш тақводир. Куръони Карим ширқдан ҳазар қилган, Аллоҳ сұбханалудангина қўрқкан, Уни ибодатларида яккалаган, буйруқларига итоат қилган, қайтарган нарсаларидан тийилган, азобидан қўрқиб, раҳматидан умидвор бўлиб яшаган тақводор кишиларгагина ҳидоят бўлади. Шунинг учун ҳидоятни й ҳарфи билан тақводорларга хослаб келтириляпти.

Куръони Каримни ҳар ким ҳам ўқиб ёки ўқитиб юриши мумкин. Умрини ёки тириклигини Исломга қарши кураш асосига курган кимсалар ҳам, Куръони Карим ҳидоятига чақирган кишиларга зулм қилиб, уларни қатл этаётганлар ҳам уни ўқиши мумкин. Лекин ҳидоят факат тақволи қалбга етиб боради. Уруг ҳамма жойга сепилаверади, аммо унумли жойдангина униб чиқади. Агар ер унумсиз бўлса, уругни ёғдириб ташланг, бари бир, у ердан майса ҳам унмайди.

Демак, Куръони Каримдан манфаат олишнинг асосий шарти – залолатга юз тутишдан ҳадиксирайдиган, барча ҳолатда Аллоҳ сұбханалудангина қўрқадиган тақволи қалб билан ёндашишдир. Шундагина Куръони Карим ўкувчиси томон сирларини очиб, нурларини таратади.

مَّا يَوْدُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكُونَ أَنْ يُتَرَكَ عَلَيْكُمْ مِّنْ خَيْرٍ مَّا نَرَأَيْتُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ بِمَا تَصْنَعُونَ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ

105. Аҳли китоблардан ва мушриклардан бўлган кофирилар сизларга Раббингиз тарафидан бирон яхшилик тушシリлишини хоҳлашмайди. Лекин Аллоҳ Ўз раҳмати билан хоҳлаган кишини хослайди. Аллоҳ буюк фазл эгасидир.


Эй мусулмонлар! Сизлар токай яхудлардан яхшилик умидида бўласиз?! Токай уларнинг пинжига сукуласиз?! Токай уларни ўзингизга дўст деб биласиз?! Муҳаммад салалуга ҳамда Куръони Каримга кофир бўлган аҳли китоблар сизларга баъзи ўринда “дўстона” муносабат билдириса, алданиб қолманг! Уларнинг юзаки илтифотларига учиб кетманг! Улар сизларни ёмон кўришгани, сизларга бўлган ҳасадлари туфайли яхшиликни асло раво кўрмаслар!

Аллоҳ сұбханалу бу оятда аҳли китобларни ҳам, мушрикларни ҳам **кофирилар** деб атади. Аслида, аҳли китоблар Аллоҳ сұбханалуни инкор қилишган эмас. Бироқ, Росулуллоҳ салалу олиб келган Ислом шариатини инкор қилиш билан кофир бўлишган эди. Мушриклар ҳам Аллоҳ сұбханалуни инкор қилишгас, “Коиноту ерни ким яратган?” деб сўралса, “Аллоҳ” деб жавоб беришар эди. Лекин, Аллоҳ сұбханалу билан ораларида на фойда ва на зиён етказолмайдиган нарсаларни восита қилиши билан мушрик ва кофир бўлишган эди.

Аллоҳ сұбханалу раҳмати ва фазли бўлмиш Исломни хоҳлаган бандасига хослайди. Чунончи, Росулуллоҳ салалуга рисолат раҳматини, У зотнинг атрофларидаги асхобларига ва мўминларга шу даъватнинг хизматкори бўлиш раҳматини хослади.

Ҳа, Аллоҳ сұбханалу Ўз раҳматига хоҳлаган одамни танлайди. Исломнинг хизматкори бўлиш – Унинг энг катта раҳматидир. Саҳобалар розвияллоҳу ана шундай улуг фазлнинг эгаси бўлишди. Улар Росулуллоҳ салалудан қабул қилган Ислом даъватини соғ ҳолатда, бирор ҳарфига хиёнат қилмай бутун дунёга етказдилар. Шунинг учун мусулмон киши Аллоҳ сұбханалу ҳамд айтган, Росулуллоҳ салалуга дуруду салом йўллаганда саҳобалар номига ҳам дуолар айтмасдан ўтмайди. Чунки, ер юзидағи ҳар бир мусулмон саҳобалардан ҳеч адo қилиб бўлмас даражада қарздордир. Зоро, улар Ислом йўлида жон беришди, молу дунёларидан айрилишди. Ислом учун ҳовли-жойларидан воз кечиб, ўзга диёрларга хижрат қилиб кетиши. Мана шу Ислом нурини бизнинг диёрларимизга ҳам олиб келиб, бу ерларга ҳидоятни ёйиши. Бизнинг бугун Аллоҳ сұбханалуни, Росулуллоҳ салалуни таниб, мусулмон бўлиб, Куръони Каримни тиловат қилиб туришимиз ҳам улуг зотларнинг машаққатли мөхнатлари самарасидир. Аллоҳ сұбханалуга мақтовлар, Росулуллоҳ салалуга дуруду

Сұбханалу ға бундай нарсалар эътиборли әмас. Бу ҳақда Куръони Каримда марҳамат қилиб:




Эй Мұхаммад сұлтандық азасынан! Агар иймөнингиз бүлмаса, Раббим сизларни эътиборга олмайди деб айтинг! дейди. (Фурқон сураси, 77 – оят)

Бирон эътиборли, ё мартабали, ё бадавлат киши бизни чакиргудек бүлса, унга дархол лаббай деб, қулғимизни бериб, тинглаймиз. Аллоҳ сұбханалу бизни әнг улуг номимиз билан **Эй иймөн келтирган кишилар!** деб қақириб, Росулулоҳ сұлтандық азасынан га нисбатан адаб сақлашга, сўзларига қулоқ тутишга буюрди. Биз мусулмонлар Аллоҳ сұбханалунинг Куръони Каримдаги мана бундай чақирувлариға лаббай дедикми?! Росулулоҳ сұлтандық азасынан га, у кишининг суннатларига қулоқ тутдикми?! Бинобарин, Росулулоҳ сұлтандық азасынан га адаб сақлаш – у кишига эргашиш билан бўлади.

Яхудлар бутун вужуди билан Росулулоҳ сұлтандық азасынан ни масхара қилишга, у кишига қандай қилиб бүлса ҳам азият етказишга ҳаракат қилишар эди. Росулулоҳ сұлтандық азасынан нозил бўлган оялтарни тиловат қилиб берәётган чоғда саҳобалар "Холимизга риоя қилиб, тўхтаб-тўхтаб, аста-аста тиловат қилсангиз, биз яхши тушуниб, ёдлаб олсак", деган маънода "Роъина – бизни риоя қилинг", дейишар эди. Араб тилида "Роъина" сўзи رعي феълининг ўзагидан олинган бўлиб, "Бизни риоя қилинг", деган маънени англатади. Бу сўз иброний тилда, шунингдек, «руунат» сўзидан олинганда эса, нодонлик, аҳмоқлик маъноларини билдиради. Яхудлар сўзниң мана шу томонидан олиб Росулулоҳ сұлтандық азасынан ни масхара қилишди. Яхудлар Росулулоҳ сұлтандық азасынан ни зимнан масхара қилаётган вақтда ҳам Аллоҳ сұбханалунинг химоясига олиб, мўминларни – راعا – "Бизни риоя қилинг", дейищдан қайтарди ва унинг ўрнига талаффуз жиҳатдан бошқа, айни шу маънени билдирувчи «Унзурно» калимасини кўллашга ҳамда Росулулоҳ сұлтандық азасынан нинг сўзларига дикқат билан қулоқ тутишга буюрди. Бу билан Аллоҳ сұбханалу Росулулоҳ сұлтандық азасынан ни масхара қилиш учун яхудларга ҳеч қандай имконият колдирмади. Шунингдек, Росулулоҳ сұлтандық азасынан ни ва ул зот олиб келган Исломни масхара қилиш – куфр эканлигига ишора қилиб, бундай коғирларга Охиратда аламли азоблар борлиги билан танбех берди.

Шунингдек, Исломнинг бошқа руқнларини, хусусан, Росулулоҳ сұлтандық азасынан нинг суннатларига эргашган, ҳаётига татбиқ этган кишиларни масхара қилиш, уларни камситиб, турли хил кўрсатув ёки томошалар қўйиш, уларга томошабин бўлиш ҳам уламолар иттифоқи билан куфрdir. Мўмин киши ғоят хассос бўлиши, бошқаларга пайғамбарини, динини, мўмин биродарини масхара қилишига йўл қўймаслиги керак.

Аллоҳ сұбханалунинг ҳидояти ғоят қимматли нарсадир. Уни кимларга бериш ихтиёри фақат Ўзи бўлади ва Ўзи хоҳлаган кишига беради. Ҳатто пайғамбарлар ҳам ўзлари хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилолмайдилар. Аллоҳ сұбханалу Куръони Каримда марҳамат қилиб:



Сиз ўзингиз суйған кишини ҳидоят қилолмайсиз, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қилур ва У ҳидоятланувчиларни билувчироқдир дейди. (Қасас сураси, 56 – оят)

Муфассир уламолар **тақвадорлар** калимасига турли хил изоҳ беришган. Баъзилар сўзи ва амали фақат Аллоҳ сұбханалу учун бўлган кишилар деса, бошқалар ширк, фисқ ва нифоқдан пок бўлган кишилар, деган. Баъзилар ўзларини маъсиятнинг барча турларидан, каттаю кичиги, ошкору маҳфийидан тийган кишилар деса, бошқалар Аллоҳ сұбханалунинг буйруқларини бажариб, қайтарган нарсалардан қайтиб, азобидан қўрқкан кишилар деган. Лекин, Аллоҳ сұбханалу тақвадорлар кимлар эканини кейинги оятда Ўзи баён килади:



3. Тақвадорлар – **гайбга иймөн келтирадиган, намозни барпо қиласидиган ва биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан** Аллоҳнинг йўлида **сарфлайдиган кишилардир**.

Аллоҳ сұбханалудан қўрқкан **тақвадорлар** сифати куйидагича келтирилади:

1) **Ғайбга иймөн келтирадилар.** Фаришталар, ваҳий, ўлгандан кейинги ҳаёт, қадар, жаннат, жаҳаннам каби инсон идроки етмайдиган, кўзга кўринмайдиган, қулоқ эшиitmайдиган, тажриба ёки кузатув доирасидан ташқари бўлган нарсаларга **ғайб** деб айтилади. Такводорлар ғайбга ишониб, кўзларига кўринмаган оламнинг борлигини тасдиқлаб яшайди. Ғайбга иймөн келтириш иймөннинг асосларидан бўлиб, у мўмин билан коғирни айириб туради. Иймөн – лугатда ҳамда шариат истилоҳида – тил билан айтилган нарсани амал билан тасдиқлаш маъносини билдиради.

Моддиянчилар кўзи билан кўрган нарсадан бошқасига ишонмайдиган тор фикрли инсонлардир. Улар қалтафаҳмликлари сабабли инсоннинг чекланган, тор фаразига сигмаган нарсаларни ёлғон деб, уларга ишонишдан бош тортади.

Даврлар ўтиши билан ўзга олам вакиллари ҳақида хабарлар пайдо бўлгач, кўз кўрган нарсадан бошқасига ишонмайдиган моддиянчилар буни қандай аташни билмасдан, довдираб қолишиди. Уларни товоқча, ликопча каби келишмаган, кулгили ҳар хил номлар билан атаб, гангашди. Ҳали бу довдираш қачонгача давом этади, ҳали яна биз

бilmagan қанчадан-қанча оламлар ва сирли мавжудотлар кашф этилади, ёлғиз Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю} га маълум.

Бундай ҳолатда Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю}дан қўрқкан ҳамда Куръони Карим ва Ҳадиси шариф билан событ бўлган барча гойиб хабарларига - хоҳ ақлига сифсин, хоҳ сигмасин - сўзсиз, иккиланмасдан иймон келтирган мўминлар деч қачон гангимайди. Улар Куръони Карим ва Ҳадиси Шариф хабарларига суюниб, ўзлари иймон келтирган гайб оламининг бир кисмигина маълум бўлаётганини рухлари билан сезиб, ҳис қилиб туради.

2) **Намозни барпо қиласидилар.** Одамлар ўзларига ўхшаш ожиз инсонларга ёки маъносиз маслакларга, улар кўрсатган йўл-йўриқларга итоат этиб, куллик қиласиди. Такводорлар гайбга иймон келтириш билан бирга факат Яратувчиларигагина ибодат қилиб, куллик қиласидилар. Ибодатни бажарибгина қолмай, унинг рамзи бўлган намозни тўла-тўқис барпо қиласидилар.

Шариат истилоҳида намоз – такбир, тиловат, рукуъ, тасбих, сажда каби руқнларни ўз ичиға мужассам этган, ҳар бир мусулмон эр ва аёлга бир кеча-кундузда беш маҳал адо этиш Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю} томонидан фарз қилинган ибодатдир. Куръони Каримда намознинг фарзлигига далолат килувчи юздан ортиқ ояти карималар мавжуд.

Намоз Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю}нинг инсонга берган жуда ҳам катта неъматидир. У иймон даъвосининг рост ёки ёлғонлигини ажратиб берадиган диннинг асосидир. Ким намозни барпо қиласа, динни барпо қилган бўлади, зое қилган бўлса, динни зое қилган бўлади. Намоз ўқиш ёки ўқимасликка қараб, мусулмон билан кофирнинг ораси ажралади. У, табибр жоиз бўлса, гўё Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю}га муножот этиш учун ожиз бандага берилган бир фурсат ва имкониятдир. Бу имкониятни банда гоят ташналик билан кутиб, ундан унумли фойдаланиши керак.

Куръони Каримда намозни адо этиши ҳақидаги бирон бир ўринда ўқиши ибораси билан келтирилмаган, балки **يَقِيْنُ الصَّلَاةَ – намозни барпо қиласидилар** ёки **أَفَيْمُوا الصَّلَاةَ – намозни барпо қилинглар** иборалари билан келтирилган.

Намозни ўқиши билан барпо қилиш маънолари бошқа-бошқадир. Беш вакт намозни ҳақиқий суратда, ҳушуъ-хузуъ билан, қанда қилмасдан, вактидан таъхир қилмай, белтиланган руқнлари, шартлари, суннат ва нафлларини тўла-тўқис риоя этган ҳолда, маромига етказиб адо этиши – барпо қилиш маъносини беради. Шунинг учун ҳам Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю} намоз ўқийдиган демасдан **барпо қиласидиган** иборасини истеъмол қиласиди.

Росулулоҳ сұләғилю_{әззат} намоздан гоят қувонар эдилар. Шунинг учун куйидаги ҳадисда марҳамат қилиб:

Одамлар орасида фитна-фасод ишларини тарқатиш учун сехрга эргашган яхудлар Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю}нинг буйруқларига итоат этиб, Унга берган аҳдларига вафо қилишса, гуноҳлардан тиийлиб, Росулулоҳ сұләғилю_{әззат} га ва у кишига нозил бўлган Куръони Каримга чин қалбдан иймон келтиришса, ўзларига яхши эди. Ёвуз ишларидан, сехрни ўрганишдан тиийлишса ва Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю}нинг кофирлар учун ҳозирлаб қўйган даҳшатли азобларидан қўрқишишса эди, Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю} Қиёмат кунида уларни беҳисоб неъматлар билан сийлаб, дунёда сехр орқали топган нарсаларидан кўра минг бор яхшироқ нарсаларни инъом этар эди. Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю}нинг хузурида иймону такво учун бериладиган мукофотлар яхудлар ўзини сотиб, эвазига олган нарсалардан минг бор яхшироқ эди. Қани энди буни билишса!

Агар инсон ҳам ҳар хил бемаъни маслакларга, ҳудосиз кимсаларга эргашишини кўйиб Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю}нинг манҳажига бўйсунгандা, Унинг низомини ҳаётига татбиқ этганда, дунё ва охират саодатига эришур эди. Ҳар томонлама фаровон ҳаёт кечирган бўлур эди. Қани энди буни билса!

Муфассир уламолар **иймон келтиришганда** сўзини ҳам сехргарнинг кофир бўлишига далил қилиб кўрсатишган.



104. Эй иймон келтирган кишилар! «Роъина» деманг, «Унзурна» денг ва Росулулоҳ сұләғилю_{әззат} га қулоқ солинг! Кофирларга эса Охиратда аламлантируечи азоб бордир.

Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю} Куръони Каримнинг 89 та ўрнида **Эй иймон келтирган кишилар!** деб ёлғиз Ўзига иймон келтирган мўмин бандаларига қаратади. Ана шу нидоларнинг 11 таси "Бақара" сурасида келади.

Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю}нинг нидолари мўминларни абадий саодатга бошловчи нарсага чорлайди ё тамомий баҳтсизликдан қайтаради. Уларга жанинат билан хушхабар бериб, охират даҳшатларидан огоҳ этади. Умуман, мўминларга қаратилган барча нидолар мусулмонлар учун зарурий бўлган масалаларни ёритиб келади. Бир киши Абдуллоҳ ибн Масъуд رض_{ән} менга бир васият қилсангиз, деганларида, агар Аллоҳнинг **Эй иймон келтирган кишилар!** деган нидоси қулогингга тушса, унга дикқат ила қулоқ тутгин! Чунки, Аллоҳ сенга нидо қиляпти. Бу нидода сени бир эзулукка бўюрилади, ё бир ёмонликдан қайтарилади деганлар. (Имом Байҳақий ривояти)

Мана бу оят Куръони Каримдаги мўминларга қаратилган биринчи нидодир. Бу нидо орқали Аллоҳ сұбханалу_{әттәвъю} биз мўминларни мол-дунё, ё қадди-қомат, ё бола-чақа, ё мансабимизга қараб эмас, балки Унга боғловичи ягона иймон сифатимиз билан чақирмоқда. Зоро, Аллоҳ


Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилдилар: Ресулллоҳ صلواته عليه وسلم **халок этувчи гуноҳлардан четланинглар**. Бу Аллоҳга ширк келтириш ва сеҳрдир дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Мўмин кишининг сеҳр ҳақидаги муҳтасар эътиқоди мана шундай бўлиши лозим. Ислом ҳукми барпо бўлган даврда сеҳргарниң ҳукми қатл бўлган. Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه халифалик даврларида ҳар қандай сеҳргар эр ва аёлни ўлдиринглар деб фармон берганлар. (Имом Аҳмад ривояти)

Шу уринда "Сеҳр шундай ёмон ва куфр амал бўлса, нега Хорут ва Морут гарчи, огоҳлантириб бўлса-да, одамларга ўргатиши? Ўргатмай қўя қолишиша, бўлмасмиди?" деган савол туғилиши мумкин. Жавоб шуки, инсон бу ҳаётга имтиҳон учун келган. Шундай экан, дунёда ман қилинган нарсанинг ўзи бўлса, шундагина имтиҳон маъноси вужудга келади. Баъзилар "Аллоҳ سبحانه бу ҳаром нарсаларни умуман яратмай қўя қолса бўлмасмиди", дейишади. Бу аввало, Аллоҳ سبحانه га нисбатан беодоблик бўлса, иккинчидан, инсоннинг ҳаётга нима учун келганини билмаслиги ҳамдир. Масалан, маст қилувчи иҷимликларни ичиш ҳаром бўлса, ўшандай иҷимликнинг ҳаётда мавжуд бўлиши керак. Шундагина имтиҳон вужудга келади. Худди шунга ўхшаш, "Сеҳр ўрганиш – куфр" дейилсаю, сеҳрнинг ўзи бўлмаса, унда бу гапнинг маъноси бўлмайди. Сеҳр ўргатадиган одам дунёда бўлсангина, уни ўрганишдан ўзини тийган киши ажранади. "Сеҳр ўрганмагин", деган сўзга қулоқ солмай, уни ўрганганлар эса кофир бўлади ва Қиёматда жазоланади.

Баъзи муфассир уламолар – **нозил бўлган нарса** калимасидаги боғловчи – **ва** ҳарфини ўқиб юрган калимасига боғлашган. Бунда **шайтонлар ўқиб юрган ва Бобилдаги икки фаришта – Хорут ва Морутга нозил бўлган нарсага эргашидилар** деган маъно чиқади. Яна бошқа бир тоифа муфассир уламолар эса – **نозил бўлган нарса** калимасидаги боғловчи – **ва** ҳаргини **кофир бўлгани** йўқ калимасига боғлаб, **ма** ҳарфига инкор маъносини беришган. Унда **Сулаймон кофир бўлган эмас ва Бобилдаги икки фаришта – Хорут ва Морутга** сеҳр **нозил қилинган** ҳам эмас, лекин **шайтонлар одамларга сеҳрни ўргатиб, кофир бўлишиди** деган маъно чиқади.

Яхудлар мусулмонларниң ақидаларини бузиш, уларни чалғитиши мақсадида мана бу оятнинг тафсирига доир турли хил хурофотларни ҳеч қандай асоссиз тўқиб ташлашган. Мусулмон киши ўшандай яхудий тўқималарга учиб кетишдан эҳтиёт бўлиши керак.



103. Агар улар иймон келтиришса ва тақво қилишиса, Аллоҳнинг ҳузуридан бериладиган савоблар – агар билишиса – яхши эди.

عَنْ أَنَسِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَعَلَ فُرْتَةً عَبِيسَ فِي الصَّلَاةِ رَوَاهُ التَّسَافِيُّ

Анас ибн Молик رضي الله عنه айтдилар: Ресулллоҳ صلواته عليه وسلم ...**Кўзимнинг кувончи намозда қилинди дедилар.** (Имом Насойи ривояти)

Саҳобалар Ресулллоҳ صلواته عليه وسلم дан қандай қилишса, намозни ихлос билан мукаммал адо этишлари мумкинлиги ҳақида сўрашганида, жуда киска ва лўнда йўлланма бериб, марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي أَبْيَوبَ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَيْمَتَ فِي الصَّلَاةِ فَصَلَّ حَسَدَةً مُؤْدِعَ رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ

Абу Айюб رضي الله عنه ривоят қилдилар: Пайғамбар صلواته عليه وسلم **намозингизда турсангиз**, дунёдан **видолашувчи кишидек намоз ўқинг** дедилар. (Ибн Можжа ривояти)

Яна Раббимга сажда китармиканман ёки бу охирги саждаммикин, дунёдан кўз юмсан, Раббимга шу охирги марта эгилишиммикин, деган тасаввур билан намоз ўқишига буюрдилар. Агар биронта улуг киши бизни хузурига таклиф қилса, у билан учрашиб мулоқот қилишга қанчалик ҳозирланамиз?! Ҳолбуки, у ўзимизга ўхшаш оддий бир заиф банда, холос.

Биз ҳам намозларимиз Ресулллоҳ صلواته عليه وسلم нинг йўлланмаларига қанчалик мувофиқлигига бир эътибор берайлик-чи! Биз намозимизда роҳатланяпмизми? Ўз вақтида ўқияпмизми? Намозимиз видолашётган кишининг намозидекми? Намозимиз барпо бўляптими ёки ўқиляптими?

Аллоҳ سبحانه Куръони Каримнинг "Моъун" сурасида айрим намозхонлар ҳолига ҳолокат эълон қилиб:

فَوَيْلٌ لِّلْمُضَلِّينَ الَّذِينَ هُمْ عَنْ ضَلَالِهِمْ شَاهُونَ سُورَةُ الْمَاعُونَ

Намозларидан бепарво бўлган намозхонлар ҳолига вой бўлсин дейди.

Аллоҳ سبحانه намозларига бепарво бўлган кимсаларга вайл¹ – ҳолокат эълон килиб турганда атрофимизда мутлақ намоз ўқимай юрган, умри бино бўлиб пешонаси саждага бормаган қариндошларимиз, қанчачанча яқинларимиз, кўни-кўши nilarimizning аҳволи нима бўлади?! Нафақа ёшига етганимда намоз ўқийман, деб юрган диллари "пок" катталаримиз аҳволи нима кечади?!

3) **Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан Аллоҳ سبحانه нинг йўлида сарфлайдилар.**

Аллоҳ سبحانه дан қўрқкан тақволи киши молини ўзимнинг молим деб ҳисобламайди. Ислом тасавvuрида мол – одамларнинг эмас, Аллоҳ سبحانه молидир. Аллоҳ سبحانه Куръони Каримда марҳамат қиласи:

1 Видолашувчи кишидек намоз ўқинг дедилар. Агар улар иймон келтиришса ва тақво қилишиса – агар билишиса – яхши эди.

وَعَاثُوْهُم مَّنْ مَّا لَلَّهُ أَلَّذِي عَانِدُكُمْ سُورَةُ النُّور ٢٣

Уларга, Аллоҳ сұханаху таъвудо нинг сизларга берган молидан беринглар!
(Нур сураси, 33 – оят) "Хадид" сурасининг 7 – оятида эса

وَأَنْفَقُوا مِمَّا جَعَلَكُمْ مُّسْتَحْلِفِينَ فِيهِ سُورَةُ الْحُجَّةِ

Сизларни унда халифа қилиб қўйган нарсалардан сарфланглар!
дейди.

Бир даврлар келиб, хусусий мулкчиликка барҳам берилиб, ижтимоий мулкчилик низоми ўрнатилди. Лекин Аллоҳ сұханаху тез фурсатда бундай бемаъно маслак эгаларининг бурнини ерга ишқаб, шахсий мулкчилик иқтисодий тараққиётнинг ягона омили, дейишга мажбур этди.

Ислом шахсий мулкчиликка рухсат берган. Мўмин киши бу дунёда орттирган емак, ичмак, кийим-кечак, маркаб, уй-жой, умуман, кўлидаги ҳамма молини Аллоҳ сұханаху омонат қилиб берган ризқ деб ҳисоблади. Мен бу молга халифа, яъни омонатдор қилинганман, агар ўрнига сарф килсанам, ажранаман, йўқса, гуноҳкор бўламан, деб эътиқод қиласди. Аллоҳ сұханаху берган молининг закотини Ислом кўрсатган ўринларга бериш ва ўзига, оиласига, фарзандларига, ота-онасига инфоқ қилиш ҳамда мискин ва факирларга садакот қилиш учун нолимасдан сарфлайди.

Кийинчилик ва муҳтоҷлик бўлиб қолганда ҳам Ислом пешвосига одамларнинг молларини жамлаб, сўнгра ҳаммага баробар тақсимлаб беришга рухсат этилади.

عَنْ أَبِي هُونَسْ قَالَ قَاتَنَ التَّبَّى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ الْأَشْعُرِيَّيْتَ إِذَا أَرَمْلُوا فِي الْقَرْوَى أَوْ قَلَّ طَحَّامَ عَيَّالَهُمْ بِالْمَدِيَّةِ جَمَّشُوا مَا كَانَ عِنْتَهُمْ فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ فَمُمْ أَشْتَمْسُوهُ بَيْتَهُمْ فِي إِثْقَاعٍ وَاحِدٍ بِالْتَّوْبَةِ فَهُمْ مَنْ وَأَنَا مِنْهُمْ رَبَّهُمُ الْبَهَارِيُّ

Абу Мусо ривоят қилдилар: Росулуллоҳ сұханаху салам Ашъарийлар, агар урушда озиқ-овқатлари тугаб қолса¹ ёки шаҳарда оиласарининг егуликлари камиса, олдиларида бори нарсаларини бир жойга тўплаб, сўнг катта бир идишга тенг тақсимлаб, бир-бирлари билан баҳам кўрадилар. Улар мендан, мен ҳам уларданман дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Бу мол ҳақидаги исломий тасаввурдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ сұханаху "Ўзлари топган ёки пайдо қилган", демасдан, балки **биз уларга ризқ қилиб берган нарсадан сарфлайдилар** демокда. Хеч ким топаётган мол-дунёни ўзим яратдим дея олмайди. Яратиш сўзи йўқни бор қилиш деган маънени англатади. Ўсимлик ёки жонзотларни

¹ лугатда "бева қолмоқ" маъносини билдиради. Ҳадиснинг матнига берилган таржимадаги маъно мазкур ҳадиснинг шархига мувоғик ҳолда берилди.

исмли бир яхудий сехрлаган. Мана шунда Аллоҳ сұханаху таъвудо "Фалақ" сурасини нозил этган ва Жибрил алайхис-салам ўша сура билан Росулуллоҳ сұханаху салам га дам солгандар.

Одатда сехрнинг икки тури мавжуддир:

1) Бу турга одамларни алдаш, тез ҳаракат қилиш ёки айрим моддалар таркибидағи ўзаро кимёвий таъсирлардан фойдаланиб, бошқаларга гайри оддий санаған, кўпчиликка маълум бўлмаган, аслида эса оддий бўлган усувлар билан намойиш этиладиган ҳаракатлар киради. Бу турдаги нарсани сехр дейишдан кўра, фириб, кўзбўймачилк дейиш тўғрирок. Чунки, бундай фирибгарларнинг сирини, агар диккат қилинса, пайқаб қолиш мумкин. Шунинг учун уларга ёш болалар ва содда кишилар харидор бўлади. Уларнинг сирларидан ўзлари каби бошқа ҳийлагарлар вокиф. Минг афсуски, кўпчилик ўшандай найрангбоз кимсаларга алданиш, уларнинг бозорини юргизиш учун қимматли вақтини зое қиласди, ҳатто пул ҳам сарфлайди. Шу пайтда уларни ҳам ақлсиз ёш болалар каби лақиллатишаётганини ўйтамайди.

2) Сехрнинг бу тури ҳасад туфайли иймонсиз жинлар кўмагида жоду қилиш билан бўлади. Сехрнинг бу тури туфайли инсон касал бўлиши, ақлини йўқотиши, ҳатто ҳалок бўлиши, шунингдек, эр-хотин бир-биридан ажралиши ёки бир-бирига яқин бўлиши мумкин. Уламолар ўртасида сехрнинг шу тури билан шуғулланган, ё ўрганган ёки ўргатган кимсанинг кофир бўлишида ихтилоф йўқ.

Демак, сехр бор нарса ва у шайтоннинг ишидир. Сехргар охиратда Аллоҳ сұханаху нинг раҳматидан маҳрум. Сехр Аллоҳ сұханаху изни билан таъсир қиласди, лекин таъсир қилиш кайфияти номаълум. Сехрдан сақланишда мўминлар ихтиёрли эмас. Аллоҳ сұханаху нинг ёрдамиила Ундан паноҳ сўраш ва маъсур дуоларни ўкиш билан сехрдан сақланиш жоиз. Ҳар хил жойларга бориб, умрида мустаҳаб қилмаган кимсалардан ёрдам сўраш – залолатdir. Сехрнинг ҳар қандай тури билан шуғулланган, ўргатган ёки ёвуз мақсадларда ишлатган кимсанинг кофир бўлишида шубҳа йўқ. Мана бу оятида Аллоҳ сұханаху икки ўринда ماқғар – **кофир бўлган эмас** ва **ما لا تغفر** – **кофир бўлиб қолмагин** деб сехрнинг куфрлигига ишора қиляпти. Бундан ташқари Куръони Каримдаги "Тоҳа" сурасининг 69 – оятида сехргар ҳақида огоҳ этиб,

وَلَا يَمْلِحُ الْسَّاجِرُ حَيْثُ شَاءَ ١٤ سُورَةُ طَهِ

Сехргар қаерга бормасин, асло **нажот топмайди** дейди.

Росулуллоҳ сұханаху салам хам қўйидаги ҳадисларида марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اخْتَبِرُوا الْمُؤْبَدَاتِ الْمُرْكَبَاتِ بِاللَّهِ وَالشَّرِّ رَوَاهُ الْمَسْارِيُّ

мўъжиза билан сехр орасидаги фарқ намоён бўлди. Одамлар сехр билан мўъжизани бир-биридан ажратиб, "пайғамбарлар"нинг аслида ким эканини билиб олишди.

Яхудларнинг эр-хотин ўртасини ажратиб юборадиган нарсаларни ўрганишидан мўмин киши ташвишга тушиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Аллоҳ субҳанаху вә таъвуду тасалли тарзда "Аслида-ку Аллоҳ субҳанаху вә таъвудунинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказиша олмас эди", дейди. Бу эса, мўминнинг қалбида ором ва хотиржамликни пайдо қилади. Зотан, Исломий дунёқарааш бўйича, оламдаги ҳеч бир нарса Аллоҳ субҳанаху вә таъвудунинг изнисиз таъсир қилмайди. Аллоҳ субҳанаху вә таъвудунинг изнисиз ҳеч ким ҳеч кимга фойда ҳам, зарар ҳам етказолмайди. Фойдани ҳам, зиённи ҳам Аллоҳ субҳанаху яратган. Хар иккиси ҳам факат Унинг изни билан бўлади.

Демак, мўмин киши сехрнинг ҳар қандай тури фақат Аллоҳ субҳанахунинг изни билангина таъсир этиши, фойда ёки зиён келтириши мумкин, деб эътиқод қилади. Лекин, бундай эътиқод қилиш билан бир каторда, худди йирткич хайвонларнинг зааридан химоялангани каби, сехрдан ҳам химояланиши лозим. Бироқ бу яна бир сехргарнинг олдига ёрдам сўраб бориши билан эмас, балки фақат Ислом кўрсатмасига биноан – Куръони Каримнинг баъзи суралари ҳамда маъсур дуоларни ўқиш билан бўлиши керак.

Инсон эр-хотин орасини бузадиган нарсани ўрганса, шайтонлар кувонишади. Чунки, эр-хотин ораси бузилса, шайтонлар бозори чакқон бўлади. Одамларнинг орасини бузиб, ҳар хил жанжал чиқаришда уларга иш колмайди.

Инсон доим бирорвга зарар етказадиган, душманидан қасос олишда кўмак берадиган нарсани ўрганишга ишқибоз. Кўпчилик оламдаги нарсаларнинг зарар етказадиган тарафидангина фойдаланади. Аслида, шу нарсанинг айни ўзи билан одамларга манфаат етказиш ҳам мумкин. Масалан, баъзилар ҳозирги замонавий ёзув асбоблар ёрдамида одамларнинг гапларини пинҳона ёзив олиб, шу билан фитна қўзгатиб юради. Лекин, худди шу нарса билан яхши гапларни ёзив, одамларга эшиттириб, манфаат етказиш ҳам мумкин. Заарани кўрганидан кейин "Бу ёзув асбоби ёмон нарса экан", дейишга ўтади. Бу эса одамларнинг тушунчалари бузилгани, улардан Исломнинг йўқотилгани натижасидир. Аслида бу асбоблар эмас, уларни ёзув мақсадларда ишлатаётган одамлар ёмон. Зоро, оламдаги ҳамма мубоҳ нарсадан фойдаланиш мумкин.


Сехр ўзи бор нарсами ё у курук ёлғонми? Мана бу саволга «Мұтазила» каби адашган тоифалар сехрнинг ҳеч қандай таъсири йўқ, дейишади. Аммо биз, «Аҳлусуннат валжамоат» эътиқодига кўра, сехр бор нарса ва унинг бир қанча турлари мавжуд. Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг Оиша онамиз розвияхудан қилган ривоятларига кўра, Росулуллоҳ сұлтанлық аҳлаки ад саъд ни ҳам Бани Зурайд қабиласидан Лабид ибн ал-Асьом

чишишириш орқали навларини ўзгартиришдек ишларни "яратиш" калимаси билан ифодалаш мутлақ хатодир. Ер юзидағи энг катта олимлар бир бўлишса, бир дона қора пашибани ҳам яратади олишмайди.

– биз ризқ қилиб берган калимаси инсон ортирган мол-дунё ўнинг касб-хунари маҳсули эмаслигига, балки Аллоҳ субҳанаху вә таъвудунинг унга кўрсатган инъоми эканига ишора қилмоқда. Шундай экан, банда ўзига инъом этилган нарсаларнинг баъзисини камбағал, мўмин бирордаги улашганида, унга бу молни берган Аллоҳ субҳанаху бандаларига бермокчи бўлган нарсани бошқанинг қўли билан эмас, айнан ўнинг қўли билан беришни ирова қилганини ҳис этади. Демак, сарфлаш билан улкан ажрга эриштираётгани учун молнинг хақиқий эгаси бўлган Аллоҳ субҳанахуга кўпдан-кўп ҳамд айтмоқ керак.

– يُنْفِقُونَ – **сарфлайдилар** калимаси том маънода бўлиб, закот, садақа ва бошقا турдаги нафақа маъноларини ўз ичига олади.

Аллоҳ субҳанаху Куръони Каримнинг деярли барча ўрнида намоз билан закотни ёнма-ён зикр қилган. Чунки бу мўмин кишининг асосий баданий-молиявий ибодатидир. Бу оят намозни барпо килмаган ёки Аллоҳ субҳанаху ризқ қилиб берган молдан инфоқ қилмайдиган, мол-дунёни дўст тутган баҳил кимса ҳеч қачон тақводор бўлолмаслигига ишора қилмоқда. Бенамозни-ку, қўяверинг!



4. Улар *Сизга нозил қилинган* Куръонга ва *Сиздан аввалги пайғамбарларга нозил қилинган* китобларга иймон келтирадиган ва охиратга ҳам аниқ ишонадиган кишилардир.

Тақводорлар ўзларини башариятдан алоҳида, ажралиб қолган, деб хисоблашмайди. Улар нафақат Муҳаммад сұлтанлық аҳлаки ад саъд га нозил бўлган Куръони Каримга, балки у кишигача жўнатилган барча пайғамбарларга уларни ажратмаган ҳолда иймон келтиради ва ҳаммаларини хурмат билан тилга олади. Уларга туширилган Таврот, Инжил ва Забур каби барча муқаддас китобларни, бир пайтлар Аллоҳ субҳанаху томонидан нозил қилинган, деб эътиқод қилади. Аммо дин деб фақат Исломни, миллат деб фақат Ислом миллитини, хидоят китоби деб фақат Куръони Каримни тан олади. Улар яхуд ва насоролар каби кўнгилларига ўтирган нарсага иймон келтириб, қолганидан юз ўғириб кетмайди. Шунингдек, тақводорлар инсон ҳар бир сўзи ва амалидан Аллоҳ субҳанахунинг хузурида сўралади, бу дунё абадий эмас, у бир кун келиб тугайди. Шунда унинг қачон бўлишини Аллоҳ субҳанахунинг ёлғиз ўзи билган Қиёмат куни бўлади. Бу кунда бутун башарият қайта тирилтирилиб, кигтан яхши ва ёмон амалига қараб тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади, деб эътиқод қилади. Улар Охиратга ва унга алоқадор Куръони Карим ояллари ва сахих ҳадислар билан собит

бўлган ҳисоб-китоб, тарози, жаннат, дўзах ва бошқа шу каби маълумотларга иккиланмасдан аниқ ишонади.

Охиратга ишониш инсонни инсонларча ҳаёт кечиришга мажбур этади. Охиратга иймон келтирган киши ўзининг бу дунёда қилаётган ҳамма ишларига охиратда ҳисоб берини яхши билгани учун дунёдаги барча ҳаракатларини Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг буйруқларига мувофиқ қилишга уринади.

Охиратга ишонмаган кимса бу дунёдаги ҳаётинигина ҳаёт деб билади ва бор имкониятини шахсий манфаатини рўёбга чиқаришга, шаҳвоний лаззатини қондиришга сарфлайди. Инсонни ҳақиқий инсон бўлиш босқичига охиратга бўлган иймонгина олиб чиқади. Охиратга ишонмаган кимсадан "Ҳаёт нима?" деб сўралса, у "Емоқ, ичмоқ, ухламоқ", дейишдан бошқа жавоб айта олмайди. Ҳаёт тугаши билан барча нарса тамом бўлади, деб эътиқод қилган кимса фоят хатарли бир маҳлуққа айланади ва ҳаётда инсонларча яшай олмайди.

Демак, мўмин киши дунёда азият тортиши, зулмланиши, хорланиши, азоб чекишига қарамасдан, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг буйруқларини бажариб, қайтарган нарсаларидан қайтиб, ёлиз Ундангина кўркиб яшамоги керак. Бундай кишилар ҳаётда озчилик бўлса ҳам, Парвардигорнинг хузурида амалларига яраша мукофотлар олишади. Улар қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган неъматларга тўла жаннатларга киришади. Бу дунёда "яшаб қол" қабилида ҳаётини зулм билан, бирорларни талаш билан, маъсиятнинг барча турларига кўмилиб ўтказган кимсалар кўп бўлади. Гарчанд, улар бу фоний дунёда фаровон ҳаёт кечириб, бойбадавлат ёки ҳукмдор бўлиб ўтишса ҳам, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг хузурида, албатта, қилган қилмишларига яраша жазоланадилар. Уларни қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган, ўтилари одамлар ва тошлардан иборат тисирлаб ёнадиган алангаларга тўла, "Яна борми", деб ҳайқириб турадиган жаҳаннам азоблари кутмоқда. Мусулмон кишининг охират кунига доир эътиқоди мана шундай бўлиши керак.

Қандай қилиб, ҳукмлар мазмуни турли хил бўлган китобларнинг ҳаммасига иймон келтириш мумкин, деган савол туғилиши мумкин. Жавоб шуки, уларнинг барчасини Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} нозил қилган ва Куръони Каримдан бошқа муқаддас китоблар ҳам уларни аҳли китоблар ўзгартиргунга қадар, тавхидга, яъни Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}ни яккалашга чақирган.

Мазкур икки оятда гайбга иймон келтириш, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}тагина ибодат қилиб, ибодатнинг рамзи бўлган намозни барпо қилиш, молни Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг моли ва бу молга Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг мўмин бандалари шерик, деб эътиқод қилиш, уларни шахсий манфаатларга сарф қилиш билан бирга камбагал мўмин биродарларни ҳам унутмаслик, ҳақиқий инсонлик даражасига олиб чикувчи эътиқод – Охират ақидасига ишониш каби сифатлар зикри келди. Бу сифатлар ҳаётда Куръони Каримни ҳидоят чироги деб билган тақволи кишиларни бошқалардан

юборган икки фаришта – Хорут ва Морутга нозил бўлган нарса – сеҳрни ўргатиб кофир бўлишиди.

Бу икки фаришта Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} уларни одамлар орасига имтиҳон учун юборганини ошкор қилган. Ўргатиши сўраб келганларга сеҳр билан шуғуланиш куфр эканини айтган. "Биз фитнамиз, яъни Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} тарафидан бандаларни синаш учунгина турибмиз. Одамларга зиён етказиш учун сеҳрни ўрганиб, кофир бўлмагин", деб ҳам огоҳлантирган. Мана шундай демасдан туриб, ҳеч кимга сеҳр ўргатган эмас. Шундан кейин ҳам одамлар Хорут ва Морутнинг огоҳ этишига қулоқ солмай, бошқаларга зарар етказиш мақсадида сеҳр ўрганишликка қаттиқ ҳарис бўлишиди ва икковларидан у билан эр-хотин орасини бузадиган, уларни ажратиб юборадиган нарсани ўрганишиди.

Яхудлар кони зарар бўлган, мутлақ фойда бермайдиган нарсани ўрганишиди. Улар Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг китобини ортига улоқтириб, сеҳрга эргашган кимсага Охиратда Унинг раҳматидан ҳеч қандай насиба йўқлигини, жаннатдан тамоман маҳрум бўлишини аниқ билишган. Шунга қарамай одамларга зиён етказадиган, эр-хотин ўртасини ажратиб юборадиган, фойдасиз нарсаларни ўрганиб, эвазига ҳаётини, ўзларини сотишиди. Унга ўзларини сотган нарса нақадар ёмон, агар билишса! Буни дунёда билишмаслги мумкин. Лекин, яқин келажакда, албатта, билишади.

Ҳаётини сотиши – ўзни сотиши демакдир. Ҳаёт – инсонга фақат бир марта бериладиган бебаҳо неъматдир. Инсон бу неъмат билан абадий баҳт-саодатни қўлга киритишга ҳаракат қилиши керак.

Росууллоҳ ^{сөзларига}_{аҳадис} Сулаймон ^{аҳадис}_{саъд}ни пайғамбарлар қаторида зикр этганларида яхуд олимлари "Муҳаммадни қаранглар! Довуднинг ўғлини пайғамбар демоқда! Аллоҳга қасамки, у фақат сеҳргар бўлган, холос. Салтанатига ҳам сеҳр орқали эришган, сеҳр орқали ўзига шамолу жинни бўйсундирган" деб, Сулаймон ^{аҳадис}_{саъд} ҳақларига бўхтон қилишиди. Шунда Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} мазкур оятни нозил қилиш билан яхудларнинг асосиз даъволарини рад қилиб, Сулаймон ^{аҳадис}_{саъд}нинг сеҳргар эмаслигини, сеҳр ва уни ўрганиш куфр эканлигини баён қиласи ва Ўзининг улуг пайғамбарларидан бўлмиш Сулаймон ^{аҳадис}_{саъд}дан бундай мараз иллатни йироқ қиласи.

Хорут ва Морут ҳақида бир қанча фикрлар айтилган. Аксар муфассир уламолар фикрига кўра, улар мўъжиза билан сеҳрни айириш ҳамда одамларни имтиҳон қилиш учун юборилган Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг икки фариштасидир.

Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} Хорут ва Морутни юборган замонда сеҳргарлар авж олиб, одамларга ҳайрат бармоғини тишлатишиди. Ўта моҳирлари қилаётган сеҳрларини мўъжиза деб, ўзларини пайғамбар деб ҳам аташди. Шунда Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} Хорут ва Морут исмли икки фариштани сеҳрнинг бальзи тарафларини ўргатиш учун юборди. Натижада илоҳий

қозонолмаслигидан қўрқади. Аммо, Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу* тарафидан юборилган барча пайғамбарлар ўзидан аввал ўтган ҳамма пайғамбарлар номини эҳтиром билан тилга олиб, уларнинг йўлларини тасдиқлаб, Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу*нинг буйрук ва хукмларини етказиш билан такомиллаштириб келган. Мусулмонлар Мусо *алайхис салам* ни «Калимуллоҳ», Ийсо *алайхис салам* ни «Рухуллоҳ» деб, улуғлаб, хурмат билан тилга олишади. Ўтган биронта пайғамбарни инкор этиш динимизда куфрдир.

Яхудлар Мухаммад *саллалулаху олайхис салам* нинг сўнгти пайғамбар бўлиб келишларини башорат этган Таврот Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу*нинг муқаддас китоби эканини билмагандек инкор этиб, ундан юз ўгириши. Яхудлар Росууллоҳ *саллалулаху олайхис салам* га иймон келтириш буюрилган оятларни ортларига улоқтириш билан Тавротга ҳам кофир бўлиши.

Демак, бир нарсанинг аниқ ҳақиқат эканини билган олим киши унга амал қиласа, у бамисоли билимсиз жоҳидир.

Баъзи муфассир уламолар – *Аллоҳнинг китоби* калимасидаги *китобдан* мурод Таврот десалар, бошқалари Куръони Карим деганлар.

Аҳли китоблар Куръони Каримга иймон келтиришдан бош тортиб, ундан кўра яхшироқ нарсага эргашдими? Йўқ! Улар

وَأَتَبْعَوْ مَا تَقْلِبُوا إِلَشِيَطِينَ عَلَى مُلْكِ سَلَيْمَنٍ وَمَا كَفَرَ شَيْئِنَ وَلَكِنَّ أَشَيْطِينَ كَفَرُوا يُعَظِّمُونَ النَّاسَ الْسَّيْحَرَ وَمَا أَنْزَلَ
عَلَى الْمَلَكِيَّتِ بِتَابِلَ هَرَوْتَ وَمَرَوْتَ وَمَا يَعْلَمُانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَكُوْلَ آفَمَا تَحْنَ فَنَتَةً فَلَا تَكُفُرْ فَيَتَعَلَّمُونَ
مِنْهُمَا مَا يُقْرِئُونَ بِهِ بَيْنَ الْمَرْءَ وَزَوْجِهِ وَمَا هُمْ بِصَارِبِينَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا يَأْذِنُ اللَّهُ وَيَتَعَلَّمُونَ مَا يَضْرُرُهُمْ
وَلَا يَنْعَثُهُمْ وَلَقَدْ عَلِمُوا أَنَّهُنَّ أَشْرَهُنَّ مَالَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلْقٍ وَلِبَسْ تَاشِرَوْ بِهِ أَفْسَهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ
۱۰۲

102. Сулаймон подшолиги даврида шайтонлар ўқиб юрган нарсага эргашиши. Сулаймон кофир бўлган эмас, лекин шайтонлар одамларга сеҳрни ва Бобилдаги икки фаришта – Хорут ва Морутга нозил бўлган нарсани ўргатиб кофир бўлиши. Икковлари "Биз фақат фитнамиз, сеҳрни ўрганиб кофир бўлиб қолма", демасдан туриб, ҳеч кимга ўргатишмас эди. Икковларидан эр билан аёлининг орасини у билан ажратадиган нарсани ўрганишар эди. Улар Аллоҳнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказувчи эмас эди. Ўзларига зарар келтирадиган, фойда бермайдиган нарсани ўрганишар эди. Буни сотиб олган кимсага охиратда ҳеч кандай насиба йўқлигини ҳам аниқ билишган эди. Унга ўзларини сотишган нарса нақадар ёмон, агар билишса!

Яхудлар Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу*нинг китобини ортларига улоқтириб, Сулаймон *алайхис салам* даврларида шайтону жинлар ўқиб ё айтиб юрган сеҳр китобларига эргашиб кетиши. Сулаймон *алайхис салам* сеҳргарлик қилиб ё сеҳр ўргатиб кофир бўлган эмас! Лекин жин-шайтонлар ифво ва залолат тарқатиш мақсадида одамларга сеҳрни ва уларни имтиҳон қилиш учун Аллоҳ

ажратади. Улар, энг аввало, тақвони қалбларида ҳосил қилишади. Ҳаётда бир ишга қўл уришдан аввал бу нарса Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу*нинг тарозисига мувофиқ келиш-келмаслиги ҳақида чукур мuloҳаза қиласидилар.

Мана шундай тақволи кишиларнинг барча белгиларини кўз олдимизда намоён этгач, Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу* мазкур сифатларни ўзида жамлаган кишиларга ишора қилиб, шундай дейди:

أُولَئِكَ عَلَى هُدًى مِنْ رَبِّهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُقْلِبُونَ

5. *Ўшаларгина Раббилари* тарафидан юборилган ҳидоятдаги *кишилардир ва ўшаларгина ҳақиқий нажотга эришувларидирлар*.

Ҳақиқатдан ҳам, биз юкорида сифатларини ўрганиб ўтган тақводор кишилар дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳақиқий нажот топади. Нажотнинг тақводорларгагина чекланиши нажотта фақат тақводорлар йўлига юрибгина эришиш мумкинлигига ишорадир. Нажот сўзининг негизи бўлган "ғлавъ" калимаси аслида "ўрнаб қолиш", яъни мақсад қилган нарсалари – жаннатга кириб, унда абадий қолиш ва қўрқкан нарсалари – дўзахдан кутулиш маъносини англатади. Зоро, тақводорлар йўлидан ўзга, турли хил ажнабий атамалар билан аталган йўлларнинг ҳаммаси, уларга кечасию кундузи тинимсиз, ҳамма воситаларни оёққа турғизиб, баҳт-саодатга олиб борувчи ягона йўл, деб ҳар қанча чакирилмасин, барчаси ҳалокату баҳтсизлик йўлларидир.

Умрининг охирида ҳаётини Исломга мувофиқ ўтказганидан пушаймон бўлган инсонни ҳеч эшитгансиз? "Аттанг, бекор мусулмон бўлибман, бекор Росууллоҳ *саллалулаху олайхис салам* га эргашибман", деб надомат қилган кимсани кўрганмисиз? Бироқ, "Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу*ни танимасдан умримни зое қилибман, қани энди, Куръони Карим хукмларига эргашган бўлсам эди" ёки "Исломга мувофиқ яшаган бўлсам эди", деб надомат қилган одамларни кўплаб эшитгансиз. Одамларнинг ўзу каби сўзлари ҳам ким ҳақиқий тўғри йўл узра кетаётганини исботлаб туриди.

Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу* бизларга Куръони Каримни ҳидоят қилиб юборди. Унинг ҳидоятига эришиш учун инсон тақволи бандалардан бўлиши керак. Куръони Карим комил китобдир, унинг комиллигини комил инсонларгина тушунади. Қалбида куфр, нифок, фисқ маразлари бўлган кимсаларга Куръони Карим ҳидоят бўлмайди.

Аллоҳ *сұбханаху вә таъауу* бизни қарид, кучи кетиб, қўлидан ҳеч бир иш келмай қолганида, мажбурикдан ёки аксар ёшларнинг ибодатли бўлиб кетаётганидан уялиб, ибодатга бўйин эгадиган кимсалардан қилиб қўймади. Куръони Карим ҳидояти қолиб, аллакандай маъносиз, тутуриқсиз маслакларга эргашадиган қилиб қўймади. Росууллоҳ *саллалулаху олайхис салам* дек тўғри йўлга бошлайдиган йўлбошчи туриб, нафсидан бошқа нарсани ўйламайдиган фосиқ ва золимларни ўзига йўлбошчи деб,

уларнинг кетидан эргашиб кетадиган қилиб қўймади. Буларнинг барчаси биз учун жуда катта неъматdir.

Ўшалар ишора калимасининг икки марта такрорланиб келиши тақвodorлар мартабасининг юқорилигини таъкидлаб, бу сифатларга эришиш учун ҳаракат қилиш ҳаммага бирдай зарур эканлигига ишора қилмоқда. **علي** ҳарфи билан келтирилиши эса улугворлик маъносини ифодалаб, ҳидоят топган киши ҳидояти туфайли мўътабар бўлишини билдиради.

Юқорида тўғри йўл узра борадиган кишиларнинг белгилари айтиб ўтилди. Демак, ким дунё ва охиратда нажот топишни истаса, ўзида тақво сифатларини мужассам этиши лозим. Бу сифатлар топилмаган кимса ҳар қанча дод-вой десин, унинг йўли тўғри бўлиши асло мумкин эмас.

Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}дан қўрқувчи мўминларнинг сифатлари баён килинганидан сўнг навбатдаги оятларда уларнинг зидди бўлган кофир ва мунофиқларнинг ҳамда "мунофиқларнинг шайтонлари" деб аталган яна бир тоифанинг сифатлари ҳақида хабар берилади.

Кофirlar куфрларини очиқ эълон қилишган. Уларнинг кофирлиги гап-сўзи ва амалидан билиниб туради. Уларни бошқалардан фарқлаб олиш мушкул эмас. Шу сабабдан улар ҳақида қисқароқ тарзда маълумот берилади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَوْءَ عَلَيْهِمْ إِنَّهُمْ أَنذَرُهُمْ لَا يَؤْمِنُونَ ①

6. Кофир бўлган кимсаларни огоҳлантирасизми, огоҳлантирамайсизми, уларга бари бир, иймон келтиришмайди.

Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг яккалиги – хамма мавжудотлар исботлаб турган ҳақиқатdir. Инсон ўз жисмiga яхшилаб бир назар солар экан, ундаги мўъжизотларни кўриб, Яратувчининг яккалигига, шубҳасиз, ишонч ҳосил қиласи. Куръони Каримни ўқиб тадаббур киласр экан, унинг Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} тарафидан нозил бўлганлигига, шубҳасиз иқрор бўлади.

Росулулоҳ ^{соллаилу}_{الله}^{علیه}_{الحمد}^{الصلوة}_{والسکر}_{السلام}нинг рисолатлари хам очиқ-ойдин бир ҳақиқатdir. Бирор мактаб ёки устоз кўрмаган, уммийлар ичida туғилиб, вояга етган кишини Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} бутун инсоният учун қиёматгача ҳаёт манҳажини кўрсатиб берувчи, ўзгармас қонун билан пайғамбар қилиб юбориши – ҳеч инкор қилиб бўлmas ҳақиқатdir. Мана шу каби улкан ҳақиқатни инкор қилган ёки яширган тоифаларни Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо} кофirlar деб атамоқда. Дарҳақиқат, мазкур ҳақиқатларни инкор қилган ва тақvodorлар сифатини ўзида мужассам этишдан бош тортган ё уларнинг барчасини ёхуд биттасини инкор этган кимсалар ҳақиқий кофирdir. Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг оятларини ва Росулулоҳ ^{соллаилу}_{الله}^{علیه}_{الحمد}^{الصلوة}_{والسکر}_{السلام}нинг рисолатини

¹ ўқиши ва ёзув – чизувни билмайдиган саводсиз

Аҳдга вафо килиш – мусулмонларнинг ажralmas сифатларидан. Росулулоҳ ^{соллаилу}_{الله}^{علیه}_{الحمد}^{الصلوة}_{والسکر}_{السلام} куйидаги ҳадисида марҳамат қилдилар:




Абдуллоҳ ибн Амр ^{розилялоҳу}_{انху} ривоят қилдилар: *Rosuлулоҳ* ^{соллаилу}_{الله}^{علیه}_{الحمد}^{الصلوة}_{والسکر}_{السلام} Мусулмонларнинг конлари баробар, энг кичиклари ҳам аҳдлари борасида ҳаракат қилишади, улар ўздаридан бошқаларга қарши бир қўлдирлар дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Мусулмонларнинг катта-кичиги бўлмайди. Энг эътиборли киши энг эътиборсиз кишига нисбатан жиноят қилса, ундан қасос олинаверади. Бу раҳбар, бу эса ходим, деган гап бўлмайди. Мусулмонлар бир-бири учун бошқалар устидан бир тандирлар. Энг кичик одам агар аҳд бериб кўйган бўлса, бошқаларга шу аҳд лозим бўлади.

Исломий қўшиналар қўмандони Абу Убайда ибн Жарроҳ ^{розилялоҳу}_{анху} Ироқдан Мадинага, халифа Умар ибн Хаттоб ^{розилялоҳу}_{анху}лашқар орасидан оддий бир қул бутун бир вилоят аҳлига омонлик бериб қўйибди. Ҳолбуки, улар Исломга кўп зарар етказган ҳалқ эди. Нима қилайлик? деб мактуб йўлладилар. Умар ибн Хаттоб ^{розилялоҳу} мактубга жавобан: Аллоҳ вафони жуда улуглади. Сизлар вафо қилмагунингизча, вафодор ҳисобланмайсиз. Ўша қулнинг берган аҳдига вафо қилинглар дедилар. Бундай мисолларни фақат Ислом тарихидан топасиз.

Нима учун яҳудлар ҳеч қаҷон аҳдларига вафо қилишмайди? Чунки, улар китобимиз деб мағуруланаётган Тавротга ҳам ҳақиқий иймон келтиришмайди.



101. Уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларидаги нарсани тасдиқ этувчи пайғамбар келганида китоб берилгандардан бир тоифаси Аллоҳнинг китобини, худди билишмайдигандек, ортларига улоқтириди.

Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъвудо}нинг сўнги пайғамбари Муҳаммад ^{соллаилу}_{الله}^{علیه}_{الحمد}^{الصلوة}_{والسکر}_{السلام} Мусо ^{алаих}_{السلام}нинг пайғамбарлигини эътироф этиб, ақида ва шариат бобида Таврот билан бир хил бўлган шариатни олиб келдилар. Шунда Росулулоҳ ^{соллаилу}_{الله}^{علیه}_{الحمد}^{الصلوة}_{والسکر}_{السلام} замондош бўлган яҳудларнинг уламолари ва пешволари "Бизга ўз пайғамбаримиз Мусо олиб келган Таврот кифоя, бошқаси керак эмас", деб, Тавротни ортларига улоқтириши.

Исломдан бошқа дунёдаги барча маслакларда янги раҳбар ўзидан аввалги раҳбарнинг тутган йўлини коралаб, уни ерга қориштириб, сўнг ўз шахсиятини ўрнатишга уринади. Собик раҳбарнинг йўлини давом эттирса, ҳалқ орасида ўзига хос шахсият эгаси сифатида обур



Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ اَنَّ اللَّهَ قَالَ مَنْ عَادَ لِي وَلِيَّ فَكَذَّبَهُ اَذْنَهُ بِالْحَرْبِ* (Роҳеъи ҳарари)


Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ اَنَّ اللَّهَ قَالَ مَنْ عَادَ لِي وَلِيَّ فَكَذَّبَهُ اَذْنَهُ بِالْحَرْبِ* (Имом Бухорий ривояти)

Мўмин киши, яхудлардан фарқли ўларок, хеч қайси фаришта ёки

пайғамбарни ажратмаган ҳолда иймон келтиради. Мўмин киши уларни

ажратиш ёки баъзисига иймон келтириб, бошқасини инкор этишини

куфр деб билади.




99. Ҳақиқатан биз Сизга очиқ оятларни туширдик. Бу оятларни фосиқларгина инкор этади.

Эй Мұхаммад صلی اللہ علیہ وسَمِّ! Биз сизнинг пайғамбар эканингизга далолат қиласидиган очиқ оятларни нозил этдик. Бу оятларни факат Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ нинг итоатидан чиққан кимсаларгина инкор этади, холос. Сиз яхудларнинг кофир бўлишига ғамгин бўлманг!

Ҳаётга бир назар солинг! Куръони Каримни, Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ нинг бебаҳо йўлланмаларини факат фосиқ кимсаларгина инкор этганини топасиз. Агар улар мазкур нарсаларни инкор этишмаса, унда одамларча ҳаёт кечиришга мажбур бўлишади.

Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ га атрофдан кўп азиятлар етганда Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ мана шу каби оятларни нозил қилиб, у кишига тасалли берар эди.

Абдуллоҳ ибн Аббос رضي الله عنه Абдуллоҳ ибн Суриё исмли яхудларнинг пешвоси "Эй Мұхаммад! Сизга эргашайлик десак, биз биладиган биронта очиқ оят ҳам олиб келмадингиз" деганига жавобан мана бу оят нозил бўлган деганлар.



100. Ҳар қачон бирон аҳдга аҳдлашишса, улардан бир гуруҳ уни бузаверадими?! Йўқ! Уларнинг аксари иймон келтиришмайди.

Бани Исроилдан ўта жиддий суратда, ҳатто Тур тогини устларига олиб келиниб, аҳдни маҳкам ушлашга буюрилганда ҳам, аҳдларни бузишда давом этишди. Зоро, аҳдга хиёнат яхудларнинг табиати ёки одатига айланиб, қонларига сингиб кетган. Улар аҳд беришдан илгари унинг бузиш йўлларини излашади. Берган аҳдларини имзоламай туриб бузишади. Аҳдни бузиш улар учун гуноҳ эмас. Айтинг-чи! Қачон яхудий берган аҳдига вафо қилган!?

Улар Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ билан қилган бир қатор аҳдларини ҳам бузишди. Шунинг учун бу оят мусулмонларни яхудларнинг аҳдига ҳеч қачон ишонмаслика чакирапти.

яширган, уни ҳалқларга етказиши йўлида тўсқинчилик қилган бундай кофиirlарни сиз куфр, зулм ва фасоднинг ёмон оқибатларидан, жаҳаннамнинг даҳшатли азобларидан огоҳлантиринг ё огоҳлантирманг, улар Ислом динидан юз ўтирганлари ва ҳакни беркитганлари сабабли бари бир иймон келтиришмайди. Зоро, иймон ва ҳидоят – Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ нинг энг буюк ва улкан неъматидир. Шундай очиқ ҳақиқатларни инкор қилиб турган кимсаларга бу улуг неъмат хайфидир.

Куфр – лугатда яшириш ёки инкор килиш, шариат истилоҳида Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ ни ва Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ олиб келган йўлни инкор этиш ёки ундан юз ўтириш ҳамда Ислом шариатидан чиқарувчи амалларни қасддан қилиш маъноларини билдиради.

Абдуллоҳ ибн Аббос رضي الله عنه бу оятни Ҳуяй ибн Ахтоб ва Каъб ибн Ашраф каби яхудийларнинг катталари ҳақида нозил бўлган деганлар.

Куръони Каримнинг бу оятини чукур тафаккур қилишимиз керак. Огоҳлантириш ёки огоҳлантирмаслик огоҳлантирувчига нисбатан эмас, балки огоҳлантирилаётган кимсаларга нисбатан баробардир. Бундай кофир кимсаларга огоҳлантириш фойда бермаса-да, мусулмон киши ҳужжат барпо бўлиши учун ўз вазифасини ўтаб, уларга дъяватни етказиши, огоҳлантириб бориши керак. Бу иши учун, албатта, ажрини олади. Кофиirlар куфр маразини қалбидан сиқиб чиқарисагина ҳидоят калималари уларга таъсир қилади.



Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسَمِّ ҳар бир чақалок Ислом табиатига биноан туғилади, сўнг ота-онаси уни яхудий ё насроний ёхуд мажусий қилиб тарбиялайди. Бамисоли ҳайвон боласини тукқан чогида унда бурни ёки қулоги кесикка ўшаш нуқсонни қўрасизми дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Уламолар куфрни тўрт хилга бўлишган:

1) Инкор. Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ нинг вужудига унамаслик ёки Унинг борлигини тан олмаслик;

2) Жаҳд. Шайтон ёки яхудлар каби Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ нинг борлигини билиб, аммо тил билан иқор бўлмаслик;

3) И nod. Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ борлигини қалбан билиб, тил билан тан олиб, У жўнаттган динни тан олмаслик. Куфрнинг бу тури жуда кўп учрайди;

4) Ниғоқ. Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسَمِّ тил билан тан олиб, қалб билан эътиқод кимласлик. Буларнинг қайси бири кишида топиларкан, у кофир хисобланади.

Аллоҳ сұханаху да таъвою коғирларнинг иймон келтирмасликлари сабабларини баён қилиб, марҳамат қиласы:



7. Аллоҳ уларнинг қалблари ва қулоқларини муҳрлаб қўиди, қўзларига эса парда тортилган ва уларга улкан азоблар ҳам тайёрлаб қўйилган.

Исломий пок табиатни йўқотиш коғирларнинг иймондан юз ўгиришига сабаб бўлди. Аллоҳ сұханаху да таъвоюнинг оятларини инкор қилишгани, пайғамбарини масҳара қилишгани ҳамда ҳақиқат йўлида тўсқинчилик қилишгани учун Аллоҳ сұханаху да таъвою уларнинг қалблари ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларига эса парда тортган. Шу сабабдан улар эшитмайдилар, кўрмайдилар. Аллоҳ сұханаху да таъвою Куръони Каримнинг бошка ўринларида марҳамат қилиб:




Куфрлари сабабли Аллоҳ уларнинг қалбини муҳрлаб қўиди дейди. (Нисо сураси, 155 – оят)

Аллоҳ сұханаху да таъвою муҳрлаб қўйган қулоқлар дунё ва охиратга фойда берадиган хидоят калималарини эшитмайди. Куръони Карим, Исломга бўлган даъват қулоқларига кирмайди. Шу сабабли коғирлар ҳакни эшитганда, кардек, ижобат қилмасдан кетаверади. Бунинг ўрнига Аллоҳ сұханаху да таъвою эшитишини ман этган, на дунёга, на охиратга фойда бермайдиган гийбат, турли хил мусиқа ва хиргойилар, фаҳш сўзлар ҳар қанча бўлса, эшитаверади. Коғирлар қулоқлари эшитмаётганидан уларга Куръони Карим тиловат қилиб берилса, Китоб ва Суннат ҳақиқатлари айтилса, хидоятга чакирилса, улар "Бошқа гаплардан гаплашайлик! Наҳотки бу нарсаларни ота-боболаримиз билмаган бўлишса!", дейишиди.


Аллоҳ сұханаху да таъвою парда билан қоплаб қўйган қўзлар хидоят белгиларини кўриш ўрнига бузук ишларни, маъсиятхоналарни, Аллоҳ сұханаху да таъвою кўришдан қайтарган нарсаларни кўради. Аммо ҳакни, тўғри йўлни, солиҳ амалларни кўролмайди. Кўзларининг кўрмаслигидан ҳақни, атрофдаги коинот ва ундаги ҳисобсиз мўъжизаларни кўриб ҳам уларнинг ёлгиз Яратувчиси борлигини тан олишмайди. Шу сабабли коғирлар ҳакни кўрганида, кўрмагандек, танимасдан юз ўгириб кетаверади. Дунёнинг зулматли кўчаларида қалби муҳрланиб, қулоқлари эшитмай, кўзлари кўрмай юриш нақадар хатарли! Зоро, мазкур нарсалар коғирларнинг маънан кўр ва карникларидан далолат беради.

Лекин ҳаётда ҳақни танимай, эшитмай, билмай ўтиб кетиши билан кутуладиларми, саодатга эришадиларми? Асло йўқ! Ҳақни эшитмаслик ва кўрмаслик – уларга дунёда бериладиган азобдир. Дунёда хидоятдек улкан неъматдан маҳрум бўлишлари билан бирга Қиёматда уларга

бўлмайди. Куръони Карим очик қалб ила, иймон ва тақво сифати билан ўқиган кишиларгагина хидоят ва хушхабар бўлади. Аллоҳ сұханаху да таъвоюнинг китобини ўқиб, амал қилмай, ундан соҳта мартабаларни кўлга киритиш, мол-дунё ортириш учун фойдаланаётган, Аллоҳ сұханаху да таъвоюнинг каломини ман қилинган ўринларда ўқиб юрган, золимларнинг зулмини оқлаш учун ундан "далил" келтираётган иймонсиз кимсаларга эса Куръони Карим хушхабарлари хеч қандай хурсандлик олиб келмайди. Шунинг учун Аллоҳ сұханаху да таъвою Куръони Каримда марҳамат қилиб:



Муфассир уламолар мана бу оят ўзларига Жибрил аҳақиқи салом ни душман, Микоил аҳақиқи салом ни дўст деб билган яхудларнинг бўхтон ва залолатларини рад қилган ҳолатда нозил бўлганига иттифоқ қилишган.



Фаришталар Аллоҳ сұханаху да таъвоюнинг измидан ташқари бирор иш қилишмайди. Пайғамбарлар ҳам, яккаланиб, бутун ер юзи уларга қарши бўлганда ҳам, Аллоҳ сұханаху да таъвоюнинг рисолатини заррача ўзгартиришмаган. Демак, башарият учун саодат йўлини олиб келган Аллоҳ сұханаху да таъвоюнинг улуг пайғамбарларини ва Унинг барча амрига сўзсиз итоат этадиган пок фаришталарини, хусусан, Жибрил ва Микоил аҳақиқи салом-ларни ўзига душман билганлар, шубҳасиз, коғирдир. Аллоҳ сұханаху да таъвою бундай коғирларнинг коғирлигини аниқ баён этиш учун уларнинг демасдан **коғирларнинг** деб келтирди. Аллоҳ сұханаху да таъвою бундай коғирларни Ўзининг душмани, деб санайди.

Аллоҳ сұханаху да таъвоюга душман бўлиш Унга осий бўлиш билан, малоикаларга душман бўлиш уларга коғир бўлиш билан, пайғамбарларга душман бўлиш уларнинг йўлига эргашмаслик билан бўлади. Аллоҳ сұханаху да таъвоюнинг душманлиги эса осий кимсаларни Қиёмат куни жаҳаннамда азоблаш билан бўлади.

Мана бу оятда Аллоҳ сұханаху да таъвоюга коғир бўлиш билан фаришталар ва пайғамбарларга коғир бўлиш бир қаторга қўйилмокда. Росулуллоҳ аҳақиқи салом куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

дүшманидир деб **айтинг!** Зеро, у Аллоҳнинг изни билан қалбингизга... оягини ўқидилар деди. (Имом Бухорий ривояти)

Яхудлар Росууллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} нинг хузурларига келиб, "Сизга Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам}дан вахийни кайси фаришта олиб келади", деб сўрашди. Росууллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} Жибрил, деб жавоб қилдилар. "Уруш, қатл қилиш, азоб ҳақида оятлар олиб келадиган Жибрилми? Жибрилнинг вахийни олиб келиши бизни Куръонга иймон келтириб, сизга эргашишдан тўсмоқда. Агар вахийни Жибрил эмас, Микоил олиб келганда эди, биз сизга иймон келтирас эдик," дейишди.

Яхудларнинг адсоватлари Росууллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам}дан ошиб, Жибрил ^{аҳлихис-сағам}-га ҳам етди. Инсоннинг дунёкараши тубанлашар экан, ҳақиқатдан юз ўтириш учун ҳар қандай баҳонадан – гарчи унинг нодонлигини ошкор этадиган даражада бўлса ҳам, ҳасад ва адсоват туфайли уни изхор этишдан тап тортмайди.

Бани Исройл Жибрил ^{аҳлихис-сағам}. Одам ^{аҳлихис-сағам}-дан тортиб, Ийсо ^{аҳлихис-сағам}-гача бўлган пайғамбарларга вахий олиб келганларида адсоват қилмаган эди. Охирзамон пайғамбарини ўзларидан чиқишини кутиб турғанларида Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам}нинг фазли арабларга насиб бўлди ва Мұхаммад ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} бутун оламга раҳмат қилиб жўнатилдилар. Мана шунда яхудлар қалбларида туғилган ҳасад туфайли Росууллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} ва у кишига эргашган саҳобаларга адсоват қилиш қолиб, вахийни олиб келган мұкарраб фаришта – Жибрил ^{аҳлихис-сағам}-ни ҳам ўзларига душман билишди. Аввало, Жибрил ^{аҳлихис-сағам}-важийни ўзларидан олиб туширганлари йўқ, балки бевосита Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам}нинг амри билан Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} танлаган кишига олиб келдилар. У зот вахий борасида ҳеч қандай ихтиёрга эга эмас эдилар. Колаверса, Мусо ^{аҳлихис-сағам}-га ҳам айни ўша Жибрил ^{аҳлихис-сағам}-важий олиб келган эдилар. Жибрил ^{аҳлихис-сағам}-нинг Мұхаммад ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} олиб келган нарсалари яхудлар китобимиз деяётган Тавротга зид эмас эди. Балки Таврот чакирган айни ҳақиқат – Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам}ни яккалашга чакирадиган, ўтган барча самовий китобларни тасдиқловчи, дунё ва охират саодати билан унга эргашган мўмин кишиларгина хушхабар берувчи, гумроҳликдан тўғри йўлга бошловчи мукаммал ҳидоят – Куръони Каримни олиб келдилар. Жибрил ^{аҳлихис-сағам}-нинг айблари – Парвардигорнинг амрини қойилмақом қилиб бажаргандари, холос.

Куръони Карим уни ўргатаётган ёки ўрганаётган барчага ҳидоят бўлолмайди. Зеро, умрини Куръони Каримни ўрганишга багишлигар, ҳатто айрим мусулмонлардан кўра яхширок биладиган, бирок унинг ҳидоят нуридан маҳрум бўлиб, унга қарши тош отаётган "файласуф"лар ҳаётда кўплаб топилади. Бундай кимсалар Куръони Каримни Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} тарафидан нозил қилинган, ҳидоятга бошловчи ягона, муқаддас китоб сифатида эмас, балки мусулмонларга қарши курашда ишлатиш учунгина ўрганишади. Шунинг учун ҳам Куръони Карим уларга ҳидоят

фаразига сифмайдиган, қулоғи эшитмаган, кўзи кўрмаган, ҳаётда топган мазаларини буткул ювиб кетадиган улкан ва даҳшатли азоблар муҳайё қилиб қўйилган.

Қалбинг эшитиши ва кўриш аъзоларидан олдин зикр килиниши унинг бошқа аъзоларга нисбатан муҳимлигига ишорадир. Зеро, Росууллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} ҳам қуйидаги ҳадисда шундай дедилар:



Нўймон ибн Башир ^{розвияллоҳу} ривоят қилдилар: Росууллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} билингки, жасадда бир парча гўшт бор, агар у тузалса, бутун жасад тузалур, агар у бузилса, бутун жасад бузилур, билингки, бу қалбидир деганларини эшитдим дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} фаришталарни хоҳласалар ҳам, хоҳламасалар ҳам ҳидоят йўлида юрадиган қилиб яратди. Ҳайвонот оламини ҳам хоҳласин, хоҳламасин, ихтиёrsиз равишида бир ҳаёт йўналишида кетадиган қилиб яратди. Уларга эрк бермади. Лекин Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} инсонни эркли, ихтиёрли қилиб яратиб, бошқалардан мукаррам қилди. Уни ҳидоятни ҳам, залолатни ҳам ўз ихтиёри билан танлаб оладиган хилқат қилди. Агар у табиатида жойлашган пок фитрат асосида йўл тутиб, Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам}нинг юборган оятларини қабул қиласа, Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} уни тўғри йўлга йўллаб қўяди. Агар Куръони Карим оятларини ёки умуман Исломни масхара қиласа, Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} уни адаштиради.

Агар Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} хоҳлаганида, ҳамма одамни фаришта табиат қилиб яратиб, барчани тўғри йўлга йўллаб қўяр эди. Лекин У инсоннинг инсон бўлишини хоҳлади. Бутун мавжудотлар орасидан инсонгагина ихтиёр сифатини берди. Инсон бу ихтиёри билан хоҳласа ҳидоят йўлини, хоҳласа залолат йўлини танлайди. Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} Куръони Каримда марҳамат қилиб,



Агар Раббингиз хоҳлагандада эди, ер юзидағи одамларнинг ҳаммаси иймон келтирган бўлур эди. Сиз одамларни мўмин бўлишга мажбур қиласизми? дейди. (Юнус сураси, 99 – оят)

Росууллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} одамларнинг ҳаммаси иймон келтириб, ҳидоятга мушарраф бўлишини истар эдилар. Бу оят мушриклар Росууллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам}ни масхара қилиб, рисолатдан юз ўтириб турган соатларда у кишига тасалли берар эди.

Аллоҳ ^{сұлтанату}_{аҳлихис-сағам} тақводорлар сифатини уч оят билан, кофиirlар сифатини атиги икки оят билан баён қилди. Муноғиқларга келганда эса динга етказиши мумкин бўлган заарлари ва раҳна солиши мумкин бўлган

хатарлари улканлигидан уларнинг бу сурадаги баёни анча муфассал ҳолда, ўн учта оят билан ёритилган. Ҳатто улар ҳақида иккита зарбулмасал ҳам келтирилган. Умуман, мунофиклар мавзуи Қуръони Каримнинг 17 та сурасида такрибан 340 та оят билан ёритилган.

Одамлар ичиди ўзлари парда ортида туриб мунофикларни ишга соладиган, мусулмонларга қарши гижгижлайдиган яна бир тоифа бор. Улар ўзларини кўрсатмай, махфий ҳолда динга қарши иш олиб борганлари учун бўлса керак – валлоҳу аълам – Қуръони Карим ҳам уларнинг номини ошкор айтмасдан, "мунофикларнинг шайтонлари" дея ишора килиб ўтади:

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ إِعْمَالًا يَأْلَمُهُ وَيَا لَيْلَةَ وَيَا لَيْلَةَ الْآخِرِ وَمَا هُمْ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٨﴾

8. Одамлардан бир тоифаси борки, "Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик", *дейшиади, ваҳоланки, улар асло мўмин эмаслар.*

Мунофикларнинг аломатлари, асосан, маданий оятларда акс эттирилган. Чунки, Қуръони Карим Маккаи Мукаррамада нозил бўлиб турган даврда мунофиклар йўқ эди. Аксинча, Маккаи Мукаррамада баъзилар ёмон кўрса-да, куфрни изҳор килиб, иймонини яширап эди. Уламолар "мунофиқлик" лугати шаръий ибора бўлиб, араблар бу сўзни Қуръони Карим кўллаганидан сўнг истеъмол қила бошлаган, дейдилар.

Росулуллоҳ сұлтаны алайхис-салам Мадинаи Мунавварага хижрат қилиб келганларидан сўнг, хусусан, "Бадр" воқеасидан кейин Аллоҳ сұлтаны мусулмонларга нусрат берди. Энди мусулмонларни чўчитадиган, уларга таҳдид соладиган куч йўқ эди. Чунки мусулмонларни ҳимоя қиласидиган давлат барпо бўлган эди. Энди Мадинаи Мунаввара атрофида яшайдиганлар Росулуллоҳ сұлтаны алайхис-салам га нисбатан ўз муносабатларини билдириб, ё у киши олиб келган динга киришлари ёки қарши бўлиб, Мадинаи Мунавварадан бош олиб чиқиб кетишлари керак эди.

Лекин нафс кўйига кирган кимсалар учинчи йўлни танлашди. Улар ўзларини тилида иймон келтирган қилиб кўрсатиб, дилида Исломга бўлган нафратларини яширишди. Шу билан мусулмонларни алдаб, улардан молу жонларини сақлаб қолишини мақсад қилишди.

Росулуллоҳ сұлтаны алайхис-салам иймоннинг ҳақиқий суратини баён қилиб куйидаги хадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ عَلَيْهِ بَنْ أَبِي طَالِبٍ قَالَ قَاتَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَجْيَمَانَ مَعْرِفَةً بِالْقَلْبِ وَقَوْلَهُ بِالْلَّهِ وَعَمَلَ بِالْأَخْرَى كَانَ سَرَاهَ إِنْ مَاجَهَ

Али ибн Абу Толиб розвияллоҳу ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* сұлтаны алайхис-салам **иймон – қалб билан билиш, тил билан айтиш ва унинг асосларига амал қилишдир** дедилар. (Ибн Можжа ривояти)

Сўзи амалига зид бўлган, афтидан иймонли бўлиб туюлса-да, ичи куфр билан тўлган, тилида яхши сўзларни айтиб, қалbidагi ёмонликни

ким кўрмайдиган ўринда килинган гуноҳларини ҳам кўриб турувчи Зот, деган маънони англатади ва Қуръони Каримда 36 марта такрорланади.

Инсоннинг кўриши чегараланган. Масалан, инсоннинг тунда кўриши, узокдаги нарсаларни кўриши мушкул. Аммо Аллоҳ сұлтаны алайхис-салам коронгу тунда кора тошнинг устида турган кора чумолини кўришга кодир. У Ўзига хос кўриш билан кўради.

Демак, биз "Аллоҳ сұлтаны алайхис-салам" ҳар бир нарсани Кўрувчи", деган эътиқодни қалбимизга жо қилишимиз ва амалларимизни ҳам мана шу эътиқодга мувофиқ қилишимиз даркор. Агар одамларнинг кўришидан кўрқсак, аммо Аллоҳ сұлтаны алайхис-салам Кўрувчи деган сифатига бўлган иймонимиз мукаммал эмас экан. Бизни одамларнинг кўриб колишлидан кўра, Аллоҳ сұлтаны алайхис-салам Кўриши кўпроқ ўйлантириши лозим.

قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِّلْحَمْرَى فَلَمْ يَأْتِهِ اللَّهُ مُصَدِّقًا لَّهُ بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى وَبُشْرَى لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾

97. Ким Жибрилга душман бўлса, у Аллоҳнинг душмани деб айтинг! Зоро, у Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқловчи ва мўминларгагина ҳидоят ва хушхабар бўлган Қуръонни туширди, холос.

Эй Мухаммад сұлтаны алайхис-салам! Яхудларга айтинг! Жибрил алайхис-салам Аллоҳ сұлтаны билан пайғамбарлар орасида вахийни олиб борадиган воситачи этиб тайинлаган! У сизга ва сиздан олдинги барча пайғамбарларга Аллоҳ сұлтаны амрига мувофиқ вахийни олиб келган. Ким ўзини Жибрил алайхис-салам га душман деб билса, ўша заҳотдан бошлаб Аллоҳ сұлтаны ҳам ўзига душман деб билсин! Жибрил алайхис-салам га адоварат қилиш – уни жўнатган Зотга ҳам адоварат қилиш демакдир! Агар Жибрил алайхис-салам сизга Қуръони Каримни олиб келган бўлса, у яхудларга ҳам Тавротни олиб борганку! Қуръони Карим Тавротга зид эмас-ку?! Бир фариштага душман бўлиб, иккинчисига дўст бўлиш мумкин эмас! Жибрил алайхис-салам га душман бўлган Микоил алайхис-салам га ҳам душман бўлиби, чунки ҳар иккиси ҳам Аллоҳ сұлтаны амрини бажарувчиdir!

Анас ибн Молик розвияллоҳу ривоят қилдилар: Абдуллоҳ ибн Салом розвияллоҳу анху Росулуллоҳ сұлтаны алайхис-салам нинг келганларини эшишиб, олдиларига келди *ва "Сиздан фақат пайғамбаргина биладиган уч нарса ҳақида сўрайман. Қиёматнинг дастлабки белгилари нима? Аҳли жаннат тановул этадиган дастлабки таом қайси? Болани отаси ёки онасига нима нарса ўхшатади?"* деди. Росулуллоҳ сұлтаны алайхис-салам **Жибрил** алайхис-салам менга ҳозиргина бу ҳақда ҳабар берди дедилар. Абдуллоҳ ибн Салом розвияллоҳу анху "Жибрилими?" деди. Росулуллоҳ сұлтаны алайхис-салам **Ха** дедилар. Абдуллоҳ ибн Салом розвияллоҳу "Яхудларнинг фаришталар ичидаги душманими?" деди. Шунда Росулуллоҳ сұлтаны алайхис-салам **Ким Жибрилга душман бўлса,** у Аллоҳ сұлтаны алайхис-салам ҳам

уларга минг йил умр берилса ҳам, бу уларни охират азобидан күтқариб қололмайди. Ҳар қанча узоқ умр күришмасин, бу нарса уларни дұзах үтидан узоқ этолмайди. Улар минг йил яшашса ҳам, Аллох сұбханалуәт таъвудонинг назорат майдонидан четта чиқиша олмайди. Аллох сұбханалуәт таъвудо уларниң киёмат куни, албатта, амалларига мувофиқ жазолайди. Зоро, Аллох сұбханалуәт таъвудо уларнинг барча амаллари – ошкору мағфий кирдикорларини Күрүвчи Зотдир.

Мушриклар кайта тирилишга ишонмас әди. Уларнинг билган-ишонгани мана шу икки кунлик дунё, холос. Шунинг учун бу дунёда иложи борича күпроқ яшаб қолишини мақсад қилишар әди. Улар учун ҳаёт тугаса, барча нарса тамом бўлар әди. Яхудлар эса қайта тирилишга иймон келтириб, унга унамайдиган мушриклардан кўра ҳаётга ўчроқ әди. Дунёда яхудлардан кўра ҳаётга харис ҳалқ йўқ. Улар хоҳ инсонларча, хоҳ ҳайвонларча бўлсин, номи яшаш бўлсаки, хору зор бўлса ҳам, минг йил умр кўришини исташади. Оятдаги **حياة - ҳаёт** калимасининг ноаниқ ҳолда келиши ҳар қандай хор ҳаёт бўлса ҳам яшаб қолишига қаттиқ ҳарис бўлишларини ифодалайди. **الْفَسْنَةُ - минг йил** калимаси қўпликтан киноя бўлиб, яхудларнинг ўлмай абадий яшашни исташларини билдиради.

Охират ҳаётига бўлган иймон инсон учун жуда катта неъматдир. Дунё ҳаёти ҳар қанча ширин бўлмасин, бир кун келиб поёнига етишини ўйласа, инсоннинг кўнгли ғашланади. Лекин, ҳаётнинг ниҳояси бўлган ўлим – абадий, туганмас охират ҳаётига ўтиш учун бир кўприк эканига ишонган кишига ўлим ташвишли бўлмайди. У фақат гуноҳларидан кўрқади, уларнинг магфират қилинишини орзу қиласи. Гуноҳлари магфират қилингудек бўлса, ўлим у учун абадий ширин ҳаётга ўтадиган бир кўприк бўлишига иймон келтиради. Бу ҳаётда ҳақиқий инсонларча ҳаёт кечириб, ҳеч кимга қўл бўлмай, ёлғиз Аллох сұбханалуәт таъвудонинг қули бўлиб яшайди. Бошига тушган ҳар қандай мусибатдан оқилона фойдаланиб, уни охирати учун бир ибодатга айлантиради.

Охират кунига иймон келтирмаган кофир кимса бошига мусибат тушса, бесабрлик ва ношукурлик қилиб, ютказади. Неъмат келса, уни бузуклик ва майшатларга сарф қилиб, инсонларча покиза ҳаёт кечира олмайди. У фақат шу дунё ҳаёти учун яшайди. Нари борса, ўлимидан сўнг номи сақланиб қолиши учун ҳаракат қиласи. Лекин охиратга ишонмаган кимсага жасади тупроқ остида чириб кетганидан кейин номининг ҳар қанча сақланиб қолишидан нима фойда бор?! Қабри устида шаънига ҳар қанча мақтovлар айтилиб, ҳомуш туришларнинг, ўлгандан кейин тирилишга иймон бўлмаса, нима маъноси бор?!

بصیر - Кўрувчи – Аллох сұбханалуәт таъвудонинг гўзал исмларидан бўлиб, бутун борлиқдаги ҳамма нарсани, ҳатто инсоннинг ички кечинмаларини, ҳеч

яширган кимсалар – мунофиқдир. Улар тилида иймонни даъво қилиб, дилида куфрни яширган, амали иймонини тасдиқламаган кишидир. Мунофиқларни ажратиб олиш ҳамма учун ҳам осон эмас. Росууллоҳ сұлтандыәллахуәт салам Уларнинг аломати ҳакида куйидаги ҳадисда шундай марҳамат қилдилар:



Абу Хурайра розыллоҳәллахуәт салам ривоят қилдилар: *Rosuуллоҳ* сұлтандыәллахуәт салам мунофиқнинг аломати учтадир. Сўзласа, ёлғон сўзлайди, вაъда қиласа, устидан чиқмайди, унга ишонилса, хиёнат қиласи дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Аслида **иймон келтирдик** феълига "иймон келтирмадилар" каби ибора қўлланганида қофиядош бўлар әди. Лекин бу ўринда **иймон келтирдик** сўзига асло **мўмин эмаслар** деб сўзни феълдан отга айлантириш билан мунофиқларни мўминлар жамоасига тамоман ётлиги кўрсатилипти. Бундан ташқари кўмакчи ҳарф ёрдамида инкор қилиш араб тилида инкорнинг сўнгти ҳамда қаттиқ суратини ифода этади. Бу ўринда ҳам 仗 ҳарфи кўмагида рад қилиниши – улар даъво қилаётган "мўмин"лик мутлак бекорлигига ишора қилмоқда. Уларнинг иймонлари курук гапдан бошқа нарса эмас, тилда айтиб қўйишиди, холос, дегандек, Аллох сұбханалуәт таъвудо **дейишади** иборасини ишлатди. Яна бу оят Аллох сұбханалуәт таъвудога ва Охират кунига тил билан иймон келтирдик дейишнинг ўзи кишини мўминлар қаторига олиб киришига кифоя эмаслигини ҳам кўрсатмоқда. Демак, киши тилида "Биз ҳам Худодан қўрқамиз, биз ҳам мусулмонмиз" деб, амалда иймон йўл бермаган ишларни қиласа, у ҳаргиз мўмин бўлолмайди.

Тақводорлар Аллох сұбханалуәт таъвудонинг наздиаги улуғ ва мўътабар эканлигига ишора қилиниб, дастлаб улар, сўнг уларнинг акси – кофиirlар зикр қилинди. Мунофиқлар зикрини кофиirlардан кейин келтириш билан уларнинг ғоят паст манзилатларига ишора қилинмоқда. Бу билан иймонини тил билан айтишгагина қурган мунофиқлар, умуман инкор қилган кофиirlардан ҳам баттар қабиҳ кимсалар экани маълум бўляпти.

Гарчанд мунофиқлар ҳижратдан сўнг пайдо бўлган бўлса-да, улар бизнинг замонамизда ҳам ҳар қадамда учрайди. Улар ташқи қиёфасидан мусулмонга ўхшайди. Аллох сұбханалуәт таъвудонинг вужудига тили билан икрор, аммо мусулмонларнинг орасига кириб, ҳатто уларнинг пешволарига айланиб, амали билан Исломнинг зарарига фидокорона хизмат қиласи. Бунга маош ҳам олади. Бундай жирканч кирдикорларини бошқалардан яширади. Мана шулар ҳам ҳақиқий мунофиқлардир.

Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} кейинги оятда тақводорлар билан кофирлар орасыда юрган мұноғиқларнинг "Бизни ҳеч ким илғамаяпты", деган хаёл билан Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә}ни хам алдашликка ҳаракат қилишларини фош қиласы:



9. Аллоҳни ва иймон келтирған кишиларни алдамоқчи бұлишади, вәхөланки фақат ўзларини алдашади ва алданётганини сезишмайди.

Мұноғиқлар қалбіда иймоннинг йўқлигини билишса ҳам, ҳамма нарсаны, ҳатто ҳеч кимга аён бўлмаган қалб сирларини хам билиб турадиган Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә}ни алдаб кўришга уринишади. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә}ни ва мўминларни алдайман, деб мақсадларига етдиларми? Йўқ! Улар бу билан фақат ўзларини алдашди. Улар нафақат алдоқчи, балки нодон ҳамдир. Нодонликлари шу даражага етганки, ўзгаларни алдайман деб, ўзлари алданаётганигини сезишмайди.

Росулуллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә}ни ва мусулмонлар Мадинаи Мунавварада Исломнинг ашаддий душманлари бўлган яхудлар ва уларнинг маслаҳати билан иш киладиган мұноғиқлар орасыда яшар эдилар. Ана шундай шароитда нозил бўлган бу ояти каримада чукур бир мазмун бор. У ҳам бўлса Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} мўминларни алдаётган кимсаларни Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә}ни алдашликка ҳаракат қилаётгандар сафида ҳисоблайти. Бу ўринда الذين آمنوا - иймон келтирған кишилар калимасини боғловчи ә харфи орқали الله - Аллоҳ калимасига боғлаб келтирилиши "Эй мўминлар! Сизни алдаётгандардан хотиржам бўлинг! Улар сизларни алдаётган вактда Мен сизнинг сафингиздаман", деган маънени беради. Сафларида Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} бўлган кишиларни бутун ер юзи алдашга ҳаракат қилсин, заррача алдаёлмайди.

Агар мўмин киши бу оятларни очиқ қалб билан ўқиса, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} иймон келтирған кишиларни Ўзи билан бир сафга қўйганидан оламдаги бор машаққатларини унугиб юборади.

Мўминларга макр-хийла ва турли найранглар ишлатиб, уларга азият ва машаққат етказаётган кимсалар "Бу билан биз фақат мўминларгагина кулфат етказяпмиз", деб ўйламасин! Улар машаққат етказаётган мўминлар билан бир сафда ҳамиша ҳар нарсадан воқиф бўлган, ҳеч қачон алданмайдиган Қаҳрли Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} турибди! Мўминларга макр қилган кимсалар овора бўлиб, қўлини кўксига қўйиб, иймонни даъво қилмасин! Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} уларни асло мўмин эмас, демоқда! Мусулмонларга хийла қилган кимса иймонни рад қилган кофирлардан ҳам паст манзилатдаги қабиҳ кимсалар жамоасидан эканини яхши билип олсин! Ким мўминларни алдаса, у Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә}ни алдашга уринибди. Ким Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә}ни ва мўминларни алдамоқчи бўлса, билсинки, у фақат ўзини алдабди.

Яхудлар Тавротни ўзгартириб, пайғамбарларни ўлдириб, ҳаволарига кул бўлиб, Мұхаммад ^{сұлтанату}_{әл-Азиз} га ва у киши олиб келган Куръони Каримга кофир бўлишди. Мана шу қилган гуноҳлари туфайли ҳеч қачон ўлимни тилай олишмайди. Улар ўлим тилашса, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} ижобат қилишиб қолишидан қўркишади. Дунёда қилган кирдикорлари охиратда ўзларига улкан азоб бўлиб қайтишини, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} қилган амаллари туфайли жаннатга киритиш эмас, унинг якинига ҳам йўлатмаслигини, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә}нинг азобидан омон колмасликларини жуда яхши билишади.

Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әттәвәлә} Мұхаммад ^{сұлтанату}_{әл-Азиз} нинг пайғамбар эканлигини била туриб, кофир бўлган, очиқ ҳақиқат келганда уни кўр-кўрона инкор этган золимларни жуда ҳам яхши Билгувчидир.

Ҳаётни текширинг! Ўзгаларнинг ҳаётига истаганича эгалик қилиб, зулмнинг барча турларини ўзига қасб қилиб олган түғёнкор золимлар ўз ҳаётини омон сақлаш учун нима керак бўлса, қиласы. Бошқаларнинг нима бўлиши билан иши йўқ. Мана шу мақсад учун юзлаб одамни овора қиласы. У қанчалар қимматга тушишининг аҳамияти йўқ. Мухими ўзи омон бўлса, бас. Ҳаётига таҳдид солиши мумкин, деб ҳаёл қилинган ҳар қандай нарса йўқ қилинади. Бундай золимларнинг нафақат бошқа ишлари, балки уларнинг омонликлари ҳам бошқаларга зулм қилиш эвазига бўлади. Дунёда улар учун ўз ҳаётларидан бошқа ҳеч нарса азиз эмас.

Яхудларнинг ўзларига ўлимни тилай олмасликлари гайб нарса эди. Ҳақиқатдан ҳам Куръони Карим айтгандек бўлди ва бу нарса уларнинг тутган йўлларию қилган дъяволари ботил эканлигини кўрсатди.

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{роязату}_{ән} агар яхудлар ўлим тилашганда, албатта, ўлишар ва дўзахдаги ўринларини куришар эди деганлар. (Ином Аҳмад ривояти)



96. Қасамки, уларни одамларнинг, ҳатто мушриклардан кўра ҳам ҳаётга ҳарисрого эканини топасиз. Баъзи бирлари минг йил яшашни хоҳлайди. Холбуки, ҳар қанча узок умр берилиши уни азобдан узоқлаштирувчи эмас. Аллоҳ улар қилаётган нарсаларини Кўрувчидир.

Эй Мұхаммад ^{сұлтанату}_{әл-Азиз}! Сиз гуноҳларини билишгани яхудларни одамлар ичида ўлимни энг ёмон кўрадиган, ҳаётга энг ўч кимсалар эканини топасиз. Улар яшашга дунё ҳаётидан бошқа абадий ҳаёт борлигига унамайдиган, Охиратдан ҳеч қандай умиди йўқ, ҳар хил тошларга сигиниб юрган мушриклардан кўра ҳам ҳарисрок. Минг йил умр қўрсам, ҳеч ўлмасам, дейди. Охиратда абадий зиёнга юз тутишини билгани учун бир кун бўлса ҳам кўпроқ яшашни хоҳлашади. Бордию

учун. Бошқаларга, яни Мұхаммадға әргашгандарга унда ҳеч қандай насиба йўқ! Дўзахга-ку асло кирмаймиз. Мободо кирсак ҳам унда саноқли, бир икки кун бўламиз, холос.

Ахли китоблар оламга сигмайдиган, куракда турмайдиган мазкур дъявларни қилишар эди. Бундай дъявларни қилишдан мақсад – Мұхаммад صلی اللہ علیہ وسلم га әргашган саҳобалар қалбига шубҳа солиш эди. Мана шунча разолат Бани Исройлга етмагандек, улар Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم нинг хузуридаги Охират кунига ҳам эгалик қилишни хоҳлашар эди. Улар пайғамбарлар авлодидан бўлиш Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم нинг азобидан қутқаради, деб хаёл қилишар эди.

Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم ишни адолатли ҳал қилишга, Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم га яхудларни "мубоҳала"га чақиришга буюрди. Мубоҳала – икки гурух вакиллари бир-бирларига рўпарама-рўпара туриб, ким ноҳақ бўлса, унга Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلمдан ҳалокат тилаш маъносини англатади.

Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم қизлари Фотима, куёвлари Али, набиралари Ҳасан ва Ҳусайн رض ҳамда бошқа саҳобалар ҳамроҳлигига мубоҳала майдонига бордилар. Ахли китоблар қорасини ҳам кўрсатишмади. Чунки, улар дъявларининг ёлғонлигини бошқалардан кўра яхшироқ англашар эди. Улар ўзларини охиратдаги барча неъматлардан маҳрум қиласидан бир талай амаллар қилишганини яхши билишар эди.

Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم куйидаги ҳадисларида марҳамат қилдилар:



Абу Мусо رض ривоят қилдилар: Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسلم ким Аллоҳга йўлиқишини яхши кўрса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишини яхши кўргай, ким Аллоҳга йўлиқишини ёмон кўрса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишини ёмон кўргай дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Хозирда ҳам ҳаётини Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم нинг йўлларини маҳкам тутган кишилар билан курашишга қурган, шунга қарамай ўзларини мусулмон санаб, Қиёмат кунида Мұхаммад صلی اللہ علیہ وسلم нинг шафоатларини ўзларича нақд қилиб олган кимсалар бор. Йўлидан тўри яқин қолган, ажали эшигининг тирқишидан мўралаб турган бўлса-да, ҳали пешонаси саждага бормаган, аммо жаннатнинг истаган дарвозасидан киришга шай турган кимсалар йўқ эмас. Мана бу оят гўё уларга ҳам "Агар охират иши сиз ўйлагандек осон бўлса, тезроқ бора қолинг! Ишингиз бароридан келсин, Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلمдан ўлим тиланг!" дегандек бўлади.



95. Кўллари тақдим этган нарсалар сабабли уни ҳаргиз тилашмайди. Аллоҳ золимларни яхши Билгувчиидир.


Биз мусулмонлар ҳам мўмин биродаримизга қиласидан муомаламизда ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керак. Мўминни алдашга уриниш – унинг ёнида турган Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلمни алдашга уринишнинг айни ўзи эканлиги доимо ёдимизда турсин!

Мунофиқларнинг тажовузлари ва мўминларга нисбатан қиласидан бундай қабиҳ ишларининг сабабини Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم баён қиласиди:



10. Қалбларида мараз бор. Аллоҳ маразларини янада зиёда қиласи ва уларга ёлғон сўзлаганлари сабабли аламлантирувчи азоб бордир.

Уларнинг бундай ишларига сабаб, қалбларида мунофиқлик марази бор. Қалимаси касаллик маъносини билдиради. Уламолар унга шак-шубҳа, риё маъноларини беришган. Дарҳакикат, мунофиқларнинг қалби Аллоҳу Росулига ва у киши олиб келган йўлга нисбатан шубҳа, ҳасад, риё ва бошқа разил хислатлар билан тўлган. Оқибатида иймон нуридан бошқа ҳеч қандай дорилар билан даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган. Улар ҳидоятга етакловчи пайғамбар келганида, қалбидаги маразлари туфайли унга нозил бўлаётган оятларни масхара билан инкор қилиб, ҳақ йўлдан оғишиб кетган. Шу боис Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم қалбидаги маразларини янада ошириб, нифокларини янада кучайтириди.



Абу Хурайра رض ривоят қилдилар: Росууллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم банда агар бир хатони қилса, қалбида қора доғча пайдо бўлади, агар у Аллоҳдан мағфират сўраса ва тавба қилса, қалби покланади, агар гунохга яна қайтса, доғ қалбининг ҳаммасини коплагунча кўпайиб боради дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Мунофиқлар ҳаётда алдовни ўзларига касб қилиб олишди. Тиллари билан Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلمга ва Охират кунига иймон келтирдик, деб ёлғон сўзлаб, қалбида нифокни яширишди. Кофирлар билан бамаслаҳат, уларнинг ногорасига ўйнаб, мўминларнинг зарарига ҳар хил найранглар қилишди. Шу сабабли Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم уларни дунёда ҳор қиласиди, Охиратда эса аламлантирувчи азоб билан жазолайди. Ҳаётда баъзи содда одамларни алдаётган кazzоблар Қиёмат кунида уларга аламлантирувчи ва улкан азоблар таёrlаб қўйилганини ёдда тутсин!

Аллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم бу оят билан алдов – мунофиқларнинг сифатилигига ва Қиёмат кунида барча замондаги кazzобларни аламлантирувчи қийноқлар билан азоблашига ишора қилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, Абу Бакр رض Эй одамлар, ёлғондан эҳтиёт бўлинг, чунки алдов – иймон сифатига бегонадир деганлар. (Имом Аҳмад ривояти)

Ёлғон сўзлаган калимасининг 忤 ҳарфи билан келиши сабабият маъносини билдириса, 亾 ҳарфи масдар маъносини билдиради.



11. Качонки, уларга "Ер юзида бузгунчилик қилманг", дейилса, "Фақат бизгина асл ислоҳчимиз", дейишади.

Куфр, мунофикалик, барча гуноҳ ишлар, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло}нинг буйруқларини бажармаслик, қайтарган нарсаларидан қайтмаслик, мусулмонларга зиён келтириш – бузгунчилик маъносини англатади. Ислом тасаввурида ким, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло}га осий бўлса, гарчи пешонасига "ислоҳчи" деб ёзиб олса ҳам, у ҳақиқий бузгунчирид. Чунки ислоҳотлар фақат Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло}га ва Мухаммад ^{сөләйлүү}_{аҳл ас-сәләм} га эргашиш билан бўлади, худди бунинг акси бузгунчилик бўлганидек.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{рөзаяху} коғир бўлиб, маъсиятга муккасидан кетиши – ерда фасод қилиши демакдир деганлар. Ҳасан Басрий мўмин кишининг коғирни дўст қилиб олиши ҳам фасоддир деганлар.

Қалб касалланганда, дарҳол унинг олди олинмаса, вақт ўтиши билан касаллик жиддийлашади. Бора-бора сурункали тус олиб, уни муолажа килиш мушкуллашади. Мунофиқлар қалбидаги маразлари сабабли нафақат ёлғон сўзлашади, балки ерда бузгунчилик ҳам қилишади. Мусулмонлар орасида фитна ва иғво тарқатиб ҳам юришади. Агар уларга "Одамларни Куръони Каримга, Мухаммад ^{сөләйлүү}_{аҳл ас-сәләм} га эргашишдан тўсманг, куфр ва маъсият билан ерда бузгунчилик қилманг", дейилса, улар бунга жавобан "Бузгунчилик бизга ёт иш, бузгунчиликка доир нима қилдик? Ахир яхши ишларни фақат биз қиляпмиз-ку? Биздан бошқа яхшилик қилаётганлар ҳам борми ўзи? Ер юзида биздан бошқа ислоҳчилар йўқ", дейишади. Мунофиқлар яхшилик билан ёмонликни, ҳақ билан ботилни ажратиб берадиган исломий ўлчовни поймол қилишгани учун бузгунчилик ҳақида тўгри тушунчага ҳам эга эмас.

Ер юзида энг расво ишларни қила туриб ҳам, ўзини ислоҳчи деб санаган кимсалар ҳар бир замонда сероб бўлган. Дунёда бирон бир бузгунчи "Мен бузгунчилик қиляпман", деганини ҳеч эшигтганмисиз? Одамлар ичида куфр мағкурасини тарқатиб юрган кимса ҳам ўзини ислоҳчи деб санайди. Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло} ҳаром қилган ичимликни истеъмол қилаётган одам "Мен бу ичимликни сотиб олиш билан жамиятга катта иқтисодий фойда келтиряпман, демак, мен яхши иш қиляпман", дейди. Дунёда коғирларга ёрдам бериш мақсадида мусулмонлар орасида фитна-фасод тарқатиб, уларнинг сирларини душманларга сотиб, қўлидан зулм қилишдан бошқа ҳеч вако келмайдиган бузгунчи кимсаларни текширинг! Улар "Биз фақат яхши ишларни амалга ошияпмиз", деб даъво қилишади. Тирикчилигини одамларни талашга курган кимсалар ҳам, "Биз тартиб ва осойишталик ҳимоячиларимиз",


бўлса, "иймонингиз" буюраётган нарсалар мунчалар ёмон бўлмаса!" дейишади.

Бани Исроил тарихи ўрганилса, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло} уларни беҳисоб неъматлар билан сийлаган. Ҳеч қайси миллатга кўрсатилмаган мўъжиза ва илтифотлар Бани Исроилга кўрсатилган. Шунга қарамай улар фақат шаккоклик, фисқ, куфр, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло}нинг ҳукмларига итоат этмаслик каби разилликлар билан жавоб қилишган.

Бу ўриндаги ^{اسْمَعُوا} – қулоқ солинг калимаси эшитиш маъносидагина эмас, балки эшитиб, амал қилиш маъносидадир. Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло} уларнинг "иймон"ларини масхара қилиб, ^{كُمْ} – сизнинг олмошини илова этмоқда. Гўё "Эй Бани Исроил! Сизнинг "иймонингиз" бузоққа сигинишига, пайғамбарларни ўлдиришга, берган аҳду паймонингизни бузишга буюраётган бўлса, бу қанақа иймон ўзи?! Агар сизлар Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло} берган аҳду паймонингизни бузиб, балки унга мутлақ тескари иш тутиб ҳам иймонли бўлсангиз, бундай "иймон" мунчалар ёмон бўлмаса?!

Исломни даъво қилиб, мусулмонларни азоблаётган, хонавайрон қилаётганларнинг иймони қанақа иймон экин?! Мусулмонларнинг айбларини исказ, золимларга сотиб кун кўраётганлар қанақа мусулмон экин?! Динини сотиб, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло}нинг ҳукмларини бузиб бераётган, оқимга қараб яшайдиган "олимлар"нинг иймони қанақа иймон экин?! Агар мазкур кимсалар ҳам мусулмон бўлса, уларнинг "Ислом"лари буюраётган нарсалар мунчалар ёмон бўлмаса?! Бундай нарсани иймон дейишади уялинг!", дегандек бўлади.

Бани Исроил тарихи мусулмонлар учун ибрат бўлмоғи керак. Зоро, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло}нинг ҳукмини қабул қилмаган миллатлар бошига Бани Исроил бошига тушган кунлар келиши муқаррардир.



94. Эй Мухаммад ^{сөләйлүү}_{аҳл ас-сәләм}! Агар Аллоҳнинг ҳузурида охират ҳовлиси одамларсиз фақат сизлар учун хос бўлса, шу даъволарингизда ростгўй бўлсангиз, унда ўлимни тиланг, деб айтинг!


Эй Бани Исроил! Агар Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло}нинг неъматлари фақат сизлар учун бўлса, бошқалар унда сизларга шерик бўлолмаса, жаннат фақат Бани Исроил учун яратилган бўлиб, унга фақат яхудийларгина кирса, сизлар Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт тавыло} назар қилган кишилар бўлсангиз, унда орзуларингиз ушалсин! Дунё машаққатларидан қутулинг! Ўзингизга ўлим тиланг, абадий фарогатда ҳаёт кечиринг! Ахир дунё неъматлари охират неъматлари олдида арзимас-ку? Илдаоларингизга қараганда, сизлар учун бу ҳаётдан ўлим афзал бўлиши керак!

Биз Аллоҳнинг ўғиллари ва энг суюкли, улуг бандаларимиз. Фақат бизгина ҳидоят эгаларимиз. Охиратдаги нажот ва жаннат фақат биз

92. *Мусо сизларга очиқ ҳужжатларни олиб келган эди. Сўнг ундан кейин ўзингизга зулм қилган ҳолда бузоқни маъбуд килиб олдингиз.*

Мусо ^{алайхис-салам} ўзининг пайғамбарлигига далолат киласидан чиқариш, булутни соябон қилиш, осмондан ҳалво ва бедана гўштини тушириш ва бундан бошқа кўплаб очиқ мўъжизаларни олиб келганида ҳам иймондан бош тортдингиз! У Тур тогига кетганида, ортидан бир сеҳргар аёлларнинг зеб-зийнатларини йиғиб, улардан бир бузоқ шаклини ясаб, "Мусонинг рабби шу, унга ибодат қилинглар", деса, шу бузоқса сифиниб кетдингиз! Бу билан Мусо ^{алайхис-салам} га зарар бўлгани йўқ. Бари бўгулик ўзингизга бўлди.

Ўтмишингиз мана шундай "тўзал"! Энди мўминлар томонидан сизларга "Куръони Каримга иймон келтиринг", дейилса, "Ўзимизга туширилган Тавротга иймон келтирамиз," дейсиз! Мана шуми иймон келтиришингиз?! Мухаммад ^{сұлтанлық алайхис-салам} га қилган бу килингиз Мусо ^{алайхис-салам} га қилинган қилиқнинг айни ўзи-ку?!



93. *Биз аҳду паймонингизни олганимизни ва "Сизларга берган нарсани қувват билан маҳкам ушланлар ва қулоқ солинглар" деб устингизга Тур тогини кўтарганимизни¹ эсланглар! Улар эшидик ва итоат этмадик дедилар ва куфрлари сабабли қалбларига бузоқнинг муҳаббати тўлиб-тошган. Агар мўмин бўлсангиз, сизларни "иймонингиз" унга буорайтган нарса мунчалар ёмон?! деб айтинг!*

Жибрил ^{алайхис-салам} Аллоҳ ^{сұбханалуу}нинг амрига биноан Бани Исроилнинг устига Тур тогини олиб келиб, Тавротга амал қилишга аҳду паймон олиб, уни қатъият ва жиддийлик билан маҳкам ушлашга буорганлар. Шунда улар қўрқанларидан эшидик, маҳкам ушлаймиз деб жавоб килишган. Бирок, тез орада ваъдаларини унтиб, Аллоҳ ^{сұбханалуу}нинг ҳукми келганда "Эшидик ва қабул қилдик" дейиш ўрнига Мусо ^{алайхис-салам} га шаккоклик билан сурбетларча "Гапингизни эшидик, лекин амрингизга итоат этмадик", дейишиди. Бузоқса сифиниш уларнинг қон-қонига ўтиб кетган ва Аллоҳ ^{сұбханалуу} га ибодат қилишдан устун келган эди. Зеро, куфр ва ширк инсонни шунчалар тубанлаштириб юборади.

Аллоҳ ^{сұбханалуу} Росууллоҳ ^{алайхис-салам} га хитоб қилиб, "Ўзимизга туширилган нарсага иймон келтирамиз, дейсизлар. Мана шуми иймонингиз?! Мана шу иймонингиз сизларни бузоқка ибодат қилишга, пайғамбарларни ўлдиришга, Куръони Каримга коғир бўлишга буоряптими? Ундай

дэйишдан ҳаё қилишмайди. Бу оят эса ислоҳчилик фақат ширк ва маъсиятлардан воз кечишга ва Ислом кўрсатган яхши амаллар асосига курилиши кераклигига ишора қилмоқда.

Оятдаги ^{إِنْ} – **қачонки** калимаси пайт ҳоли бўлиб, асосан келажакка ишора қилинган ўринларда ишлатилади. ^{سَمِّا} калимаси эса чеклаш маъносини билдириб, ислоҳ бизгагина чекланган, бизгина ислоҳчимиз, деган маънони англатади.

Аллоҳ ^{сұбханалуу} бундай пуч даъволарини гоят кучли таъкид билан рад қиласиди:



12. *Огоҳ бўлингки, айни ўшалар ҳақиқий бузгунчилардир, лекин ўзлари сезишмайди.*

Бузгунчилик қилиб юрганларнинг аҳволини текширсангиз, улар қалбida иймон нурининг йўқлигидан бузгунчилигини билишмайди. Одамларга Аллоҳ ^{сұбханалуу}нинг шариати туриб, буткул нотўғри мафкураларни сингдиришга уринаётган кимсалар ўзларини бузгунчи деб эмас, "Балки одамларни буюк келажак сари бошлаётган кишилар", деб билишади. Лекин Аллоҳ ^{сұбханалуу} уларни шу даражада хорлаганки, улар ўзларининг бузгунчи эканини билиш тугул, ҳатто сезишмайди ҳам.

Аллоҳ ^{сұбханалуу} бу оят билан гўё "Хой мусулмонлар! Огоҳ бўлинг! Тўғри келган одамни ислоҳчи деб юрманг! Ким ислоҳчию ким бузгунчи эканини билиб олинг!" дегандек бўлади. Зотан, Аллоҳ ^{сұбханалуу} бузгунчи деган кимса бутун дунёни буга айлантирасин, йўлу кўприклар курсин, у бари бир бузгунчиdir.

Аллоҳ ^{сұбханалуу} бу оядта мунофиқларнинг бузгунчилигини бирданига иккита ^{إِنْ} ва ^{فِي} билан таъкидляяпти. ^{لَا} – **огоҳ бўлинг** ҳарфи араб тилида мухотабни огоҳ этиш учун ишлатилади ва у бир вақтнинг ўзида муқаррарлик маъносини ҳам англатади.

Куйидаги оядда уларни фасод, бузгунчилик қилишдан қайтариш билан кифояланмай, ҳақиқий суратда иймон келтиришга чорланяпти.



13. *Агар уларга "Сизлар ҳам одамлар иймон келтирганидек иймон келтиринг" дейилса, "Нодонлар иймон келтирганидек иймон келтирайликми?" дейишиади. Огоҳ бўлингки, уларнинг ўзлари нодондир, лекин нодонликларини билишмайди.*

Мунофиқларга "Тил билан иймон калимасини айтиб кўйиш кифоя қилмайди. Комил ишонч билан, динга ёппа эргашган саҳобалар қаби чин қалбдан ҳақиқий иймон келтиринг!" дейилса, улар масхара билан

¹ Бу ҳақда суранинг 63 – оядида баён этилди.

"Шу нодонлар билан бир бўлиб, улар иймон келтиргани каби иймон келтирамизм!?" дейишди. Одатда, мол дунёга ружу қўйган, қалби нифоқ марази билан тўлган кимсалар камбағал, заиф ва мазлум кишиларни хаёт йўл-йўриклиарини билмайдиган нодонлар деб билишади. Шунинг учун ҳам Росулуллоҳ сұлтаның ахлатында га иймон келтиришни камбағал бечораларга хос, деб билган мунофиқлар "Шу нодонлар каби иймон келтирайликми!?" дейишди. Нима учун мунофиқлар сахобаларни нодон санашар эди?

Ислом, аввалда, Росулуллоҳ сұлтаның ахлатында нинг атрофларига йигилган Суҳайб, Аммор, Билол рӯзинчилор каби куллар ва бечораҳол камбағаллардан ташкил топган эди. Нима сабабдан Исломни энг аввал заиф ва ночор кишилар кабул килишди? Чунки, бечора ва мазлум одамлар ҳамиша адолат орзуисда яшайди. Уларга зулм ўтказаётган золимларнинг ҳам жазосини бериб қўядиган бир йўл бормикин, дея орзу қиласидар. Мазлумлар додига етадиган, ҳақиқат ва адолатпарвар Ислом дини келиши билан улар биринчилардан бўлиб қабул килишди.

Золимлар, агар бу дин ғалаба қилса, улар зулмларини ортиқ давом эттира олмай қолишиларини билишади. Шунинг учун, жон-жаҳдлари билан Исломга қарши чиқиб, имкон қадар барча макр-ҳийлаларини ишга солишинди.

Муҳожирлар динни деб уй-жойлари, молу дунёлари, бола-чақа ва яқинларидан ажралган эди. Улар ҳамма нарсаларидан айрилишса ҳам, ҳаққа эргашиб, Росулуллоҳ сұлтаның ахлатында билан бирга хижрат қилиб кетишинди. Ансорлар эса Аллоҳ сұлтаның ахлатында энг улуг пайғамбари Муҳаммад сұлтаның ахлатында ни ўз қавми қувиб чиқарганида бошпана берган эди. Муҳожирлар билан насибда етти ёт бегона бўлишиларига қарамай, ўз ака-укаси, ҳатто ота-онасидан ҳам зиёда кўриб, бисотларидаги бори нарсаларини улар билан баҳам кўришган эди. Исломга кўмакчи, ҳамма нарсага ҳамиша шай бўлганларидан "Ансор – кўмакчилар" деб ном олишган эди. Мана шундай зотларни нодон дейишга журъат этишгани учун Аллоҳ сұлтаның ахлатында мунофиқларнинг бундай ноҳак сўзини қаттий рад этиб, "Эй мўминлар! Огоҳ бўлинг! Ҳақиқий нодонлар уларнинг ўзи, лекин нодонликларини билишмайди", демоқда. Нодонликни мўминларни нодон санаётган кимсаларга чеклаб, уларни ўз нодонлигини билмаслик даражасигача етган ҳақиқий нодонлар деб сифатланмоқда. Қолаверса, **одамлар иймон келтирганидек** дейиш билан мунофиқларни ва уларга ўхшаб мунофиқона ҳаёт кечиргандарни одамлар қаторидан чиқариб ташланмоқда.

Одамлар тўрт тоифага бўлинади:

¹ Оятдаги 1 сўров юкламаси бу ўринда масхара қилиб бosh тортиш маъносидадир.


насоролар Инжилдан бошқасига кофир бўлишиди. Ваҳоланки, Куръони Карим ўзида илоҳий кўрсатмаларни жамлаган ҳақ Китоб бўлиб, уларга нозил қилинган Тавроту Инжилни тасдик этиб, такомиллаштириб келган эди. Куръони Карим даъвати Таврот ва Инжил даъватига мувофиқ эди. Шунинг учун ҳам Таврот ёки Инжилга иймон келтирган Куръони Каримга ҳам иймон келтирмоги лозим эди. Йўқса, унинг иймони тилда айтилаётган курук даъводан бошқа нарса эмас.

Яхудларнинг бу гаплари курук баҳона, балки ҳавога эргашиш ва тарафкашилкдир. Аслида, улар Тавротга ҳам иймон келтиришмаган эди. Мусо алайхис салам ва бошқа ўтган Аллоҳ сұлтаның ахлатында нинг улуг пайғамбарларини кувғин қиласидар, имкон қилғанларини эса қатл этишган эди.

Шунинг учун Аллоҳ сұлтаның ахлатында уларнинг "иймон"ларини рад этиб, Росулуллоҳ сұлтаның ахлатында га хитобан "Эй Муҳаммад сұлтаның ахлатында!" Тавротга қандай иймон келтирганингизни билдик! Агар ўзингизга туширилган китобларга иймон келтирган мўмин бўлсангиз, нега унда Аллоҳ сұлтаның ахлатында сизни уларга эргашишга буюрган, Тавротга чакириб келган пайғамбарларини ўлдирдингиз? Мўмин киши Аллоҳ сұлтаның ахлатында пайғамбарини ўлдирадими?! Ахир Куръони Каримга кофир бўлиш – Аллоҳ сұлтаның ахлатында нинг ўзига кофир бўлиш демак-ку!" деб айтинг", деди.

Гарчанд бундай бетамизлик яхудлар томонидан бир қанча асрлар муқаддам содир бўлган бўлса-да, ҳозирда ҳам Аллоҳ сұлтаның ахлатында Куръони Каримда мана бундай демоқда, Росулуллоҳ сұлтаның ахлатында ҳадисларида мана бундай демоқдалар, мана шуларга эргашайлик дейилса, биз ота-бобомизга эргашамиз, дейидиган "мусулмонлар" тез-тез учрайди. Ўшандайлардан бир сўранг! Аввало, ота-бобоси ҳақида нималарни билар экан? Ота-бобоси Куръони Карим ва Суннати Набавийяни Ислом умматига етказиш йўлида жонини жабборга бериб қиласидар хизматларидан воказификан?! Ундайлар ота-боболарига нимада эргашдилар?! Ота-боболари дини Ислом қолиб, "дунёвий" йўлдан борамиз дебдими?! Ёки ажнабий миллатларга таклид қилиб, уларга ва тузуб берган ботил маслакларига хизмат қилибдими?! Пешонаси саждага бормай туриб, мусулмонман дебдими?! Дунёни деб динини, ҳалқини сотибдими?! Хотин-қизларини ярим-ялангоч ҳолда кўчага чиқариб, кўз-кўз қилибдими?! Миллатнинг асл ўғлонлари ҳаётига зомин бўлибдими?! Масжидларни майхоналарга айлантириб, мусулмонларни кирғин қилибдими?! Ахир бундайлар кечагина ота-боболари юзига оёқ қўйиб, кимларнидир "бобомиз" деб, ўз аждодини эскилил саркити демаганмиди??!

Аллоҳ сұлтаның ахлатында куйида яхудларга уларнинг "қойилмақом" иймонларини эслатади:




авлиёлар авлодимиз-ку?! Наҳотки, энди биздек олийнасаб одамларга мана шундай оёқ яланг динни ўргатса!?" дейишади. Ҳақиқат уларнинг "эътиқод"ида авлоддан авлодга, наслдан-наслга ўтиб келадиган нарса. Аслида-ку, шундай бўлганда ҳам эргашмайдилар. Чунки, ҳақ келиши билан уларни одамлар ўртасидаги сохта обрўларидан воз кечишга мажбурлайди. Агар шу вақтда уларга яқинлиги ёки қаробати бўлган биронта чаласавод кимса эртак айтиб берса, унга "ихлос" қилиб, этагини маҳкам ушлайдилар.

Яхудлар ҳам бутун оламга саодати абадия – Куръони Каримни олиб келган Аллоҳ сұбханалу_{ва таъвудо}нинг сўнгти пайғамбари Бани Исроил ичидан эмас, кечагина тошларга сифиниб юрган араблардан чиқишига норози бўлишиди. Аллоҳ сұбханалу_{ва таъвудо}нинг амрига итоат этмай, ҳаволарига эргашгандарни сабабли етакчилик улардан олиниб, Ислом миллатига берилишига ҳасад қилишиди.

Демак, биз мусулмонлар Ислом учун курашаётган ҳақиқатгўй қишиларга ҳасад қилмай улар кўрсатаётган йўлга юришимиз керак. Агар ҳаққа амал қилмасак, уни айтаётган қишининг қариндош ёки таниш бўлиши Қиёмат кунида бизга фойда бермайди. Шунинг учун биз ҳақ сўзни ким айтишидан қатъий назар, эргашмогимиз керак.

Аллоҳ сұбханалу_{ва таъвудо} бу ўринда Росулуллоҳ сөләллүлү_{салләм}га иймон келтиришдан бош торган яхудларни куфрни сотиб олишдаги нарх сифатида зикр этмоқда. Ҳаётларини бой бериб, қўлга киритган нарсалари – Аллоҳ сұбханалу_{ва таъвудо} туширган нарсага кофир бўлиш нақадар ёмондир. Улар ҳасад, мансабпараматлик талабида ўзларини сотиб, куфрни олган кимсалардир. Ҳақ йўлни қабул қилмай, балки уни инкор этиб, эвазига куфрга эга бўлиш ўта аянчли ҳолдир. Аслида бундай разил кимсаларнинг эвазига куфрандан бошқа нима ҳам келар эди?!

Бу оят бир нарсанинг ҳақиқат эканини била туриб, ҳасад туфайли унга эргашмаслик – куфр эканлигига ишорадир.



91. Агар уларга "Аллоҳ нозил этган нарсага иймон келтиринглар", дейилса, "Бизга нозил этилган нарсагагина иймон келтирамиз", дейишади ва ундан кейинги нарсага кофир бўлишиади. Ҳолбуки, Куръон улардаги нарсани тасдиқловчи бўлган ҳақдир. Агар мўмин бўлсангиз, нима учун илгари Аллоҳнинг пайғамбарларини ўлдирар эдингиз?! деб айтинг!

Мўминлар яхудларга "Аллоҳ сұбханалу_{ва таъвудо} Мухаммад сөләллүлү_{салләм}"га нозил этган Куръони Каримга иймон келтиринг", деб айтишса, "Тавротга иймон келтирдик, ўша биз учун кифоя", дейишди. Яхудлар Тавротдан,

1) Бу тоифа одамлар билади, билишини ҳам билади. Булар озчиликни ташкил қиласидиган анча олий даражадаги кишилардир.

2) Бу тоифа одамлар билади, лекин ўзида билишлик фазилатини борлигини билмасдан яшайди. Шунинг учун кўпинча уларни қадрламайдиган түғёнкор кимсалар олдида арзимас нарсалар эвазига хор бўлиб юришиади.

3) Бу тоифа одамлар билмайди ва билмаслигини ҳам яхши билади. Бундай кишиларни тарбияласа бўлади. Чунки, бундай одам ўзининг илмисизлигини билиб, тан олади ва илмли кишига қулоқ тутади.

4) Бу тоифа одамлар ҳеч нарсани билмайди, уларда бирорта фазилат ҳам йўқ. Лекин ўзининг билимсизлигини ҳам билмайди. Бу эса "Жаҳали мураккаб" – дунёдаги ҳамма маънавий табиблар даволашга ожизлик қиласидиган, ҳеч тузатиб бўлмас бир касалликдир. Билмаган нарсани биламан, деган иддаоси бор кимсанни тарбиялашдан кўра, бирон бир йиртқични тарбиялаш осонроқ кечади.

Якин тариҳдан маълумки, ўзларича осмону фалакни забт этган баъзи "зиёли"лар Исломга, Куръони Карим хидоятига даъват қилинганда, "Тараққиёт, илф-фан асрига қараб кетилаётган бир пайтда, биз, ибтидий тузумга қайтиб, маданиятсиз, қолоқ, обдаста қўтарган, сиз илмисизларга эргашайликми?", дейишган. Аллоҳ сұбханалу_{ва таъвудо} ҳеч канча вақт ўтказмай, бундай "зиёли"ларни бутун оламга шарманда қилиб, бурнини ерга ишқаб, йўлларининг гумроҳликдан бошқа нарса эмаслигини ўзларига айттирди. Минг афсуски, йиллар мобайнида залолатда яшаб тойилишгани етмаганидек, яна Исломдан ўзга "саодат" йўлларини ахтариб юришибди. Улар иккинчи бор залолатга юз тутган ва Аллоҳ сұбханалу_{ва таъвудо}нинг шаҳодати билан ҳақиқий билимсиз, калтабин ва нодон кимсалардир.

Дунёда ботил маслакларга ҳаридорлик қиласидиган кимсалар бор. Улар Пайғамбар сөләллүлү_{салләм} ҳамда саҳобаларнинг йўли туриб, бошқа пуч, куфр йўлларга эргашади. Эргашиб ҳам бундай маъносиз йўлларни тўғри йўл деб юради. Улар бу йўлларнинг пуч ва келажаксизлигини билмайди. Қани энди, сиз уларни Китоб ва Суннатни ҳамда саодат даврида яшаган саҳобалар йўлини маҳкам тутишга чақириб кўринг! Сизни дарров ҳар хил ажнабий лақаб ва атамадар билан атаб, даъватингиздан юз ўтиришади. Яхши ҳолатда шунча. Ёмон ҳолатда эса сизни йўқ қилиш пайига тушадилар. Бу оят уларнинг фирт билимсиз, ҳақ билан ботилнинг фарқига бормайдиган ҳақиқий калтабин ва нодон кимсалар эканлигига ишора қилмоқда.



14. Агар иймон келтирган кишиларга ўлиқишиса "Биз ҳам иймон келтирдик" дейишади, шайтонлари билан холи қолишганида "Биз,

албатта сизлар билан биргамиз, биз масхара қилувчилармиз холос", дейишади.

Мунофиқлар ҳақиқий мўминлар билан бирга юзма-юз бўлиб қолганда уларнинг хузурида тили билан иймон калимасини айтиб, мўминликни даъво қилишди. Ислом йўлида мўминлар билан бирга эканлигини изҳор этишди. Ёмонликда уларга бош бўлган кофирлар билан ёлиз қолишганида "Биз сизлар билан биргамиз", дейишди. Куфр ва бузғунчиликка ундейдиган бошлиқлари "Унда нега мўминларнинг ичидаги юрибсизлар?" деса, "Тилимизда иймон калимасини айтиб, аслида эса сизлар билан биргамиз, Мұхаммад сөзларноку
аллаху ад
саллам ва унга эргашган муҳожир ва ансорларни мазахлаб, устларидан кулиб юрибмиз, холос", дейишди. Бундай бадбахт кимсаларга мазах қиласидиган бошқа ҳеч ким қолмабди?!

Мўминларга *иймон келтиридик* деб феъл билан мурожаат қилишди. Шайтонларига эса *албатта, биз сизлар билан биргамиз* деб қуфр тарафида событликларини тасдиклаб, доимиийликни ифодаловчи таъкидий от билан мурожаат қилишди. *Биз масхара қилувчимиз* дейишлари билан яна бир бор кофирлар билан биргаликларини таъкидлашди.

Бу оятда Аллоҳ субханаху
ва таъвуд динга зарар етказишида мунофиқларнинг яқин маслаҳатчилари бўлган кофирларни мутлак шайтонлар дебгина қўймасдан, балки "мунофиқларнинг шайтонлари" деб номлаяпти. Баъзи муфассирлар اللّٰهُ – калимаси бу ўринда биргалик маъносини билдиради деганлар.

Дунёда мусулмонларни қўрганда, "мўмин" бўлиб қоладиган кимсалар кўп учрайди. Улар мусулмонлар билан бирга бўлганда "Иншооллоҳ, Ҳудойимга шукур" каби калималар ҳар икки гапининг бирига айланади. Қўлидан тасбих, тилидан зикр тушмайди. Сал киришиб қолсангиз, аждодининг Исломга хизмат қўрсатган катта олимлиги, ҳажга борганилигидан бошлайди. Ўзини Ислом учун барча нарсага тайёр қилиб қўрсатади. Мусулмонлардан нари бўлишлари билан асл башараларини намоён этади. Дарров уларни камситиб, ичидаги иллатларини тўкишади. Ҳозиргина зикрдан бўшамаётган тиллардан мазах сўзлар ва беҳаё ҳақоратлар отилиб чиқади. Улар тил билан иймонни даъво қилиб, кофирлар олдида мусулмонларнинг зарарига сўзлайдиган, кофирлардан ҳам баттар мунофиқ кимсалардир. Аллоҳ субханаху
ва таъвуд улар ҳақида Куръони Каримдага "Нисо" сурасининг 145 – оятида марҳамат қилиб:



Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг қаърида бўлишур дейди. Бу оят мўмин кишини ёки Исломнинг бирон бир рукнини масхара килган кимсада иймондан зарра ҳам қолмаслигига ва у мазах қилган

ўрганмасак, ҳукмларига бўйсунмасак, ҳаётимизга татбиқ этмасак яқин кунда ахволимизга маймунлар йиглаши турган гап.



90. *Ўзларини сотиб, эвазига олишган нарса – Аллоҳ ўз фазлини бандаларидан хоҳлаган кишига туширганилигига ҳасад қилиб, Аллоҳ нозил этган нарсага кофир бўлишлари нақадар ёмон. Фазаб устига газаб билан қайтишиди. Кофирларга хор этувчи азоб бордир.*

Яхудийлар ўзлари аниқ билган ҳақиқатни қабул қилишмади. Улар ҳақ йўлни Аллоҳ субханаху
ва таъвуд энг улуғ пайғамбари олиб келган бўлишига қарамай, мавқеълари кетиб қолишидан ёки иқтисодий манфаатларни бой беришдан ташвиш қилиб, инкор қилишди. Аллоҳ субханаху
ва таъвуд Ўзининг фазли бўлмиш ваҳийни Ўзи хоҳлаган бандасига туширганига чидаёлмай, исён тариқасида мана шундай йўл тутишиди.

Яхудлар сўнгти пайғамбар Бани Исроилдан чиқишини кутишар эди. Аммо Аллоҳ субханаху
ва таъвуд ҳар бир нарсани факат Ўзи хоҳлаганидек қиласи. Башариятга сўнгти Китобни нозил этиш учун араблардан Мұхаммад сөзларноку
аллаху ад
саллам ни танлади. Бу нарса яхудларнинг газабини кўзғади. Улар араблар ичидан унга эргашиш лозим бўладиган пайғамбар чиқишига ҳасад қилишди. Гўё уларнинг наздида Аллоҳ субханаху
ва таъвуд пайғамбар жўнатишидан илгари яхудлар билан маслаҳатлашиб, уларнинг фикрларини инобатга олиши керак эди. Аллоҳ субханаху
ва таъвуд бандасининг, хусусан, Бани Исроилнинг маслаҳатига муҳтож эмас!

Яхудлар дастлаб Мусо алайхис
саллам га итоатсизлик қилиб, бузоққа сифиниб, пайғамбарларни ўлдириб, Тавротни ўзгартириб, Аллоҳ субханаху
ва таъвуд нинг газабига дучор бўлишган эди. Энди Мұхаммад сөзларноку
аллаху ад
саллам га иймон келтиришдан бош тортишиб, газаб устига газабга дучор булишиди. Кибр, миллатчилик, ҳасад туйғулари уларни ҳақдан узоклаштириди. Натижада хоҳишлирига мос келмагани учун Аллоҳ субханаху
ва таъвуд нозил этган Куръони Каримга кофир бўлишиди. Бундай кимсалар дунёдаги шармандалик билангина қутулиб қолишмайди, охиратда уларни хор қилувчи абадий азоб ҳам кутиб турибди.

Хозирда ҳам яхудларнинг мана шундай қабиҳ сифатларига мубтало бўлган ичи кора, ҳасадгўй кимсалар топилади. Ҳақиқатгўй кишилар уларга қариндош ёки яқин бўлмагани учун ҳаққа эргашмайдилар. Уларга ҳақ муҳим эмас, мартаба, одамларнинг оғзида тамтам бўлиб юриш бўлса, бас. Ҳақ то улар айтмагунча ҳақ эмас. Агар уларга наасабда бегона ёки танишчилиги бўлмаган, хусусан, наасаби нотаниш киши Куръони Каримдан ёки Ҳадиси Шарифдан айтсан, ҳасад қилиб, эргашишдан бош тортишади. "Ким экан ўзи у?! Наҳотки, биз у айтаётган нарсаларни билмасак?! Ахир биз фалон алломалар ва

кимсалар ҳаққа әргашиш ўрнига унга нисбатан ҳасад қилиб, шаънига нолойик иғво ва бўхтонлар ёғдиради.

Одамлар баъзан "Қани энди ҳақиқатни айтиб, бизни ҳақиқат узра етаклайдиган олимлар бўлса, Ислом ривож топган даврлар келса," деб орзу қилишади. Ўшандай олимлар ёки ўшандай олтин даврлар келганди, қадрига етмай, балки ҳақиқатгўй олимларга тўғаноқ ҳам бўлишади. Камбағал киши "Мол-давлатим бўлсайди, дин йўлида сарфлар эдим", дейди. Давлат топганда бундай ваъдалар эсидан чиқади. Бемор киши "Тандуруст бўлсан, дин йўлида хизмат қилардим", деб орзу қиласди. Соғайиб кетгач, ваъдасини унугиб, дин йўлида "хизмат" қилишни кўрсатади. Бефарзанд киши "Фарзанд кўрсан, динга хизмат қиладиган қилиб тарбиялар эдим", дейди. Орзуси ушалгач, динини унугиб, орзу-хаваси кетидан кетади. Илмсиз киши "Илм ўргансам, илмимга амал қилиб, Аллоҳнинг йўлида хизмат қилар эдим", дейди. Илм ўргангач, уни мартабали, ё дунёдор, ё золим кимсалар хизматига бағишлади.

Ҳақиқат учун курашаётган кишиларнинг йўли тўғрилигини била туриб, уларга тиш-тирноғи билан қаршилик қилаётган "мусулмонлар" ҳам орамизда йўқ эмас. Бундай яхудтабиат кимсалар ҳам бу оятга бир дикқат килсин! Аллоҳ субханаху әт таваҳу билган-таниган нарсаларини инкор этган кимсаларни кофирлар деб, уларга Ўзининг лаънатини қаратди. Мана бундан биз мусулмонлар ҳам хушёр тортмоғимиз керак. Демак, ҳақ айтилганда унинг ҳақиқатлигини билиб туриб, ҳақиқатгўй кишига ҳасад ва адоват қилиб инкор этиш – куфрdir. Куфрнинг оқибати эса Аллоҳ субханаху әт таваҳунинг лаънатига дучор бўлишдир.

Узок вакт кутилган нусрат келганда, ўзини тутиб, сабр қила олиш – мусибатларга сабр қилишдан кўра оғирроқдир. Бундай ҳолатда ўзини тутиб олган кишилар ҳаётда саноқли бўлади.

Мазкур оятда Аллоҳ субханаху әт таваҳу оламга устун бўлгудай бир миллат – Бани Исроилнинг аянчли ахволини баён этди. Улар Аллоҳ субханаху әт таваҳунинг омонатига хиёнат қилишлари оқибатида тубан ва малъун бир миллатга айланishi. Ҳақиқатдан ҳам ахли китобларнинг иймон келтирмагани ўта аянчлидир. Зоро, одамзод умр бўйи кутган нарсаси келганда, ундан маҳрум бўлиб қолишидан кўра аянчли ҳол бўлmas.

Аллоҳ субханаху әт таваҳу Куръони Карим билан Ислом умматини ҳам мана шундай машъум оқибатдан огоҳлантиради. Биздан аввал аждодларимиз мана бу оятлардан ибратланиб, ер юзида энг илгор ва етакчи бир миллат бўлишди. Биз кейинги авлодлар эса Куръони Каримни эсдан чиқардик. Аллоҳ субханаху әт таваҳунинг йўлини суриб қўйиб, ўзимизга ўхшаш заиф кимсалар томонидан тузилган йўлларга юрдик. Шу боис, Бани Исроил бошига тушган мусибатлар бизнинг бошимизга ҳам тушди. Энг колок миллатга айландик. Ўзга миллатлар устимиздан ҳукмрон бўлди. Динимиз ва эркимизни қўлдан бой бердик. Агар бундан бўён ҳам Куръони Каримни

соатдан бошлаб, мунофиқлар тўдасига дохил бўлишига ишора қилмоқда. Ахир ботил ҳақни қандай масхара қила олади?

Аллоҳ субханаху әт таваҳу "Мўминларни масхара қилиш учунгина улар билан бирга юрибмиз", деган мунофиқларга шу заҳотиёқ жавоб қиласди:



15. Аллоҳ үларни масхара қиласди ва тўғёнларида адашиб юришларига йўл қўйиб беради.

Мунофиқлар гуноҳ ва фасод ишларни кўпайтирган сари Аллоҳ субханаху әт таваҳу уларга неъматларини ошириб боради. Муҳлат бериб, уларни куфр ва зулмларида ҳаддан ошиб, залолатларда кўр-кўrona адашиб юришларига йўл қўйиб беради. Бир одам жарга қараб кетаётган бўлса, кўра-била туриб, индамай қараб туриш – унинг ниҳоят даражада масхара қилинаётганини ифодалайди.


Аллоҳ субханаху әт таваҳу Куръони Каримдаги "Аъроф" сурасининг 183 – оятида



Уларга муҳлат бераман, менинг макрим пухтадир дейди.

Куфр ва фасод ишларида ҳаддан ошиш **түгён** маъносини билдиради. Аллоҳ субханаху әт таваҳу мунофиқларни масхара қилиб, бу ўринда жазолашликни **масхара қиласди** деб келтиряпти.

Мўминларни масхара қилиб, устидан кулган кимсаларни Аллоҳ субханаху әт таваҳу тез кунда масхара қиласди. Еру осмонлар Тарбиятқунандаси Аллоҳ субханаху әт таваҳу томонидан масхара қилинган кимса нақадар баҳтсиздир!



16. Ана ўшалар ҳидоятни бериб, ўрнига залолатни сотиб олган кимсалардир. Уларнинг савдолари фойда келтирмади ва улар ҳақ йўлга йўлланувчи ҳам бўлишмади.

Аллоҳ субханаху әт таваҳу мунофиқларнинг аянчли ҳолатини ифодалаб, дунёни гўё бир бозорга ўхшатмоқда. Мунофиқлар дунё бозорида ана шундай қимматбаҳо ҳидоятни бериб, ўрнига залолатни сотиб олишиди. Улар фойда қилиш у ёқда турсин, қўлдаги дастмоя бўлган ҳидоятни ҳам бой беришиди. Уларнинг мисоли бозорга тушиб, тилла тангаларга ахлат сотиб олган кимсага ўхшайди. Улар ҳаётда иймонни, ҳидоятни, тақвони қўйиб залолатни танлаш ҳамда куфрни, мунофиқликни афзал кўриш билан тўғри йўлни тутишмади. Дунёда азизликка ва обрў-эътиборга эришамиз, деб залолатни танлаб, адашишиди. Қўлга киритган залолат билан дунёда баҳтсиз бўлиб яшашгани етмаганидек, энди охиратда ҳам абадий баҳтсиз бўлишади.

Демак, Аллоҳ субханаху әт таваҳу бизни бу ҳаёт бозорида жонимиз, молу дунё, куч қудратимизни сарфлаб, қимматбаҳо ҳидоятни сотиб олишишимиз

учун яратган. Шу ҳидоятни қўлга киритсак, дунё ва охират саодатига эришамиз.

Келишилган нархни бериб, сотса фойда қилинадиган ёки бирон эҳтиёжига ярайдиган нарсани олиш – сотиб олиш маъносини билдиради. Одатда савдодан дастмояни сақлаб қолган ҳолда фойда ҳам кўриш мақсад қилинади. Бу ўринда алмаштиришни савдо килиш ибораси билан келтириляпти. Зеро, савдода бир нарса эвазига иккинчи нарса олинади, фойда ёки зиён ҳам тижоратда ишлатиладиган иборалардир. Араб тилида бир нарсани иккинчисига алмаштиришни сотиб олиш ибораси билан ифодалаш тез-тез учраб турадиган ҳолат.

Сотиб олган калимаси бу ўринда мажозий маънодадир. Шунинг учун **залолат** калимасини тижорат матоси қилиб, **ҳидоятни** нарх сифатида кўрсатиляпти.

Сотиб оловччи киши сотиб олинаётган нарса олдида ихтиёрлидирки, хоҳласа уни сотиб олади, хоҳламаса йўқ. Мунофиқлар ҳам иймон олдида ихтиёри эди. Хоҳлашса иймон келтириб мусулмон бўлиб яшаашлари мумкин эди. Улар бунинг ўрнига иймонни тил билан айтишди холос. Дили ва амаллари билан куфрни ихтиёр қилишди. Айнан шу залолатни сотиб олиш демакдир.

Наҳотки инсон залолатни пулга сотиб олса, деб ҳайрон бўлиш мумкин. Ахир Аллоҳ субҳанаху
ва таъауу ҳаром қилган маст қилувчи ичимликларни пулга сотиб олиб, уйда дастурхонининг тўрисига кўйиб завқланадиган кимсаларни ким деб аташ мумкин? Оиласига, бола-чақасига едирмай, кийдирмай тўплаб, сўнг мутлақ ахлоқ ва тарбиядан бебахра бўлган отарчиларни уйига пулга олиб келиб, уларга ота-онасига кўрсатмаган ҳурматни кўрсатиб, базми жамшид қилаётгандарни ким деб аташ керак?! Ажнабий халқларга хавас қилиб, қизларига баданини ярим ялангоч қилиб кўрсатиб турадиган лиbosларни пулга олиб берадиган ота-оналарни, хусусан, “ота”ларни ким деб аташ керак?! Улар гуноҳни, залолатни пулга сотиб олиб, ўзини, оиласини гумроҳ қилиб, жаҳаннамга йўлланмани олишмаяптими?! Улар иккала дунёларини бой берган кимсалар эмасми?!

Ҳидоятни бериб залолатни олган кимса зиёндан бошқа нима кўради? Саодатни бериб фалокатни олган одам бадбаҳт бўлмай ким бўлади? Аъло йўл туриб разолат йўлларини танлаган кимса гумроҳ бўлмай ким бўлади? Бокий нарсани бериб, фоний нарсани олган кимса адашмай қаерга боради?

Мунофиқлар ҳидоятдан кўра залолатни ортиқ кўриш билан дунё ва охиратларини бой берган ҳақиқий зиёнкор кимсалардир. Улар бу зиёнлари туфайли иймондан куфрга, ҳидоятдан залолатга, ҳақдан ботилга, ҳалолдан ҳаромга, жамоатдан фирмага, жаннат йўлидан дўзах йўлига ўтишди. Аллоҳ субҳанаху
ва таъауу Куръони Каримдаги “Зумар” сурасининг 15 – оятида бундай зиёнкорлар ҳақида марҳамат қилиб:

89. Уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларидағи нарсани тасдиқловчи Китоб келганда – ваҳоланки, илгари коғир бўлган кимсаларга қарши ёрдам сўрашар эди, ўзлари таниган нарса келганда, унга коғир бўлишиди. Аллоҳнинг лаънати коғирларга бўлсин.

Яхудлар араб мушрикларига қарши урушга киришганида Аллоҳ субҳанаху
ва таъауу га ёлборишиб, “Худоё! Ўзинг ваъда қилган охирги пайғамбарингни тезрок юборгин! Биз у билан бирга мушриклар устидан голиб бўлайлик”, деб дуолар қилишар, душманлари устидан зафар қушиш учун кутилаётгандан пайғамбарни восита қилиб, Аллоҳ субҳанаху
ва таъауу данд мадад ҳам сўрашар эди. Мушрикларга қарати “Яқинда Аллоҳ субҳанаху
ва таъауу биз унинг сифатларини Тавротда тиловат килаётгандан охирзамон пайғамбарини жўнатади. У Мусонинг динини қўллаб-куватлайди ҳамда ўтган самовий китоблар – Таврот ва Инжилдаги нарсаларни тасдиқлайди. Ўша пайғамбар келсин, биз унга иймон келтирамиз, биргаликда сизларни ер тишплатамиз. Ўшанда сизларнинг кунингиз битади”, дейишар эди.

Орзиқиб кутишган сўнгти пайғамбар – Муҳаммад сөнгъатуу
алайхис
салам келдилар. Мусо ва Ийсо алайхис
салам га нозил бўлганидек у кишига ҳам Китоб нозил бўлди. Бу инсон томонидан ёзib олинган оддий китоб эмас, балки башарият саодати учун Аллоҳ субҳанаху
ва таъауу томонидан юборилган сўнгти Китоб – Куръони Карим эди. Куръони Карим ҳам Таврот ва Инжилга мувофиқ Аллоҳ субҳанаху
ва таъауу га хеч бир нарсани шерик қилмай, ёғиз Ўзига ибодат қилишга чақириди.

Яхудлар охирзамон пайғамбари Бани Исроилдан бўлади, деб ўйлашар эди. Росулуллоҳ сөнгъатуу
алайхис
салам нинг араблардан бўлганлигини кўриб, ҳасад қилишди ва етакчиликни қўлдан бериб қўйишдан кўркиб, у кишига коғир бўлишиди. Росулуллоҳ сөнгъатуу
алайхис
салам нинг келишларини умрбод кутган, дуоларида тилаган яхудлар Исломни олиб келганларида юз ўгиришди.

Одамлар тарафидан тузилган дунёдаги барча тузумларда янги раҳбар ўзидан аввалгининг обрўсини тўкишга ҳаракат қилади. То собиқ раҳбарнинг шахсияти йўқ бўлмагунча, кейингиси одамлар кўзида ўзини буюк шахс қилиб кўрсатолмайди. Шунинг учун ҳамма чораларни мана шу мақсад томон йўналтиради. Лекин, пайғамбарлар олиб келган йўл бир манбаъдан келгани учун ҳамиша бир-бирларини тасдиқлаб келган. Куръони Карим ҳам ўтган пайғамбарларнинг йўлларини тасдиқлади ва такомиллаштириб келди.

Одамлар ҳақни орзу қилишади. Унинг қандай сифатда, қандай кўринишда бўлишини билишга ҳаракат қилишади. Бу ҳақда кўп саволлар қилишади. Бир кун Аллоҳ субҳанаху
ва таъауу изни билан ҳақ келади. У ғоят гўзал бир кўринишга эга, ўта хушсурат бўлади. Унда барча эзгуликлар мужассам бўлади. Уни кўргандга одамлар ўзларининг ҳеч қачон унга ўхшай олмаслигини билишади. Шунда калби мараз

Аллоҳ сұбханалу Ийсо алайхис ни бошқа пайғамбарлардан алоҳида зикр қилди. Бу нарса у киши Аллоҳ сұбханалунинг улуғ пайғамбари эканликларига далолат қылса, *Ийсо ибн Марям* деб номларини тұлалигича келтирилиши "Ийсо – Аллоҳнинг ўғлы", деганларга раддия ҳамдир. Шунингдек, Бани Исроилнинг бундай қабих ішлари ўтакеттган разиллик эканлигига ишора қилиниб, ҳар икки ўринде тұлдирувчини феълдан илгари келтирилди.

Аллоҳ сұбханалунинг пайғамбарларини ўлдириш ўта оғир гунохдир. Аллоҳ сұбханалунинг йүлиға, абадий саодатта чакириб келган улуг пайғамбарларни вахшиёна ўлдирилиш фожеасини күз олдимизда бўлаётгандек қилиб кўрсатиш учун Куръони Карим бир қанча асрлар ўтишига қарамасдан *ўлдираверасизларми* калимасини ҳозирги ва келаси замон феъли билан келтиряпти. Балоғат услубида ўтмишда бўлиб ўтган манфур ишларнинг қабоғатини аниқроқ билдириш учун ҳозирги замон феъли билан ифода этилади. Баъзи муфассир уламолар бу билан яхудларнинг Росулулоҳ сұлалулю алайхис ни ҳам ўлдириш пайида юрганлигига ишора қилингапти, деганлар.

وَقَالُواْ قُلُّوْبُنَا غُلْفٌ بَلْ لَعْنَتُهُمْ أَللّٰهُ يَكُفِّرُهُمْ فَقَلِيلًا مَا يُؤْمِنُونَ ۸۸

88. Қалбларимиз гилофланган дедилар. Балки, Аллоҳ уларни коғир бўлгандари сабабли лаънатлаган. Энди камдан-кам иймон келтиришади.

Яхудлар Росулулоҳ сұлалулю алайхис га масхараомиз гап қилиб, сиз олиб келган нарса бизга етиб бормайди. Қалбимизга иймон, илм тўлиб, бекилиб қолган. Сиз айтатётган сўзларни тушунишдан тўсадиган гилоф бор. Шунинг учун унга янги даъват ўйл тополмайди, дейиши.

Ундей эмас! Уларнинг қалблари гилофланган эмас. Зеро, ҳар бир қалб фитратан ҳақни қабул қилиш табиати билан яралади. Балки улар Аллоҳ сұбханалунинг йүлиға коғир бўлишди. Тавротга амал қилишини тарқ этиши ва ҳаволарига эргашиб, уни ўзгартиришди. Шу сабабли Аллоҳ сұбханалу уларни хорлади, яъни Унинг лаънатига дучор бўлишди. Аллоҳ сұбханалунинг лаънатига дучор бўлиш – унинг раҳматидан маҳрум бўлиш демакдир. Шундай очик ҳақиқатни келтирган пайғамбарни инкор қылганлар, албатта, лаънатга сазовордир. Шунинг учун ҳам улардан жуда озчилик иймон келтириди. Иймон келтирмасликларининг сабаби – аввал ўз ихтиёрлари билан коғир бўлишди, сўнг Аллоҳ сұбханалунинг лаънатига дучор бўлишди. Энди уларга иймон келтириш баҳти насиб бўлмайди.

وَلَمَّا جَاءَهُمْ كَتَبْتَ مِنْ عِنْدِ أَللّٰهِ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَهُمْ وَكَانُوا مِنْ قَبْلٍ يَسْتَغْتَحُونَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَمَّا جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ فَلَعْنَةُ اللّٰهِ عَلَى الْكُفَّارِ ۸۹

إِنَّ الْخَسِيرِينَ الَّذِينَ حَسِرُوا أَنفُسَهُمْ وَأَهْلِيهِمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ لَا ذَلِكَ هُوَ الْخَسْرَانُ الْمُبِينُ ۱۵ سورة الزمر

Зиёнкорлар – Қиёмат кунидан ўзи ва оиласини бой берган кимсалардир. Билингки, мана шу ҳақиқий зиёнкорликдир дейди.

Бу оят Аллоҳ сұбханалунинг динидан юз ўтирган, Росулулоҳ сұлалулю алайхис алайхис нинг йўлларига эргашишдан бош тортган, Ислом йўлидан ўзга йўлларни афзал санаган, Аллоҳ сұбханалунинг манҳажини қўйиб, ўзига ўхшаш ожиз инсонлар томонидан тузилган бемаъни манҳажларни ортиқ кўрганларни ҳам дунё бозоридаги савдода зиён килган кимсалар, деб билишимиз кераклигига ишорадир.

Аллоҳ сұбханалу мунофиқларнинг сифатларини яна ҳам ойдинлаштириб шундай дейди:

مَنْلَعُهُمْ كَثُلَ الَّذِي أَسْتَوْقَدَ نَارًٰ فَلَمَّا آتَاهُمْ مَا حَوَّلَهُ وَذَهَبَ اللَّهُ بِئْرُهُمْ وَتَرَكَهُمْ فِي ظُلْمٍ مُّتَّلِّبُوْنَ ۱۶

17. Уларнинг мисоли олов ёқкан кишининг мисолига ўхшайди. Олов атрофини ёритган вақтда Аллоҳ уларнинг нурини кетказди ва уларни зулматларда кўрмайдиган ҳолатда қолдириди.

Зарбулмасал – инсон онгига тез етиб борадиган ва мағҳумни осонлаштирадиган услубидир. Уламолар зарбулмасал Куръони Каримнинг бир қисми, деганлар. "Бақара" сурасида 8 та зарбулмасал келтирилган.

Росулулоҳ сұлалулю алайхис Ислом динини олиб келдилар. Ислом дини ҳақ билан ботилни, эзгулик билан ёвузиликни ажратиб берди. Аллоҳ сұбханалунинг изни билан ўзларига хидоят йўлини лозим тутган тақводорлар бу диннинг ёруғлигидан баҳраманд бўлишди. Аммо коғир ва мунофиқ кимсалар тайёр тўғри ўйл узра юришни маъкул кўришмади. Улар ўзлари зулматларда юришни ихтиёр этишгаидан бошлаб, Аллоҳ сұбханалу ҳам уларнинг адашиб, гумроҳ бўлиб юришларига қўйиб берди.

Зулматда қолган киши ёруғликка ниҳоятда муҳтож холатда бўлади. Атрофида нима бор, нима йўқлигини билмайди. Турган ўрни хатарлимни йўқми, бу унга номаълум. Шунда у ўт ёқади ва оловнинг ёруғлиги туфайли турган ўрни ва атрофини кўриб, ҳавф-хатарни билиб олади. Ёруғликка энди ўрганганд, олов эндигина атрофини ёритган бир пайтда, Аллоҳ сұбханалу ундан бу ёруғликни олиб қўяди. У яна зулматда хеч нарсани кўрмай, илгамай, алангаси кетган оловнинг кули билан қолади. Атрофи яна қоп-коронғу зимистонга айланади.

Мунофиқларнинг мисоли шу ўт ёқувчи кишига ўхшайди. Улар ҳам дастлаб, Ислом келишидан аввал ширк ва жаҳолат зулумотларида ҳаёт кечиришган. Ислом келиши билан ҳалолни ҳаромдан, яхшиликни ёмонликдан ажратишиди. Дастлаб, хидоят уларнинг хузурига келганда, юз ўтиришмади, балки хидоят асбобларини ишлатиб ҳам кўришди.

Кулоклари билан ҳидоятни эшитиши, кўзлари билан кўриши, тиллари билан айтиши. Иймонни тили билан айтиб, молу жонларини мўминлардан саклаб қолиши. Мусулмонлар ичидаги тенг ҳукукли бўлиб, ҳатто ғаниматларга ҳам эга бўлиши. Бирок, ҳидоят эндининг атрофига ёргу нур сочиб турган пайтда тилларидаги иймонини қалби ва амали билан тасдиқламай бу нурдан онгли равишида бош тортиши. Ҳидоятнинг ашаддий душманлари бўлган мушрик ва яхудлар билан тил биритириб, мусулмонларга қарши ёвузликлар қилиши. Шундоккина ёнларидаги иймон ёғдусидан нафланишмади. Шу боис, Аллоҳ ^{субханаху}_{аляху}_{аслаху} атрофларида порлаб турган ҳидоят нурини олиб қўйди. Улар яна ҳеч нарсани кўрмай эски куфр, нифоқ ва гумроҳликка қайтиши.

Мунофиқлар олов ёккан кишига, сотган нарсалари атрофни ёритиб турадиган ҳидоят нурига, сотиб олган куфр ва нифоқлари зулматларга ўхшатиляпти.

Алангага агар ўтин ташлаб турилмаса, ўчиб қолгани каби иймон нури ҳам агар қалбий эътиқод ва амалий тасдик бўлмаса, сўниб қолиши муқаррар. Бу оят ҳидоятни бериб, залопатни сотиб олган, тўғри йўл туриб, эгри йўлларни маъкул кўрган, шу сабабли нажот йўлини топишда адашган кимсалар ҳаёти мутлак ёргулексиз, доимий коронгуликларда ўтаётганига ишора қилмоқда.

Муфассир уламолар бу зарбулмасални шарҳлаб, мунофиқларнинг мисоли одамлар ўртасида фитна ва адоват оловини ёккан кимсаларга ўхшайди. Бу олов эндинига алангаланиб, мусулмонлар орасида бўлиниш ва ўзаро адоват руҳини пайдо қилганда Аллоҳ ^{субханаху}_{аляху}_{аслаху} уни ўчириб қўяди, деганлар. Баъзи муфассирилар эса, мунофиқларга ўлим келиши билан улар дастлаб қабр коронгулигида, сўнг абадий жаҳаннам зулматларida қолишиади, деганлар.

Ушбу зарбулмасал маълум кишиларни эмас, балки қилмишни ёритиши учун келтирилгани сабабли Аллоҳ ^{субханаху}_{аляху}_{аслаху} дастлаб **олов ёккан киши** деб, бирлик шаклда келтириб, сўнг **уларни** дея кўплик шаклда келтирмоқда. Бундан ташқари **الذى - کيши** калимасидан кўпчилик назарда тутиляпти.

Нима учун Аллоҳ ^{субханаху}_{аляху}_{аслаху} **олов ёккан** деб жавобига оловларини демасдан **нурини кетказди** демакда? Маълумки, ўт – ёниш ва шуyla таратишдан иборатдир. Аллоҳ ^{субханаху}_{аляху}_{аслаху} улардан шуълани олиб қўйди ва ёнишини колдири. Ёниш эса дўзах демакдир. Нима учун **нурини** калимаси бирлик шаклда келтирилиб, **зулматларда** сўзи эса кўплик шаклда келтирилган? Чунки, дунёда ҳақ йўл битта, у ҳам бўлса Исломдир. Ботил йўллар эса беҳисобдир. Шунинг учун Аллоҳ ^{субханаху}_{аляху}_{аслаху} **нурини** дея, ҳакни бирлик шаклда, **зулматларда** деб ботилни кўплик шаклида келтиряпти ва Исломнинг тўғри йўлга бошлайдиган нур эканига ишора киляпти. Нима учун "اضاعت - ёритди" феъли билан

Тарихга назар ташланса, бундай аччиқ қисмат нафақат пайғамбарларни, балки барча ҳақиқатгўй кишиларни ҳам четлаб ўтмаган. Одамлар, одатда, ҳақиқатни ўз даврида қадрлашмайди. Ҳақиқатни сўзлаган кишилар ҳаётлик даврларида барча тухмат ва дашномлар остида яшайдилар. Вақтлар ўтиб, ҳаётдан кўз юмгандаридан кейингина, уларнинг номларини, ҳатто ҳокларини ҳам ҳурмат қила бошлайдилар. Ҳақиқат ахлиниң барчаси одамларнинг мана шундай разилона муносабатига рўбарў бўлган.

И мом Абу Ханифа ^{роҳима}_{ҳамад}ни ҳаётликларида одамлар ўзларини ҳам, илмларини ҳам қадрлашмади. Шаънларига нолойиқ сўзлар билан дашном бериши. Ҳатто, куфрга нисбатлаганлар ҳам бўлди. Қозиликни кабул қилмаганлари учун дарралаб, ҳалок қилишгача бориши. Бирок, ўтиб кетганларидан кейин, "И мом Аъзам" яъни, буюк имом номи билан атай бошлиши. Ҳар хил таги бўш гаплар билан осмонга олиб чиқиши. Ҳолбуки, ижтиҳодларини ўрганиб, ўшанга амал қилишса, кифоя эди.

Ҳаётларини Росулуллоҳ ^{соналину}_{аҳлиху}_{аслаху} нинг ҳадисларини тўплаш ва саралашга багишлаган, Куръони Каримдан кейинги ўринда турувчи китобни тасниф этган И мом Бухорийдек кишини ҳам ўзини мусулмон санаган кимсалар ўз ватанига, ҳатто, динсизлар сикқан жойга сифдирамади. У кишини шаҳардан ҳайдашга амр этган, бошқа шаҳарга йўл олганларида, "У ерга ҳам киритилмасин", деганлар ҳам дин даъвосидаги кимсалар эди. Вафот этганларидан сўнг у кишини кўр-кўрона кўкларга кўтарили. Ўзларига кўрсатмаган "хурматни" ҳокларига кўрсатиши. У киши тўплаган ҳадисларни билмасдан ёки амал килмасдан ёки у киши тутган йўлга мутлак тескари йўл тутиб, руҳларини чиркиратиб туриб ҳам, ул зотнинг авлодиданлиги билан фаҳр қиласидан пайдо бўлди. Ё ажаб!

Одатда ҳақиқат кўпроқ инсоннинг хоҳишига зид бўлган нарсаларда бўлади. Шундай экан, ҳақиқат айтилганда, биз хоҳишимизга мувофиқ келиш ё келмаслигини хисобдан чиқаришимиз керак. Зоро, шариат тўғри деган нарса ҳеч кимга маъкул бўлмаган тақдирда ҳам тўғридир ва нотўғри деган нарса, гарчи ҳамма уни тўғри, деб турса ҳам нотўғридир. Инсоннинг хоҳиши эса тез ўзгарувчи нарсадир. Ҳар ким шахсий ҳаётига назар ташласа, бунга амин бўлади. Бугун хоҳлаб турган нарсани эртасига ёқтираслиги мумкин. Бугун бир фикрда бўлса, эртага бошқача, индинга яна бошқача бўлиб тураверади. Ҳатто, бу ўша одамми ёки бошқами, деб ўйлаб коласиз.

Демак, мўмин киши ҳақиқатни эшитган заҳотиёқ қабул қилиш ва унга амал қилишга одатланиши керак. Зоро, вакт ўтгандан кейинги эҳтиром кўрсатиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Кейинги хурматлаш – барчага умумий бўлган бир одатдир. Бундай "хурмат"ни ҳатто, Бани Исроил ҳам кўрсатган.

илохий ҳукмларни ўзгартириш каби маъсият амаллар вужудга келади. Шунинг учун Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо} башириятга ҳақ йўл узра етаклайдиган пайғамбарларни тинимсиз жўнатиб турди.

Пайғамбарлар одамларнинг нафс-ҳаволарига мувофиқ нарсани олиб келиш ўёқда турсин, ҳатто, ўз хоҳишларидан келиб чиқиб ҳам гапиришмайди. Улар ҳеч кимнинг хоҳишини риоя қилмай, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо} тарағифдан келган ҳақиқатни очиқ сўзлайдилар. Одамлар учун эса, йўл ҳалокатга олиб борувчи бўлса ҳам, хоҳишларига мувофиқ бўлса, бас.


Муҳаммад ^{сұллаху}_{әллахис саллам} замонларигача яшаб ўтган бирор шахс Қиёмат кунида, гарчанд асоссиз бўлса ҳам, ўзи яшаб ўтган даврда пайғамбар бўлмаганини ҳақни танимаганлигига рўйчилик мумкин. Аммо Бани Исройл бундай қилолмайди. Баширият тарихида Бани Исройлдек ичидан пайғамбарлар кўп чиққан миллат бўлган эмас. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо} уларга ўзларидан яхшиликка буюриб, ёмоликдан қайтарадиган пайғамбарларни пайдар-пай юбориб турган. Ийсо ^{алайхис салом} Бани Исройлдан юборилган сўнги пайғамбар бўлдилар. У киши билан Исҳоқ ^{алайхис салом} авлодидан бўлган пайғамбарлар силсиласи тўхтади. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо} Ийсо ^{алайхис} га алоҳида самовий китоб – Инжилни нозил қилиш билан Тавротдаги баъзи ҳукмларни бекор қилди. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо} уларга мана шундай буюк неъмат ва юксак шараф беришига қарамай пайғамбарларга разил муносабатда бўлган Бани Исройлдек баттол миллат ҳам бўлган эмас.

Бани Исройл Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо} бевосита сўзлашган Мусо ^{алайхис} дек улуг пайғамбарни бир умр кувгинда олиб юрди. У зотни ёлғончи, сеҳргар ва яна бир қанча ёмон номлар билан номлади. Лекин Муҳаммад ^{сұллаху}_{әллахис саллам} пайғамбар бўлиб, Мусо ^{алайхис} га берилган Тавротни тасдиқ этувчи йўлни олиб келгандарида "Бизга ўз пайғамбаримиз йўли етади," дейишиди. Умуман, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо}нинг пайғамбарлари Бани Исройлга нафслари ҳоҳламаган ҳукмларни олиб келса, бош тортиб, бу пайғамбарларнинг баъзиларини ёлғончига чиқаришиб, баъзиларининг шаънларига бўхтонлар қилишди. Бу ҳам етмагандек, уларнинг баъзиларини ўлдиришгача боришиди.

Ҳавосига тўғри келтирмагани учун ҳақдан юз ўтираётган ва мана шунинг учунгина ҳақ аҳлига турли азиятлар етказиб, улар билан тинимсиз курашаётган кимсалар ҳам бу килмишлари сабабли кимларга ўҳшаб қолаётганларини билсин!

Хозирда ҳам бундай манфур ишлар курраи заминнинг турли жойларида давом этмоқда. Китоб ва Суннат йўлини маҳкам ушлашга чакирган қанчадан-қанча ҳақиқатгўй мусулмон уламолар мақтул, қанчалари ноҳақ маҳбус, қанчалари қувгинда. Уларнинг ягона айблари "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад ^{сұллаху}_{әллахис саллам}" Унинг эргашишга лойик ягона бандаси", деганлари ва Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо}дан ўзгага сифинишдан бош тортганлари, холос.

бошланиб, жавобига шу феълнинг оти "ضَوْءٌ" ишлатилмай, бошқа лугат "شُورٌ" оти ишлатилган? Араб тилида "ضَوْءٌ" калимаси чараклаган ортиқча ёруғлик маъносини, "شُورٌ" калимаси эса оддий ёруғлик маъносини билдиради. Агар "ضَوْءٌ" калимаси ишлатилганда ёруғликнинг ортиқчаси кетказилиб, унинг қандайдир бир қисми қолган, деган маъно ифода этилган бўлар эди. "شُورٌ" сўзини ишлатиш билан мунофиқларда ёруғликдан асар ҳам қолмагани ва улар мутлақ зимистонда қолганлиги билдириляпти. **أَضَاعَتْ - ёритди** феъли эса ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феълдир.



18. Улар *кар, соқов ва кўрдир*, энди залолатдан қайтишмайди.

Мунофиқлар ҳидоятга етаклаши мумкин бўлган эштиши аъзоларини ишлатмасдан ҳақиқий кар бўлишди. Тилларини ҳақни сўзлашга ишлатмасдан ҳақиқий соқов бўлишди. Кўзлари билан ҳақиқатни кўриб туриб, кўрмасликка олишгани сабабли ҳақиқий кўр бўлишди. Улар ҳақиқатни била туриб, ундан воз кечишган, энди ҳидоятга қайтишмайди. Ҳидоятланмаган кимсанинг ҳидоят топишига умид боғласа бўлади. Лекин, ҳидоят лаззатини тотиб кўрганидан сўнг, ундан қайтиб кетганлар, гарчи ундайлар ҳаётда кам бўлса-да, ҳидоятга қайтишлари кийин.

Одатда, қулоги эшитмайдиган, тили гапира олмайдиган, кўзи кўрмайдиган одамни кар, гунг, кўр, деб атаемиз. Бундай одамни-ку Аллоҳ ^{сұбханалу}_{әә таъвобо} бирор ҳикмат сабабли бу неъматлардан маҳрум қилиб, шундай нуқсонли яратгандир. Бирок, ҳидоятни гапирган кишига қулоқ солмаган, ҳидоятни била туриб айтмаган, ҳидоятни кўриб туриб, ундан юз ўгириган одамни ҳақиқий кар, соқов ва кўр деб атасак, хато қилмаган бўламиз.

Баъзиларни ҳақ йўлга, Ислом манҳажига, Куръони Карим соясида яшашга чакирилса, эътиборсизлик билан эшитмай кетишиди. Аммо фитна, гийбат ёки бехуда гап ҳар қанча бўлса, эшитишаверади. Ҳақни эшитмайдиган қулоқлардан не фойда? Зарур нарсаларни эшитмай, кераксиз нарсаларни эшитадиган бундай кулоқлар кардир. Баъзилар ҳақни билади. Тутган йўлининг залолат эканини ҳам аниқ билади. Шунга қарамай, дунёдаги сохта обрў-эътиборни, мансабни яхши кўриб, виждонига қарши чиқиб, ҳақни сўзламайди. Ҳақни айтиш керак бўлган ўринларда тилини ютиб, лом-мим демайди. Аммо динсиз, кофир ва золимларни мақташ керак бўлса, ота-онасига ҳам айтмаган сўзларни айтиб, шоир бўлиб кетишиди. Исломни ва химоясиз мусулмонларни ёмонлаб, масхара қилиш керак бўлса, жуда байрон бўлиб кетишиди. Бемаъно маслакларини осмонга кўтариш керак бўлса, энсақотар гапларни ёғдириб ташлайди. Ҳақни айтотмайдиган бундай тиллардан не

фойда? Бундай тиллар ҳар қанча гапга чечан бўлмасин, бари бир соқовдир.

Қанча-қанча лочин кўз кимсалар бор, ҳақнинг рўбарўсидан чиқиб қолишса ҳам, кўришмайди. Улар Аллоҳ субханаху вә таъауунинг бутун борликдаги мўъжизотларини, ўзидаги ҳисобсиз неъматларни кўрмай яшашади. Ҳақ йўлни кўрсатиб турган сон-саноқсиз аломатлар бўлишига қарамасдан, кўришмайди. Тўғри йўлни кўрмайдиган бундай кўзлардан не фойда? Бундай кўзлар ҳар қанча лочин кўз бўлмасин, тўғри йўлни кўрмагани учун бари бир кўрдир.

Бу оят ҳақни кўриб кўрмасликка олаётган ёки ҳақ сўзларни эшитиб эшитмасликка олаётган ёхуд ҳақни сўзлаш ўрнига ботил ва ёлgonни сўзлаётган кимсаларнинг кар, соқов ва кўрдан фарқ қилмаслигига ишора этяти.

Нима учун кар ва гунг ёнма-ён зикр қилинган? Чунки, инсоннинг эшитиши ва гапириш хусусияти ўзаро боғлиқдир. Одам, аввало, нутқни эшитиб, англаб, сўнг талаффуз этишга ўрганади. Нутқ шаклланадиган болалик даврида эшитиши қобилиятининг бузилиши гунгликка олиб келиши мумкин. *Кар* ва *гунг* калималарининг ёнма-ён зикр қилиниши туғма рўй берган карлик оқибатида гунглик келиб чиқишлигига ишора қилипти. *Кар, соқов, кўр* калималарини бир-бирига бирон бир боғловчи ҳарф орқали боғламасдан, кетма-кет келиши эса, эшитиши, гапириши ва кўриш аъзоларининг асаб толалари орқали мия пўстлогидаги ўзаро боғлиқлигига ишора қилипти.

أَوْ كَصَّيْبٌ مِنْ أَلْسُمَاءِ فِيهِ ظُلْمٌ وَرَعْدٌ وَبَرْقٌ يَجْعَلُونَ أَصْبَعَهُمْ
فَتَ عَادُوا نَحْنُمْ مِنْ أَصْصَوْعَقْ حَدَّرَ الْمَوْتُ وَاللَّهُ مُحِيطٌ بِالْكُفَّارِينَ

19. Ёки мунофиқлар *худди осмондаги зулумотли, момақалдироқ ва чақмоқли*, жала келтирувчи *булут* остида *яшинлардан* даҳшатга тушиб, *ўлимдан қўрқиб, бармоқларини қулоқларига тиқиб олган* кимсаларга ўхшайди. Аллоҳ *кофирларни қуршаб олувчи*дир.

Мунофиқларнинг ҳаётдаги ачинарли ахволи мазкур зарбулмасалда тасвиrlанган инсонларнинг ҳолатига ўхшайди. Улар қоп-коронги зулматлар ичра, даҳшатли момақалдироқ, чақмоқ, яшин ва кучли жала остида қандай қўркув ва даҳшат, ташвишу хавотирда турган бўлсалар, мунофиқлар ҳам ҳалқларга ошкор гапира олмай, тили бошқа, дили бошқа, доим ташвишу хавотирда яшашади. Қалби хотиржамлик ва осойишталик билмайди.

Момақалдироқ – қисқа вақт давом этадиган ходиса бўлиб, булуллар орасида каҳрабо қувватларининг бир-бири билан шиддатли тўқнашиши натижасида ҳосил бўладиган қаттиқ гумбурлашдир. Момақалдироқ ёмғирли булулларда вужудга келади.

Бу – охиратни бой бериб, унинг ўрнига дунё ҳаётини алмаштириб олишдан бошқа нарса эмас.

Росууллоҳ сұлтанлық
аллаху аль-іслам аҳли китобларни Исломга даъват қилганларида улар "Биз ўз пайғамбарларимиз олиб келган шариатни маҳкам тутганмиз, уларнинг таълимотлари кифоя, янги пайғамбаргау унинг таълимотига ёхтиёжимиз йўқ", дейишиди. Куръони Карим уларнинг ўз пайғамбарлари ва уларнинг таълимотларига қандай муносабатда бўлганини баён қилиб, аҳли китобларнинг шармандалиқ ҳолатларини очиб ташлайди:

وَلَقَدْ عَاتَيْنَا مُوسَى الْكِتَبَ وَقَيْمَتَهُ مِنْ بَعْدِهِ بِالرُّشْدِ وَعَاتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ الْبَيْتَتِ وَأَيْدِنَةَ بِرْزَوْجِ
الْقَدْسِيِّنَ أَفَكُلَّمَا جَاءَهُمْ رَسُولٌ بِمَا لَا تَهُوَى أَنْفَسُكُمْ أَسْتَكْبِرُ شُمْ فَقَرِيقًا كَذَبُشُمْ وَفَرِيقًا تَقْتَلُونَ

87. *Биз Мусога китобни бердик ва ундан кейин ҳам кетма-кет пайғамбарлар юбордик. Ийсо ибн Марямга очиқ мўъжизалар бердик ва уни Рухул-Кудус билан қўллаб-қувватладик.* Эй Бани Исройл! *Ҳар сафар пайғамбар сизларга нафсларингиз ёқтиргмаган нарсани олиб келса, кибр қилиб, бир гуруҳини ёлғончига чиқариб, бир гуруҳини ўлдираверасизми?*

Эй Бани Исройл! Биз Мусо алайхис-саламга Тавротни нозил қилдик. Унинг ортидан Довуд, Сулеймон, Илёс, Юнус, Ал-Ясаъ, Закариё, Яхё алайхис-салам каби Тавротга амал қилишга чакирадиган пайғамбарлар кетини ҳам узмадик. Бу пайғамбарлар сизларга нотаниш эмас эди. Улар бошқа миллатдан ҳам эмас эди. Ёки ўтган пайғамбарларнинг йўлидан бошқа йўлларга чакирган ҳам эмас эди. Улар ҳам Мусо алайхис-салам олиб келган шариатта даъват этишган эди. Ундан кейин Ийсо алайхис-салам ни ҳам пайғамбар қилиб жўнатдик ва унга Инжилни ва ундан бошқа, ҳақиқатдан ҳам пайғамбар эканлигига далолат қиладиган Аллоҳ субханаху вә таъауунинг изни билан ўликни тирилтириш, куш тимсолини яратиб, унга дам уриб, учирish, тугма кўр ва карларни даволаш каби мўъжизаларни бердик. Рухул-Кудус – Жибрил алайхис-салам билан қўллаб қувватладик.

Хўш, эй Бани Исройл! Бу пайғамбарларга сизнинг муносабатингиз қандай бўлди? Сизлар ҳаволарингизни хидоятдан, дунёни охиратдан афзал қўрдингиз! Аллоҳ субханаху вә таъауу тарафидан жўнатилган пайғамбарларга итоат этишдан кибр қилдингиз! Улар олиб келган ҳақ хоҳишингизга тўғри келмаса, ҳаволарингизга эргашиб, Ийсо алайхис-салам ва Муҳаммад сұлтанлық
аллаху аль-іслам кабиларни ёлғончи қилдингиз. Яхё ва Закариё алайхис-салам кабиларни ўлдиридингиз!

Инсон табиатан огоҳ этувчи, ҳақ йўлни кўрсатувчи мураббийга муҳтождир. Агар пайғамбарлар ёки ҳақ йўлга чакирадиган солих кишиларнинг Аллоҳ субханаху вә таъауу томонидан жўнатилиши бироз чўзилса, инсон қалби қораяди ва ундаги таъсирланиш туйгуси йўқолади. Натижада Аллоҳ субханаху вә таъауунинг буйруқларидан оғиш, фасод ишларга ружу қўйиш,

Энди, оламга бир назар солинг! Ҳар жойда мусулмон мусулмонни ўлдираётган, мусулмон мусулмонни кувгин қилиб, юртидан хайдаётган. Қанча қанча мусулмонлар яхуд, насоро ва мушриклар қўлида тутқунликда. Мусулмонларнинг парвойи фалак. Мусулмон асиirlар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ўзини мусулмон деб атрофга жар солаётган “мусулмонлар” хушига тўғри келган ҳукмга амал қиласди, қолгани билан иши йўқ. Мусулмон “олимлар” одамларга ҳақни айтиш ўрнига дунё ва мартаба кетидан қувган, икки кунлик ҳаётини афзал кўриб, түғёнкор золимлар нағмасига ўйнаган. Диннинг хизматини қўйиб, Ислом душманлари хизматига бел боғлаган. Илмсиз мўминлар эса, ҳақиқат йўлидаги тақволи олимларга эргашишини қўйиб, дини ва виждонини сотган динбузарлар этагини ушлаган.

Ўзингизни ўлдирипсиз ибораси ғоят диққатга сазовор. Дини, ётиқоди бир тоифа ёки миллатнинг бир-бирини ўлдириши гўё ўзини ўлдириш демакдир. Мусулмонларнинг бир-бирлари билан жанг қилиб, қон тўкишлари ҳам ўзларини қатл қилиш билан баробардир.

Агар биз Ислом уммати тез кунда қўзимизни очмасак, Аллоҳ сұбханаху берган аҳдимизга вафо қилмасак, сафимизни бирлаштирасак, яхудларнинг куни бошимизга тушиб, дунёда яна баттар хор бўлиб, Охиратда улкан жаҳаннам азобига юз тутишимиз муқаррар. Аллоҳ сұбханаху барча мўминни бундан Ўзи сакласин!

Мана бу оят Аллоҳ сұбханахунинг бир ҳукмини бажариб, иккинчисини бузиш, ҳавосига ёки ўз манфаатига мос келган шариат ҳукмларига риоя қилиб, қолганидан юз ўгириш куфр эканлигига ишора қилмоқда.

أَوْتَلِكَ الَّذِينَ أَشْتَرُوا إِلَيْهَا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالآخرَةِ فَلَا يُخْفَفُ عَنْهُمُ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ

86. Ана ўшалар охиратнинг ўрнига дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Улардан азоб енгиллатилмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди.

Аллоҳ сұбханахуга берган аҳдига вафо қилмай, мушрикларга берган аҳдига “вафо қиласдиган” ўша яхудлар орият қилиб, дўзах ўтини танлаган кимсалардир. Ҳавосига мувофиқ келган ўринда Аллоҳ сұбханахунинг ҳукмига амал қилиб, бошқа пайтда билганини қилган бундай кимсалар охиратдан кўра озгина дунёни афзал кўришган. Охиратдаги улушини сотиб, дунёни ихтиёр этган бўндай кимсалардан жаҳаннам азоби бир лаҳза бўлса-да енгиллатилмайди. Азобдан кутилиш учун ҳеч ким ёрдам ҳам бермайди. Баъзан дунёда мусулмонлар устидан галаба қилишлари, айрим ўринларда ёвуз мақсадларига эришишда уларга кимлардир ёрдам бериши мумкин. Аммо Киёмат кунида уларга ҳеч ким ёрдам беролмайди.

Бир миллатни иккинчиси билан уриштираётганларнинг мақсадлари факат иктисидий манфаатлар ёки ўз мавқеъларини сақлаб қолишидир.

Чақмоқ – қисқа вақт давом этадиган ходиса бўлиб, булутлар орасида манфий ва мусбатдаги кучли қаҳрабо қувватларининг бир-бiri билан шиддатли тўқнашиши натижасида ҳосил бўладиган, кўпинча овозсиз кузатиладиган, осмондаги ёруғликка айтилади.

Яшин – жуда катта қаҳрабо учқун бўлиб, у ўта ёрқин ёғду бериб, момақалдиrok билан бирга пайдо бўлади. Яшин кўпинча ёмғирли қора булутларда пайдо бўлиб, одатда, узун чизиқсимон кўринади ва бир неча юз метрдан кам бўлмайди. Чакмоқдан фарқли ўлароқ қаттиқ овоз, ўта ёрқин ёғду ва ўзига хос қоронгулик билан бирга кузатилади. Баъзан яшинлар ерга уради ва катта талофатларга, ҳатто одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Баъзи муфассирлар ушбу зарбулмасални шархлаб, ундаги серёмғир булутдан мақсад – Исломдир. Ёмғир ўз баракоти билан қақроқ ерларни яшнатиб, унга жон багишилаганидек, Ислом ҳам ўз баракоти ила ухлок қалбларни уйғотиб, уларга янгича ҳаёт баҳш этади. Ер ёмғир билан тирилганидек, қалблар ҳам Куръони Карим билан тирик туради. Қоронгуликдан мақсад – мусулмонларга аралашиб юрган кофирлар. Момақалдиrok ва чақмоқ одамларни қанчалик қўркувга солса, дўзах азоби ҳақидаги хабарлар кофир ва мунофиқларни шунчалик даҳшатга солади. Улар буни эшитмаслик учун кулоқларини беркитишидади, деганлар. **محبیط** – **қўрушаб оловчи** калимасига кофирларни ўлдирувчи ёки Киёмат кунида уларни жамловчи деган маъноларни беришган.

Одатда, кулоқни бармоқнинг уни билан беркитилади, ундан бошқаси сигмайди ҳам. Араб тилида "تأمل" – бармоқнинг учлари, "اصابع" эса – **бармоқлар** маъносини билдиради. Бу вахимали чақмоқ ва гумбурлашлардан мунофиқлар шу даражада қўрқиб, даҳшатга тушганки, ўлимдан қўрқканлари сабабли кулоқларига ҳамма бармоқларини тикиб беркитиб олиш даражасига етиб борган.

Абдуллоҳ ибн Зубайр رض момақалдиrokни эшитсалар, гапиришни тўхтатиб, момақалдиrok Унга мақтov ила тасбиҳ айтган, фариштадар ҳам Ундан қўрқканларидан тасбиҳ айтган Зот покдир деганлар. (Имом Молик ривояти) Демак, ҳар бир мусулмон учун момақалдиrok товушини эшитганда мазкур дуони айтиш суннатdir.

قَاتَمُوا وَتَوَشَّأَتُوا لِرَبِّهِمْ كَلِمًا أَضَاءَ نَهْمَمْ مَشَوا فِيهِ وَإِذَا أَخْلَمَهُمْ قَدِيرٌ

20. Чақмоқ кўзларини кўр қилишга яқин бўлади. У олдиларини ёритган пайтда бироз юриб олишади. Коронгулик қилганда, тек туриб қолишади. Агар Аллоҳ ҳоҳласа, уларнинг қулоқлари ва кўзларини кетказиб қўяр эди. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага Қодир Зотdir.

Куръони Карим ушбу ўринда куфрни қоронғулукларга, қўркитув оятларини яшин ва момақалдироққа, ҳужжат оятларини чақмоққа ўхшатяпти. Агар мунофиқларнинг жирканч табиатларини фош киладиган оятлар нозил бўлмаса, тилда айтган иймонлари билан юришаверади. Агар уларнинг қабоҳатларини фош киладиган оятлар нозил бўлса, талмовсираб, нима қилишни билмай қолишади.

Мунофиқлар Росулуллоҳ сұбханалу_а салләм дан Куръони Каримдаги кофирларга қаратилган таҳдид оятларини ёшигандан, ҳудди жала пайтида яшиннинг овозини ёқтирумай қулоқларини бекитган кишидек Аллоҳ сұбханалу_а тәхьининг бўйруқлари ва қайтарган нарсаларидан қулоқларини беркитиб, юз ўғиришар эди. Аллоҳ сұбханалу_а тәхьи бундай кофир ва мунофиқларни макрхийлаларига қўшиб, бир лаҳзада ер билан яксон қилишга Қодирдир.

Баъзан Ислом дини орқали молу дунёлари кўпайгандан, ишлари юришгандан, ғалабага ёришганда ёки кўнгилига ўтирган оятларни ёшигандан, Куръони Каримга риоя қиладиган кимсаларни учратиш мумкин. Улар агар ишлари орқага кетса, моллари ё оиласларига зарар ёки мусибат етса, "Буларнинг ҳаммаси шу йўл туфайли бўлди", деб Исломдан юз ўғириб кетишади. Аллоҳ сұбханалу_а тәхьи бундай кимсаларнинг мунофиқлигига ишора қилиб:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَعْبُدُ اللَّهَ عَلَىٰ حَرَفٍ فَإِنْ أَصَابَهُ خَيْرٌ أَطْمَأَنَ بِهِ وَإِنْ أَصَابَهُ شَرٌّ فَأَنْقَلَبَتْ عَلَىٰ وَجْهِهِ خَسِيرٌ الْدُّنْيَا وَالآخِرَةُ ذَلِكَ هُوَ الْحُسْنَانَ الْمُبَيِّنُ ﴿١١﴾ سُورَةُ الْحُجَّةِ

Одамлардан бир тоифаси борки, Аллоҳга бир ёқлама ибодат қилур, агар унга яхшилик етса ўша сабабли хотиржам бўлур, агар фитна етса, Исломдан юз ўғириб кетур. У дунёю охиратда зиён кўур, мана бу эса аниқ зиёндир дейди. (Ҳаж сураси, 11 – оят)

Аллоҳ сұбханалу_а тәхьи ўтган оятларда мўминлар, сўнг кофирлар ва мунофиқлар ҳақида баён қилганидан сўнг, энди умумий суратда ўзини инсон деб билган, бошқа маҳлукотлардан ўзини фарқли санаган барчага қарата хитоб килади:

يَتَائِفُّهَا النَّاسُ أَعْبُدُهُو رَبِّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقَوْنَ ﴿٢١﴾

21. Эй одамлар! Сизларни ва сизлардан илгаригиларни ҳам яратган Раббингизга ибодат қилинг! Шояд шунда тақволи бўлсангиз.

Аллоҳ сұбханалу_а тәхьига ибодат қилиш инсонни тақводорлар мартабасига олиб чиқади. Ибодат ўзи нима? Ислом таълимоти бўйича, Аллоҳ сұбханалу_а тәхьига иймон келтириб, буюрган фарзларини адо этиб, ҳаётнинг ҳамма соҳаларини Унинг ҳукмига мувофиқ юриш – ибодатнинг умумий маъносидир. Баъзи уламолар *ибодат қилинглар* калимасидан мурод – Аллоҳ сұбханалу_а тәхьига ва Мұхаммад сұбханалу_а аллаху салләм га сўзсиз, ёппа итоат қилиш, деганлар. Бу ҳаётдаги ҳамма муомалаларда, ҳатто одамларга соғ дунёвий бўлиб

ва шунинг учун қутқариб олишар эди. Аммо қўллари билан ўлдиришдан орият қилишмас эди. Мана сизга мантиқ!

Тавротнинг асиirlар ҳақида бу ҳукмига "амал қилиш" замонамиизда яшаётган яхудларга ҳам мерос бўлган. Ўзлари қўлга олган асиirlар билан истаганларича шафқатсиз муносабатда бўлишаверади. Аммо ўзга юртларга бостириб кирган аскарлари рақиби томонидан асири қилинса, дарров асиirlар ҳақида халқаро битимларни эста солиб, оламга жар солаётган баландпарвоз "қараашлар"идан воз кечишиади ва пинҳона бўлса ҳам уларни озод этиш ҳақида музокара бошлашиади.

Хозирда ҳам шунга ўхшаш табиатдаги кимсалар топилади. Улар Ислом буюрган асосий мажбуриятларни ўташмайди. Аммо кўнглига ўтирган, ҳоҳишлирига мувофиқ келган нарса оят ёки ҳадисда бўлса ва ундан дунёвий манфаат умиди ҳам бўлса "ихлос" билан "амал" қилишади. Масалан, ҳаж ибодатини адо этишга "маҳкам туришади". Ҳар қанақасига бўлса ҳам ҳажга боришиади ва қайтганидан сўнг гўё Аллоҳ сұбханалу_а тәхьининг мана шундан бошқа барча бўйруқларини бажаргандек Аллоҳ буюрган фарзни "адо этдик", деб гуурланиб ҳам қўйишади. Ҳаж – Аллоҳ сұбханалу_а тәхьи буюрган фарз избодатлардан бири эканлигига шубҳа йўқ. Аммо уларнинг аксари мана шу тушунча билан бормайди. Уларга ибодат рукнлари қандай бажарилишининг аҳамияти йўқ. Мухими бориб келинса, бас. Эл оғзида "ҳожи ака" бўлиб юрса, мақсад ҳосил. Агар "Қийналиб, шунча пул сарфлаб бориш зарурмиди", десангиз "Мен Аллоҳнинг амрига мувофиқ иш тутдим", деб айтади. "Э, ҳа, Аллоҳнинг бўйругига асосан бўлса, "ҳожи ака", унда Аллоҳ сұбханалу_а тәхьи намоз, рўза, закот, дин йўлида ҳаракат каби бошқа бир қатор нарсаларни ҳам ҳаж қатори фарз қилган эмасми?! Сафардан сўнг қайтадан, авж бериб бошлаб юборган гуноҳ ишларингиздан қайтишни Аллоҳ буюрган эмасми?! Мусулмончилик фақат Маккаю Мадинадагина эмас, уйингизда ҳам бўлиши керак эмасми?!"

Бу – илоҳий ҳукмларнинг бир қисмига иймон келтириб, бошқасини инкор қилишнинг бир кўринишидир. Бундай кимсаларнинг жазоси – дунё ҳаётида шармандалиқ. Бу билан кутулиб қолмай Қиёмат кунида оғир азоблар билан азобланишиади. Ундей одамлар ҳаётлари роҳат-фароғатда ўтаётганидан мағрурланиб, Аллоҳ сұбханалу_а тәхьининг ҳар бир нарсадан огоҳ эканини унтишиади. Аллоҳ ундей кимсалар қилаётган ишлардан асло ғоғил эмас.

Мана бу оятдан биз мусулмонлар ҳам ўзимизга тегишли хулоса чиқаришимиз даркор. Биз ҳам мусулмон бўлган кунимизда Аллоҳ сұбханалу_а тәхьининг Китоби ва Росулуллоҳ сұбханалу_а аллаху салләм нинг суннатларига амал қилишга аҳд берганимиз. Мусулмон мусулмоннинг биродари, унинг жони, моли, обрўси ҳаромдир.

لَمْ أَنْتُمْ هَوَّلَةٌ تَقْتَلُونَ أَنفُسَكُمْ وَتُحْرِجُونَ فَرِيقًا مِنْكُمْ مَنْ دَقَرَهُمْ تَظَاهَرُونَ عَلَيْهِمْ بِالْأَثْمِ وَالْعَدُونَ إِنْ يَأْتُوكُمْ أَسْرَى تَقْدِيرُهُمْ وَهُوَ مُحَرَّمٌ عَلَيْكُمْ إِخْرَاجُهُمْ أَقْتُلُونَ بَعْضَ الْكُتُبِ وَتَكْفُرُونَ بَعْضًا فَمَا حَرَأْتُمْ مَنْ يَقْعُلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا خَرَقَ فِي الْحَمْوَةِ الدُّنْبِيَّ وَيَوْمَ الْعِيَمَةِ يُرْدُونَ إِلَى أَشَدِ الْعَذَابِ وَمَا لَهُ يُغْفِلُ عَمَّا تَعْمَلُونَ

85. Сүнгра сизлар яна ўша ўзингизни ўлдирияпсиз, ўзингиздан бўлган бир тоифани диёрларидан чиқаряпсиз, уларга қарши гуноҳ ва тажовуз билан ёрдам беряпсиз. Агар сизларга асир бўлиб келишса, товоң тўлаб қутқаряпсиз, ҳолбуки, уларни чиқариб юбориш сизларга ҳаром қилингандир. Наҳотки, китобнинг баъзисига иймон келтириб, баъзисига кофир бўлсангиз! Сизлардан бундай ишни қилган кимсанинг жазоси дунё ҳаётида фақат шарманда бўлишидир. Киёмат кунида эса қаттиқ азобга дучор қилиншиади. Аллоҳ сизлар қилаётган нарсалардан асло гоғил эмас!

Мана шу аҳдни тан олганингиздан сўнг сиз эй Бани Исроил, диндош биродарингизни ўлдирияпсиз! Уларни диёридан суриб чиқаряпсиз! Бу билан Аллоҳ субханаху нинг Тавротдаги аҳдини бузяпсиз! Биродарингизни ўз қўлингиз билан ўлдирасиз, аммо ўзганинг қўлига асир бўлиб тушса, товоң тўлаб кутқарив оласиз. Бир-бирингизни ўлдираётган пайтда Тавротни унтиб, асирларга келганда Таврот ёдингизга тушиб, уларни озод этиб, Аллоҳга берган аҳдга вафо қиляпмиз дейсизми? Бир-бирингизни ўлдирмаслик, диёридан қувиб чиқармаслик ҳақидаги оятлар нима бўлади?! Тавротнинг баъзи оятига “амал қилиб” бошқасига кофир бўласизми?! Ахир Тавротнинг баъзи хукмларига кофир бўлиш унинг барчасига кофир бўлиш эмасми?! Ахир иймон – Аллоҳ субханаху нинг бўйруқларини тўла бажариш демак-ку!

Аввал айтиб ўтилганидек, Авс билан Хазраж ўзаро жангта киришса, Бану Қайнуқоъ ва Бану Назир Хазраж билан, Бану Курайза эса Авс билан бирга жанг қиласар эди. Шунда ҳар икки тараф асир бўлиб тушган қабиладош яхудий биродарини товоң тўлаб, кутқарив олар эди. Чунки, Тавротда “Бирор яхудийни асир холда топсанг, уни ўз ҳолига ташлаб қўймай, қандай қилиб бўлса ҳам, албатта, кутқарив ол”, деган мазмунда оят бор эди. Яхудлар асирни кутқарив олиш билан ўзларини Тавротнинг хукмига бўйсунётган қилиб қўрсатишарди.

Шунинг учун Аллоҳ субханаху бу оядта яхудларга хитобан “Наҳотки, китобнинг баъзисига иймон келтириб, баъзисига кофир бўлсангиз! Тавротда яхудий асирни кутқарив олиш ҳақидаги хукм бўлса, қон тўқманг, бир-бирингизни ўлдирманг, ватанидан қувгин қилманг, деган оят ҳам бор-ку! Раъйнингизга мувофиқ бўлган хукмга бўйсуниб, бошқасини инкор қиласизми?” деб итоб қилди. Аслида, яхудийлар араб мушриклари қўлида яхудийнинг асир бўлиб туришидан орият қилишар

кўринган ишларда ҳам Аллоҳ субханаху нинг хукмига мувофиқ яшашлик – кенг маънодаги ибодатdir. Одамлар билан бўлган ўзаро муомалаларда Аллоҳ субханаху ман қилгани учунгина ёлғондан сақлансангиз, буйругига бўйсуниб рост сўзлассангиз, ҳаромдан сақлансангиз, оилавий ҳаётингизда шариат ҳудудларига риоя қилсангиз, буларнинг ҳаммаси Ислом эътиборида ибодат хисобланади. Умуман, Аллоҳ субханаху нинг бўйруқлари ва Росулуллоҳ саллахи альяиҳи вассаллих нинг кўрсатмаларига мувофиқ ўтказилган ҳар бир лаҳза – ибодатdir. Хулоса қилиб айтганда, ибодат – Куръони Карим ва Ҳадиси Шариф ибодат деб кўрсатган нарсалардир. Аллоҳ субханаху Куръони Каримдаги “Зарият” сурасининг 56 – оядида марҳамат қилиб:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ

Жин ва инсон тоифасини фақат Менга ибодат қилишилари учун яратдим дейди.

Баъзи муфассирлар – одамлар калимасидан мурод ибодатда йўқ яхудлар ва мунофиқлар, деганлар. Лекин аксар уламолар бу калимадан умум башарият назарда тутилган бўлиб, мўминлар ибодатда бардавом бўлишлари, кофирлар эса ибодатни зудлик билан бошлашлари мақсад қилингандир, деганлар. – **ибодат қилинг** калимаси билан сизларни йўқдан бор қилган, сизлардан олдин ўтган барчани яратган ёлгиз Аллоҳ субханаху нинг Ўзига ибодат қилинглар, бўйруқларини бажаринглар, қайтарган нарсаларидан қайtingлар, дейилмоқда.

Демак, Одам алаиҳис салам дан тортиб, ҳозиргача ва то Киёматгача давом этадиган инсоният ажралмас бир бутундир. Уларнинг Тарбияткунандаси ёлгиз ва шу Тарбияткунанда барчасини ёлгиз Ўзи яратган. Бинобарин, ибодат ва сигинилишга Яратувчигина лойик. Аллоҳ субханаху башариятни ёлгиз Ўзи яратган экан, ибодат ҳам ёлгиз Аллоҳ субханаху га бўлиши лозим.

Мушриклар “Еру осмонларни Аллоҳ яратган” деб эътиқод қилишар эди. Улар “Офтоб, ой, ер, бутун борлиқ ўз-ўзидан пайдо бўлган,” деган беҳаё сўзни айтишмаган эди. Яқин тарихда бир даврлар бўлди. “Хеч нарса ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди,” деган фалсафани тузган аҳмок қимсаларнинг ўзлари “Коинот, ер ўз-ўзидан пайдо бўлган,” деган назарияни илгари суришди. Ё алҳазар! Айримлар бу бемаъни назарияни илмий жиҳатдан асослашга уриниб, турли туман илмий унвонлар ҳам олишди. Макка мушрикларининг эътиқодлари замонамизда учрайдиган мушрикларнидан анча яхши эди. Улар бошларига мусибат тушса, ҳар-хил булоқлар ёки тоғларга бориб сигинишмас эди. Мозорма-мозор фарзанд тилаб ҳам юришмас эди. Дардидан фориг бўлиш мақсадида дараҳтларга ип бойлаб, нажот ҳам сўрашмас эди. Улар ибодат қилаётган тошлар бундай нарсаларга қодир эмаслигини яхши билишар эди. Улардан “Ким ризқ беради?” деб сўралса, “Аллоҳ” деб жавоб беришар

эди. "Коинотни ким бошқаради?" деб сўралса, "Аллоҳ" деб жавоб беришар эди. "Ким яратадио ким ўлдиради?" деб сўралса, "Аллоҳ" деб жавоб беришар эди. "Ким осмондан ёмғирни ёғдириб, ерни ундиради?" деб сўралса, "Аллоҳ" деб жавоб беришар эди. Улар Аллоҳ сұханаху ибодат ҳам қилишар эди. Улар "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ" деган калиманинг маъносини баъзи илмни даъво қилган кимсалардан кўра яхши тушунишар эди.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ сұханаху хитоб қилишда мўминлар, колаверса, мушриклар ҳам тан олган томондан, яни бутун башариятнинг Яратувчиси сифатини эслатиб, *сизларни ва сизлардан илгаригиларни яратган* деб бошлади ва ёлғиз Аллоҳ сұханахунинг Ўзига ибодат қилибгина тақво сифатига эришиш мумкинлигига ишора қилди.

**آلذى جعل لكم آئرخ فرِشَا وَلَسْماءٍ بِنَاءً وَأَدَرَلَ مِنْ أَلْسَمَاءِ مَاءَ فَأَخْرَج
بِهِ مِنْ الْقَمَرِ رَزْقًا لَكُمْ قَدْ تَجَعَّلُوا لِلَّهِ أَكْدَادًا وَأَنْشَمْ تَعْلَمُونَ**

22. У Зот *сизларга ерни тўшак* тўшалгандек, қулай бир кароргоҳ *ва осмонни* мустаҳкам бир *бино қилиб қўйди*. *Осмондан сувни тушириб, бу сув билан мевалардан* турли-туманларни *сизларга ризқ қилиб, чиқариб берди*. Энди кўра-била туриб, Аллоҳга шерикларни қилманг!

Аллоҳ сұханаху Куръони Каримда ерни текис, фойдаланишга қулай кароргоҳ, осмонни эса мустаҳкам бино қилганини кўп зикр қиласи. Зоро, Ер ва осмон Аллоҳ сұханахунинг инсон идрок эта оладиган энг буюк мўъжизаларидандир. Аллоҳ сұханаху ерни инсоннинг ҳаёт кечиришига мос қилиб, унда барча қулайликларни муҳайё қилган. Лекин инсон бунга етарлича эътибор бермайди. Аллоҳ сұханаху ерни тўшак тўшалгандек текис ҳамда қулай қилиб яратди. Ернинг 60 %дан зиёдроқ қисми текисликдан иборат. У сайёralар ичидаги ҳажм жихатдан бешинчи ўринда туради. Хозирги олимлар тахминига кўра, Ер ўз ҳаракат йўли бўйлаб, бир сонияда ўрта хисобда 29 – 30 минг км тезликда айланади. Ернинг шундай катта тезликда айланиши бизга умуман сезилмайди. Бундан ташқари яшашимиз учун унда ҳамма шароитлар муҳайё. Аллоҳ сұханаху ер остига инсон учун ҳаётда фойдаланадиган сон-саноқсиз қазилма бойликларни жойлаштирган. Бу Аллоҳ сұханахунинг инсониятга берган улкан неъматларидан биридир. Зотан, Ернинг ҳаво қатламидаги мувозанати заррача ўзгарса, ер юзида ҳаётдан ном-нишон қолмаслиги ҳамма учун маълум бўлган ҳақиқатдир.

Осмонни гумбаздек мустаҳкам бир бино қилиб қўйди ва осмондан сувни тушириди. Бу сувни баъзан ёмғир суратида ёғдириб, сўнг ерга сингдириб, ундан турли ўсимликлар, мева ва сабзвотларни нафакат инсонга, балки чорваларига ҳам ризқ қилиб чиқаради. Бу сувнинг баъзисини анхорларда оқизди. Баъзисини биз учун фойдали бўлган

Лекин Мадинаи Мунаввара атрофида яшовчи яхудлар йўлларини кувватлаб келган мана шундай олижаноб шариатдан аждодлари каби била туриб юз ўгириши. Магар Абдуллоҳ ибн Салом роязиллоу аттоу каби баъзилар бу аҳдан юз ўгирмади, холос.

فَإِذَا أَخَذْنَا مِيشَقَكُمْ لَا تَسْفِكُونَ دَمَاءَكُمْ وَلَا تُحْرِجُونَ أَنْفُسَكُمْ مَنْ دَفَرَ كُمْ ثُمَّ أَقْرَرَ ثُمَّ وَأَنْشَمْ تَسْهِدُونَ

84. Эй Бани Исроил! *Қонларингизни тўқмайсиз ва бир-бирингизни диёрингиздан чиқармайсиз* деб аҳду паймонингизни олганимизни, сўнг сизлар гувоҳлик бериб туриб иқрор бўлганингизни эсланг!

Росулулоҳ сұханаху Мадинаи Мунавварага хижрат қилиб келишпаридан олдин мушрик бўлган Авс ва Хазраж номли араб қабилалари бир-бирига адовати кучли ғаним қабилалар эди. Арзимас сабаблар билан ҳам ўрталарида шиддатли жанглар бўлиб турар эди. Араблар орасида бу даражада адоват кучайган қабила йўқ эди. Уларнинг адоватларидан, табиийки, душманлар – Мадинаи Мунавварада ин куриб олган яхудий қабилалари – Бану Қайнуқоъ, Бану Назир ва Бану Курайза фойдаланишга ҳаракат қиласи. Бану Қайнуқоъ ва Бану Назир қабилалари Хазраж билан, Бану Курайза эса Авс билан иттифоқдош эди. Яхудийлар Авс ва Хазражни бир-бирига қарши гижгижлаб, улар ўргасида уруш алангасини ёкиш илинжида бўлишар эди.

Авс билан Хазраж ўзаро жантга киришса, мазкур яхудий қабилалари ҳам иттифоқдошлирига “кўшилиб” жанг қилишар эди. Бу ҳолатда яхудларга ракиб томонда туриб жанг қилаётган яхудий биродарини ўлдиришига тўғри келар эди. Маглуб қабилани диёридан кувиб солинганда, яхудий иттифоқчилари ҳам улар билан бирга чиқариб юборилар, қувиб чиқарилган томоннинг мол-дунёсига эгадор бўлиб олинар эди. Бу эса Бани Исроилнинг Тавротда Аллоҳ сұханахуга берган аҳдларига зид иш эди. Тавротда улардан бир-бирингизни ўлдириб, бирингиз бошқангизни ватанидан қувиб чиқармайсиз, деб аҳд олинган эди. Яхудлар ушбу аҳдни қабул қилиб, унга амал қилиш лозимлигини тан олишган эди. Лекин Бани Исроил бу аҳдга ҳам вафо қилмади. Аслида-ку яхуд зоти берган аҳдига

тариҳда бирон марта вафо қилган эмас.

Хозирда ҳам Ислом душманлари ўзларининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини кўзлаб, мусулмонларни бир-бирлари билан уруштиради. Ҳар икки томонга бир-бирига билдиримаган ҳолатда ўзининг эскиган курол аслаҳаларини пуллаб “ёрдам кўрсатади”. Сўнг мусулмонларнинг орасини “ислоҳ” этиш ва бегуноҳ кон тўкилишининг “олдини олиш” мақсадида қўшинларини киритиб, мусулмон юртларни ҳар томонлама мустамлака қилиб, талайди.

ва ўрта бармоқларига ишора қилдилар ва орасини бироз очдилар, дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Мискин деб ўз эхтиёжини топишликдан ҳам ожиз бўлган кишига айтилади. Ўшандай ночор, бечораҳол кишиларга яхшилик қилиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, оғирини енгил қилиш, кўмагини аямаслик – уларга яхшилик қилишдир. Росулулоҳ رسول‌الله‌عَلَيْهِ‌سَلَّمَ куйидаги ҳадисларида марҳамат қилдилар:



Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Росулулоҳ رسول‌الله‌عَلَيْهِ‌سَلَّمَ бева ва бечорага ёрдам берувчи Аллоҳ سبحانه وتعالى йўлидаги муроҳид ёки кечаси обид, кундузи рўздор кабидир дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Ислом дини Росулулоҳ رسول‌الله‌عَلَيْهِ‌سَلَّمَ нинг мана шундай йўлланмалари билан етим ва мискинларга ёрдам берадиган турли туман фойдасиз “хайрия” ташкилот ва жамғармаларни тузишдан беҳожат бўлди. Балки бундай номи бир-биридан узун муассасаларни ташкил этиш Ислом нуктаи назаридан уятли ҳол деб билинди. Аммо Аллоҳ سبحانه وتعالى нинг манҳажини ҳаётдан суриб қўйган жамиятлар ўзидаги мискин ва етимлар муаммосини ҳал этиш учун бутун олам узра минглаган ташкилотларни тузишига қарамасдан етим ва мискинлар муаммоси кун сайин бутун Ер сайёрасини камраб бормокда. “Етимпарвар” ёки “мискинпарвар”лар қўпайган сари бундай муаммолар чукурлашмокда. Чунки, етим ва мискинларга ёрдам бериш қалбга ўрнамас экан, бундай ташкилотлар ҳеч бир наф бермайди.

4. Одамтарга яхши сўзларни сўзлашлик;

Ҳар ким ҳам мол-дунёси билан яхшилик қилишга қодир бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун Аллоҳ سبحانه وتعالى ҳар бир банда имкониятида бўлган яхшилик – ширинсўз бўлишга, барча билан хушмуомала бўлишга буюриди. Демак, мўмин киши хушфеъл ва ширинсўз бўлиши керак.

Ҳасан Басрий одамтарга яхши сўзни сўзлаш – амри маъруф ва наҳий мункар, яъни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш, кечиримли ва ҳалим бўлиш, деганлар. Шунингдек, одамтарга ҳақни танитиш, илм ўргатиш ҳам яхшилик қилишдир. Баъзи муфассир уламолар *яхши сўзни сўзлаш* – Мухаммад صلی اللہ علیہ وسالم ҳақларида тўғри сўзни айтиб, у кишининг Тавротдаги сифатларини яширмаслик, деганлар.

5. Намозни барпо қилиш ва закотни ўташлик;

Аллоҳ سبحانه وتعالى Бани Исроилга Ўзи белгилаб берган услубда намоз ўқиши ва закот беришни буюрган эди.

Бани Исроилдан олинган бу аҳд шартларини Росулулоҳ رسول‌الله‌عَلَيْهِ‌سَلَّمَ олиб келган Ислом шариати ҳам кувватлаб, такомиллаштириб келган эди.

катта кўлларда жамлади. Яна баъзисини ер остига жамладики, биз уни чашма ёки кудуклар суратида ёки бошқа асблолар ёрдамида тортиб олиб, истеъмол қиласиз. Ҳеч ким сувнинг бир томчисини бўлса ҳам мен яратдим, деб даъво қилолмайди. Бутун башарият бирлашиб, тиришса ҳам бир қатра сувни ярат олмаслиги, сув бўлмаса, ҳаёт ҳам бўлмаслиги тамомий инсоният тан олган ҳакиқатдир. Бу ҳакиқатни ҳеч ким инкор қилмайди. Зоро, осмондан туширилган сув ердаги барча жонзотлар учун ҳаёт манбасидир.

Йўқдан бор қилиш, еру осмонни яратиш, осмондан сувни тушириш, ердан турли-туман меваларни чиқариб, ризқлантириш Аллоҳ سبحانه وتعالى дан ўзга ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Ҳеч ким у хоҳ мўмин, хоҳ кофир, хоҳ яхудий, хоҳ мунофик бўлсин – оламдаги ризклардан биронтасининг яралишида менинг ҳиссам бор, деб айтмайди. Бунда ўзининг ҳеч қандай ҳиссаси йўқлигини, ер, осмон, ёмғир ва бошқа неъматларнинг ҳаммасини фақат ёлғиз Аллоҳ سبحانه وتعالى яратганини ҳамма жуда яхши билади.

Куръони Каримда “Аллоҳга кофир бўлманглар”, деган мазмундаги оятлар жуда кам. Чунки, Аллоҳ سبحانه وتعالى бутунлай инкор қилиш учун инсон виждон деган тушунчани ўзидан тамомила чиқариб ташлаши, уни жигилдонга айлантириб ташлаши керак. Бундай бетамиз маҳлуқлар узок тарихда бўлган эмас, кейинчалик пайдо бўлган. Лекин, кўпинча мўминлик даъвосидаги кимсалардан Аллоҳ سبحانه وتعالى ширк келтириш ҳолатлари содир бўлади. Сувга алоҳида худо, шамолга алоҳида худо, яна бошқа нарсаларга алоҳида худолар қилиб, Аллоҳ سبحانه وتعالى шериклар исбот қилиш – юонлардан колган ва душманларимиз тарафидан динимизни пароканда қилиш мақсадида киргизиб юборилган иллатдир. Мўмин киши эса Аллоҳ سبحانه وتعالى – оламнинг ягона Тарбияткунандаси деб эътиқод қилиши шарт. Абдуллоҳ ибн Аббос رضي الله عنه ушбу оятнинг тафсирида ширк – туннинг зулматида қоп-қора силлиқ тоши устида кетаётган қора қумурсқадан ҳам маҳфийроқдир деганлар.



Абдуллоҳ ибн Масъуд رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Росулулоҳ رسول‌الله‌عَلَيْهِ‌سَلَّمَ дан Аллоҳнинг ҳузурида қайси гуноҳ оғирроқдир, деб сўрадим. У киши Аллоҳга шерик килмоғинг, ҳолбуки, у сени яратган дедилар. Мен дарҳақиқат, бу гуноҳи азимдир дедим, кейин ундан сўнг қайси дедим. У киши фарзандингни бирга овқатланишидан қўрқиб, ўлдирмоғинг дедилар. Ундан кейин қайси дедим. Қўшнингни аёли билан бузуқлик килмоғинг дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Шунинг учун Аллоҳ *сұханаху да таъвілө* "Эй одамзод! Сизлар Аллоҳ *сұханаху да таъвілө* шерик қиласыттар барча нарсалар яратыш ва ризқ беришга қодир эмас! Шундай экан, билиб туриб, еру осмонни сизнинг хизматингизга солиб қўйган Аллоҳга ширк келтирманг! Аллоҳ *сұханаху да таъвілө*нинг марҳаматларни бутлар ва бошқа ҳакир нарсаларга нисбат берманг! Бу неъматлар учун айтиладиган шукур ва мактогва ҳеч нарса қўлидан келмайдиган ожиз кимсаларни шерик қилманг! Аллоҳ *сұханаху да таъвілө*дан ўзга ибодат қилинадиган "илоҳ"ларни ҳам қилманг! Ожиз кимсаларни Аллоҳ *сұханаху да таъвілө*нинг манзилатига чиқариб, Исломга зид нарсаларга, шариатни топташга, мусулмонларга зулм қилишга буюрса, итоат қилиб, уларни Аллоҳ *сұханаху да таъвілө* тенг қилманг!" деб хитоб қиласди.

"Наҳотки инсон Раббига била туриб ширк келтирса?" деган савол туғилиши мумкин. Үнда мозорма-мозор фарзанд тиляб юришни нима деб аташ керак?! Шу мозорга ким дағнан этилганини билишармикин?! Балким, улар "ихлос" қилиб келаётган жойга бир неча асрлар илгари бир итни кўмиб, сўнг одамларни адаштириш мақсадида "зиёратгоҳ" қилиб қўйилгандир? Хўп, боринг шу ерда ётган, ундан фарзанд талаб қилинаётган "авлиё" фарзанд беришга қодирми?! Дараҳтларга ип бойлаб, дардига шифо сўраётганлар, ишларига ривож тиляётганлар, айтишсин-чи! Еру осмонни шу дарахт яратганми? Оч қолиша, уларга ризқ бера оладими? Шубҳасиз, улар йўқ деб жавоб беришади. Хўш, унда бундай кимсаларни билиб туриб ширк келтираётганлар демай, ким деб аташ керак?!

Инсон қалбига ширк кириб келаётганини ўзи сезмай қолади. Росууллоҳ *сұханаху да таъвіلө* бундай холатдан бизни огоҳ этиб, қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:



Хузайфа *розияллоҳу да* ривоят қилдилар: *Пайғамбар* *сұханаху да салам* Аллоҳ *да таъвілө* ва фалончи хоҳласа деманглар, балки Аллоҳ хоҳласа, сўнг фалончи хоҳласа денглар дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Халқимиз орасида тарқалган "Боламни сизга, сизни Худога торширдим" каби иборалар учраб туради. Биз бу каби сўзларни эшитганда ўзимиздан кетиб, қувонмасдан, унинг хатаридан огоҳ этишимиз лозим.

Аллоҳ *да таъвілө*нинг марҳамати улугки, У дунёдаги неъматларни факат мўминларгина ризқ бўлишини хоҳламади, балки мўмину кофиру мунофилар учун умумий қилиб берди. Саъдий Шерозий айтади:

Махъ хуршиду фалак дар коранд

То ту ноне ба кафорию ба гафлат на хўри
Хама аз бахри ту саргаштау саргардон

1. Аллоҳ *сұханаху да таъвілө*нинг Ўзигагина ибодат қилишлик;

Тавротда ҳам Аллоҳ *сұханаху да таъвілө*нинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишга, ширк келтирмасликка буюрилган. Зоро, Аллоҳ *сұханаху да таъвілө*нинг ёлғиз Ўзига ибодат қилиш – диннинг асоси бўлиб, бусиз хеч бир амал мақбул эмас. Ибодат – кенг қамровли тушунча бўлиб, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини Ислом шариати ҳукмларига мувофиқ ўtkазиш – унинг комил суратидир. Инсон билан жиннинг ер юзига яратилишидан мақсад ҳам Аллоҳ *сұханаху да таъвілө*нинг Ўзигагина ибодат қилишдир.

Аллоҳ *сұханаху да таъвілө* Ўзининг ҳаққини баён этганидан сўнг бандаларнинг бир-биридаги ҳақларини баён этишга ўтади:

2. Ота-онага яхшилик қилиш;

Ота-она фарзандига гўдаклик чоғида ҳеч кимга кўрсатмаган меҳрни кўрсатиб, едириб-ичириб, тарбиялайди. Аллоҳ *сұханаху да таъвілө* берган меҳр сабабли ҳаммадан ортиқ, кўриб, имкониятидаги бор нарсани фарзанди учун сарфлайди. Демак, фарзанднинг яхшилигига, бир оғиз ширин сўзига бандалар ичидан дастлаб ота-она ҳаклидир. Ота-онанинг ҳаққи муҳимлигидан Аллоҳ *сұханаху да таъвілө* уларнинг ҳақларини Ўзининг ҳаққи билан боғлаган ҳолда ёнма-ён зикр этди. Гуноҳ бўлмаган ўринда уларга бўйсуниш, ногўгри йўлда бўлсалар, тўғри йўлга йўллашлик, ҳақни танитиш, имконият доирасида дунёвий муруват кўрсатиш, уларга нисбатан ширинсўз ва хушфеъл бўлиш, дунёдан кўз юмганларидан сўнг ҳақларига мағфират тиляб дуо қилиш, улар дўст тутган кишилар билан яхши муносабатда бўлиш – ота-онага яхшилик қилиш маъносини билдиради.

Аллоҳ *да таъвілө*нинг низоми ота-онага мана шундай муносабатда бўлишга буюрган. Караган, кучдан кетган чоғида керакмас нарсадек қариялар уйига элтиб қўядиган "фарзанд"лар Аллоҳ *сұханаху да таъвілө*нинг низоми ҳаётдан суреб ташлангани оқибатида вужудга келган.

3. Қариндошларга, етим ва мискинларга яхшилик қилишлик;

Аллоҳ *да таъвілө* буюрган қариндошлар билан қариндошлилик қилиш, имкон бўлса ёрдам бериш, етимга, яъни ота-онаси ёки отасидан ажралган, вояга етмаган болага яхшилик қилиш ҳам ахднинг шартларидан эди. Етимларнинг молини талон-тарож қилиш, хатто Бани Исроил шариатида ҳам ҳаром қилинган эди. Росууллоҳ *сұханаху да таъвілө* ҳам қуйидаги ҳадисларида мўминларни етимларга яхшилик қилишга тарғиб қилдилар:



Саъл ибн Саъд *розияллоҳу да* ривоят қилдилар: *Росууллоҳ* *сұханаху да таъвілө* мен билан етимнинг васийси жаннатда мана шундай биргамиз деб, кўрсаткич

уларга кулфат етказишга қурган, шунга қарамай дилининг “пок”лигини рўкач килиб, ўзини мўмин санаётган кимсалар ҳам бу оят билан танишиб кўйсин! Тилларида “иймон”лари етти иқлимга сигмайдиган, аммо амал дафтарлари куруқ кимсалар ҳам бу оятдан воқиф бўлсин! Иймонни тилларида “изҳор” этиб, сўнг қўлидан келганича фиск-фасод ишлари билан машғул бўлаётган, Аллоҳ сұханахунинг солиҳ бандаларига азият бераётган кимсаларда иймондан бўй ҳам бўлмайди. Уларга Аллоҳ сұханахудан савоб ҳам, нажот ҳам йўқ.

Демак, нажот топувчилар факат иймон ва солиҳ амал эгаларидир. Бундан бошқа ҳар қандай кимса, кайси миллатдан ёки қандай улугзода бўлишидан қатъий назар, ҳалокатга юз тутган кимсадир.

Аллоҳ сұханахуга, малоикаларга, китобларига, Қиёмат кунига тил билангина эмас, қалб билан ҳам иймон келтирган, Аллоҳ сұханахунинг худудларини риоя қилган, фарзларини адо этган, ҳаромлардан ўзини тортган ва дилидаги иймонининг тасдиқига солиҳ – яхши амаллар қилган кишилар жаннат эгаларидир. Ўзларида иймон ва солиҳ амалларни мужассам этган мўмин кишиларга дўзах ўти тегмайди. Бошқалар кофир бўлган нарсаларга иймон келтирган, намоз, рўза, закот каби амалларни қоим қилган кишиларга жаннат вожибdir. Улар унда абадий бўлурлар. Ҳар қандай неъмат ҳар қанча яхши ва лаззатли бўлса ҳам, унинг абадий бўлмаслиги кишини ғамга солади. Дунёда ширинлигини йўққа чиқаради. Жаннат неъматлари эса абадий ва битмас-туганмасдир.

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيقَاتَ بَيْتِ إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهُ وَيَا أَيُّ الَّذِينَ إِحْسَانًا وَنِيَّةً لِّلْفَرْقَىٰ وَأَلْيَسْتَمِنْ وَأَلْمَسْكِينْ
وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَاعْتُوْلَرَ كَوْثَةً ثُمَّ قَوْلَيْشُمْ إِلَّا قَلِيلًا مَنْكُمْ وَأَنْتُمْ مُعَرْضُونَ

83. **Бани Исроилдан Аллоҳгагина ибодат қиласизлар, ота-она, қариндош-уруг, етимлар ва мискинларга яхшилик қиласизлар, одамларга яхши сўзларни сўзланглар, намозни барпо қилинглар, закотни ўтанглар деб аҳд олганимизни эсланг!** Сўнг сиз эй Бани Исроил! **Озчиликдан бошқангиз юз ўғириб, бош тортдингиз!**

Аҳду паймонларни такрор-такрор бузгани учун Аллоҳ сұханаху Бани Исроил устига тогни келтириб, шундай қаттиқ суратда аҳд олганини суранинг 63 – оятида ўрганиб ўтдик. Мана бу оятда ўша олинган аҳднинг тафсилотлари баён қилинади.


Аллоҳ сұханаху ушбу аҳд шартларини кетма-кет муҳимлигига қараб келтиреди. Дастрлаб инсонга барча неъматларни бергани учун Ўзини, сўнг ҳар бир кишига бошқаларга нисбатан энг ҳақли бўлган ота-онани, сўнг қариндош-уругларни, сўнг жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатдан ожиз бўлган табақаларини зикр қилди:

Шарти инсоф набошадки, ту фармон на бари

Ой, офтоб, фалак ҳаммаси сенинг хизматингда. Олдингга бир парча нонни олиб келиш учун ҳамма коинот овора. Сенга бу нон ризқ бўлиши ва сен уни ғафлат билан емаслигинг учун улар овора. Бутун олам сенинг хизматингда бўлсаю сен уларни хизматингта солиб қўйган Зотнинг хизматида бўлмасанг – инсоф шартига тўғри келмайди.

Муфассир уламолар бу ердаги **السماء – осмон** сўзидан мурод – булултлар, дейишган. **ماء – сув** ва **رزقا – ризқ** калималарини ноаниқ ҳолда келиши сувнинг баъзиси туширилганига ва ердан чиқарилган мевалар инсонга берилган ризқнинг баъзиси эканлигига ишора қиляпти. **فلا تجعلوا – اعْذُوا** – **ибодат қилинглар** калимасига боғловчи **ف** ҳарфи орқали боғланиши ибодатнинг комил сурати учун ширк маразидан ҳалос бўлган ҳолда ибодат қилиш лозимлигини билдиrmокда. **آئِدَا – шериклар** калимасининг кўплиқ шаклда келиши ҳаётда инсон томонида билиб билмай қилинадиган ширк амалларининг кўплигига ишора қилмокда.

Аллоҳ сұханаху ўтган оятларда Ўзининг Яратувчи эканини, коинотни бошқариш, ризқ бериш каби сифатлар ёлғиз Ўзига муносаблигини билдиргач, кейинги оятда Мұхаммад сұханаху салом Унинг бандаси ва барҳақ пайгамбари эканлигининг далолатини келтиради.



23. **Агар биз бандамизга нозил қилган нарса – Куръони Каримдан шубҳада бўлсангиз, унинг сураларига ўхшаш биргина сурани олиб келинг ва бунга Аллоҳдан ўзга барча гувоҳларингизни чақиринг, агар даъволарингизда содиқ бўлсангиз!**

Аллоҳ сұханаху юборган пайгамбарларига ўша даврда энг эътиборли деб ҳисобланган илм ёки ҳунарда олий ўринни берган. Чунки, бир ҳалқ орасида маълум бир соҳада ўта моҳир инсонлар бўлсаю, бошқа бир касб устаси келиб, ҳунарини кўрсатса, уни етарлича қадрлашмайди. Бироқ, ўз соҳаларида улардан кўра моҳирроқ инсон келса, унга эътибор билан қарашиди.

Мусо алайхис-салам-нинг даврида сеҳргарлик ниҳоятда ривож топган эди. Аллоҳ сұханаху Мусо алайхис-салам-га Асо мўъжизасини берди ва у киши бу мўъжиза билан Аллоҳ сұханаху тарафидан юборилган барҳақ пайгамбар эканлигини исботладилилар.

Ийсо алайхис-салам- даврида эса, табобат илми ривожланган эди. Ўша замон табиблари деярли барча касалликларни даволашар эди. Аллоҳ сұханаху Ийсо алайхис-салам-га кафти билан силаш орқали туғма кўрларнинг кўзларини, туғма карларнинг қулоқларини очиб юбориш ва жонсиз жисмга дам уриб, жон киритиш мўъжизасини берди. Бу мўъжиза Ийсо алайхис-салам-нинг Аллоҳ сұханаху тарафидан юборилган барҳақ пайгамбар эканлигини

исботлади. Бу мўъжизани кўрган энг билимдон табиблар ҳам лол қолишиб, "Агар Ийсадаги бу нарса илм бўлганда, биз уни уddaлаган бўлар эдик, бу илохий мўъжиза", деб иймон келтиришлари осон бўлди.

Тарихчи олимларнинг гувоҳлик беришича, Куръони Карим нозил бўлган давр Маккай Мукаррама ва Мадинаи Мунавварадаги арабларнинг фасоҳат ва балоғат бобида энг юқори чўққига кўтарилган даври хисобланади. Уларни ҳеч бир инсон фасоҳату балоғатда койил колдира олмаган. Хатто, уларнинг урушда, жанг майдонида шамшир ялангочлаб туриб айтган шеърлари шунчалик юксак савияда бўлганки, бундай шеърларни кейинги даврларнинг энг кучли шоирлари илҳом парилари оғушида ҳам битолмаганлар. Жоҳилият даври шоирларининг «Алмуъаллақот ус-сабъ» деб аталган шеърлар тўплами хозирда ҳам жаҳон адабиётидаги энг юксак намуналардан деб тан олинади. Фасоҳат ва балоғат ана шундай ривожланган даврда Аллоҳ субҳанаху ві таъвіху Мухаммад саллалулаху алайхи وآلہ وسالله ни пайғамбар қилиб жўнатди ва ул зотга фасоҳату балоғат чўққисида бўлган Куръони Каримни нозил қилди.

Мухаммад саллалулаху алайхи وآلہ وسالله ҳамма қатори еб-ичиб юрадиган оддий бир инсон эди. У киши маҳсус билимгоҳларда таълим олмаган, балки устоз кўрмаган, ёзув-чизувни билмайдиган саводсиз киши эдилар. Куръони Карим ҳаммани ҳайрону лол қилиб, тилларини боғлаб қўиди. Баъзилар бу инсон сўзи эмаслигини, илохий калом эканини тушуниб, Росулулоҳ саллалуلاху алайхи وآلہ وسالله га эргашди. Лекин Росулулоҳ саллалуلاху аلайхи وآلہ وسالله ни туғилганларидан буён яхши билган баъзи бадбаҳт кимсалар эса "Бу сўзларни ўзи тўқиб айтапти, хоҳласак биз ҳам шунга ўхшашни айтишимиз мумкин", дейишди. Шунда Куръони Каримни Аллоҳ سубҳانаху وی تاъвیخнинг каломи эканлигига шубҳа қилган ўша даврдагилар ва то Қиёматгача у ҳақда шубҳа қилган кимсаларга хитобан мазкур оят нозил бўлди. Аллоҳ سубҳانаху وی تاъвیخ уларга қаратса хитоб қилиб "Агар Куръони Карим сизлар даъво қилгандек, Аллоҳ سубҳانаху وی تاъвیخнинг каломи бўлмасдан, ўқиш ва ёзишни билмайдиган Мухаммад саллалуلاху الایه وآلہ وسالله ўзи ёзib олган китоб бўлса, қани, сизлар ҳам Куръони Каримдек китоб бўлмаса-да, унинг сураларига ўхшаш бирорта сурани ёзинг-чи! Ахир сизлар балоғат ва фасоҳат аҳларисиз-ку!" деб хитоб қилди. Росулулоҳ салلالو لاہ علیہ وآلہ وسالله 23 йил мобайнида ер юзидаги фасоҳату балоғат арబоблари ичида бу ояти карима билан хитоб қилиб яшадилар. У кишига чексиз гина ва адоват сақлаган кимсалар бу хитоб олдида ожиз қолишиб. Бу хитобнинг нузулига 1400 йил ўтишига қарамасдан ҳали бирорта инсон Куръони Каримнинг энг кичик сураси ҳажмида бўлсада, бир сура ёза олгани тарихдан маълум эмас. Куръони Карим инсон сўзидан тамоман фарқли ўлароқ кун сайин ўзининг таровати ва нурини таратиб, долзарблигини кўрсатиб келмоқда ва Қиёмат кунига қадар шундай давом этади.

Аллоҳ سубҳانаху وی تاъвیخ Ислом ҳидоятига унамаган кимсаларга бир қатор маккий оятларда айни шу хитоб билан дастлаб Куръони Каримдек

бўлади. Лекин Аллоҳ سубҳانаху وی تاъвیخ шу билан ҳам кифояланмасдан уларнинг дўзахда абадий қолишини илова қиляпти. Бундан ташқари ёмонлик яхшиликка нисбатан бир неча баробар кўп бўлиб, гўё ҳар томонлама куршаб олгандек қилиб кўрсатиляпти.

وَالَّذِينَ ظَمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَدْلُونَ

82. Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган кишилар – ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолувчи дилар.

Куръони Каримнинг қайси оятида иймоннинг зикри келса, унинг ёнида солиҳ амаллар зикр қилинган. Иймонни тилидагина айтган кимса охиратдаги олий мукофотларга эриша олмайди. **الصالحات – яхши амаллар** дилдаги иймоннинг ташки рамзиdir.

Амалларнинг яхши ёки ёмон бўлиши одамларнинг ўлчови бўйича ўлчанмайди. Ислом шариати яхши деб атаган амал – гарчанд, бутун ер юзи ёмон деса ҳам яхши амалдир. Ёмон деб кўрсатган амални бутун башарият яхши деса ҳам ёмондир. Агар амалнинг яхши ёки ёмон дейишни одамларнинг ўлчовига қўйиб берилса, ер юзида ҳеч ким ўзини ёмон амал қиляпман, деб билмайди. Умрини бузуклик ва ичкилик билан ўтказаётган кимсалар ҳам ёмон иш қиляпмиз, дейишмайди. Улар ичмайдиган, ҳалол-пок инсонларни ҳаётнинг гаштидан бебаҳра, деб билишади. Кечалари ўғирлик қилиб юрганлар ҳам "Одамларроҳатда, ширин ўйкуда ётганда, биз уйкумиздан воз кечиб, тирикчилик қиляпмиз", дейишади. Амалларнинг ўлчови инсон қўлига топширилса, ҳаётнинг мезони мана шундай издан чиқиб кетади.

Солиҳ амаллар – Куръони Карим ва Суннати Набавийяга мувофиқ, холис Аллоҳ سубҳانаху وی تاъвیخ учун бўлган амаллардир. Демак, солиҳ амаллар деганда биз Ислом шариати яхши деб кўрсатган ишларнигина тушунмогимиз керак. Масалан, аёлларнинг ҳижобда юришига бутун ер юзи масхара кўзи билан қараса ҳам, биз буни яхши амал деб санаймиз. Номахрамларга баданлари ва зийнатларини кўз-кўз қилишни бошқалар "маданият" деса, биз бузуклик ва ҳаёсизлик деб биламиз. Бундай маданиятнинг ноҳуш оқибати илгари ҳаммага аён бўлмаган бўлса, эндиликда бутун инсоният унинг зарарларидан азият чекмоқда. Одамларнинг бедаво дардларга мубтало бўлишига, осуда оиласларнинг вайрон бўлишига беҳаёликни маданият деб тарғиб қилганлар сабаб экани бугун ойдек равшандир. **солиҳ амаллар** сўзининг кўплик сони билан келиши аҳамиятга моликдир. Демак, иймонни тасдик этиш учун кишига Ислом шариати солиҳ деб белгилаган бир талай амаллар даркор.

Пешонаси сажда кўрмаган бўлса-да жаннатнинг истаган дарвозасидан кириш умидини билдираётган кимсалар ҳам бу оятни эшитиб қўйсин! Ҳаётини Ислом ва мусулмонлар билан курашишга,

азоблар кўтарилади, дўзахда абадий қолмаймиз", деб даъво қилишди. Яхудлар азобланиш муддати гуноҳнинг давом этиш муддатига боғлик деб, охиратдаги азобнинг абадий бўлишини унутишиди.

Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху Росулуллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху га "Эй Бани Исройл! Бу гапни қаердан олиб гапиряпсиз? Бу нарса фақат Жазо қуни Эгасининг аҳди билангина бўлиши мумкин. Йўқса, Унга нисбатан бўхтондир! Ёки илгари "солих амаллар қилиб, тоъат-ибодатда" бўлганингиз эвазига Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху сизларга шундай деб аҳд бердими? Агар шундай аҳд берган бўлса, Ул Зот ҳаргиз аҳдига хилоф қилмайди. Лекин бундай аҳд қаерда?! Балки бу авомларни Исломдан буриб ташлаш учун сиз тарафингиздан тўкилган яна бир уйдирмадир! Билмаган нарсани Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху га нисбат бериш – Унга бўхтон қилиш демакдир!", деб айтишга буорди.

Гуноҳлари ошиб-тошиб ётган, қабих хулқлар ва номақбул амаллар уммонида гарк бўлиб турган, энди бунинг устига Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху га бўхтон ҳам қилаётган Бани Исройлга бундай аҳд берилмаган. Зотан, Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху берган аҳдларига ҳаргиз хилоф қилмайди.



81. Йўқ! Кимки ёмонликни касб этса ва уни гуноҳлари ўраб олса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолгувчиидирлар.

Йўқ! Асло ундей эмас! Бекорларни айтибисиз! Бу ҳақиқатдан мутлак йироқ, пуч гап! Қирқ кундан сўнг жаҳаннамдан озод бўлиш қаерда? Ҳали шундай азобланасиз, караб туринг! Нафақат сизлар, балки сизлар каби гуноҳларга муккасидан кетиб, тавба қилмай мушрик ёки кофир ҳолатида ўлган ҳар қандай кимса, яхудийми, бошқами – то абад жаҳаннам эгасидир.

Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху мана бу оятда яхудларнинг иддаолари қуруқ бўхтондан бошқа нарса эмаслигини фош қилиб, бутун башарият учун кимнинг дўзахи, кимнинг жаннати эканини ажратиб берадиган умумий бир ўлчовни баён қилди. Оятдаги **ڪسَبٌ – کاسِبُ** **этса** калимаси араб тилида фойда топиш маъносини англатади. Гуноҳ ишларни қилаётганлар фойда ва зиённинг ҳақиқий ўлчовини биласлиги туфайли ўзларини фойда қилаётган деб ҳисоблашади. Ҳаётдаги инсоннинг ҳеч бир ҳаракати изсиз ғойиб бўлмайди. Баъзан инсоннинг гуноҳлари шунчалик қўпаядики, худди қочиб кутулишга имкон қолдирмай атрофни ўраб олган душман каби уни куршаб олади. Бундай кимсанинг юриш-туриши, бутун вужуди фақат гуноҳдан иборат. Чор атрофи гуноҳлар билан ўралган. Бундай кимса бир умр гуноҳлар оғушида яшаб ўтади. Оқибатда дўзахнинг абадий эгасига айланади. Демак, Қиёмат қуни бериладиган жазо амалга караб белгиланади.

Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху уларни дўзах эгалари деб атади. Одатда бир масканнинг эгаси ўзи эга бўлган жойни ташлаб кетолмайди. Доим ўз жойида

китобни келтиришга, сўнг ақалли ўнта сурани келтиришга чақирган. Мана бу маданий оятда эса бу хитобни такрорлаб, энг оз миқдор билан биргина сурани олиб келишни талаб қилипти. Шариат истилоҳида маълум мавзуни ёритиб, ўз ибтидоси ва интиҳосига эга бўлган, ақалли уч оят бўлган Куръони Каримнинг бўлагига **сура** дейилади.


Куръони Каримга эргашишдан бўйин товлаган ва то шу кунга қадар уларга эргашганлар бу оят олдида ожиз бўлиб келмоқда. Куръони Карим нозил бўлганига 14 асрдан зиёд вақт ўтиб, бу даврда минглаб шоир ва ҳакимлар ўтишига қарамасдан, биронта инсон унинг муқобаласига ҳеч нарса яратса олган эмас. Номи етти иқлимга кетган энг моҳир шоирларнинг сўзини Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху сўзи билан таққосланганда, агар тамсил жоиз бўлса, булбулнинг сайраши олдида карғанинг қагиллашига ўҳшаб қолади. Инчунин, Куръони Карим комил низом, адолатли қонундир. У башариятни факат саодатга етаклайди. Ундаги ҳикматли кўрсатмалар, адолатли хукмлар, ибратли насиҳатлар бошқа ҳеч бир китобда йўқ.

Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху Росулуллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху ни Куръони Каримнинг аксар ўринларида **бандамиз** деб ёд қиласи. Фақат тўрт ўриндагина номлари билан ёд қилган, холос. Бу нарса бандалик Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху га маҳбуб сифатлигини билдиради. **عَدْنٰى – بَانِدَامِيز** деб келтириш билан Мухаммад сұбханалу аллаху аляху аляху нинг оддий инсондан содир бўлиши мумкин бўлган хато ва камчиликлардан ҳоли эканлигига ва ул зот бошқалардан фарқли ўларок саодат йўлини кўрсата олишларига ишора қилинмоқда. Зоро, Росулуллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху аввалги оятларда баёни келганидек, Аллоҳ сұбханалу аллаху аляху аляху нинг ёлизи йўзига ибодат қилиб, бирон нарсани шерик қилмаган ва шу туфайли **бандамиз** деб аталишга мушарраф бўлган киши эдилар. Зотан, бу инсон эришиши мумкин бўлган энг улуг мақомдир.

Бу оят гўё "Куръони Каримнинг даяватидан юз ўғирган, унинг саодат ва адолат китоби эканига шубҳа қилгандар қани! Куръони Каримнинг инсон салоҳиятига мос илоҳий кўрсатмалар ва адолатли қонунлар тўплами эканлигига икror бўлмай бўйин товлаётганлар қани! Куръони Карим йўлидан ўзга саодат йўлини излаётган эй файласуфлар! Сизнинг Куръони Каримдан ўзга саодатга бошлайдиган йўллар бор, деган даяволарингиз ростми?! Унга ўхшаш нарсани келтириш қўлингиздан келадими?! Ундей бўлса, марҳамат, хунарингизни бир кўрсатинг! Жуда ҳам билагон бўлсангиз, ҳеч бўлмаганде кичик бир сурани ёзинг-чи! Бизни тўғри йўл узра бошлайтилар, деб уларга чўқингудай қўкларга кўтараётган "худо"ларингизни ёрдамга чакиринг! Сигинаётган мозору булоклар, дарахту "авлиё"ларни бу ишга чорланг! Маддоҳ шоирларингизни чакиринг! Яна кимларни ёрдамга чакирасиз, чакиринг! Куръони Каримга қарши чиқишида сизга ёрдам бера оладиган барча воситаларингизни ишга солинг! Куръони Каримдек мукаммал низом,

адолатли шариатни ярата оласизми?! Одамларни ҳам чақириңг, улар ҳам сизнинг “тараққиёт” у “билим” ингиз нималарга қодирлигини билиб қўйсин! Ёки Мұхаммад сөзделесу алақаны да салам дек тўғри ва адолатли йўлга бошлайдиган китоб олиб келган йўлбошчингиз бўлса, кўрсатинг!” дегандек бўлади.¹

— **شَهَادَةُ عَمَّ** — **гувоҳларингизни** калимасига баъзи муфассир уламолар ёрдам бера оладиган барча кўмакчилар маъносини беришган.



24. Агар бундай қилолмасангиз – ҳаргиз қилолмайсиз ҳам – у ҳолда, ўтиналари одамлар ва тошлардан иборат кофиirlар учун ҳозирлаб қўйилган дўзахдан қўрқинг!

Агар бундай жозибали, тароватли китобнинг ҳеч бўлмаганда кичик бир сурасини келтириш қўлингиздан келмаса, ҳамма чораю воситаларингиз ёрдамига қарамай ожиз бўлсангиз, аслида-ку ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқолмайсиз, унда Куръони Каримдан юз ўтирган кофиirlарга ҳозирлаб қўйилган жаҳаннам ўтидан қўрқинг! Аллоҳ субханаху ат таваҳу итоат этишдан бўйин товлаб, кофир бўлиб, ўтиналари одамлар ва тошлардан иборат жаҳаннам ўтига тушиб қолищдан қўрқинг!

Жаҳаннам ўтидан қўрқиш нима билан бўлади? Муфассир уламолар Аллоҳ субханаху ат таваҳу га, нозил қилган китобларига, хусусан, Куръони Каримга, пайғамбарларига ва хоссатан уларнинг сўнгтиси бўлмиш Мұхаммад сөзделесу алақаны да салам га иймон келтириш ҳамда ул зотнинг йўлларига юриб, Аллоҳ субханаху ат таваҳу буюрган фарзларни бажариш ва қайтариқлардан қайтиш билан бўлади, деганлар.

Бу ояти каримада дўзахнинг ёқилғиси ҳақида баён қилиниб, унда Куръони Карим Аллоҳ субханаху ат таваҳу нинг каломи эканлигига ишонмаганларга сингинган ҳайкал-бутлари ҳам қўшиб ёқилади, дейилмоқда. Аллоҳ субханаху ат таваҳу Куръони Каримнинг бошқа бир ўрнида марҳамат қилиб:



Сизлар ва Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган нарсангиз – сизлар унга тушгувчи жаҳаннам ўтиналаридир дейди. (Анбиё сураси, 98 - оят)


Бу ўринда кофиirlарни тошлар билан ёнма-ён зикр қилиниши гоятда дикқатга сазовордир. Гўё жаҳаннамга тушган кимсалар гап таъсир қилмайдиган, қалбига ҳақиқат йўл тополмайдиган тош кабидир. Ундан ташқари мушриклар дунёда тошларга сигиниб ўтганлари сабабли, Аллоҳ субханаху ат таваҳу уларни дўзахда ҳам сингинган нарсалари билан бирга қилишини билдиради. Бу нарса инсон дунёда Аллоҳ субханаху ат таваҳудан ўзга нимага сигиниб яшаса, жаҳаннам оловида ҳам сингинган нарсаси билан

¹ Ушбу оятни яна ҳам яхширок тушуниш учун "Муқаддима"нинг "Куръони Каримдаги баъзи илмий мўъжизалар" бобини такороран ўқиб чикиш тавсия этилади.

Ана шу вақтда сиз уларни бир текширинг! Нима учун улар бу гапларни қилишади? Уларни нима нарса мажбур қиляпти? Одамларни тўғри йўлга бошлайлик, ҳақни билдирайлик, дебми ёки озгина мартба, ё соҳта обрўлар дебми? Ёхуд қандайдир түғёнкор, золим кимсалар буюртмасига биноанми?

Молу давлатни қўлга киритиш учун ёки бирор мартабага эришиш ёхуд мартабасини кўлдан бермаслик учун Куръони Карим оятларини ўз раъйларига буриб, таъвил қилаётган “олимлар” ҳам мазкур оятдаги Тавротни ўзгартирувчи яхудлар сафидан ўрин олади. Диндан бирон нарсани олиб ташлашга ёки қўшиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ким шундай қилса, у худолик даъвосини килибди. Ёки Мұхаммад сөзделесу алақаны да салам рисолатга хиёнат қилган, динни мукаммал етказмаган, деган бўлади. Бундай беиймон кимсаларга ҳақиқатдан ҳам ҳалокат бўлсин! Аллоҳ субханаху ат таваҳунинг ҳукмларини ўзгартириб ёки яшириб кўрсатаётган “дин арబоблари”ни Куръони Карим кимларга тамсил қилаётганини билиб олсин! Арзимас обрў ва озгина сариқ чақаларни деб динини сотган кимсалар ҳалокатга юз тутсин! Аллоҳ субханаху ат таваҳунинг ҳукмларини сотиб топган дунёларига, курган саройларига мингандар маркабларига ўт тушсин!

Демак, кимнингдир истагини қондириш ёки мол-дунё ё мартабага эришиш мақсадида Аллоҳ субханаху ат таваҳунинг ҳукмларини ўзгартирган ёхуд унга бирон нарсани қўшган кимсанинг абадий ҳалокатга дучор бўлиши, уни охиратда ҳасрат ва улкан азоб кутиши мукаррар.



80. Яхудлар "Бизга дўзах ўти саноқли кунлардан ташқари ҳаргиз тегмайди", дейишди. "Аллоҳнинг ҳузурида аҳд олганмисиз, негаки, Аллоҳ аҳдига ҳаргиз хилоф қилмайди! Ёки билмайдиган нарсангизни Аллоҳга нисбатлаб айтяпсизми", деб айтинг!

Халқимиз орасида Аллоҳ субханаху ат таваҳунинг буйруқлари ва Росулулоҳ сөзделесу алақаны да салам нинг суннатларидан узоқда туриб ҳам "Биз Мұхаммад сөзделесу алақаны да салам" га уммат бўлганимиз туфайли Аллоҳнинг суюкли бандалари бўлиб яралган эканмиз", деган даъводаги кимсалар бўлгани каби Бани Исроилнинг авом қисми ҳам ҳар хил пуч орзулар оғушида "Биз Аллоҳнинг суюкли бандаларимиз" ва ҳатто "Аллоҳнинг фарзандларимиз", дейишгача бориб етди. Бу факат ҳомҳаёллик ёки қўкнориликдан бошқа нарса эмас эди. Улар ўзларини факат Мусо алаихис-салам Тур тоғига кетганларида бузокқа сингинишган пайтдагина гуноҳкор деб тан олишди. "Бундан бошқа гуноҳимиз йўқ, биз азобланмаймиз, мободо, азоблансан ҳам факат аждодларимиз бузокқа ибодат қилган ўша кирқ кун муддат микдорича азобланышимиз мумкин, холос. Ўша кунлар ўтиши билан биздан

бўлсин. *Қўллари ёзган нарса сабабли уларга ҳалокат* бўлсин *ва фойда топган нарсалари сабабли ҳам уларга ҳалокат* бўлсин.

Росулулоҳ ^{сұлтанхану}_{аласынад} Мадинаи Мунавварага хижрат қилиб келишлари билан яхудлар Мадиналик араблар ичидаги нуфузларидан айрилиб қолишдан қўрқиб, Тавротни ўзгартиринди. Сўнг "Бу нарса Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд}нинг хузуридан нозил бўлган", дейишди. Қўллари билан шариатнинг "камини" тўлдириб, авомларга бундай хурофтларини бехаёларча "Бу Аллоҳ Мусога нозил этган Тавротдан," дейишди. Бу билан яхудлар Тавротни ўзгартирини, ўзгартирган нарсаларини Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд}га нисбат бериш ва Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд}нинг оятларини арзимас чақага пуллаш каби уч хил ўта оғир жиноятни содир этишиди. Бундан кўра каттароқ яна қандай гуноҳ бор?!

Тавротнинг бузилиши икки хил йўл билан: Таврот оятларини ўзгартириб ёзиб, сўнгра уни Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд}нинг хузуридан келган хукм, деб эълон килиш билан ёки оятларни ўз раъйларига мувофиқ таъвили қилиш билан бўлган. Аҳли китоблар бойлик ё мартабага эришиш ёки нуфузларини қўлдан бермаслик учун Тавротнинг баъзи оятларини беркитишиди. Масалан, Тавротда турмуш курган эркак ёки аёл бузуклик килса, уни тошбўрон килиб ўлдиришлик хукми бор эди. Аҳли китоблар агар эътиборли хонадондан бирон кимса бузуклик килса, хукмни ижро этмай, ўзгартириб, эвазига жиноятчидан мол-дунё олишар эди. Бундан ташқари, Тавротда йўқ нарсаларни қўллари билан ёзиб, кейин уни Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд}нинг хузуридан келган хукм, деб эълон килишиди. Килган шу ишлари ва бунинг ортидан топган фойдалари сабабли Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд} уларга ҳалокат эълон қилди. Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд} уларнинг қилган жиноятлари нақадар оғир эканини билдириш учун **Л – ҳалокат** сўзини бир оятнинг ўзида уч марта тақорлади.

Ҳакни бериб эвазига олинган нарса ҳар қанча катта бўлмасин, бари бир оздир. Чунки ҳақ – бебаҳо нарсадир. Озгина, арзимас сариқ чака деб Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд}нинг шариатини ўзгартирини, оқибатда Қиёмат куни энг даҳшатли ва абадий азобга лойик бўлиш олдида ҳаромдан, ёлғондан топган фойда ҳар қанча бўлса оздир.

Хозирги замонамизни ҳам бир текширинг! Исломнинг Қуръони Карим ёки сахих ҳадислар билан собит бўлган баъзи ҳукмларини ўзгартириб, иймонию виждонини пуллаётган кимсалар кўплаб топилади. Улар аксар одамларнинг диний бесаводлигидан фойдаланиб, шариатда бор нарсани йўқ, йўқ нарсани бор деб, Ислом ҳаром қилган айрим нарсаларни ҳалол, ҳалол қилган айрим нарсаларни ҳаром қилишади. Мисол учун мусиқа, гино каби шариат ҳаром қилган нарсаларни ҳалол дейишади. Муслима аёлга фарз қилинган хижобни "Бу арабларга хос нарса", дейишади. Энг хатарлisisи шуки, улар бундай сўзларни исломий лиbosларни кийиб олиб, дин номидан гапиришади.

бирга ёнишини англатади. **الناس** – *одамлар* калимасини муқаддам қилиш билан жаҳнам олови ўтинининг асосий қисми одамлардан иборат эканлигига, **الحجارة** – *тошни* зикр қилиш билан оловнинг ҳароратни яна ҳам кўтариб, азобнинг зиёда қилинишига ишора қилингатти.

Одатда тош деганда қаттиқ маъданӣ жисмлар тушунилади. Замонавий маъданшунослик фани уларнинг юздан ортиқ турларини кашф этган. Инсон тошни алангани ўчирувчи нарса деб билади. Лекин Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд} бу ўринда тошни жаҳнамнинг ўтилари қаторида зикр қиляпти. Наҳотки тош ёнса? Хозирги замонавий маъданшунослик фани тошнинг таркибида жуда кўп ёнувчи кимёвий моддалар борлигини ва деярли барча тошлар ўта юқори даражадаги ҳароратда ёнишини ва ҳатто айримлари катта аланса бериб ёниши мумкинлигини кашф килди. Бундай қашфиётлар биз мусулмонлар учун янгилик эмас. Раббимиз Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд} бизни 1400 йил куттирмасдан дўзах ўтинининг таркибида тошнинг ҳам борлигини зикр қилиш билан унинг ёниш хусусиятига эгалигини билдириди.

Росулулоҳ ^{сұлтанхану}_{аласынад} Киёмат кунида Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд} томонидан кофирларга тайёрлаб қўйилган жаҳнам ўтини таърифлаб, қўйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:



Абу Хурайра ^{роязиллоҳу}_{аласынад} ривоят қилдилар: *Росулулоҳ ^{сұлтанхану}_{аласынад} оловингиз жаҳнамнам оловининг етмишидан биридир дедилар. Эй Росулулоҳ!* Кофирларни азоблашга кифоя бўлса керак дейилди. *Росулулоҳ ^{сұлтанхану}_{аласынад} улар ҳарорати* бу дунё ўтига *ўҳшашининг олтмиш тўққизтаси билан ортиқланди дедилар.* (Ином Бухорий ривояти)

Бу оят Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд}нинг каломига шубҳа билан қараб, унинг муқобилига ҳеч нарса олиб келолмаслигига қарамай, Қуръони Каримнинг комил дастурлигига унамаган ва Ислом ҳидоятидан юз ўтирган кимсаларнинг кофирлигига ишора қилмоқда.

Ҳарғиз қилолмайсиз – кириш гап бўлиб, ундаги **Л – ҳарғиз** инкор юкламаси келажакка ишора қилиш ўринларида ишлатилади.

Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд} кофирларга охиратда бериладиган азобни қисман зикр қилганидан сўнг мўминларга бериладиган мукофотларни ҳам қисман баён этади. Қуръони Карим кўпинча шундай усулда жаннат билан жаҳнамни, яҳшилилк билан ёмонликни, вайда оятлари билан таҳдид оятларини кетма-кет келтиради. Биз ҳам жаннат васф қилинган вайда оятларини тиловат қилганда, Аллоҳ ^{сұлтанхану}_{да таъвуд}дан умидвор бўлишимиз, жаҳнам васф қилинган таҳдид оятларини тиловат қилганда, паноҳ тилашнимиз лозим бўлади.

وَبَقِيرُ الْذِينَ عَامَّهُوا وَعَمِلُوا الصَّدَقَاتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَاحٌ^١ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا
الْأَنْهَرُ^٢ كُلُّمَا رُزِقُوا مِنْ شَمْرٍ قِرْزًا قَالُوا هَذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلٍ وَ
أَشْوَأْ بِهِ مُشَاهِدَةً^٣ وَلَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَهُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ
١٢

25. Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган кишиларни Охиратда улар учун остиларидан анҳорлар оқадиган боғлар борлиги билан хурсанд қилинг. Качонки, у боғларниң меваларидан бир мева билан ризқланишиша, "Бу биз илгари еб ризқланган мева-ку", дейишади. Холбуки, уларга бу меваларниң шаклан бир-бирига ўхшашини олиб келинади. Улар учун бу ерда покиза жуфтлар бор ва улар бу ерда абадий қолгувчиidlар.

Аллоҳ суъбханаху мана бу оятда қалбан иймон келтириб, иймонларини яхши амаллар билан тасдиқлаган мүмінлар учун охиратда Ўзи ҳозирлаб кўйган, осталаридан анҳорлар оқиб турган жаннат боғлари билан хушхабар беради. Бу нарсанинг қанчалик улкан неъматлигини, айниқса, жазирама, иссиқ ўлкаларда яшайдиганлар яхши билади. Малоикалар жаннат ахлига шу боғ меваларидан олиб келганида, улар шаклан бир-бирига жуда ҳам ўхшаш бўлгани учун, аввалги сафар ҳам шу мевадан еган эдик, дейишар экан. Лекин, уларниң исми ва ранги бир хил бўлса-да, таъми тамоман фарқли бўлар экан. Улар учун бу жаннат боғларида ҳайз, нифос, ҳожат чиқариш каби жисмий ҳамда хиёнат, итоатсизлик каби маънавий - ахлоқий нопокликлардан ҳоли бўлган покиза жуфтлар бор.

Одамлар уй-жойларида ҳар қанча қулай шароитларни муҳайё қилган бўлишига қарамасдан, шарқирок сойлар оқиб турадиган салқин боғу роғлар улар учун ҳануз энг роҳатли дам олиш масканлари бўлиб қолмоқда. Гарчи, бундай жойларда емоқ-ичмоқларини ҳозирлаш қийин бўлса-да, тайёр озиқ-овқатлари ва юмшоқ ўринлари бор уйларидан кўра ўша жойларга кетиб, ҳордик чиқариш улар учун энг ёқимли машғулот бўлиб келмоқда.

Инсон остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғларида оила аъзолари даврасида ўтиришини, атрофида хизматкорлар ҳар қандай амрга мунтазир туришини бир кўз олдига келтиrsa, нақадар ёқимли ҳолат пайдо бўлади. Бундай ҳолатлар инсонга дунёда ҳам кисман мұяссар бўлиши мумкин. Бироқ унинг абадий эмаслиги бу ҳаёт лаззатига соя ташлаб туради. Қуръони Карим уларниң бу боғларда мана шундай неъматлар ичида абадий қолишини баён қиласди.

"Дилим пок бўлса, бас" деб, жаннатниң калитини "сотиб олган"лар бу оятга эътибор берсин! Аллоҳ суъбханаху *иймон келтирган* калимасидан кейин *солиҳ амаллар қилган* калимасини келтириш билан иймон келтириш билан солиҳ амаллар қилишни бир-бирига чамбарчас боғлаб, ҳатто Ҷ ҳарфи билан кимларни хурсанд қилишни хослаб келтиряпти

Аллоҳ суъбханаху га нисбатан ошкор, махфий деган нарса бўлмайди. У ҳамма нарсадан воқифдир. Аллоҳ суъбханахунинг каломини ўзгартирган, Росулуллоҳ суъбханахунинг Тавротдаги сифатларини яширган кимсаларниң махфий ва ошкор нарсаларидан боҳабардир.

وَمِنْهُمْ أُمَّيُونَ لَا يَعْلَمُونَ أَكْتَبَ إِلَّا آمَانَىٰ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَظْهُرُونَ
٧٤

78. Улар ичида Китобни билмайдиган, магар хомхаёлнигина биладиган омийлар ҳам бор. Улар фақат гумон қилишади, холос.

Аллоҳ суъбханаху юкорида яхудларниң Тавротни била туриб ўзгартирган илмли тоифасининг хийла ва найранглари ҳақида баён этганидан сўнг уларниң ҳеч қандай илмга эга бўлмаган яна бир тоифаси ҳақида баён киласди. Бу тоифанинг саводи йўқ, Тавротдан, унданги хукмлардан, ёзув-чиувдан бехабар. Ўзлари билишга қодир эмас. Билган нарсалари хомхаёллару ҳар хил пуч орзу-умидлар, холос. Масалан, баъзилари "Биз Аллоҳнинг ўғилларимиз" деса, баъзилари "Биз Аллоҳнинг суюкли бандаларимиз, Аллоҳ бизни дўзахга киргизмайди," дейди. Бошқа ҳеч гап йўқ. Шунинг учун яхудларниң билимсиз бу тоифаси олимларининг тўқима, ёлғон гапларига онгиз ва кўр-кўронга эргашади. Бундай хомхаёллари уларни Аллоҳ суъбханахунинг азобидан кутқаролмайди ва у кўкнориликдан бошқа нарса эмас. Ахли китобларниң олимлари нуфузларини йўқотмаслик ва ҳийла-найранглари ошкор бўлиб қолмаслиги учун авом халқларни шундай пуч орзулар оғушида яшашга мажбур киласди.

Хозирда ҳам Қуръони Карим ёки Суннатни билмайдиган, исломий илмлардан бехабар, диний мажбуриятларни тўла-тўқис адo этмайдиган, шунга қарамай, ўзини Мухаммад суъбханахунинг умматидан экани билан фахрланиб, Охиратда жаннатниг истаган дарвозасидан кириш умидида бўлган кимсалар учрайди. Уларда куп-куруқ гапдан бошқа на илм, на амал, на эътиқод бор. Аммо даъволари осмоннинг еттинчи қаватида. Савоблари "ошиб тошиб" кетганидан бир талай ўзи кабиларни Киёмат кунида шафоат қилишга ҳам тайёр. Айтингчи, уларни яхудларниң омийларидан нима фарқлари бор?! – *омийлар* сўзи араб тилида أَمَّيُونَ – "онасига мансуб" калимасидан олинган, яъни онасидан қандай туғилган бўлса, илмий савияси ўшандек ўзгармай қолган илмсиз ва саводеиз қишиларга айтилади.


فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ يَكْثُرُونَ أَكْتَبَتْ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لَيَسْتَرُوا
بِهِ شَمَّا قَلِيلًاٖ فَوَيْلٌ لِّهُمْ مَمَّا كَتَبَتْ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لِّهُمْ مَمَّا يَكْسِبُونَ
٧٥

79. Китобни қўллари билан ёзив, сўнгра уни арzon баҳога сотиш учун "Бу Аллоҳнинг ҳузуридан келган", деяётган кимсаларга ҳалокат

Яхудларнинг наздида ҳақиқатни билиб, зоҳирда яшириб юришлик ақллилик экан. Мусулмонлар уларнинг билишини хужжат қилмаса, хужжат бўлмас экан. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{а лаху} нинг барҳақ пайғамбар эканини билмаган эканмиз," деб кутилиб кетишга умидлари бор экан. Аслида эса, бу нодонликдан бошқа нарса эмас.

Ислом келмасдан аввал яхудлар ўзаро урушларида мушрикларга "Яқинда Аллоҳ ^{сұбханалу}_{а лаху} охирги пайғамбарини юборади. Ўшанда биз у билан биргаликда сизни, албатта, мағлуб этамиз," деб дағдага қилишарди. Сўнгти Пайғамбар ^{сұләттүү}_{а лаху} араб миллатидан чиққач, улар ҳасад туфайли Ресуллуроҳ ^{сұләттүү}_{а лаху} ҳақидағи Таврот хабарларини ўзгартиришди. Баъзилари мунофиқлик билан мусулмонларга аралашиб юриб, уларга бу хабарларнинг баъзиларини айтиб қўйишса, ўзаро ёлгиз қолганда бир-бирларига танbih бершиб, "самимийлик"лари ўзларига чоҳ қазиши мумкинлигидан огоҳ этишар эди.

Хозирда ҳам халқ орасида Китоб ва Суннатни маҳкам тутишга чакираётган қишиларга нисбатан фитна ва иғво тарқатиб тирикчилик қилаётган айрим мунофиқ кимсаларни ҳоли учратиб, ҳақни айтиб, Қуръони Карим ва Ҳадис Шарифлардан далиллар келтирсангиз, тан олади. Сўзингиз ва амалингиз тўғри эканлигини эътироф этади. Сизга қарши чиқаётганлар адашган кимсалар эканини, ўзи ҳам сиздек бўлиш орзуисда эканини айтади. Керак бўлса, кўз ёши қилиб, ҳаққингизга дуо ҳам қилиши мумкин. Бироқ жоҳил омма олдида ёки сизга қарши турган зўравон ёки бадавлат кимсалар олдида уни танимай коласиз. Яна эски тўнини кийиб, устингиздан маломат қилишни давом эттиради. Мана бундай иккюзлама ҳаёт кечираётган кимсаларнинг қилмишлари ҳам яхудларнидан асло қолишмайди. Зоро, ҳақни тан олгандан сўнг уни инкор қилиш – яхудийча табиатдир.




77. Аллоҳ улар яширган нарсани ҳам, ошкор этган нарсани ҳам, албатта, билишини билишмайдими?

Мусулмонлар орасида юриб, қиёфасини мусулмонча қилиб, уларнинг сирларини душманларга сотиб, айғоқчилик қилиб кун кўраётган бадбин кимсалар Аллоҳ ^{сұбханалу}_{а лаху} уларнинг ошкору махфий барча кирдикорларидан боҳабар эканлигини билишмайдими? Ислом ва мусулмонларга талофат етказиш мақсадида турли хил ёвуз ишларни қилиб, шу билан бола-чақа боқаётганлар Аллоҳ ^{сұбханалу}_{а лаху} уларнинг ошкору пинҳона ёвузликларини, албатта, билишини билишмайдими?! Бетавфиқ ва беиймон кимсаларни ҳақиқат йўлида юрган қишиларга қарши "иш"га солиб, ўзлари панада пойлаб турганлар Аллоҳ ^{сұбханалу}_{а лаху} уларнинг ҳар қандай хатти-харакатидан огоҳ эканини билишмайдими?!

ва жаннатга кириш учун курук "иймон"нинг ўзи кифоя эмаслигига ишора қиласпти. – **солиҳ амаллар** ҳам ҳар ким ўзи билган ёки ўзи тушунган амаллар эмас, балки шариат тарозисида солиҳ амал деб кўрсатилган фарз, вожиб, суннат каби исломий амаллардир.




Абдуллоҳ ибн Умар ^{рөзияллоҳу}_{а лаху ве салам} ривоят қилдилар: **Ресуллуроҳ** ^{сұләттүү}_{а лаху} **жаннат** ахли жаннатга, дўзах ахли дўзахга киргач, ўлимни олиб келиниб, жаннат ва дўзах оралиғига қўйилиб, бўғизланади, сўнг жарчи "Эй жаннат ахли энди ўлим йўқдир, эй жаҳаннам ахли энди ўлим йўқдир", деб нидо қиласди. Бундан жаннат ахли шодлигига шодлик, жаҳаннам ахли ғамига ғам қўшилади дедилар. (Имом Бухорий ривояти)




26. Аллоҳ хоҳ **искабтопар**, хоҳ **ундан-да майдароқ нарсани зарбулмасал қилиб келтиришдан ҳаё қилмайди**. **Иймон келтирган қишилар** зарбулмасалнинг **Раббиларидан** келган ҳақ эканлигини биладилар. Аммо **коғир бўлган кимсалар** "Аллоҳ бу масал билан нимани ҳоҳлайди ўзи?!" дейишади. Аллоҳ бу билан кўпчиликни адаширади ва бу билан кўпчиликни ҳидоят қиласди. Бу билан Аллоҳ **фосиқларнигина адаширади**.

Зарбулмасаллар мақсадни ёритиб, унинг ҳақиқатини тушунтириб, изоҳлаб бериш учун келтирилади. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{а лаху} Қуръони Каримда кора пашша, асалари, ўргимчак каби бир қатор майда жонзотларни зарбулмасал қилиб келтирган.



Аллоҳдан ўзгаларни дўст ва суюнчик қилиб **олганларнинг мисоли уя солиб**, унда паноҳ истаган ўргимчак **мисолига** ўхшайди. **Үйларнинг энг нимжони – ўргимчак уясидир, агар билсалар!** (Анкабут сураси, 41 – оят)



Сизлар, Аллоҳдан ўзга сугинаётган "илоҳ"ларингиз ҳеч бўлмагандан битта қора пашшани яратса олишмайди, гарчи ҳаммалари мана шу нарсага жамланишса ҳам. (Ҳаж сураси, 73 – оят)

Яхудий ва мушриклар Куръони Каримнинг одамларга бўлган таъсир кучини шубҳа остида қолдириш учун тинимиз сиз ҳаракат қилишар эди. Шунинг учун бу зарбулмасалларни мазах қилиб, "Бу сўзлар Аллоҳнинг сўзига ўхшамаяпти, агар Куръон Аллоҳнинг каломи бўлганда, унда бундай арзимас, майда нарсаларнинг зикри бўлмас эди. Аллоҳ бундай майда нарсаларни мисол қилиш билан нимани хоҳлайди", дейишди. Аллоҳ сұбханалу уларнинг бу даъволарига жавобан мазкур оятни нозил килди.

Аслида кичик ҳайвонларни зарбулмасал қилиш катта ҳайвонларни зарбулмасал қилишдан фарқ қilmайди. Зарбулмасал қилинган нарса, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, уни келтиришда ҳеч қандай уяладиган нарсанинг ўзи йўқ. Аллоҳ сұбханалунинг исқабтопарда яратган мўъжизалари филда яратган мўъжизаларидан кам эмас. Шундай кичик жонивордаги ҳаёт мўъжизаси баҳайбат филдаги ҳаёт мўъжизасининг айни ўзидир. Хоҳ филда бўлсин, хоҳ исқабтопарда бўлсин, ҳаёт ва жон ўзи нима, деган савол инсон учун ҳамон жумбок бўлиб қолмоқда. Аллоҳ сұбханалу хоҳлаган нарсани, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, мисол қилишдан уялмайди. Уларни Ўзи яратибдими, демак, мисол қилишдан ҳам ҳаё қилмайди.


Иймон келтирган кишилар зарбулмасаллар бекорга эмас, балки Аллоҳ сұбханалу тарафидан ҳакиқатни ёритиб, яхшиrok тушунтириш учун келтирилган. Зарбулмасалдан кўзда тутилган мақсад – мўминларни ҳақ йўлда тарбия қилиш, деб эътиқод қиласди. Улар Аллоҳ сұбханалу томонидан нима нозил қилинган бўлса, хоҳ у аклларига сифсин, хоҳ сигмасин, уни хукмлар, қиссалар каби Куръони Каримнинг бошқа бўлаклари қатори ҳақ деб қабул қилиб, ундан ибратланишади. Ҳақ йўлини иймон билан қабул қилиб, Аллоҳ сұбханалуга одоб сақлаган кишиларни Тангри Ўзи ҳидоят қиласди.

Кофири ва мунофиқларни ҳамиша кўзга кўринадиган, баҳайбат, жуссаси салобатли нарсалар жалб қилиб келган. Масаланинг моҳияти уларни қизиктирмайди, уларга кўриниш бўлса, бас. Ичи қалтироқ бўлса ҳам, таши ялтироқ бўлса, кифоя. Шунинг учун, уларнинг бор-йўги қомату савлат, холос. Аллоҳ сұбханалуга нисбатан беодобона журъат билан "Бу масал билан Аллоҳ нима демокчи ўзи?!" деб, Куръони Каримнинг бир бўлгини масхара қилган бундай қалби мараз кимсаларни Аллоҳ сұбханалу адаштириб қўяди. Аллоҳ сұбханалу бу каби мисоллар билан Тангрига итоат қилишдан чиккан, Унинг йўли ва оятларидан юз ўтирган фосикларнигина адаштиради.

Аллоҳ сұбханалу бу оят билан Исломга чақиришда, гуноҳ ва залолатдан қайтаришда мўмин кишини ҳаё тушунчаси тўсмаслиги лозимлигига ишора қилиб, қуйидаги оятда фосикларнинг сифатларини келтиради:

Куръони Каримнинг бундай қимматли танbihларидан ўзига керакли хулоса чиқармаган Ислом уммати то ҳануз яхудларнинг дасиса ва макрларидан жабрланиб келмоқда. Яхудлар макр-найранглари билан мусулмон умматини динидан, китобидан узоклаштириб бормоқда. Зоро, яхудлар мусулмонларни кувват манбалари бўлган Куръони Каримдан узоклаштирасигина хотиржам бўлишади. Уларга бу мақсадларини амалга оширишида энг унумли хизматни асосан ёлланма "уламолар" қилиб беради.

Демак, Аллоҳ сұбханалунинг кўрсатмаларини билиб туриб ўзгартирган кимсанинг гуноҳи билмасдан ўзгартирганинг гуноҳидан кўра оғирроқдир. Мана бу оят Китоб ва Суннатдан бирон нарсани кимларнингдир истакларига мувофиқ ўзгартираётганлар ҳам яхудлар каби қалбига иймон йўл ололмайдиган кимсалар эканига ишора қилмоқда.


وَإِذَا نَفَّوا أَذْكَرَنَا عَامَنُوا قَاتُلُوا عَامَنَّا وَإِذَا خَلَدَ بَعْضُهُمْ إِلَىٰ نَحْنٍ بَعْضُهُمْ قَاتُلُوا
أَتَحِدُّثُو نَفَّهُمْ بِمَا فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ لِيُحَاجُّوْكُمْ بِهِ عِنْدَ رَبِّكُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ
٧٣

76. *Иймон келтирган кишиларга йўлиқишиса "Иймон келтиридик", дейишади. Бир-бирлари билан ҳоли қолишиса, мусулмонларга у билан Раббингиз ҳузурида сизлар билан ҳужжатлашишлари учун Аллоҳ сизларга очган нарса ҳакида гапиряпсизми? Ақлни ишлатмайсизми? дейишади.*

Эй мўминлар! Сизлар иймон келтиришидан умидвор бўлаётган яхудлар рўбарўйингиздан чиқиб қолганда, дилларида йўқ нарсани иззор этиб, "Мұхаммад сөзларын асақын" – китобимиз Тавротда васф этилиб, башорат қилинган пайғамбарнинг ҳудди ўзи. Сизлар ҳақсизлар, биз ҳам сизлар каби пайғамбарнингиз ва динингизга иймон келтиридик", деб эътироф этишади. Аммо, ўзлари ҳоли бўлганда бир-бирларини Тавротда Мұхаммад сөзларын асақын ҳақларида айтилган нарсаларни мусулмонларга айтишда жуда ҳам очилиб кетмасликка чақиришади. Мусулмонлар Қиёмат куни Тавротни яхудларнинг заарига ҳужжат қилишидан чўчишади. Таврот оятлари яхудларнинг Росулуллоҳ сөзларын асақын га, Куръони Каримга нисбатан тутган йўлларининг нотўғрилигини кўрсатиб қўйишидан хавотирга тушиб, "Аллоҳ Мұхаммад ҳақида Тавротда баён этган сўзларни мусулмонларга айтиб қўйяпсиз-ку! Бу гаплар заарингизга ҳужжат-ку, ахир! Мұхаммаднинг барҳақ пайғамбарлигини била туриб иймон келтирганингизни Қиёмат куни заарингизга ҳужжат қилишларини истайсизми? Мұхаммадни пайғамбар деб тан олиб, сўнг унга эргашмаслик айни зиёнингизга ҳужжат-ку? Аллоҳ сизларга Тавротда баён қилиб, билдирган нарсаларни ёқангизга ёпиштиришларини хоҳлайсизми? Бу билан ўзингизга ўзингиз чуқур ковлаб оляпсиз-ку? Оқибатини ўйламайсизми?! Ақлингизни ишлатмайсизми?!" дейишади.

75. Сизларга иймон келтиришларини орзу қиласизми, ҳолбуки, улардан бир тоифаси Аллоҳнинг каломини эшишишади, сўнгра уни англаганларидан кейин билиб туриб ўзгартиришади.

Эй мўмінлар! Бани Исроилни сизларга эргашиб, пайғамбарингиз Муҳаммад ^{саъдатху}_{салом} олиб келган нарсага иймон келтиради, деб умидвор бўляпсизми? Яхудларнинг мусулмон бўлиб, динингизга киришларини орзу қиласизми? Ўз пайғамбарларига шундай ёмон муносабатда бўлган, ҳатто уларнинг айримларини катл этган яхудларнинг сизларга иймон келтиришига умид қиласизми? Мусо ^{аҳақис}_{салом} га "Сизга ишонмаймиз" дейишгача борган, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг неъматларига нонкўрлик қилган Бани Исроилния?

Бани Исроил уламолари пайғамбарлари Мусо ^{аҳақис}_{салом} га нозил бўлган Тавротдаги Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг каломини эшишиб, сўнг ўзгартиришди. Нафслари қўйига кириб, Таврот ҳалол деган нарсани ҳаром, ҳаром деган нарсани ҳалол, ҳақ деган нарсани ботил, ботил деган нарсани ҳақ деб таъвил қилишди. Давлатманд кимса келиб, озгина нарса берса, Тавротдан унинг хоҳишига мувофиқ ҳукм чиқариб беришди. Бундан ташқари Тавротдаги Муҳаммад ^{саъдатху}_{салом} нинг сифатларини ҳам ўзгартириб ташлашди. Энг нафратланарлиси шуки, улар бу нарсаларни билиб туриб, онгли равишда қилиши.

Мадинаи Мунавварада ансорлар Исломдан илгари яхудлар билан бирга борди-келди қилиб, яшашар эди. Улар ваҳий, охирзамон пайғамбарининг келиши ҳақида дастлаб ўша яхудийлардан эшиштган эди. Шунинг учун анзорлар яхудларнинг ҳам мусулмон бўлишини хоҳлашар эди. Аммо, асли кетар наслига дегандек, яхудларнинг иймон келтириши ҳақиқатдан узоқ масала эди. Чунки, иймон кишидан поклик, ихлос, ҳалоллик ва шу каби эзгу фазилатларни талаб қиласди. Яхудларда эса бундай фазилатларни кундузи чирок ёкиб ҳам топиб бўлмас эди. Ўтмишлари эса разиллик ва қабоҳат билан тўлган эди. Олимлари Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг каломини ўзгартириш катта гуноҳлигини билиб туриб ҳам одамларни Исломдан тўсизш учун ҳаволарига эргашиб, ўзгартиришган эди. Тавротни ўзгартиришлари илмсизлик сабабли эмас эди. Ҳақдан юз ўгириган олимнинг тўғриланиши қийин масала. Чунки у ҳақка унамаган кимсани нималар кутаётганини билган, лекин билиши уни тўғри йўлга сололмаган. Бани Исроил олимларининг аҳволи шундай бўлса, омилари ҳақида нима дейиш мумкин? Мана бундай қабих ҳулкларга мубтало бўлган яхудларнинг иймон келтириб, мусулмонларга итоат қилишига ҳеч қандай умид йўқ эди.

Аллоҳ ^{субҳанаху} Бани Исроилга берган неъматлари ва уларнинг бу неъматларни қандай кутиб олганлиги ҳақида баён қилганидан сўнг мазкур оятдан яхудларнинг макр-хийлалари ва ёлғон гапларидан огоҳ этиш учун хитобни мусулмон жамоасига каратади. Минг афсуски,

الذين ينقضونَ عهْدَ اللّٰهِ مِنْ بَعْدِ مِيقَاتِهِ وَيَفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ

An Nisâ' 74

27. Улар Аллоҳнинг аҳдини боғланганидан сўнг бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган алоқаларни узадиган ва ерда бузгунчилик қиласидиган кимсалардир. Ана ўшаларгина аниқ зиёнкордирлар.

Рахбар томонидан қўл остидагиларга берилган бўйруқ, қўрсатма ва режа каби нарсалар араб тилида **аҳд** маъносини билдиради. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} инсон вужудига покиза фитрат – ҳақни ҳақ, ботилни ботил дейдиган табиатни ўрнатди. Инсон табиатига ўрнатилган ана шу пок фитрат бўйругига бўйсуниб, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} тарафидан хидоят бўлиб келган Исломга иймон келтириши – Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} билан банда орасидаги аҳд эди. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} биз билан Ўзи ўртасида Үнга иймон келтириб, якка Ўзига ибодат қилиб, юборган динини тўла-тўқис қабул этиб боғланишга, пайғамбарлари билан уларга иймон келтириб, итоат билан йўлларига эргашиб боғланишга, мўмин қавм-қариндошлар ва биродарлар билан силлаи-раҳм қилиб, умуман, инсонларни ақида асосида боғланишга буюрган. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} билан бандалари ўртасидаги аҳд мана шу. Баъзи муфассирлар самовий китобларда, хусусан, сўнгти китоб – Қуръони Каримда Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг бандаларига қиласиган бўйруқ ва қайтариклари – Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг аҳди, деганлар.

Мусулмонлар мазкур боғланишларни узишмади. Аммо фосиклар Исломдан юз ўгириб, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} ва пайғамбарларига кофир бўлиб, гуноҳларга муккасидан кетиб, Тангри ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} билан бандаси ўртасида маҳкамланган мазкур аҳдларни бузишиди. Шу сабабдан дунё ва охиратларини бой бериб, аниқ зиёнга ботишиди. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} ана шундай фосикларни адаштиради. Бундай кимсалар дунёда ўз имкониятларидан фойдаланмасдан, бебаҳо ҳаётини бой берган ҳақиқий зиёнкордирлар. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу} бундай сифатлар топилган кимсаларга фосикликни хослаб, – **ўшаларгина** калимасини қўллаяпти.

Фосикларнинг яна бир сифати – улар ерда бузгунчилик қилишиади. Дунёда гуноҳ ва бузук ишларни қилиб юрган фосиклар қилмишининг маъсият ва ёмон иш эканини бошқалардан кўра яхшироқ билишиади. Шу сабабдан бундай ишларини бошқалардан яширишиади. Бузуклик қилаётган кимса қилмишининг ёмонлигини билмаганда эди, уни ҳеч кимдан тортинмай, ошкора қиласиган бўлар эди.

Ер юзида фасоднинг тури кўп. Уларнинг барчаси инсон ҳаётини идора этиш учун жўнатилган Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таваҳу}нинг манҳажини ҳаётдан сурисиб ташлашлик ва Унинг ҳукмларига амал қилмаслик оқибатида пайдо бўлган. Демак, ер юзини эгаллаган бузгунчилик Ислом шариатисиз ҳеч қачон барҳам топмайди.

Алоқаларни узадиган калимасини *ерда бузгунчилик қиласы* калимасидан мүқаддам қилиш билан Аллох *сұбханалу* буюрган қариндош-уругчилик, биродарлик ва шу каби бошқа ришиналарни узиш – ерда бузгунчилик қилишга олиб келишига ишора қилинмоқда. Росууллох *сұлтандар* хам қыйидаги хадисда шундай марҳамат қилдилар:



Жубайр ибн Мутъим *رضي الله عنه* Росууллох *سұлтандар* қариндошларидан алоқани **узувчи киши жаннатта кирмайды** дегендарини эшитгандыгини ривоят қилдилар. (Имом Бухорий ривояти)

Ислом дини мана шу оят билан қариндош-уругларни яраشتырады. Ҳайъатлар тузишдан, ака-ука, опа-сингил, куда-анды, күни-күшниларни муросага келтирады "оқсоқол"ларни тайинлашдан, уларға алоҳида масканлар куриб, маош ажратышдан беҳожат бўлди. Бу оят жамиятдаги ахлоқий касалликларни ҳеч бир кийинчиликсиз тузатди.

Ислом манҳажига унамасдан ўзларича қариндош-уругчилик ришиналарни тиклашга уринган кимсаларнинг "тадбир"лари факат салбий натижада беради, холос. Бу нарсага ҳаётдан минглаб мисоллар келтириш мумкин.

Исломда ирқчилик, миллатчилик деган нарса йўқ. Ислом иккита миллатни, Ислом ва қуфр миллатини танийди. Қайси ҳалқ ё элат вакили Исломни қабул қылса, биз уни Ислом миллатидан, деб биламиз. Миллати ўзбек тугул, араб бўлган такдирда ҳам, агар Исломда бўлмаса, биз уни қуфр миллатидан, деб эътиқод қилишимиз даркор.



28. Аллоҳга қандай кофир бўласиз, ҳолбуки, сизлар үлиқ эдиниз, сизларга жон берди. Кейин сизларга ўлим беради, кейин яна тирилтиради, кейин Унинг ҳузуригагина қайтариласиз.

Сизлар йўқ эдингиз, бор килди. Ўзи рух бериб, жон киргизди. Сўнг ажал тугаши билан яна ўлдиради. Сўнг қиёмат куни амалингизга қараб ҳисоб-китоб қилиб, мукофот ё жазо бериш учун яна тирилтиради. Лекин, бу тирилиш шунчаки эмас, балки Аллох *сұбханалу*нинг ҳузурига қайтарилиш ва дунёда қилинган барча ишларга даққик ҳисоб бериш учун бўлади. Кейин Унинг ҳузуригагина қайтариласиз. Қайтарилиб ҳам, ҳаётда ўтказган ҳар бир кунингизга жавоб берасиз. Жисмингизга шундай ҳаёт неъматини берган Аллох *сұбханалу*га қандай кофир бўласиз?!

Аллох *сұбханалу* отамиз Одам *алайхис* нинг жонсиз жасадига жон ато этди. Ҳар бир инсон вужудга келишининг ilk пайтида, она қорнида жонсиз ҳолатда бўлади. Аллох *сұбханалу* унга ҳаёт багишлайди. Ҳеч ким бу ҳақиқатдан қочиб қутуолмайди. Одам ўзига ибрат назари билан қараса, ўзидаги ва бошқа жонзорлардаги бу ҳаёт қаердан келган, деган

Шунинг учун шунча мўъжизаларни кўришилик ҳам уларнинг қалбини эритолмади. Аллох *сұбханалу*нинг ҳайбатидан кўрқсан тошлар уқаланиб турса-да, уларнинг диллари тошчалик ҳам юмшамади, балки метиндеқ каттиқлигича қолди.

Қалб – инсоннинг таъсиранувчи аъзосидир. Агар у қорайса, ундан мулойимлик, меҳр ва Аллох *сұбханалу*дан қўрқишиб каби сифатлар йўқолади. Бундай қалб эгаси яхшиликни хис этмайдиган, таъсиранмайдиган, насиҳатлардан ибратланмайдиган тошбагир маҳлукка айланади. Росууллох *сұлтандар* қыйидаги хадисда марҳамат қилдилар:



Абдуллоҳ ибн Умар *رضي الله عنه* ривоят қилдилар: *Росууллох* *алайхис* Аллохнинг зикридан бошқаси билан гапни **қўпайтиранглар**. Чунки, Аллохнинг зикрисиз гапни **қўпайтириши қалбни қотиради**. Одамларнинг Аллоҳдан энг узокроғи қалби қаттиғ кимсадир дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Инсон қилаётган амали Аллох *сұбханалу*нинг шариатига ҳарчанд хилоф бўлса-да, ўзига Аллох *сұбханалу* тарафидан бало келмаётганидан, аксинча, Унинг неъматлари узилмай турганидан "Аллоҳ менинг ишларимдан бехабар ёки У мендан норози эмас", деб хаёл қилади. Ҳолбуки, Аллох *сұбханалу* бандалар қилаётган каттаю кичик амаллардан ҳаргиз ғофил эмас. Шунча гуноҳлар устига Унинг неъматлари тўхталмай келиши ўша инсоннинг охиратдан маҳрум бўлгани ва Аллох *сұбханалу*нинг эътиборидан четда қолганлиги белгисидир. Агар банда Аллох *сұбханалу*нинг эътиборида бўлса, уни огоҳлантиради, баъзи бир мусибатлар билан кўзини очади. Шу билан у огоҳланниб, ўзига келиб олади. Лекин, афсуски, кўпчилик Аллох *сұбханалу*нинг буйрукларига зид ишларни қилиб юрганда, Унинг неъматлари узлуксиз ёғилиб турганига алданиб, Аллох *сұбханалу* одамларнинг ҳар бир ҳолатларидан хабардор эканидан ғофил бўлиб қолади.

Ҳаётда айрим кимсалар томонидан кўплаб бузгунчилик, фасод, зулм каби қабиҳ ишлар содир этилиши мумкин. Бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Айрим зўравон кимсалар ўзгаларнинг ҳаётига истаганича эгалик қилиши мумкин. Хуллас, кўлидан келганча зулм қилиши мумкин. Мана бу оят ўшандай кимсаларга хитобан Аллоҳ сизлар қилаётган ишлардан асло ғофил эмасдир, дегандек бўлади.



Аллоҳ ^{сұханаху} "Сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан ўликни уринглар, у тирилиб, орангизда яшириниб юрган қотилини айтиб беради", деди. Шундай ҳам бўлди. Бани Истроил айтилган сифатдаги сигирни сўйиб, унинг бир бўлаги билан мақтулни ургач, кўз олдида ўлик Аллоҳ ^{сұханаху}нинг изни билан тирилиб, қотилини аниқ айтиб берди ва одамлар бунга шоҳид бўлди. Шу билан масала ўз ечимини топди.

Аллоҳ ^{сұханаху} мана шу ўликни Бани Истроилнинг кўз олдида тирилтиргани каби Киёмат куни ҳам колган ўликларни тирилтира олади. Битта ўлик жасадга қайта жон бера олган Зот учун бошқаларига ҳам жон бериб тирилтириш ҳеч қийин эмас.

Шунингдек, Аллоҳ ^{сұханаху} одамлар ақслини ишлатиб, тафаккур этишлари учун Ўзининг комил кудратига далолат қилувчи аломатларини кўрсатиб боради.

ثُمَّ قَسْتُ فَلَوْبِكُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَهُنَّ كَالْجَارَةِ أَوْ أَشَدُّ فَسَادًا وَإِنَّ مِنَ الْحِجَارَةِ لَمَا يَنْفَعُ رَبَّهُ وَإِنَّ
مِنْهَا لَمَا يَشْفَعُ فَيَتَرْخُّرُ حُمْنَةُ الْمَاءِ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَهْبِطُ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ وَمَا أَلَّهُ بِمَا يَغْنِي عَنْهُمْ لَوْلَامُونَ
۷۶

74. Сўнгра қалбларингиз шунча мўъжизага шоҳид бўлганидан кейин ҳам қаттиқлигича қолди. У тош каби ёки ундан-да қаттиқроқдир. Зоро, шундай тошлар борки, улардан анҳорлар отилиб чиқади. Яна шундайи ҳам борки, ёрилиб, ундан сув чиқади ва яна шундайлари ҳам борки, Аллоҳдан қўрққанидан қулайди. Аллоҳ сизлар қилаётган нарсалардан гофил эмас!

Эй Бани Истроил! Аллоҳ ^{сұханаху} сизларга кўплаб мўъжизаларни кўрсатди. Кўз олдингизда денгизни йўлакчаларга бўлди. Тошдан ўн икки чашмани чиқарди. Осмондан ҳалво ва бедана гўштини туширди. Булутни устингизга соябон қилди. Ўликни тирилтириб гапиртирди. Мана шунча нарсани қўргандан кейин қалбининг юшшаб, эриб кетиши, Аллоҳ ^{сұханаху}нинг буйруқларини эшитганда бўйин товламайдиган бўлиши керак эди. Аммо сизнинг қалбининг табиатан доим қаттиқ бўлган тош кабидир. Сизлар шунча кўп мўъжизаларни қўргандан кейин ҳам боягидек бағритош ва бешафқатсиз. Дийдангиз тош бўлиб кетган, балки ундан ҳам қаттиқроқдир. Тош-ку эриб, мулойим бўлиши мумкин, аммо сизнинг қалбининг эримайди. Баъзи тошлардан анҳорлар, булоқлар чиқади. Бу нарсага ўзингиз ҳам гувоҳ бўлдингиз. Раббингиз Тур тогига кўриниш берганда унинг тошлари чилпарчин бўлиб кетди. Бунга ҳам гувоҳ бўлдингиз. Баъзиси Аллоҳ ^{сұханаху}дан қўрққанидан баланд тоғларнинг чўққисидан пастга қараб кулади. Сиз эса ўша-ўша тошюраксиз.

Бани Истроил Аллоҳ ^{сұханаху}нинг кўплаб мўъжизаларига гувоҳ бўлди. Лекин уларнинг қалби узоқ вақт давом этган саркашлик оқибатида юмшатиб бўлмайдиган тошдек ёки ундан ҳам баттар қотиб кетган эди.

саволга "Яратувчи Аллоҳ ^{сұханаху} тарафидан бағишлиланган," дейишдан бошқа жавоб тополмайди. Кишида ақлдан заррача улуш бўлса, Яратувчисини инкор килиши мумкин эмас. Зоро, йўқнинг бор бўлиши, тирикларнинг ўлиши – Яратувчининг борлигига далолат қиласи. Ахир, йўқдан бор қилган Зотни қандай инкор килиш мумкин? Шунинг учун ҳозироғайни билувчи Аллоҳ ^{сұханаху} қўлларида Аллоҳ ^{сұханаху}нинг яккаю ягоналигига далолат қиласи Куръони Карим бўла туриб, Унинг борлигини тасдиқ этувчи коинот ва ундан сон-саноқсиз мўъжизаларни кўра-била туриб ҳам Уни инкор килиб кофир бўлган кимсалардан ажабланишни изҳор этмоқда. Таажжуб билан гўё "Аллоҳ ^{сұханаху}нинг яккалигига далолат қиласи далиллар тўлиб-тошиб туриб, қандай кофир бўласиз?!" демокда.

Ҳар бир тирик жон учун ўлим муқаррар. Ҳеч ким ўлимдан қочиб қутилмайди. Ҳаётда бирон бир кишини ўлимдан қутулиб, ўлмай қолганини эшитганмисиз? Ёки бадавлат кимсаларни бойлиги ўлимдан сақлаб қолганини биласизми? Подшоҳларни салтанати ўлимдан сақлаб қолганми? Улуғларни мартабаси ўлимдан олиб қолганми? Тирик жонзот борки, албатта, бир кун келиб, ўлим шарбатини тотади. Бу ҳакиқатни ҳеч ким – хоҳ у динга мансуб бўлсин, хоҳ мансуб бўлмасин – инкор этолмайди.

Аллоҳ ^{сұханаху} Киёмат куни барчани яна тирилтиради. Бу ҳакиқатни охиратга иймон келтирган мусулмонларгина тасдиқлайди. Иймонсизлар асоссиз суратда буни инкор қилишади. Йўқдан бор қилган, жонсиз жасадга жон киритган, сўнг уни қайтиб олган Зотга қайта тирилтириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Аввалда жонсиз жасадга жон бағишилаган Зот уни қайтадан тирилтиришга, албатта, Кодирдир.

هُوَ اللَّهُ الْحَقُّ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا ثُمَّ أَسْتَوْزَى إِلَيْهِ السَّمَاءَ فَسَوَّهُ ثُمَّ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ
۷۷

29. У ер юзидаги нарсаларнинг ҳаммасини сизлар учун яратган, сўнг осмонга юзланиб, уларни етти осмон қилиб бараварлаштирган Зотдир. У ҳар бир нарсани Билгувчидир.

Ердаги ҳамма нарсалар инсон ҳаёти мобайнида фойдаланиши учун яралган. Коинотдаги сайёralар инсонга неъмат ҳозирлаш билан овора. Ердаги мавжудотларнинг бир кисми инсонга озуқа бўлса, бошқалари унинг хизматида. Ҳуллас, оламдаги ҳамма нарсалар мана шу инсон учун яратилган. Агар бир одамга бирор унинг эҳтиёжини қисман қондирадиган нарсани совға қилса, гарчи у арзимаган бир нарса бўлса ҳам умрбод эсдан чиқармайди. Аллоҳ ^{сұханаху} ердаги ҳамма нарсани инсоннинг хизматига солиб қўйди. Шундай Аллоҳ ^{сұханаху}га қандай кофир бўлиш мумкин?! Ер, осмонлар каби сизлардан кўра каттароқ нарсаларни яратган Зот сизларни қайта тирилтира олишига ишонмайсизми?

Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} ерни яратганидан сүнг осмонга юзланди. Осмонни етти қават қилиб, ниҳоятда мувозанатлаб, бараварлаштири. Агар коинот мувозанатининг бир қисмига заррача путур етгудек бўлса, олам ўз мувозанатини йўқотади. Буни бутун дунё ахли, хусусан, фалакиёт фани олимлари яхши билишади. Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} ҳар бир нарсани қандай қилиб яратишни Билгувчи Зотдири.

Аксар муфассир уламолар мана шу оятга асосан осмондан илгари ер яратилган дейдилар. Боз устига боғловчи ۷ - **кейин** ҳарфи ишлатиляпти. Одатда, бу ҳарфдан жумлада тартиб маъносини ифода этиш учун келтирилди. **في** – **да** ҳарфи орқали Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} ер остидаги қазилма бойликларга ҳам ишора қилипти.

– **Билгувчи** қалимаси ҳамма нарсани билувчи, билмайдиган нарсасининг ўзи йўқ Зот, деган маънони англатади. Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} илмни ҳеч кимдан ўрганимаган, балки бошқаларга ўргатган, билими чегарасиз Зотдири. Демак, бу қалимани Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ}дан ўзгага истеъмол қилиш ножоиздир. У Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ}нинг 99 та гўзал исмларидан бири бўлиб, Қуръони Каримда 139 марта, "Бакара" сурасида 21 марта тақрорланади.

Бу оят гўё "Эй Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ}га кофир бўлганлар! Эй мусулмонларга гина ва адсоват саклаётганлар! Уларга зиён етказишни пойлаб ётганлар! Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} сизларнинг ҳамма макр ва найрангларингизни, ҳатто ҳеч кимга билдиримай маҳфий саклаётган "режа"ларингизни ҳам Билгувчи Зотдири. Унга еру осмонда ҳеч нарса маҳфий эмас", демокда.

Бутун олам инсон учун яратилган бўлса, демак, инсоннинг ўзи ҳам бу хаётда жуда ҳам муҳим бир вазифани ўташ учун яратилгани маълум бўлади. Кўйидаги оятда инсоннинг ҳаётдаги бу даври нимадан иборатларини изоҳлаб, башариятнинг отаси Одам ^{алайхис}_{салом} нинг ерда халифа килиниши, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} тарафидан аҳду шарт билан унга хилофатнинг топширилиши, бу вазифани ўташда унга зарур бўладиган маърифат берилгани баён қилинади:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيقَةً فَالْأُولَاؤْ أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ
فِيهَا وَيَسْفِلُ الْأَيْمَانَ وَقَحْنَى مُشْتَبِعٍ بِخَمْدَكَ وَنُقْيَسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ

30. Раббингиз малоикаларга "Мен ерда халифа қилмоқчиман", деган вақтни эсга олинг. Малоикалар "Унда бузгунчилик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани халифа қиласанми? Биз ҳамдинг билан тасбих айтамиз ва Сени поклаймиз", дейшиди. Раббингиз "Мен сизлар билмайдиган нарсаларни биламан", деди.

Эй Муҳаммад ^{сұханаху}_{алайхис}_{салом}! Раббингиз малоикаларга "Мен ерда Ўзимга ҳукмларимни ижро этадиган **халифа** – ўринбосар қилмоқчиман, деган вақтини эсга олинг ва одамларга ҳикоя қилиб беринг! Малоикалар "Вужудида хоҳиш ва нафс каби табиатлар ўрнатилган бу Одам Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ}нинг ҳукм ва кўрсатмаларини ерда қандай юргизар экан?

устига тепгандек "Ўз жонига қасд қилди" ёки "Касаллиги туфайли вафот қилди" деб, айни ўзидан хориж қиладиган яхудтабиат каттол кимсалар топилади. Улар қилган бундай ваҳшиёна ҳаракатларини қўл остидаги иймонсиз кимсалар ёрдамида силлиққина бости-бости қилиб, одамлар орасида яна "адолат ҳодими" бўлиб, ҳеч нарсани билмагандек юришаверади. Қуръони Карим мана бу оят билан ўшандай ваҳший кимсаларга "Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ}нинг мўмин бандасини ўлдириб, ҳеч ким билмайди деб овора бўлманг! Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} бир кунмас бир кун сизнинг бундай ваҳшиёна қилмишларингизни, албатта, фош қилади! Тарихда сиз каби ваҳшийлар кўп ўтган! Бироқ, қаранг! Қайси бирининг қилмиши очилмай, маҳфий қолди?! Кечаги "доҳий"лар бугун маъльун эмасми?! Сиз ҳам яқин кунда ўшаларнинг қаторидан жой оласиз! Агар бугун сизнинг бальзи қилмишингиздан омма халқ бехабар бўлса, бу шундай колади, деб ўйламанг! Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ}дан ҳеч бир нарса маҳфий қолмайди! Бу дунё бўлмаса, охиратда пешонангиздан чиқишига шубҳа қилманг!" дегандек бўлади.

فَقَلَّتَا آَضِرْ بُوْهِ بِعَضِّهَا كَدِيلَكَ يَبْخِيَ اللَّهُ أَلَّمْ وَقَنِ وَيَرِيْكُمْ عَائِيْتَهِ لَعَلَّكُمْ تَعْلَمُونَ

73. Мурдани унинг бир бўлаги билан уринглар, дедик. Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} ўликларни мана шундай тирилтиради ва сизларга аломатларини кўрсатади. Шояд ақлингизни ишлатсангиз.

Аввал айтилганидек, Мусо ^{алайхис}_{салом} даврида фарзандсиз, бадавлат бир кишини ўз жияни меросга тезрок эгадор бўлиш учун ўлдиради, сүнг жасадни бошқа қабила ичига обориб, ташлайди. Эртасига ҳеч нарсани билмаган бўлиб, котилни "излаш"га ва ўлган кишининг хунини талаб қилишга тушади. Ҳамма ўзидан айни бошқага ағдариш учун бир-бирига бўхтон қила бошлайди ва шу тариқа Бани Исройл ичиди ўзаро катта жанжал чиқади. Аксига олиб, бу жиноятга ҳеч қандай гувоҳ топилмайди. Жиноятни содир этган кимсани топиб, жанжалга барҳам бериш учун Мусо ^{алайхис}_{салом} нинг олдиларига бориб ёрдам сўрашади. Мусо ^{алайхис}_{салом} Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ}нинг сигир сўйиб, унинг бир бўлаги билан мурдани уришга бўлган амрини етказадилар. Бани Исройл ўзи ёрдам талаб қилиб келганида йўл кўрсатилса, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ}нинг амрини бажариш ўрнига юкорида зикри ўтган саркашлик йўлини тутиб, Унинг амрига итоат қилишини пайсалга солади.

Аллоҳ ^{сұханаху}_{әттабаъ} шу оятга қадар Бани Исройлнинг ярамас хулқини баён қилганидан сўнг мана бу оядда сигирни сўйишдан кўзда тутилган ҳикматни баён қиласиди. Бунга сабаб – Бани Исройл тарафидан икки хил қабоҳат – котиллик ва саркашлик юз беринг, уларнинг ҳар иккисини алоҳида кўрсатишдир. Бу икки қабоҳатни кўрсатиш учун Қуръони Карим дастлаб уларнинг саркашликлари ҳақида сўз юритиб, сўнг буйруқ моҳиятининг баёнига ўтади.

Шунинг учун бўлса керак, Росууллоҳ саллаху علیهِ وَا سَلَّمَ куйидаги ҳадисларида умматни кўп савол беришдан қайтариб, марҳамат қилдилар:



Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Пайгамбар* саллаху علیهِ وَا سَلَّمَ мен сизларга айтмасдан қолдириган нарсада мени тинч қўйинглар, чунки, сизлардан олдингилар кўп савол беришлари ва пайғамбарларига ихтилоф қилишлари сабабли ҳалок бўлиши. Агар сизларни бирон нарсадан қайтарсан, ундан қайтинглар, агар бирон ишга буюрсан, уни қодир бўлганизча адо қилинглар дедилар. (Ином Бухорий ривояти)



Мугира ибн Шубба رضي الله عنه ривоят қилдилар: *Пайгамбар* саллаху علیهِ وَا سَلَّمَ Аллоҳ сизларга оналарга оқ бўлишни, мумсикликни ҳамда чақалок қизларни тирик қўмишни харом қилди ва сизларга миш-мишларни, кўп савол беришни ва молни бехуда сарфлашни харом этди, дедилар. (Ином Бухорий ривояти)



72. Сизлар бир кишини ўлдириб, унинг қотили ҳақида хусуматлашганингизни эсланг! Аллоҳ сизлар беркитадиган ҳар қандай нарсани чиқаргувчиидир!

Эй Бани Исройл! Сизлардан бир киши ўлдирилганини эсланг! Қотилнинг кимлигини билмай айни ўзингиздан узок қилиш учун бир-бирингизга тухматлар қилиб, жанжаллашиб хусумат қилдингиз. Қотил ўз қилмишини яширишга ҳарчанд уринмасин, Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ уни юзага чиқариб беради.

فَلَمَّا – ўлдиридингиз калимасининг кўплек шаклда келиши эътиборга моликдир. Жамият ўзида қотилликнинг юз беришига йўл қўйишилиги гарчанд қотил бир киши бўлса ҳам, бу қотилликни ўша жамиятда яшаган барча кишилар қилганинг айни ўзидир.

– беркитасизлар калимасининг ҳозирги ва келаси замон феъли билан, **мхрж** – **чиқаргувчи** калимасининг келаси замон маъносини берувчи от билан келиши ҳам дикқатга сазовор. Ҳозирда ҳам яхудлар тез-тез ҳар жойда бегуноҳ кишиларни ўлдириб, сўнг унинг қотилини “излаган”дек иш тутишади. Шунингдек, замонамизда бегуноҳ мусулмон кишиларни минг бир қийноқларга солиб, катл қилиб, сўнг ўлганни

Бузгунчилик қиладиган, қонлар тўқадиган кимсани халифа қилишдан нима ҳикмати бор”, деб таажжубланишиди ва Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ гуноҳларга муккасидан кетиб, бузгунчилик қиладиган ва шунинг оқибатида зўравонлик билан қотиллик қилиб, бегуноҳ қонлар тўқадиган кимсани халифа қиласанми? Биз Сенга ҳамдинг билан тасбих айтамиз ва Сени поклаймиз”, дейиши. Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ “Сизлар Мен яратмокчи бўлган бу халифанинг зурриётига бузгунчилик қилиш ва қон тўкиши омматан нисбат берманг! Унинг зурриётидан бузгунчилик қиладиган, қонлар тўқадиган кимсалар чиқиши билан бирга Менга итоат қиладиган пайғамбарлар ва уларга эргашадиган, Менинг йўлимда жиҳод қиладиган солих, фозил бандалар ҳам бўлади! Мен сизлар билмайдиган нарсаларни биламан”, деди.

Куръони Карим баширият тонгидан тортиб, то Қиёматгача бўлган инсоният отаси Одам الْأَوَّلُ нинг яратилиш воқеасини худди кўз олдимизда бўлаётгандек тасвирламоқда.

– ҳалифа – ўринbosар маъносини билдиради. Бу ўринда халифа сўзидан мурод – Одам الْأَوَّلُ ва зурриётлари бўлиб, уларнинг ерда Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَнинг ҳукм ва кўрсатмаларини ижро этиш учун яратилгани кўзда тутилган.

Мана, бутун олам унинг хизмати учун камарбаста қилинган инсон деб аталган хилқатнинг бу ҳаётдаги вазифаси! У ер юзида Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَнинг ҳукмини ижро этувчи халифадир. Демак, инсон Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَнинг ердаги халифаси экан, табиийки, унга бир қатор масъулияtlар ҳам юклатилган бўлади.

Ер юзида халифа бўлиш табиати малоикаларда йўқ. Уларда акл бору, нафс йўқ. Улар пок табиатли бўлишгани сабабли Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَнинг бирорта ҳам ҳукмига осий бўлишмайди. Бу табиат ерда халифа бўлиш вазифасига ярамайди. Шунга кўра бу ўринда малоикалар тааруз қилиб эмас, балки бу халифа ҳақида кўпроқ билимга эга бўлишни хоҳлаши. Демак, эътиroz билдири, деган фикр мутлақ нотўғри. Чунки, Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ малоикаларни покиза табиат билан яратди. Улар Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَнинг шаходати билан Унинг ҳукмига ҳаргиз осий бўлмайдиган, буйруқларини сўзсиз бажарадиган мавжудотдирлар.

Хўш, унда малоикалар гайбни, яъни инсоннинг келажакда қон тўкиши ва бузгунчилик қилишини қандай билишди?

Муфассир уламолар бу саволга ҳар хил жавоб қилганлар. Биз қуйида уларнинг энг машҳур учтасини келтирамиз:

1) Малоикалар “Эй Раббимиз! Бу халифа қандай табиатга эга бўлади,” деб сўраши. Шунда Аллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ уларга инсонни лойдан яратганини, унинг табиати акл ва нафсдан мураккаб эканини ва у ер юзида бузгунчилик қилиши ва қон тўкиши мумкинлигини билдириши биланоқ “Ерда бузгунчилик қиладиган, қонлар тўқадиган кимсани халифа қиласанми”, дейиши;

2) Одам ^{алайис-}дан илгари ерда жинлар яшаган ва улардан бузунчиллик, кон тўкиш каби кўп ёвуз ишлар содир бўлган ва шу сабабли Аллоҳ ^{субханаху} уларни ҳалок килган. Малоикалар Одамни ҳам ўша жинларга киёс килиб шундай дедилар;

3) Лавҳул маҳфуздан ўқиб билдилар.

وَعَلَمَ عَادَمُ الْأَسْمَاءَ كُلُّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالُوا إِنَّمَا نُؤْنِي بِأَسْمَاءَ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِنَّ
٢١

31. Аллоҳ *Одамга ҳамма нарсанинг номларини ўргатди, сўнгра у нарсаларни малоикаларга рўпара қилиб, анавиларнинг номларини менга билдиринглар-чи, агар* Бани Одам ерда бузунчиллик қиласди ва конлар тўқади, деган даъволарингизда *садик бўлсангиз, деди.*

Аллоҳ ^{субханаху} Одам ^{алайис-}га номланувчи ҳамма нарсаларнинг номини, яни барча сўзларни ўргатди. Ҳар бир нарсанинг номи айтилиши билан мусаммо¹нинг нималигини англаб олиш қобилияти – Аллоҳ ^{субханаху}нинг инсонга берган улкан неъматидир. Бу неъматни Аллоҳ ^{субханаху} бутун жонзотлар ичидан факат инсонга берди. Чунки, бу илм инсонга ер юзида Аллоҳ ^{субханаху}нинг халифаси бўлишдек оғир ва масъулиятли вазифани ўташда ёрдам беради. Биз бу неъматни доим ҳам қадрламаймиз. Аллоҳ ^{субханаху} одамга бу билимни бермагандан эди, инсонлар бу хаётда бир-бирларини тушуниб олиши жуда қийин бўлар эди. Масалан, мен токка бордим десам, тингловчи тонгнинг нималигини фаразан кўз олдига келтириб, дарҳол қаерга борганимни англайди. Агар нарсанинг номи айтилиши билан унинг мусаммоси маълум бўлмагандан, мен қаерга борганимни тушунтириш учун эшитувчини тонгнинг олдига олиб бориб, шу ерга келган эдим, деб айтишим ёки тонги унинг олдига олиб келиб кўрсатишм керак бўлар эди.

قَاتُلُوا شَيْخَتِكَ لَا عِلْمَ لَنَّا إِلَّا مَا عَلِمْنَا إِنَّكَ أَنْتَ أَعْلَمُ بِالْحَكْمِ
٣٣

32. Эй Парвардигор! Сени поклаймиз, бизда Ўзинг билдиригандан бошка илм ийӯқ. Сен Ўзинг Билгувчи ва ҳикмат Эгасисан, дедилар.

Малоикалар "Эй Парвардигор! Биз Сенга нолойиқ бўлган барча нарсалардан Сени поклаймиз! Биз факат Ўзинг билдиригандан нарсаларни биламиз, холос. Ҳамма нарсани биладиган, ҳар бир нарсани ҳикмат билан киласди Зот – Ўзингсан", дедилар.

Ҳикмат Эгаси – ҳикмат Эгаси калимаси Аллоҳ ^{субханаху}нинг 99 та гўзал исмларидан бўлиб, Куръони Каримда 81 марта, "Бақара" сурасида 7 марта тақорланади.

Одатда чукур мазмунли ибораларни айтган доно кишиларни ҳаким дейдилар. Мазмун жиҳатдан бекиёс бўлган Куръони Каримни нозил этган Аллоҳ ^{субханаху} ҳакиқий ҳикмат Эгасидир. Коинот ва ундаги барча

¹ номланган нарса

Бани Истроил мана шу аломатлар билан кифояланса бўлар эди. Шу белгилар ҳам ўзи етарли эди. Лекин ҳамма учун етарли бўлса ҳам, Бани Истроилга етарли бўлмади.

قَالَ إِنَّهُ دِيَقُولُ إِنَّهَا بِقَرَةٍ لَا ذَلُولٌ تُشَيرُ إِلَى الْأَرْضِ وَلَا تَسْقِي الْحَرَثَ مُسْلَمَةً
لَا شَيْءَ فِيهَا قَاتُلُوا الْقَنْ جَئَتْ بِالْحَقِّ فَذَبَحُوهَا وَمَا كَادُوا يَفْعَلُونَ
٧٦

71. Мусо "Ул Зот у *хор бўлиб, ер ҳайдамайдиган ва* экин сугормайдиган, нуқсонсиз, унда ола-булалик ийӯқ бўлган *сигир* бўлсин", деяпти, деди. Улар энди ҳақни келтирдингиз, дейшиди. Сўнг уни топиб, сўйишиди *ва* узоқ вақт қилишига яқин бўлишмади.

Мусо ^{алайис-} "Аллоҳ ^{субханаху} сизларга сўйишини буюрган сигир қийналиб, эзилиб ер ҳайдаган ёки экинзорларни суғориш учун сув ташиган бўлмасин. Унинг аъзоларида ҳеч қандай айбу нуқсон ҳам ола-була ёки қашқа ёки доф жойи ҳам бўлмасин," деб ваҳий килди, дедилар.

Мусо ^{алайис-} сигирнинг мазкур сифатларни айтгандарида Бани Истроил пайғамбарига беодобона суратда "Яшанг! Бормисиз! Энди ўзингизга келдингиз! Энди ҳақни айтдингиз! Энди талаб қилинган сигирнинг сифатида ҳакиқатга эришдик", деди. Улар энди ҳақни келтирдингиз, дейишлари билан гўё Мусо ^{алайис-}нинг бундан аввалги гаплари ҳақ эмас эди, деган даъвода бўлишиди. Мусо ^{алайис-} шу пайтгача қулоқларига танбур чертган эканлар. Мусо ^{алайис-} сигирнинг сифатларини аввал баён қилганида уларнинг қулоқлари битиб қолган экан. Аслида сўрайдиган бошқа ҳеч нарса қолмаганидан сўнг пайғамбарга "Энди ҳақни айтингиз", дейишдан кўра каттароқ беҳаёлик ийӯқ. Бани Истроил ҳеч бўлмагандан "Энди тушундик", деса майли эди.

Одатда, кўп савол берувчи кимсалар савол тополмай қолганида "Мана, энди ҳакиқат юзага чиқди", деб, кўп савол беришларини оқлашга уринишади. Ҳолбуки, бор ҳакиқат уларнинг саволларидан анча илгари маълум бўлган бўлади.

Қилмиш – қидирмиш, деганларидек Бани Истроил учун ўта мушкул бир ҳолат вужудга келди. Осон нарсани ўзларига қийин қилишиди. Танлаш доираси ниҳоятда торайди. Энди нафақат ўрта ёш ва ярқироқ сарик рангли, балки ишлатилмаган ва биронта доги ҳам бўлмаган, бошидан тортиб думигача нуқсонсиз, ҳамма жойи, ҳатто туёқлари ҳам бир хил ярқироқ сарик рангли сигирни топиш керак бўлди. Ортиқча саволни кўпайтирмай итоат қилиб, осонлик билан сўйиб, мақсадга эришиш мумкин бўлган сигирни минг бир машаққат билан узоқ вақтлар излаб топишиди ва ривоятларга кўра ўта қиммат нархга олиб сўйишиди. Тавсиф этилган сигирнинг нархи қимматлиги ва ўта ноёблигидан уни топа олмасликларига сал қолди. Чорвачиликдан хабардор кишилар бундай кўриниш ва сифатдаги сигирни топиш анча машаққат эканини яхши билишиади.

Мусо алайис-салом Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳунинг ваҳийси билан сигирнинг баъзи белгиларини айтиб, "Сизларга сўйиш буюрилган сигир қари ҳам, ёш гунажин ҳам бўлмасин, мана шунинг ўртасида бўлсин! Энди шундай сигир сўйилмаса, мақсад хосил бўлмас!" дедилар.

Мусо алайис-салом Бани Исройлнинг табиатини яхши билғанлари учун яна саволни кўпайтириб, ўзларига қийин қилиб олишмасин деб, "Бас! Энди буюрилган нарсани қилинг! Ҳадеб ўжарлик қилиб, гапни чўзманг! Агар яна саволни кўпайтирсангиз, ўзингизга қийин қилиб оласиз!" дедилар.

Лекин, Бани Исройл ўзининг шаккокона табиатига мос йўл тутиб, яна саволда давом этди:

69. Раббингизга дуо қилинг, бизга унинг ранги қандайлигини баён қилсин, дейшиди. Мусо Ул Зот у *ранги ярқироқ сариқ, қараганларнинг баҳрини очадиган сигир* бўлсин, *деянити, деди.*

"Эй Мусо! Сигирнинг ёши маълум бўлди. Раббингизга дуо қилинг! Энди рангини баён қилсин, оқми, қорами, ёки бошқами, айтсин!" дейшиди.

Бани Исройлга сигирнинг ёши маълум бўлди, лекин бу билан ҳам кифояланмади. Сигирнинг ёши ҳақидаги гап тугаганидан сўнг, энди, уларга рангини билиш керак бўлиб қолди.

Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу сигирнинг ярқироқ сариқ рангли, кўрганларнинг баҳри дили очиладиган, кўзи тушган ҳар қандай кишини таажжублантириб, кувонтирадиган сигир бўлсин, деб ваҳий қилди.

Бани Исройлнинг кераксиз саволлари туфайли топилиши бағоят қийин бўлган бир сигирнинг ҳолати вужудга келди. Саволларни кўпайтирган сари Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу ҳам уларга машаққатни зиёда қилди. Ҳар бир савол сигирнинг ихтиёр қилиш доирасини торайтириб борди. Ёши тўғри келадигани топилса, ранги тўғри келмаслиги ёки ранги тўғри келса, ёши тўғри келмаслиги мумкин эди. Ёши ҳам ранги ҳам тўғри келса, кўриниши тўғри келмаслиги мумкин эди. Лекин Бани Исройл шундан кейин ҳам шаккоклик ила яна саволда давом этди. "Хайвоннинг бундан ортиқ ажратиб берадиган белгиси бўлмаса керак, энди сигир ҳақида сўрайдиган нарса қолмади," деган ҳаёл келаётган чоғда Қуръони Карим ҳали яхудларнинг саркашлиги тугамаганини баён қилади:

70. Раббингизга дуо қилинг, бизга унинг нималигини аниқ баён қилиб берсин, чунки сигир бизга мужмал бўлиб қолди. Биз Аллоҳ ҳоҳласа, уни, албатта, топгувчилармиз дейшиди.

Эй Мусо! Раббингизга дуо қилинг! Бизга бу сигирнинг нималигини яхшироқ, яна-да аникроқ баён қилсин! Чунки бундай белгили сигирлар кўп, уларнинг қайси бири тўғри келиши бизга мужмал бўлиб турибди", дейшиди.

мавжудот Унинг нозик ҳикмати билан яратилган, балки беҳикмат ишининг ўзи йўқ. Инсон фақат Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу билдиришни хоҳлаган баъзи ҳикматларини билади, холос.

Биз мусулмонлар бу оятга эътибор беришимиз лозим. Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу бу оят билан мўмин кишига билмаган нарсасини билмадим деб тан олиши лозимлигини таълим беряпти. Зоро, ҳаётимизда ҳамма нарсани биладиган "доно"лар тез-тез учраб туради. Улар билмаган нарсаларини билмайман деб тан олиш ўёқда турсин, илмли кишилар томонидан бирон нарса айтилса, уялмай улар билан баҳсга киришади. Агар билимли киши томонидан айтилган сўз ҳавосига тўғри келмаса, унинг оят ёки ҳадис бўлишидан қатъиназар, тан олмайди. Бу нарса уларнинг қалбига ўрнаб кетган кибр ва манманликдан далолат беради.

Инсон билмайдиган нарсасини билмайман дейиши ҳам билиши керак. Ҳамма нарсани фақат Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу билади. Билмаган нарсани билмайман дейиш ҳеч бир хижолатли нарса эмас. Аммо ҳамма нарсани биламан дейишидан кўра хижолатли ишнинг ўзи йўқ. Бундай деб, ҳатто, табиатан гуноҳ қилмайдиган малоикалар ҳам айтмаган.

Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу хилофат эгасига вазифасини ўташда керак бўладиган қобилиятини ўрнатганини билдириш учун малоикаларда йўқ бўлган Одам алайис-салом даги табиатни кўрсатиб:

قالَ إِنَّمَا تَعْلَمُ أَنْتَ مِمَّا يَأْتِي هُنْمٌ فَلَمَّا آتَيْتَهُمْ مِمَّا يَأْتِي هُنْمٌ قَالَ اللَّهُمَّ أَقْلِلْ لَكُمْ إِذْنَ أَعْلَمْ
عَيْبَتِ الْسَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَعْلَمُ مَا تُبَدِّلُونَ وَمَا كُنْتُمْ تَحْكَمُونَ

33."Эй Одам! Уларга бу нарсаларнинг номларини айтиб беринг" деди. Одам уларнинг номларини айтиб бергач, Аллоҳ малоикаларга "Мен сизларга осмонлару ернинг сирларини фақат мен биламан ва яна сизлар ошкор қилгану маҳфий қилган нарсаларнинг ҳаммасини биламан, деб айтмадимми?" деди.

Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу "Эй Одам алайис-салом! Малоикалар айтиб беришга ожиз бўлган мана бу нарсаларнинг номини айтиб беринг", деди. Одам алайис-салом ҳамма нарсаларнинг номини айтиб берганларида, малоикаларга бу халифанинг яратилиши ва унинг ерда халифа қилинишидан бўлган ҳикмат маълум бўлди.

Башарият тонги ҳақидаги ушбу оят биз учун таълимдир. Биз қайси ўринда, қандай амални қилмайлик, Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу барчасидан, ошкору маҳфийсидан ҳамиша воқифдир. Гуноҳ ишни ҳеч кимга билдирумай қилсак ҳам Аллоҳ сұбханаху әт-таваҳу ҳудди ошкор қилган ишларимизни билгани каби билиб туради.

Бугун олам пешонаси саждага тегмаган, мустаҳаб ҳам қилмаган, аммо келажак ҳақида хабар берадиган башоратчи кофиirlар билан тўлиб тошди. Агар улар гойибдан заррача хабардор бўлишса, нима учун инсониятни ҳар хил кулфат ва бало-қазолардан сақлаб қолишмаяпти?!

Фолбин, бахши, башоратчи, мунажжим каби ҳар хил каззоб ва найрангбоз кимсаларнинг дарвозаси олдида навбат кутиб турган эй жохил ва гумроҳ кимсалар! Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг бу оятига диккат беринг! Гойиб илми фақат Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг Ўзига нисбат бериляпти!

Ўтган оятларда Одам салом-нинг халифаликка хослаб яратилганги ва у кишининг илм билан бошқалардан афзал этилганинг зикри ўтди. Энди, Одам салом-нинг малоикалар олдидаги фазилати маълум бўлганидан кейин, куйида Аллоҳ субханаху әттаваъу уларни инсонга сажда қилишиликка буоради:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةَ أَسْجُدُوا لِأَدَمَ فَسَجَدُوا إِلَيْهِ إِبْرِيزُ أَبِي وَأَسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَفَّارِينَ

34. Малоикаларга "Одамга сажда қилинг", деганимизда улар сажда қилишганини эсланг! Фақат Иблис бош тортиб, ўзини олий санади ва кофирлардан бўлди.

Аллоҳ субханаху ер юзида бузгунчилик қилиб, қонлар тўкаётган инсонга шундай юксак мартаба ва улуғ манзилат бериб, буюк эҳтиром кўрсатди. Аллоҳ субханаху малоикаларни Ўзининг ердаги халифасига сажда қилишга буорди. Бундай олий даражадаги хурмат фақат инсонга кўрсатилган. Ҳамма фаришталар Одам салом-га ҳурмат ва салом саждасини бажо келтиришди. Бу ўринда سَجَدُوا – **сажда қилишиди** калимасини ғ ҳарфи билан юқорига боғланиши малоикалар Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг буйруғига зудлик билан, сўзсиз итоат қилганларини кўрсатади. Иблис эса ўзини Одам салом-дан олий санаб, унинг шарафига ҳасад қилди. Бу Иблисни Аллоҳ субханаху әттаваъу итоат қилишдан тўёди ва унга ёмонлик ҳамда Аллоҳ субханаху әттаваъу осий бўлиш табиати ўрнашиб олди. Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг буйруғига итоат этишдан бош тортиши ва ўзини инсондан олий санаши туфайли кофир ҳам бўлди. Араб тилида أَبِي – **бош тортиб** калимаси ихтиёр билан юз ўгиришни билдиради.

Мана шу вақтдан Иблис билан Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг ердаги халифаси ўртасида абадий жанг бошланди. Бу жанг учун инсон қалби майдон этиб танланди. Инсон бу жанг майдонида Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг амрларига, аҳд ва шартларига ўзини қанча маҳкам боғласа, Иблисга шунчага ғолиб бўлади. Уларга қанчалик риоя қилмаса, шунчалик мағлуб бўлади.

Ривоятларга қараганда, Иблис Одам салом-га сажда қилишдан бош тортишидан илгари Аллоҳ субханаху әттаваъу га ибодат қилган. Аллоҳ субханаху уни жаннатга посбон ҳам қилган. Лекин ҳасад ва такаббурлик сабабли Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг буйруғига итоат этмаслиги уни кофирлар қаторига дохил этди. Демак, қайси бир кимса, Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг ёхуд Росулуллоҳ салом-га нинг буйруқларига итоат этмаса, ўзини ким деб аташидан қатъий назар кофир ва Иблисга лашкар бўлади, деб эътиқод қилишимиз лозим.

бемаъни гапларни гапириб, одамларни мазах қилиш, Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг амри билан ўйнашишдан кўра катта жоҳиллик бўлмас! Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг амирини, Унинг шариатини масхараомуз сўзлар билан ифодалаган кимса гирт жоҳилдир! Мен эса бундай жохил камсалардан бўлиб қолишдан паноҳ тилайман, Аллоҳ сакласин!", дедилар.

Мана бу оят дин ишларида шариат илмини билувчи кишига қарши чиқмасдан, гарчанд ишнинг ҳикмати номаълум бўлса ҳам итоат этиш кераклигига ва Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг шариатини масхара қилишдан кўра катта жоҳиллик йўклигига ишора қилмоқда. Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг Каримда Росулуллоҳ салом-га хитобан марҳамат қилиб:

Агар оялларимизни масхара қилаётган кимсаларни кўрсангиз, то ундан бошқа гапга киришмагунларича улардан юз ўгиринг! Агар шайтон ёдингиздан чиқарса, эсга тушганидан кейин ўзларига зулм қилувчилар билан бирга ўтируманг, деди. (Анъом сураси, 68 – оят)

Демак, Аллоҳ субханаху нинг оялларини ҳар хил пайров йўлларга солиб, масхара қилувчи кимса Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг шаҳодати билан золимдир. Шунингдек, Ислом шариати хукмдарини масхара қилиш, мусулмонларни камситиш, диний қадриятларни топташ мақсадида таёrlанган кўрсатувларда иштирок этиш, хусусан, исломий либосларда қатнашиш ҳам ўта жоҳиллик ва ўзига, қолаверса, барча мусулмонларга зулм қилиш демакдир. Аллоҳ субханаху әттаваъу бизни бундай кимсалар билан бирга ўтирумасликка, уларнинг давраларида иштирок этмасликка буорди.

68. Раббингизга дуо қилинг, бизга унинг нималигини баён қилиб берсин, дейишиди. Мусо Ул Зот у қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган, шунинг ўртасидаги ўрта ёш сигир бўлсин, дейяпти. Энди буюрилган нарсани қилинглар, деди.

Мусо салом-га жавобидан Бани Исроил сигирни сўйиш ҳақиқатдан ҳам Аллоҳ субханаху әттаваъу нинг буйруғи эканлигини билди. Энди хоҳлаган сигирни сўйишса, мақсад хосил бўлар эди. Аммо улар дарров итоат қилиб кетишиша, табиатларига мос келмас эди. Улар яна бир оз чайнашлари керак эди, шундагина кўнгиллари тўларди. Шунинг учун Бани Исроил Мусо салом-га беодобона хитоб қилиб, "Эй Мусо! У факат сизнинг Раббингиз! Бу масала фақат сизга керак", дегандек Раббингиздан сўранг, деди. Ўжарликлари шу даражада кучайдики, уларни шунчага неъматлар билан буркаган, қанча азоблардан куткарған Парвардигорни Раббимиз дейишига тиллари бормади. "Раббингиздан сўранг, у қандай сигир ўзи? Унинг ўзига хос белгилари борми, бизга айтиб берсин", дейишиди.

қотилини айтиб беражагини ваҳий қилади. Саркаш ва қалби бузук Бани Истроил бу буйруқ ижросини пайсалга солади. Бу сигирнинг кўриниши ва шакл-шамоили ҳақида кераксиз саволларни қўпайтириб, ўзига ўзи қийинчилик ортиради. Ҳолбуки, тўғри келган бир сигирни сўйишса, муддао ҳосил бўлар эди.

Биз Аллоҳ сұханаху да таъвудонинг мадади билан ўрганаётган бу суро мана шу воқеа муносабати билан "Сигир" номини олган ва у мусулмонларга ибрат бўлиши учун зикр қилинган. Демак, дини ва амалига ишонч ҳосил қилинган мусулмон раҳбар тарафидан бирон буйруқ бўлса, ортиқча саволларни қўпайтирмасдан уни бажариш лозим. Кераксиз саволлар эса бандаларга қийинчилик олиб келади, холос. Шунингдек, Ислом шариати кўрсатган ҳукмларни сўзсиз бажариш, унинг остидаги ҳикмат ва моҳиятлар ҳақида саволларни қўпайтирмаслик керак. Зоро, ер юзида хилофат вазифасини ўташ учун инсонга моҳиятни билишининг зарурати йўқ. Шу боисдан инсонга бу илм берилмаган.

67. Мусо қавмига "Аллоҳ сизларга сигир сўйишингизни буюряпти", деганида улар "Бизни масхара қиляпсизми", деганларини эсланг! Мусо Аллоҳдан жоҳиллардан бўлишимдан паноҳ сўрайман, деди.

Эй Бани Истроил! Аждодингизнинг ўтмишдаги яна бир қабоҳатини кўринг! Пайғамбарингиз Мусо алайхис-салам ҳузурига келиб, қотилини айтиб беришни сўрашганида у киши "Аллоҳ сизларга сигир сўйишингизни буюради", деди. Шунда улар "Сиздан қотил ҳақида сўрасак, сиз бизга Аллоҳ сизларни сигир сўйишга буюрди, дейсиз! Сигирнинг бу ишга нима дахли бор? Бизни ким деб ўйлаяпсиз? Наҳотки, сигирнинг бир парча гўшти ўликни тирилтиrolса? Устимиздан кулиб, масхара қиляпсизми?" дедилар.

Бани Истроилга Аллоҳ сұханаху да таъвудонинг амрини етказган зот оддий бир инсон эмас, балки Аллоҳ сұханаху да таъвудонинг улуғ пайғамбари эди. Мусо алайхис-салам бошқа пайғамбарлар ичida «Калимуллоҳ» – Аллоҳ сұханаху да таъвудо бевосита гаплашган, деган мақомга эга эдилар.

Шу сабабдан уларнинг бундай беодобона сўзлари Мусо алайхис-салам га лойик эмас эди. Бани Истроил ўз пайғамбарига бундай демаслиги керак эди. Аллоҳ сұханаху да таъвудо уларни оғир қийнокларга дучор қилган, ўғилларини сўйиб, аёлларини хизматкор қилган Фиръавн зулмидан ўша пайғамбар сабабли куткарған эди. Бани Истроил Аллоҳ сұханаху да таъвудонинг улуғ пайғамбарини одамларнинг устидан кулиб, Парвардигорнинг амрини масхара қилади, деб ўйлади. Аслида-ку **Аллоҳ буюради** деган сўз уни пайсалга солмай дарҳол бажариш учун кифоя эди.

Уларнинг бундай беодобона сўзлари Мусо алайхис-салам га оғир ботди. У киши "Бундай гап фақат жоҳил кимсадан чиқади. Аллоҳ сұханаху да таъвудонинг буйругини етказишида ҳазил ёки масхара нима қилсин?! Зоро, фойдасиз,

عن أئمَّةٍ هُرِيَّةٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَرَأَ أَئمَّةٍ أَدْمَمَ الشَّجَادَةَ فَسَجَدَ اغْتَرَّ الشَّيْطَانُ بِيَكْرِيٍّ
يَقُولُ تَা وَيْلٌ لِّأَمْرِ أَئمَّةٍ أَدْمَمَ بِالشَّجَادَةِ فَسَجَدَ فَلَمَّا حَجَّتْ وَأَمْرَتَ بِالشَّجَادَةِ قَاتَبَتْ قَلْنَ النَّارِ دِوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Хурайра розиялдуу ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ солалдуу ахады да салам* агар Одам боласи сажда оятини ўқиб, сажда қилса, шайтон ҳолимга вой бўлсинки, Одам боласи сажда қилишга буюрилган эди, у сажда қилди, унга жаннат бўлади, мен ҳам сажда қилишга буюрилган эдим, бош тортим, менга жаҳаннам бўлади деб, йиғлаб ундан кетади дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Шариат истилоҳида сажда – бурун ва пешонани ерга қўйиб, Аллоҳ сұханаху да таъвудо таъзим бажо келтириш демакдир. Малоикаларнинг Одам алайхис-салам га қилган саждалари ибодат саждаси эмас, балки Аллоҳ сұханаху да таъвудонинг ердаги халифасига ҳурмат кўрсатиш ва салом бериш саждаси эди. Айрим муфассир уламолар малоикаларнинг Одам алайхис-салام га сажда қилишлари худди бизнинг Каъбага сажда қилишимизга ўхшашdir. Биз Каъбага юзланиб, Аллоҳ сұханаху да таъвудо га сажда қилганимиз каби малоикалар ҳам Одам алайхис-салам га юзланиб Аллоҳ сұханаху да таъвудо га сажда қилишган, дейдилар. Айримлари эса Аллоҳ сұханаху да таъвудонинг ўзгага эҳтиром саждасини қилиш Росулуллоҳ солалдуу ахады да салам нинг даврларигача рухсат бўлган деб, "Юсуф" сурасининг 100 – оятини далил қилиб кўрсатишиади:

وَرَفَعَ أَبُو يَهْيَى عَلَى الْعَرْشِ وَخَرَأْلَهُ سَجَدًا سُورَةُ يُوسُفُ

Ота-онасини таҳтга чиқарди ва ҳамма Юсуф алайхис-салам га сажда қилиб ииқилди.

Ислом келганидан сўнг эҳтиром кўрсатишининг бундай усули бекор бўлиб, Аллоҳ сұханаху да таъвудонинг ўзгага қилинган ҳар қандай саждадан қайтарилган, дейдилар.

Иблис Одам алайхис-салам нинг фазилатини тан олишни хоҳламагани каби ҳаётда ҳам ўзини олий санаб, фазл эгаларини тан олишни истамайдиган мутакаббир кимсалар учраб туради. Бу иблис табиатидандир. Биз мусулмонлар бундай хулкларга мубтало бўлишдан эҳтиёт бўлишивимиз керак. Зоро, Росулуллоҳ солалдуу ахады да салам куйидаги хадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِنْ قَاتَلَ ذَرَّةً مِنْ كَثِيرِ الْكَبِيرِ بَطَرَ الْحَقَّ وَغَمَطَ النَّاسِ دِوَاهُ مُسْلِمٌ

Абдуллоҳ ибн Масъуд розиялдуу ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ солалдуу ахады да салам* қалбida зарра микдорича қибри бор кимса жаннатга кирмайди. **Киор – ҳақни инкор қилиш ва одамларни камситишdir дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

"Иблис малоикалардан бўлганми, йўқми?" деган саволнинг жавобида муфассир уламолар ихтилоф қилиб, икки тоифага бўлинган. Ҳар икки тоифанинг ўзига яраша далиллари бўлгани учун биз қуида бу икки тоифанинг далилларини келтиришни лозим топдик. "Иблис фаришта бўлмаган", деган фикрни илгари сурган тоифа қуидагиларни далил қиласди:

1) Иблис Аллоҳ субханаху әт таъвудонинг бўйругига итоат килмай осий бўлди. Агар Иблис малоикалар жинсидан бўлганда, Аллоҳ субханаху әт таъвудога осий бўлмас эди. Чунки фаришталарда осий бўлиш табиати йўқдир. Бу ҳақда Аллоҳ субханаху әт таъвудо "Таҳрим" сурасининг 6 – оятида

لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمْرَهُمْ وَيَقْتَلُونَ مَا يُمْرِنُونَ ١٧ سورة التحرير

Уларни буюрган нарсаларда Аллоҳга осий бўлмайдилар ва факат **буюрилган нарсани қиладилар** деб шаҳодат беради;

2) Аллоҳ субханаху әт таъвудо қуидаги оятда Иблиснинг жинлар тоифасиданлигини "Каҳф" сурасининг 50 – оятида бевосита маълум қилиб:

إِنَّا لَيُلْبِسُنَ كَانَ مِنَ الْجِنِّ فَفَسَقَ عَنْ أَنْرَرِهِ فَلَمْ يَنْتَخُدُوهُ وَلَمْ يَرِيْهُمْ أُولَيَّةً مِنْ ذُوْنِيْهِمْ وَلَمْ يَكُنْ لَّهُمْ عَذَّابٌ ٢٠٣ سورة النہیم

Магар Иблис бош тортди, у жинлардан эди, **Раббининг амрига** бўйсунишдан бош тортди. Сизлар уни ва зурриётини дўст қилиб оласизми? **Холбуки, улар сизларга душманидир...** дейди.

3) Билиттифоқ малоикаларнинг зурриёти бўлмайди. Иблиснинг эса зурриёти мавжуддир. Мазкур оятда **уни ва зурриётини...** дейилган;

4) Малоикалар нурдан, Иблис эса ўтдан яратилган.

"Иблис фаришта бўлган", деган фикрни илгари сурган тоифа Аллоҳ субханаху әт таъвудо оятда **малоикаларга "Одамга сажда қилинг"**, **деганимизда** улар **сажда қилиганини эсланг!** **Фақат Иблис бош тортди** демоқда. Хитоб барча малоикаларга, шу қаторда Иблисга ҳам таалукли бўлган. Аллоҳ субханаху әт таъвудо Иблисдан бошқа ҳамма малоикалар **сажда қилишиди** деб, уни ҳам фаришталардан бўлганига ишора қилипти, деганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд розиялуху әтнуху ҳамда Қатода ва Имом Табарийлар бу фикрни маъкуллаганлар.

وَقُلْنَا يَتَعَادِمُ أَكْثُرُكُمْ أَدْتَ وَرَزَّوْ جُنَاحَ الْجَنَّةِ وَكَلَّا مِنْهَا رَغْدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَنْتَرَ بَاهِذِهِ الْشَّجَرَةِ فَتَكُونُ فَاتِّهًا مِنَ الظَّالِمِينَ ٢٠٤

35. Эй Одам! Сиз ва жуфтингиз жаннатни маскан тутинг ва унинг меваларидан бемалол, хоҳлаган ўрнингизда енг. Аммо мана бу дараҳтга яқинлаша кўрмангки, унда золимлардан бўлурсиз, дедик.

Иблис Аллоҳ субханаху әт таъвудога осий бўлиб, коғир бўлганидан сўнг жаннатдан кувгин қилинди. Аллоҳ субханаху әт таъвудо отамиз Одам алайхис әсалом га онамиз Ҳаво билан бирга жаннатга тушиб, уни маскан қилишга имкон берди. Уларга жаннат меваларининг хоҳлаган туридан, хоҳлаган пайтда, бамайлихотир хоҳлаганча ейишларига рұксат берди. Фақат муайян бир дараҳтдан

ҳовузларга кирган балиқларнинг денгизга қайтиб чиқиши йўлларини тўсиб, эртасига овлайдиган бўлишиди. Ибодат учун хос бўлган, овлаш ҳаром қилинган кунда ов қила бошлишиди. Шанба кунини улуғлаб, бу кунда дунёвий ишларни тарк этиб, тоъат-ибодатни кўпайтиришга бўлган аҳдни бузиб, тажовуз қилишиди. Бу кунда Аллоҳ субханаху әт таъвудонинг бўйругига буйсунмай ов қилиб, худудларни бузган кимсаларга ўта қаттиқ жазо кўлланди. Бу жазо уларни инсон қиёфасидан чиқариб ташлади ва жирканч, хор маймун қиёфасига киритди. Бани Исройл бу макри билан зоҳирда ўзини итоатни сақлаб, аҳдни бузмагандек ҳис этди. Аллоҳ субханаху әт таъвудо ҳам жазоларини макрларига мувофиқ қилиб, зоҳиран инсонга ўхшаш ҳайвон – маймунга айлантириди.

Аҳдда туриш учун инсонга кучли иродা керак бўлади ва шу ирода куввати уни бошқа мавжудотдан ажратиб туради. Бутун ҳайвонот оламидан ажратиб турган ушбу фарқни билишмагани ва иродасизлик қилиб, аҳдларини бузишгани учун Аллоҳ субханаху әт таъвудо уларни хор ва бадбахт маймунларга айлантириди¹. Шу боис улар инсонлик хусусиятини ўқотиб, инсон деган улуг номни кўтариб юришга нолойиқ бўлишиди.

66. Биз буни ўша вақтдагилар ва ундан кейингиларга ибратли жазо ва тақвадорлар учунгина панд-насиҳат қилдик.

Бани Исройлнинг мақр билан аҳдни бузган бир тоифасини маймунга айлантирилиш воқеаси ўша даврдагилар ва то Қиёматга қадар бўлган умматлар учун ибрат намунасиdir. Аллоҳ субханаху әт таъвудо ҳаром этган нарсаларни ҳалол қилиб олиш пайда яҳудлар каби мақр ишлатмоқчи бўлганлар аҳддан қайтишилик қандай оқибатларга олиб келишини, Аллоҳ субханаху әт таъвудо ҳаром қилган нарсаларни ҳалол қилиш учун ҳийла ишлатган кимсаларнинг аҳволи нима билан тугашини билишсин! Бундан ибратланишсин ва аҳду-паймонларини маҳкам ушлашсин! Зоро, аҳддан қайтишилик – инсоний хусусиятлардан қайтиш демакдир.

Оятдаги **– тақвадорлар учунгина** калимаси дикқатга сазовор. Аллоҳ субханаху әт таъвудо насиҳатланиши ۱ ҳарфи билан фақат Аллоҳ субханаху әт таъвудодан кўрккан кишиларга хослаб келтирмоқда. Ҳакиқатдан ҳам бу воқеани ҳамма ўқиб бораверади, лекин у фақат Аллоҳ субханаху әт таъвудодан кўркувчи кишилар учунгина насиҳат бўлади.

Мусо алайхис әсалом нинг пайғамбарлик даврида Бани Исройл ичида қотиллик содир бўлади. Одамлар қотилнинг кимлигини билмасдан бир-биридан гумонсирайди, оқибатда қатта низо келиб чиқади. Шунда Мусо алайхис әсалом хузурига келишиб, у кишидан масалага ойдинлик киритишни сўрашади. Мусо алайхис әсалом Аллоҳ субханаху әт таъвудога дуо қилиб сўраганларида, Аллоҳ субханаху әт таъвудо сиғир сўйиб, унинг бир бўллаги билан ўлдирилган кишини урилса, у тирилиб,

¹Насиб этса, бу воқеа ҳакида "Аъроф" сурасида батафсил ёритилади.

ҳарфларига эътибор қилинади-ю, ҳудудлари поимол қилинади. Илм излаган кўп, берадиган оз. Хутбалар чўзилади, намозлар қисқаради. Амаллардан илгари хоҳишилар бажарилади дедилар. (Имом Молик ривояти)

Аҳдда турмайдиган кимсага жиддий тарзда буйруқ қилинмаса, аҳдни бузаверади. Зоро, аҳдда туришлик ғоят оғир ишдир. Шунинг учун Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл} Бани Исроилдан шу даражада қаттиқ аҳд-паймон олган эди. Лекин, Бани Исроилдан шундай қаттиқ суратда олинган аҳд ундаги нарсалар ёдда тутилмагани ва амал қилинмагани учун ўз вафосини топмади:

64. Шундан кейин ҳам аҳдан юз ўғирдингиз. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганда эди, албатта, зиёнкорлардан бўлур эдингиз.

Устингизга тоғни олиб келиб, аҳдингизни олганимиздан кейин ҳам яна Тавротдан, Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл}нинг шариатидан юз ўғирдингиз. Бу билан сизлар ҳар қандай азоб-укубатларга лойиқ бўлдингиз. Агар Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл} азобни таъхир қилмаганда ёки афв этиб, тавбангизни қабул қилмаганда эди, ҳалок бўлиб, дунё ва охиратда аниқ зиён кўрур эдингиз.

Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл} Бани Исроилни шу даражада қаттиқ олинган аҳду-паймонни бузишгач ҳам, яна афв этди. Бани Исроилдан бу каби аҳдларни бузиш, ўзлари тираб олган нарсаларига ҳам риоя қилмаслик ҳоллари тарихда кўплаб содир бўлган ва содир бўлиб бормокда.

65. Сизлардан шанба кунида тажовуз қилган кимсаларни аниқ билдингиз. Уларга қувилган маймуналар бўлинг, дедик.

Довуд ^{алайхис-салам} даврларида Бани Исроил Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл}дан дунёвий ишлар билан машғул бўлмай, дам олиб, ибодат қиласидиган алоҳида бир кун қилиб беришини сўради. Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл} сўровларини ижобат қилиб, уларга шанба кунини белгилаб берди. Бошқа кунда ҳалол бўлган нарса бу кунда ҳаром бўлди. Улар шанба куни ўзларини ибодатга бағишлай бошлишди.

Бани Исроил дengiz соҳилида жойлашган Айла қишлоғида яшар эди. Маълумки, дengиз соҳилида яшовчиларнинг асосий тирикчилик манбай – балиқчиликдир. Бани Исроилга ҳафтанинг шанбадан бошқа олти кунида ҳар қанча ов қилиш мумкин эди. Аллоҳ ^{сұханаху} уларни бу кун билан имтиҳон қилди. Шанбадан бошқа кунда балиқлар кескин камайиб кетди. Шанба куни эса шу даражада кўпайдики, ҳатто балиқлар бошларини сувдан чиқариб, бемалол сув бетида сузиб юришди. Мана шунда яхудлар яхудлигини қилиб, шанба куни ҳам балиқ овлаш учун хийла йўлига ўтишди. Уларнинг бир тоифаси дengиз яқинига ундан сув кирадиган қилиб, ҳовузлар ковлади. Шанба куни


қайтарди ва унга яқинлашмасликка буюрди. Йўқса, Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл}га осий бўлиб, ўзига зулм қилган кимсаларга айланурсиз, деди.

Инсонга берилган хоҳишироди, мустакиллик ва ихтиёр табиати имтиҳонни такозо этади. Тақиқлаш ва ман қилиш бор жойда имтиҳон вужудга келади. Агар тақиқланган нарсанинг ўзи бўлмаганда, дунё имтиҳон дунёси бўлмас эди. Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл} Одам ^{алайхис-салам} ни бир дараҳт билан имтиҳон қилишни хоҳлади.

Қайтарилган дараҳтнинг қандай дараҳтлиги ҳакида ҳар хил фикрлар айтилган. Биз уларни келтиришни маъқул топмадик. Аввало, бу ҳақдаги ривоятлар оят ёки сахиҳ ҳадис билан собит бўлган эмас. Қолаверса, бу дараҳтнинг қандай дараҳтлигини билиш бизга фойда бермайди, худди билмаслик зарар бермагани каби.

Бу ўринда ﴿۷﴾ – яқинлаша кўрманг калимаси дикқатни жалб этади. Одам ^{алайхис-салам} ва Ҳаво онамизни муайян дараҳтнинг меваларини ейищдан қайтариши учун Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл} унга яқинлаша кўрманг, демоқда. Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл} мўмин кишини қайтарган маст қилувчи ичимликлар, ўғрилик, зино, ёлғон ва шу каби бошқа бир қатор гуноҳ ишлар бор. Мана бу оят бизни ўшандай гуноҳларнинг яқинига бормаслигимиз кераклигига ишора қилмоқда. Зоро, гуноҳнинг яқинига бориш билан уни содир этиш ўргасида ҳеч қанча масофа қолмайди. Ҳамма ҳам гуноҳнинг яқинига боргандা, ўзини тия олмайди, натижада Аллоҳ ^{сұханаху} қайтарган ишни қилиб, ўзига катта жавр қиласиди. Демак, инсон гуноҳдан саломат бўлиш учун уни қилиш эмас, ёнига ҳам бормаслиги керак.

Аллоҳ ^{сұханаху} ^{за таъвөл} Одам ^{алайхис-салам}-нинг яратилиши ва малоикаларнинг унга сажда қилишга буюрилиши воқеасини "Бакара" сурасидан ташкари яна Куръони Каримнинг "Аъроф, Ҳижр, Истро, Каҳф, Тоҳа ва Сод" сураларида жами олти марта тақрорлаган. Бундан учтасида Одам ^{алайхис-салам} ва Ҳаво онамизнинг ерга туширилиши ҳакида сўз юритилади, лекин биронта ўринда Ҳаво онамизнинг номлари баён қилинмай **жуфтингиз** деб келтирилган. Балки, Марям онамиздан бошқа биронта аёл зотининг номи келтирилмаган. Биз Ҳаво онамизни ва бошқа Куръони Каримда зикри келган аёлларнинг номларини факат сахиҳ ҳадислар орқали биламиз. Баъзи муфассир уламолар бу билан Аллоҳ ^{сұханаху} мўмин кишини ўз жуфтига нисбатан ғаюр ва ҳамиятли бўлиши кераклигига ишора қилмоқда, деганлар.



36. Шайтон икковларини шу дараҳт орқали ўлдан оздирди ва унда яшаб турган жойларидан уларни чиқарди. "Бир-бирингизга душман бўлиб, ерга тушинг. Сизларга ерда қарорланиш ва неъматларидан муайян муҳлатгача фойдаланиш имконияти бор, дедик.

Иблис Одам *алайхис-салам*- ва Ҳаво онамизни тақиқланган дараҳт мевасидан еб қўйишлари туфайли йўлдан оздириди. Улар яқинлашмасликка буюрилган дараҳтга яқинлашиб, унинг мевасидан еб қўйишиди. Шундан сўнг Аллоҳ *субханаху әт таъвудо* икковларини осуда ҳаёт кечириб турган жаннатдаги жойларидан чиқариб, "Эй Одам *алайхис-салам*- ва Иблис зурриётлари! Бир-бирингизга душман бўлиб ерга тушинг! Эй бани Одам! Сизлар учун Қиёматга ёки ўлгunga қадар ерда қарор топиб яшаш ва ундаги нозу неъмат ва қулайликлардан фойдаланиш имконияти бор", деди.

Бу ўринда – *йўлдан оздириди* ва *آخرهمَا - چиқарди* калималари эътиборга моликдир. Маълумки, шайтон ҳеч кимни мажбуrlаб ҳак йўлдан залолатга чиқариб ташлаш курдатига эга эмас. Шунга қарамай, Аллоҳ *субханаху әт таъвудо* Одам *алайхис-салам*- билан Ҳаво онамизни йўлдан оздириш ва жаннатдан чиқариш нисбатини шайтонга беряпти. Чунки, уларнинг жаннатдан чиқарилишига Иблиснинг васвасаси сабаб бўлган эди. Демак, киши ҳаётда Аллоҳ *субханаху әт таъвудо*нинг буйруқларини қўйиб, шайтон кўйига кирса, Иблис уни тўғри йўлдан оздириб, жаннатга элтувчи ҳак йўлидан жаҳаннамга олиб борувчи йўлга чиқариб юборишига ишора қилингти.



Али ибн Ҳусайн *розвияху анху* ривоят қилдилар: *Пайгамбар* *сөзларини айтади* **шайтон инсоннинг кон томирларида юради** дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Одам *алайхис-салам*- билан Иблис ўртасидаги адovat қадимиҳ ҳам инсон учун кераклидир. Чунки, инсон табиатидан ейиш-ичиш, дам олиш, муҳабbat, қўрқув каби туйгулар қаторида адovat ва ёмон кўриш туйгуси ҳам ўрин олган. Инсон бу туйгуларини тўғри йўл билан қондирmasa, номашшуva ва номақбул йўллар билан қондиришига мажбур бўлади. Ислом инсоннинг бундай туйгуларини шаръий йўллар билан қондиришига имкон берди. Чунончи, ейишга бўлган эҳтиёжини ҳалол таомларни тановул қилиш билан, жинсий эҳтиёжини никоҳ билан, қўрқув эҳтиёжини Аллоҳ *субханаху әт таъвудо*нингина қўрқиши билан қондиришига йўллади ва хоказо. Шунингдек, инсон ўзидаги адovat табиатини шайтонга қаратиш билан қондирмоғи лозим. Агар шундай қilmаса, муҳабbat қўйиш керак бўлган ўринларга адovat қўйиб, гуноҳга ботиши мумкин.

Одатда душманлар бир-бирига имкон қадар зиён етказишига ҳаракат қиласди. Аллоҳ *субханаху әт таъвудо* бу оятда душманимизнинг васвасаларидан эҳтиёт бўлишимиз учун бизга шайтонни танитиб беряпти. Иблиснинг душманлиги бизга тинимсиз васваса қилиб, гуноҳ ишларни зийнатли қилиб қўрсатиши билан бўлади. Шайтонга бўлган бизнинг адovatimiz эса унинг васвасаларига учмаслик ва Аллоҳ *субханаху әт таъвудо*нинг буйруқларида мустаҳкам туриш ҳамда қайтарикларидан сўзсиз қайтиш билан бўлади.

нарсани ёдда тутинг, шояд шунда **тақводор бўлсангиз**", деганимизни **эсланг!**

Эй Бани Исроил! Мусо *алайхис-салам*- Тавротни олиб келганида ундаги топшириқ ва мажбуриятларни бажарасиз, деб аҳд олганимизни эсланг! Сизлар Аллоҳ *субханаху әт таъвудо*нинг Тавротдаги ҳукмларига амал қилишдан ҳамда Мусо *алайхис-салам*-га итоат қилишдан бош тортдингиз!

Аллоҳ *субханаху әт таъвудо* Бани Исроилдан Мусо *алайхис-салам*-га эргашишга, ихлос ва эҳтимом билан Тавротга амал қилишга аҳд олди. Мусо *алайхис-салам*- Тавротни олиб келганларида ундаги Аллоҳ *субханаху әт таъвудо*нинг қўрсатмалари Бани Исроилга оғир тюлди ва уни қабул қилишдан бош тортишиди. Улар яна қабоҳатларини қўрсатишиди. Иш уларнинг устига тоғни қўтариб келишгача борди. Аллоҳ *субханаху әт таъвудо* Жибрил *алайхис-салам*-га Тур тогини қўтариб, Бани Исроил устига олиб боришини буюрди. Жибрил *алайхис-салам*- Тур тогини устларига қўтариб келиб, "Аҳдингизда турсасизми, йўқми?", деганларида Бани Исроил Тавротни қабул қилди. Аллоҳ *субханаху әт таъвудо* уларга Тавротни қатъият, итоат ва жиддият билан қабул қилишни ва ундаги ҳукмларни ёдда тутишни буюрди. Чунки, Таврот ўзида ақида масалаларини мужассам этган эди. Зотан, ҳаётнинг тўғри йўсунда боришини кафолатловчи илоҳий қўрсатмаларни инсон сустлик ва лоқайдлик билан қабул қилиши мумкин эмас.

Демак, самовий китобларнинг нозил бўлишидан асосий мақсад ҳам уни тиловат қилиш билангира кифояланиш эмас, балки жиддийлик ва қатъийлик билан қабул қилиб, ундаги Аллоҳ *субханаху әт таъвудо*нинг ҳукм ва қўрсатмаларига амал қилишдир.

Китобимиз Куръон, деб юрган биз мусулмонлар ҳам Раббимизнинг "Биз сизларга берган нарсани қувват билан маҳкам ушланг ва ундаги нарсани ёдда тутинг", деган сўзларини тиловат қисқас-да, яхуд ва насоролар каби китобимизга жиддият билан ёндашмасдан, ундаги Аллоҳ *субханаху әт таъвудо*нинг буйруқ ва қўрсатмаларини ёдда тутмай ва уларга амал қилмай қўйдик. Куръони Каримнинг аҳкомларига сусткашлик қилиб, ҳудудларига бепарво қарайдиган бўлдик. Мана бу оят эса ҳар бир мўмин киши шариат аҳкомларини жиддият билан қабул қилиши ва уларни доимо ёдда тутиши лозимлигига ишора қилмоқда.

Инсон аҳдга вафо қилиш билан кифояланмасдан, ундаги нарсаларни тафаккур қилиб, ёдда тутиши ҳам зарурдир. Шундагина у аҳдига тўла вафо қилган тақво соҳибига айланиши мумкин. Демак, киши Аллоҳ *субханаху әт таъвудо*нинг аҳдини жиддийлик билан қабул этмас экан, нажот топмайди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд *розвияху анху* бир кишига *сиз олимлари кўп, қорилари оз замонда яшамоқдасиз*, ҳозир Қуръоннинг айрим ҳарфлари зое қилинса ҳам унинг ҳудудлари риоя қилинмоқда. Илм излагандан берадиган кўп. Намозни узайтириб, хутбани қисқа қилиб, хоҳишларидан аввал амалларини бажармоқдалар. Хали одамларга олимлари оз, қорилари кўп замонлар келади, унда Куръоннинг

десалар, бা�ъзи уламолар араб тилидаги "أَنْصَارٌ – كُوْمَاكْشِلَار" сўзидан олинган дейдилар. **Собинлар** ким эканлиги ҳақида муфассир уламолар турли хил фикрларни айтишган. Аввало, бу сўзнинг луғавий маъноси диндан динга ўтишиликдир. Аксар уламолар Макка араблари ичидаги Ислом келишидан илгари бутпарастликни ёмон кўрган, одамларнинг сон-саноқсиз бутларга сигинишини нотўгри санаган, Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ якка деб билган, ота-боболарининг ноҳақ динларидан воз кечган, қалби таскин топадиган йўлни излаб, Иброҳим صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ нинг динида бўлган кишилар – **собинлар**дир деганлар. Шунинг учун мушриклар мусулмон бўлган кишиларни собиин, яъни динидан юз ўтирган ёки "айнинг"лар, деб аташар эди. Колган бা�ъзи уламолар эса эргашадиган муқаррар дини бўлмаган, яхудий ва насроний динидан ажраб чиқиб, фаришталарга ёки юлдузларга ибодат қилган кимсалар деганлар.

«امان» – **иймон келтирса**, яъни иймондан мурод нималигини Росулулоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ куйидаги ҳадисларида марҳамат қилдилар:

Абу Хурайра رَضِيَ اللّٰهُ عَنْهُ ривоят қилдилар: *Бир кун Пайгамбар صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ одамларга гапириб тургандарига олдларига Жибрил أَلَّا يَعْلَمُ إِلَّاهٌ بِهِ مِنْ رَبِّهِ келиб, иймон нима деб сўради. Росулулоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ иймон – Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, У билан йўлиқишига, пайғамбарларига ва қайта тирилишига қалбан ишонишингиздир дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Мана бу ҳадисдан Мухаммад صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ га ёки Куръони Каримга унамаган кимса ҳаргиз мўмин бўлолмаслиги келиб чиқади. Зоро, Мухаммад صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ ни тўгри йўлга бошловчи пайғамбар, деб тан олмай туриб иймон келтириб бўлмагани каби Ислом шариати кўрсатган амалларни қилмай туриб, яхши амал қилиш ҳам мумкин бўлмайди.

Яхуд ва насоролар "Фақат бизгина тўгри йўлдамиз, фақат бизгина нажотга эришамиз", деган даъволарга бурканган эди. Куръони Карим бу оят билан уларнинг ва уларга ўхшаб бундай пуч ҳаёлларга суюнган кимсаларнинг даъволарини йўққа чиқарди ва башариятга инсоннинг насиби пайғамбарга ёки улуг кишиларга боғланиши унинг Охиратда нажот топишга кифоя эмаслигини кўрсатди. Шунингдек, бу оят инсоннинг ўтмиши қандай бўлишидан қатъий назар, агар у қилган ишларидан пушаймон бўлиб, тавба қилса, Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ ва Қиёмат кунига чин қалбдан иймон келтирса, унга тавба дарвозалари очиб берилишига ҳам ишора қилмоқда.

Абдуллоҳ ибн Аббос رَضِيَ اللّٰهُ عَنْهُ бу оят "Оли Имрон" сурасининг 85 – ояти билан мансух бўлган деганлар.

63. Аҳдингизни олганимизни ва устингизга Турни кўтариб, "Биз сизларга берган нарсани қувват билан маҳкам ушланг ва ундаги

– муайян **муҳлатгача** калимаси ҳам дикқатга сазовордир. Гўё Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ "Эй Бани Одам! Ерда қарор топишингиз абадий эмас! Ерда сизларга нимаики неъмат берилган бўлса, абадий эмас! Сизлар бу ерда саройлар, қасрлар қуриб, бемалол бўлиш ўрнига Охират кунига ҳозирлик кўринг! Муайян мухлат тугаши билан хузуримга қайтариласиз! Ердаги ҳаёт сизларга Ҳисоб кунига тайёргарлик кўриш жойи бўлсин!", дегандек бўлади.

Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ – **унда яшаб турган жойларидан** калимаси билан жаннатни мақсад қилган бўлса-да, инсонинг фарази жаннатнинг васфини идрок этишга ожиз бўлгани учун бу ўринда тафсилотларга тўхталаиди.

Одам أَلَّا يَعْلَمُ إِلَّاهٌ بِهِ مِنْ رَبِّهِ қилган ишларининг хатолигини билиб, афсус ва надомат қилиб, Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ тавба қилишни хоҳладилар. Шу вақтда Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ магфиратини сўрашга муносиб сўзларни тополмадилар. Шунда Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ қандай тавба қилиш йўлини ҳам Ўзи ўргатди:



37. *Odam Rabbidan* тавба *калималарини қабул* қилиб, улар билан тавба қилди. Аллоҳ *унинг тавбасини қабул қилди*. У *тавбаларни қабул қилгувчи* ва бениҳоят *Raҳмли* Зотдир.

– тавба қилди калимаси араб тилида надомат билан Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِнинг ғазабига сабаб бўладиган гуноҳ ишлардан Унинг ризосига сабаб бўладиган хайрли амалларга қайтиш маъносини билдиради. Агар عَلٰى ҳарфидан олдин келса, Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ тарафидан тавбани қабул қилиш маъносини билдиради.

Абдуллоҳ ибн Аббос, Убай ибн Каъб, Мужоҳид ва Ато ибн Абу Рабоҳ رَضِيَ اللّٰهُ عَنْهُлардан қилинган ривоятга кўра Одам أَلَّا يَعْلَمُ إِلَّاهٌ بِهِ مِنْ رَبِّهِ қабул қилган калималар куйидагилар эди:



Эй Раббимиз! Биз ўзимизга жавр қилдик, агар бизни кечириб, раҳм қилмасанг, албаттга, зиёнкорлардан бўлурмиз... (Аъроф сураси, 23 – оят)

– *тавбаларни қабул қилгувчи* – Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِнинг гўзал исмларидан бири бўлиб, Куръони Каримда 8 марта, "Бақара" сурасида 4 марта такрорланади. Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ банданинг гуноҳлари ҳар қанча катта бўлишига қарамасдан агар чин қалбдан магфират сўраса ва келгусида ўша гуноҳларга қайтмаса, уларни кечириб, тавбаларини қабул қилгувчи Зотдир. Яхшиям, Аллоҳ سُبْحَانَهُ وَبِحَمْدِهِ шундай сифати борки, У бандаларини тинимсиз магфират қилиб туради. Йўқса, дунё инсоннинг килаётган гуноҳларига тўлиб кетар эди.

Инсон бирвага яхшилик қилса, раҳматига нонқўрлик қайтса ёки унга айтиладиган миннатдорчилик бошқага айтилса, чидаб туролмайди. Аллоҳ *сұбханаху* инсонни яратиб, унга бехисоб неъматлар берса ҳам шукур килиш ўрнига Уни айрим ҳақир нарсаларга тенглаштиради. Аллоҳ *сұбханаху* шу қадар кечиримли ва меҳрибонки, Унга шериклар қилаётган, ҳатто Уни инкор қилаётган кимсаларни ҳам, улар чин қалдан тавба килишса, тавбаларини қабул қилишга тайёрdir.

Дунёда Аллоҳ *сұбханаху*нинг маслагидан ўзга ҳеч бир маслакда кечириш йўқ. Киши ҳаётида Исломга қарши курашиб, динга мислсиз талофатлар келтириб, ҳатто мусулмонларни қатл қилган бўлса ҳам, бир кун келиб Исломга кириб, Аллоҳ *сұбханаху*дан чин қалдан мағфират сўраса, Аллоҳ *сұбханаху* унинг ўтган барча гуноҳларини кечиради. Ўтмишда қилган қилмишлари юзига солинмайди. Шаҳодат калималарини айтиши билан кечагина ўзига ашаддий душман деб билган мусулмонлар уни бағирларига олишади. Ўша заҳотиёқ уларнинг тўла хукуқли биродарига айланади. У Исломда энг хурматли киши бўлиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Умар ибн Хаттоб *резиқлару* *анху* Исломга киришларидан олдин мусулмонларга тиш қайраган ашаддий душманлардан эдилар. Мусулмон бўлишлари тарихига кўра, ҳатто Росулуллоҳ *солаалуу* *аллаху* *саллам* ни ҳам ўлдиришга жазм килганлар. Умар ибн Хаттоб *резиқлару* *анху*дан ўзга ҳеч ким Росулуллоҳ *солаалуу* *аллаху* *саллам* ни танҳо ўзи ўлдиришга жазм қилган эмас. Сингиллари Фотима күёвлари билан мусулмон бўлган эдилар. Уларнинг Росулуллоҳ *солаалуу* *аллаху* *саллам* билан бирга Мадинаи Мунавварага хижрат қилиб кетишларини эшитиб ўйл бўлсин дедилар. Фотима *резиқлару* "Сизлардан кўп зиён кўрдик, энди *сизлар* зиён етказолмайдиган жойга ҳижрат қилиб кетяпмиз дедилар. Умар ибн Хаттоб *резиқлару* *анху* оқ йўл, дегандек яхши етиб олинглар дедилар. Умардан илиқ гап чиқди-я деб таажжубланишиди. Шунда бошқалар Умарнинг эшаги мусулмон бўлиши мумкин, аммо ўзи мусулмон бўлмайди, деди. Умар ибн Хаттоб *резиқлару* *анху*нинг Исломга адоватлари мана шундай даражада бўлган. Хидоят Аллоҳ *сұбханаху*нинг қўлидалиги яна бир бор ўз исботини топди. Аллоҳ *сұбханаху* Расулуллоҳ *солаалуу* *аллаху* *саллам* нинг дуолари шарофати билан Умар ибн Хаттоб *резиқлару* Исломга хидоят қилди. Умар ибн Хаттоб *резиқлару* *анху*нинг Исломлари ниҳоятда гўзал бўлиб, Қиёматга қадар мусулмонларнинг энг севимли биродарларидан бирига айландилар ва ҳатто халифалик даражасига чиқдилар. Ҳеч ким "Умар бизга илгари мана бундай қилган!" Унинг халифа бўлишга ҳаққи йўқ!" демади. Балки барча мусулмон у кишига бир овоздан байъат берди. Аллоҳ *сұбханаху* Умар ибн Хаттоб *резиқлару* *анху*нинг тавбаларини қабул қилгани белгиси сифатида Расулуллоҳ *солаалуу* *аллаху* *саллам* дан ҳаётда жаннати эканлигини эшитиб кетдилар. Бунга ўхаш мисоллар Исломдан ўзга низомларда бундай мисоллар бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Зеро, факат Исломни бизларга дин

шерик қилмай, якка Ўзига ибодат қилиб ўтган бўлса, унга Қиёмат кунида хавф-хатар йўқдир. Мусо *алайхис-* *саллам* замонларида у киши олиб келган Тавротни маҳкам ушлаган ёки Ийсо *алайхис-* *саллам* даврларида у киши олиб келган Инжилни маҳкам ушлаган, Аллоҳ *сұбханаху*нинг ёлғиз Ўзига ибодат қилиб ўтган ва Ислом унга етиб келмасдан дунёдан кўз юмган ҳар қандай киши Қиёматда Аллоҳ *сұбханаху*нинг изни билан жаннатга киради. Аммо Муҳаммад *солаалуу* *аллаху* *саллам* пайгамбар бўлиб, Исломни олиб келганларидан сўнг, аввалда яхудий бўлган Абдуллоҳ ибн Салом ёки оташпараст бўлган Салмон Форсий каби у зотга иймон келтириб, динларини маҳкам тутиб, Аллоҳ *сұбханаху* *аллаху* *саллам* ширк келтирмай, Исломда ўтган кишиларга ҳам Раббилирининг хузурида ажрлари бор. Улар Қиёмат куни абадий саодатда бўлиб, қўркув ва ғамгинликдан узок бўлишади. Зоро, Муҳаммад *солаалуу* *аллаху* *саллам* пайгамбар бўлганларидан сўнг яхудий ёки насроний ё бошқа учун ягона йўл – Росулуллоҳ *солаалуу* *аллаху* *саллам* олиб келган шариатни қабул қилишдир. Аллоҳ *сұбханаху* Муҳаммад *солаалуу* *аллаху* *саллам* олиб келган шариатга мувофиқ бўлмаган амални ҳеч кимдан қабул қилмайди. Бу ҳақда Куръони Каримда марҳамат қилиб:

Ким Исломдан ўзга динни ихтиёр этса, ундан ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиёнкорларданdir дейди. (Оли-Имрон сураси, 85 – оят)

Аллоҳ *сұбханаху* "Аллоҳ қабул қилмайди", демади. Бундай дин уни "Аллоҳ қабул қилмайди", дейишига ҳам нолойиқдир. Шунинг учун Аллоҳ *сұбханаху* мажхул холатда келтирди. Ким Исломдан ўзга динни ихтиёр этса, ўзи ҳам, ихтиёр этган дини ҳам мажхул бўлиб қолаверади ва охиратда ҳам, шубҳасиз, зиёнкорлардан бўлади. Росулуллоҳ *солаалуу* *аллаху* *саллам* кўйидаги ҳадисларида марҳамат қилдилар:

Абу Хурайра *резиқлару* ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* *солаалуу* *аллаху* *саллам* **Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотта қасамки, бу умматдан биронта яхудий ёки насроний мени эшитиб, сўнг мен билан жўнатилган нарсага иймон келтирмай ўлса, дўзах эгаларидан бўлади дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Суфён Саврий каби бальзи муфассир уламолар яхудий, насроний ва собинилар билан ёнма-ён келтирилгани учун – **الذين عاصوا** – **иймон келтирган кишилар** калимасидан мурод зохирда, яъни тил учиди иймон келтирган мунофиқ кимсалар деганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос *резиқлару* бошчиллик бир тоифа муфассир уламолар **яхудий** сўзи араб тилидаги "**مَلَكٌ** – тавба қилмок" феълидан олинган, яъни бузокқа ибодат қилиб, сўнг тавба қилганлар десалар, бошқалар Яъкуб *алайхис-* *саллам* нинг катта ўғиллари **Яхузо** исмидан олинган деганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос *резиқлару* *анху* ва Қатода **насролар** сўзи Ийсо *алайхис-* *саллам* тушган "Носира" кишлоғи номидан олинган

Мана бу оятдаги **яхши нарсани паст нарсага алмаштирасизми?** жумласи дикқатга сазовордир. Ҳаётда ҳам мана шундай яхудийча йўл тутиб, яхши, айло нарсани паст нарсаларга алиштирган кимсалар кўплаб топилади. Ислом динидек саодат сари етаклайдиган адолатли йўлни қўйиб, куфр ва залолат йўлларидан боришини маъкул санаган “доно”лар кўп. Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг йўлидан ўзга йўллар орқали буюк келажакка даъват этадиган файласуфлар ҳар қадамда бисёр. Озгина дунё ва соҳта обрўлар учун иймони, виждони, охиратини бой берган, шунга қарамай бошқаларга ваъз айтадиган динфурушлар ҳозирда тўлиб тошган. Қуръони Карим “Айни ўшалар Исломни куфрга, ҳидоятни залолатга, ҳақиқатни ботилга, мағфиратни азобга, жаннатни дўзахга алиштирган манфур кимсалардир,” дегандек бўлади.

Ўтган оятларда Бани Исроилнинг шармандали ўтмиши ва уларнинг қабих хулқлари, уларга хорлик ва мискинлик битилгани, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг газабига дучор бўлишгани ҳақида баён қилинди. Росулуллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг даврларида у кишига иймон келтирган яхудий сахобалар ҳам бор эди. Уларнинг қалбига “Биз ҳам яхудий бўлсак, бу шармандалиknинг касри бизга ҳам тегармикан”, деган ҳавотирли ўй келиши мумкин эди. Қуръони Карим қуйидаги оятда бундай ўйларига барҳам беради:

62. Иймон келтирган кишилар, яхудийлар, насоролар, собиинлардан кимки, Аллоҳга ва Киёмат кунига иймон келтирса, яхши амаллар қилса, Раббилари ҳузурида уларга ажрлари берилади. Уларга қўрқув йўқдир ва улар гамгин бўлмайдилар¹.

Мұхаммад ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг ёки Ийсо ^{алайхис}_{салам} нинг динидамиз деб даъво қилганлар, яхудлардан ҳам насоролардан ҳам юз ўгириб, малоикаларга ибодат қилган кимсалар – мана шу ва бундан бошқа тоифадан қайси бири, ўтмишда ким бўлганидан қатъий назар, Мұхаммад ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг замонларида ёки у кишидан кейин Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}га ва Қиёмат кунига чин қалбдан иймон келтирса, у киши олиб келган шариатни қабул қилиб, унда кўрсатилган яхши амалларни қилса, уларга амалларининг савоби Раббилари ҳузурида тўлатўкис берилади. Бундайларга дунёда қўрқув йўқдир ва улар ҳамма гамгуссага ботиб турадиган Қиёмат кунида ҳам гамгин бўлишмайди.

Демак, киши қайси замонда яшамасин, у хоҳ яхудий, хоҳ насроний ё собиинлардан бўлсин, ўз замонасининг пайғамбарига ва у олиб келган китобга сидқидилдан иймон келтирса, улардаги Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилиб, Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}га бирон нарсани

¹ Мана бу оятнинг тафсирини ўрганишда 38 – оятнинг тафсирига қайта мурожаат килиш тавсия этилади.

бўлишини ирова этган Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}гина тавбаларни ҳақиқий қабул қилгувчиdir.


Бошқа маслакларда умр бўйи содик хизмат қилиб, фақат бир кун, фақат бир марта хато қилинса, кечирилмайди. Бир зумда энг ёмон одамга айланади. Энг шарафли одам бўлиш тутул, хеч бўлмагандан ўзга диёрларга саёҳат қилиб келиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлиб яшайди. Қаерда қандай жиноят содир бўлса, биринчи бўлиб ўшандан гумон қилинади. Агар ҳақиқий жиноятчи топилавермаса, жиноят унинг бўйнида қолиб кетади. Исломдан ўзга маслакларда адолат айни шудир.

– **тавбаларни қабул қилгувчи** сифатидан кейин – **Раҳмли** сифатининг келиши эътиборга моликдир. Гўё “Эй бандалар! Агар чин қалбдан тавба қилсангиз, нафақат Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}нинг мағфиратига сазовор бўласиз, балки Унинг бепоён раҳматидан ҳам бонасиб бўласиз,” демоқда.


Уламолар тавбанинг қабул бўлиши учун куйидаги тўрт нарсани шарт килишган:

- 1) қилинган гуноҳдан зудлик билан қайтиш;
- 2) қилган ишидан қаттиқ пушаймон бўлиш;
- 3) ўша ва ундан бошқа гуноҳларни қайтиб қилмаслик;
- 4) қилган гунохининг эвазига солиҳ амаллар қилиш.

Бу оят банда қилган ишининг гуноҳлигини билган заҳотиёқ зудлик билан Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}га тавба қилиши даркорлигига ишора қилмоқда. Зоро, ўтган ва келажакда қиладиган гуноҳлари кечирилган Росулуллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}дан кўп истиғфор сўраб, тавба қилганлари ривоят қилинган.



Абу Хурайра ^{розвияху} ривоят қилдилар: *Rosuлуллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю} Аллоҳга қасамки, мен бир кунда Аллоҳ ^{субханаху}_{ва таъаю}га етмиш мартадан кўп истиғфор айтаман ва тавба қиласман дедилар.* (Ином Бухорий ривояти)



38. **Ҳаммангиз ундан ерга тушинглар. Сизларга Мен тарафимдан ҳидоят келганида ким ҳидоятимга эргашса, уларга қўрқув йўқдир ва улар асло гамгин бўлмайдилар, дедик.**

Эй Одам ^{алайхис}_{салам}! Ҳаммангиз жаннатдан Ерга тушинг! Қачонки Сизга Мен тарафимдан пайғамбар қелиб, сизларни Менга яқин қиладиган ҳидоятга бошловчи китоб олиб келса, унга эргашинг! Ким пайғамбарим ва китобимга иймон келтириб, ҳидоятимга эргашса, унга амал қилса,

уларга дунёда хавф-хатар, кўркув йўқдир. Улар ҳамма ғам-гуссага ботиб турадиган Охират кунида ҳам асло ғамгин бўлмайдилар!

Хидоятга эргашиш – Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ* тарафидан шу ҳидоятни олиб келган пайғамбарларга эргашиш демакдир. Пайғамбарга эргашган киши кўрқмаса ҳам бўлади. Зоро, у пайғамбарга эргашиш билан ҳақиқий душмани бўлган Иблисни мағлуб эта олгандир.

Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳидоятини ўзига лозим тутган мўмин қишилар хаёти ваҳима, кўркув ва ҳадиксиз ўтади. Улар ҳатто дорнинг остида ҳам руҳан хотиржам туришади. Чунки улар кўрқишига якка Ўзи лойик бўлган Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*дан кўрқиб, фақат Унинг ҳидоятига эргашиб яшашади. Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳидоятидан ўзга барча йўллар, номи қандай бўлишидан қатъий назар, валдиrvаса йўллар, деб эътиқод килишади.

Ушбу оятнинг мазмуни Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳидоятига эргашиш – дунёда хатарсиз яшашинг ягона йўли эканини кўрсатмоқда. Зоро, Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳидоятидан ўзга йўлларга эргашган кимса ҳаётда бирлаҳза ҳам хотиржам бўлолмайди. Мана бу очик ҳақиқатни тан олгиси келмай, Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳидоятини ҳаётдан четта суриб қўйиб, дунёда хавф-хатарсиз, тинч-тотув яшашга чақираётган субутсиз кимсалар ҳар қадамда топилади. Ўшандай бетавфик кимсаларни бир текширинг! Аввало, улар Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳидоятисиз тинчлик ва осойишталикни кисман ва фақат зулм билан ушлаб туришади. Қолаверса, ўзлари ҳаётда бирлаҳза бўлса ҳам хотиржам бўлолмай, чумоли ҳам кўзларига фил бўлиб кўриниб, ҳатто кўланкаларидан ҳам кўрқиб яшашади. Чунки, улар кўрқиши зарур бўлган Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*дан кўрқмай Унинг ҳидоятидан ўзга залолат йўлларида юришади.

Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ* отамиз Одам *алайхис салам* нинг воситасида инсониятга Иблис билан Қиёматгача бўладиган курашда қандай қилса, голиб бўлиши ва қандай қилса, мағлуб бўлиши мумкинлигини таълим берди. Шу билан инсон ва Иблис ўртасида Қиёматгача давом этувчи, абадий кураш ўзининг асл майдонида ҳал қилувчи паллага ўтди. Демак, инсонинг ерда икки йўли бор. Бири – Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳидоятига эргашиб, Унга итоат қилиш ва дунёда хавф-хатарсиз осуда яшаб, Охиратда ҳам ғамгин бўлмай, Тангрининг ризосига эришиш. Иккинчиси Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳидоятидан юз ўгириб, Иблиснинг йўлларига юриш ва дунёда ҳавотири ваҳима ичида яшаб, охиратда ҳам ғам-гуссага ботиб, абадий зиёнга юз тутиш. Бу икки йўлнинг қайси бирини танлаш ихтиёри инсоннинг ўзида.

Бу оятдаги **мен** – **мен** тарафимдан ҳарфи дикқатга сазовордир. Гўё Аллоҳ *субҳанаху* "Эй бани Одам! Сизлар аввал қайси нарса ҳидоят – тўғри йўл эканини яхши билинг! Ҳидоят фақат Мен тарафимдан бўлади. Яна ўзингизга ўхшаш ожиз кимсалар томонидан тузилган ҳар хил келажаги

улар Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг мўъжизаларига гувоҳ бўлишларига қарамай, Унинг оятларини инкор этишиди, маъсиятнинг барча турларига муккасидан кетишиди ва Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг ҳудудларини поймол қилишиди. Ҳеч қайси бир миллат килмаган даҳшатли жиноят – уларни ҳидоятга, ҳақиқат йўлига чорлаб келган Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг улуг пайғамбарлари – Закариё ва Яҳё *алайхис салам*-ларни зулман ноҳақ ўлдиришиди, баъзиларини аррадан ўтказишиди, баъзиларини кувгин қилишиди. Итоатсизлик ва тажовузкорлик йўлини тутиб, дунёга хирс қўйишиди ва ҳаволарига эргашиб, гуноҳларга кўмилишиди. Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг неъматларини менсишмади.

Шу сабабдан уларга хорлик, нафрат, мискинлик ўраб қўйилди. Ҳар канча бой бўлса ҳам каноат килмайдиган еб тўймасликдек тузалмас касалликка дучор бўлишиди. Яхудлар барча замонда бойликка энг ўч ҳалқ сифатида танилган. Мол дунёга ҳарис бўлиб, уни қўлга киритишида ҳар қандай хорлик ва шармандаликдан қайтишмайди. Кўзлари ҳамиша дунёга оч. Мол-дунё йўлида ҳеч кимга эл бўлишмайди. Шунинг учун улардан ҳамма нафралланади, доим хорлашга ҳаракат қиласи. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мана шу сабабли Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг газабига ҳам гирифтор бўлишиди.

Гарчанд бундай қабиҳ феъллар Мусо *алайхис салам* даврларидағи яхудлардан содир бўлган бўлса-да, бундай нонкўрлик, яхшиликни билмаслик, Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг оятларини инкор қилиш, зулм, очкўзлик, саркашлиқ каби разил табиат замонамизда учрайдиган яхудларга ҳам аждодларидан мерос қолган. Илоннинг боласи бари бир илон, чаённинг боласи чаён бўлиб чакқани каби яхудий қачон ва қаерда бўлмасин, бари бир яхудийдир.

Текширинг, қаерда Ислом ва мусулмонларга нима талофат етган бўлса, ўша ерда яхудийнинг қўли борлигини топасиз. Дунё талашиб, бошқа бир ҳалқ устига қора кунларни солишиди. Килган ёвузиликларини оқлаш учун озодлик ва эркинлик ҳақида бошқаларга эс ҳам бўлишади. Дунёлари кўпайган сари тутғёнлари ҳам ортиб боради. Аллоҳ *субҳанаху әт таъвоҳ*нинг итоатидан ташқарига чиққанлари учун умрлари доимий ҳадикда ўтади. Шунинг учун айрим тутғёнкор ҳалқлар пинжига суқилиб ҳаёт кечиришиди. Ўзга ҳалқлардан ҳеч иззат кўришмайди. Доим хор ва тутғёнкор бўлиб яшашади.

Бани Исроилни Фиръавн зулмидан қутқарган, улар учун денгизни йўлакчаларга бўлган, бузокқа ибодат қилганларида, ҳатто "Аллоҳни ошкора кўрмагунимизча иймон келтирмаймиз", десалар ҳам кечирган, осмондан ҳалво ва бедана гўштини туширган, тошдан чашмаларни чиқариб берган ва бошқа кўплаб марҳаматлар кўрсатган Зотни "Раббимиз" дейишга тиллари бормай, Мусо *алайхис салам*-га "Раббингга дуо қил" деб хитоб қилишиди.

ўсадиган, кийинчилик билан эришиладиган қадри паст нарсаларга алиштирасизми?" деди.

Яхшиликни билмайдиган Бани Истроил одатий шаккоклигини давом эттириди. Улар Аллоҳ сұбханалу берәётган тайёр ризкларини ёктиримай қолишиди. Уларнинг мизожлари бузук эди. Асалга ўхшаш ҳалвони, паррандалар гүшти ичида энг мазали бўлган бедана гўштини ёктиришмади. Унинг ўрнига бодринг, саримсоқ, мөш ва пиёз талаб килишиди. Бу унча ҳам таажжубли эмас, чунки акли бузукнинг мизожи ҳам бузулур. Уларга мөш ҳалводан, саримсоқ бедана гўштидан мазали туюлди. Шу сабабдан бузук мизожларига мос нарсани талаб этишиди. Нақадар бефаросатлик! Нақадар нонқўрлик!

Росулуллоҳ сұлтаны аҳлалық га Куръони Карим нозил бўлаётган чогда яхудлар ўзларининг ахли китобликлари билан мактанишар эди. Улар ўзларини Мухаммад сұлтаны аҳлалық ва у кишига иймон келтирган сахобалардан устун кўйишар эди. Аслида эса бошқа бирон бир уммат тарихи Бани Истроил тарихича фасод, куфр, нонқўрлик билан тўлган эмас. Хеч бир миллат тарихи бунчалар шармандали ва нафратланарли эмас. Бани Истроил ўтмиши улар мактанганидек эмаслигини Ислом умматига билдириш учун бўлса керак, бу оятда уларнинг тарихидан шармандали бир парча баён қилинди.


Баъзан инсон ўз юртида диний қарашларини эркин ифода этолмайди. Турли хил диний тазииклар ичида яшайди. Фарзандларини ўзи хоҳлаганидек эркин тарбия қилиш имконияти бўлмайди. Шунда динини сақлаш, иззат ва қароматга эришиш мақсадида бирон жойга ҳижрат қилишга мажбур бўлади. Табиийки, у ерда уйидаги шароитлар ва қулайликлар муҳайё бўлмайди. Ўз юртида еб юрган баъзи нарсаларни топмаслиги мумкин. Лекин ундан кўра муҳимроқ диний эркинлик, хотиржамлик, иззат каби ҳар жойда топилмайдиган нарсаларга эришади. Ҳижрат қилиб келишидан асл мақсад нималигини яхши англамаган, қалбига дин қайғуси чуқур ўрнашмаган кимсалар юртида сероб бўлган пиёзу саримсоқларни кўмсаб, овқатга қўшиб ейиладиган баъзи зираворлар каби арзимас нарсаларнинг етишмаслигидан шикоят қилишади. Кўлга киритган барча диний ютуклар, хотиржамлик, иззат каби неъматларни унутиб, уларни оддий нарсаларга алиштириб қўйишади.

Бани Истроилга ҳам айни шу табиат ўrnаган эди. Аллоҳ сұбханалу уларга боболарининг юрти бўлган улуғ ва муқаддас шаҳар – Байтул Мақдисни насиб қилиш арафасида турганида аввал қул бўлиб яшаган диёрдаги сабзвотларнинг қайғусини қилишиди. Пиёз, саримсоқ ва бошқа емишлар хоҳлаган шаҳардан топилар эди. Бироқ, дин, иззат ва қаромат ҳар жойда ҳам топилмас эди. Бани Истроил шу ҳақиқатни тушинишдан бош тортди. Аллоҳ сұбханалу бундай нонқўр кимсаларга хорлик ва мискинликни бамисоли чодир қилиб, ўраб қўйди. Нима учун? Чунки

“порлоқ” йўлларни тўғри деб, уларга эргашиб кетманг! Ундай йўллар сизни айни хатарга ва дунёю охират баҳтсизлигига бошлайди”, демокда.

Аллоҳ сұбханалу Куръони Каримнинг 13 ўрнида **уларга қўрқув йўқдир ва улар** асло **гамгин бўлмайдилар** жумласини такрорлайди. “Бақара” сурасида бу жумла олти марта такрорланади. **لَا هُمْ بِحَرْثَنَ** – **гамгин бўлмайдилар** калимасининг келаси замонда келиши дунёда Аллоҳ сұбханалу нинг ҳидоятига эргашган, амрларини бажариб, қайтарикларидан қайтиб яшаган кишилар Охират кунида ҳам гамгин бўлмаслигини билдиради.

Шайтон билан бўладиган жангда Аллоҳ сұбханалу нинг ҳидоятини қалқон қилган кишиларнинг зикридан сўнг қуидаги оятда ҳидоят билан ҳимояланишдан бош тортган баҳтсиз кимсаларнинг мағлубият сабаблари келтирилади.



39. **Оятларимизни инкор қилган ва уларни ёлгон санаган кимсалар ўшаларгина дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолувчиidlар.**

Аллоҳ сұбханалу нинг шариатини инкор қилган, ҳидоятига эргашибдан бош тортган, пайғамбарларининг йўлига юргаган, “Куръони Карим ҳозирги замон талабига жавоб бермайди, унинг ҳукм ва кўрсатмалари дунёвий жамиятга ярамайди”, деган кимсаларнинг борадиган жойи битта, у ҳам бўлса жаҳаннамдир. Ундан кутуолмайдилар, ҳеч ким уларга ёрдам ҳам беролмайди. Аллоҳ сұбханалу тарафидан келган ҳидоятни қабул қилимай, инкор этган, ёлгон санаган кимсалар Иблисга мағлуб бўлишлари муқаррардир. Бунинг натижаси ўлароқ, улар дўзахда абадий қолишиди. Бундай кимсалар жаҳаннам азобида абадий қолгани учун Аллоҳ сұбханалу дўзахнинг ягона эгаси бўлишига қарамасдан уларни **أصحابُ الدُّرَّ – дўзах эгалари** деб масхара киляпти.

Инсон ер юзига Аллоҳ сұбханалу тарафидан халифа қилинди. Энди у адашиш оқибати нималарга олиб келишини, унинг ҳақиқий душмани ким эканини билди ва қилган ишидан пушаймон ҳам бўлди. Хато қилганидан кейин Аллоҳ сұбханалу га тавба қилишни ўрганди. Буларнинг ҳаммаси инсон учун Қиёматгача муҳим, ибратли дарс бўлди. Демак, Аллоҳ сұбханалу нинг инсонга берган аҳди – ким ҳидоятга эргашса, унга ҳавфу гам йўқдир. Ким уни инкор этиб, ёлгон санаса, унинг жойи то абад дўзахда бўлади. Халифа қилинишидан илгари жаннатда бўлиб ўтган воеа тарбия бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас.

Куйидаги оятдан бошлаб Бани Истроил тўғрисида ҳикоя қилинади. Маълумки, Иброҳим алайхис-салам нинг авлодлари тўнгич ўғиллари Исмоил алайхис-салам ва иккинчи ўғиллари Исҳоқ алайхис-салом лардан тарқалган. Араб яриморолини ўзига ватан қилган Исмоил алайхис-салам нинг авлодларидан Курайш ва бошқа араб қабилалари тарқалган. Иброҳим алайхис-салам нинг Исҳоқ алайхис-салам дан бўлган

набиралари Яъқуб *алайхис салам* нинг 12 та фарзандидан тарқалган авлод, яъни яхудийлар Бани Исройл деб юритилади. Исройл – Яъқуб *алайхис салам* нинг лақабларири.

Аллоҳ *сұбханаху әт таваҳу* ўтмишда Бани Исройлга жуда кўп неъматларни берди. Кейинги авлод бу неъматларнинг шукронасини қилолмади. Улар Аллоҳ *сұбханаху әт таваҳу* нинг неъматларини ўжарлик ва шаккоклик билан кутиб олишди. Баъзан тавба қилишиб, кейин эса яна шаккокликларида давом этишиди.

Аллоҳ *сұбханаху әт таваҳу* Бани Исройлга сочган неъматларини ҳамда уларга берилган аҳдни эслатади. Улар бу аҳдни бузишгач, улардан ернинг халифалиги олиб қўйилгани баён қилинади. Бу билан Ислом миллати ҳам агар хилофат шартларига риоя қилмаса, уларнинг бошларига ҳам Бани Исройлнинг куни тушишлигига ишора қилинади. Умуман, "Бақара" сурасидан бошқа сураларда ҳам Бани Исройл ҳақидаги оятлар кўп учрайди. Бунинг боиси, уларнинг аянчли ўтмишидан Ислом миллати ўзи учун сабоқ, ибрат ва насиҳат олишлиги кўзда тутилган.



40. Эй Бани Исройл! Сизларга инъом қилган неъматларимни эсланг ва аҳдимга вафо қилинг, шунда Мен ҳам аҳдингизга вафо қиласман. Мендангина қўрқинг!

Эй улуғ пайғамбар бўлмиш Исройл *алайхис салам* авлоди! Сизлардан кўп пайғамбарлар чиқардим. Тавротни ҳам сизларга нозил қилдим. Ундан илгари Фиръавиннинг зулмидан, денизга гарк бўлишдан кутқардим. Сизларга тошдан булоқлар чиқардим, осмондан турли ноз-неъматларни ёғдирдим. Ўша замонда хеч кимга бермаган нарсаларни сизларга бердим. Сизларга ва ўтмишда аждодингизга берган мана шу ва бундан бошқа Куръони Каримда ёд қилинган беҳисоб неъматларимни эсланг! Билингки, неъматларни эслаш уларни қалб ва тил билан тан олиб, бадан билан Мен суйган ва рози бўлган амалларни бажариш билан бўлади.

Боболарингиз Исройл *алайхис салам* дек буйруқларимга фармонбардор бўлинг! Ахир Тавротда Муҳаммад *алайхис салам* нинг сифатлари мавжуд-ку! "Муҳаммад *сөнгатилю* га, Куръони Каримга иймон келтириб эргашасиз, амрларимга бўйсунасиз, гуноҳ ишлардан қайтасиз", деб сизлардан аҳд олган эдим-ку! Ўша аҳдимга вафо қилинг! Агар аҳдимга вафо қилиб, Муҳаммад *алайхис салам* га иймон келтириб, солиҳ амаллар қилсангиз, Мен ҳам гуноҳингиздан ўтиб, розилигимга мушарраф килиб, жаннат билан мукофотлайман, деган аҳдга вафо қиласман.

Аҳдга вафо қилиш осон эмас. Бу йўлда инсонни қўрқитадиган жуда кўп тўсиклар мавжуд. Буларнинг хеч биридан қўрқмай, факат Аллоҳ *сұбханаху әт таваҳу* дангина қўрқишилик лозим. Шундагина мақсадга, яъни Аллоҳ *сұбханаху әт таваҳу* га берган аҳдга вафо қилишга эришиш мумкин. Зоро, кишини

кузатсангиз, сизни ҳам ўшалар каби "одам" деб аташларидан хижолат бўласиз.

Исломий тасаввурга эга бўлмаган кимсалар "Қандай қилиб тошдан чашма, бўлиб ҳам ўн иккита чашма отилиб чиқади", деб Аллоҳ *сұбханаху әт таваҳу* нинг мўъжизасини шубҳа остига олиши мумкин. Бундай кимса кўзини бир очсин! Унга кўринаётган қайси нарса мўъжиза эмас?! Уларнинг қайси бири тошдан чашма чиқариш мўъжизасидан кам?! Унинг кўз олдидағи мўъжизалар давомий бўлганидан мўъжизалик кайфиятини йўқотган, холос.

Урилган тош ҳақида турли хил фикрлар айтилган. Аммо бу тошнинг қандайлиги ҳақида на бирон оят ва на бирон саҳиҳ ҳадис келган. Бинобарин, бу тошнинг кайфиятини билиш бизга фойда келтирмагани каби, билмаслик ҳам зиён келтирмайди. Муҳими, Мусо *алайхис салам* урган тошдан Аллоҳ *сұбханаху әт таваҳу* нинг курдати билан ўн икки чашма отилиб чиқди.

Одатда, ризк-рўзнинг мўл-кўл бўлиши иймонсиз кимсаларни бузгунчилик йўлига етаклади. Йўқчилик ва етишмовчилик даврида одамлардан бузгунчилик ҳаракатлари кам содир бўлади. Бироқ, емоқ-ичмоқлари сероб бўлган ҳолатга етишгач, бу улар учун бир имтиҳон эканини унтутиб, исрофу бузгунчилик йўлига кириб кетишиади.

61. Эй Мусо бир хил *таомга ҳаргиз чидолмаймиз, Раббингизга дуо қилинг*, бизга ер ундирадиган сабзвотлардан, бодринг, саримсоқ, мош ва пиёз кабилардан чиқариб берсин, деганингизни эсланг! Мусо яхши нарсани паст нарсага алмаштирасизми?! Истаган шаҳарга тушинглар, унда сизлар учун сўраган нарсангиз, албатта, бор деди. Уларга хорлик ва мискинлик ўраб қўйилди ҳамда Аллоҳнинг газабига дучор бўлишиди. Бунга сабаб Аллоҳнинг оятларига коғир бўлгандарни ва пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганлариди. Бунга сабаб осий бўлгандарни ва ҳаддан ошганлариди.

Эй Бани Исройл! Пайғамбарингизга "Эй Мусо! Бу ҳалво ва бедана гўшти жонимизга тегди-ку! Биз доим бир хил таомни истеъмол қиласверамизми? Ҳадеб бир хил таом еб зерикдик, энди бас! Раббинга дуо кил, бизга ерда униб-ўсадиган турли сабзвотлардан чиқариб берсин", деганингизни эсланг! Мусо *алайхис салам* сизларга "Бундай мазали ҳалво ва бедана гўштидан кўра сабзвотларни, бодрингу саримсоқни, мош ва пиёзни афзал қўрдингизми? Шундай лаззатли нарсаларни оддий нарсаларга алмаштирасизми? Бу Аллоҳ *сұбханаху әт таваҳу* дан сўрашга арзигулик нарса эмас! Бундай нарсалар ноёб ҳам эмас, хоҳлаган шаҳарга тушсангиз, истаган жойингиздан сўраган нарсангизни топасиз-ку? Аммо ҳалво ва бедана гўштини топа олармикансиз? Осмондан тушаётган, меҳнат ва машаққатсиз эришаётган ризқингизни ерда

Аллоҳ сұханаху да табебе Бани Истроилга саҳрода берган неъматлари орасида улар учун әнг зарурий ва топилиши әнг қиин бўлган сув неъматини ҳам мўъжиза суратида берган эди:

60. Мусо ҳалқига сув тилаганды "Асоингиз билан тошни уринг", деганимизни эсланг! Шунда ундан ўн иккита чашма отилиб чиқди. Ўн икки қабиладаги барча одамлар ўз чашмаларини билди. Аллоҳинг ризқидан енглар, ичинглар ва ерда бузгунчилар бўлиб ёвузлик қилманглар!

Эй Бани Истроил! Саҳрода сувсаб, сув сўраган пайтингизда Мусо алайхис-салам Аллоҳ сұханаху да табебе га дуо қилиб, сизлар учун сув тилаганини эсланг! Ўшанда Биз Мусо алайхис-салам нинг дусини ижобат айлаб, асоси билан тошни уришга буюрдик. Мусо алайхис-салам урган тошдан сизлар учун ўн икки чашма отилиб чиқди. Барчантиз ўзининг сув ичиш ўринини билиб олди. Сизнинг меҳнатингиз сингмаган, балки Аллоҳ сұханаху да табебе томонидан ризқ қилиб берилган ҳалво ва бедана гўштидан еб, мана бу чашмаларнинг сувидан ичинг! Аммо, ерда бузгунчи бўлиб ёвузлик қилманг! Аллоҳ сұханаху да табебе нинг сизларга берган ризқ-рўзи ерда бузгунчилик қилишингизга сабаб бўлмасин!

Аллоҳ сұханаху да табебе шунчалар саркаш ва шаккок Бани Истроилдан яна марҳаматини узмади. Бани Истроил саҳронинг жазирама иссигида сувсаб Мусо алайхис-салам нинг олдига борди. У киши сув сўраб, Аллоҳ сұханаху да табебе га илтижо қилдилар. Шунда Аллоҳ сұханаху да табебе Мусо алайхис-салам га асолари билан тошни уришга буюрди. Маълумки, саҳрода сув – әнг зарурий эҳтиёж бўлиб, жазирама иссикда чашма чиқариб бериш эмас, бир қултум сув беришнинг ўзи улкан марҳамат хисобланади. Мусо алайхис-салам қўлларидаги асо билан бир тошни урганларида, ундан ўн икки чашма отилиб, булоқ бўлиб чиқди.

Бани Истроил Яъкуб алайхис-салам нинг ўн икки ўғлидан тарқалган бўлиб, улар қабилавий услубда, ўн икки қабилага бўлиниб, ҳаёт кечиришар эди. Чашманинг ўн иккита бўлиши айни муддао эди. Ҳар бир қабила ўзи учун алоҳида чашмага эга бўлди. Ҳеч ким бир-бирига озор етказмай, бир-бирини ранжитмай ўзига ажратилган ўриндан сув ичадиган бўлди.

Ҳар бир жамоа сув ичадиган ўз ўринини билиши бу катта неъматdir. Одамларга бирон текин нарсани тақсимланишига гувоҳ бўлганимисиз? Бу ҳол атрофдан кузатилганда нақадар хижолатли! Гарчанд бериладиган нарса ҳаммага етарли бўлса-да, инсон худди унга етмай қоладигандек ўзгаларга зулм қилиб бўлса ҳам, биринчи бўлиб, кўпроқ олишга интилади. Сиз "Ҳаммага етади, тартиб, осойишталик билан бировга озор етказмай ўзингизга яраша олинг," деб ҳар қанча гапирманг, бу гапингизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким эшитмайди. Сизга қўзингизга кириб кеткүдек, илинган нарсани тортишга шай қўллардан бошқа нарса кўринмайди. Бу вақтда ким бақувват бўлса, ютуқ ўшаники. Атрофдан

фақат Аллоҳ сұханаху да табебедан қўрқиши Унинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, гуноҳ ишлардан қайтишга мажбурлайди.

Биз юқоридаги оятларда танишиб ўтган Одам алайхис-салам нинг яралиши ва у кишига доир бошқа воқеаларни яхудлар ҳам Тавротдан билишар эди. Шунинг учун Куръони Карим мана бу оятдан бошлаб Аллоҳ сұханаху да табебенинг бутун башариятга кўрсатган неъматларини эслатиш орқали "Китобимиз Таврот", деб аҳли китоблик иддаосини қилган яхудларга Бани Истроилга хос бўлган неъматларни эслатишга ўтади. Биробарин, Аллоҳ сұханаху да табебе яхудларга энг улуг пайғамбарлардан бирининг авлоди эканини эслатиш билан Муҳаммад сөзларху да салом ва у кишига әргашган саҳобаларга қарши қилаётган макрлари ва бошқа номаъқул қилмишлари уларга номуносиб эканини эслатгандай бўлади.

وَعَلَمُوا يَمَّا آنْزَلْتُ مُصَدِّقًا لِّمَا مَعَكُمْ وَلَا تَكُونُوا أَوْلَىٰ كَافِرَيْهِ وَلَا تَشْرُوْبُوا بِإِيمَنِي شَمَّا قَلِيلًا وَلَا يَنْفُونَ

41. Мен сизлардаги Тавротни тасдиқловчи ҳолатда туширган Куръонга иймон келтиринг ва уни инкор этивчиларнинг биринчиси бўлманг! Оятларимни озгина баҳога сотманг ва Мендангина қўрқинг!

Эй Бани Истроил! Мен сизларга нозил этган Тавротни тасдиқлаган ҳолатда туширган Куръони Каримга иймон келтиринг! Куръони Карим оятларини аҳли китоблардан биринчи бўлиб сизлар эшитяпсиз! Бу китобни инкор этиб, унга биринчи бўлиб кофир бўлманг! Ахир китобингизни тасдиқлаб келган Куръони Каримга кофир бўлиш – Тавротга кофир бўлишнинг айни ўзи-ку! Куръони Каримга биринчи бўлиб иймон келтириш сизнинг вазифангиз-ку! Агар Тавроту Инжилга иймон келтиришни истасангиз, Куръони Каримга иймон келтиринг! Йўқса, Тавротга ҳам кофир бўласиз! Самовий китобларнинг бирига ёки бирон бир пайғамбарга кофир бўлиш – уларнинг баражасига кофир бўлиш демакдир! Бошқаларга қараганда сизлар Муҳаммад сөзларху да салом нинг охирзамон пайғамбари бўлиб келиши ҳақида кўпроқ биласиз! Муҳаммад сөзларху да салом нинг пайғамбар эканлигини ҳаммадан илгари билиб, ҳаммадан илгари инкор қилманг! Муҳаммад сөзларху да салом нинг барҳақ пайғамбарлигини ва Куръони Карим – Аллоҳ сұханаху да табебенинг қаломи эканини била туриб, кофир бўлманг! Оятларимни озгина пулга сотманг! Агар, аҳли китоблик даъволарингизда содик бўлсангиз, дунёдаги ҳар хил соҳта мансабу обрўларни деб Тавротдаги Муҳаммад сөзларху да салом ни тавсиф этган оятларимни ўзгартириб ё беркитиб, дунёнинг озгина, арзимас матосига пулламанг! Аллоҳ сұханаху да табебенинг пайғамбари ва у киши олиб келган Қитобига иймон келтиришни озгина ва арзимас дунёга алмаштируманг! Дунёнинг матоси ҳар қанча кўп бўлишига қарамай охират матоси олдида оздир! Иймон ва солих амал учун Охиратда бериладиган мукофот олдида бутун олам ҳам арзимас!

Дунёда Исломдан бошқа барча маслаклар ботил мафкураларини илгари суриш учун ўзидан аввал ўтган тузумни қоралаб, шундан кейингина ўз йўлини ўрнатади. Ўзидан аввалги йўлни қораламай туриб, ўз манҳажини куролмайди. Йўк бўлганига бир қанча йиллар бўлган, қолаверса, одамларнинг ёдидан кўтарилган тузумларни тез-тез ёмонлаб турилмаса, фақат ёлғонга қурилган чирик маслакларнинг нималиги ҳаммага аён бўлиб қолади. Шунинг учун бундай бемаъно манҳаж эгалари бошқа йўлларни тинимсиз ёмонлашдан асло хоримайди. Текширинг, Исломдан бошқа қайси манҳаж ўзини кўрсатиш учун бундан ўзга йўлни туттган?

Фақат Исломгина бундай эмас. Ислом тарихида Одам ^{алайис}_{салом} дан Мұхаммад ^{сөзларху}_{алахи ал} гача бўлган барча пайғамбарлар ўзларидан аввал ўтган пайғамбарларнинг йўлларини тасдиқлаб, такомиллаштириб келган. Мұхаммад ^{сөзларху}_{алахи ал} га нозил бўлган Куръони Карим самовий китоблар силсиласида сўнгти китоб бўлди. Бу китоб ўзидан илгари нозил бўлган Таврот, Инжил, Забур каби китобларнинг ҳам самовий эканини тасдиқ этди. Ёлгиз Аллоҳ ^{субханаху}_{да таваҳуд}га ибодат қилишга, одамлар орасида адолат қилишга, гуноҳлардан тийилишга чақиришда Куръони Карим ҳам Таврот ва Инжилга ўхшашиб ёди. Унда ҳам тавҳид, ширк, пайғамбарлик ва шу каби илоҳий тушунчалар муфассал баён қилинган. Шунга кўра Ислом дини пайғамбарларга ва уларга нозил бўлган китобларга иймон келтириш – диннинг ажралмас бир бўлаги, деб билади. Шунинг учун ўзидан аввалги самовий китобларни тасдиқлаб келган Куръони Каримга иймон келтириш – нафақат ақлга мувофиқ, балки айни ҳикмат ҳамдир.

Аҳли китоблар Таврот ва Инжилда Мұхаммад ^{сөзларху}_{алахи ал} ҳакларида мақтовли сўзлар борлигини, у кишининг охирзамон пайғамбари эканини жуда яхши билишар ёди. Улар мушрикларга қарши урушга кириш олдидан яқин вақтларда келиши кутилаётган охирзамон пайғамбарини восита қилиб, Аллоҳ ^{субханаху}_{да таваҳуд}га дуолар ҳам қилишар ёди. Таврот ва Инжилда ҳам аҳли китобларни бу пайғамбарга иймон келтиришга, унга нозил бўлган Куръони Каримга эргашишга буюрилган. Демак, Куръони Каримга биринчи бўлиб аҳли китоблар иймон келтириши керак ёди. Бунинг акси хеч бир мантikkа сифмайдиган, ўта шармандали бир ҳодтир.

Росулуллоҳ ^{сөзларху}_{алахи ал} пайғамбар бўлиб келгандарида аҳли китоблар раёсат ва нуфузларидан ажралиб қолишдан чўчишиди. Ўз мавкеъларини мустаҳкамлаш ва халқ орасидаги обрўларини сақлаб қолиш мақсадида Каъб ибн Ашраф, Хуяй ибн Ахтоб каби яхудларнинг катталари Росулуллоҳ ^{сөзларху}_{алахи ал} нинг пайғамбарликларига далолат қилган Тавротдаги хабарларни ўзгартириб ташлашди. Сохта обрўларга интилиш йўлида яхудлар томонидан Таврот оятларининг яширилишини Аллоҳ ^{субханаху}_{да таваҳуд} оятларни арzon гаровга пуллаш, деб баҳолади.

59. Зулм қилган кимсалар уларга айтилган сўзни бошқасига алмаштиреди. Аллоҳнинг ҳукмидан огаётганликлари сабабли Биз зулм қилганлар устига осмондан жазо туширдик.

Аллоҳ ^{субханаху}_{да таваҳуд} мана бу оядта Бани Исройлнинг яна бир түғёнини баён қиласди. Бани Исройл қишлоққа киришда хатти-ҳаракатга, яъни эгилиб ва "афв эт", деган сўзни айтиб киришга буюрилган ёди. Улар Аллоҳ ^{субханаху}_{да таваҳуд}га осий бўлиб, Унинг ҳукмларидан оғиб, бу ҳар икки буйрукни бузишиди. Қишлоққа эгилиб, сажда қилган ҳолатда кириш ўрнига кўкракларини тепага қилиб, кетлари билан судралган ҳолатда киришди. Аллоҳ ^{субханаху}_{да таваҳуд}нинг қишлоқ дарвозасидан эгилиб, тавозеъ билан киришга бўлган буйругини бузиб, ўзгартириб, масхара қилишиди. "جَنَاحٌ - افْ وَ افْ" – **афв эт**" калимасини қасддан "جَنَاحٌ - بَعْدَهُ", яъни нон калимасига алмаштириб айтишиди. Аллоҳ ^{субханаху}_{да таваҳуд}нинг кўрсатмасини ўзгартирибгина қолмай масхара ҳам қилгандар учун Унинг жазосига гирифтор бўлишиди.

Абу Хурайра ^{رضي الله عنه} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ ^{سُبْحَانَهُ وَ تَبَارَكَ بِهِ} باني Исройлга дарвозадан сажда қилиб, "اف وَ اف" деб, эгилиб киринг, сизларнинг хатоларингизни кечиралиб дейилди.* Улар ўзгартириб, "авф эт", дейиши ўрнига буғдой деб, кетларига судралиб, киришди дедилар. (Ином Бухорий ривояти)

Бани Исройл килган қабоҳатнинг улканлигини, уларга осмондан туширилган жазога фақат ўзлари сабабчи эканини таъкидлаш учун Аллоҳ ^{سُبْحَانَهُ وَ تَبَارَكَ بِهِ} – зулм қилганлар калимасини бир оядта икки марта тақрорламоқда. رَجَزًا مِنَ السَّمَاءِ – **осмондан жазо** деб келтирилиши ҳам аҳамиятга моликдир. Одатда жазо икки хил бўлади. Бир хили инсон томонидан бўлади ва уни даф қилиш имконияти ҳамиша мавжуд. Иккинчи хили эса ўлим, касаллик каби инсон тарафидан бўлмайди ва уни даф қилишга инсоннинг қудрати етмайди. Бу оядта Бани Исройлга юборилган жазони даф қилишнинг мутлақ иложи йўқлигини билдириш учун من السَّمَاءِ – **осмондан** калимаси қўшиб келтирилди. Бундан ташқари бу оят Аллоҳ ^{سُبْحَانَهُ وَ تَبَارَكَ بِهِ}нинг буйрукларини ўзгартирган ҳар қандай кимсанинг золим эканлигига шубҳа йўқлигига ишора ҳам қилмоқда.

Муфассир уламолар رجرا - **жазо** калимасидан Аллоҳ ^{سُبْحَانَهُ وَ تَبَارَكَ بِهِ}нинг Бани Исройлга юборган тоун касаллиги қўзда тутилган ва унда қиска фурсатда етмиш минг киши ҳалок бўлган, дейдилар ва фикрларига куйидаги ҳадисни далил қиласди.

Усома ибн Зайд ^{رضي الله عنه} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ ^{سُبْحَانَهُ وَ تَبَارَكَ بِهِ} тоун – Бани Исройлнинг бир тоифасига юборилган жазодир дедилар.* (Ином Бухорий ривояти)

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{رضي الله عنه} Аллоҳнинг китобидаги барча رجرا - **жазо** сўзидан азоб назарда тутилган деганлар.

кўрмасангиз ҳам У сизни **кўриб турди дедилар**. (Имом Бухорий ривояти)

Уламолар соғлом эътиқодни маҳкам тутган, нафсини гуноҳ ишлардан жиловлаган, Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}нинг фарзларини буюрилганидек мукаммал адо этган, ёмонлигини мусулмонга қаратмаган, ҳар бир сўзи ва амалини Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо} кўриб турди, деб эътиқод қилган киши – **муҳсин** деганлар.

Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо} Куръони Каримда Ўзининг маъйят – биргалигини ҳам тақво қилган муҳсин кишиларга чеклаб, марҳамат қиласди:

Аллоҳ тақво қилган ва муҳсин бўлганлар билан биргадир. (Нахл сураси, 128 – оят)

Демак, муҳсин киши ҳар бир амалини Росулуллоҳ ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} га эргашган ҳолда ва фақат Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}нинг розилиги учун қиласди. Бу унинг ажралмас икки сифатидир. Эҳсон эса – Росулуллоҳ ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} айтганларидек Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}нин кўриб тургандек ибодат қилиш, амалларни фақат Ўнинг розилиги учун бўлишига ҳаракат қилиш, дин ишларида Мухаммад ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} га сўзсиз эргашишдир. Зоро, эҳсон – Росулуллоҳ ^{сұбханалу}_{ажаҳи ад салам} нинг шаҳодатлари билан диндир.

Мана бу ояддаги سَنْزِيدُ الْمُحْسِنِين – **муҳсин** кишиларга яқинда яхшиликларни зиёда қиласмиз ибораси дикқатни тортади. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}нинг марҳаматига сазовор бўлиш учун бандага гуноҳларига тавба қилишининг ўзи кифоя эмаслиги, балки бу учун муҳсинлар қаторидан жой олишга ҳаракат қилиши кераклигига ишора қилинмоқда. Зотан Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо} дунё ва охирадаги Ўзининг улкан марҳаматларида факат муҳсин кишиларни мушарраф айлайди.


Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}нинг неъматларига нонкўрлик қилган, Унга бузокни шерик қилган, пайғамбарга "Аллоҳни кўрмагунимизча сенга ишонмаймиз", деган ва шу сабабли саҳрова тентираб юрган кимсаларга **қишлоққа киринглар** деган хитобни эшитишларинг ўзи катта неъмат эди. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо} уларга неъматни яна ҳам зиёда қилиб, ундаги ноз-неъматлардан бемалол енглар, деди.

Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо} Бани Исройлга қишлоқнинг дарвозасидан киришда Унга эгилиб, тавозеълик билан илтижо қилиб киришликка ва кириш олдидан "Хиттотун¹ – хато ва гуноҳларимизни кечиргин" сўзини айтишликка буюрди. Лекин улар бу буйруқни бажариш ўрнига:

¹ Хозирги кунда ҳам Масжидул Ақсанинг дарвозаларидан бири "Хитта" дарвозаси деб аталади.

Хозирда ҳам Куръони Каримни сохта обрў ва арзимас сариқ чақаларга сотиб, ҳукмларини бузаттган жирканч кимсалар топилади. Улар Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}нинг каломини арзимас мартаба ва мол-дунё учун пуллашади. Икки кунлик хаётини афзал санаб, динни булғашади. Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}дан қўрқмай, кимлардандир қўрқиб ҳақни яширишади. Молу дунё ёки салтанат эгаларининг бузук қилмишлари ёки номаъкул сўзларини оқлаш учун кўринишда оят ва ҳадисларга "тўғри келадиган", аслида эса дин ҳақиқатига мутлақ бегона фатволарни кигиз китоблардан чиқариб беришади. Бундай сайратма "олимлар" ҳам бу оятни эшитганмикин?! Мана бу оят бундай жирканч кимсаларнинг, зоҳирда исломий либослар кийиб, қўлларию тилларидан тасбих тушмаса ҳам, аслида Исломга коғир бўлган яхудлардан фарқи йўқлигига ишора қилмоқда.

Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}нинг каломи бўлмиш Куръони Карим, шубҳасиз, эҳтиром килиниши керак. уни беркитиши ёки кимнидир риоя қилиб, унинг ҳақиқатини яшириш – Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}нинг оятларини арзимас пулга сотиши демакдир. Лекин, ҳеч кимни риоя этмай, ҳақни айтиш осон эмас. Бунинг учун қалб ягона Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}дангина қўрқадиган бўлиши керак. Шунинг учун Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо} "Фақат Мендангина қўрқинг! Гуноҳлардан тийилинг! Тақво қилинг! Куръони Каримга коғир бўлиб, Росулуллоҳ ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} га қаршилик қилишда Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}дан қўрқинг!" деб амр қилди.



42. Ҳақни ботил билан аралаштирмангиз ва била туриб ҳақни яширмангиз!

Эй Бани Исройл! Муҳаммад ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} нинг Тавротда зикри келган ҳақиқий сифатларини ўзингиз ёзган бошқа ҳар хил ботил тўқималар билан қотиштирманг! Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо} нозил этган ҳақиқат билан одамларни адаштириш учун "Муҳаммад ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} арабларгагина жўнатилган пайғамбар, Бани Исройлга эмас", деб тўқиётган ботилларингизни аралаштирманг! Муҳаммад ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} нинг пайғамбар эканлигини, ҳақни яшириш оқибати нима билан тугашини билиб туриб, яна ҳақни беркитманг!

Куръони Карим нозил бўлаётган чогда таълим соҳасида араблар яхудийларга нисбатан қолоқ эди. Яхуд олимлари ўзларини художўй, илмли, маданиятли, пайғамбарзода қилиб кўрсатиб, арабларнинг юксак ишонч ва ҳурматига сазовор бўлишган эди. Шундай бир пайтда Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо} Куръони Каримни нозил қилди. Росулуллоҳ ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} дан ажиб бир тароватга эга оятларни эшитган мадиналиқ араблар пайғамбарзодалик ва аҳли китобликни даъво қилган яхудларга маслаҳат сўраб мурожаат қилишиди.

Бани Исройл Муҳаммад ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} нинг барҳақ пайғамбар эканлигини билди. Яхудлар Росулуллоҳ ^{сөздаллоу}_{ажаҳи ад салам} нинг ёлгиз Аллоҳ ^{сұбханалу}_{да таъвудо}га ибодат қилишга чақиришларини, ўтган пайғамбарлар, самовий китоблар,

малоикалар, Қиёмат куни ҳақида айтаётган ҳабарларини буткул инкор қилишолмас эди. Бироқ, Росулулох сұлталуқ
ақапқынадан нинг пайғамбарликларини тасдиқлашга уларнинг ёвгарилик табиати йўл қўймади. Шунинг учун ҳақиқатни яшириб, Тавротда келган Росулулох сұлталуқ
ақапқынадан нинг сифатларини ўзгартиришди. Ҳақни ботилга аралаштиришда Бани Истроилнинг олдига тушадиган хеч ким йўқ эди. Хозир ҳам шундай. Улар Исломга нисбатан шубҳа ўйготиш учун бир-бирларига:




...Мўминларга нозил қилинган нарсага куннинг аввалида иймон келтирингда, охирида уни инкор қилинг, шояд улар динидан қайтиб кетсалар дейишиди. (Оли Имрон сураси, 72 – оят)

Одамларни йўлдан оздиришда ҳакни беркитишдан кўра, уни ботилга аралаштиришнинг хатари ёмон. Дин душманлари одамларни чалғитиши учун Қиёматгача шу усулни қўллашади. Аввалда Исломни, унинг баъзи ҳукмларини ҳақ деб, бир-оз мақташади. Бундай гапларини эшитган ё шу ҳақдаги мақолаларини ўқиган содда, оддий одамларда уларга нисбатан ишонч пайдо бўлади. "Ўзи Исломда бўлмаса ҳам, унинг ҳақлигини "тан оладиган" "инсофли, холис" киши экан," деб бундай маккор кимсаларнинг сўзларини қабул қила бошлайди. Ана шу пайтда улар бундай содда одамларга қаратса ўзларининг заҳарли ўқларини отишиди. Оддий кишилар уларнинг гапидаги ботилни ҳақдан фарқлолмай қолади. Бундай кимсалар энг моҳир адаштирувчиidir. Бани Истроил айни шундай табиатга эга.

Бу оят Қиёматгача бўлган илм ахлини сергакликка чорлайди. Демак, мусулмон уламолар ана шундай маккор кимсаларга нисбатан огоҳликни йўқотмаслиги керак. Олимлар одамларга ботилдан ҳакни ажратиб, ошкор килиши лозим. Ҳакни ёритишида, уни ботилдан ажратишида илм ахлиниг масъулияти ниҳоятда катта. Зоро, одамлар дин ишларида олимларга эргашади.

Аллоҳ сұлталуқ
да таъвуд Бани Истроилни иймон келтиришга, коғир бўлмаслиkkа, оятларини арzon баҳога сотмаслиkkа, ҳақни ботилга қоришириб яширмаслиkkа буюрганидан сўнг қуйидаги оятда Исломнинг асосий руқнлари бўлган намозни барпо қилинг, закотни адо этишга буюради:



43. Намозни барпо қилинг, закотни беринг ва эгилувчилар билан бирга эгилинг!

Эй Бани Истроил! Эй Бани Истроилга ўхшаб ҳакни ботилга аралаштираётган ва беркитаётганлар! Сизлар бу йўлларингиздан қайтиб, намозни вақтларига риоя этиб, барпо қилинг! Аллоҳ сұлталуқ
да таъвуд нинг оятларини озгина баҳога пуллаш ўрнига, мўминлар зиммасига фарз

килди. Бу эса шунчалар саркаш ва итоатсиз кимсалар учун зиёфатнинг ўзидан кўра ҳам улуғроқ марҳамат эди.

Аллоҳ сұлталуқ
да таъвуд Бани Истроилни қирқ йил мана шундай табиий таомлар билан тинимсиз ризқлантириб турди. Осмондан тушаётган ризқ шу даражада мўл эдики, у билан бутун бир бошли ҳалқ сахрова қирқ йил мобайнida очарчилик ва қаҳатчилик нималигини билмай яшади.

Аллоҳ сұлталуқ
да таъвуд ризқ килиб берган нарсаларни еб, Раббilariga шукур килиб юришса бас эди. Лекин улар шунча неъматларнинг шукронасини бажо келтириш ўрнига, аксинча, нонқўрликларида давом этишиди. Улар бу билан Аллоҳ сұлталуқ
да таъвуд газул қилишмади, балки ўз жонларигагина зулм қилишиди.

Плечи – зулм қилишади калимасининг ҳозирги ва келаси замонда келиши яхудларнинг ҳанузгача бутун олам узра зулм уруғларини сочишида давом этаётганликларига ишора қилипти.

Бани Истроил шу ҳолатда сахрова 40 йил қолиб кетди. Маишат касалидан батамом фориг бўлиб, сахронинг қаттиқчилиги билан чиниқдан авлод этишиб чикқанидан сўнг Аллоҳ сұлталуқ
да таъвуд уларга Байтул Мақдисга киришга изн берди:

58. Ушбу қишлоққа кириб, унинг таомларидан хоҳлаган ўрнингизда бемалол енг! Дарвозадан сажда қилиб, "авф эт" деб эгилиб киринг, сизнинг ҳатоларингизни кечирамиз ва муҳсинларга яқинда яхшиликларни зиёда қиламиз деганимизни эсланг!

Эй Бани Истроил! Ўжарлигинги сабабли бир канча вакт сахрова саргардон бўлганингиздан сўнг "Сизларга Аллоҳ сұлталуқ
да таъвуддан қўрқан ҳолда, Унга бўйсуниб, сахронинг жазирама иссигидан қутқаргани учун шукур қилиб, эгилиб қишлоққа киринг!" Ундаги ноз-неъматлардан хоҳлаганча тановул қилинг! Факат бу қишлоқнинг дарвозасидан киришда "Эй Раббимиз! Тилагимиз – гуноҳларимизни афв этгин," деб киринг. Шунда, гуноҳларингизни кечирамиз, ичингиздаги муҳсин кишиларга бу калима сабабли яхшиликларни зиёда этамиз, деганимизни эсланг!

Муҳсин, эҳсон деганда аксар жоҳил одамларнинг кўз олдига маҳалласига ош берган, ўлган ота-онасига худойи қилганларгина келади. Аслида шундайми?

Бир куни Росулулох сұлталуқ
ақапқынадан саҳобалар даврасида ўтирган эдилар. Шунда Жибрил ақапқынадан саҳобаларга динни ўргатиш учун инсон киёфасида келиб, Росулулох сұлталуқ
ақапқынадан иймон, Ислом, эҳсон ва Қиёмат ҳақида сўрадилар. Росулулох сұлталуқ
ақапқынадан ўша саволларга жавоб бера туриб, эҳсон ҳақида куйидагича марҳамат килдилар:

Абу Хурайра рөзілдулоқ
анъу ривоят қилдилар: Росулулох ақапқынадан **Раббингизни кўриб тургандек ибодат қилмоғингиз – эҳсондир.** Зоро, сиз Уни

56. Сўнгра шояд шукур қилсангиз деб сизларни ўлганингиздан сўнг яна қайта тирилтиридик.

Эй Бани Иброил! Сизлар унга ишонишни истамаган, уни бехурмат қилган Мусо алайхис салам нинг дуоларини ижобат қилиб, ўлганингиздан сўнг энди шояд ақллари қириб қолса, шояд шукур қилсалар, деб сизларни яна тирилтиридик.

Мусо салом мана шундай ахволга тушдилар. Қавмларидан танланган энг сара одамлардан кутилмаган ишлар содир бўлди. Аллоҳ субханаху аттаро уларни яшин билан ҳалок қилди. Мусо алайхис салам Аллоҳ субханаху аттаро ёлвориб сўрадилар. Аллоҳ субханаху аттаро Ўзининг улуғ пайғамбарларидан бўлмиш Мусо алайхис салам нинг дуосини ижобат қилиб, яшинда ҳалок бўлғанларни қайта тирилтирид¹.

Даъват йўлида машаққатларни бошдан ўтказган кишилар бу ҳолатни яхши тушунишади. Баъзан жуда муҳим ишлар учун танлаб, ихтиёр қилинган кишилар манзилга етиб боргач, тубдан ўзгариб қолади. Ҳақиқатни тушунган, энг сара, яқин кишилардан кутилмаган ишлар содир бўлади. Сиз энг ишонарли, деб билган кишилар кутилмагандан панд беради. Баъзан мақсадга эришиш йўлида минг хил машаққатларни бирга кечирган, ёнингиздаги энг содик кишилар шу даражада ўзгарадики, уларни танимай қоласиз.

57. Устингизга булатни соябон қилдик, сизларга осмондан ҳалво ва бедана гўштини туширидик. Биз сизларга ризқ қилиб берган покиза нарсалардан енглар дедик. Улар бизга зулм қилишмади, лекин фақат ўзларигагина зулм қилишади.

Бани Иброил пайғамбарларига осий бўлғанлиги сабабли сахрова сарсон бўлиб юрганида, кўёшнинг жазирама иссиғидан сақлайдиган чодир ё бирон бошпана йўқ эди. Агар устларига булатни соябон қилинмаганда, жазирамада ҳалок бўлишлари турган гап эди. Аллоҳ субханаху аттаро устларига булатни соябон қилдики, у қаерга боришимасин, соя бериб турди. Эрта тонгдан то кечга қадар уларга осмондан ҳалво ва бедана гўштларини ёмғирдек ёғдириб турди. Бу ризқка эришишда улардан хеч қандай меҳнат ё куч кетмади.

Инсон бир зиёфатга таклиф этилиб, зиёфат сохиби унга марҳамат кўрсатиб, мулозамат қилиб турмаса, зиёфат кўнгилдагидек ўтмайди. Бордию, агар зиёфат эгаси обрўли одамлардан бўлса ва меҳмонларга: "Олинглар, марҳамат, еб-ичинглар, ош бўлсин", деб турса, гарчанд бу зиёфат оддийроқ бўлса ҳам, кўнгилдагидек бўлади. Аллоҳ субханаху аттаро Бани Иброилга сахрова зиёфат бериш билан бирга "Биз сизларга ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб-ичинглар", деб марҳамат ҳам

¹ Бу ҳакда "Аъроф" сурасида батафсил баён қилинади. Насиб этса, ўз ўрнида муфассал тўхталиб ўтилади.

қилинган закотни Ислом шариати кўрсатган ўринларга бериб ўтанг! Муҳаммад салом ва у кишининг саҳобалари ҳамда уларнинг йўлларига эргашган мўминлар билан Аллоҳ субханаху аттаро нинг ибодатига эгилиб, намозхонлар билан бирга рукув қилинг!

Закот калимаси ортиқча, поклаш, савоб каби маъноларни ўз ичига олади. Ислом истилоҳида мўмин кишининг шариат белгилаб берган меърдан ортиқча моли йил айланиши билан камаймаган бўлса, унинг кирқдан бирини Аллоҳ субханаху аттаро кўрсатган ўринларга бериши – закот дейилади.

Аллоҳ субханаху аттаро Куръони Каримнинг 32 ўрнида намоз билан закотни ёнма-ён зикр қилган. Зоро, закот ҳам худди намоз каби Исломнинг асосий руқнларидан бўлиб, унинг фарзлиги намознинг фарзлигидан кам эмас.

Шариат истилоҳида икки қўлни тиззага қўйиб, белни ростлаб, нигоҳини сажда ўрнига қаратиб эгилиш – рукуъдир. У намознинг асосий руқнларидан биридир. Бу ўринда Аллоҳ субханаху аттаро масалани яна ҳам ойдинлаштириб, намоздан мурод – мусулмонлар ўқийдиган намоз эканини билдирияпти. Чунки, рукув яхудларнинг намозида бўлмаган.

Рукув намознинг асосий руқнларидан экан, уни мукаммал адо этиш лозим. Ҳузайфа رض бир кишининг рукув ва саждани мукаммал адо этмаганини кўриб, намоз ўқимадинг, агар шундай ҳолатда ўлсанг, Муҳаммад салом нинг динидан ўзга динда ўласан дедилар. (Имом Бухорий ривояти)


– اَقْبَعَا – **барпо қилинг** ва – اَرْكَعُوا – **эгилинг** сўзларининг кўплик шаклда келиб, ﷺ – **билан** ҳарфи билан яна ҳам таъкидланиши мусулмон кишининг намозлари жамоат билан бўлиши кераклигига ишорадир. Уламолар ҳам мана шу оятни жамоатнинг вожиблигига далил қилиб кўрсатишган. Зоро, Росулуллоҳ салом қуйидаги ҳадисида марҳамат килдилар:



Абдуллоҳ ибн Умар رض ривоят қилдилар: **Rosuлуллоҳ** салом **жамоат** билан ўқилган **намоз якка ўқилган намоздан йигирма етти баробар афзал бўлади дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Яхудлар Росулуллоҳ салом ҳакида сўралишса "У киши буюрган нарсага эргашинг, унинг гаплари рост, йўли тўғри," деб айтишар эди. Одамларни яхшилик қилишга буюриб, ўзлари эса гапларига амал қилишмас эди. Бошқаларни Тавротга эргашишга буюриб, ўзлари унга эргашишмас эди. Тавротда ҳам Росулуллоҳ салом нинг сифатлари, у киши пайғамбар бўлиб келганларида эргашишлик лозимлиги баён қилинган эди. Боз устига сўзига амал қилмаган кимсани Тавротда ҳам қаттиқ

маломат қилинган эди. Шу сабабдан Аллох *сұбханалу* уларни қуидаги оятда қатық коййиди:



44. Одамларни яхшиликка буюриб, ўзингизни эсдан чиқарасизми? Холбуки, китоб, яъни Тавротни тиловат қиляпсиз-ку! Ақлингизни ишлатмайсизми?!

Бани Исройлга қилинган бу хитоб қиёматгача бўлган ҳар бир илм аҳлига тааллуклидир. Даъватнинг таъсири кучи йўқолишининг ягона сири – даъват қилувчининг сўзи билан амали ўртасидаги тафовутдадир. Бу ҳолда ҳар қанча кучли даъват бўлса ҳам, унинг таъсири сезилмайди. Бир кун келиб сўзи бошқа, амали бошқа одамнинг асл башараси очилиб қолса, йиллар мобайнида қилган даъватлари бир зумда сўниб, кучини йўқотади. Динимизнинг халқ ўртасида хурмат-эътибори йўқолишининг ягона сабаби – диний олимларнинг қилаётган амали айтиётган сўзига мувофиқ эмаслигидар. Уларга ихлос килиб юрган кишилар шахсий ҳаётлари билан якиндан танишгач, кўнгилларни айнитар даражадаги ҳолатларга гувоҳ бўлиши натижасида динга бўлган ишонч халқ ўртасидан кўтарилиган. Сўзига амал қилмаслик одамларда нафақат даъватчига, балки унинг даъватига ҳам ишонкирамаслик табиатини уйготади. Чунки, улар гўзал сўзлар кетидан шармандали аҳволларга гувоҳ бўлишади. Дин арбобларига бўлган ишончнинг йўқолиши туфайли динга нисбатан ҳам ишонч сўниб боради. Инсон табиати амалсиз кимсанинг сўзига эргашишдан бош торгади. Аммо сўзи билан амали бир бўлган кишининг даъвати гарчи, ўта жарангдор бўлмаса-да, таъсири кучли бўлади.

Росулллоҳ *اللهُ أَكْبَرُ* сўзи ва амали бир-бирига номувофиқ кимсаларнинг Киёмат кунидаги аянчли аҳволи ҳакида қуидаги марҳамат қилдилар:



Усома ибн Зайд *رضي الله عنهما* ривоят қилдилар: *Росулллоҳ* *اللهُ أَكْبَرُ* **Киёмат куни бир кишини олиб келиниб, дўзахга ташланади. Ичак-чавоклари чиқиб кетиб, тегирмон айлантираётган эшакдек айланади. Шунда унинг атрофига жаҳаннам ахли тўпланиб, "Эй фалончи! Сенга нима бўлди? Ахир сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармас эдингми?" дейишади. У "Ха, яхшиликка буюрар эдиму ўзим уни**

55. Эй Мусо! Аллоҳни ошкора кўрмагунимизча сенга ҳаргиз ишонмаймиз деганингизни, шунда сизларни бир-бирингизни кўриб турган ҳолатингизда яшин урганини эсланг!

Эй Бани Исройл! Сизларни Фиръавн азобидан, гарк бўлишдан кутқариб, устингизга шунча неъматлар ёғдирсан ҳам пайғамбарингизга "Эй Мусо! Аллоҳни ошкора кўрмагунимизча сенга ишонмаймиз, пайғамбарлигингни ҳам тан олмаймиз", деганингизни эсланг! Аллох *سұбханалу*нинг улуғ пайғамбари Мусо *اللهُ أَكْبَرُ* га беҳаёларча ҳаргиз ишонмаймиз дейишга қандай журъат этдингиз?!

Аллоҳ *سұбхانалу* Мусо *اللهُ أَكْبَرُ* га Бани Исройл катталари ва пешволаридан етмиш нафарини олиб келишга буюрди. Мана уларнинг ичидан сараланган эътиқодли кишиларнинг гапи. Башарият тарихида Бани Исройлдан бошқа биронта уммат пайғамбаридан Аллоҳ *سұбханалу*нинг ошкора кўринишини талаб қилмаган.

Мана сизга нонқўрлик, мана сизга шаккоклик! Бундай беодобона табиатни фақат Бани Исройлда учратиш мумкин. Уларнинг бу беодобона сўзларига ягона адолатли жавоб – уларни яшин уриб ҳалок килишидир.

Демак, яхудларнинг Исломга нисбатан қилаётган қилмишларидан таажжубланмаса ҳам бўлаверади. Улар ўз пайғамбарларига шундай беодобона муомала қилишган бўлса, Исломга нисбатан адоват килишлари табиий ҳолатдир. Аллоҳ *سұбханалу* улар ҳакида Куръони Каримда марҳамат қилиб:

Сиздан аҳли китоблар уларга осмондан китоб туширишингизни сўрайди. Илгари Мусодан бундан-да каттароқ нарсани сўраб, "Бизга Аллоҳни ошкора кўрсатинг", дейишган. Шунда уларни бу зулмлари сабабли яшин урди дейди. (Нисо сураси, 153 – оят)

Бу оят Росулллоҳ *اللهُ أَكْبَرُ* га тасаллий берар эди. Мадиналик яхудлар Росулллоҳ *اللهُ أَكْبَرُ* нинг барҳақ пайғамбарликларини Тавротдан билишар, шунга қарамай иймон келтиришдан бош тортишар эди. Мана бу ҳолатни кўрган мушриклар "Агар Муҳаммад пайғамбар бўлганда унга биринчи бўлиб, аҳли китоблар иймон келтиришар эди", деган фикрларни ташлашди. Аллоҳ *سұбханалу* бу оятда яхудларнинг навбатдаги түғёнларини баён қиласар экан, гўё "Эй Муҳаммад *اللهُ أَكْبَرُ*! Сиз яхудларнинг бундай қилвирилларига ғамгин бўлманг! Сизга иймон келтиришдан бош тортишларига ажабланманг! Булар ўзларини унинг умматимиз деб даъво қилган бирордарингиз Мусо *اللهُ أَكْبَرُ* га ҳам "Сенга Аллоҳни ошкора кўрмагунимизча ишонмаймиз", дейишдан ҳам тап тортишмаган", дегандек бўлади.

килиб, ширк ботқогига ботдингиз! Ибодатни Аллоҳ сұханаху да тавоълодан ўзгага килиб, ўзингизга катта зулм қилдингиз ва ўзингизни Унинг азобига кўндаланг қилдингиз! Аллоҳ сұханаху да тавоълонинг неъматларини қўзингиз билан кўриб туриб, нонкўрлик қилдингиз! Ҳа, сизлар жуда оғир гуноҳга қўл урдингиз! Энди бу гуноҳдан покланишнинг йўли ҳам оғир ва ягонадир. Энди сизларни ҳеч бир айбу нуқсонсиз яратган Яратувчингизга қайтиб, Унга қаттиқ тавба килинг! Бузоққа ибодат қилмаганингиз ибодат қилганингизни ўлдирисин! Сўз билан тузалмаган кимсалар тиф билан тузалсин! Аллоҳ сұханаху да тавоълонинг бу хукмига рози бўлиб, бир-бирингизни қатл қилишнинг Яратувчингиз наздида яхшироқдир! Бу билан қилган гуноҳингиздан пок бўласиз! Мана шундай қилибина Унинг авфу мағфиратига эришасиз! Қилган гуноҳингизнинг охиратдаги жазоси олдида бу енгилроқдир! Агар Раббингиз хукмига буйсуниб, бир-бирингизни ўлдирисангиз, У тавбангизни қабул қиласди. Унинг тавбани қабул қилиш ва кечириш даргоҳи кенг, гуноҳлар ҳар қанча кўп бўлса ҳам, агар сидқидилдан тавба килинса, қабул қилгувчи Зотдир," деганини эсланг!

Пайғамбарларнинг қалби шунчалар мулойимки, шаккоклик ва итоатсизликнинг чўққисига кўтарилиган, энг ҳақоратли атамалар билан ҷақирилишга лойик бўлган, бузоққа ибодат қилган кимсаларга Мусо алайхис-салом "Эй ҳалқим", деб мурожаат қилдилар.

Бани Истроил Аллоҳ сұханаху да тавоълонинг бир-бирларини ўлдириш ҳақидаги буйргуни қисман адо этгач, Аллоҳ сұханаху да тавоъло тавбаларини қабул этиб, уларни мағфират қилди. **Тавба қилингиз** калимасига – **إلى برنك** – **Яратувчингизга** калимасини қўшиб келтирилиши диккатга сазовор. Гўё Аллоҳ сұханаху да тавоъло "Эй бандалар! Гуноҳ қилсангиз, фактат Яратувчингизга тавба қилинг! Парвардигор олдида гуноҳкор бўлиб, тавбани эса ҳар хил түғёнкор, золим, муноғиқ кимсаларга қилманг! Уларнинг ўзи гуноҳлар уммонида гарк бўлиб ётишибди-ку! Тўғри келган нарсага тавба қилиш ярамайди! Кейин тавбангиз ҳам юракдан чиксин! Зоро, У тавбангиз чин қалданми, йўқми, Билгувчидир!" дегандек бўлади.

Яратувчи – Аллоҳ сұханаху да тавоълонинг 99 та гўзал исмларидан бири бўлиб, йўқдан бор қилиб яратган, деган маънони билдиради ва Куръони Каримда фактат бир ўринда ёд қилинади.

Оятдаги ўзингизни ўлдирингиз ибораси ҳам аҳамиятлидир. Демак, бир жамиятда яшаётган инсонларнинг бир-бирини ўлдириши, гўёки ўзларини ўлдиришлик билан баробардир.

Мусо алайхис-салом Тур тогига ўzlари билан 70 та энг соф, итоатли кишиларни танлаб олиб борган эдилар. Лекин истроилий табиат – кўрган нарсагагина ишониш ва фикрий саёзлик касаллиги улардан йўқолмаган эди. Бутун бир ҳалқ ичидан танлаб олинган энг сара инсонлар тоққа боришгач, мана нима дедилар:

қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдиму ўзим уни қилаверар эдим" дейди деганларини эшиитдим дедилар. (Имом Муслим ривояти)


Куръони Карим ана шундай амалсиз кимсаларга "Одамларни яхшиликка буюриб, ўзингизни эсдан чиқарасизми?!" дебгина кифояланмай **ақлингизни ишлатмайсизми** деб уларни ақлини ишлатмайдиганлар сафига қўшмоқда.

Мазкур оят ва ҳадис сўзи ва амали бир-бирига номувоғиқ бўлган кимсаларнинг аҳволи Қиёмат кунида билимсиз кишиларнинг аҳволига нисбатан оғирроқ бўлишига ишора қилмоқда.

شَرُون – بُعْرَاسِيز ва **شَرُون – إِسْدَانْ چиқарасиз** сўзларининг ҳозирги ва келаси замон феъллари билан келтирилиши доимиийликни ифода этгани учун ғоят дикқатга сазовор. Бу нарса яхудларнинг бундай аҳволи то ҳануз давом этаетганидан ишора.

Ҳозирда ҳам эзгу ва ҳайрли ишларга "ҷақираётган" яхудларни бир текширинг! Бир тарафдан бутун инсониятни салоҳиятга, хукукларини риоя этишга, тинч-тотув яшаашга ҷақириб, иккинчи тарафдан адолат ва барқарорлик ниқоби остида бутун бир бошли ҳалқни қирғин қилиб, ерларини талаб, ер юзига зулм уругини сочишади. Бир тарафдан тинчлик, тажовуз қилмаслик ҳақида ўз манфаатларига мос келадиган битимларни тузиб, иккинчи томондан ўзлари биринчи бўлиб бузишади. Бир тарафдан атроф-муҳитни муҳофаза этишга, табиатни асраршага чорлаб, иккинчи тарафдан қудратларини ошириш мақсадида курраи заминнинг турли жойларига ҳар хил заҳарли чиқиндилар чиқарадиган корхоналар қуриб, бутун оламни заҳарлашади. Бу ҳам етмагандек уларнинг бундай бир томонлама "даъват"ига лаббай демаганларни хуррият ва эркинликка раҳна солувчи "инсоният душмани" деб аташдан ҳам ҳаё қилишмайди.

Ҳақиқатан ҳам сўз билан амални бир хилда олиб бориш осон эмас. Аллоҳ сұханаху да тавоъло бу оғир ишда қўмак бўладиган озуқани қаердан олиш кераклигини қўйидаги оятда таълим беради:



45. Сабр ва намоз билан ёрдам сўранг! Албатта, бу тавозеъли кишилардан бошқаларга жуда оғирдор.

Сўз билан амални бир хил қилишда ва бошқа барча ишингизда ўзингизга сабру бардошли лозим тутинг! Шунингдек, Исломдаги энг катта тарбия воситаси бўлган ибодат – намоз билан ёрдамланинг! Зоро, намоз барча разолатдан тўсиқ, сабр эса барча фазилатнинг қалитидир.


Намоз билан ёрдамланишнинг маъноси нима? Аввало, намоз – мўминнинг Аллоҳ сұханаху да тавоъло билан гойибона учрашадиган ибодатидир. Намоз воситасида Яратувчисига боғлана олган инсон ўзида улкан бир руҳий қувватни хис этади. Фоний қувват азалий қувват билан улангач,

сўз ва иш бирлиги йўлидаги ҳар қандай қаршиликни енгид ўтувчи куч пайдо бўлади.

Хузайфа роятилоу ахуу ривоят килдилар: *Росулуллоҳ* сөзчилеку азаси иш саллам ни бирон иш гам-кайгуга солса, намозга интилар эдилар дедилар. (Абу Довуд ривояти) Намоздан фориг бўлгач, бошларига тушган ҳар қандай ғамни кўтара оладиган бўлар эдилар. Биз ҳам ҳақиқий суратда намоз ўқий олсан, шундагина сабр ва намоз билан ёрдамланиш маъносини тушуна оламиз.

Али ибн Абу Толиб роятилоу ахуу сабрни ўзингизга лозим тутин! Унинг иймондаги ўрни бошининг жасаддаги ўрнига ўҳшиайди. Боисиз жасадда яхшилик бўлмаганидек, сабрсиз иймонда ҳам яхшилик йўқ дедилар.

Ҳаққа иймон келтириш, уни ботилга аралаштирмаслик, одамлардан яширмаслик, сўз билан амални бир-бирига мувофик қилиш, умуман, исломий таклифотлар иймонсиз кимсаларга оғир машакқатдир. Аллоҳ субханаху да таъвудо Куръони Каримдаги марҳамат қилиб,



...Муширикларга сиз унга даъват этаётган нарса оғир келди дейди. (Шуро сураси, 13 – оят)

Баъзи муфассир уламолар **албатта**, бу жуда оғир оятидаги **бу** олмоши намозга ишора қилипти, деганлар. Баъзилар эса **бу** олмошидан мурод – даъватдир, деганлар. Даъват – ҳаққа иймон келтиришга, уни озгина баҳога сотмасликка, ботилга аралаштирмаслик ё яширмасликка, сўз билан амални мувофик қилишга чакириш маъноларини билдиради.



46. Раббиларига йўлиқувчи ва Унинг хузуригагина қайтувчи эканлигига инонгандар – тавозеъли кишилардир.

Аллоҳ субханаху да таъвудодан кўркувчи тавозеъли кишилар Раббилари билан рўпара бўлишларига ҳеч бир шубҳасиз аниқ ишониб, эътиқод қилишади.

Даъват – жуда ҳам оғир ишдир. Лекин, бир кун Аллоҳ субханаху да таъвудонинг хузурига қайтилишга, Унга рўпара бўлиб, ҳисоб беришга иймон келтирган кишига оғир эмас. Чунки, ҳақиқатга даъват этаётган киши елкасидан масъулиятнинг тушганини, энди Аллоҳ субханаху да таъвудонинг хузурида ҳисоб бериши осон бўлишини ўйлаб, ўзида бир енгилликни ҳис этади.

Демак, мусулмон киши ўлганидан кейин Киёмат куни, албатта, Парвардигорга йўлиқишига, қайтиш факат Унинг хузуригагина эканига аниқ ишонса, амалларини ҳам шу ишончига мувофик қилмоғи керак. Бирон бир гунохнинг рўбарўсидан чиқиб қолганда бир кун келиб Аллоҳ субханаху да таъвудонинг хузурига қайтишини, У билан йўлиқишини эсласин. Унда тавозеъли кишиларнинг сифатлари топилса, уни сабрга етаклайди. Ибодатга эгилиш ҳам, гунохлардан қайтиш ҳам унга кийин бўлмайди.

53. Шояд ҳидоятлансангиз деб, Мусога Китоб ва Фурқонни берган вақтимизни эсланг!

Эй Бани Исройл! Мусо алайис-саламга ҳақ билан ботил, ҳидоят билан залолат, ҳалол билан ҳаром орасини айриб берувчи Тавротни берганимизни эсланг! Шояд унинг оялларини тафаккур этиб, хукмларига амал қилиб ҳидоятлансангиз!

Мусо алайис-салам муножот учун борган пайтларида Аллоҳ субханаху да таъвудо у кишига Тавротни берди. Тавротда одамларнинг тўғри йўлга йўлланиши учун зарур бўлган ҳидоят ва нур бор эди. Аллоҳ субханаху да таъвудо Куръони Каримдаги "Моида" сурасининг 44 – оятида марҳамат қилиб:

Биз унда ҳидоят ва нур бўлган Тавротни туширдик дейди.

Мужоҳид Фурқондан мурод **Тавротдир**, бу ўринда унинг икки хил номи келтирилган, деганлар. Баъзи уламолар **Фурқон** – Таврот, Инжил, Забур ва Куръони Каримнинг умумий номи, деган бўлсалар, баъзилар бу ўринда нусрат маъносида деганлар. Аксар муфассир уламолар **Китоб** билан **Фурқон** ўргасидаги **в – ва** боғловчи ҳарфни ўзидан аввалги калимани изоҳлаш учун келтирилган, деганлар. Баъзи муфассир уламолар бу оядаги **Фурқон** калимасига Куръони Карим маъносини бериб, "Шояд ҳидоятлансангиз деб Мусо алайис-саламга Тавротни, Мухаммад алайис-саламга Куръони Каримни бердик," деб тафсир қилишган. Лекин бу фикр кўпчилик томонидан маъқул деб топилмаган.

Бани Исройл шунча неъматларни кўриб ҳам саркашлиқ ва шаккоклик йўлидан тийитмади. Аллоҳ субханаху да таъвудонинг неъматлари зиёда бўлгани сари, уларнинг ўжарликлари ҳам ортиб борди. Бани Исройл тарихи бундай унсурларга тўла.

Инсоннинг саркашлиги қаттиқлашгач, энди унга мулойим сўз ва юмшоқ насиҳатлар кор қилмай қўяди. Аллоҳ субханаху да таъвудо бундай қаттиқ қалбларни даволаш учун уларнинг тавбасини ҳам қаттиқ суратда қилди:

54. **Мусо қавмига "Эй ҳалқим! Сизлар бузоқни** маъбуд қилиб олишингиз билан, албатта, ўзингизга зулм қилдингиз!

Энди Яратувчинингизга тавба қилиб, ўзингизни ўлдиринг! Мана шу сизлар учун Яратувчинингиз наздида яхшироқдир", деган вақтими эсланг! Аллоҳ сизларнинг тавбанинг қабул қилди. Албатта, У тавбаларни қабул қилгувчи Мехрибон Зотдир.

Эй Бани Исройл! Мусо қавмига "Эй ҳалқим! Аллоҳ субханаху да таъвудо сизларни энг даҳшатли бало – Фиръянинг зулмидан, денгизда гарқ бўлишдан ва бошингизга тушган бошқа кулфатлардан танҳо Ўзи сақлаган эди. Ибодатга, сигинишга ҳам танҳо Ўзи лойиқ эди. Ундан ўзга яратувчи ҳам илоҳ ҳам йўқ эди. Сизларни йўқдан бор килган Зотдан ўзгага ибодат

– бузоқни сизларни шунча катта неъматлар билан буркаган Зотга шерик қилдингиз!

Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө} Фиръавнни ҳалок этганидан кейин, Мусо ^{алайхис}_{салам} га 40 кечадан сүнг Унга муножот қилиш учун Тур тогига келиши лозимлигини ва шунда Тавротни беришини вайда қилди. Мусо ^{алайхис}_{салам} соғы эътиқодли тобеъларидан етмиштасини ҳамроҳликка танлаб олиб, белгиланган қирқ кечадан сүнг, Парвардигорга муножот қилиш учун кетғанларида, Сомирий исмли бир кимса олтиндан бир бузоқ шаклини ясаб, "Мусонинг рабби шу", деб, унга ибодат қилишга чақирса, қолғанлар ўша бузоққа ибодат қила бошлади. Бани Исройл бу қилмиши билан уларга шундай улкан марҳаматлар кўрсатган Зотга бузоқни шерик қилиб, ўзларига катта зулм қилди.

Дунёда зулмнинг тури кўп, аммо уларнинг энг каттаси, шубҳасиз, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө} ширк келтиришдир. Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө} Куръони Каримда марҳамат қилиб:

Албатта, ширк энг катта зулмдир дейди. (Лукмон сураси, 13 – оят)

Наҳотки инсон шундай улкан неъматларни кўрганидан кейин ҳам бундай қабоҳатга қўл уриб, фойда ё зиён етказиш ўёқда турсин, жонсиз ва ақлсиз бўлган ҳайвонга ҳам ибодат қиласими, деган ўй келиши мумкин. Ҳозирда ҳам Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}нинг шариати туриб, ўзга маслакларни кўтариб юрган кимсалар ёки турли зиёратгоҳларга бориб, сифиниб, на динга, на ақлга тўғри келмайдиган ширк, гуноҳларни қилиб, яна бу қилмишларини савоб деб юрган кимсаларнинг бузоққа ибодат қилганлардан нима фарқи бор?!

Бани Исройлнинг бузоққа сифиниб кетиши ҳақидаги воқеа Маккай Мукаррамада нозил бўлган "Тоҳа" сурасида батафсил ёритилгани учун бу маданий сурада қисқагина тўхталинди.

Муфассир уламолар қирқ кеча зул-қаъда ойи ва зул-хижжа ойининг биринчи ўн кечаси, деганлар. Бу ўринда қирқ кун эмас, қирқ кеча дейилишига сабаб – араблар янги ойнинг кўриниши кечада бўлиб, кунлар кечалардан кейин келишига караб, кунларни кечалар билан ҳисоблашга одатлангани учундир.

Бу оят ибодатни Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}дан ўзгага қилган ҳар қандай кимса ўзига зулм қилишлигига ишора қиляпти.

52. Сўнг Биз сизларни шундан кейин ҳам, шояд шукур қиласиз деб, афв этдик.

Эй Бани Исройл! Қилган бундай катта гуноҳингиз учун сизларни азобламай яна бир бор афв этдик. Тавба қилиб, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}нинг тоъат-ибодатида бўлармикансиз, бошингизга азоб туширилмагани учун шукур қиласикансиз, деб яна бир имконият бердик.

Агар бемор аччиқ дорилар унинг шифо топишига ёрдам беради деб ишонса, ҳар қанча аччиқ бўлмасин, уларни ичиши осон бўлади. Агар унда бу ишонч бўлмаса, уларни ичиш гўё заҳарни ичишдек қийин туюлади. Шунга ўхшаш бир кун келиб, албатта, Раббимга йўлиқаман, ўшанда Раббим мени амалимга мувофиқ ҳисоб-китоб қиласиди, деган мустаҳкам эътиқодга эга қишиларга исломий таклифотлар, дин йўлида етадиган ҳар қандай нарса оғир бўлмайди.

Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}нинг хузурида ҳисоб беришга ишонмаган ёки бунга суст эътиқод билан ёндашган одамнинг даъват қилиши ҳақиқатда оғирдир. Ундей кимсалар "Ҳақиқатни айтиш жуда қийин, ҳар ким ҳар хил тушунади ва ҳоказо", дейди. Лекин, дунёда ҳақиқатни айтиб кетмаса, Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}нинг хузурида жавоб бериш ундан ҳам оғирдир! Бир олим кишидан "Киёматдаги энг оғир ҳолат нима?" деб сўрашганида, "Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}нинг хузурида "Олим бўлдинг, ўқиган илмингнинг қанчасига амал қилдинг?" деб сўралиш мен учун энг оғир ҳолатдир", деган экан.

Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө} бизнинг аҳволимизни ўзи ўнгласин. Ҳаммамизнинг ён-атрофимизда, оиламида, қариндош-урӯғларимизда беҳисоб мункар ишлар содир бўлмоқда. Фарзандларимиз Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}нинг ибодатидан четда, биз эса уларга ҳакни айтиб, даъват қилмаймиз. Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}нинг оятларини билдиримаймиз. Аввало, ўзимиз билмаймиз, билғанларимиз амал қилмаймиз. Ҳакка даъват қилиш йўлида турли тўсик ва машаққатлар бизга оғир туюлади. Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө}га рўпара бўлишимизга ишончимиз комил бўлганда эди, даъват йўлидаги машаққатлар биз учун анча осон кечган бўлур эди.

بِئْتَنِي إِسْرَاهِيلَ أَذْكُرُو وَبِعَمَتِي أَلَّيْتَ أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَتَّقَلَّشُكُمْ عَلَى الْعَلَمِينَ

47. Эй Бани Исройл! Сизларга инъом қилган неъматларимни ва ўз даврингизда сизларни бутун оламлар узра афзал этганимни эсланг!

Эй Бани Исройл! Сизларга берган сон-саноқсиз неъматларини такроран эсга олинг! Сизлардан пайғамбарлару подшоҳларни узмадим. Бошка ҳалқлар ичида етакчи бўлиб яшадингиз! Менга шукур қилиб, буйруқларимга итоат этиб, мана шу неъматларимни ёдга олинг¹!

Неъматларимни эсланг деган сўз таъсир қилмайдиган бундай қаттиқ қалбга энди даҳшатли ва қўрқитувчи сўзларгина фойда бериши мумкин. Шунинг учун Аллоҳ ^{сұханаху}_{әт таъвөлө} куйидаги оятда Қиёмат кунининг оғир ҳолатларини тасвирлаб, Ундан қўрқишиликка буоради:

وَأَنْقُوا بِيْهُمَا لَا تَجْرِي نَفْسٌ عَنْ ذَقْنِ شَيْءٍ وَلَا يَقْبَلُ مِنْهَا شَفَعَةً وَلَا يُؤْخُذُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنَصَّرُونَ

¹ Бу оят мазмунан 40 – оятга ўхшаш бўлгани учун уни ўрганишда ўша оятнинг тафсирига такроран мурожаат қилиш тавсия этилади.

48. Бирор бирорга ҳеч бир *ишини ўтаб беролмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган ва* азобдан қутулиш учун *ундан эваз ҳам олинмайдиган, уларга ёрдам берилмайдиган кундан қўрқинг!*

Эй Бани Исройл! Хидоятимга эргашмаган, Мухаммад сөзларину ахадиҳи салам га иймон келтирмаган кофиirlарга Қиёмат куни тайёрлаб қўйган азобларимдан қўрқинг! Бу кунда ҳеч ким ўзидан бошқанинг ўрнига ҳеч нарсани ўтай олмайди. У кунда ҳамма ўзи учун шахсан ўзи жавоб беради. Аллоҳ субханаху вілаяту га кофир бўлган кимсадан шафоат қабул қилинмайди! Аллоҳ субханаху вілаяту нинг буйруқларини писанд қилмаганлардан азобдан қутилиш учун ҳеч қандай эваз ҳам олинмайди. Аллоҳ субханаху вілаяту нинг азобидан қутқазиб, ёрдам бера оладиган ҳеч ким ҳам йўқ! Мана шундай кундан қўрқинг!

Яхудлар "Бизлар пайғамбарзодамиз. Аллоҳ бизни бошқалардан афзал этгани Қиёмат кунида ҳам аскатади. Биздан чиққан пайғамбарлар Қиёмат куни бизни шафоат қиласди. Биз Аллоҳ сўйган кишилармиз", деган даъволарга бурканиб яшашар эди. Табиийки, бундай даъволар уларни гуноҳлардан тўсиш ўрнига, аксинча, гуноҳлар уммонига етаклар эди.

Аллоҳ субханаху вілаяту мана бу оядта уларни бундай хом хаёлликдан қайтариб, пайғамбарзодалик, ахли китоб бўлишлик Қиёмат кунида гуноҳларининг ёмон оқибатларидан ҳаргиз сақлаб қололмаслигини билдирияпти. Аллоҳ субханаху Куръони Каримда марҳамат қилиб:



Агар ердаги ҳамма нарсалар ва яна ўшанчаси кофир бўлган кимсаларники бўлиб, **Қиёмат кунининг азобидан** қутулиш учун уларни қурбон қилишса ҳам улардан қабул қилинмайди дейди. (Моида сураси, 36 – оят)

Ер юзидаги ҳамма нарса ва яна ўшанча нарса кофиirlарники бўлса, Қиёмат кунининг даҳшатидан, Аллоҳ субханаху вілаяту нинг азобидан қутулиш учун курбон қилишга тайёр бўлишади. Бироқ қани энди кофиirlардан бирон нарса қабул қилинса!

Бу оят гўё "Эй улуғзодалик иддаоси билан фахрланиб амалсиз юрганлар! Аслзодалик эгариға мингандай эй жоҳиллар! Бойлиги ва обрўси билан маст бўлиб, ҳамма нарсани дунё билан ўлчайдиган мутакаббирлар! Улуғзода бўлсангиз, Бани Исройлча бўларсиз! Бадавлат ё ҳурматли бўлсангиз, Бани Исройлча бўларсиз! Пайғамбарзодалик, халқлар ўртасидаги етакчилик Бани Исройлга фойда бермагани каби сизларга ҳам Қиёмат куни на аслзодалигинги, на бойлигинги, на мартабангиз, умуман, солиҳ амалингиздан бошқа ҳеч нарса асло фойда бермайди!", дегандек бўлади.

Ушбу оят Аллоҳ субханаху вілаяту нинг динига унамаган, ундан ўзга йўлларни маъқул қўрган кимсаларга Қиёмат куни ҳеч қандай шафоат йўқлигига

дўстларига нажот бериб, душманларини ҳалок қилишга қодир эканини кўрсатувчи яққол бир мисол эди. Сизлар шу нарсага гувоҳ бўлдингиз-ку! Душманнинг ҳалок бўлиши ўзи бир неъмат, унинг ҳалокатини кўриш яна бир неъматдир. Бу неъматларни эсланг!

Бани Исройлни Фиръавн қийноқларидан ҳалос этиш учун Мусо алайхис салам уларга кўп ваъдалар бериб, Мисрдан кетишига кўндирилар. Аллоҳ субханаху вілаяту нинг амри билан тунда яширин равища чиқиб кетишиди. Бундан дарак топган Фиръавн лашкари билан уларнинг ортидан қувиб чиқди. Денгиз бўйига этиб келишганида ортларидан Фиръавн ҳам лашкари билан этиб келди. Шунда Аллоҳ субханаху вілаяту Бани Исройлга рўбарўларидағи денгизни шундай бўлди, унинг қаъри қўриниб, одам ўтишига кулаги килинган курук йўлакчалар ҳосил бўлди. Бани Исройл ўша йўлакчалардан ўтиб, нажот топди. Буни қўрган Фиръавн одамларига "Қаранглар! Денгиз мендан қўрканидан бўлиниб, йўлакчалар хозирлади!" деб лашкари билан ўша йўлакчаларга юрди. Ўртасига етганда Аллоҳ субханаху вілаяту денгиз бўлакларини бирлаштириб, Фиръавн ва унинг лашкарини сувда гарқ килди.

Бу қисса дастлаб "Шуъаро" каби бир қатор маккий сураларда батағсил ёритилган. Шунинг учун Куръони Карим бу ўринда тафсилотлар ҳақида тўхтамасдан фақат ўша воқеанинг Бани Исройл учун улкан бир неъмат эканини эслатиш билан кифояланмоқда.

Бани Исройл Фиръавндан қутилган мана шу кун Ашуро куни, яъни Муҳаррам ойининг ўнинчи куни эди.

Абдуллоҳ ибн Аббос розвияху анзу ривоят қилдилар: **Пайғамбар** салаҳиҳи салам **Мадинага келиб, яхудларнинг Ашуро куни рўза тутишларини кўриб, бу нима дедилар.** Яхудийлар бу яхши кундир. Бу Аллоҳ Бани Исройлни душманидан ҳалос қилган кундир. Бу куни Мусо рўза тутган, дедилар. **Мен Мусога сизлардан кўра ҳақлироқман** деб, ўша куни рўза тутдилар ва тутишга буюрдилар¹. (Ином Бухорий ривояти)

51. Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимизни, у кетганидан кейин ўзига зулм қилгувчилар бўлиб, бузоқни маъбуд қилиб олганингизни эсга олинг!

Эй Бани Исройл! Фиръавнни ҳалок қилиб сизларга нажот берганимиздан сўнг пайғамбарингиз Мусо алайхис салам га Тавротни берамиш, деб қирқ кечани ваъда қилганимизни эсланг! Сизлар эса у Парвардигори хузурига кетганда, ўзингизга зулм қилиб, аллақандай ақлсиз бир хайрон

¹ Ойиша онамиз розвияху анзу нинг ривоятларига кўра Расулуллоҳ салаҳиҳи салам рўза фарз бўлгунга қадар Ашуро куни рўза тутганлар ва тутишга буюрганлар. Рўза фарз бўлганидан сўнг Ашуро куни рўза тутиш ихтиёрий бўлиб колган. (Ином Бухорий ривояти)

айрилиб қолишдан қўрқиб, Бани Истроил ичидаги туғилган ҳар қандай ўғил чақалоқни туғилган заҳотиёқ сўйишга буюрди. Аёлларини эса хорлаш мақсадида тирик қолдириди.

Инсон ўз бошига тушган оғирликни Аллоҳ ^{сұханасу да табақо} тарафидан бир имтиҳон, деб қабул қилишга одатланиши керак. Кўпчилик бошига тушган кийинчиликлар ҳикматини бошида тушуниб етмайди. Кейинрок бу машакқатлар унинг ҳаётларида туб ўзгаришлар ясади ва улар учун ҳаётдаги энг катта неъматлардан бирига айланади. Ҳидоятга эргашмасдан, умрини беҳуда ўтказиб юрган қанча инсонлар борки, маълум бир вақт оғир дардга чалиниши ёки бошларига бирон мусибат тушиши дунё ва охиратдаги абадий саодатни қўлга киритишиларига сабаб бўлиб қолади.

Аллоҳ ^{сұханасу да табақо} бандаларини гоҳ яхшилик, гоҳ кийинчилик ва машакқат билан синаиди. Банда яхшилик билан имтиҳон қилинганда, Аллоҳ ^{сұханасу да табақо}га ҳамд айтиши, кийинчилик билан имтиҳон қилинганда, сабр қилиши керак. Шу ҳолатдагина бошига тушган синовдан муваффакият билан ўтиши мумкин.

Мусо ^{алайхис-салам} ҳам Бани Истроилни "Коинотнинг ягона эгаси – Аллоҳ ва фақат Угина илоҳ бўлишга лойиқ", деган шиорни илгари сурган ҳидоят йўлига бошлаган эдилар. Фиръавн бу йўлга тўғанок бўлишни истади. Ҳар бир даврнинг фиръавнлари ҳам халқларни саодат йўлига бошловчи кишиларга тўғанок бўлишни истайди. Тўғри йўл узра даъват этувчи кишиларга қарши имкониятларидаги барча чора-тадбирларини ишлатади. Лекин, ҳаққа чақиравчи кишилар ҳаққа хиёнат қилмай, берган аҳдларида маҳкам туришса, Аллоҳ ^{сұханасу да табақо} Мусо ^{алайхис-салам}-га нажот бергани каби уларга ҳам нажот беради. Аллоҳ ^{сұханасу да табақо} мана бу оятда бандада бошига тушган ҳар қандай мусибат ёки хурсандликни Аллоҳ ^{сұханасу да табақо}нинг имтиҳони деб қабул қилиши кераклигига, агар мусулмонлар бошига тушган мусибатларга, дин йўлида учратган машакқатларга сабр билан бардош бериб, берган аҳдларидан қайтишмаса, Аллоҳ ^{сұханасу да табақо} мусулмон жамоасини уларга зулм ёғдираётган ҳар қандай золимлардан қутқариб, нажот беришга қодирлигига ишора қиляпти.

50. Сизларни деб денгизни бўлиб, сизларни қутқарганимизни ва кўз олдингизда Фиръавн одамларини гарқ қилганимизни эсланг!

Эй Бани Истроил! Фиръавн навкарларидан холос этганимиздан сўнг Мусо ^{алайхис-салам} билан бирга чиқдингиз. Фиръавн ҳам лашкари билан ортингиздан кувиб чиқди. Ундан қочиб денгиз бўйига келдингиз. Олдингизда денгиз, ортингизда Фиръавннинг кўп сонлик лашкари. Олдингизда ҳам ортингизда ҳам ҳалокат. Шунда биз денгизни сизларга ўн икки йўлакка бўлдик. Сизлар Мусо ^{алайхис-салам} билан ўша йўллардан ўтиб нажот топдингиз. Фиръавн ҳам лашкари билан ўша йўлга юрди. Аллоҳ ^{сұханасу да табақо} уларни кўз олдингизда гарқ қилди. Бу Аллоҳ ^{сұханасу да табақо}нинг Ўз

ишора қиляпти. **биров** калимаснинг ноаниқ ҳолда келилиши Қиёмат куни солиҳ амаллардан бошқа ҳеч нарса ҳеч кимга фойда бермаслигини кўрсатади.

وَإِذْ تَجْئِي نَكْمَ مَنْ عَالَ فِرْعَوْنَ يَسْوُمُونَكُمْ شَوَءَ الْعَذَابِ يَذَّهَّبُونَ أَبْتَأَعْكُمْ
وَيَسْتَحْيُونَ نَسَاءَكُمْ وَفِي ذَلِكُمْ بَلَاءٌ مَّنْ دَرَّبَكُمْ عَظِيمٌ

49. Сизларга ёмон азоблар тоттираётган – ўгилларингизни сўяётган, аёлларингизни тирик қолдираётган **Фиръавн одамларидан сизларни қутқазганимизни эслангиз!** Ана шу ишларда **Раббингиз** тарафидан буюк синов бордир.

Эй Бани Истроил! Эсланг! Биз Фиръавн ва унинг динига эргашган тарафдорларию унга содик навкарларидан аждодингизни қутқардик. Аждодларингизни қутқарганимиз шарофати билан сизлар борсиз. Фиръавн сизларни турли хил ёмон қийноқлар билан ситам қилар эди. Ўғил чақалоқларингизни сўйиб, қиз чақалоқларингизни хизматкор қилиб ишлатиш учун қолдирар эди.

Аллоҳ ^{сұханасу да табақо} бу оятда Бани Истроил аждодини мана шундай озорлардан қутқарганини кейинги авлодларга эслатиб, аждодларини қутқариш – келажак авлодни ҳам қутқариш демаклигини, улар Аллоҳ ^{сұханасу да табақо}нинг шу неъматларини ёдга олиб, юборган сўнти пайғамбари Муҳаммад ^{саллаху альхам} олиб келган йўлни қабул қилишлари лозимлигини уқтироқда.

Фиръавн – Миср подшоҳларининг лақабидир. Қуръони Каримда келтирилган Фиръавн – Бани Истроил бошига кўп коронгу кунларни солган ўта золим подшоҳдир. Шунингдек, мусулмонларга кўп зулм қилган золим подшоҳларни ҳам Фиръавн деб аташ кейинчалик одат тусига кирган.

Яъкуб ^{алайхис-салам} ўғиллари Юсуф ^{алайхис-салам} билан узоқ айрилиқдан сўнг топишгач, Юсуф ^{алайхис-салам}-нинг таклифиға кўра бутун оиласларини Мисрга кўчириб келиб, шу ерга ўрнашиб қолган эдилар. Мисрнинг туб аҳолиси «Қибтий» деб аталаар эди. Замонлар ўтиши билан Бани Истроил билан кибтийлар ўртасида турли зиддиятлар вужудга келиб, улар кибтийлар томонидан турли тазиيқ ва озорларга дучор бўлишиди. Хусусан, Мусо ^{алайхис-салам} даврларида Фиръавннинг Бани Истроилга бўлган жабр-зулми ниҳоятда кучайди.

Ривоятларга кўра Фиръавн ёмон туш кўриб, тушида Байтул-Мақдис томонидан катта аланга келиб, бутун Мисрни ўраб олиб, барча кибтийлар уйини ёндириармишу, биронта Бани Истроил уйига кирмасмиш. Фиръавн аъёнларидан бундай ваҳимали тушнинг таъвилини сўради. Шунда унинг атрофидаги бир нечта фолбинлар "Якинда Истроил авлодидан бир бола туғилади. Салтанатингнинг заволи ва сенинг ҳалокатинг ўша боланинг кўлида бўлади", дейишди. Фиръавн тахтидан